

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ


УзБ.э
958.4
У-23

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

*тларининг номутахассис факультетлари
талабалари учун дарслик)*

*лари, дарслиklar ва ўқув қўлланмаларини
иб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича
лика мувофиқлаштириш комиссияси
тавсия этган*



«Янги аср авлоди»
Тошкент — 2003

Ўзбекистон тарихи. Т., «ЎАЖБНТ» Маркази, 2003,
675 б.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ҳаққоний тарихимизни ўрганиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Ушбу дарсликда мавжуд имкониятлардан фойдаланган муаллифлар жамоаси томонидан кўплаб тадқиқотлар ва манбаларга асосланган ҳолда Ўзбекистон тарихининг жаҳон цивилизацияси тарихида, унинг ривожланишида тутган муносиб ўрни ёритиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудларида минглаб йиллар давомида бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнлар таҳлил қилиниб, ўлкамиз тарихи миллий истиқлол ғояси билан суғорилган ҳолда янгича талқин қилинган. Дунё маданияти ривожланишига улкан ҳисса қўшган ватандошларимиз фаолияти батафсил баён этилган.

Ушбу дарслик талабалар, Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганишни хоҳлаганлар, илмий изланишлар олиб бораётганлар ҳамда тарих билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Тарих фанлари доктори, профессор

Р.Х. Муртазаеванинг умумий таҳрири остида

Масъул муҳаррирлар:

т.ф.н., доцент Б. Эшов ва

т.ф.н. М. Ҳайдаров

Таҳрирчилар:

тарих фанлари докторлари,

профессорлар Д.А. Алимова ва

Р.Г. Муқминова

© «ЎАЖБНТ» Маркази, 2003.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақиллиги яратиб берган имкониятлар туфайли нашр этилаётган ушбу дарсликда Ватанимизнинг бой тарихи ва маданияти миллий истиқлол ғояси билан суғорилган ҳолда янгича, ҳаққоний ва ҳолислик билан ёритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов мустақил тараққиёт йўлининг ижодкори ва раҳнамоси сифатида тарих фани, унинг бугунги аҳволи ва истиқболини чуқур таҳлил этиб, бу йўналишда тарихчи олимлар олдига қатор вазифаларни қўйди. Ушбу вазифалардан энг муҳими — янги жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнини бошқарадиган ва таъминлайдиган, ҳозирги давр талаби асосида янгича фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, муҳими, улар онига миллий истиқлол, Ватанга садоқат ва юртпарварлик ғояларини янада чуқурроқ сингдириш ва теран англашишдан иборатдир.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети факультетлараро Ўзбекистон тарихи кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётган мазкур дарслик олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг номутохассис йўналишдаги талабаларига мўлжалланган. Мустақиллик йилларида Ватанимиз тарихини ҳар томонлама ва изчил ўрганиш борасида самарали ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай, тадқиқотлар янада чуқурроқ ва ҳар томонлама давом эттирилиши лозим бўлган долзарб мавзулар талайгина. Шу нуқтаи назардан ушбу дарслик муаллифлари ўзбек давлатчилиги тарихи, ўтроқ деҳқончиликнинг ёйилиши ва дастлабки шаҳар маданияти, ўзбек халқининг келиб чиқиши, Уйғониш даври маданияти, Ўрта Осиё

хонликларидаги ўзаро муносабатлар, маҳаллий халқларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти, Ўзбекистоннинг совет мустамлакачилиги даври зиддиятларга бой тарихи масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тарихи ниҳоятда бой ва ранг-барангдир. Ўлкамиз ҳудудлари энг қадимги даврлардан бошлаб жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири ҳисобланиб, бу ерда дунё цивилизациясидаги маҳаллий халқларга хос тарихий-маданий жараёнлар бўлиб ўтган. Ўлкамиз ҳудудларида дунё цивилизацияси тарихий тараққиётида ўчмас из қолдирган олиму фузалолар, давлат арбобию саркардалар етишиб чиққанларки, биз улар билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Муаллифлар жамоаси 2000 йилда номутахассис йўналишдаги талабалар учун қисқача маърузалар матни тайёрлаган эди. Ушбу дарсликка ўша маърузалар матни асос қилиб олинди ва янада кенгайтирилиб, дарслик ҳолига келтирилди. Қисқача матнлар ва илгари олий таълим талабаларига мўлжалланган бошқа дарсликлардан фарқ қилган ҳолда, ушбу дарсликда ҳар бир мавзунини ёритишда ёшларда миллий ғурур, ватанпарварлик, она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган омилларга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, муаллифлар бой манбалар, архивларда сақланаётган ва ҳали кам маълум бўлган ҳужжатлар маълумотларини ҳам илк марта фанга жорий этдилар. Мисол учун, 1-мавзуда Ўзбекистон тарихи фани предмети, уни ўрганишнинг методологик тамойиллари, манбалари, объекти ва аҳамияти махсус ёритилди; 3-мавзуда ўзбек халқининг шаклланиши янги манбалар асосида ўрганилган бўлса, 4-мавзуда илк шаҳарсозлик маданияти масалалари янги археологик изланишлар асосида талқин этилди; 5-мавзуда эса антик давр Ўрта Осиё халқлари маданиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган эллинизм маданиятига алоҳида тўхталиб ўтилди; 8-мавзуда бошқа дарсликлардан фарқли ўлароқ IX-XII

асрлар маданияти Уйғониш даври маданияти сифатида алоҳида ёритилди; 13-мавзуда Туркистон Мухторияти ҳукумати, минтақадаги совет ҳукуматига ва қизил армияга қарши ҳаракат, Бухоро ва Хоразм республикаларининг фаолияти каби муаммолар ўз ифодасини топган; 14-мавзуда Ўзбекистонда 20-йиллардаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият кенг ёритилган, шунингдек, ушбу мавзуда қатағонлик сиёсатининг асосий мақсадлари маълумотлар асосида очиқ берилган; 16-мавзуда янги маълумотлар асосида Ўзбекистондаги совет мустақиллик тизимининг иқтисодий-сиёсий йўналишлари, унинг оқибатлари, халқнинг, хусусан, ўзбек халқининг ижтимоий аҳволидаги зиддиятли ҳолатлар ҳаққоний ёритишга ҳаракат қилинди. Мустақиллик даврига бағишланган мавзуларда Ўзбекистон Республикасининг асрларга тенг 11 йиллик даври якунлари ва хулосалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати фаолияти энг янги маълумотлар билан бойитилди.

Шунингдек, ўқувчиларга ёрдам бўлиши учун дарслик сўнггида хронологик жадвал ва адабиётлар рўйхати берилди.

Ушбу дарслик Ўзбекистон тарихининг қадимги тош даврларидан бошлаб, то ҳозирги кунгача бўлган катта даврни ўз ичига олади. Мавзуларни ёритиш жараёнида мавжуд ўқув дастурига асосланган ҳолда масаланинг туб моҳияти, тарихий-маданий жараёнларнинг асослари, омиллари ва ривожланиши, сабаблари, оқибатлари ва натижаларига катта эътибор қаратилди. Шунингдек, Ватанимиз ҳудудида бўлиб ўтган тарихий-маданий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар ҳақида ҳолисона хулосалар чиқаришга интилдик.

Муаллифлар тарихий адабиётлар, илмий тадқиқотлар, архив ҳужжатларини таҳлил қилган ҳолда, тарихимизни ҳаққоний ва холисона ёритиш йўлидан бориб, уни ўқувчиларга етказишга ҳаракат қиладилар. Талабаларни тарихимизни янада чуқурроқ ўрганишга ҳамда уни унутмасликка даъват этадилар. Зеро, Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек:

«Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тошини кўйяпмиз. Шундай экан, тарих сабоқлари бизни ҳар хил нотўғри қадамлардан огоҳ этувчи, сақлаб турувчи омил бўлиши лозим. Чунончи, халқ, миллат тақдирига дахлдор масалаларда пала-партиш, оқибатни ўйламасдан иш тутиш ярамайди. Яқин ўтмишимизнинг яна бир сабоғи шуки, миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзлигимизни англаш, маънавий илдизларимизни унутмаслигимиз катта аҳамиятга эга».

Ушбу дарслик кўйидаги муаллифлар жамоаси томонидан ёзилди:

1-мавзу т. ф. н. С. Холбоев; 2-3-4-5-7-мавзулар т. ф. н. Б. Эшов; 6, 9-мавзулар катта ўқитувчи А. Одилов; 8-мавзу т. ф. н. М. Тожиева; 10-мавзу т. ф. н. Х. Юнусова, катта ўқитувчи А. Одилов; 11-мавзу катта ўқитувчи Н. Полвонов; 12-мавзу т. ф. н. С. Холбоев, т. ф. н. Х. Юнусова, катта ўқитувчи Д. Ҳуроқов; 13-мавзу т. ф. н. Қ. Ражабов, т. ф. н. М. Ҳайдаров, т. ф. н. С. Холбоев, катта ўқитувчи Н. Полвонов; 14-мавзу т. ф. н. И. Шамсиева; 15-мавзу катта ўқитувчи Н. Полвонов, т. ф. н. Д. Иноятова; 16-мавзу т. ф. д. Р. Муртазаева, т. ф. н. Б. Жолдасов, т. ф. н. М. Ҳайдаров; 17-мавзу т. ф. н. Б. Жолдасов, катта ўқитувчи Д. Ҳуроқов; 18-мавзу т. ф. д. Р. Муртазаева, т. ф. н. М. Ҳайдаров; 19-мавзу т. ф. д. Р. Муртазаева, т. ф. н. Б. Жолдасов; 20-мавзу т. ф. н. Х. Юнусова, катта ўқитувчи Н. Полвонов. Адабиётлар рўйхати ва хронологик жадвални Б. Эшов, М. Ҳайдаров ва Н. Полвонов туздилар.

Ушбу мавзулар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳамкасбларга аввалдан миннатдорчилик билдирамиз.

Р. Ҳ. МУРТАЗАЕВА,
тарих фанлари доктори,
профессор

1-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИ ПРЕДМЕТИ, УНИ ЎРГАНИШНИНГ МЕТОДО- ЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ, МАНБАЛАРИ, ОБЪЕКТИ ВА АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон тарихи фанининг фан сифатида тутган ўрни, Унинг ўрганиш предмети ва объекти

Тарих фани ижтимоий тараққиёт ва ўтмишга оид ҳар хил воқеа-ҳодисаларнинг изчил ривожланиши, уларнинг қачон, қаерда, қандай ҳолатда юз берганлиги ҳамда инсониятнинг пайдо бўлиши, тадрижий-эволюцион такомил жараёни ва бошқаларни ўрганади.

Ўзбекистон тарихи умумжаҳон-инсоният тарихининг ажралмас қисми ҳисобланади. Жонажон Ватанамиз тарихи оламшумул воқеликларга жуда бой. Ўзбекистон тарихи фани шу воқеликларни бошидан кечирган қадим ва яқин аждодларимизнинг ҳаётий кечмишлари қандай бўлганлиги, жаҳон тарихи тараққиётига қўшган ҳиссаларини ҳолисона ва ҳаққоний ўрганади.

Тарихий ҳақиқат тўла рўёбга чиқишида, ҳаққоний тарих ёзилишида тарих фани предмети ва объектининг тўғри белгиланиши ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки Ўзбекистон тарихи фани учун ҳам бошқа барча фанлар қатори предмет ва объект масаласи асосий масала ҳисобланади. Зеро, фаннинг ўрганиш предмети ва объекти аниқ бўлмаса, унинг олдидаги вазифа ноаниқ бўлиб қолиши мумкин.

Ўзбекистон тарихи фани бошқа ижтимоий фанлардан фарқли ўлароқ мустақил фан. Бу унинг ўрганиш предмети ва объекти ҳамда вазифасида тўла намоён бўлади. Ўзбекистон тарихи фанининг бу ўзига хос хусусиятлари қуйдагиларда намоён бўлади: Биринчидан, у фан сифатида ўзининг бутун диққат эътиборини фақат ўтмишга қаратади, ундан сабоқ беради, хулоса чиқаради, аждодларимизнинг мозийда қолган ҳаёт тарзини, улар яратган маданий, маънавий-мафкуравий қадриятларини ўрганади.

Иккинчидан, Ўзбекистон тарихи фани бошқа ижтимоий фанларга нисбатан аниқ фан. Шунинг учун ҳам у математика усулидан кенг фойдаланади. Тарихий воқеа ва ҳодисалар қатъий аниқликда, даврий кетма-кетлик — хронологик асосда ўрганилади. Шунингдек, тарихий воқеа ва ҳодисалар, ҳужжат ва далилларнинг ҳақиқий ва ҳақиқий эмаслиги, улар қачон, қаерда, қандай тарихий муҳит ва шароитларда тарихан воқе бўлганлиги ва ниҳоят, бўлиб ўтган воқеликларнинг аниқ сабаб ва оқибатлари аниқланади. Шу билан бирга уларнинг аниқ шакл-шамойиллари ва ҳолати белгиланади.

Учинчидан, Ўзбекистон тарихи фани ўтмишда ижтимоий- иқтисодий ҳаётнинг аҳволи, ривожланиши ва таназзулининг сабаб ҳамда оқибатларини ўрганади, улардан келажак учун сабоқ ва хулоса чиқаради. Бу эса авлодлар учун дастуриламал бўлади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон тарихи фани кўп қирралилик ва хилма-хиллик хусусиятига эга. У жамият тараққиёти ва инқирозларининг фақат бир томонинигина эмас, балки унинг (жамиятнинг) ҳамма томонларини узвий боғлиқликда, бир бутунликда ўрганади.

Ўзбекистон тарихи фани унинг ўтмишдаги ва ҳозирги ҳудудида энг қадимги даврлардан ҳозиргача кечган воқеликлар, инсоният ҳаёти, табиат ва жамият тараққиёти ҳақидаги фан. Унинг ўрганиш предметиға эса мана шу макондаги жамики хилма-хил воқеа ва ҳодисалар, улардаги умумий алоқадорлик ва яхлит бирлик ҳамда қонуниятлар ва жараёнлар, умуман, халқ ва инсоннинг яратувчанлик фаолияти киради. Ўзбекистон тарихи фанининг ўрганиш макони-объекти Ўзбекистон тарихидир. Тарихий объект (макон) Ўзбекистон тарихи фанининг аниқ мақсади, вазифаси, йўналиши ва ҳаракат (фаолият) доираси (чегараси) ни белгилаб беради. Маълум бир маънода объект билан предмет бир-бириға жуда яқин тушунча бўлса-да, улар тарих фанида тутган ўрни ва вазифаси билан фарқланади.

82. Объект аниқ тарихий давр, макон, замон ва географик минтақавий чегаралар, маълум бир халқ, миллат, мамлакат тарихи билан боғлиқ бўлиб, шулар доирасидаги воқеа ва ҳодисаларни бир бутун ва яхлитликда ўз ичига олади. Предмет эса мана шу бир бутун объект ичидаги аниқ тарихий-маданий жараёнлардир.

Ўзбекистон тарихи фани фан сифатида бошқа фанлар орасида алоҳида аҳамиятга эга. У ижтимоий-сиёсий фан бўлиб, инсоният ўз ўтмишини билиши, ўзини-ўзи англаши ҳамда келажagini белгилашида асосий дастуриламал ҳисобланади. Шу билан бирга, у бу соҳадаги ягона фан ҳам эмас. Жамият, инсоният ва табиатнинг ўтмишини ўрганувчи бошқа соҳа фанлари ҳам бор. Аммо бошқа фанларнинг ҳаммаси ҳам, табиат, жамият ҳам, аввало, тарихда акс этади. Улар ҳам тарих фанининг ўрганиш объекти ва предмети ҳисобланади.

Тарих фани бошқа, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлар билан мустаҳкам ва узвий алоқа бирлигида ривожланади. Тарихчилар фалсафани, адабиёт ва тилни, диншуносликни ва бошқа фанларни билмай туриб, ҳаққоний тарихни тўла ёритиб беролмайдилар.

Шуни ҳам айтиш лозимки, тарих билан бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрганиш объекти битта, яъни жамият. Шунинг учун ҳам бошқа фанлар тарих фани тараққиётига, тарихий ҳақиқатларнинг рўёбга чиқишига бевосита ёрдам беради. Аммо, шуни таъкидлаш жоизки, тарих бошқа фанларнинг, шунингдек, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам тарихидир. Чунки бошқа фанларнинг ҳаммаси — тарих, тарихий онг ва тарихий билимлар, тарихий тафаккур тарихнинг маҳсули.

Хулоса шуки, тарих фани, яъни Ватан тарихи миллат ва Ватан тақдири ҳамда равнақ топишида муҳим ўринга эга бўлганидек, ижтимоий-гуманитар фанлар орасида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Аввало, масаланинг моҳияти шундаки, биринчидан, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожланиши ҳар жиҳатдан

тарихга, тарих фанининг нақадар ҳаққоний бўлишига боғлиқдир. Чунки улар тарих билан бевосита боғлиқ. Иккинчидан, тарих фалсафаси қанчалик тўла ва раван юзага чиқса, бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг мазмун ва моҳияти ҳамда таъсирчанлиги ҳам шунча юксак даражада бўлади. Бу тарих фанининг илмий-назарий ва методологик масалалари билан ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистон тарихи фанининг ғоявий-назарий асослари ва методологик тамойиллари

Ҳар қандай фан каби Ўзбекистон тарихи фани ҳам ўзининг ғоявий-назарий асослари, илмий таълимотлари, методи (усули) ва методологик (услужий) талаб ҳамда тамойилларига эга. Булар Ўзбекистон тарихи фанининг асосини ташкил этиб, унинг ривожланиши, жамият ва миллат манфаати йўлида нуфузининг ортиб боришида муҳим рол ўйнайди. Энг муҳими, улар Ватан тарихининг ҳаққоний ёзилиши, тарихий ҳақиқатни юзага чиқишига хизмат қиладилар.

Агар тарих инсоният учун ижтимоий зарурият ва эҳтиёж эканлиги ва тарих фани эса бу эҳтиёжга масъуллиги эътиборга олинса, илмий ғоя ва назариялар ҳамда методологик тамойилларнинг аҳамияти бениҳоя катта эканлиги янада равшан аён бўлади. Чунки булар тарихнинг мазмун ва моҳияти ҳамда фалсафасини чуқурроқ очиб беришга, шунингдек, тарих фанининг мақсад ва вазифаси тўлароқ рўёбга чиқишига бевосита ёрдам беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон тарихи фанининг ғоявий-назарий асослари, илмий таълимотлари ва методологияси нималардан иборат бўлиши ўта муҳим масала ҳисобланади. Юртбошимиз Ислом Каримов тарихнинг энг муқаддас миллий ва умуминсоний хотира ҳамда қадрият эканлигини таъкидлаб, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», «Тарих — халқ маънавиятининг асосидир», деган теран фалсафий фикрларни олға сурди. Ислом Каримов

бевосита амал қилаётган ва унинг асарлари мазмунидан келиб чиқадиган Ўзбекистон тарихи фанининг илмий методлари ва методологик тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- Тарихий ҳодиса ва воқеаларни, ҳужжат ва фактларни илмий ҳолисона ва ҳалол ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- Тарихни миллийлик ва умуминсонийлик асосида ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- Тарихни ҳаққоний объективлик, тарихий-фалсафий (тарих фалсафасини англаш) мантиқийлик асосида ўрганиш ва ёзиш;

- Тарихга миллий ва умуминсоний хотира ва қадрият сифатида ҳурмат ва эҳтиром билан эътиборли бўлиш;

- Халқ, буюк давлат арбоблари ва раҳбарлари, талантили ва қобилиятли, фидокор ва қаҳрамон кишиларнинг тарихда туган ўрнига алоҳида эътибор бериш;

- Тарихий воқеа ва ҳодиса, ҳужжат ва фактларни тўғри ва нотўғрилигини аниқлашда тарихий-танқидийлик усулига амал қилиш;

- Тарихни ўрганишда тарихий универсалликка амал қилиш;

- Тарихни илмий-ижодий қиёслаш ва танқидий асосда ўрганиш;

- Этнография, археология, антропология, генеология ва бошқа фанларнинг ютуқлари ҳамда усулларидан фойдаланиш;

- Тарихни ўрганишда ворислик ва узвийликка, энг муҳими мантиқийликка амал қилиш.

Бизнинг тарихимиз, жаҳон тарихи ҳам дин (аниқроғи динлар) билан боғлиқ. Ижтимоий ҳаётни диндан ажратиб бўлмаганидек, тарихни диндан ажратиб бўлмайди. Бу тарихга ҳам, мантиққа ҳам зид. Маълумки, совет тарих фани тарихни сохталаштирди, дин илмга зид, тарихий тараққиётга тўсқинлик қилади, деган нотўғри тушунчани юзага келтирди. Тарихни қандай бўлса, шундайлигича ўрганиш керак, деган

тушунча устувор бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам дин билан мутаносиблик асосида тарихни ўрганиш ҳозир энг асосий заруриятдир. Бу эса ёшларнинг ҳар хил дин ниқобидаги гуруҳларга алашиб кириб қолишларининг олдини олади, шунингдек, тарихимизни ҳаққоний ва тўла ёзилишига имкон беради.

Тарихий-танқидийлик илмий усул тамойили тарихимизда муаррихлар томонидан қўлланиб келинган энг қадимги усул ҳисобланади. Бу усул тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг нечоғлик тўғри ҳамда нотўғрилигини аниқлашга, тарихнинг ҳаққоний ва тўғри ёзилишига яқиндан ёрдам беради.

Истиқлол туфайли ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ва унинг методологиясини яратиш имкониятига эга бўлдик. Ўтган ўн бир йил ичида Ўзбекистоннинг янги тарихи ёзилиши ва тарих фани тез ривожланиши учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Бугунлай янги руҳ ва мазмундаги концепциялар яратилди, ўқув қўлланма ва дарсликлар, тарихий асарлар чоп этилди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ташкил этилган Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази, ЎзФА Тарих институти жамоаси ҳамда бошқа тарихчи олимларнинг илмий-ижодий фаолияти самарали бўлди.

Тарих фани ривожланиши ва тарих ёзилишида илмий-назарий таълимотларнинг ҳамда қўлланиладиган илмий метод ва методологик тамойилларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Шу жиҳатдан Ислон Каримовнинг тарих илмига оид назария ва таълимотлари ҳамда методологик тамойиллари фақат ички миллий доирадаги талабгагина эмас, балки халқаро қоидаларга ҳам мос келади.

Биринчидан, бу марксизмгача бўлган ва ундан сўнг унга муҳолифатликда иш юритиб келган анти-марксистик жаҳон тарихи фани талабларига мос келади. Бунга мисол қилиб, дин билан дунёвийликни ўзаро муътадил мутаносиблаштирувчи «ўртача йўл» таълимотини кўрсатиш мумкин. Тарихни диний ва

дунёвийлик асосида тушуниш ҳамда ўрганиш марксистик тарихчилардан бошқа тарихчиларга хос хусусиятлардан бири бўлиб келмоқда.

Иккинчидан, Маркс ва марксистларгина дахрийлик асосида бу анъанани буздилар, ўтмишни қоралаб, келажакни улугладилар. Муқаддас тарихий хогира хаспўшланиб, инсоний ўзликни йўқотиш учун беҳуда хатти-ҳаракат кучайтирилди, мустабидлик (тоталитаризм) авж олдирилиб, беғуноҳ инсонларнинг қонлари тўкилди, таъқиб, азоб-уқубат ва зулмлар авж олдирилди.

Учинчидан, Ислом Каримов тарихий таълимнинг жаҳоний аҳамияти шундаки, у тарихни марксистик таълимдан фарқли равишда умуминсоний бирлик, уйғунлик ва манфаат нуқтаи назаридан ўрганиш ва ёзиш ғоясини илгари суради.

Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласи ва тарихни ўрганишда манбаларнинг аҳамияти

Барча тарихларда бўлганидек, Ўзбекистон тарихида ҳам даврлаштириш масаласи ўта муҳим масала. У шу тарихни ўрганувчи тарих фанининг илмий-назарий асослари, методологияси ва методлари билан бевосита боғлиқ. Аниқроқ қилиб айтсак, бу масала Ўзбекистон тарихи фанининг туб илмий-назарий асосларини ташкил этади. Демак, тарих фани қанчалик ҳаққоний илмий назария, ғоя, таълимот ва методология ҳамда методлар билан қуролланган бўлса, у шунчалик тўғри даврлаштирилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, тарихни тўғри даврлаштириш, энг аввало, уни тўла ва мукаммал билишни талаб этади. Шу билан бирга, тарихчилар чуқур фалсафий билим, тафаккур, тажриба ва малакага ҳам эга бўлмоғи керак. Энг муҳими, бу масала тарихчи олимларнинг нечоғлик тўғри ва ҳаққоний назария ва таълимотларни эгаллаганига ҳам боғлиқдир.

Афсуски, Юртбошимиз эътироф этганларидек, «бизда тарих ва фалсафани узвий боғлиқ ҳолда

Ўрганиш масаласи етарли эмас. Аслида тарих ва фалсафа мантикий равишда бир-бирини тақозо этадиган, керак бўлса, тўлдирадиган, тараққиёт жараёнлари ҳақида яхлит тасаввур берадиган, оқ-қорадан фарқлашда асос бўладиган фанлардир».

Маълумки, тарихимиз жуда қадим ва катта даврни, шунингдек, туб бурилиш (юксалиш ва инқироз) босқичларини ўз ичига олади. У хилма-хил ижтимоий воқеа ва ҳодисаларга, ҳар хил диний ва маданий қатлам, ғоявий дунёқараш ва фалсафий оқимларга бой, жаҳон тарихи ва тамаддунининг энг қадимий ва навқирон ўчоқларидан бири ҳисобланади. Ўтмишда тақдир тақозоси билан тарихимиз ҳудуди маълум миқёсда кенгайиб ва торайиб келди. Бу тарихимизнинг ўта юксак, шу билан бирга, жуда ҳам мураккаб бўлганлигидан далолатдир.

Аччиқ бўлса-да, бор ҳақиқатни тан олиш жоиздир. Ҳали бизлар бу катта тарихимизни тўлалигича, у қандай бўлган бўлса, шундайлигича мукамал ўзлаштириб олганимиз йўқ. Бизлар эндигина, тарихда биринчи бор ўз тарихимизни ўзимиз тадрижийлик асосида босқичма-босқич яхлит даврлаштириб, ёзиш ҳуқуқига эга бўлдик. Шу вақтгача тўрт жилдлик китобга сиғдирилган ва юзлаб диссертация-ю монографияларда ўрганилган тарихимиз бегона ғоялар, ғайриилмий назария ва таълимотларнинг ҳукмронлиги асосида ёзилди. Аниқроғи, бу тарихни бошқалар ўз мақсади, ғояси, назария ва мафкураси сиёсатига мос равишда ёзиб, «Сенинг тарихинг мана шу» деган қатъий ҳукмини ўтказиб келдилар.

Бизлар истиқлол туфайли мана шу машъум коммунистик зуғум, илмий дунёқараш ва таълимотлардан халос бўлиш жараёни (ўтиш даври) ни бошдан кечирмоқдамиз.

Маълумки, Ўзбекистон тарихи биринчи марта совет даврида марксча-ленинча таълимот асосида бирлаштирилиб, китоб шаклига келтирилди. Бунда бутун тарихимиз, энг қадимги даврлардан бошлаб,

бешта тараққиёт босқичига бўлинди: ибтидоий жамият (ибтидоий коммунизм), қулдорлик жамияти, феодализм жамияти, капиталистик жамият, социалистик (коммунистик) жамият.

Бу ғайриилмий таълимот ёки даврлаштириш биргина Ўзбекистон тарихининг эмас, балки бутун инсоният тарихининг асосий тараққиёт қонуни сифатида талқин қилинди ва бутун дунё тарихи беҳаёларча мана шу марксистик таълимотга мослаштирилди.

Бутун дунёга ҳукмрон бўлишга даъвогарлик билан тарих майдонига келган коммунистлар инқилоб деб аталмиш зўрликка, бузғунчиликка, босқинчиликка асосландилар. Улар ўтмиш тарихини, умуман тарихий тараққиётни ўзларининг хаёлий (утопик) мақсадига мослаштиришга беҳуда уриндилар. Мустабид зўравонлик ва қиргинбарот қатағонлик зулми остида тарих фани коммунистик мафкура қуролига айлантирилди.

Истиқлол йиллари даврида тарихчи олимлар Ю.Т.Бошимиз Ислон Каримовнинг «Янги тарих» таълимоти ва тарих илмига оид методологиясига суянган ҳолда она тарихимизни илмий асосда даврлаштириш соҳасида маълум ютуқларни қўлга киритдилар.

Биринчидан, тарихни узлуксиз инқилобий жараён, қарама-қарши муросасиз инқилобий кучлар тўқнашувидан иборат деб тушуниш ва беш формацияга бўлишдан батамом воз кечилди. Бунга кейинги пайтларда чоп этилган тарихий асарлар, ўқув қўлланма ва дарсликларнинг мазмун ҳамда мундарижалари гувоҳлик бериб турибди. Ушбу дарслик махсус тузилиб, тасдиқланган дастур асосида ёзилди. Унда Ўзбекистон тарихи бошдан-оёқ шартли равишда энг муҳим даврларга бўлинди. Бундай хронологик даврлаштириш Ўзбекистон тарихини ўқитишга ажратилган соатларнинг миқдори ва ўқитишнинг бошқа ўзига хос хусусиятлари ҳамда усуллари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилди.

Ўзбекистон тарихи фани учун тарихий манбаларнинг ўрни ва аҳамияти беҳад катта. Шунинг учун ҳам улар миллат ва халқнинг маънавий-маданий мероси, бебаҳо бойлиги ҳисобланиб, махсус ҳужжатхона (архив) ларда, кутубхона ва музейларда ҳамда оилавий архивларда жуда авайлаб, эҳтиёткорлик билан сақланади.

Тарихий манбалар давр нуқтаи назаридан қадимий ва жорий (қундалик) аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, улар ўз мазмуни ва моҳиятига кўра бирламчи ва иккиламчи аҳамият мақомига ҳам эгадир. Бирламчи манбага тарихий ҳужжатларнинг асл нусхаси киради. Иккиламчи манба деб эса, мана шу бирламчи манбаларнинг эълон қилинган нусхалари, китоб ҳолатига келтирилганлари айтилади.

Манбалар ўз ҳолатига кўра ёзма ва моддий кўринишларга эга бўлади. Ёзма манбалар энг қадимги ёзувлар, битиклар ва китоблардан иборатдир. Ҳозирги кунга қадар ўлкамиз ҳудудлари ва бу ердан четда битилган Урта асрларга оид ёзма манбаларни ўрганиш бўйича талайгина ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай, бу йўналишда янада қадимтироқ даврларга оид қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп.

Тарихимизнинг энг қадимги, яъни ёзувсиз замонларга оид даврини ўрганишда археологик, антропологик ва этнографик манбалар ёрдамга келади. Бу манбалар турли-туман бўлиб, уларга қадимги манзилгоҳлар ва шаҳар харобалари, мазор-қўрғонларнинг қолдиқлари, турмуш ва ҳўжаликда ишлатиладиган буюмлар, меҳнат ва жанг қуроллари, турли-туман ашёлар киради. Моддий ва ёзма манба маълумотларини солиштириб, қиёслаб тарихни талқин этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ватан тарихини ўқитишнинг аҳамияти

Тараққий этган миллатларнинг ўз тарихини яхши билиши ва қадрлаши, тарихий ёдгорлик ва обидаларини эъзозлаб кўз қорачигидек асрашининг кўпгина сабаблари бор.

Насроний (христиан)лик фалсафаси асосчиси А. Августин (354-430 йй.) бундан бир минг олти юз йил олдин тарихнинг халқ ва миллатнинг тақдирида тутган ўрнини кўрсатиб, шундай деган эди: «Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун, аввало унинг тарихини уйғот».

XII асрнинг буюк алломаси Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий ҳам бу фикрни ўзининг қуйидаги гўртлигида янада теран маънода мана бундай баён этади:

Кимки тутмас қалбида тарихни,
У инсон ҳам эмас, олим ҳам эмас.
Бироқ кимки уқса ўтмишини,
Кўп бойитар ўз турмушини.

Чоризм ва коммунизм ғоясини амалга ошириш мақсадида Ватанимизни босиб олиб, салкам бир ярим аср ҳукмронлик қилган босқинчилар тарихнинг камиятда ва миллат ҳаётида тутган ўрнини тўғри инглаб, онгли равишда тарихимизни қораладилар, юхталаштирдилар, тарихий хотирани ўчиришга ҳаракат қилдилар.

Шу ўринда Фарғона ҳарбий губернатори М.А. Скобеловнинг ушбу шовинистик шиорга амал қилганлигини айтиб ўтиш жоиздир: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсангиз бас, «ез орада ўзи адои тамом бўлади».

Коммунистик партиянинг маҳаллий миллатлар тарихига нисбатан олиб борган сиёсати унинг Сиёсий бюроси топшириғи асосида Давлат хавфсизлик ўмитаси (КГБ) сининг 1947 йилда мутлақо махфий сўрсатмасида ўз аксини қуйидагича топган эди: «Тарих (арсларида ўтмишдаги сиёсатдонлардан кимлар ватан авнақи учун хизмат қилишгани ёки хизмат қилишга тринашгани ҳақида гапириш мумкин эмас, эътиборни бақат подшоҳлар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ курашига бурмоқ лозим».

Шунинг учун ҳам ўтган чоракам бир асрлик коммунистик мустамлака даврида Ўзбекистон тарихи бани халқ таълими соҳасида ўқитиладиган фанлар

тизимига киритилмади. Фақат мактабнинг 5-синфларидагина «Ўзбекистон тарихидан ҳикоялар» деган «Ҳикоялар» предмети ўқитилди.

Бундан асосий мақсад халқимизда ўз ўтмишига нисбатан нафрат руҳини тарбиялаш ва тарихий хотирани тескари шакллантиришдан иборат бўлди. Бу машғум сиёсатнинг «самараси» ўлароқ муборак истиқлолнинг дастлабки йилларида айрим катта тарихчи олимлар «Ўзбекистон тарихи»нинг олий ўқув юрғларида ўқитилишига ҳар хил баҳоналар билан қаршилик кўрсатдилар. Бу антиқа «кураш» то 1993 йилнинг сентябригача давом этди. Мана шу ўқув йилидан бошлаб Ватанимиз тарихи тарихда биринчи бор олий ўқув юрғларида ўқитиладиган фанларнинг орасида ўзининг қонуний ўрни ва нуфузига эга бўлди.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг Ватан тарихи ҳақидаги одилона сиёсати коммунистик ақидапарастликка қарши курашда галаба қилди. Чунки улар коммунистик мустамлака парчаланиши давридан бошлабоқ, тарих ва тарихий қадриятларимизни тиклаш соҳасида қатъий собитқадамлик кўрсатдилар. Улар Ватан тарихининг миллат маънавияти ва мафқураси, халқ таълимида тутган ўрнига юксак баҳо бериб, давлат сиёсати даражасига кўтардилар.

Ўзбекистон тарихи ҳозирги буюк ва муқаддас Истиқлолимиз ила бир ярим асрлик мустамлаканинг ғафлат уйқусидан кўз очиб уйғонган халқимиз ва истиқболимизни белгиловчи барча бўлажак мутахассис кадрлар учун энг зарур илмдир.

Умуман, она тарихни ўқитиш ва ўрганиш ҳозирда авж олиб ривожланаётган ислоҳотчилик ва янгиланиш ҳаракати даврида ижтимоий заруриятгина эмас, балки ҳаётий эҳтиёжга айланган. Бу эҳтиёж миллий маънавий-мафқуравий уйғониш, маданий ва иқтисодий юксалишларга бўлган эҳтиёжларнинг бош мезони ҳисобланади. Демак, тарихга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши тараққиёт ва миллий уйғонишнинг асосидир.

Ҳаққоний ёзилган Ватан тарихини ўрганиш ва ўқитиш шунинг учун ҳам керакки, у сохта тарихий

тушунча ва тарихий хотирасизликка барҳам беради, миллий ғоя ва мафкура такомиллашувини тезлаштиради.

Ватан тарихини ўқитиш ва ўрганиш яна шунинг учун ҳам зарурки, Юртбошимиз сўзи билан айтсак, «ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмайди».

¶ Хулоса шуки, душманга бош эгмаслик, қайта мустамлака қопқонига тушмаслик, бегона ғоя ва мафкура ҳамда зуғумлар таъсирига берилмасликнинг бирдан-бир йўли Ватан тарихини мукамал билиш, унинг мазмун ва моҳияти, фалсафасини теран англашдан иборатдир. Шу ўринда И.А. Каримовнинг ушбу ҳикматли сўзларига қатъий амал қилиниши тарих фани ва тарихчилар олдида турган асосий вазифа эканлигидан далолатдир: «...Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур».

Ўзбекистон тарихи фани олдида турган асосий вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, ёшларга ва бўлажак мутахассис кадрларга чуқур миллий ва умуминсоний тарихий, ғоявий-сиёсий, илмий-назарий дунёқарашни сингдириш шу мақсад йўлида тарихий илмни кенг ўргатиш зарур.

Иккинчидан, ёшларда миллий тафаккур, гурур ва ўзликни, миллий виждон ва умуминсоний баркамолликни тарбиялаш.

Учинчидан, ёшларда оташин ватанпарварлик ва ҳарбий жасоратни, миллий ва Ватанга садоқатликни тарбиялаш.

Тўртинчидан, ёшларга миллий ва тарихий қадриятларни эъозлаш, асраб-авайлаш руҳини сингдириш, ушбу юксак ахлоқий фазилатлар (ҳалоллик, поклик, ширинлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, камтаринлик, имон ва эътиқодлилиқ) ни тарбиялаш.

Бешинчидан, ёшларни Ватан ва халқ, миллат, ота-она, фарзанд, табиат ва жамият олдидаги муқаддас бурчларни чуқур ҳис этиш ва уларга садоқат руҳида тарбиялаш.

Ўзбекистон тарихи фани юқоридаги ва булардан бошқа хилма-хил имкониятларидан келиб чиқиб, комил инсонни тарбиялашга беҳад катта ҳисса қўшади. Ватан тарихининг давлат бошқаруви ва қурилишида, жамият ва инсоният тараққиётида, миллат ва халқ ҳаётида тугган ўрни ҳамда аҳамияти бениҳоя катта эканлиги қадим-қадимдан эътироф этиб келинмоқда. Бунга тарихимизнинг ўзи гувоҳ. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, тарихнинг бу ажойиб хислати ва тарбиявий аҳамияти, куч-қудратини жадидлар ўз вақтида жуда ҳам теран ҳис этди ва англаб олдилар.

Мана шунинг учун ҳам улар миллатни тарбиялаш, уйғотиш учун тарихий тарбия масаласини Абдулла Авлоний сўзи билан айтсақ, «Ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласи» деб билдилар.

Жадидлар тарихда биринчи бўлиб, Ватан тарихини халқ таълими тизимига киритдилар. Дарслик ва қўлланмалар яратиб, жадид мактабларида ўқитиб, матбуотда кенг тарғибот ва ташвиқот қилдилар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий «Туркистон тарихи керак» номли мақоласида ёзади: «Тарихнинг фойдаларидан баъзиси ушбударки, бир миллатнинг на тариқада, қайси йўл ила тараққий этганин ўқиб, ибрат олмоқ ёки бир миллатнинг на сабаблардан таназзул этиб, охири мунқариз бўлиб (тугаб-битиб — С. Х.) кетганин ўқуб мундан ҳам истифода этмак мумкиндир».

Нуширавон Ёвушев эса «Туркистон тарихи» номли мақоласида тарихга қуйидагича баҳо беради: «Ўз миллий тарихини билмаган миллат, ўз отасини билмаган... болага ўхшайдур... Тарих миллатнинг жонирухи, моддий ва маънавий ҳаётидур».

Демак, Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг аҳамияти беҳад катта. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз И.А. Каримов тарихни ўқитишга катта эътибор бериб, тарихчиларга қарата даъваткорлик билан шундай дейди: «Қачон лўнда, асосли қилиб ҳаққоний тарихимизни фарзандларимизга етказасизлар... Миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, гурурини уйғотсин».

I. ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВР

2-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН ИНСОНИАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚАДИМГИ ЎЧОҚЛАРИДАН БИРИ

Инсониятнинг дастлабки аجدодлари. Палеолит даври

Инсониятнинг келиб чиқиши ва ривожланиши бир неча асрлар давомида тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб турли назариялар юзага келган. Чунки «антропогенез» энг қадимги давр тарихини ўрганишдаги муҳим ва долзарб муаммолардан ҳисобланади. Турли мамлакатларда турли даврларда яшаган мутафаккирлар инсониятнинг пайдо бўлиши ҳақида илмий таърифга яқин фикрларни баён этганлар. Хитой, юнон файласуфлари мил. авв. VI-V асрлардаёқ одамнинг келиб чиқиши тамомилла табиий ҳодиса деб таърифлашга уринганлар. Кўпчилик тадқиқотчилар инсонни меҳнат ва ақлий жиҳатдан камол топиши интижиғида ҳозирги даражасига етиб келган, деган фикрни илгари суришларига қарамай одамни худо яратганлиги ёки бошқа коинотдан келиб ерга тарқалганлиги ҳақидаги назариялар ҳам бор.

Ишлиз олимлари ота-бола Лиқилар ўтган асрнинг 50-60-йилларида Шарқий Африкада (Олдувой дарағида) қазилма ишлари олиб бориб оддий тош қуроллар ва қазилма одам қолдиқларини топиб, улар бундан 3-3,5 млн. йил илгари мавжуд булган деган натижа илгари сурдилар. Бу турдаги одамлар фанда «Зинжантроп» («Ишбилармон одамлар» ёки «Гомохабилис») ва «Австралопитек» («Жануб маймуни») деб ном олган.

Зинжантроплардан кейинги даврда яшаган қадимги одамлар қолдиқлари Индонезиядаги Ява оролидан XIX асрнинг охирида топилган бўлиб фанда уларни «Питекантроп» («Маймун одам») деб аташ расм бўлган. Питекантроплар бундан тахминан 1 млн. — 700-600

минг йил илгари (Э. Дюбуа) яшаганлари аниқланган. Шунингдек, 1927 йилда Хитой ҳудудларидан топилган (Д. Блек) қадимги одам қолдиқлари («Синантроп» — «Хитой одами») бундан 600-500 минг йил илгариги даврга оидлиги аниқланган. Ундан ташқари энг қадимги қазилма одам қолдиқлари Германиянинг Гейдельберг, Венгриянинг Будапешт шаҳри яқинидан ҳам топилган.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда зинжантроп, питекантроп, синантроплар энг қадимги одамлар шаклланиб ривожланишининг турли тарихий босқичларидир. Бу турдаги қадимги одамлар гавдаларини тик тутиб юрганлар ва тошдан турли меҳнат қуроллари ясаб улардан фойдалана билганлар. Қурол ясай билиши, ўсимлик илдиэлари ва меваларни истеъмол қилишда шу қуроллардан фойдаланиши, шунингдек, айрим ҳайвонларни овлаши қадимги одамларни ҳайвонот олаmidан ажратиб турган.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, «Архантроп»лар (қадимги одамлар) энг қадимги одамлардан фарқланиб, улар замонамиздан 100-50 минг йил кейин яшаганлар. Қадимги одамларнинг қазилма қолдиқлари даставвал Германиянинг Неандерталь водийсидан топилганлиги сабабли фанда уларни «Неандерталь одами» деб номлаш қабул қилинган.

Энг қадимги одамлар ўзларининг ривожланиш босқичларида меҳнат қуролларининг турларини кўпайтириб ва сифатини яхшилаб борганлар. Натижада уларнинг турмуш тарзида, жисмоний кўринишида ўзгаришлар бўлиб борган. Шунингдек, мия ҳажми ҳам ўзгариб борган. Ўрта тош асридаги турли сабабларга кўра, биринчи навбатда тинимсиз меҳнат жараёнида инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида неандерталь қиёфасидаги одамлар ҳозирги қиёфали одамларга айлана бордилар. Улар жисмоний ва ақлий жиҳатдан камол топиб, ҳозирги қиёфалаги кишилар вужудга келди ва шу билан антропогенез жараёни

ниҳоясига етди. Одамнинг пайдо бўлиши ердаги энг буюк ҳодисалардан бири бўлиб, у дастлаб тошдан оддий тўқмоқ ясаган бўлса, узлуксиз меҳнат, тинимсиз интилиш натижасида юксак маданият яратиш даражасига етиб келди.

Антропогенез жараёнида **меҳнатнинг ўзгарти-рувчанлик моҳиятини** археологияга оид турли-туман манбалар тасдиқлайди. Турли даврларга оид моддий маданиятнинг алмашиши ҳамда янги асосларда ривожланиши моддий манбаларнинг ташқи кўри-нишидан ҳам аниқланади. Кўп минг йиллар давомида ривожланган тарихий жараёнлар — одам ва жамият тараққиётида асосий, бош мезон **меҳнат** эканлигидан далолат беради.

Ҳозирги даврда олимларнинг катта гуруҳи одамзотнинг дастлабки ватани Африка деган фикрни илгари сурса, яна бир гуруҳ олимлар Европа дейдилар. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса одам даставвал Осиёнинг жанубида пайдо бўлган деган ғояни илгари сурадилар.

Яқин йилларга қадар Ўзбекистон ҳудудлари энг қадимги одамлар томонидан 100 минг йиллар илгари ўлаштирилган деб ҳисобланиб келинар эди. Кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта Осиё палеолити ҳақидаги баҳсларда бу жараённи асосан Европа палеолити билан боғлаб келар эдилар. Аммо сўнгги йилларда Ўзбекистон археологлари томонидан олиб борилган кўпгина тадқиқотлар бу масалага анча ойдинлик киритди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида археолог Ў. Исломов бошлиқ тадқиқотчилар Фарғона водийсидаги **Селунгур** (Сўх тумани) ғоридан палеолит даври маконини очишга муваффақ бўлдилар. Сўнгги тадқиқотлар натижаларига қараганда **Селунгур илк палеолит даврига оид** бўлиб ўн учта маданий қатламдан иборат. Бу қатламлардан жуда кўплаб ибтидоий тош қуроллар топилган. Бу қуроллар кўп ҳолларда Олдувой қуролларига ўхшаб кетади. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, **Селунгур** топилмаларининг ёши **1 млн.** йилдан зиёдрокдир. Селунгур топилмалари

орасидан энг аҳамиятлиси қадимги одам жағ суяклари, тишлари ва елка суяқларидир. Фанда «Фарғона одами» — «Фергантроп» деб номланган бу қазилма одам қолдиқлари энг қадимги одам ҳақидаги тасаввурларимизни янада кенгайтириш билан бирга Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистоннинг инсоният пайдо бўлиб ривожланган ўчоқлардан бири эканлигини узил-кесил исботлайди.

Ундан ташқари Кўлбулоқ маконидан (Шимоли-шарқий Ўзбекистон, Тошкент вил.) ҳам кўп қатламли ёдгорлик очилган бўлиб, унинг энг пастки қатламлари илк палеолит даврига оиддир. Шунингдек, Қизилолмасой ва Тошсой (Оҳангарон) маконларидан ҳам илк палеолит қатламлари очилган ҳамда бу ердан 100дан зиёд чоппер, нуклеус, қирғич ва тарашлагич тош қуроолар топилган.

Тадқиқотчилар Тяншан этакларидаги Онарча (Қирғизистон) маконидан ҳамда Помир этакларидаги Қоратов (Жанубий Тожикистон) маконларидан ҳам илк палеолит даври қатламларини аниқлаб бу қатламлардан жуда кўплаб тош қуроолар топганлар.

Илк палеолит (Ашель маданияти) даври энг қадимги одамларнинг маконларидаги топилмаларида содда ва кўпол тош қуроолар кўпчиликни ташкил этади. Бу давр кишиларининг қуроолари ўзининг соддалиги, кўполлиги, турларининг камлиги жиҳатидан кейинги даврлардан кескин фарқланади. Илк палеолит даври одамлари жисмоний жиҳатдан ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам ҳозирги қиёфадаги ақл-идрокли одамлардан ажралиб турадилар. Улар асосан термачилик ва овчилик билан тирикчилик ўтказганлар ҳамда табиат олдида жуда ожиз бўлиб, унда мавжуд бўлган тайёр маҳсулотларни ўзлаштириб яшаганлар. Улар на диний тушунчани, на ҳунармандчиликни ва на чорвачиликни билганлар.

Ўрта палеолит (Мустье маданияти) — қадимги тош асрининг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади. Бу даврга оид дастлабки ёдгорлик **Тешиктош** (Сурхондарё) фор макони 1938 йилда А. Окладников томонидан

очилган эди. Кейинчалик Ўрта Осиё ҳудудларида тадқиқотчилар томонидан ўрта палеолит даврига оид кўплаб маконлар аниқланди ва уларда тадқиқот ишлари олиб борилди. Омонқўтон (Тахтақорача доवони, Самарқанд), Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ (Зарафшон водийси), Қорабура (Вахш воҳаси), Жарқўрғон (Шимолий Тожикистон), Обираҳмат (Тошкент вилояти), Қўлбулоқнинг юқори қатламлари (Тошкент вилояти), Қизилнур (Қизилқум), Тоссор (Қирғизистон), Оғзикичик (Тожикистон), Хўжакент (Тошкент вилояти), Қопчиғай (Қирғизистон) каби кўплаб маконлар ўрта палеолит даврига оид бўлиб, уларнинг жами 300 га яқинлашиб қолади. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Ўрта Осиё ҳудудларида ўрта палеолит нисбий тарзда мил. авв. 100-40 минг йилликларни ўз ичига олади.

Сурхон воҳасидаги (Бойсунтоғ) Тешиктош гор-макони топилмалари нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё археология фанида машҳурдир. Ўрта палеолит даврига мансуб бу гор-макон шимоли шарққа қараган бўлиб, кенглиги 20 м, баландлиги 9 м, чуқурлиги 21 м. Тадқиқотлар натижасида гор-макондан бешта маданий қатлам аниқланиб, бу қатламлардан 3000 га яқин тош қуроллар топилган. Ундан ташқари турли ҳайвонлар: қонзон, ёввойи от, эшак, қуён ва турли қушларнинг суяк қолдиқлари аниқланган. Тош қуроллар орасида қиринч-тарашлагичлар алоҳида ўрин эгаллаб, уларнинг баъзилари кесгич қурол вазифасида ишлатилган бўлиши ҳам мумкин.

Энг муҳими шундаки, Тешиктош гор-маконининг юқори қатламларидан 9 яшар боланинг скелет суяклари топилган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, бу бола неандертал тилидаги қадимги одам шикилидир. Бу бола дафн этилганда ибгидойи дафн маросимларига амал қилиниб жасад атрофига тоғ эчкиси шохлари қадаб қўйилган. Шунингдек, гор-макондан гулхан излари ва кул қолдиқлари топилиб, гулхан ўрни ва атрофларидан тоғ эчкиси суяк қолдиқлари аниқланган Тешиктош одами. Ўрта

Осиёдаги неандертал қиёфадаги қадимги одамларнинг ягона вакили бўлиб, бу ҳудудлардан ҳозиргача бошқа топилмаган.

Тошкент вилоятидаги **Обираҳмат** макони Тяншан-Чотқол тизмасидаги Палтов сойининг юқори оқимидан топилган. Фор-макон ёйсимон шаклда бўлиб, жанубга қараган, саҳни кенг, қуруқ ва ёруғ. Форда 10 метр қалинликдаги 21 та маданий қатлам аниқланган бўлиб, ушбу қатламлар қадимги одамлар бу ерда узоқ вақт яшаганларидан далолат беради. Маданий қатламлардан оҳақ тошли чақмоқ тошдан ясалган хилма-хил меҳнат қуроллари, жумладан, нуклеуслар, парракчалар, ўткир учли сиччалар, қирғичлар ва қуракчалар, учриндидан тайёрланган кесгичлар топилган бўлиб, уларнинг умумий сони 30 мингдан ошади. Шунингдек, Обираҳматдан ҳайвон суяқларидан ясалган бигизлар ҳамда буғу, тоғ эчкиси, тўнгиз, жайрон, архар ва бошқа ҳайвонларнинг суяқлари, гулхан, кул, кўмир ва бошқа нарсалар қолдиқлари ҳам топилган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда Обираҳматда қадимги одамлар милoddан 120-40 минг йил илгари яшаб териб-термачилик ва ёввойи ҳайвонларни овлаб тирикчилик қилганлар.

Топилмалари билан машҳур бўлган **Қўтирбулоқ** макони Самарқанд вилояти Каттақўрғон ҳудудларидан топилган. Тадқиқотлар натижасида макондан 5 та маданий қатлам аниқланган. Қатламларнинг қалинлиги ҳар хил бўлиб, улардаги топилмалар ҳам бир хилда тарқалмаган. Бу қатламларда ўткир учли пайконлар, қирғичлар, тешгичлар, икки томонига ишлов берилган барсимон қурооллар ва бошқа турли-туман тош қурооллар топилган. Шунингдек, кўплаб ёввойи ҳайвонлар — фил, буғу, ёввойи от, қуён кабиларнинг суяқлари аниқланган. Қўтирбулоқда яшаган қадимги одамлар мевалар ва ўсимлик илдизлари ҳамда ёввойи ҳайвонларни овлаб турмуш тарзи юритганлар.

Ўрта палеолит даврига келиб қадимги одамлар Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларига тарқала бошлайдилар. Бу даврда, айниқса унинг сўнгги босқичида қадимги

одамларнинг турмуш тарзида ва меҳнат қуролиларида
ннгги унсурлар пайдо бўлади. Қуролиларнинг турлари
кўпаяди. Айниқса, овчилик билан боғлиқ бўлган
най касимон ўткир пайконлар, турли пичоқлар,
қирғичлар, кечгичлар шулар жумласидандир. Бу
даврни ижтимоий ҳаётдаги энг муҳим хусусияти
шунки, бу даврда ибtidoий тўдадан **уруғчилик**
жамоасига ўтиш бошланди. Ҳозирги замон одамларига
шан одамлар (кромантён) пайдо бўлиши учун замин
шароитиди.

Бу шарт шароитларнинг негизида меҳнат қилиш
шароити боғлиқ меҳнат қуролиларнинг
шароити ва шу асосда ўша давр кишиларининг
шароити инлари томон қилинган дастлабки
шароитиди. **Демак**, бу давр — ишлаб чиқариш
шароити бўлган қуролилар такомиллашаётган, нутқ
шароити ўсиб бориб, фикрлаш нисбатан анча ошган,
шароити тартиб яратилган бўлган, овчилик анча
шароити кенг ҳудудларга тарқалган давр эди.

Бу давр палеолит даври Урта Осиё ҳудудларида табиий
иқлим ўзига хос бўлиб, ёзда об-ҳаво илиқ ва қуруқ,
қишда эса совуқ ва намгарчилик бўлган. Бу даврнинг
урғилари ва охирига келиб шимолдан улкан
музликнинг силжиб келиши натижасида иқлим
тамоман ўзгаради. Натижада қадимги одамлар турмуш
тарзида катта ўзгаришлар бўлиб ўтди. Совуқ иқлим
туфайли одамлар кўпроқ горларга жойлаша
бошладилар. Жанубдаги кичик туёқли иссиқсевар
қайиқлар қирилиб кетиб шимол буғулари, мамонтлар,
улкан айиқлар пайдо бўлади. Улкан ҳайвонларнинг
пайдо бўлиши эса ўз навбатида жамoa бўлиб овчилик
қилишнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ундан ташқари совуқ иқлим туфайли ўрта палеолит
даври одамлари **оловни кашф** этдилар ҳамда сунъий
олов чиқариш ва уни сақлашни ўзлаштирдилар. Гор ва
унгурларни ўзлаштириш, ўчоқ ясаб унинг атрофида
тушгани ва ниҳоят жамoa бўлиб ов қилиш
услубларининг пайдо бўлиши минтақамиздаги қадимги
одамлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга
эга бўлди.

Сўнги палеолит узоқ давом этган қадимги тош асрининг охириги босқичи бўлиб, мил. авв. 40-12 минг йилликларни ўз ичига олади. Бу давр ёдгорликлари мустье маданияти ёдгорликлари маданиятига нисбатан камроқ ўрганилган. Ҳозирги кунга қадар Ўрта Осиёда бу даврга оид 30 дан зиёд маконлар очилган. Самарқанд (шаҳарнинг ўзида), Хўжағор (Фарғона водийси), Шугнов (Помир этаклари), Кўлбулоқ (Тошкент вилояти), Қорақамар (Тожикистон), Ачисай (Қозғистон) ёдгорликлари шулар жумласидандир.

Тошкент вилоятида (Оҳангарон) жойлашган **Кўлбулоқ** маконининг энг тепадаги учта қатлами сўнги палеолит даврига оиддир. Бу қатламлардан нисбатан тақомиллашган тош қуроллар ҳамда кўлаб ҳайвон суяклари топилган. Шунингдек, сўнги йилларда Тошкентнинг ғарбидаги Бўзсув I макони ҳам сўнги палеолит даврига оид эканлиги аниқланган.

Самарқанд шаҳрида 1939 йилда очилган ёдгорлик минтақадаги сўнги палеолит даврига оид дастлабки макон ҳисобланади. **Самарқанд** макони кўп қатламли бўлиб бу қатламлардан кўп сонли (7,5 минг) хилма-хил топилган алат топилган. Улар орасида қирғичлар, кесгичлар, сиччалар, пичоқлар, ушатгичлар, болталар кабилар бор. Шунингдек, маданий қатламлардан гулхан қолдиғи, кўмир парчалари ва гулхан атрофидан ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар қолдиқлари аниқланган. Бу топилмалар бу ерда яшаган кишиларнинг овчилик ва термачилик билан шуғулланганликларидан далолат беради.

Умуман олганда, кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта Осиё сўнги палеолит даврини асосан учта — Самарқанд, Хўжағор ва Кўлбулоқ маданиятларига ажратадилар. Бу даврга оид маданиятлардан фақат Самарқанд шаҳридан сўнги палеолит даври одамининг қолдиқлари, яъни, елка суяк қисмлари, пастки жағ ва тишлар топилган бўлиб, тадқиқотчилар бу суякларни 25-30 ёшли кроманьон қиёфали аёлга тегишли бўлган деб ҳисоблайдилар.

Сўнгги палеолит даврига келиб одамларнинг ҳаёти ва турмуш тарзида ҳам турли ўзгаришлар бўлиб ўтади. Хусусан, одамлар ёрлардан чиқиб енгил турар-жойлар — чайла ва ярим ертўлаларда яшай бошладилар. Улар энди фақат тоғли ҳудудларда яшаб қолмай воҳалар бўйлаб тарқалиб, текисликларда, дарё ва кўллар бўйларида жойлашадилар ҳамда қариндош-уруғчилик жамоаларига бўлинадилар. Натижада жамиятда жуфт оилалар пайдо бўлади ҳамда улар айрим уруғларни бирлаштириб **уруғ жамоасини** ташкил этадилар.

Уруғчилик (матриархат) қадимги жамият тарихининг алоҳида босқичини ташкил этиб, бу жараён ижтимоий ҳаётдаги қатор ўзгаришларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Лекин, дастлабки уруғчилик тузуми нисбатан ривожланишнинг юқори босқичига кўтарилган бўлишига қарамай, бу давр одамлари овчилик, термачилик ва балиқчилик билан кун кечирар эдилар.

Палеолит даврига хулоса ясаб шуни айтиш мумкинки, бу даврда **одамнинг пайдо бўлиши жараёни (антропогенез)** асосан тугади. Қадимги одамлар ҳўжалик юритишнинг энг оддий йўлларида (териб-термачилик) мураккаброқ кўринишларига (овчилик, балиқчилик) га ўтдилар. Олов кашф этилди. Инсоният тўдаларида уруғчилик тузумига ўтди. Меҳнат қуролилари такомиллашиб, уларнинг турлари кўпайди ва сифати яхшиланиб борди.

Бу даврда қадимги одамлар орасида дастлабки диний қарашлар пайдо бўлди. Тешиктошда мурдани махсус қабр қазиб кўмилиши, унинг ёнига тоғ эчкисининг шоҳлари ва тош қуроллар қўйилиши мўлқоқ тасодифий ҳол эмас эди. Бу жараён палеолит даври неандертал одамлари гарчи содда бўлсада, кўмиш маросимларига роя қилганликларидан далолат беради.

Милоддан аввалги XII-IV минг йилликларда Ўрта Осиё

Тош асрининг кейинги ривожланиш даври фанда мезолит (ўрта тош) асри деб қабул қилинган. Ўрта Осиёда мезолит даври нисбий тарзда мил. авв. 12-7 минг йилликларни ўз ичига олади. Мезолит — одамларнинг ер юзи бўйлаб кенг тарқалиш даври бўлиб, улар шимол томонга ҳам, Помир каби баланд тоғли ҳудудларга ҳам тарқала бошлайдилар. Каспий бўйларидан Тяньшан — Помиргача, Марказий Қозоғистондан Копетдоғ этакларигача бўлган ҳудудлардан мезолит даври ёдгорликларининг намуналари топиб ўрганилган. Мачай (Сурхондарё), Обишир (Фарғона водийси), Марказий Фарғона, Бўзсув, Қўшилиш (Тошкент), Айдабол, Жайронқудук (Устюрт), Ошхона, Чилчорчашма (Тожикистон), Дарай шўр (Вахш воҳаси) кабилар шулар жумласидандир.

Мезолит даврига келиб ер юзидаги улкан музликнинг яна шимолга томон силжиши натижасида иқлим барқарорлашиб ҳозирги даврдагига анча ўхшаб қолган эди. Бунинг натижасида Ўрта Осиё ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсида анча ўзгаришлар содир бўлди.

Палеолит даврининг йирик ҳайвонлари йўқола бориб улар ўрнига кичик туёқли, тез югурувчан ҳайвонлар — жайрон, сайғоқ, буғулар, тоғ эчкиси, арслон, йўлбарс, қоплон, қуён кабилар кўпая боради. Шунингдек, жанубга хос иссиқсевар ёввойи бошоқли ўсимлик ва дарахтлар ҳам тобора кўпайиб боради. Табиат ва иқлимдаги бу ўзгаришлар мезолит даври кишиларининг ҳаётида ҳам ўзгаришлар содир бўлишига сабаб бўлди.

Бу даврга келиб кишилар нисбатан нозикроқ қуроллар тайёрлашни ўзлаштира бошладилар. Хусусан, жанубий ўлкаларда, шунингдек, Ўрта Осиёда турли геометрик шаклдаги майда қуролчалар-микролитлар пайдо бўлиб улар учун суяк ва ёғоч дастачалардан қадама сифатида фойдаланилган. Ундан ташқари бу

даврда инсоният ўз тарихидаги дастлабки мураккаб мослама — **ўк-ёйни кайф** этди. Натижада чопқир, кичик туёқли ҳайвонлар ва паррандаларни ов қилиш имконияти пайдо бўлди.

Бу даврнинг энг катта ютуқларидан яна бири ёввойи ҳайвонлар — ит, қўй, эчки қабиларнинг қўлга ўргатила бошланиб, **хонакилаштирилишидир**. Археологик тадқиқотлар натижаларига қараганда мезолит даврига келиб Олд, Яқин ва Ўрта Осиёнинг баъзи жойларида термачиликдан ёввойи ўсимликларни хонакилаштиришга ҳамда овчиликдан чорвачиликка ўтиш бошланади. Бу жараён илғор, унумдор ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва табиий-географик иқлим билан бевосита боғлиқ эди.

Мезолит даврининг машхур ёдгорликларидан бири Сурхон воҳасидаги **Мачай** (Бойсун) гор маконидир. Дарё сатҳидан 70 метрча баландликда жойлашган бу макон кўп қатламли бўлиб, ушбу қатламлардан кўплаб суяк ва асосан тош қурошлар топилган. Суяк қурошлар бигиз, игна, сўзан қабилардан иборат бўлса, тош қурошлар — пичоқлар, аррасимон қурошлар, кесгичлар, ушатгич тошлар, найза ва ўқ учлари қабилардир. Бу қурошларнинг ўзига хос белгилари мавжуд бўлса ҳам Жанубий Қозоғистон ва Яқин Шарқдаги мезолит ёдгорликларидан топилган тош қурошларга ўхшаб кетади.

Мачай макони топилмаларининг энг аҳамиятли томони шундаки, бу ердан антропологик топилмалар — одам бош суяклари, тиши, жағи ва бошқа аъзолари қолдиқлари топилган бўлиб, бу топилмаларни ўрганиш тадқиқотчиларга Ўрта Осиёнинг жануби мезолит даври кишиларининг европоид ирқига мансуб эканлигини аниқлаш имконини берди.

Одам суякларидан ташқари Мачайнинг маданий қатламларидан бўри, тулки, барс, мўйнали сувсар, қуён, жайра, олмахон қаби ҳайвонларнинг ҳам суяк қолдиқлари топилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу ерда 20 гурдан зиёд ҳайвон суяклари мавжуд бўлиб,

уларнинг аксарияти майда, синдирилган ва оловда қуйдирилган. Демак, мачайлик мезолит даври одамлари оловдан кенг фойдаланганлар ҳамда ҳайвон ва парранда гўштарини оловда пишириб еганлар.

Фарғона водийсидан мезолит даврига оид **Обишир** гор-маконидан тош қуроллар, бигизлар, қирғичлар, пичоқ қадамалари топилган. Шунингдек, топилмалар орасида ёввойи ҳайвонларнинг майдаланган ва синдирилган суяклари, балиқ тутишда ишлатиладиган қадоқ тошлар ҳам бор. Топилган ашёларга асосланиб обиширликлар балиқчилик, овчилик ва термачилик билан шуғулланган дейишимиз мумкин.

Кейинги 30-35 йил ичида Марказий Фарғона ҳудудларидан Шўркўл, Аччиқкўл, Янгиқадам, Бекобод, Замбар, Тойпоқкўл каби 80 га яқин мезолит даври ёдгорликлари аниқланди. Уларнинг кўпчилиги кўл ёқаларидан топилган бўлиб афтидан бу жойлар мезолит даври кишиларининг яшашлари учун кўпгина қулайликларга эга бўлган. Бу ерлардан топилган кўпгина қурол ва тош буюмлар ўзининг нисбатан нозиклиги, ихчамлиги билан палеолит даври қуролларидан ажралиб туради. Марказий Фарғона тоғлари орасида яшаган мезолит даври қабилаларининг турмуш тарзи ёввойи ҳайвонларни овлаш ва термачилик билан боғлиқ бўлиб, Марказий Фарғонадаги мезолит даври қабилалари хўжалик ҳаётида овчилик, термачилик ҳамда балиқчилик қулай **табiiй-географик шароити** мазкур ҳудудларда қадимги одамларнинг кенг тарқалиб яшашлари учун кенг имконият яратган.

Ўрта Осиё тарихида **неолит даврининг** (янги тош асри) юқори чегараси мил. авв. VI қуйи чегараси IV-III минг йилликлар билан белгиланади. Бу давр Ўрта Осиёда учта: Жойтун, Қалтаминор ва Ҳисор маданиятларининг ривожланиши билан изоҳланади. Неолит даври қабилалари аксарият ҳолларда дарё соҳиллари ва тармоқлари ёқасида, кўл бўйларида яшаб, табиий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда балиқчилик ва овчилик ёки деҳқончилик ва

чорвачилик, айна вақтда қисман ҳунармандчилик билан шуғулланганлар. Неолит даври турли шароитларда яшаган одамларнинг меҳнат қуроллари мезолит давридагига нисбатан такомиллаша борган.

Жойтун маданияти Жанубий Туркменистонда, Ашхабот шаҳридан 25 км шимолдаги Жойтун манзилгоҳидан топилган бўлиб, бу маданият қолдиқлари нафақат Туркменистон, балки бутун Ўрта Осиёда машҳурдир. Жойтун қишлоғи бир неча уйлардан ташкил топган бўлиб, уйларнинг майдони 12-14 кв. м. дан иборат. Уй деворлари сомон аралаштирилган пахсадан қурилган. Уйлар тўғри тўртбурчак бўлиб, бир хоналик ва ҳар бир хонада алоҳида ўчоқ излари топилган. Уйлар ёнида эса омборхона, сарой ва хўжалик ўралари ҳам бор. Тадқиқотчилар фикрларига қараганда Жойтунда 30 га яқин уй бўлиб унда 130-150 киши яшаган, 5-6 кишилик оила яшаган уйларда она уруғи ҳукмрон бўлган.

Уйлардан аёлларнинг лой ва тошдан ясалган ҳайкалчалари, шунингдек, ҳар хил тақинчоқ ва безаклар топилган. Жойтун харобаларидан буғдой, арпа излари, ёрма тош, тош болталар, парракчалар, қурол сифатида ишлатиладиган ўткир учли тошлар, тешгич парчалар, қирғичлар, камон ўқларининг учлари — пайконлар топилган.

Жойтун маконидан қўлда ишланган сопол идишлар намуналари ҳам топилган бўлиб, улар Ўрта Осиёдаги дастлабки сопол намуналаридир. Жойтун қишлоғи аҳолиси мил. авв. VI-V минг йилликларда яшаб асосан деҳқончилик, чорвачилик, қисман эса овчилик билан шуғулланганлар. Жойтунда Ўрта Осиёдаги дастлабки деҳқончилик маданияти ривожланади ва бу макон ҳозирча минтақадаги дастлабки деҳқончилик қишлоғи ҳисобланади. Жойтунликлар сунъий ариқ ва каналлар қазиб суғорма деҳқончиликка асос солганлар. Умуман олганда Копетдоғ билан Қорақум оралиғидаги ҳудудлардан қўлаб неолит даври маконлари очилган. Бу маконлардаги хўжалик ишлаб чиқариши ва

маданияти бир-бирига жуда ўхшашлиги сабабли уларни фанда Жойгун маданияти (дастлабки топилган жой номи билан) деб аташ қабул қилинган.

Калтаминор маданиятига оид маконлар дастлаб Амударё этаклари ва Хоразм ҳудудидан топилган бўлиб булар орасида Хоразмдаги Жонбосқалъа макони диққатга сазовордир. Бу ерни қазиб пайтида чайла ва ярим ертўла шаклидаги макон очилган. Бу макон ёғоч устун, синчлар билан кўтарилган. Устига кўндаланг ёғочлар ташланиб, усти қамиш билан беркитилган. Чайла ўртасидан катта марказий ўчоқ қолдиги, атрофида майда ўчоқ қолдиқлари аниқланган. Макондан найза пайконлар, камон ўқларининг учлари ва бошқа тош қуроллар топилган. Шунингдек, маданий қатламлардан балиқ, ёввойи чўчқа, қирғовул суяклари ва жийда данаклари ҳам топилган. Топилмалар орасида сопол идиш намуналари ҳам бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда улар мил. авв. V-IV минг йилликларга оиддир.

Калтаминор маданиятига оид ёдгорликлар Зарафшон этакларидаги Дарвозақир маконидан ҳам толиб ўрганилган. Бу ердан топилган сопол идиш намуналари Жонбосқалъа сополларига жуда ўхшашдир. Куйи Зарафшон ва Қашқадарё этакларидаги Дарвозақир, Катта ва Кичик Тузкон, Қоронғишўр, Пойкент маконларидан топилган тош қуроллар ва сопол буюмлар ҳамда бошқа ашёларни ўрганиш, таҳлил этиш, Яқин Шарқ, Қозоғистон, Урал ва бошқа жойлардан топилган неолит даври ашёлари билан қиёслаш натижасида тадқиқотчилар юқорида эслатилган маконлар Калтаминор маданиятига мансуб бўлиб мил. авв. IV-III минг йилликларга оид деган хулосага келдилар. Бу маконларда яшаган неолит даври одамлари термачилик, жайрон, ёввойи чўчқа, буғу ва бошқа ҳайвонлар ҳамда балиқ овлаб кун кечиришган.

Сўнгги йилларда Ўрта Осиёнинг шарқий ҳудудларидан, Ҳисор-Помир тоғларидан кўплаб неолит даври ёдгорликлари очилди ва ўрганилди. Бу ўзига хос маданият фанда Ҳисор маданияти деган ном олди.

Асосан тоғолди ва тоғликларга хос бўлган Ҳисор маданиятига мансуб ёдгорликлар 200 дан зиёд бўлиб Тутқовул, Сойсайёд, Қуйи Булён, Даран Шўр. Газиёнтепа қабилар шулар жумласидандир. Ҳисор маданиятига мансуб ёдгорликлар асосан мил. авв. V-III минг йилликларга оиддир.

Ҳисор маданияти соҳиблари сопол идишлар ясаб, асосан чорвачилик, овчилик, қисман термачилик билан шуғулланганлар. Ҳисор маконларидан топилган турли-туман топилмалар ушбу жараёнлардан далолат беради.

Демак, Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларидан — шимолдаги Устюртдан, Марказий ва Жанубий Қозоғистондан, Қизилқум ва Қорақумдан, Қашқадарё ва Зарафшон воҳалари, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсидан кўплаб неолит даври маконлари очилган. Хусусан, неолит даври Марказий Фарғона маданияти фанда Ўрта Осиёда тўртинчи неолит даври маданияти деб киритилган.

Ушбу маконларда олиб борилган тадқиқотлар натижалари шунни кўрсатадики, неолит даврига келиб, мезолитнинг сўнгги босқичларида кашф этилган тош болталар анча кенг тарқалади. Паррақчалар, найза ва камон ўқларининг учлари, пичоқлар, тешгичлар, пармалар, қирғичлар, ёрма тошлар, ўроқ ва бошқа қуроллар такомиллашади. Энг қадимги даврнинг дастлабки даврида қўлга киритилган барча ютуқлар бу даврга келиб яқунланади. Неолит даври одамлари ўзларининг тинимсиз меҳнати, кузатувчанлик қобилияти, ибтидоий билимларини сафарбар қилиб, хўжаликнинг илғор, унумдор шаклини — деҳқончилик ва чорвачиликни кашф этдилар. Географик муҳит ва шарт-шароитнинг турли туманлиги бу давр қабилаларида меҳнат қуроллари, уй-рўзгор буюмлари, турар-жойлар ва хўжаликларнинг турлича бўлишига олиб келди. Хусусан, Ўрта Осиёнинг жанубидаги неолит даври қабилалари хўжаликнинг деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик шаклларини ривожлантирган бўлса, шимолдаги қабилалар эса табиий шароитнинг ноқулайлиги туфайли узоқ вақт ривожланишдан орқада қолган.

Неолит даврида қадимги аجدодларимиз лойдан идишлар ясаб уларни оловда пишириш йўли билан кулолчиликка асос солдилар. Шунингдек, ип йигириш асосида тўқимачиликни кашф этдилар. Одамлар ёғоч ва қамишдан қайиқ ясаб (қайиқсозлик) сувда сузишни ҳам ўзлаштирдилар. Хуллас, неолит даври ютуқларга бой бўлиб, ўзидан илгариги даврларга нисбатан юксак ривожланиш даври бўлди.

Тадқиқотлар натижаларига қараганда тош ва бронза даврлари ўртасида **мис-тош (энеолит)** даври бўлганлиги аниқланган. Бу даврда металл қуролларнинг барчаси бронзадан қилинмай соф мисдан ясалганлиги маълум. Ўрта Осиёда энеолит даври нисбий тарзда мил. авв. IV минг йилликнинг охири — III минг йилликнинг бошларини ўз ичига олади. Бу даврда мис ўзининг кимёвий хоссалари (тез эрувчанлик, эгилувчанлик) туфайли хўжалик ҳаётда устунлик қила олмади. Ишлаб чиқаришда аввалгидек тош қуроллар асосий ўринда бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам бу давр мис-тош асри деб юритилади.

Мезолит охирида ва неолит даврида териб-термачлаб овқат топишдан ёввойи ўсимликларни экиш ва ўтказиш йўли билан маданийлаштириш орқали вужудга келган деҳқончилик энеолит замонида юқори хўжалик турига айланиб борди. Деҳқончилик билан уй чорвачилиги ортиқча маҳсулот етиштиришга ва мол айирбошлашни тартибга солишга асос бўлган. Ўрта Осиё ҳудудларида қуйидаги янги тарихий-маданий жараёнлар энеолит даври билан боғлиқдир:

1. Хўжаликнинг бошқа ҳамма турларига қараганда ҳайдама деҳқончиликнинг устунлик қилиши;
2. Тошдан ишланган қуроллар кўп бўлган ҳолда мис қуролларнинг пайдо бўлиши;
3. Катта-катта жамоаларнинг пахсадан ва хом гиштдан тикланган катта-катта уйлари;
4. Кулолчиликда муҳим техника ютуғи — хумдонларнинг ишлатилиши;
5. Ўтроқчилик хўжалигининг ривожланиши, жамоа бирлашмаларининг уйлари ва қурилишида хом гиштнинг пайдо бўлиши;

6. Турли ҳайвонларнинг лойдан ясалган ва она уруги тузумига (матриархатга) хос ҳайкалчалари;

7. Рангдор сопол буюмлар, яъни турли тасвирлар ишланган сопол буюмларнинг мавжудлиги.

Энеолит даврида Ўрта Осиё аҳолисининг маданияти бир босқич юқорига кўтарилади. Лекин, бу ҳудудлардаги қабилаларнинг маданий ва ижтимоий тараққиёти бир хил даражада эмас эди.

Қадимги қабилалар мис-тош даврига ўтгач, маданий, хўжалик ва ишлаб чиқариш тараққиётининг янги босқичи бошланади. Янги хўжалик турлари — деҳқончилик ва чорвачилик аввалгидек, Туркменистоннинг жануби-ғарбидаги қулай географик шароитда ривожланади. Бу пайтда қуйи Зарафшон ва Амударё қавзаларида яшовчи қабилалар ҳали маданий ўсимликлар ўстиришга ўтмаган эдилар. Ўрта Осиёнинг шарқий қисмидаги тоғли ҳудудлар аҳолиси хўжалигида эса овчилик устун эди. Демак, илк ва ривожланган мис-тош даврида Ўрта Осиё қабилаларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида катта фарқлар ва нотекисликлар сақланиб қолади.

Дашт ва тоғ ҳудудларидан топилган хилма-хил моддий манбаларни ўрганиш натижалари (сопол идишлар, тош қурошлар, ҳайвонлар ва қушлар суяклари) қабилаларнинг иқтисодий ҳаётида қўшимча хўжаликлар — овчилик ва балиқчилик асосий манба бўлганлигидан далолат беради. Шу билан бирга дашт одамлари тарихида чорвачиликнинг илк босқичи бошланади дейиш мумкин. Лекин, неолит даври анъаналари ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аҳолининг асосий қисми дарёларнинг irmoқлари соҳилида ва қўшлар атрофида яшаган. Табиий бойликлар энеолит даври одамлари учун ҳаёт манбаи ҳисобланган.

Энеолит даврига оид муҳим ёдгорликлар Жанубий Туркменистондаги Анов ва Номозгоҳтепа ҳудудларида аниқланган. Бу ердаги уй-жойлар хом гиштдан қурилган. Моддий топилмалар орасида мис қурошлар тош қурошларга нисбатан камчиликни ташкил этади. Шунингдек, бу маконлардан топилган гулдор сопол

буюмлар кулолчиликнинг ҳам анча ривожланганлигидан далолат беради. Сирти қора бўёқда геометрик чизиқлар ва ҳайвон ёки қуш расмлари билан безатилган бу топилмалар мил. авв. IV минг йилликка оиддир.

Ўзбекистон ҳудудларида энеолит даври ёдгорликлари ҳозирча яхши ўрганилмаган. Мил. авв. IV-III минг йиллик бошларида Амударё ва Зарафшон қуёи оқимларида Қалтаминор маданияти тош қуроллари, сопол идишлари ва уй-жойлари кент тарқалаган. Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқ даштларида ва Орол денгизи соҳилларида овчилик, балиқчилик ва илк чорвачилик хўжаликлари ривожланади. Бухоро воҳасидаги **Лавлакон**, **Бешбулоқ** маконлари ва Замонбобо қабристонининг энг пастки қатламлари энеолит даврига оиддир. Бу ёдгорликлардан сўнгги Қалтаминор топилмаларига ўхшаш сопол идишлар бўлақлари ва чақмоқтош билан бирга мисдан ясалган игналар ва мунчоқлар топилган.

Юқори Зарафшоннинг Панжикент шаҳридан 15 км ғарбда жойлашган **Саразм** қишлоғи харобаси энеолит даври деҳқончилик қабилаларининг Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқига ёйилганидан далолат бериб, қадимги деҳқончилик аҳолисининг деҳқончилик чегараларини ҳам кўрсатади.

Умумий майдони 90 гектар бўлган Саразм қишлоғи харобалари 10 та тепаликда жойлашиб, 4 та даврга бўлинади. Улар топилмаларга қараб бир-биридан фарқ қилади. Дастлабки икки давр энеолит, кейинги икки давр эса бронза даврига оиддир. Саразмдан уй-жой ва рўзгор-хўжалик иншоотлари қолдиқлари очиб ўрганилган. Бу ерлардан сопол идишлар, металлдан ва тошдан ишланган қуроллар (жумладан, тош кетмонлар), зеб-зийнат буюмлари кўплаб топилган.

Саразм моддий топилмаларида Жанубий Туркманистон, Жанубий Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон маданиятларига мансуб буюмлар ҳам бор. Улар энеолит даври қабилалари ўртасидаги кент маданий ва иқтисодий алоқалардан далолат беради.

Ибтидоий тасвирий санъат. Бронза даври ютуқлари

Дунё тарихида ибтидоий тасвирий санъат, хусусан, горларнинг деворларига турли тасвирлар тушириш сўнгги палеолит даврига оиддир (Испаниядаги Алтамир ёри). Ўрта Осиёда унгулар ва қоятошларга ишланган расмлар мезолит даврида пайдо бўлади. Неолит даврига келиб бу санъат янги асосда ривожланиш босқичига ўтади. Қалтаминор, Ҳисор, айниқса, Жойтун маданиятига мансуб ёдгорликлардан ибтидоий санъатнинг намуналари топилган. Ўтмиш тарихимизнинг хилма-хил ёдгорликлари орасида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва Ўрта Осиёнинг тоғлик туманларида кенг тарқалган қоятош расмлари ишланиш усулига кўра икки хилдир. Бир хиллари бўёқ (оҳра) билан, иккинчи хиллари эса уриб-ўйиб ишқалаш, чизиш усули билан ишланган расмлар (петроглифлар) кенг тарқалган.

Ўлкамиздаги қоятош расмларнинг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Кўсарой, Такатош, Теракисой кабилар бўлиб, улар юздан зиёддир. Мазкур жойлардаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами вакиллари расмларини кузатиш мумкин. Улар буқалар, шерлар ва йўлбарслар, қоплон, тулки ва бўрилар, буғу ва жайронлар кабилардир. Расмлар орасида ўқ-ёй, қопқон каби нарсалар ҳам кўпчиликти ташкил этади. Мавжуд қоятош расмлари мазмунан бой ва манзараси жиҳатидан хилма-хилдир. Унда одамлар, ов, йиртқич ҳайвонлар тўқнашувлари манзаралари тасвирланган.

Республикамиздаги энг қадимги расмлар **Зараутсойда** бўлиб (Сурхондарё), бу расмлар мезолит-неолит, яъни мил. авв. VIII-IV минг йилликларга оиддир. Қоятош расмлари орқали ўша давр одамларининг ов, меҳнат ва жанговар қуролларини билиб олишимиз мумкин. Шунингдек, қоятош расмлар қадимги авлодларимизнинг ғоявий қарашлари ва диний эътиқодларини ўрганишда муҳим аҳамиятга

эгадир. Ундан ташқари, қоятош суратлари мазмун ва манзараларининг бойлиги билан ажралиб туради ва улар кенг тарқалади. Ушбу суратлар ишланиш услуби хилма-хил бўлиб, археологик ёдгорликларнинг бир тури ҳисобланади. Уларнинг мазмун ва манзараси маъносидан келиб чиқиб, ибтидоий ёки қадимги давр кишиларининг ҳўжалик ҳаёти ҳақида, ҳайвонларни ов қилиш, қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш, чорвачиликнинг пайдо бўлиши ҳақида маълум тасаввурларга эга бўлишимиз мумкин. Айни пайтда қоятош расмлари ўзига хос санъат асари бўлиб, улар орқали биз ибтидоий ва қадимги одамларнинг санъати, эстетик истеъдоди ўша давр нуқтаи назаридан юқори даражада бўлганлигини билиб олишимиз мумкин.

Кўпчилик тадқиқотчилар фикрига қараганда бронзанинг ватани Кичик Осиё ва Месопотамия бўлган. Қадимги Миср, Месопотамия, Кичик Осиё ва Эроннинг жануби-ғарбида мил.авв. III-II минг йилликнинг бошларида ривожланган жамият кенг равақ топади. Урта Осиёда **бронза даври** мил. авв. III минг йилликдан I минг йилликнинг бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда бронза асри учта катта хронологик даврга: илк, ривожланган ва сўнгги бронза давларига бўлинади. Урта Осиёнинг шимолий ва шарқий ҳудудларида мавжуд бўлган бронза даври ёдгорликлари маданияти жанубий ҳудудлардаги ўтроқ маданиятдан ажралиб туради.

Ўзбекистон ҳудудида бронза даврида асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган қабилаларнинг моддий-маданий ёдгорликлари Хоразмда 50 дан зиёд очилган бўлиб **Тозабобёб маданияти** номи билан машҳурдир. Бу маданиятга мансуб сопол буюмлар Қозоғистон ва Сибир ҳудудларидан топилган сопол буюмларга анча ўхшаб кетсада, ўзига хос хусусиятлари билан Шарқий Европа чорвадорлари яратган бронза даври Ёғочбанд маданиятидан, Қозоғистон ва Сибирдаги Андроново маданиятидан ҳам фарқ қилади. Бунга асосий сабаб, тозабобёбликлар орасида деҳқончилик кенг тарқалган.

Тозабогёб маданиятига оид маконларнинг айримларидан қадимий мозорлар (Кўкча), кўпчилигидан эса ярим ертўла шаклидаги уй-жой қолдиқлари очилган. Улардан зеб-зийнатлар, ҳайвон суяклари, сопол идишлар, тошдан ва бронзадан ишланган қуроллар топилган. Тозабогёб сопол идишлари асосан қўлда ишланган. Хоразмдаги сўнги бронза даврига оид ёдгорликлар **Амиробод маданияти** номи билан машҳур бўлиб мил. авв. IX-VIII асрларга оиддир. Бу маданият соҳиблари Тозабогёб маданияти хусусиятларини сақлаб, ярим ертўла турар-жой, суғориш иншоотлари излари ва қўлда ясалган сопол идишлар билан изоҳланади.

Куйи Зарафшоннинг бронза даври ёдгорликлари **Замонбобо маданияти** номи билан аталади. Бу даврга мансуб ёдгорликлар орасида Замонбобо кўли ёқасидан топилган қадимги қабристон айниқса диққатга сазовордир. Қабрлар якка ва жуфт қабрлар бўлиб дафн этиш жараёнида кўмиш маросимларига амал қилинган. Қазилмалар жараёнида эркаклар қабрларидан ўқ-ёй пайконлари, пичоқлар, пичоқсимон тош қуроллар ва турли шаклдаги сопол идишлар; аёллар қабрларидан сопол идишлар, бронза кўзгу, упадон, сурмадон каби пардоз буюмлари ва ярим қимматбаҳо тошлардан турли шаклда ишланган мунчоқ ва маржонлар топилган.

Замонбободиклар чайласимон кулбаларда истиқомат қилиб деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғулланганлар. Топилган кўплаб меҳнат қуроллари, бошоқли ўсимликлар қолдиқлари ва ҳайвонлар суяклари шундан далолат беради. Шунингдек, замонбободиклар жамоасида хунармандчиликнинг турли тармоқлари, хусусан, кулолчилик, бронзани эритиб ундан ҳар хил ашёлар ясаш, айниқса тошни ишлаш техникаси анча ривожланган.

Замонбобо маданияти жанубдаги ўтроқ деҳқончилик жамоалари таъсирида шаклланган. Бу маданият хонаки чорвачилик ва мотиға (кетмонча) деҳқончилиги билан кун кечирган Бухоронинг туб

аҳолисига мансубдир. Бронза даврида Бухоро воҳасининг дарё адоқларида эндигина деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғулланувчи илк қишлоқлар пайдо бўлиб, улар ярим ертўла ва шохшабба енгил чайлалардан иборат турар жойлардан ташкил топган. Буларда уй ҳунармандчилигининг мисгарлик, тоштарошлик, тўқимачилик каби турлари мавжуд бўлсада, аммо ҳали улар касб-ҳунарнинг ривож топган даражасига етиб бормаган эди.

Ўзбекистоннинг жанубидаги бронза даври ёдгорликлари қадимги сугориш ҳудудлари — Улонбулоқсой, Шеробод, Бандихон ва Миршодидда топиб текширилган. Улар **Сополли маданияти** номи билан машҳурдир.

Сополлитепа марказидан тўртбурчакли истехком, истехком ичида турар-жойлар ва хўжалик хоналари, ҳунармандчилик устахоналари учта маданий қатламдан иборат эканлиги аниқланган. Сополлида қурилиш, ҳунармандчилик ва иқтисодий муносабатлар анча ривож топган. Ўчоқлар турар жой хоналари ичидаги девор ичига ўрнатилган. Асосий қурилиш ашёси пахса ва хом гиштдир.

Сополлитепадаги турар-жойлар тагидан бронза даври қабристонини очилган. Кўпчилик қабрлар якка қабрлар бўлиб, жамоа қабрлари ҳам учрайди. Аёллар қабрларидан асосан сопол ва безаклар топилган бўлса, эркаклар қабрларидан асосан сопол, меҳнат ва жанговар қуроллар топилган. Сопол топилмалар деярли нақшланмаган бўлиб, кулўлчилик чархида тайёрланган.

Мил. авв. II минг йилликнинг боши ва ўрталарига оид Сополлитепа аҳолисининг хўжалиги деҳқончилик ва уй чорвачилигига асосланган. Шунингдек, дарё тошларидан ва қумтошдан ишланган ёргучоқлар ва ҳовончалар ҳам кўплаб учрайди. Бу топилмаларнинг барчаси Сополлитепада деҳқончилик анча ривожланганидан далолат беради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Сополлитепа ҳозирча Ўзбекистондаги дастлабки энг қадимги деҳқончилик қишлоғидир.

Ўзбекистон ҳудудида чорвадор қабилаларга мансуб бронза даври қабристони Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан топилган.

Куйи Қашқадарёдаги **Гужайли** қабристонидан чорвачилик ва деҳқончилик қабилаларига тегишли бўлган ашёлар, Фарғона водийси Янгиариқ ҳудудидан деҳқончилик буюмлари ва деҳқончилик билан боғлиқ қоятош суратлар, Чустдан ҳунармандчилик ва деҳқончиликка оид буюмлар кўплаб топилган.

Бу даврда ҳунармандчилик соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилади. Хусусан, кулолчилик чархида тайёрланган сопол идишлар кенг тарқалади. Бундай идишлар қўлда ишланган сополлардан анча фарқ қилиб, асосан деҳқончилик маданияти учун хосдир. Кулолчилик чархининг ҳунармандчиликка кенг кириб келиши сополчилик ишлаб чиқариш янги техникасининг яратилишига сабаб бўлиб, кейинчалик ихтисослашган ҳунармандчиликка ўтишнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилди.

Мил. авв. II минг йилликка келиб Ўзбекистоннинг дашт ҳудудларига чорвадор қабилалар келиб ўрнаша бошлайдилар. Уларнинг маконларидан топилган моддий манбалар **Жанубий Қозоғистоннинг** чўлларидаги Андроново маданиятига ўхшаб кетади. Дашт қабилалари тарқалганлигидан айниқса, сопол идишлар, металл буюмлар ва чорвадор қабилаларга мансуб қадимги қабрлар тузилиши далолат беради. Бу ўринда тадқиқотчилар бронза давридаёқ Ўрта Осиё ҳудудларида маълум даражада этник маданий жараёнлар бўлиб ўтган деган фикрни илгари сурадилар.

Бронза даврининг хўжалик соҳасида эришган энг катта ютуқларидан бири қадимги деҳқончиликнинг кенг ёйилиши ва мил. авв. II минг йилликда чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқишидир. Металл қуроллар қадимги ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиргани туфайли Ўрта Осиё дашт ва тоғ олди ҳудудларида яшаган аҳоли бошқа аҳолидан (деҳқонлардан) ажралиб чиқади ва асосан чорвачилик

билан машғул бўлади. Бу тарихий жараён — кишилиқ жамияти тараққиётидаги дастлабки йирик меҳнат тақсимоти эди.

Бу давр манзилгоҳларини ўрганиб, бу даврда икки хил маданият ҳукм сурган дейиш мумкин. Биринчиси — қадимги қабилалар деҳқончилик учун қулай ерларга жойлашиб юксак деҳқончилик маданиятини яратган бўлсалар, иккинчиси — худди биринчи маданият соҳиблари даражасида ишлаб чиқарувчи кучларга эга бўлган ҳолда дашт ва тоғ олди яйловларда чорвачилиқ маданиятини яратганлар.

Бронза даври Ўрта Осиёнинг ижтимоий тузумида ҳам ўзгаришлар содир бўлиб ўтди. Уруғчилик тузуми бу даврда ҳам давом этди. Аммо бу даврда она уруғининг мавқеи йўқолиб борди. Металл эритиш ва хўжалиқнинг ривожланиши натижасида жамиятда эркаклар меҳнат ва мавқеи биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб борди. Натижада жамият тараққиётида, деҳқончилик, чорвачилиқ, овчилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланишида эркаклар етакчилик қиладилар. Хотинлар эркаклар ишлаб чиқарган нарсаларни истеъмол қилишда иштирок этсалар ҳам, унга эгалик қилишдан маҳрум бўладилар. Ишлаб чиқаришда ҳукмронлик қилиш шу тариқа эркаклар қўлига ўтади ва она уруғи тузуми ўрнини ота уруғи (патриархат) тузуми эгаллайди.

3-МАВЗУ. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШИ¹. ЭТНОГЕНЕЗ ВА УНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўҳозирги кунга келиб Республикамизда миллий-маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, миллий мафкура ғояларини фуқароларимиз онгига янада чуқурроқ сингдириш ва янада теран англантиш кучайиб, Ўзбекистон халқларининг ўз ўтмиш ва келиб чиқишига қизиқиши ортиб бормоқда. Хусусан ўзбек халқининг этник тарихи, унинг халқ сифатида шаклланиши масалалари долзарб эканлиги юртбошимиз И.А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келахак йўқ» асарида (1998) ҳар томонлама асослаб берилди. Бу йўналишда тарихчиларимиз олдига ечими ҳаётий зарур бўлган вазифалар қўйилди. Жумладан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Мовароуннаҳр сарҳалларига узоқ тарихимиз давомида не-не босқинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, балки, асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолалар ҳукмронлик қилмаган дейсиз... Эрондан Аҳмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Қутайба, Мўғулистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин халқ қолдику?... ана шундай ҳар томонлама мудҳиш, четдан қараганда халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда барибир, қатор йўқотишлар билан, бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қололдики ё йўқми? Олимларимиз ана шу саволга жавоб берсинлар».

Этногенез ёки бирорта халқнинг келиб чиқиш тарихи масалалари тарих фанининг ютуқлари билан чамбарчас боғлиқлиги кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилгани маълум. Аммо, тарих фанининг бошқа йўналишларига (археология,

¹ Ушбу мавзунини тайёрлашда К.Ш.Шониёзовнинг янги чоп этилган маълумотларидан фойдаланилди.

этнография, антрополия ва бошқ.) нисбатан ўзбек халқи этногенези ҳамон жиддий тадқиқотлар талаб этади. Этногенез ва этник тарих масалалари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу йўналишдаги айрим кузатишларни юнон, хитой, рим, араб, эроний ва туркий тилларда ёзилган қадимги ҳамда ўрта аср муаллифлари ва сайёҳлари асарларида учратиш мумкин. Улар ўз асарларида халқларнинг ташқи қиёфасидаги умумийлик, баъзи урф-одатларнинг яқинлиги ва тилларнинг ўхшашлигини таъкидлаганлар. Аммо, улар бу жараёнларнинг асл сабабларини очиб бера олмаганлар. XIX-XX аср бошларида олиб борилган тадқиқотлар нисбатан самарали бўлишига қарамай бу тадқиқотлар ҳам халқларнинг этник келиб чиқиши, маданияти ва тилларидаги ўхшашлик сабаблари ва моҳиятини тўла очиб бера олмади.

Сўнги 20-25 йил ичида Республикамиз ҳудудларида олиб борилган археологик, антропологик ва этнографик тадқиқотлар натижаларини умумлаштирган антрополог олим Т.Қ. Хўжайов ҳар бир халқнинг этногенезини ўрганишда қуйидаги тамойилларга асосий эътибор беришни таклиф этади:

1) бирор халқнинг келиб чиқиши тарихи кўп қирралик жараён бўлиб, у ўз ичига шу халқнинг маданияти ва иқтимоий тузилмаси, унинг биологик хусусиятлари, ўзининг жамиятда тутган ўрнини тушуниш, тили ва ўзлигини танишни қамраб олади;

2) этногенез масаласига бир томонлама қараб, уни соддалаштириш билан чегараланиб қолмасдан, шу халқнинг келиб чиқиш тарихида маълум аҳамият касб этган барча таркибий қисмлар ҳам эътиборга олиниши шарт;

3) этногенез мураккаб ва узоқ давом этган жараён. Бинобарин, бу жараённи босқичма-босқич тиклаш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги тамойилларга тўла риоя қилинган ҳолдагина айрим халқ этногенезига оид муаммоларни илмий нуқтаи назардан мукамал ва ҳар томонлама

очиb бериш имконияти пайдо бўлади. Аммо, Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистон ҳудудларида қадимги даврлардан содир бўлиб келаётган этник жараёнларни ҳар томонлама ёритишдан аввал айрим фанлар соҳасида қўлга киритилган ютуқларни охирига етказиш билан ундан бошқа соҳа мутахассислари ҳам фойдаланиши мумкин бўлган даражасига чиқариш мақсадга мувофиқдир. Сўнгги йиллардаги археологик изланишлар қадимги аҳолининг моддий ва маънавий маданияти, унинг турмуш тарзи, уй-рўзгор ашёлари, анъанавий ҳўжалиги ва бошқалар ҳақида муҳим маълумотлар олиш имконини берди. Бу жараён эса янги антропологик маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил этишга асос бўлди.

Этногенез жараёни турли халқларнинг аجدодлари тарихидан бошланади. Ўзбек халқи аجدодларининг тарихи жуда катта тарихий даврни ўз ичига олади. Узоқ тарихий тараққиёт йўлида аجدодларимиз мураккаб этногенез жараёнларини бошдан кечирганлар. Бу жараёнлар антропологик қиёфалар, қабилалар, халқлар ва элатларнинг аралашиб кетиши, маданий анъаналарнинг қўшилиб янги асосда ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган.

Тарихий адабиётлардан бизга маълумки, фаннинг кўлгина тармоқларига, жумладан, халқлар ҳақидаги фанга бундан 2-2,5 минг йил илгари қадимги Юнонистонда асос солинган. Шунинг учун ҳам замонавий фанда юнон тилидан олинган сўзлар кўп учрайди. Бундай сўзларни халқлар ҳақидаги фанларда ҳам учратиш мумкин. Қадимги юнонларда «халқ» тушунчасини ифодаловчи бир неча сўзлар бўлган. Шулардан бири «демос» бўлиб, бу сўз орқали аҳолининг асосий қисми тушунилган (мас. «демократия» — «халқ ҳокимияти», «демография» — «халқларни таърифлаш» ва бошқ.). Шундай сўзлардан яна бири «этнос» бўлиб айнан таржимаси «халқ» демакдир. Этнографик тадқиқотлар натижаларига кўра,

«ҳар қандай этнос ўз шаклланишининг дастлабки палласида бир-бири билан иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ одамлар жамоасидан иборат бўлади.

Айрим этносларни бир-биридан фарқловчи муҳим белгиларидан бири бу маданий хусусиятлардир. Бу хусусиятларни ҳар бир халқ ўз тарихий-маданий ривожланиш жараёнида ўзлаштиради ва авлоддан авлодга қолдиради. Фанда бу жараён «этник анъаналар» дейилади. Бундай анъаналар ҳар бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва табиий географик шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлган у ёки бу тарихий даврларда шаклланади. Этносни қисқача қилиб уюшган тил-маданий жамоаси дейиш мумкин. Илмий адабиётларда «этник жамоа» деган сўз ҳам кўп ишлатилади. Фақатгина алоҳида халқларни эмас, балки уларнинг келиб чиқишида қариндошчилик бўлган гуруҳларни ҳам этник жамоа деб аташ мумкин.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, қариндош-уруғчилик этник жамоалари аста-секинлик билан уруғ жамоаларига айланиб боради. Уруғ — бирга яшаб, ҳамкорликда меҳнат қилган қариндошлар уюшмаси бўлиб, маълум халқларнинг этник шаклланишидаги дастлабки босқичлардан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўлкамяз ҳудудларидаги қадимги маҳаллий аҳоли ва ўзбек халқининг шаклланиш босқичлари

Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий ҳаётида туркий этник гуруҳлар жуда катта аҳамиятга эга бўлганлиги ва бу қатламнинг илдизлари жуда қадимий эканлиги археологик маълумотлар асосида исботланмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бронза даврига келиб Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида баланд бўйли, юзи тор ирқнинг вакиллари тарқалган. Шимолий дашт ва чўл ҳудудларида эса, жануб аҳолисидан фарқ қилувчи боши думалоқ, юзи жуда кенг ва чўзиқ бўлмаган қабилалар яшаганлар. Фанда

жанубий қиёфали одамлар Ўрта Ер денгизи ирқининг вакиллари деб аталади. Улар Олд Осиё, Месопотамия, Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Ҳиндистон каби катта географик ҳудудга ёйилганлар. Шимолий қиёфали одамлар Жанубий Сибир ҳудудидан то Қозоғистон, Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий қисмида Урал, Волга бўйи ерларигача тарқалган.

А. Сағдуллаев тадқиқотларига кўра, бронза даврига келиб, Ўрта Осиё ҳудудида қадимги жанубий ва шимолий қиёфадаги одамлар вакилларининг қўшилиш жараёни бошланади ҳамда айнан мана шу даврда, ўлкамизда яшаб ўтган бронза даври қабилалари, Ўрта Осиёнинг қадимги халқларига асос солганлар. Бу давр ўлкамиз ҳудудларида мураккаб этник-маданий жараёнлар бўлиб ўтгани билан изоҳланади. Хусусан, жанубий ҳудудлардаги ҳосилдор воҳалар ўтроқ деҳқончилик аҳолиси томонидан ўзлаштирила бошлаган бўлса, шимолий вилоятларда кўчманчи чорвадор қабилалар тарқала бошлайди. Кўчманчи чорвадорлар ва ўтроқ аҳолининг узвий муносабатлари асосида ижтимоий-иқтисодий ва маданий-этник жараёнлар авж олади.

Мил. авв. II минг йилликнинг ўрғаларидан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудларига шимоли-шарқдан чорвачилик билан шугулланувчи янги этник гуруҳлар кириб кела бошлайди. Маҳаллий маданиятдан фарқланувчи бу гуруҳлар маданияти тадқиқотчилар томонидан «Тозабоғёб маданияти» номи билан фанга киритилган.

Тозабоғёб кўринишидаги ёдгорликлар кейинчалик Зарафшон дарёсинг қуйи ҳавзаси ҳудудларидан топиб ўрганилди. Худди шунга ўхшаш этносларнинг излари Тошкент воҳасидан, Фарғона водийсидан ва шимолий Бактриянинг тоғли ва тоғолди ҳудудларидан топиб ўрганилган. Жуда катта ҳудудлардан, хусусан, Қозоғистон чўллари, Олтой, Жанубий Сибир, Уралолди ҳудудларидан текширилган ўзига хос маданият «Андроново маданияти» номи билан фанга киритилган. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича бу маданият соҳиблари бронза давридаёқ туркий тилда сўзлашганлар.

Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг қадимдан ўтроқ деҳқончилик маданияти ўчоқлари таркиб топган ҳудудда жойлашганлиги бой археологик ва меъморчилик маданиятлари билан изоҳланади. Фарғона водийсининг Селунғур ғоридан топилган қадимги тош даврига оид топилмалар ва Тешиктошдан топилган ўрта палеолит даврига оид одамзод қолдиқлари, бизнинг юртимиз Африка ва Олд Осиё ҳудудлари билан бир қаторда инсоният пайдо бўлган ҳудудлар таркибига кирганлигини ҳозирги кунда узи-кесил исботлайди. Шунингдек, мезолит даврига оид Мачай ғоридан топилган ёдгорликлар, неолит даврига оид овчилик ва балиқчилик маданиятини ўзида акс эттирувчи Калтаминор, жанубдаги илк деҳқончилик маданиятига оид бўлган Жойтун, Ҳисор тоғ маданияти, бронза даврига оид бўлган хилма-хил Замонбобо, Сополли, Жарқўтон, Саразм, Сувёрган, Чуст маданиятлари Ўлкамизда қадимги аجدодларимиз хўжалигининг жадаллик билан ривожланганлигини исботлайди.

Ўлкамиздаги қадимги аҳоли тош ва бронза даврида қандай нҳм билан аталганликлари бизга номаълум. Ўрта Осиё аҳолиси ҳақидаги маълумотлар дастлабки марта Шарқ ва юнон-рим манбаларида тилга олинади. Юнон тарихчилари маълумотларига қараганда, Евросиёнинг катта ҳудудларида яшовчи қабилалар умумий «скифлар» номи билан аталади. Геродот, «бу халқ қадимийликда мисрликлардан қолишмайди», деб юқори баҳо берган эди. Плиний эса, Ўрта Осиё ҳудудларида 20 га яқин қабилалар борлиги хусусида эслатиб ўтади. Ёзма манбаларда скифларнинг иккита йирик қабиласи: саклар ва массагетлар хусусида кўпроқ эслатилади. Аҳмонийлар миҳхат ёзувларида саклар учта қисмга (хаумаварка, тиграхауда, тий-тара-дарайя) бўлиб кўрсатилади. Массагетлар хусусида ҳам турли фикрлар мавжуд бўлиб, улар маҳаллий чорвадор-ҳарбий қабилалар бўлганлиги таъкидланади. Аммо, ёзма манбалар бу халқлар ва қабилаларнинг қайси ирққа мансублиги ҳақида маълумот бермайди.

Айрим олимлар томонидан билдирилган Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон қадимги даврлардаги монголоид ирқи шаклланган ҳудудга киради, деган илмий ёндашув поғўри ва асоссиз эканлиги сўнгги йиллардаги антропологик маълумотлар натижасида аниқланди. Г. Хужайов фикрича, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини ўранишни қанча эрта даврлардан бошласак, унинг таркибига ҳозирги кунларгача сақланиб келинаётган ирқий ва этник унсурларнинг маҳаллий халқ таркибига кирган даври ва унинг нисбий миқдори тўғрисида шунчалик кенг фикр юрита оламиз.

Ўзбек халқига хос Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ирқининг шаклланиш даври, макони ва тарихи масалларида фанда яқингача ягона фикр йўқ эди. Бир гуруҳ олимлар бу ирқ бундан 6-8 минг йил илгари, иккинчи бир гуруҳ тадқиқотчилар бундан 3 минг йил илгари шаклланган деса, учунчи гуруҳ олимлари эса, XVI асрда шаклланди, деб ҳисоблар эдилар. Кейинги йиллардаги бой археологик тадқиқотлар натижасида тадқиқотчилар орасида Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ирқининг шаклланиши бундан 2200-2300 йил илгари бошланган деган фикр устунлик қилмоқда.

Кўпгина илмий адабиётларда ўзбек халқининг шаклланишида саккизта муҳим давр санаб ўтилади. Булар қаторида Аҳмонийлар, Македониялик Искандар, Араб халифалиги, Мўғуллар истилоси тилга олинади. Ҳақиқатини, бу табиғ этишлар Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқлари маданиятига, тилига, турмуш тарихига албатта ўз таъсирини ўтказган. Аммо, бу воқеаларнинг маҳаллий халқларнинг ирқий ва этник тарихига бўлган таъсири кам эканлигини таъкидлаш керак. Антропологик нуқтаи назардан улар маҳаллий халқ «қонини» ёки генетикасини тубдан ўзгартира олмадилар. Улар сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этган маҳаллий аҳоли таркибига сингиб кетганлар. Бу ўринда маҳаллий (субстрат) ва келгинди (суперстрат) аҳоли орасидаги ўзаро муносабатларнинг фанда маълум ҳолатларини эслатиб ўтиш жоиз. Яъни, кўп сонли маҳаллий аҳоли таркибига келгинди гуруҳларнинг

сингиб кетиши; айрим ҳолларда келгинди гуруҳларнинг маҳаллий аҳолидан устун бўлиши; келгинди аҳоли тенг сонли бўлиши ва ниҳоят, маҳаллий ва келгинди халқлар аралашуви натижасида иккаласига ҳам ўхшаш янги халқ, гуруҳ, элат пайдо бўлишини кузатиш мумкин. Т. Хўжайовнинг махсус антропологик тадқиқотларига қараганда, барча тарихий даврларда маҳаллий халқ келгинди аҳолидан ҳамиша устун бўлган.

Илк темир давридан бошлаб (мил. авв. IX-VII асрлар) ўлкамизнинг қадимги деҳқончилик воҳаларида яшовчи ўтроқ аҳоли ўзлари яшаб турган ҳудуд номлари билан атала бошлаганлар. Булар, Суғдийнадаги — суғдийлар, қадимги Хоразмдаги — хоразмийлар, қадимги Бақтриядаги — бахтарлар, қадимги Шошдаги — чочликлар, Фарғонадаги — парканаликлардир. Бу тарихий номларнинг айримларини илк ёзма манбаларда, хусусан зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да, Аҳмонийлар миҳхатларида, юнон-рим муаллифлари асарларида учратиш мумкин.

Антропологик изланишлар натижаларига таяниб ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихида муҳим аҳамият касб этган уч тарихий даврга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Биринчидан, мил. авв. III-II асрларда Ўрта Осиё дашт минтақаларида ҳозирги ўзбек халқига хос антропологик қиёфа шакллана бошлаган. Бу эса ўзбекларга хос Ўрта Осиё икки дарё оралиги ирқи аввало Волга дарёси бўйларида ва Уралда сармат қабилалари таркибида шаклланиб тарқалди деган ҳамда бу ирқ Байкал кўли атрофида ва Мўғулистон чўлларида шаклланиб тайёр ҳолда маҳаллий аҳолига ўз ирқини тарқатди, деган фанда яқингача мавжуд бўлган фикрлардан воз кечишни тақозо этади.

Сўнги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўзбекларга хос антропологик қиёфа, даставвал, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси туманларида, яъни Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, қисман Хоразм ва Жанубий Қозоғистоннинг Чимкент вилоятларида, Етгисув минтақасида мил. авв. I минг йиллик охирида шакллана бошлаганлиги аниқланди.

Мил. авв. III-II асрларда бу аҳоли бир неча йўналишда Ўрта Осиёнинг марказий ва жанубий вилоятларига кириб борган. Ушбу антропологик тадқиқотлар натижалари ёзма манбаларда маълум бўлган халқларнинг жанубга юриши ва Юнон-Бақтрия давлатининг истило этилиши ҳамда Буюк Кушон салтанатининг барпо бўлиш даврига мос келади. Антропология бу юриш ҳақида қуйидаги маълумотларни беради. Кўчманчи ва ярим кўчманчи чўл аҳолиси Сирдарё қуйи оқимидан Марказий Қизилқум орқали (Учқудуқ, Томаи, Юзқудуқ, Кўкпатош), Самарқанд атрофларига (Кагтақўрғон, Орлат), сўнгра Қашқадарёнинг Қарши шаҳри атрофлари (Ерқўрғон) орқали Сурхондарё вилоятидаги (Кўҳна Термиз, Далварзин, Шоҳтепа, Айртом) қадимги шаҳар ва қишлоқларга кириб жойлашганлар. Кейинчалик улар жанубий Тожикистонга ўтиб кетганлар. Уларнинг иккинчи гуруҳи қадимий Бухоро воҳаси орқали Туркменистоннинг жанубий вилоятларига, бир қисми эса ҳозирги Шимолий Афғонистоннинг Шибирғон шаҳри атрофларигача етиб борган (Тиллатепа). Натижада ўзбеклар ва текисликларда яшовчи тожикларга хос помир-фарғона антропологик унсур Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

Ўзбек халқи шаклланишидаги иккинчи муҳим давр бу IX-XII асрлар ҳисобланади. Бу даврда Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ҳозирги ўзбекларга хос қиёфа, маданий аҳолининг асосий қисмини ташкил этади. Антрополог Т. Хўжайов тадқиқотларига қараганда IX асрга келиб аҳолининг антропологик қиёфасида кескин ўзгаришлар юз берганлиги кузатилади. Бу ўзгаришларни археологик тадқиқотлар натижалари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, марҳумларни астойдилларда қўмиш маросимлари, аҳоли орасида кенг тарқалган бонг шаклини сунъий ўзгартириш одатлари йўқолади. Антропологик тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқарадиган бўлсак ўзбекларнинг элат сифатида шаклланиш даври IX-X асрларга оид дейишга жиддий асослар бор.

Фанда мўғул истилоси Ўрта Осиё аҳолисини кескин мўғуллаштириб, ўзгартириб юборди деган фикр кенг тарқалган. Лекин, тадқиқотчиларимиз бу масалага ҳам ойдинлик киритдилар. Мўғул истилоси Ўзбекистон аҳолисининг ташқи қиёфасига сезиларли изларни қолдирмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Сабаби, Чингизхон XIII аср бошида ташкил этган йирик мўғул давлатида мўғуллар сони тахминан 0,7 миллион кишидан иборат бўлган. Агар ҳар 6 кишидан биттаси аскарликка олинган бўлса, унда унинг қўшинлари сони 100-110 минг кишидан иборат бўлган. Лекин, ўша даврда мўғуллар қўшинларининг кўп қисмини йўқотганлар. Улар Ўрта Осиёга бостириб келганида қўшинларнинг кўпчилиги туркий халқлардан ташкил топганлиги маълум. Бу даврда Муҳаммад Хоразмшоҳ давлатида 20 миллион аҳоли яшаган. Мўғул қўшинлари кўп сонли маҳаллий аҳоли таркибига ўз асоратини ўтказа олмаган. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳолида мўғул ирқи аломатлари деярли намоён бўлмаганлигини кўриш мумкин.

Ўзбек халқининг шаклланишида учинчи муҳим давр XV аср охири ва XVI аср ҳисобланади. Бу даврда Дашти Қипчоқ ўзбеклари Ўрта Осиёга кириб келади ва улар маҳаллий аҳолига ўз номини беради.

Шундай қилиб, ўзбек халқининг этник шаклланиши узоқ давом этган мураккаб жараёндир. Ўзбек халқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бир неча минг йиллар давомида яшаб келган маҳаллий сугдийлар, бахтарлар, хоразмийлар, саклар, массагетлар, қанғиллар ва доволликлар ташкил қилган. Турли даврларда турли мақсадларда кириб келган қабилалар, элатлар ва халқлар давр ўтиши билан маҳаллий аҳолига ўз таъсирини қисман ўтказган. Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг барча босқичларида маҳаллий аҳоли ташқаридан келган аҳолига нисбатан доимо устунлик қилган. Келгинди аҳоли маҳаллий аҳолига ўз тилини берганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Лекин

антропологик нуқтаи назардан маҳаллий аҳолининг этник қиёфасини ва ташқи кўринишини тубдан ўзгартира олмади. Мисол учун, кейинги икки минг йил давомида Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг тили уч марта ўзгарди — шарқий эрон тиллари ўрнига ғарбий эрон тиллари (форс тили) ва милоднинг бошларидан туркий тиллар кенг тарқала бошлади. Аммо, маҳаллий халқнинг «қони», яъни, генетикаси айтарли ўзгармади ва қадимий халқларимизга хос антропологик хусусиятлар шу кунларга қадар сақланиб келмоқда, ўзбек халқининг келиб чиқиш асосини қадимги даврлардан бошлаб ўлкамиз худудларида яшаб келган маҳаллий халқлар ташкил этган. Икки ярим минг йил давомида маҳаллий аҳолига келиб қўшилган туркий тилли элат ва халқлар ўзбек халқи шаклланишида асосий таркибий қисм сифатида қатнашган.

Ўрта асрлардаги этник-маданий жараёнлар.

«Ўзбек» атамаси

Ўрта Осиё халқларининг этник шаклланишида бу ҳудудга кўчиб келган турли элат ва қабилалар ҳам маълум маънода иштирок этганлар. Юечжилар, хионитлар, кидаритлар, эфталитлар шулар жумласидандир. Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи Сирдарёнинг Ўрта ҳавзасида аниқ антропологик тип бўлиб шаклланишган даврда бу ҳудудларда «Қовунчи маданияти» шаклланади. Сўнги археологик тадқиқотлар натижаларига кўра милодий II-III асрлардан бошлаб Фарғона водийси, Самарқанд худудлари, IV-V асрда esa Бухоро воҳаси, Қашқадарё ва Сурхон воҳаларида Қовунчи маданиятининг таъсири сезилади.

IV асрнинг охиридан бошлаб Ўрта Осиёда йирик туркий этнослар хионитлар ва эфталитларнинг ўтроқланишув жараёнлари кучаяди. V-VI асрларга келиб эфталитлар ва хионитларнинг асосий қисми турғун ҳисса ўтадилар. Бу қабилалар ўтроқ ҳаёт кечириб

анъанавий чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан шуғулланганликлари ҳақида ёзма ва археологик манбалар маълумотлар беради.

VI асрнинг ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиёда эфталитлар ва Туркий хоқонлик ўртасида кураш бошланади. Тарихий манбалардан бизга маълумки, VI асрнинг ўрталарида Олтойда, Жанубий Сибир, Етгисув, Шарқий Туркистондаги бир неча қабилалар бирлашуви натижасида йирик Туркий хоқонлик ташкил топади. Қисқа вақт ичида хоқонлик кучайиб Ўрта Осиёнинг катта қисмини босиб олади. Туркий хоқонлик даврида (VI-VIII асрлар) Тошкент воҳаси, Зарафшон, Қашқардарё воҳалари, Сурхондарё ва Фарғона водийлари Хоразм ҳудудларига туркийзабон гуруҳларнинг кириб келиши янада кучайди ва уларнинг кўпчилиги бу ҳудудларда турғунлашиб қолди.

VIII аср бошларида араблар Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларига бостириб кирган вақтларда бу ҳудудларда ўтроқ ва ярим ўтроқ туркийзабон аҳоли, сугдийлар, тохарлар, чочликлар ва Хоразмнинг туб ерли аҳолиси босқинчиларга қарши тинимсиз кураш олиб борган бўлишларига қарамай сиёсий парокандалик туфайли улар зулми остига тушиб қоладилар.

Маълумки, VIII асрнинг иккинчи ярмидан туркий қарлуқ қабилалари кучая бошлайдилар. IX асрнинг ўрталарига келиб Етгисув, Чимкент вилояти, Тошкент воҳаси, Фарғонанинг шимолий қисmlарини ўз ичига олган Қарлуқ давлати ташкил топади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътирофи этилишларича, ўзбек элгининг шаклланишида Қарлуқ давлатининг аҳамияти катта бўлади. X аср ўрталаридан бошлаб бу давлат тарихий манбаларда Қорахонийлар давлати номи билан тилга олинади.

Ёзма манбаларнинг маълумот беришича («Худуд ал-олам»), IX-X асрлар қарлуқлар эгаллаб турган ҳудудларда 20 дан ошиқ шаҳар, кўплаб қишлоқлар бўлган. Қарлуқлар кўп сонли, нуфузли «халқ» бўлиб, бир қисми чорвачилик билан шуғулланган. Қарлуқлар

яшаган ҳудудларда йирик этнослар-чигиллар, яғмолар, халачлар ҳам яшаган бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрича, улар бир-бирига қон-қариндош бўлиб туркий тилда сўзлашганлар.

XI асрнинг биринчи ўн йиллигидаёқ Мовароуннаҳрнинг то Балх вилоятигача бўлган ерлари дастлаб қорахоний туркийлар, сўнг эса газнавийлар қўлига ўтди. Бунинг натижасида навбатдаги катта туркий қатлам Сугдиёна, Хоразм ва Тохаристон ерларига кириб боради. Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳрнинг барча ҳудудларида туркий қатламлар мавжуд эди.

Қорахонийлар давлатида қарлуқ-чигил туркий тил лаҳжаси кенг тарқалди. Кейинчалик шу тил асосида адабий туркий тил юзага келиб, уни Маҳмуд Қошғарий «Энг очиқ ва равон тил» деб атаган. Туркий тилда IX-XII асрлар мобайнида бир қатор асарлар ёзилган бўлиб, Аҳмад Югнакийнинг (775-869) «Ҳибатул ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар туҳфаси) достони, Юсуф Хос Ҳожибнинг (XI аср), «Кутадғу билик» (Саодатга йўловчи билим) асари, Аҳмад Ясавийнинг (1041-1167) «Ҳикматлар»и ҳамда «Ўғузнома», «Алломиш», «Гўрўгли» каби дostonлар шулар жумласидандир.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг форсий-дарий тилда сўзлашувчи аҳолиси X асрдан бошлаб ўзини «тозик» — яъни «тожик» деб юрита бошлайдилар. Сомонийлар ва қорахонийлар (IX аср ўрталаридан — 1213 йилгача) дан кейин ҳукмронлик қилган кейинги сулолалар, газнавийлар (997-1187), салжуқийлар (1040-1147), Хоразмшоҳ-ануштегинийлар (1097-1231) нинг барчаси туркий қавмга тегишли бўлиб, ўз вақтида нафақат Ўрта Осиё, балки Ўрта Шарқда ҳам ҳукмронлик мавқеига эришганлар. Мўғуллар истилоси гарчи аҳоли бошига ниҳоятда оғир кулфатлар ва йўқотишлар олиб келган бўлсада, тадқиқотчилар фикрича, ўзбек халқи этногенези ва ирқига деярли таъсири бўлмади.

«Ўзбек» этнонимнинг келиб чиқиши ҳақида қисқичча фикр юритадиган бўлсак, бу этнонимнинг

келиб чиқишини айрим гуруҳ тадқиқотчилар Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг (1312-1341) номи билан боғлайдилар. Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар эса бу фикрни инкор этадилар ва «ўзбек» номи Ўзбекхонгача Оқ Ўрда минтақасида, унинг Фарбий Сибир ва Қозоғистон қисмида яшаган туркий қабилаларига мансуб (хон номи қабилалар номидан олинган бўлиши мумкин) деган фикрни илгари сурадилар. Айрим тадқиқотчилар эса «ўзбек» атамасини «ўзбек», «эркин», «мустақил» сўзидан келиб чиқиб XII-XIV асрларда халқимизга нисбатан ишлатила бошлаган деб ҳисоблайдилар.

Ўзбек этноними келиб чиқиши даврига қараб ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқ халқларини аниқ бир вақтда пайдо бўлган деб айтиб бўлмайди. Бу халқлар минг йиллар давомида ҳозирги яшаётган минтақаларида яшаганлар. Лекин у пайтда ҳали ҳозирги номи билан аталган эмас ва бу номлари билан айтилмаган. Улар умумий ном билан «туркий» деб ёки бўлмаса, ўз қабилалари номлари билан аталганлар.

Тарихнинг қадимги даврларида аҳоли кўп ҳолларда ўзлари яшаган жой номи билан аталган бўлиб, ўрта асрларга келиб бу номлар ўзгаради. Хусусан, Дашти Қипчоқ ҳудудларида яшаган туркий аҳоли Мовароуннаҳр ерларига келиб, бу ерда яшаётган ўтроқ аҳоли билан уйғунлашиб кетган ва аҳолининг номи «ўзбек» деб аталган. Ўрта асрлар тарихий адабиётларида ҳам бу ном «ўзбек», «ўзбеклар» сифатида тилга олинади. Аммо, шу нарса аниқки, Дашти Қипчоқ ҳудудларидан келган туркий қабилалар маҳаллий аҳоли этногенезига, урф-одат ва анъаналарига сезиларли даражада таъсир этмадилар. Аксинча, улар орасига сингиб кетиб юқори даражадаги маданият таъсирида бўлдилар.

Тадқиқотчи А. Иброҳимовнинг ёзишича, ўзбек халқи асосан икки этник қатламдан ташкил топган. Биринчи қатлам Турон-Туркистон ҳудудларида шаклланган. Иккинчи қатлам эса Волга (Итил) дарё

бўйларидан тортиб, то Хоразмнинг шимоли, Сирдарёнинг ўрта ва қўйи оқимларигача бўлган ҳудудларда шаклланган. Бу макон ўтмишда турли номлар, чунончи Дашти Қипчоқ, Олтин Ўрда, ўзбек вилояти, ўзбек мамлакати, ўзбек улуси деб аталган. Халқимизнинг бу қатламини шартли равишда шимолий қатлам деб аташ мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек халқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида бир неча минг йиллар давомида яшаб келган маҳаллий саклар, массагетлар, сугдийлар, бахтарлар, хоразмийлар, қанғилар, доволиклар, чочликлар ташкил этган. Келгинди аҳоли маҳаллий аҳолига қисман таъсир этса-да, унинг генетикасини тубдан ўзгартира олмаган.

4-МАВЗУ. ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ДАСТЛАБКИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Илк давлатчиликнинг асосий омиллари. Дастлабки шаҳарсозлик маданияти

Янги тош асрига келиб Ўрта Осиё ҳудудларида деҳқончиликнинг пайдо бўлиши жамият ҳаётида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини янада тезлаштирди. Бронза даврига келиб деҳқончиликдан чорвачиликнинг ажралиб чиқиши, ихтисослашган ҳунармандчилик хўжалиklarининг ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, меҳнат қуроллари янада такомиллашиб борди. Жамиятда ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг пайдо бўлиши ва жадаллик билан ривожланиши ўз навбатида ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга сабаб бўлди.

Маълумки, Ўрта Осиё, умуман Ўзбекистон ҳудудларида дастлабки давлатчиликнинг пайдо бўлиши масалалари тадқиқотчилар орасида ҳамон баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Бу ўринда ушбу жараёнга асосий туртки бўлиб янада жадаллаштирган омилларни аниқлаш ниҳоятда муҳимдир. Бронза давридаёқ сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Ўрта Осиё хўжалигининг асосини ташкил этган. Суғорма деҳқончиликнинг юқори унумдор шакллари жамиятда ҳал қилувчи ўзгаришларга олиб келди. Хусусан, деҳқончилик ривожини натижасида қўшимча маҳсулот ва хусусий мулк кўринишлари пайдо бўлди.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Ўрта Осиё хўжалигининг асоси ҳисобланиб бу жараён жанубий Туркменистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубида бронза даврида, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси ҳудудларида эса илк темир даврида шаклланиб ривожланди. Ўрта Осиёда илк давлат уюшмалари сунъий суғориш бирмунча қулай бўлган Амударё (юқори, ўрта, қуйи) оқимлари бўйларида, Мурғоб

воҳасида, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида шаклланиб ривожланади. Бундай ҳолатни дунё тарихидаги дастлабки давлатлар — Миср (Нил) ва Месопотамия (Дажла ва Фрот) мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Жамият ҳаётида металлнинг кенг ёйилиши ҳам дастлабки давлатчиликнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб Ўрта Осиёнинг жуда кўплаб бронза ва илк темир даврига оид ёдгорликларидан (Сополли, Жарқўтон, Қизилтепа, Анов, Кўзалиқир, Афросиёб, Даратепа, Чуст, Далварзин ва бошқ.) ишлаб чиқарувчи хўжалик билан бевосита боғлиқ бўлган металл қурооллар топиб ўрганилган. Меҳнат қуроолларининг металлдан ишланиши меҳнат унумдорлигининг янада ошишига кенг имкониятлар яратди.

Сўнги бронза даврига келиб кулолчилик чархининг кенг ишлатила бошланиши натижасида турли шаклдаги юқори сифатли сопол идишлар ишлаб чиқарила бошланади. Кулолчиликнинг ривожланиши натижасида Сополли, Олтинтепа, Гонур, Жарқўтон, Афросиёб қабиларда кулолчилик маҳаллари пайдо бўлади. Шунингдек, ҳунармандчиликнинг тошга, металлга, ёғочга, суякка ишлов бериш турлари ҳам кенг тарқалади. Ҳунармандчиликнинг ихтисослашуви, алоҳида хўжалик тармоғи сифатида шаклланиб ривожланиши жамиятдаги иқтисодий тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, давлатчилик пайдо бўлиши учун муҳим бўлган қўшимча маҳсулот кўпайишига туртки бўлди.

Илк давлатларнинг пайдо бўлишида ўзаро айирбошлаш, савдо-сотиқ ва маданий алоқаларнинг ҳам аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Даставвал шуни айтиш жоизки, Ўрта Осиё ҳудудларида яшаган аҳоли қадимги даврлардан бошлаб ўзаро муносабатларни ривожлантириб келганлар. Бронза даврига келиб шимолдаги кўчманчи чорвадор қабилалар ва жанубдаги ўтроқ деҳқончилик аҳолиси ўртасида ўзаро мол

айирбошлаш ва маданий алоқалар янада жадаллашади. Бу ўринда ўша даврда шаклланиб кейинчалик анча ривожланган қадимги йўлларнинг аҳамияти беқиёс бўлди. Ўрта Осиё қадимги аҳолиси минтақадан ташқари кўшни давлатлар билан ҳам ўзаро алоқаларни ривожлантирганлар. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, қимматбаҳо Бадахшон (Тожикистон) ложувард тошлари мил. авв. III минг йилликдаёқ Месопотамия ва Миср шаҳарларида ниҳоятда қадрланган ва бу ҳудудлар билан ўзаро мол айирбошлаш муносабатлари ўрнатилган. Ундан ташқари, Месопотамия, Миср, Ҳиндистон, Эрон, Ўрта Осиё ёдгорликларидаги сўнгги бронза ва илк темир даври топилмаларидаги жуда кўпгина ўхшашликлар бу ҳудудлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалардан далолат берадики, бу жараён ҳам илк давлатчиликнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Мил. авв. III-II минг йилликларга келиб Ўрта Осиё жамиятида содир бўлган иқтисодий тараққиёт жараёнлари бу ҳудудларда илк шаҳарларнинг пайдо бўлишига имкон яратди. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, илк шаҳарлар пайдо бўлиши дастлабки давлатчилик шаклланишида энг муҳим ва асосий омил бўлиб, бу иккала жараён узвий боғлиқ ҳолда кечган.

Маълумки, мил. авв. II минг йилликка келиб қадимги Ўзбекистоннинг деҳқончилик воҳаларида ўтроқ қабилалар ривожланиб аҳолининг алоҳида жойлашув манзилгоҳларидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар — ўтроқ деҳқончиликнинг ривожланиши, аҳоли зичлигининг юқори даражаси, ҳунармандчиликнинг тараққий этиши, ижтимоий табақаланиш ва бошқарув тизимининг мураккаблашиб бориши, ўзаро алмашинув, савдо-сотик ва маданий алоқаларнинг кучайиши ҳамда ҳарбий-сиёсий вазият Ўзбекистон ҳудудларида дастлабки шаҳарсозликнинг пайдо бўлишида асосий омиллардан ҳисобланади.

Ўлкамиз ҳудудларида дастлабки шаҳар маданиятининг шаклланиши ҳам жамият тараққиётида бўлгани каби узлуксиз тараққиёт йўли билан ривожланган. Бу қонуниятга кўра шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши узоқ ва босқичма-босқич даврларни босиб ўтган. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида тадқиқотчилар қадимги шаҳар харобаларини топиб текширдилар. Кўп сонли археологик топилмаларнинг далолат беришича бу кўҳна шаҳарлар баъзиларининг ёши 2700-3000 йилдан кам эмас. Уларга Афросиёб, Кўктепа (Самарқанд), Қизилтепа (Сурхон воҳаси), Учинқир, Ерқўрғон (Қашқадарё воҳаси) ва бошқалар киради. Бу кўҳна шаҳарлар тарихи ҳозирги Самарқанд (Афросиёб - Марқанда), Китоб - Шаҳрисабз (Узунқир) ёки Қарши (Ерқўрғон) ҳудудларида давом этди.

Ўлкамиз ҳудудларида қадимги шаҳарсозлик маданиятининг асослари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг ўтроқ деҳқончиликка ўтиши ва кенг воҳалар бўйлаб ёйилиши;
- Хунармандчилик ишлаб чиқаришининг ривожланиши натижасида иқтисодий ҳамда маданий алоқалар ва савдо-сотиқнинг тараққий этиши;
- табиий-географик ҳамда ҳарбий-стратегик шарт-шароитлар.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига қараганда шаҳар маданияти даставвал **Шимолий Бактрияга** (Сурхон воҳаси) кейин эса **Сугдиёна** (Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро воҳаси), **Хоразм** ва **Фарғона** ҳудудларига тарқалади. Қадимги шаҳарлар — тарихий ривожланишдаги урбанистик жараёнда муҳим аҳамиятга эга бўлган жамият тараққиётининг ижтимоий асоси ҳисобланади. Фикримизча, шаҳарлар тарихини ўрганиш жараёнида даставвал энг қадимги шаҳарлар шаклланиши ва ривожланиши; аниқ ҳудудлар ёки вилоятлардаги тарихий-маданий шарт-шароитнинг таъсири; экологик, географик, ижтимоий, иқтисодий ва демографик муҳитларнинг даражаси ва таъсир

доираси; шаҳарларнинг вазифаси; қадимги шаҳар марказларининг тарихий-маданий жараёнлардаги ўрни ва аҳамияти масалаларига кенг эътибор қаратиш лозим.

Кўпчилик тадқиқотлар натижаларини таҳлил этар эканмиз шундай хулосага келиш мумкинки, Ўрта Осиё ҳудудларида дастлабки шаҳарсозлик маданияти мил. авв. II минг йилликдаёқ, яъни, бронза давридаёқ шакллана бошлайди. Бу даврда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши натижасида меҳнат унумдорлиги ортиб боради. Натижада турли тарихий вилоятларда жойлашган йирик мустақкам манзилгоҳлар ўрни ва атрофларида (Сополли, Жаркўтон, Намозгоҳ, Қизилтепа, Ерқўрғон, Бандихон, Узунқир) дастлабки шаҳар марказлари шаклланиб ривожлана бошлайди.

Хуллас, Ўрта Осиёдаги урбанизация жараёнининг хронологияси ва шакллари нисбатан турлича бўлиб, бу жараён фақат ички табиий-географик ва ижтимоий-сиёсий шароитлар ҳамда кўшни жамоалардаги маданий таъсир билан боғлиқ бўлмасдан, даставвал, Яқин ва Ўрта Шарқдаги (Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Эрон) жаҳон урбанистик марказлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ эди.

Ўлкамиз ҳудудларидаги илк шаҳарлар қишлоқлардан иқтисодий, сиёсий ва маданий мавқеси билан ажралиб турган. Бу шаҳарлар асосан аҳолиси суғорма деҳқончилиги билан шуғулланган воҳаларда, қадимги савдо йўллари бўйларида, ҳукмдорлар қароргоҳлари атрофларида пайдо бўлган. Бундай шаҳарлар ўзлари жойлашган воҳаларининг сиёсий, иқтисодий, маданий, диний ва ҳарбий марказлари вазифасини бажарган бўлиши шубҳасиздир.

Илк давлатлар ҳақидаги ёзма манбалар.

Қадимги аҳоли

Ўрта Осиё ҳудудларида дастлабки ёзув қачон пайдо бўлганлиги ҳозиргача маълум эмас. Айрим кам сонли топилмалар (Хоразм, сак ёзувлари) бу ҳудудларда ёзув милoddан аввал V-IV асрларда пайдо бўлганлигидан далolat берсада, улар ҳам тўлиқ эмас. Янаям

қадимгироқ даврларга оид ёзувлар ёки битиклар ва ҳужжатлар ҳозиргача топилмаган. Ўрта Осиё ҳудудларидан миллоддан аввал III-II асрларга оид кўплаб танга пуллар топилганки, улар қадимги тарихни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ундан ташқари то ўрта асрларга қадар етиб келган кўп сонли ёзма манбалар маълумотлари ҳам муҳимдир.

Ўрта Осиё ҳудудларидаги дастлабки давлат уюшмалари ҳақидаги ёзма манбалар — зардуштийларнинг муқаддас диний китоби «Авесто», аҳмонийлар даври миҳхат ёзувлари, юнон-рим тарихчиларининг асарлари ҳисобланиб уларнинг барчаси юртимиздан четда битилган. Шунинг учун ҳам уларда баъзи ҳолларда чалкашликлар ва ноаниқликлар, бир-бирини инкор этиш ҳоллари учраб турадики, бу ўринда мавжуд ёзма манбаларни археологик тадқиқотлар натижалари билан солиштириш ва таҳлил этиш ниҳоятда муҳимдир. Археологик маълумотлар ёзма манбалар маълумотларини кенгайтиради, уларга аниқлик киритади, тарихий тараққиётнинг аниқ йўналишларини кўрсатиб, маълум давр ҳақидаги тасавурларимизни янада бойитади.

Ватанимиз тарихини ўрганишидаги дастлабки ёзма манба сифатида «Авесто» катта аҳамият касб этади. «Авесто» қачон ва қаерда пайдо бўлганлиги тадқиқотчилар орасида ҳамон баҳсларга сабаб бўлмоқда. «Авесто» китоби ва зардуштийлик динининг асосчиси Заратуштра (Зардушт, юнонча Зороастр) пайдо бўлган ва фаолият кўрсатган ҳудуд ҳақида «Авесто»да келтирилган географик ҳудудларни ўрганиб хулоса чиқарган кўпчилик ҳозирги тадқиқотчилар Ўрта Осиё ёки ҳеч бўлмаганда бу ҳудудга қўшни бўлган шимоли-шарқий Эрон деган фикр билдирадилар. Умуман олганда, «Авесто»нинг ватани Хоразм ёки Бақтрия деб ҳисобловчи олимлар кўпчиликни ташкил этади.

«Авесто»ни француз олими Анкетил дю Перрон биринчи бўлиб тадқиқ этган. 1755-1761 йилларда Дю Перрон Ҳиндистоннинг Гужарат вилоятида эрон зардуштийларининг авлодлари — парсларнинг урф-

одатлари ва диний маросимлари билан танишиб чиқади ҳамда 1771 йилда «Авесто»ни француз тилига таржима қилади. Дастлабки «Авесто» 21 та китобдан иборат бўлган. Бизгача «Авесто»нинг Ясна — «қурбонлик келтириш», Виспрат — «ҳамма ҳукмронлар», Яшт — «қадрлаш», Видевдат — «девларга қарши қонун» қисмлари сақланиб қолган. Бу қисмлар Сосонийлар даврида (III-VI асрлар) таҳрир қилинган.

«Авесто»да аҳмонийларгача бўлган географик, худудий номлар, атамалар, ижтимоий-иқтисодий маълумотлар, сиёсий тарих, диний фалсафа ва турли маълумотлар сақланган. Унда жумладан шундай дейилади: «О, спитама Заратуштра, яшайдиган жойларга, бу ерларга бахтлиқ қанча кам бўлсада, тинчлик тортиқ қилдим. Биринчидан, одамлар яшаши учун энг яхши мамлакатни, Ванхви Датъё дарёсидаги Арёнам Вайжога (Эрон текислиги ёки арийлар ўлкаси) асос солдим.

Иккинчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган Гава Суғда (Суғдиёна) маконига асос солдим.

Учинчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган қудратли Моуруга (Марғиёна) асос солдим.

Тўртинчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган, баланд байроқли гузал Баҳдига (Бақтрия) асос солдим»¹.

«Авесто»да тилга олинган жуда кўп мамлакатлар — Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ, Афғонистон, Эроннинг шимоли-шарқий ҳудудлари билан боғлиқдир. Яшт қисмлари арийларнинг ерлари ҳақида қуйидагича эълон қилади: «У мамлакатнинг жасур сардорлари кўпдан кўп ҳарбий юришлар қилади, унинг кенг яйловларга эга, сувга сероб тоғларида чорва тинч ўтлов ва емиш билан таъминланган, бу ердаги серсув чуқур

¹ Ёзма манбалар ҳақидаги маълумотлар А.Сағдуллаевнинг «Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда» (Т., 1996) китобидан олинди, қисман таҳрир қилинди.

кўллар тўлқинланиб туради, кема қатнайдиған кенг дарёларнинг оқими Поурутадаги Иската, Харайвадаги Моуру, Суғдадаги Гава ва Хваризам томонига тошиб интилади».

«Авесто» маълумотларига кўра жамият тўрт асосий қисмга — уй, оила жамоаси — «нмана» ёки «дмана», уруғ жамоаси — «вис», қабила — «занту», қабилалар иттифоқи — «дахию»га бўлинади. Яштнинг учинчи бобида шундай дейилади: «Худо Митрани биз улуғлаймиз. Унга ҳеч ким ёлғон гапиролмайди: уйда — оила бошлиғи, уруғ оқсоқоли, қабила бошлиғи ва мамлакат сардори. Агар уй эгаси, уруғ оқсоқоли, қабила бошлиғи ва мамлакат сардори ёлғончи бўлса, газабланган Митра бутунлай оилани, уруғни, қабилани, мамлакатни ва ушунинг бошлиқларини ҳам тамоман йўқ қилади». «Авесто»даги бошқарув тизими маълумотларига қараганда вилоят «дахию» деб аталиб уни бошқарувчиси «дахиюпати» дейилган. Мамлакатни идора қилган шахс «кави» ёки «састар» деб аталган.

«Авесто» — қадимги жамиятнинг тўрт тоифасини ажратиб беради. Булар — қоҳинлар, ҳарбийлар, чорвадорлар ва ҳунармандлардир. Манбанинг турли маълумотларига қараганда қадимги қишлоқларда заргарлик, кулолчилик, тўқувчилик ва темирчилик ривожланган.

Милл. авв. VI асрнинг ўрталарига келиб Эрондаги аҳмонийлар сулоласи ҳукмдорлари Қадимги Шарқдаги кўннинг мамлакатлар устидан, жумладан, Ўрта Осиёдаги Парфия, Марғиёна, Бақтрия, Суғдиёна, Хоразм, «Саклар ўлкаси» устидан ўз ҳокимиятини ўрнатдилар. Аҳмонийлар даврида битилган миҳхат манбаларда Ўрта Осиё халқлари ва вилоятлари ҳақида турли маълумотларни учратишимиз мумкин.

Бу ёзувлар мил.авв. VI-IV асрларга оид бўлиб, Эрон худудларидан, хусусан, Беҳистун ва Нақши Рустам ғояларида, Суза, Персепо́л ва Ҳамадон шаҳарларидан топиб ўрганилган. Булар орасида энг муҳими Беҳистун ёзувлари бўлиб, у Доро I даврида ёзилган. Бу ёзувларда

Доро I босиб олган ўлкалар санаб ўтилади. Шунингдек, босиб олинган ҳудудларда форсларга қарши қўзғолон ҳақида маълумотлар берилади.

Суза шаҳридан топилган ёзувларда Доро I бундай эълон қилади: «Сузадаги саройни мен бино қилганимда унинг безаклари узоқ юртлардан олиб келинган. Ука ёғочи Гандхарадан, олтин — Сард ва Бактриядан, ялтироқ тошлар ва ложувард Сугдиёнадан, феруза — Хоразмдан, кумуш ва бронза Арахозиядан, тош устунлар — Эламдан етказиб келинган».

Персепош шаҳридаги сарой деворларида бактрияликлар, хоразмликлар, Сугдлар ва сакларнинг ўйиб ишланган расмлари топилган. Бу расмларда Сугдиёна, Бактрия, Хоразм ва саклар ўлкасидан бўлган солиқ тўловчиларнинг аҳмонийларга турли хил буюмлар (ҳунармандчилик, тикувчилик, заргарлик, ҳарбий қуроллар), ҳамда қадимги Шарқда машҳур бўлган отлар ва туяларни солиқ сифатида олиб келаётгани тасвирланган. Хуллас, аҳмонийлар даври ёзувларида ўлкамиз халқларининг қадимги тарихига оид қуйидаги маълумотлар сақланган: вилоятлар ва халқларнинг номлари, айрим сиёсий жараёнлар, сағлар юртига қарши юришлар, иқтисодий тузум ва моддий маданият маълумотлари.

Юнон-рим тарихчиларидан биринчи бўлиб «тарихнинг отаси» Геродот (мил. авв. V аср) Ўрта Осиё халқлари ҳақида маълумотлар беради. Геродот ўзининг машҳур «Тарих» китобини мил. авв. 455-445 йилларда ёзган. Бу ўринда шунини таъкидлаш жоизки, Геродот Ўрта Осиё вилоятларининг бирортасида ҳам бўлмаган. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёдаги халқлар, вилоятлар жойлашувидаги нафақат аниқ, балки умумий чегараларидан ҳам беҳабар бўлган. Ўрта Осиё вилоятлари ҳақида эса, ўзи эшитган ҳикоялари, суриштириб билганлари асосида ёзган.

Тадқиқотчиларнинг ҳисобига қараганда, Геродот «Тарих» китобида Бактрия, Бактра, бактрияликларни 13 марта, Сугдларни 2 марта, хоразмликларни 3 марта,

сакларни 11 марта, массагетларни 19 марта тилга олиб уларнинг моддий маданияти, урф-одатлари, дини ва тарихи ҳақида ҳикоя қилган.

Геродотнинг Ўрта Осиё тўғрисидаги асосий фикрлари форсларнинг сак-массагетларга қарши юришлари, Кир II ва Тўмарис ўртасидаги сиёсий муносабатлар, аҳмонийлар ҳарбий кўшинлари сафида юртимиз халқлари жангчиларининг иштироки, уларнинг яроғ-аслаҳалари, йўлбошчилари, форс-юнон урушларида уларнинг жасорат кўрсатганлиги, халқларнинг аҳмонийлар давлатига бўйсунishi ва солиқ тартиби, сак-массагетларнинг турмуш тарзи ва диний эътиқоди ва бошқа айрим маълумотлардан иборат.

Мисол учун Геродот массагетлар ҳақида шундай хабар қилади: «Бундойни массагетлар экмайдилар, чорвачилик ва балиқчилик билан (Аракс дарёсида балиқ сероб) шуғулланадилар ҳамда сут ичадилар. Массагетлар ичида улуғланган ягона худо — бу Куёшдир, Куёшга улар отларни қурбон қиладилар, чунки худога дунёдаги энг чаққон — тезчопа жонлиқни қурбон қилиш лозим деб ўйлайдилар».

Асли Кичик Осиёдаги Кидд шаҳрилик бўлган юнон тарихчиси Ктесий аҳмонийлар подшоси Артаксеркс (мил. авв. 404-359 йй.) саройида табиблик қилган. Ктесий қаламига мансуб «Персика» асарининг катта бир қисми бақтрияликлар тарихига бағишланган.

Ктесий Оссурия подшоси Ниннинг Бақтрияга қилган юришлари, Бақтриянинг пойтахти ва кўп сонли мустаҳкам истеҳком ва шаҳарлар ҳақида маълумотлар бериб жумладан шундай ёзади: «Бақтриядаги кўпдан-кўп шаҳарлар орасида Бақтра номли машҳур бир шаҳар бўлган. Бу шаҳар мамлакатнинг маркази бўлиб, кўп шаҳарлар ўртасида, баланд ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган, унда подшо қалъаси жойлашган».

Яна бир юнон муаллифи Ксенофонт «Киропедия» номли асарида Ктесий хабарларига ўхшаш, Бақтра шаҳарларининг оссурияликлар томонидан қамал

қилиниши тўғрисида маълумот беради. Шунингдек, Ксенофонт Кир II ва Бақтрия урушлари ҳақида ҳам ёзади.

Мил. авв. IV асрнинг иккинчи ярмида македониялик Искандарнинг Шарққа қилган юришлари натижасида Ўзбекистондаги қадимги вилоятлар ҳақида кўплаб янги тарихий-географик маълумотлар пайдо бўлди. Кейинги антик давр муаллифлари (Арриан, Курций Руф, Страбон ва бошқ.) асарларидаги маълумотлар илк антик давр муаллифлариникига нисбатан кенгроқ берилган. Македониялик Искандар юришлари ҳақида ёзган тарихчилар асарларида қадимги Ўзбекистон вилоятлари, шаҳарлар, қалъалар, манзилгоҳлар, ҳимоя деворлари, хўжалик ва маданий ҳаёт ҳақида кенгроқ ва батафсилроқ маълумотлар олиш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон қадимги тарихининг жуда катта даври ёзма манбаларсиз, археология ва антропологияга оид манбаларга таянган ҳолда ўрганилади. Қадимги Шарқ ёзма манбаларидан (Ҳинд, Оссурия ва Эрон манбалари) маълумки, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари ва охири (бронза даври) — Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон тарихи — ҳинд-эрон қабилалари ёйилиши билан боғлиқ бўлган. Ҳинд-эрон қабилалари дастлаб жуда кенг ҳудудларда — Волга, Урал ва Жанубий Сибир оралиғидаги ерларда яшаганлар.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Ўрта Осиёда аҳоли жойлашуви этник ҳудудларининг ажрала бошлаши мил. авв. IX-VIII асрларга оид бўлиши мумкин. Мил. авв. VI асрда Эрондаги аҳмонийлар сулоласи подшолари юртимизда юриш қилганда бу халқларнинг ажралиб бориш жараёни бутунлай тугаган ва турли халқларнинг ҳудудий жойлашув чегаралари, вилоятларнинг маъмурий чегаралари аҳмонийлардан анча олдинги даврда пайдо бўлган.

Минг йиллар давомида Ўзбекистон ҳудудларида яшаб ўтган қабилалар ва элатларнинг тарихи ҳамда маданияти изсиз йўқолиб кетмаган. Ушбу элатларнинг

айримлари аждодларимизнинг йирик гуруҳларини ташкил этиб, энг қадимги ёзма манбаларда тилга олинган. Ушбу манбаларнинг гувоҳлик беришича, мил. авв. VII-VI асрларда Ўзбекистоннинг деҳқончилик воҳаларида сугдийлар, бақтрияликлар ва хоразмийлар яшаганлар. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг тоғлари, даштлари ва чўлларида яшаган саклар ва массагетлар чорвадор қабилалардир.

Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида юртимиз ҳудудларида жойлашган турли халқлар қадимги шарқ-эроний тиллар шеваларида гаплашганлар. Уларнинг этник қиёфаси ва тиллари бир-бирига яқин бўлган. Шунинг учун ҳам сугдлар, бақтрийлар, хоразмийлар, сак-массагетлар қариндош халқлар бўлиб, бир-бирларини тушунганлар. Айниқса, деҳқончилик билан шуғулланиб ўтроқ ҳўжалик юритган аҳолининг моддий ва маънавий маданияти бир-бирига анча ўхшаш бўлган.

Дастлабки давлатлар

Турли халқлар ва уларнинг аждодлари ўз давлатчилигининг шаклланиш босқичини ижтимоий-иқтисодий ва тарихий-маданий вазиятларга боғлиқ ҳолда турли тарихий даврларда босиб ўтдилар. Бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган дастлабки ёзма манбалар — «Авесто», аҳмонийлар даври миҳхат ёзувлари, қадимги юнон-рим манбалари қадимги Шарқ ва дунё тарихида биринчи бўлиб, Ўрта Осиёдаги энг қадимги халқларнинг номларини, алоҳида жойлар, тоғлар, дарёлар ва кўлларнинг номларини, афсонавий қаҳрамонлар ва подшоларнинг номларини, юртимиз халқларининг турмуши, дини, маданияти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузуми тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу ёзма манбалар маълумотларини археологик тадқиқотлар натижалари билан солиштирганимизда илк давлатларнинг пайдо бўлиши масалаларига кўпгина аниқликлар киритиш имконияти пайдо бўлади.

Бронза даврига келиб аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлди. Хусусан, қадимги аҳоли ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳаларига — деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликка ихтисослашиб борди. Бу жараён ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва уларнинг бир ерга тўпланиши учун замин яратди.

Қадимги хўжаликларнинг ихтисослашуви, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши, металлнинг ҳаётга жадаллик билан кириб келиши ва ёйилиши, ҳунармандчиликда турли тармоқларнинг ривожланиши, ўзаро айирбошлаш ва савдо-сотиқнинг тараққий этиши натижасида жамият ҳаётида ижтимоий-иқтисодий юксалиш кузатиладики, бу юксалиш илк давлатчиликнинг асосий пойдевори ҳисобланади. Аҳмонийларгача бўлган даврда баъзи бир воҳалар, асосий ўтроқ аҳоли жойлашуви ўлкалари эди. Уларнинг ҳудудларида манзилгоҳлар, суғориш иншоотлари, ўзлаштирилган ер майдонлари бор эди. Бир қанча шунга ўхшаш, дарёлар воҳаларида жойлашган ва умумий аҳоли жойлашув ҳудудлари билан боғлиқ бўлган ерлар Бақтрия, Суғдиёна, Хоразм каби тарихий вилоятларни ташкил этган.)

Ўтган асрнинг охирларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар «Авесто» маълумотлари (вилоятларнинг Арёшаёна бўйича бирлашиши), Геродот ва Гекатей асарлари («Катта Хоразм»), шунингдек, Ктесийнинг қадимги Бақтрия подшолиги ҳақидаги маълумотлари ва ниҳоят, археологик тадқиқотлар натижалари Ўрта Осиёда илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши муаммоларини ўрганиш учун асос бўлган бўлишига қарамадан, қадимги давлатлар ҳудудлари, шакллари, бошқарув тизими ва санаси билан боғлиқ бўлган мавзуларнинг кўпгина йўналишлари ҳамон илмий баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта Осиёда илк давлатларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини аҳмонийларгача бўлган даврда деб ҳисоблайдилар ва

мил. авв. IX-VII асрлар билан белгилайдилар (М. Дункер, В. Томашек, Ф. Альтхайм, С.П. Толстов, М.М. Дьяконов, И.М. Дьяконов, В.М. Массон, М. Дандамаев, Я.Фулломов, Б.А. Литвинский, Э.В. Ртвеладзе, И.В. Пьянков, А.С. Сагдуллаев ва бошқалар). Илмий адабиётлар Ўрта Осиёда аҳмонийларгача бўлган даврда мавжуд бўлган қуйидаги давлат уюшмалари ҳақида сўз юритади: 1. Арёшаёна — Ўрта Осиёдаги қадимги вилоятларнинг «даҳиёсасти» уюшмаси; 2. Арёнам Вайжо — бу ҳам Арёшаёнадек, ёки унинг маркази Ария ва Марғиёнада бўлган «Катта Хоразм», ёки Амударёнинг қуйи оқимидаги Хоразм давлати; 3. Қадимги Бақтрия давлати.

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар ва масалага янгича ёндашув асосида ушбу рўйхатга қадимги Сугдиёнани ҳам киритиш имконияти пайдо бўлди. Тадқиқотлар натижаларига қараганда, давлатчиликнинг асосий омиллари бўлган жараёнлар сўнгги брўнза ва илк темир даврига келиб янада жадаллашади. Сугдиёна ҳудудларига одамлар энг қадимги даврлардаёқ кириб келиб, тоғ, дарё воҳалари, кейинчалик эса дашт ҳудудларига тарқалдилар. Бу ҳудудларда мавжуд бўлган қулай табиий-географик шароит ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди. Шунингдек, четдан бўлган ташқи таъсирни (иқтисодий, маданий-сиёсий ва ҳарбий) ҳам эътироф этиш лозим бўлади. Мил. авв. IX-VII асрларга оид тарихий-маданий ёдгорликлар (айниқса кўҳна шаҳар харобалари) Сугдиёна ҳудудларида давлатчилик тарихи айнан мана шу даврдан бошланганлигидан далолат беради.

Илк давлатчилик масаласида жуда кўплаб илмий баҳслар бўлиб ўтган бўлишига қарамай, бу масала ҳануз ўз ечимини топган деб ҳисобланмайди. Хусусан, «Катта Хоразм» (Авесто тилида Хваризам, қадимги форс тилида Хваразмиш, қадимги юнон тилида Хорасмия) давлатининг ҳудудий жойлашуви ва пайдо бўлган даври масалалари ҳам анча мунозарали мавзу. Археологик тадқиқотлар айрим ҳолларда ёзма манбалар

маълумотларини тасдиқламайди. Мил. авв. IX-VIII асрлар Хоразм маданияти Амиробод номи билан машҳурдир. Бу маданиятнинг меъморчилик ёдгорликлари асосан чайла ва ярим ертўлалардан иборат бўлиб мустаҳкам турар жойлар учрамайди. Хоразмдаги деҳқончиликнинг ривожидан дарак берувчи йирик суғориш иншоотлари, мустаҳкам муҳофаага эга бўлган турар жойлар (Кўзалиқир, Динғалжа) мил. авв. VI-V асрларга оиддир.

Қадимги Хоразмнинг жойлашув ҳудудлари ҳам анча мунозарали мавзу ҳисобланади. Айрим тадқиқотчилар (Тарн, Альтхайм) аҳмонийларгача хоразмийлар Парфия чегараларидан шарқий йўналишда Копетдоғ ёнбағирларида жойлашган десалар, айримлари (Хеннинг, Гершевич) бу давлатнинг маркази Марв ва Ҳирот атрофида бўлиб, Кир II босиб олганидан сўнг Қуйи Амударёга — ҳозирги Хоразм ҳудудларига кўчиб ўтган дейдилар. Айрим тадқиқотчилар фикрича, (С. Толстов, М. Воробьева) қадимги Хоразмнинг чегаралари ҳозирги Хоразм ҳудудларидан анча кенг бўлиб, Ўрта Амударёдаги Қўшқалъадан бошлаб Орол денгизигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган.

Умуман, мил. авв. VI асрнинг охири — VI асрда Хоразм давлати мавжуд бўлганлиги аниқ. Бу давр Хоразмда қурилиш ва ҳунармандчилик анча ривожланган. Тадқиқотлар натижасида бу ҳудудлардан бронза ва темирдан ясалган меҳнат ҳамда ҳарбий қурооллар, сопол урчуқлар, бронза игна, бигизлар, сопол идишлар топилган. Бу топилмалар қўшни Марғиёна, Бақтрия ва Суғдиёна топилмаларига ўхшаб кетади.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Ўрта Осиёдаги илк давлат уюшмаларидан бири Қадимги Бақтрия давлатидир. Бақтрияликларнинг юрти Сурхон водийси, Афғонистоннинг шимоли-шарқи, Тожикистоннинг жанубий ҳудудларида жойлашиб, турли ёзма манбаларда Баҳди, Бақтриш, Бақтриёна, Бақтрия, Бахли, Бахлика деб тилга олинган.

Бронза давридаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш (Сополли, Жарқўтон, Олтинтепа ва бошқ.) кейинги даврларда янада жадаллик билан ри-

ножланади. Натижада мил. авв. IX-VIII асрларда Бактрия ҳудудида ҳарбий аҳамиятга эга бўлган сиёсий бирлашмалар ташкил топади. Мил. авв. VIII-VII асрларга келиб Қадимги Бактрия давлати Шарқдаги кучли давлатлардан бирига айланади. Ушбу жараёни археологик ва ёзма манбалар маълумотлари ҳам тўла тасдиқлайди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, бу давр Бактрия таркибига Марғиёна ва Сугдиёна ҳам (тарихий-маданий вилоят сифатида) кирган бўлиши мумкин.

Маълумотларга қараганда, Бактриянинг табиий буюмлари қадим давлардаёқ Шарқ давлатларида машҳур эди. Буюк Инак йўлидан анча илгарийёқ қадимги йўлларнинг Бактрия орқали ўтганиги бежиз эмас.

Сўнги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида қадимги Бактрия ҳудудларидаги мингчилоқлар ва кўҳна шаҳарлар сони анчагина кўнайди. Давлатнинг пойтахти Бақтра ва Қизилтепа, Батрихон каби кўплаб ёдгорликлардан топилган кўп сонли турли-туман топилмалар бу ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, шунингдек, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасида, ҳамда, Яқин Шарқ ва Олд Осиё билан ўзаро иқтисодий, маданий алоқалар туркираб ривожланганлигидан далолат беради.

Турли манбалардаги Сугда, Сўғуда, Сугдиёна номлари билан машҳур бўлган қадимги тарихий-маданий ўлка ҳозирги Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларини ўз ичига олган. Илк темир даври Сугдиёна ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш жараёнларини кузатиш мумкин. Бу ривожланиш жараёни мил. авв. IX-V асрларга оид кўп сонли манзиллоқлар ва кўҳна шаҳар харобаларидаги турли-туман топилмалар ва меъморчилик тузилиш билан изоҳланади.

Илк давлатчиликнинг энг асосий белгиларидан бўлган кўҳна шаҳар харобалари Сугдиёнадан тўртта (Ерқўрғон, Афросиёб, Узунқир, Кўктепа) топиб ўрганилган бўлиб, улар ҳозирча Ўзбекистондаги энг қадимги ривожланган шаҳар маданиятини ўзида акс эттиради.

Сўнги 10-15 йил ичида Бақтрия, Хоразм, Сугдиёна ва Марғиёна ҳудудларидан олинган янги археологик маълумотлар илк давлат уюшмалари пайдо бўлишини янада кенгроқ изоҳлаш имконини яратади. Бу маълумотларга қараганда илк темир даври Бақтрия, Марғиёна, Хоразм ва Сугдиёна умумий жамоаларидаги асосий ишлаб чиқарувчи кучларни бир неча кичик оиладан иборат уй жамоалари ташкил этган. Маконлар жойлашувининг ташқи белгилари катта оилали уй жамоалари анча йирик уюшмаларга кирганлигидан далолат беради. Бошқарув тартибида катта оилалар жамоаси бошлиқлари ёки уй хўжайинлари, шунингдек, алоҳида қишлоқ қўрғонларини бошқарувчи эски жамоалар катта ўрин тутган. Қар бир катта оила мумкин бўлган қариндошлик алоқаларига қарамасдан алоҳида уйга, ишлаб чиқариш буюмларига эга бўлишган, ўзининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захиралари ва чорвалари бўлган ёки ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган хўжаликни акс эттирган.

Мил. авв. VII-VI асрларда анча йирик бўлган Қадимги Бақтрия, Хоразм ва Сугдиёна давлатларининг ҳолиси қон-қариндош бўлиб, бир-бирига ўхшаш тилда гаплашганлар ва жуда яқин маданий анъаналарга эга эдилар. Бу даврда жамиятнинг ҳудудий бўлиниши кўзга ташланиб, ўтроқлашув жараёни кучайди. Муҳим савдо йўллари бўйида таянч истеҳкомлар қурилди. Турли қурилишлар бунёд этишда мудофаа иншоотларининг аҳамияти биринчи ўринга чўқди.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек халқининг илк давлатчилиги тарихи географик, ҳудудий маънода нафақат Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудуди билан, балки бутун Ўрта Осиёда қадимда юз берган этник, маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда талқин этилмоғи лозим. Тарихнинг қадимги давларида илк давлатлар орасида ва аждодларимизнинг яшаш жойлари орасида аниқ маъмурий чегаралар йўқ эди. Қадимги Бақтрия, Хоразм, Сугд чегаралари табиий бўлиб, яқин

худудлардаги жойларнинг географик бўлувчиси сифатида даштлар, чўл ва тоғлардан фойдаланилган.

Ҳозирги кунга қадар тўпланган археологик маълумотлар асосида Ўзбекистонда илк давлатларнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёни қуйидаги даврлар билан саналиши аниқланди:

1. Бронза даври. Мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярми. Унчалик катта бўлмаган деҳқончилик воҳалари асосида (мисол учун Шеробод воҳаси) илк давлатчилик тизимига ўтиш даври.

2. Бронза асридан темир асрига ўтиш даври. Мил. авв. IX-VIII асрлар. Майда давлат ташкилотларининг ривожланиши ва ҳарбий сиёсий уюшмаларнинг вужудга келиши.

3. Илк темир даври. Мил. авв. VII-VI асрлар. Қадимги Бактрия, Хоразм ва Суғдиёна мисолидаги давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши.

Ўзбек халқи ва унинг аجدодлари илк давлатчилиги тарикқийти ўтроқ деҳқончилик хўжалиги ва қадимги шаҳарлар тарихи билан узвий боғлиқ бўлган. Илк давлатлар ташкил бўлишида, жамият ривожланишининг ички қонуниятларидан ташқари ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг юқори даражаси — ҳунармандчилик, алмашинув ва савдонинг кучайиб бориши, сиёсий қарама-қаршиликлар ва ҳарбий тўқнашувлар ҳам таъсир қилди.

Милоддан аввалги VI-IV асрларда Ўрта Осиё

Мил. авв. 555-540-330 йиллар Ўрта Осиёнинг тарихий-маданий вилоятлари улкан аҳмонийлар давлати таркибига кирар эди. Ўрта Осиё вилоятлари ва унга қўшни бўлган худудларнинг босиб олиниши, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи ҳақида кўпчилик олимлар турли йилларда тадқиқот ишлари олиб бордилар. Бу тадқиқотларнинг аксарияти аҳмонийлар Эрони худудлари тарихи билан боғлиқдир. Мавжуд илмий тадқиқотлар аҳмонийлар даври миххат

ёзувлари ва айрим юнон-рим тарихчиларининг асарлари ҳамда археологик тадқиқотлар натижаларига асосланади.

Мил. авв. IX-VII асрларда Фарбий Эроннинг кўпгина ҳудудлари Оссурия ва Урарту давлатлари таркибига кирар эди. Мил. авв. VII асрнинг иккинчи чорагига келиб Эрон ҳудудидаги эроний тилли қабилалар асосида маркази Ҳамадонда бўлган Мидия подшолиги ташкил топади. Бу давлатнинг Шарқдаги ҳудудлари Ўрта Осиё чегараларигача чўзилган эди.

Мил. авв. VI асрнинг ўрталарида Мидия подшолиги ўрнида аҳмонийлар давлати пайдо бўлади. Кўпчилик тарихий адабиётларда Кир II аҳмонийлар давлатининг асосчиси сифатида эътироф этилади. Кир II, Камбиз, Доро I, Ксеркс каби форс подшолари қадимги Шарқдаги жуда кўплаб мамлакатлар устидан ўз ҳокимиятини ўрнатишни режалаштирганлар ва шундай сиёсат олиб борганлар.

Мил. авв. VI асрнинг ўрталарида Кир II ўзининг содиқ лашкарбошиларидадан бири бўлган Гарпагга Кичик Осиёдаги шаҳар-давлатларни босиб олишни буюради. Ўзи эса Ўрта Осиё ҳудудидаги вилоятларни (Бақтрия, Хоразм, Сугдиёна, Марғиёна ва бошқ.) босиб олишига тайёргарлик кўра бошлайди. Геродот Кир II нинг массагетларга қарши юриши ҳақида сўзлар экан, бу юришларнинг кўпчилиги ҳақида тўхталмасдан, фақат форсларни ташвишга солган юришлар ҳақида эслатиб ўтади. Тарихчининг маълумот беришича, Гарпаг Кичик Осиё шаҳарларини бирин-кетин босиб олгунча Кир II бутун Осиё халқларини бўйсундиради ва шундан кейингина Бобилга юриш бошлайди.

Қадимги дунё муаллифлари Геродот, Ксенофонт, Ктесий, Юстин кабиларнинг маълумотларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, Кир II мил. авв. 545-539 йилларда Шарқий Эрон ва Ўрта Осиё вилоятларини босиб олади. Доро I даврида (мил. авв. 522-486 йй.) аҳмонийлар сулоласи ҳинд водийсидан Ўрта Ер

денгизига қадар бўлган кенг ҳудудда ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Жуда кўп сонли давлатлар, вилоятлар, шаҳарлар ва халқларни бирлаштирган Аҳмонийлар салтанати тарихда биринчи йирик дунё давлати ҳисобланади.

Тарихий манбаларнинг маълумот беришича, Урта Осиё халқлари аҳмонийлар босқинига қарши қаттиқ кураш олиб борганлар. Хусусан, массагет қабилалари малика Тўмарис (Томирис) бошчилигида форсларнинг турли ҳийла-найранглар ишлатишига қарамасдан уларнинг катта қўшинини тор-мор этадилар. Малика Тўмарис ва массагетларнинг ҳарбий маҳорати туфайли бу жангда аҳмонийлар ҳукмдори Кир II ҳам ҳалок бўлади. Геродот хабар беришича, «Бу жанг варварлар (массагетлар) иштирок этган жанглар орасида энг даҳшатлиси эди... Камон ўқлари тугагач, қўл жанги бошланиб найза ва қилич билан курашдилар. Қўшинлар жанги узоқ вақт давом этди. Ниҳоят массагетлар ғалаба қозондилар». Кир II қўшинларининг массагетлар томонидан тор-мор этилиши мил. авв. 530 йилга тўғри келади.

Тарихчи Полиен форсларга қарши курашган Широқ қаҳрамонлиги ҳақидаги афсона тўғрисида хабар беради. Унинг хабарига кўра, сак қабилаларининг вакили бўлган Широқ исмли чўпон ҳийла йўли билан форсларнинг катта қўшинларини сувсиз саҳро ичкарасига адаштириб қўяди. Широқ ҳам, форс қўшинлари ҳам очлик ва ташналикдан ҳалок бўладилар.

Мил. авв. 522 йилда аҳмонийлар тахтига Доро I ўтиради. У тахтга ўтириши биланоқ Парфия, Марғиёна ва «саклар ўлкаси»да форсларга қарши қўзғолонлар кўтарилади. Беҳистун ёзувларига қараганда, 522 йилнинг охирида Марғиёнада кўтарилган қўзғолонга Фрада исмли киши бошчилик қилади. Доро I Бақтрия сатрапи Дадаршиш бошчилигидаги қўшинларни қўзғолончиларга қарши жўнатади. Қўзғолон шавқатсизларча бостирилиб 55 минг марғиёналик ҳалок бўлади. Фрада ҳам қўлга олиниб қатл эттирилади.

«Саклар ўлкаси»даги форсларга қарши курашга Скунҳа бошчилик қилади. 519-518 йилларда бўлиб ўтган бу курашда саклар форслар томонидан мағлубиятга учрайди. Сакларнинг кўпчилиги ўлдирилиб, кўпчилиги асир олинади. Уларнинг йўлбошчиси Скунҳа асир олиниб, ўрнига бошқа йўлбошчи тайинланади. Хуллас, форслар Ўрта Осиёдаги маҳаллий аҳолининг қаҳрамонона қаршичилигини қийинчилик билан синдирганидан кейингина бу ҳудудларни батамом ўзларига бўйсундирдилар.

Аҳмонийлар босиб олган барча ҳудудлар сатрапия ҳокимликларига бўлинган бўлиб уларни форс подшолари томонидан тайинлаб қўйилган сатрап-ҳокимлар бошқарганлар. Геродот маълумотларига кўра, Бақтрия XII сатрапия бўлиб 300 талант (талант — Бобил пул бирлиги бўлиб, 1 талант 30 кг. дан зиёдроқ кумушга тенг), саклар ва каспийлар XV сатрапия бўлиб, 200 талант Хоразм, Суғд, Парфия ва Ария XVI сатрапия бўлиб, 300 талант миқдорда йиллик солиқ тўлар эдилар. Шунингдек, Ўрта Осиёликлар солиқ сифатида қимматбаҳо тошлар, чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини ҳам форс подшоларига бериб турганлар.

Мил. авв. VI-IV асрлар Ўрта Осиё вилоятларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт анча ривожланади. Бу даврда Бақтрия йирик давлат бўлиб, форс подшоларининг Шарқдаги йирик марказларидан бири эди. Сўнгги йилларда Ўрта Осиёнинг жанубида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида Қадимги Бақтрия ҳудудидан ўттиздан зиёд аҳмонийлар даврига оид манзилгоҳлар очилган. Уларнинг ҳар бирида ўзлаштирилган майдонлар ва сугориш тартибидан ташқари турар жойлар ва хўжалик хоналари, меҳнат ва ҳарбий қуроқлар, қулоччилик буюмларининг қолдиқлари мавжуддир.

Бу давр Бақтрия аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик эди. Қалаимир, Кучуктепа, Қизилча, Бандихон каби кўплаб ёдгорликлардан деҳқончилик билан боғлиқ бўлган меҳнат қуроқлари — ўроқлар,

кетмонлар, ёргучоқ ва деҳқончилик маҳсулотлари қолдиқларининг топилиши деҳқончиликдан далолат бериб, деҳқончилик асосан сунъий суғоришга асосланганлигини кўрсатади.

Бақтриянинг пойтахти қадимги Бақтра (ҳозирги Балх) шаҳрида қазини ишлари олиб борилиб, у ердан топилган кулолчилик буюмлари кўҳна шаҳарнинг энг қадимги қатламлари мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарига оид эканлигидан далолат беради.

Бу даврда Бақтрияда бадий хунармандчилик ҳам юқори даражада бўлган. 1877 йилда Кобадийен беклиги (Тожикистон) дан олтин ва кумушдан иборат катта хазина топилган. «Амударё хазинаси» номи билан машҳур бўлган бу хазинада олтин ва кумушдан қўйилган жанг аравалари, жангчилар қиёфаси, ҳайвонлар тасвирларини учратиш мумкин. Бу хазина маҳаллий усталар ижоди бўлиб, мил. авв. V-IV асрларга оиддир.

Мил. авв. VI-IV асрларда Суғдиёна ҳудудларида кўплаб шаҳар ва қишлоқлар бўлиб, улар форс подшоларига катта-катта солиқлар тўлаб турар эдилар. Археологик тадқиқотлар натижасида Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларидан бу даврга оид Узунқир, Ерқўрғон, Даратепа, Сангиртепа, Лолазор, Афросиёб, Хўжа Бўстон каби 50 дан зиёд кўҳна шаҳар ва манзилгоҳлар очиб ўрганилган.

Суғдиёнанинг пойтахти бўлган Афросиёб (Самарқанд) да шаҳар ҳаётининг ривожланиши Суғдиёна ва бутун Ўрта Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг юксалиши ҳамда инқирози билан мувофиқ тарзда кечган Суғдиёнанинг «иккинчи пойтахти» бўлган Ерқўрғонни (Қашқадарё) тадқиқотчилар юнон-рим тарихчилари томонидан эслатишган Ксениппа вилоятининг марказий шаҳри деб ҳисоблайдилар.

Суғдиёна ҳаётида деҳқончилик катта аҳамиятга эга эди. Шуниси муҳимки, деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган бўлиб, бу ҳақда ёзма манбалар маълумот беради. Хусусан, Страбоннинг ёзишича, Политимет (Зарафшон) дарёси воҳадаги энг катта сув манбаи

бўлиб, суғориладиган ерларга каналлар орқали сув чиқарилган. Кўҳна шаҳарларда эса хунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланиб борган.

Мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарида Хоразм ҳам ривожланиш жараёнини бошдан кечиради. Хоразм тадқиқотлари натижаларига қараганда VI-IV асрларда бу ҳудудда йирик-йирик манзилгоҳлар мавжуд эди. Бу даврда Хоразмда иншоотлар қурилишида хом гишт, пахса ишлатилган. Манзилгоҳлар ва турар жойлардан топилган топилмаларнинг бой ва қашшоқлиги бу ерда мавжуд бўлган ижтимоий ва мулкий тенгсизликдан далолат беради. Шаҳарлар аҳолисининг асосий машғулоти хунармандчилик бўлган. Кўплаб топилган сопол, бронза, темир буюмлар фикримиз далилидир. Хоразмда бу даврда маҳаллий ўтроқ аҳолидан ташқари кўчманчи чорвадорлар ҳам яшаган бўлиб, улар ўртасида доимий ҳарбий тўқнашувлар, иқтисодий ва маданий муносабатлар бўлиб турган.

Ўрта Осиё халқлари аҳмонийлар маданият ёдгорликлари бунёд этилишида катта ҳисса қўшдилар. Бу даврда Ўрта Осиё халқлари илк марта зарб қилинган танга пуллар билан танишдилар ва муомала қилдилар. Ўрта Осиё ҳудудида аҳмонийлар пул тартибига оид олтин дариклар ва бошқа тангалар топилган. Аҳмонийлар даврида кўпгина Шарқ халқларининг сиёсий бирлиги — бутун жаҳон тарихида, иқтисодий ва маданий ривожланишида муҳим давр бўлиб қолди. Бу ўринда Ўрта Осиё ҳудудидаги халқлар ва қабилаларнинг ҳам ҳиссаси ниҳоятда катта бўлди.

Маълумки, аҳмонийлар давлати турли халқлар ва элатларни босиб олиб бирлаштириш йўли билан ташкил топган эди. Бу давлат таркибидаги халқлар доимий равишда ўз озодлиги ва мустақиллиги учун кураш олиб бордилар. Ундан ташқари аҳмоний ҳукмдорларининг тахт учун курашлари ҳам давлатни заифлаштириб борди. Мил. авв. IV асрнинг ўрталаридан бошлаб эса, Болқон ярим оролидаги шаҳар-давлатлар кучая бошлайди. Бу даврда Македония подшоши Филлип II Болқон ярим оролида

ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди ва аҳмонийларга қарши курашга тайёргарлик кўра бошлади.

Филипп II ўз даврига мос ҳарбий ислоҳотлар ўтказиб тартибли ва яхши қуролланган кўшин тузишга муваффақ бўлди. Мил. авв. 336 йилда аҳмонийлар давлатига қарши кураш бошланди. Аммо Филипп II нинг ўлдирилиши туфайли бу кураш тўхтаб қолди. Ҳақиқат йили тахтга Филипп II нинг ўғли 20 ёшли Искандар (Александр) ўтирди. Бу пайтга келиб, юнон шаҳар-давлатларида Искандарга қарши ҳаракатлар бошланган бўлиб, ёш подшо бу ҳаракатларнинг барчасини шафқатсизлик билан бостирди. Искандар аҳмонийларга қарши урушга жиддий киришиб Кичик Осиёдан Парменион бошлиқ кўшинларни чақиртирди. Ҳарбий кенгаш тузиб қуруқликда ва сувда ҳаракат қилаётган кўшинлар олдига аниқ вазифалар кўйди.

Мил. авв. 334 йилнинг баҳорида македон кўшинлари «уруш оловини Осиёга, Осиё бахтини эса ўзимизга қаратамиз» шиори остида форсларга қарши юриш бошлади. Мил. авв. 334 йил май (Граник дарёси ёнида), 333 йил ноябр (Исса шаҳри, Сурия чегарасида), 331 йил октябр (Гавгамела, Шимоли-шарқий Месопотамияда) бўлган ҳал қилувчи жангларда форс кўшинлари тўла мағлубиятга учради. Аррианнинг маълумот беришича аҳмонийларнинг сўнгги ҳукмдори Дор III Бактрияга қочиб кетади ва Бактрия сатрапи Бесс томонидан фитна уюштирилиб ўлдирилади.

Мил. авв. 330-329 йиллар қишида македониялик Искандар кўшинлари ҳиндукуш довонидан ўтиб Шимолӣ Бактрия ерларига чиқиб келадилар. Бесс ўз кўшинлари билан Искандарга қарши чиқди. Аммо, тажрибали юнон-македон кўшинларидан мағлубиятга учради. Искандар Бактриянинг пойтахти Бактра шаҳри, Аорн, Драпсак каби мустаҳкам қалъаларни эгаллади.

Мил. авв. 329 йилнинг баҳорида Македониялик Искандар кўшинлари Окс (Амударё) бўйларига етиб келиб катта қийинчилик билан дарёни кечиб ўтдилар. Дарёдан ўтган кўшинларнинг дастлаб Птолемей Лаг бошчилигидаги илғор қисми кейин эса асосий кўшинлар Навтака вилоятига (Шарқий Қашқадарё)

кириб борадилар. Бу ердан эса Искандар кўшинлари Суғдиёنانинг пойтахти Мароқандга (Самарқанд) йўл олдилар. Курций Руф маълумотларига қараганда, юнон-македон кўшинлари Мароқандни эгаллашда унчалик қаршиликка учрамадилар ва «шаҳарда ўз гарнизонларини қолдириб, яқин атрофдаги қишлоқларни ёндириб ва вайрон этиб», шимоли-шарққа томон ҳаракатлана бошладилар.

Мароқанддан сўнг юнон-македон кўшинларининг юриши ниҳоятда оғир кечди. Маҳаллий Суғдий аҳоли душманни ўта норози кайфиятда кутиб олди ҳамда бир тан-бир жон бўлиб унга қарши чиқди. Улар ўз ерларининг озодлиги ва мустақиллигини мардонатор туриб чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилдилар. Искандар Уструшонанинг (Самарқанд ва Жиззах оралигида) тоғли ҳудуд аҳолисини қийинчилик билан енгач дашт кўчманчилари (сақлар) ва ўтроқ аҳоли (Суғдийлар) ўртасида чегара ҳисобланган Яксарт (Сирдарё) томонга ҳаракат қила бошлади. Юнон-македонлар дарё бўйида тўхтаб бу ердаги шаҳарларга ўз ҳарбий қисмларини жойлаштира бошладилар. Кўп ўтмай бу шаҳарлар аҳолиси Искандарга қарши кўзғолон кўтарадилар. Дарёнинг ўнг қирғоғидаги сақлар ҳам ўз кўшинларини бир ерга тўплай бошлайдилар. Худди шу пайтда Бактрия ва Суғдиёна ҳудудларида ҳам Искандарга қарши кўзғолонлар бошланиб кетади.

Искандар дастлаб Яксарт бўйида ўз мавқени мустаҳкамлашга қарор қилиб, бу ердаги кўзғолонларни бостирди. Суғдиёнада мил. авв. 329 йил кузида Спитаман бошчилигидаги кўзғолонни (Мароқандда) бостириш учун саркарда Фарнух бошчилигидаги кўшинларни жўнатди. Ўзи асосий кучлар билан сақлар устига юриш қилди. Аммо бу юриш муваффақиятсиз тугади.

Фарнух бошчилигида Мароқандга жўнатилган кўшинлар Спитаман томонидан мағлубиятга учради. Искандарнинг ўзи асосий кучлар билан Суғдиёнага қайтишга мажбур бўлди. Ўрта Осиё ҳудудларида

кўтарилган кўзғолонлар юнон-македон зулмидан озод бўлишга қаратилган бўлиб, Искандарнинг «варвар»ларни осонликча босиб олмоқчи бўлган режаларини пучга чиқарди.

Сугдиёнанинг тоғли ҳудудларидаги босқинчилар қадами етмаган жойларда кўзғолончилар яшириниб олган эдилар. Сугдиёнанинг деярли барча аҳолиси Спитаман томонида бўлиб, унинг ғалабаларига катта умид боғлаган эдилар. Искандар эса мил. авв. 329-28 йиллар қишловини Бақтрияда (баъзи манбаларда Навтакада дейилади) ўтказар экан, вақтни беҳуда кетказмади. У бу ерда Хоразм ҳукмдори Фарасман билан музокаралар олиб борди. Натижада Искандарнинг Хоразмга юриш режаси тўхтатилди.

Мил авв. 328 йилнинг баҳоридан юнон-македонларга қарши кураш яна авж олди. Маҳаллий аҳоли йирик шаҳарлар, қалъалар, тоғли ҳудудларда курашни давом эттирдилар. Аҳвол жиддийлашганидан хавотирга тушган Искандар 30 минг кўшинини 5 гуруҳга бўлиб, бу гуруҳларга ишончли саркардалар — Гефестион, Птолемей Лаг, Пердикка, Кен ва Артабозларни бошлиқ этиб тайинлади.

Юнон-македонларнинг шафқатсиз урушлари натижасида кўпгина маҳаллий аҳоли қирилиб кетди. Қолганлари ҳам тоғли ҳудудларда курашни давом эттирдилар. Бу ўринда Спитаманнинг жасорати ҳақида тўхталиш жоиздир. У доимо рақибларининг заиф жойларини излар ва уларга айнан ўша жойлардан зарбалар берар эди. Спитаман Сугдий ва бақтриялик зодагонлар, ҳамда саклар билан иттифоқликда душманга қарши курашишга ҳаракат қилди. Манбаларнинг маълумот беришича мил. авв. 328 йилнинг охирида Спитаман ўз ватандошлари хиёнатининг қурбони бўлади. Спитаман тажрибали давлат арбоби ва саркарда бўлиб, у босқинчиларни Она-юртидан ҳайдаб чиқариши учун имконияти бўлган барча тадбирни кўрди, чоралардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. У моҳир саркарда бўлиб

душманнинг кичик хатосидан ҳам унумли фойдаланар ва унинг заиф томонларини топишга ҳаракат қиларди. Аммо, Искандар ҳарбий куч-қудрати жиҳатдан Спитамандан устун эди.

Спитаман ҳалок бўлганидан сўнг асосан тоғ қалъалари қўзғолон ўчоқларига айланади. Ёзма манбаларда эслатилган «Суғд қояси» (ёки «Аримаз қояси»), «Хориен қояси» шулар жумласидандир.

Македониялик Искандар маҳаллий аҳолини куч билан енгиш ниҳоятда оғир эканлигини англаб етганидан сўнг турли йўллар билан уларга яқинлашишга қарор қилди. Маҳаллий халқ вакилларига нисбатан сиёсатини тубдан ўзгартирди. Хусусан, зардуштий коҳинларига бирмунча эркинликлар бериб ўзи ҳам бу динни қабул қилди. Қўзғолон бошлиқлари Оксиарт, Сисимитр, Хориен кабиларни авф этиб, мол-мулкларини қайтариб берди. Ҳатто, қўзғолонга қатнашганларга мукофотлар тарқата бошлади. Маҳаллий аҳоли билан қариндошлик муносабатларини ўрнатиб Оксиартнинг қизи гўзал Роксанага (Роҳшанак) уйланди. Натижада маҳаллий зодагонларнинг деярли барчаси Искандар ҳокимиятини тан олиб унинг хизматига ўтиб кетдилар. Мил. авв. 327 йилнинг охирида Суғдиёнадаги қўзғолоннинг сўнги ўчоқлари ҳам бостирилди.

Юнон-македон босқинчиларига қарши уч йил давомида кураш олиб борар экан, Ўрта Осиё халқлари мислсиз жасорат намуналарини кўрсатдилар. Улар юнонлар ўйлаганидек, «варварлар» ва маданиятдан орқада қолган эмас, балки ўз даврининг юксак ҳарбий санъати ва маданиятига эга эканлиklarини намойиш этдилар. Искандар қўшинлари бутун Шарқ давлатларини ўзларига бўйсундирганларида Суғдиёна ва Бақтриядаги каби қаттиқ қаршиликка, учрамаган эдилар. Бу ҳолни Искандар тарихини ёзган кўпгина қадимги давр тарихчилари ҳам эътироф этадилар.

Ўзбекистон ҳудудларида яшаган маҳаллий аҳоли қадимги даврлардан бошлаб босқинчиларга қарши аёвсиз кураш олиб бориб ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлида бир тан-бир жон бўлиб ҳаракат қилганлар. Аммо, кучлар нисбати ва ҳарбий техниканинг тенг эмаслиги кўп ҳолларда босқинчилар устунлигини таъминлаган.

«Авесто». Маданий ҳаёт

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига қараганда, илк темир даври Ўрта Осиёда яшаган халқлар ва қабилалар орасида кенг тарқалган ва асосий дин зардуштийлик эди. Бу диний таълимотнинг асосчиси Заратуштра ва бу диннинг муқаддас китоби «Авесто» ҳақидаги баҳс ва мунозаралар тадқиқотчилар орасида ҳозиргача давом этмоқда.

Заратуштра (ўрта форс тилида «олтин туяли», «олтин туя етаклаган одам») тарихий шахс бўлиб Спитама авлодидан келиб чиққан. Заратуштранинг отаси Поурушасп коҳинлар авлодидан бўлган. Заратуштра туғилган жой ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Унинг туғилган йилини тадқиқотчилар кенг саналар билан (мил. авв. 1500-1000 йиллардан бошлаб, мил. авв. VII-VI асрларгача) боғлайдилар. Сосонийлар даври (III-VII аср) зардуштийлар анъаналарига эътибор берадиган бўлсак, Заратуштранинг ҳаёти мил. авв. VII-VI асрнинг бошларига тўғри келади. Кўпчилик тадқиқотчилар бу санани тўғри деб ҳисоблайдилар.

Заратуштра туғилган жой ҳамда «Авесто» пайдо бўлган ҳудуд ҳақида ҳам олимлар орасида ягона фикр йўқ. Бир гуруҳ олимлар Заратуштрани ҳозирги Озарбайжон, яна бир гуруҳ қадимги Бақтрияда, бошқа гуруҳ олимлар Хоразмда ва Эронда туғилиб фаолият кўрсатган ва «Авесто» ҳам шу ҳудудларда пайдо бўлган деб ҳисоблайдилар.

Заратуштранинг янги таълимоти ўз ватанида тарафдорларини топмаганлиги сабабли у ўз юртидан кетишга мажбур бўлган. Заратуштра диний таълимотини биринчи бўлиб қабул қилган тарафдорлар қадимги Бақтрия подшоси Кави Виштасп, малика Хугаоса ва уларнинг яқин қариндошларидир. Заратуштра ўз гоёларида қонли қурбонлик қилишни қатъиян қоралайди. У яна шуни таъкидлайдики, одамзод яшашга ҳақли бўлиб, бу ҳуқуқдан уни маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Заратуштра ўз гоёларини тарғиб қила бошлаган давр Ўрта Осиё ва Эрон халқлари тарихида энг муҳим давр эди. Ибтидоий жамоа муносабатлари ўзгариб, давлатчилик тизими муносабатлари қарор топмоқда эди. Янги дин эса бу ўзгаришларни ўзида акс эттириб, туғилаётган синфий жамиятга хизмат қилар эди. У бирлашишга ва кучли марказлашган ҳокимият тузишга, ўша даврда ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи водий аҳолиси учун «худонинг қамчиси (тиғи)» ҳисобланган кўчманчи халқларга қарши кескин курашга чақирди.

Зардуштийларнинг диний фалсафаси қарама-қарши кучларнинг курашига асосланган. Бу кураш ёруғлик, яхшилик кучлари худоси Ахурамазда, қора ва зулмат кучлари худоси Ахриман ўртасида бошланиб жамият ва инсонлар орасида давом этган.

Заратуштра таълимотига кўра жамият яхшилик ва ёмонликдан иборат. Шунингдек, бу таълимотга кўра инсонлар ҳаётининг асосий мазмуни доимо хайрли ишлар қилиш, бир-бирига меҳр-оқибатли, хушмуомала бўлиш ва олижаноб фазилатлардан иборат. Зардуштийларда тўрт унсур — олов, ер, сув ва ҳаво муқаддас ҳисобланган ва улар доимо ардоқланиб келинган.

Зардуштийлар ўлимни дунёда, жамият тараққиётида энг ёвуз нарса деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун ҳам улар муқаддас ерга ўликни кўммаганлар ҳамда ўзига хос

кўмиш маросимларига амал қилганлар. Ўликни (одам, ҳайвон) ерга кўмиш қаттиқ жазоланган. Зардуштийлар ўликни махсус жойларда сақлаб, ҳайвонлар ва кушлар улар суякларини тозаланидан сўнг тозаланган суякларни тош, лой ёки оҳадан ясалган махсус «астадон» («оссуарий») ларга дафн этганлар.

Заратуштра дини вақт ўтиши билан аста-секин, эрон тилига мансуб халқлар ўртасида тарқалар экан ўз асосини сақлаган ҳолда бироз ўзгаради. Ахурамазда ва Ахримандан ташқари «Авесто» бир қатор бошқа худолар — Митра, Хоума, Анахита, Аши ва Зурвон каби улур худолар фаолияти ҳақида ҳам ҳикоя қилади.

Зардуштийлик сосонийлар даврида (мил. III-VII асрлар) узил-кесил расмийлашган. Бу даврда зардуштийлик адабиёти ҳам кенг тарқалди. Дастлабки пайтларда зардуштийлик динининг муқаддас матнлари авлодларга оғзаки етказилган ва Заратуштра ўлимидан сўнг бир неча аср ўтгач маълумотлар тўпланиб ягона матн ёзилган. «Авесто» шу тариқа юзага келган. Бир қатор олимлар зардуштийлик ақидаларига таяниб «Авесто»ни илк сосонийлар (III-IV асрлар) даврига боғласаларда, шунга қарамай унинг биринчи таҳрири мил. авв. I асрда бўлиб ўтган деб ҳисобланади. «Авесто» («Асос», «Асосий матн») жумласи ҳам ўша пайтда пайдо бўлади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига қараганда, илк темир даври Ўрта Осиё ҳудудларида маданий ҳаёт, миллий урф-одатлар, анъаналарнинг ривожланганлигини кузатишимиз мумкин. Шундай анъаналардан бири Наврўз байрамидир.

Наврўз қадим авлодларимиздан бизгача етиб келган муқаддас урф-одатлардан бўлиб, уни байрам қилиш Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиёда қадимдаёқ расм бўлган. Асрлар ўтиши билан Наврўз билан боғлиқ анъаналар халқлар ва элатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланиши замида кенг ёйила бориб, кўп ўлкаларнинг анъанавий миллий байрамига айланди.

Наршахийнинг маълумот беришича, «Наврӯз — Янги йил байрамини ўтказиш» анъаналари бошланганига уч минг йилдан ўтган. Инглиз олимаси М. Бойс фикрича, зардуштийларда «олов ҳамда эзгулик ҳомийси Аша Ваҳишта шарафига баҳорий удум — Наврӯзни ўтказиш анъанаси пайдо бўлган». Берунийнинг ёзишича, «Наврӯз янги йилнинг биринчи кuni бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони тақозо этади. Эронликлар ўтмиш замонларда йилларни қабисали ойларга бўлишган. Бу вақт куёшнинг Саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сўрилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни, баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча... ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунча давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврӯз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган».

Демак, Наврӯз 3-3,5 минг илгари пайдо бўлган бўлиб, асрлар давомида янгича қарашлар ва анъаналар билан бойиб борди. Шу билан бирга унинг таркибида аждодларимизнинг қадимги мифологик тасаввурлари ва ҳаёт тарзи билан алоқадор маросим ва урф-одатлар ҳам сақланиб қолди.

5-МАВЗУ. АНТИК ДАВР ДАВЛАТЛАРИ. БУЮК ИПАК ЙЎЛИ, ШАКЛЛАНИШИ, РИВОЖЛАНИШИ БОСҚИЧЛАРИ

Салавкийлар, Парфия ва Юнон-Бақтрия давлатлари

Македониялик Искандарнинг мил. авв. 334-324 йиллардаги ҳарбий юришлари натижасида Болқон ярим ороли, Эгей денгизи ороллари, Кичик Осиё, Миср, Олд ва Ўрта Осиё, Ҳинд дарёсининг қуйи оқимигача бўлган ҳудудни қамраб олувчи улкан давлат ташкил топди. Юнон-македонларнинг 330-327 йиллардаги Ўрта Осиёга босқинчилик юришларига қарамасдан ўша даврда бу ҳудудларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар бўлиб ўтди. Ўрта Осиёга Эллин (Эллада) маданияти кириб келди. Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари йирик эллинистик давлатлар таркибига кириб, бу вилоятларда янги сиёсий-маъмурий тартиб жорий этилди. Бу тартиб Ўрта Осиёда маданий, иқтисодий, товар-пул муносабатларининг ривожига туртки бўлди. Хусусан, бу даврда Ўрта Осиёда дастлабки танга пуллар зарб этилди. Юнон ёзуви кириб келди. Шаҳарсозлик, меъморчилик ва амалий санъатда бирмунча ўзгаришлар бўлиб ўтди.

Аммо, Македониялик Искандар давлати ҳам турли халқлар, элатлар ва қабиаларнинг зўрлаб бирлаштирилган йиғиндисидан иборат бўлиб, фақат кўрқитиш ва қурол кучи орқали идора қилинар эди. Мил. авв. 323 йилда Македониялик Искандарнинг Бобилда тўсатдан вафот этиши сиёсий вазиятнинг кескин ўзгаришига сабаб бўлди. Юнон диадохлари (ҳукмдорлар, амалдорлар) ўртасида ҳокимият учун шафқатсиз кураш бошланди.

Бу пайтда юнонлар ва македонлар Ўрта Осиёда ҳокимиятни бошқарувчи қатламини ташкил этар эдилар. Македониялик Искандар вафотига қадар Бақтрия ва Сугдиёна сатрапи асли македонлардан бўлган Филипп эди. Ундан кейин эса бу ҳудудлар асли Кипр оролидан бўлган юнон Стасанор қўл остига ўтди. Бу пайтда икки диадох — Эвмен ва Антигон Искандар давлатининг асосий ерларини қўлга киритиш учун

ўзаро курашаётган эдилар. Филипнинг катта қўшинлари билан ёрдам бергани туфайли Антигон Искандар давлатининг катта қисмига ҳукмронлик ўрнатишга муваффақ бўлди. Аммо унинг бу ҳукмронлиги узоққа чўзилмади.

Мил. авв. 312 йилда Искандарнинг энг ишончли саркардаларидан бири Салавка диадохлар билан бўлган курашда устун келиб Бобил, Сузиана, Мидия ва бошқа қўшни вилоятларни босиб олди ва кўп ўтмай Олд Осиё, Эрон ва Ўрта Осиё ҳудудларига ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Аммо Ҳиндистондаги ҳарбий-сиёсий вазият туфайли бу ҳудудлардаги муваффақият салавкийлар фойдасига ҳал бўлмади. Мил. авв. IV асрнинг охирида бу ерда Чандрагупта асос солган кучли Маурья давлати Салавкага қаттиқ қаршилик кўрсатганлиги сабабли Салавка сулҳ тузишга мажбур бўлди.

Юнон тарихчиси Помпей Трогнинг ёзишича, «Салавка баъзи бир жойларни музокаралар йўли билан эгаллади, аммо Бақтрия, Парфия, Сугд ерларида у қаттиқ қаршиликка учради ва оғир жанглар олиб боришга тўғри келди». Бу маълумотни қадимги тарихчи Арриан ҳам тасдиқлайди: «Салавка I бақтрияликлар, сугдийлар, парфияликлар ва гирканияликлар билан кўп урушлар олиб боргач, улар ерларига ҳукмронлик қила бошлади». Ҳозирги тадқиқотчиларнинг фикрича, бу ҳудудларнинг босиб олиниши мил. авв. 306-301 йилларига тўғри келади.

Ўрта Осиёдаги вилоятлар салавкийлар давлати сиёсий тарихида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Салавка Искандар даврида Спитаманнинг қизи Апамага уйланди. Қариндошчиликни ҳисобга олибми ёки бошқа мақсадни назарда тутибми, Салавка мил. авв. 293 йилда ўғли Антиох I ни Шарқий сатрапларга, жумладан Ўрта Осиё ерларига ҳоким этиб тайинлайди.

Баъзи бир аниқ бўлмаган маълумотларга қараганда мил. авв. III асрнинг бошларда Ўрта Осиёда салавкийларга қарши кўзғолон кўтарилади. Бунинг натижасида юнонларнинг таянч нуқталари ҳисобланган Александрия Эсхата ва Александрия Марғиёна шаҳарлари вайрон этилади. Бу шаҳарлар Антиох I томонидан қайта тикланади.

Ўзининг узоқ йиллик ҳукмронлиги даврида (мил. авв. 293-261 йй.) Антиох Фарбга қилган кўпгина юришлари билан шухрат қозонди. У ўз давлатининг шарқига, жумладан Урта Осиё ерларига кам эътибор қаратди. Бу пайтда унинг вилоятларида иқтисодий ўзгариш юз беради. Анча тинч ҳаёт бошланиб қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, савдо-сотиқ анчагина ривожланади. Салавкийлар давлати марказдан четда бўлишига қарамасдан, Урта Осиё улар давлатининг энг муҳим қисми эди. Урта Осиё ҳарбий-стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, салавкийлар бу ҳудуд бўйлаб ўтган савдо йўллари бўйида шаҳарлар ва қишлоқлар қурдириб уларда хунармандчилик, ўзаро алмашинув ва савдо-сотиқни ривожлантирганлари бежиз эмас.

Салавка I Антигон билан ҳокимият учун талашиб, Шарқий ҳудудлар ва Кичик Осиё учун кейинги кураш жараёнидаёқ йўл-йўлакай ўз ҳокимиятида бошқарув тартибини жорий эта бошлаган эди. У Искандар анъаналарига содиқ қолганлигини кўрсатиш мақсадида сатрапияларни йирик вилоят уюшмалари сифатида сақлаб қолди. Тангашунослик манбалари маълумотларига қараганда Салавка I давлати аҳмонийлар ва Искандар давлатларига нисбатан анча кичик бўлиб, ҳокимият 27-28 сатрапияларга бўлинган.

Ҳар қайси сатрапияни шоҳ томонидан тайинлаб қўйилган сатрап ёки стратег деб номланувчи шахс бошқарган. Форс сатрапларидан фарқ қилган ҳолда улар ҳам маъмурий, ҳам ҳарбий бошқарувни қўлга олганлар. Сатрап-стратег маъмурий бошқарувда энг яқин одамларидан ўзига ёрдамчи танлаган. Бу ёрдамчи солиқ йиғувчилар фаолияти, ички ва ташқи савдо, хўжалик ҳаётини назорат қилиб борган.

Тарихий манбаларда салавкийлар сатрап-стратеглари юнонча номда тилга олинади. (Стратоник, Александр, Гиеракс ва бошқ.). Демак, салавкийлар ҳукмдорлари асосан юнонлардан ва айрим ҳолларда эллинлашган маҳаллий аҳолидан тайинланган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Урта Осиёда юнон ҳокимлари ва улар атрофида тўпланган юнон-зодагонлар билан бирга маҳаллий зодагонлар ҳам ҳокимлик қилар эдилар. Салавкийлар ҳокимияти, Урта

Осиёдаги ҳарбий манзилгоҳларда (катойкияларда) жойлашган ҳарбий кучларга таянган эди. Аҳолига жабр-зулм қилишда маҳаллий ҳукмрон гуруҳ вакиллари ҳам иштирок этардилар.

Салавкийлар даври Бақтрия, Марғиёна, Сугдиёна ва Парфия ҳудудларида кўп аҳолили шаҳарлар кўп эди. Мароқанд, Бақтра, Нисо каби кўплаб қадимги шаҳар харобаларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган топилмалар бу ҳудудларда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва ҳўжалик ишлари ривожланганлигидан далолат беради.

Мил. авв. III асрнинг 60-50-йилларига келиб Кичик Осиё ва Болқон ярим оролида Салавкий ҳукмдорлари ўртасида ҳокимият учун курашлар авж олди. Натижада салавкийлар давлатининг шарқий сатраплари сиёсий ҳаётида ўзгаришлар содир бўлди. Мил. авв. 250 йилга келиб дастлаб Парфия, кейин эса Юнон-Бақтрия давлатлари салавкийлар давлатидан ажралиб чиқиб ўзларини мустақил деб эълон қилдилар.

Парфия ҳақидаги дастлабки маълумотлар мил. авв. VII асрга оид Оссурия ҳужжатларида учрайди. Мил. авв. VI асрнинг бошларида Парфия кучли Мидия ҳукмронлиги остига тушиб қолади.

Парфия қўшни Бақтрия, Марғиёна ва Сугдиёна каби серҳосил ерларга эга эмас эди. Тадқиқотчиларнинг «Қорақум — Парфия давлатининг бешигидир» деган фикрлари бежиз эмас. Бироқ мамлакат ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳудудда жойлашган эди. Мидияликларга у скифлар ҳужумидан сақланиши учун зарур бўлса, Кир учун бой Хоразм воҳаларига чиқиш йўлидаги дарвоза вазифасини ўтар эди. Македониялик Искандарнинг Парфияни истило қилишига сабаб шимолдаги кўчманчи қабилаларни итоатда тутиш бўлса, салавкийлар учун Парфияни қўлда сақлаш шимолий чегараларнинг хавфсизлигини таъминлаш демак эди.

Мил. авв. 247 йилда Парфияда Аршак бошчилигидаги парнлар қабиласи Нисо шаҳрига ҳужум қилиб уни эгаллайди. Шу йили парнлар Аршакни ўзларига подшо қилиб сайлайдилар. Тарихий манбаларнинг

маълумот беришича Аршак узоқ муддат подшолик қилган ва катта мавқега эга бўлган. Сулола (Аршакийлар) асосчиси ўзининг ташкилотчилиги, жасурлиги ва моҳир дипломатлиги сабабли қисқа муддат ичида мустақил давлат тузишга эришган. Мил. авв. 235 йилдан бошлаб Парфия подшолари ўз давлат-лари худудларини кенгайтириб бордилар.

Митридат I ҳукмронлик қилган йилларда (мил. авв. 171-138 йй.) у Парфия давлатини салавкийларнинг бошқа ерлари ҳисобига кенгайтириб 155 йилда Мидия подшолигини ишғол этди. 141 йилда Бобил босиб олинди. Митридат I вафотидан сўнг унинг ўғли Фраат (Аршак IV номи билан) тахтга ўтирди. У подшоллигининг кўп даврини империянинг шарқий худудларида ўтказган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бунга Ўрта Осиё кўчманчи қабилаларининг фаол ҳаракатлари сабаб бўлган.

Мил. авв. II асрнинг ўрталарида юечжилар сак қабилаларини Парфиянинг шарқий чегараларига суриб борган. Саклар билан бўлган жангларда Фраат III ва Артабон II лар ҳалок бўлдилар. Мил. авв. 128 йилда Митридат II тахтга ўтирди. Унинг ҳукмронлик давридан бошлаб Рим ва Парфия кучли рақибларга айланади. Икки кучли салтанатнинг ўзаро муносабатлари Шарқ ва Фарбдаги сиёсий жараёнларни белгилаб бера бошлайди. Мил. авв. 88 йилда Митридат II вафот этиб Аршак IX номи билан Готраз тахтга ўтиради. Унинг ҳокимият тепасига келиши мамлакат ичидаги сиёсий инқирозлар даврига тўғри келади. Баъзи давлатлар Парфиядан ажралиб кета бошлайдилар. Умуман, милонинг III асрига қадар Парфия давлатига Аршакийлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Милонинг 207-222 йилларида Вологез V ҳукмронлиги даврида Парфия давлати иккига бўлиниб кетди (213 й.). Булар Вологез V ҳукмронлигидаги Месопотамия ва Артабон V ҳукмронлигидаги Мидия эди. Айнан шу вақтга келиб форс ерларида янги кучли давлат — Сосонийлар давлати вужудга келмоқда эди. Ўзини ўнглаб, оёққа туриб олган бу ёш давлат кўҳна ва улкан Парфия салтанатини ағдариб ташлади.

Нисо (Туркменистон) шаҳридан топилган хужжатлар (хумларга битилган) Парфия давлатининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида, археологик топилмалар эса Бақтрия, Суғдиёна, Хоразм ва Марғиёна билан ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар ҳақида маълумотлар беради. Парфия қишлоқ хўжалигида қуллар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Помпей Трог маълумотларига кўра, «Парфияда қуллар кўп эди, қулларни озод қилиш давлат томонидан ман қилинган эди. Бутун Парфияда қуллар меҳнатидан суғориш иншоотларини қуриш мақсадида кенг фойдаланилган». Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида савдо-сотиқ ишлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Парфия давлати беш аср давомида Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва Хитойнинг Фарб мамлакатлари билан қилган савдо алоқаларида воситачилик қилган.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда **Юнон-Бақтрия давлатининг** салавкийлардан ажралиб чиқиши юнон зодагонларининг кўзғолони хусусиятига эга бўлиб, унга Бақтрия аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланган Диодот бошчилик қилади. Тадқиқотчилар Юнон-Бақтрия давлати пайдо бўлган турли саналарни белгилайдилар (мил. авв. 256, 250, 247 ва 246-245 йй.). Бу давлатнинг асоси Бақтрия бўлиб, баъзи ҳокимлар даврида (Евтидем, Деметрий, Евкратид) Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисми, Амударё ва Сирдарё ўртасидаги катта ерлар қўшиб олинади.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Юнон-Бақтрия мулкларининг чегаралари доимий мустаҳкам бўлмасдан ҳарбий-сиёсий шароитдан келиб чиқиб ўзгариб турган. Мил. авв. III асрнинг охирида Ўрта Осиёнинг жанубидаги ҳарбий-сиёсий вазият ҳақида Полибий маълумотлар беради. Унинг ёзишича, салавкийлар томонидан Бақтрада қамал қилинган Евтидем (Юнон-Бақтрия ҳукмдори) уларнинг ҳукмдори Антиох III га «чегарада кўчманчи қабилалар турганлиги ва улар чегарадан ўтадиган бўлса ҳар иккала томоннинг ҳам аҳволи оғир бўлиши мумкинлигини» билдиради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Полибий маълумот берган кўчманчилар мил. авв. III асрнинг охирида

Зарафшон дарёсига қадар деярли бутун Суғдни эгаллаган бўлиб, бу ҳудудлар Юнон-Бақтрия мулкларининг вақтинчалик шимолий чегараси бўлиб қолади. Шунингдек, Фарбий Ҳисор тоғ тизмалари ҳам шимолий чегаралар бўлган бўлиши мумкин.

Юнон-Бақтрия давлатининг гуллаб-яшнаган даври мил. авв. III асрнинг иккинчи ярми ва мил. авв. II асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Жанубий ҳудудлардан бу даврга оид Жондавлаттепа, Далварзин (пастки қатламлар), Ойхоним, Қорабоғтепа, Кампиртепа каби ёдгорликлардан ҳокимлар саройлари, ибодатхоналар, турар-жойлар, меҳнат ва жанговар қуроллар, турли ҳунармандчилик буюмлари ҳамда кўплаб танга пулларнинг топилиши бу ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ривожланиш жараёнларидан далолат беради.

Юнон-Бақтрия давлати марказлашган давлат бўлиб, ҳокимиятни подшо бошқарар эди. Давлат бир неча вилоятларга бўлинган бўлиб бу вилоят ҳокимлари подшога бўйсунар эдилар. Баъзи тадқиқотчилар Суғд ва Фарғона ҳам Юнон-Бақтрия таркибига кирган десалар, айримлари бу давлатнинг чегаралари Амударёдан нарига ўтмаган дейдилар. Сўнгги йилларда олиб борилган қазишмалар натижасида топилган жуда кўплаб археологик топилмалар Амударёнинг ўнг ва сўл қирғоғи аҳолисининг мил. авв. III-II асрлардаги ўзаро алоқалардан дарак берибгина қолмай, бу ерларни Юнон-Бақтрия давлати таркибига кирганлигидан далолат беради.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда мил. авв. 250-140/130 йиллар давомида Юнон-Бақтрия давлати мустақил давлат сифатида мавжуд бўлиб, бу даврда Диодот, Евтидем, Евкратид, Гелиокл каби подшолар ҳокимиятни бошқарганлар. Мил. авв. II асрнинг иккинчи ярмига келиб кўчманчилар зарбалари остида Юнон-Бақтрия давлати инқирозга учради.

Яқин ва Ўрта Шарқнинг турли давлатлари, жумладан Ўрта Осиё ҳудудларида катта хронологик давр юнон-македон сулолалари сиёсий ҳукмронлиги даври сифатида изоҳланиб фанда бу давр — эллинизм

даври деб аталади. Эллинизм — (Болқон ярим оролидаги Эллада шаҳри номи билан боғлиқ) бу аниқ тарихий мавжудлик бўлиб, иқтисодий ҳаётда, ижтимоий ва сиёсий тузумда, мафкура ва маданиятда эллин (юнон) ва Шарқ унсурларининг ўзаро уйғунлашуви ифодасидир.

Қадимги (антик) даврда эллин дунёси Юнонистондан ҳинд дарёси водийсига бўлган улкан ҳудудни қамраб олган эди. Тадқиқотчилар, эллинлашув даражасига қараб бу ҳудудни учта минтақага бўладилар: 1. Эллада; 2. Кичик Осиё, Сурия ва Миср; 3. Ефрат дарёсининг шарқидаги вилоятлар. Бу ҳудудлар тарихий адабиётларда «Эллинлашган Шарқ» тушунчасида акс этган бўлиб, унинг таркибига Месопотамия, Эрон, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистоннинг Македониялик Искандар босиб олган ҳудудлари кирган.

Македониялик Искандар юришлари натижасида кенг миқёсда бошланган эллинизм маданиятининг кириб келиши Бақтрия, Парфия ва Сугдиёна шаҳарлари, ҳунармандчилиги ва бадий-амалий санъатига катта таъсир кўрсатди. Ёзма манбалар Искандар номи билан боғлиқ учта шаҳар: Александрия Оксиана (Окс бўйидаги Искандария), Александрия Марғиёна (Марғиёна Искандарияси), Александрия Эсхата (Чеккадаги Искандария) ҳақидаги маълумотлар беради. Улардан ташқари, катойкилар деб номланган юнон ҳарбийлари манзилгоҳлари ҳам мавжуд эди.

Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидан эллинизм маданияти билан боғлиқ бўлган турар-жойлар, моддий-маънавий маданият буюмлари, танга пулларнинг топилиши бу ҳудудлардаги маҳаллий маданиятга эллин анъаналари (шаҳарсозлик, ҳайкалтарошлик, бадий-амалий санъат, алифбо ва бошқалар) кучли таъсир этганидан далолат беради. Шу билан биргаликда бу топилмалар маҳаллий маданиятдаги ривожланиш қадимги давр (антик) Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро уйғунлашуви натижасида ўзига хос маданият даражасига кўтарилишининг ҳам гувоҳидир.

Қанғ, Довон ва Кушон давлатлари

Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, салавкийлар сулоласи билан доимий равишда олиб борилган курашлар натижасида мил. авв. III асрнинг бошларида **Қанғ давлати** пайдо бўлди. Кейинчалик, Юнон-Бақтрия давлати ҳамда кўчманчи қабилалар билан курашлар натижасида Қанғ давлати янада мустақамланди ва айрим манбаларда Ўрта Осиёдаги йирик давлатлардан бири сифатида эслатилади. Бу давлатнинг асосий негизини Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи қанғлар ташкил этганлар. Мил. авв. II асрнинг бошларига келиб Қанғ давлатининг ерлари бирмунча кенгайиб шарқда Фарғона vodiysi (Довон), шимоли-шарқда усун, юечжи қабилалари билан шимоли-ғарбда Сарису дарёси, Ёрғида Сирдарёга борган. Бу катта ҳудуд Тошкент воҳирини, Талас vodiysини ва қисман Чу vodiysининг кўйи оқимидаги ерларни ўз ичига олиб Қанғ давлатининг асосий ерлари ҳисобланган, Мил. авв. II-I асрларда қанғликлар Амударё ва Сирдарё ораллигидаги ерларни ва Хоразмни ўзларига бўйсундирадилар.

Қадимги манбаларда Қанғ давлат ҳокимияти қай тарзда идора қилинганлиги ҳақида аниқ маълумотлар берилмаган. Катта Хан сулоласи тарихида (мил. авв. 202 — 177 ми. 25 й.) фақат бир марта Қанғуй (Қанғ) подшоши ўз оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб иш тутганлиги эслатиб ўтилади. Тадқиқотлар натижаларидан ҳудоса чиқарадиган бўлсак, Қанғ давлати кенгашида қабила бошлиқлари, ҳарбий саркардалар фаол иштирок этганлар. Подшо саройи қошидаги кенгашда давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсати ва бошқа барча муҳим масалалар маслаҳат билан ҳал қилинган.

Қанғ давлатига қарашли ерлар бир неча вилоятларга бўлиниб уларнинг ҳар бирини алоҳида ҳоким бошқарган. Вилоят бошлиқлари жобу ёки ёбу (Хитой манбаларида — чжавоу) деб аталган. Қанғ ҳукмдорлари мамлакатни ана шу жобуларга таяниб идора этган. Бу вилоятларнинг кўпчилиги Қанғ давлатининг кучайган даврларида, яъни, мил. авв. II-I асрларда тобе этилган. Хитой манбаларида қанғларга

қарашли бешта: Сусйе, Фуму, Юни, Гу, Юечянь вилоятлари эслатиб ўтилади. Тадқиқотчилар уларни қадимги Тошкент, Сўғдиёна ва Хоразм ҳудудларида жойлашган деб ҳисоблайдилар.

Манбаларда Қанғ подшоларининг иккита: ёзги ва қишги қароргоҳлари эслатилади. Улар ёзни Ўтрорда (ҳозирги Қозоғистондаги Арис ва Туркистон оралиғида) қишни эса Қанқа (Қанқа, ҳозирги Тошкент вилояти Оққўрғон туманида) ўтказганлар. Ўтроқ аҳолидан ташқари Қанғ давлатининг чегараларида бир қанча қабилалар мавжуд бўлиб, улар деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик билан ҳам шуғулланиб келганлар. Улар баҳор ва ёз мавсумларида ўз чорвалари билан кўчиб, ёзги яйловларда яшаганлар. Қишда эса чорвалари билан ўз анъанавий қишлоқ жойларига қайтиб келганлар. Қанғлар подшолари ва беклари йирик чорвадорлар бўлиб, улар иссиқ кунларни яйлов жойларида, ёзги қароргоҳларида ўтказганлар.

Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи аҳолининг маълум қисми мил. авв. III – милодий V асрларда ўтроқ ҳаёт кечирганлар. Археологик тадқиқотлар натижаларига қараганда Ўтрор, Оқтепа, Қоровултепа, Қовунчи, Чоштепа, Мингўрик харобалари ўрнида қанғларнинг қўрғонлари ва кўҳна шаҳарлари бўлган. Шаҳар ва қишлоқларда яшовчи ўтроқ халқлар кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолига нисбатан юқори турганлар. Тошкент воҳасида яшовчилар асосан деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланганлар. Улар арпа, буғдой, тарих, нўхат, шоли ва бошқа донли экинлар етиштирганлар. Мевали дарахтзор ва узумзорлари кўп бўлган. Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи қанғлар асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар.

Қорамозор, Курама ва Чотқол тоғларида темирчилик, мисгарлик ҳунарининг ривожланиши учун керакли маъданлар бўлган. Бу жойлардан жуда кўп мис, темир, қумуш ва бошқа металллар олинган. Усталар турли металлларни бир-бирига қўшиб, мустақкам қуроллар ясашни ҳам ўлаштирганлар. Шунингдек, кундалик эҳтиёж буюмлари ишлаб

чиқарилиб ички ва ташқи савдо учун турли маҳсулотлар тайёрланган.

Қанг шаҳарлари қалин ва баланд деворлар билан ўралган. Деворларнинг ташқарисида қалъа атрофи гир айлантирилиб чуқур ва кенг қилиб ҳандақ қазилган. Шаҳарлар ичида мустаҳкам истехком (арк) ва шаҳристонларнинг ҳам баланд мудофаа деворлари, бир неча дарвозалари бўлган. Йирик шаҳарлардан ташқари, Тошкент воҳасида юзга яқин аҳоли яшайдиган катта ва кичик қўрғонлар ҳам мавжуд бўлган.

Қанғарларга хос маданият Тошкент воҳасидаги Қовунчигепадан топиб ўрганилган бўлиб, фанда **Қовунчи маданияти** номи билан машҳурдир. Археологик топилмалар маълумотларига қараганда бу маданият асосан Тошкент воҳаси, Сирдарё ўрта оқими, Еттисув ва Шимолий Фарғонада кенг тарқалган. Сирдарёнинг ўрта оқимида яптовчи халқларнинг Сугдиёна, Фарғона ва Тилипан тоғининг шимоли-шарқий қисмида яшовчи халқлар билан яқин алоқада бўлганлиги туфайли Қовунчи маданияти анча тараққий этган.

Милодий V аср ўрталарига келиб қанғарлар еридаги ўтроқ ва қисман ўтроқ аҳоли Ўрта Осиёда янгидан ташкил топган Эфталитлар давлатига тобе бўлдилар.

Мил. авв. I минг йилликнинг сўнгги чорагида Ўрта Осиёнинг шимолий ва шимоли-шарқий ҳудудларида ҳам қадимги (антик) давлатлар ривожланади. Хусусан, мил. авв. II-I асрларга оид Хитой манбалари дехқончилик ва чорвачилик, айниқса йилқичилик кенг ривожланган **Довон (Да-юнь, Фарғона)** давлати ҳақида маълумотлар беради. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Довон давлати маълум сиёсий уюшмани ташкил этган бўлиб, давлатни бошқарувчи ҳукмдор манбаларда «ван» (подшо) унвони билан иш юритгани таъкидланади. Давлат ҳукмдори мамлакатнинг сиёсий ва диний ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган оқсоқоллар кенгашига таяниб иш қўрган. Оқсоқоллар уруш ва сулҳ тузиш масалаларини ҳал этишда иштирок этганлар, баъзан улар ҳукмдорнинг тақдирини ҳал этганлар.

Манбалар Довон давлатининг пойтахтлари – бош шаҳар Эрши ва иккинчи шаҳар Ючен (давлатнинг шарқида) ҳақида маълумотлар беради. Тадқиқотчилар бош шаҳарни Марҳамат (Андижон вил.) ва иккинчи шаҳарни Шурабашот (Ўзганд воҳаси Қирғизистон) ўрнида бўлган деб ҳисоблайдилар. Фарғона воҳаси ҳудудларида кўчиб юрган чорвадор ва кўчманчи қабилалар Довон тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлганлар. Бу қабилалар учун Фарғона маданий ва хунармандчилик маркази ҳисобланган.

Мил. авв. II асрдан бошлаб Қашгардан Довонга шимолий йўлдан карвон йўли ҳаракати бошланади. Бу йўлдан ипак ва бошқа маҳсулотларнинг халқаро транзит савдоси амалга оша бошлайди. Бу пайтга келиб Довон аҳолиси кўпая бошлайди ва кўплаб мустақамланган аҳоли манзилгоҳлари пайдо бўлади. Савдо йўлида Довон муҳим аҳамиятга эга бўла боради. Тадқиқотчилар фикрича, Ясса ва Қорадарё воҳаларида кўпгина қалъалар савдо йўлини кўриқлаш мақсадида барпо этилади.

Мил. авв. 125 йилда Довонга келган машҳур Хитой саёҳатчиси Чжан Цянь Довоннинг қишлоқ хўжалиги ҳақида маълумот бериб, шундай ёзади: «Ўтроқ аҳоли ер ҳайдайди, ғалла ва шоли экади, уларда мусаллас навли узум, жуда кўплаб яхши отлар бор». Бу маълумот қадимги Фарғонада деҳқончилик маданияти юқори даражада ривожланганлигини исботлайди. Хитойликларни айниқса, ўзлари учун нотаниш бўлган беда ва узум ҳайратга солган. Манбада яна шундай маълумот бор:» Хитой элчиси уруғ келтирди, шунда осмон фарзанди (Хитой императори) унумдор ерга беда ва узум экди».

Хитой манбалари шунингдек, қадимги Фарғона чорвачилигининг ўзига хос томони бўлган йилқичиликнинг юқори даражада ривожланганлиги ҳақида ҳам маълумотлар беради. Довон ўлкаси қадимги (антик) даврда машҳур зотдор отлари билан шўҳрат қозонган эди. Манбалардан маълум бўлишича, уларни етиштириш билан ўтроқ аҳоли шуғулланган. «Довонда яхши отлар бўлиб, улар Эрши шаҳаридадир, отларни

яширадилар ва Хан элчисига беришга рози бўлмайдилар». Довоннинг машҳур «самовий отлари» тасвирлари туширилган қоятош суратлари бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган.

Хусусан, Ўшдан 8 км узоқликдаги Айримчатовдаги қоя адирларда 30 та чиройли зотдор отларнинг тасвирлари бор. Худди шунга ўхшаш тасвирлар Марҳамат яқинидаги Аравон қоясидан, Навқат воҳаси ва Обиширсойдан ҳам топилган. Бу тасвирлар Довон ўзининг самовий отлари билан қадимдан машҳур бўлганлигини тасдиқлабгина қолмай, фарғоналикларнинг юксак тасвирий санъат соҳиблари бўлганлигидан ҳам далолат беради.

Манзилларнинг гувоҳлик беришича, қўшни давлатлар, хусусан Хитой императорлари Довон отлари ниҳоятда қадрлаганилар. Отлар ва Довоннинг серурум ерлари учун мил. авв. II асрнинг охирида Хитой ва Довон ўртасида ҳарбий тўқнашувлар ҳам бўлиб ўтган. Бу тўқнашувларда доvonликлар ўз мустақилликларини сақлаб қолишга муваффақ бўлганлар.

Милоднинг I-II асрларга келиб қадимги Фарғона аҳолисининг ўтроқ деҳқончилик маданияти юқори даражага кўтарилади. Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Фарғона водийсида бу даврга оид кўп сонли аҳоли манзилгоҳлари, қалъалар, қўрғонлар, кўҳна шаҳарлар харобалари аниқланган. Аҳоли манзилгоҳларини водийнинг турли ҳудудларида кенг ёйилиши суғорма деҳқончилик ва ирригация ишларининг юқори даражада ривожланиши натижаси эди. Давлатнинг сиёсий ва маданий ривожланишида ҳунармандчилик марказлари бўлган қадимги шаҳарлар айниқса катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу даврга оид археологик топилмалар деҳқончиликдан ихтисослашган ҳунармандчиликнинг ажралиб чиққанлигидан далолат беради. Бу жараён ўз навбатида ҳунармандчилик ва тоғ-кон саноатининг (турли маъданлар қазиб олиш) янада ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди.

Ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва қадимги йўлларнинг мавжудлиги туфайли Фарғона водийсида

Шарқий Туркистон билан олиб борилган ташқи савдо билан бир қаторда, атрофдаги тоғ водийларида яшовчи чорвадорлар билан ҳам ўзаро алмашинув ривожланади. Антик давр Фарғона ёдгорликларининг айримларида Хитой тангалари (у-ши) учраса ҳам маҳаллий тангалар учрамайди. Бу ҳол натурал хўжалик (маҳсулот айирбошлаш) устунлигидан далолат беради.

Тарихий манбалар Юнон-Бақтрия давлати кўчманчи қабилалар томонидан тор-мор этилганлиги эслатилади. Страбон маълумотларига кўра, Бақтрияни ассийлар, пассианлар, тохарлар, сакаравр қабилалари босиб оладилар. Помпей Трог хабар беришича, «Бақтрия ва Сугдиёнани скиф қабилалари сарауқлар ва ассианлар босиб оладилар». Тадқиқотчиларнинг фикрича ҳар иккала тарихчи битта қabila ҳақида маълумот берган.

Қадимги Хитой манбалари Бақтрияни юечжи қабилалари босиб олганлиги ҳақида маълумот беради. Мил. авв. II асрнинг иккинчи чорагида (тадқиқотчилар бу санани мил. авв. 172-161 йиллар оралиғида деб белгилайдилар) юечжилар хуннлардан мағлубиятга учраганидан ўнг Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларида кўчиб юрадилар. Бу қабилалар Хитой манбаларида «Да-юечжи» — «Буюк» ёки «Катта Юечжи», деб эслатилади. Чжан Цзянь маълумотларига кўра, юечжилар хунн қабилаларидан мағлубиятга учрагач Ўрта Осиёнинг жанубига томон ҳаракат қилиб, Даҳя (Бақтрия) ни босиб оладилар ва Гуйшуй (Амударё) нинг шимолий томонида жойлашадилар. Тунгич Хан уйи тарихида ҳам юечжилар Гуйшуй дарёсининг шимолий томонида ўз пойтахтларига асос солганликлари таъкидланади.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, юечжилар мил. авв. 140-130 йиллар оралиғида Бақтрияга бостириб кирганлар. Орадан кўп ўтмай Бақтрияда Катта юечжи давлати ташкил топади. Кичик Хан уйи тарихи маълумотларига кўра, Катта юечжи ҳукмдорлари қўл остида бешта ҳокимлик (Хи-хэу) бор бўлиб, улар Хюми, Шаунми, Гуйшунан, Хисе ва

Думилардан иборат эди. Хитой манбаларидан хулоса чиқарган кўпчилик тадқиқотчилар Бақтрия тарихидаги бутун юечжи даврини учта босқичга бўладилар.

1. Мил. авв. 139-125-йиллар — Катта юечжи Даҳя вилоятини босиб олади, аммо уларнинг асосий мулклари Амударёдан шимол томонда эди.

2. Мил. авв. 25 йилга қадар — Катта юечжи давлатининг шаклланиши ва кейинги ривожланиши. Давлатнинг пойтахти Амударёдан шимол томонда бўлиб, жанубий чегараси Гибин атрофларида (Кашмир ёки Қандаҳор) эди. Юечжилар бўйсундирган ҳудудлар Хисе, Шаунми, Гуйшуан, Хюми, Думи мулкларидан иборат бўлиб улар хи-хоу (ябғу) томонидан бошқарилган.

3. Мил. авв. 125 йилгача Катта юечжи давлатининг ишқирғи ва юқорида эслатилган мулкларнинг мустақил бўлиши. Кушон (Гуйшуан) ябғуси Киоцзюкю (Кужула Калфиз) қолган тўртта мулкни бирлаштириб **Кушон давлатига** асос солди.

Кушон давлатининг пайдо бўлиши ҳақида кўпроқ Хитой манбалари ва тангашунослик маълумотлари хабар беради. Умуман, Кушонлар салтанатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши узоқ вақт тадқиқотчилар орасида баҳсларга сабаб бўлган бўлсада, сўнгги 20-25 йил ичида бу масалага жуда кўплаб аниқликлар киритиш имконини берган тадқиқотлар олиб борилди. Айниқса, 1961 йил Лондонда ўтказилган халқаро симпозиум, 1968 йил Душанбеда ЮНЕСКОнинг конференцияси, 1970 йил Қобулдаги халқаро анжуман Кушон давлати масалаларига бағишланган бўлиб, ундан кейин ҳам бу масала бўйича кўплаб халқаро анжуманлар бўлиб ўтди.

Мил. авв. I асрнинг охири мил. I асрнинг бошларига келиб, Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю барча мулкларни бирлаштириб, Қобулистон ва Қандарҳорни забт этади. Натижада бу даврга келиб Кушон давлати ўз аҳамиятига кўра антик давр Хитойдаги Хан давлати, Парфия подшолиги, Рим салтанати билан рақобатлаша оладиган қадимги дунёнинг энг қудратли ва забардаст давлатларидан бири сифатида ташкил топди. Хитой манбаларидаги «Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю», илк

Кушон даврига оид топилма тангаларда акс эттирилган «Кушон подшоси Кужула Кадфиз»га айнан мос тушади.

Тангашунослик маълумотларига кўра, Кадфиз I ўз подшолик сиёсатини давлат ерларини кенгайтириш билан бошлайди. Баъзи бир гуруҳ тангалар борки, уларнинг бир томонида энг сўнгги Юнон-Бақтрия подшоси Гермей тасвири туширилиб, унинг номи ёзилган, иккинчи томонида эса, Геракл сиймоси ва «Ўз ишончига қатъий кушонлар ёбғуси Кужула Кадфиз» деган сўзлар бор. Бундай тангалар зарб этилишини олимлар турлича талқин этадилар. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, Кадфиз I дастлаб Юнон-Бақтрия подшоси Гермей ҳокимлигини тан олади ва улар биргаликда танга зарб этадилар. Бошқа гуруҳ олимлар фикрига кўра, Кадфиз I нинг Гермей тангаларига ўз исмини қўйиб зарб қилишга сабаб, Гермей тангалари Бақтрияда кенг тарқалган эди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кейинроқ Кадфиз I ўз номини «ёбғу»дан «шоҳлар шоҳи» фахрий унвонигача кўтариб тангалар зарб этади. Яна бир гуруҳ Ўрта Осиёдан (кўпроқ Тожикистондан) топилган тангаларда «шоҳлар шоҳи, буюк халоскор» деган ёзув кўпроқ учрайди. Кўпчилик олимларнинг фикрича, бу тангаларни Кадфиз I зарб этган.

Кужула Кадфиздан сўнг тахтга унинг ўғли Вима Кадфиз (Кадфиз II) тахтга ўтиради. Кадфиз II давлатнинг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида пул ислоҳоти ўтказиб олгин тангалар зарб этади. Шунингдек, Кадфиз II Ҳиндистоннинг бир қисмини Кушон давлатига қўшиб олади ва Рим салтанати билан алоқалар ўрнатади.

Кушон подшолари ичида энг машҳури Канишка ҳисобланади. Унинг ҳокимлик даврида Кушонлар салтанати гуллаб-яшнашининг юқори чўққисига кўтарилади. Канишка даврида Панжоб, Кашмир вилоятлари мамлакатга қўшиб олинади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, давлатнинг пойтахти Далварзинтепадан (Сурхондарё), Пешовар (Афғонистон) атрофларига кўчирилади. Бу даврда (мил. II аср)

мамлакатнинг ҳудуди Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиёнинг жануби, Шарқий Туркистондан иборат эди. Сюань Цзяннинг ёзишича, «Канишка подшолик қилган даврда унинг шон-шухрати қўшни мамлакатларга ёйилди. Мамлакатнинг ҳарбий қудрати кўпчилик томонидан тан олинди. Хитойнинг гарб томонидагилар ҳам Канишканинг ҳокимиятини тан олиб, унга ўз гаровга қўйган одамларини юборар эдилар».

Археологик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, Кушонлар даври (хусусан, Канишка ҳукмронлиги даврида) ижтимоий-иқтисодий муносабатлар анчагина ривожланган давр эди. Бу даврга келиб Ўрта Осиёнинг деярли барча ҳудудларида қишлоқ кўжалиги яхши ўзлаштириб бўлинган эди. Текисликларда сугорма деҳқончилик билан бирга чорвачилик ҳам кенг ривожланади. Бу даврда шунингдек, Хоразмда, Зарафшонда кўплаб сугориш иншоотлари қурилади. Деҳқончилик қуролларида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Самарқанд яқинидаги Талибарзу ёдгорлигидан II-III асрларга оид ер ҳайдайдиган омочнинг темир учи топилган.

Кушон даврига оид кўплаб очилган кўҳна шаҳарлар бу пайтда шаҳарсозлик маданияти айниқса гуллаб-яшнаганлигидан далолат беради. Бу даврга оид дастлабки очилган кўҳна шаҳарлардан бири **Айртوم кўҳна шаҳри** бўлиб, у Амударёнинг ўнг қирғоғида Термиздан 20 км шарқда жойлашган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда Айртوم кўҳна шаҳри мил. авв. II асрдан мил. III асрга қадар уч тарихий босқичда ривожланади. Булар: сўнгги грек-бактрия даври, юечжи-кушон даври ва кушонлар давридир. Айртومда олиб борилган узоқ йиллик (1932 йилда бошланган) тадқиқотлар натижасида Будда ибодатхоналари мажмуалари, қабристон, кўплаб ҳайкаллар ва бактрия ёзуви топилган ва ўрганилган. Айртомдан ҳимоя деворлар қолдиқлари аниқланмаган.

Бу даврда **Афросиёб кўҳна шаҳри** тузилишида ҳам ўзгаришлар бўлиб ўтади. Хусусан, милоннинг дастлабки

асрларида бу кўҳна шаҳар янгитдан девор билан ўраб олинади. Афросиёбдан топилган жуда кўплаб топилмалар ҳам айнан мана шу даврга оиддир. Аммо, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар туфайли VI-V асрларида кўҳна шаҳар инқирозга учрайди.

Бу даврга оид йирик кўҳна шаҳарлардан бири **Далварзинтепадир.** Кўҳна шаҳар Сурхондарё вилоятининг Шўрчи тумани ҳудудида жойлашган. Умумий майдони 36 гектардан зиёд бўлган бу кўҳна шаҳар узунлиги 2,5 км, қалинлиги 10 метр бўлган ҳимоя девори ва чуқур хандақ билан ўраб олинган. Деворларда ҳарбий мақсадларни кўзлаб махсус миноралар қурилган. Шаҳарнинг марказий қисмида бой шаҳарликларнинг маҳаллалари, жанубий қисмида эса ҳунармандлар яшайдиган кулолчилик маҳалласи жойлашган. Бу ердан топилган кўп сонли топилмалар нафақат маҳаллий усталар томонидан тайёрланган балки, Яқин ва Ўрта Шарқдаги турли вилоятлардан келтирилган буюмлардир. Далварзинтепанинг шаҳар олди қисмида милонинг I асрида бунёд этилган Будда ибодатхонаси қолдиқлари очилиб ундан диний қарашлар билан боғлиқ бўлган кўп сонли топилмалар топилган. Кўҳна шаҳарнинг марказидан милоний II-III асрларга оид яна бир йирик ибодатхона қолдиқлари очилган. Ушбу ибодатхонадан лой ва гипсдан ишланган Будда, Бодхисатвларнинг йирик ҳайкаллари, ҳукмдор ва унга яқин кишиларнинг ҳайкалчалари топилган. Кўҳна шаҳардан II та хумдон очилган бўлиб, улар бу ҳудудда сопол ҳунармандчилигининг ривожланганидан далолат беради. Узоқ йиллик археологик тадқиқотлар Далварзинтепа ўрнига Кушон давлатининг йирик кўҳна шаҳри (дастлабки пойтахти) жойлашганлигидан далолат беради.

Термиз шаҳридан 26 км шимоли-ғарбда **Зартепа кўҳна** шаҳри жойлашган. Кўҳна шаҳар тўртбурчак шаклда (400x400) бўлиб мустаҳкам ҳимоя деворлари билан ўраб олинган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, кўҳна шаҳар мил. авв. II-I асрлардан милоний III-V асрларга қадар мавжуд бўлган. Бу ердан

топилган турли топилмалар шаҳар ҳаётининг гуллаб-яшнаганидан далолат беради.

Амударёнинг ўнг қирғоғи Сурхондарё вилоятининг Шўроб қишлоғи ёнида **Кампиртепа кўҳна шаҳри** жойлашган ва бу ёдгорлик мил. авв. III-милодий III асрларга оиддир. Кўҳна шаҳарнинг умумий майдони 4 гектар бўлиб қалъа ва турар-жой иншоотларидан иборат. Ёдгорлик 5 метр қалинликдаги мустаҳкам ҳимоя девори ва чуқур хандақ билан ўраб олинган. Кўҳна шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмида 0,5 гектар майдондан ўнта кўмиш маросимига оид иншоотлар (науслар) аниқланиб улардан турли-туман топилмалар топилган.

Амударёнинг ўнг қирғоғида Термиз шаҳридан 5 км шимоли-ғарбда **Эски Термиз ёдгорлиги** жойлашган. Умумий майдони 500 гектардан иборат бу кўҳна шаҳар мил. авв. IV-III асрларда пайдо бўлади. Мил. авв. III-II асрларда Эски Термиз ҳимоя деворлари билан ўралиб марказида йирик қалъа бунёд этилади. Антик давр манбаларида «Тармит», «Тармита» номи билан тилга олинган бу кўҳна шаҳар Кушонлар даврига келиб Шимолий Бақтриянинг маъмурий ва мафкуравий марказига айланади Эски Термиз ҳудудларидан шу даврга оид Фаёзтепа, Қоратепа каби йирик Будда ибодатхоналари очиб ўрганилган.

Кушон даври йирик кўҳна шаҳарларидан яна бири **маشاхур ёдгорлик Холчаён** ҳисобланади. Ушбу кўҳна шаҳар Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳри шимоли-шарқда жойлашган бўлиб мил. авв. IV-III асрлардан мил. VII асрга қадар мавжуд бўлган. Ёдгорликнинг гуллаб-яшнаган даври Кушон даврига тўғри келади. Холчаёндан бу даврга оид йирик сарой иншоотлари, турар-жойлар очилган. Саройнинг айвони ва бош зали деворлари суратлар билан безакланган. Сатҳидан эса «подшо Герай» авлодларига мансуб турли катталиқдаги ҳайкаллар топилган.

Кушон подшолиги руҳонийлар қўлидаги давлат бўлиб, бу давлатда подшо ҳокимиятни бошқариш билан бирга бош коҳин ҳам ҳисобланган. Подшолик сатрапияларга бўлинган бўлиб, уларнинг бошлиқлари

маълум маънода ўзларини мустақил деб ҳисоблаганлар. Кушон подшолиги кулдорлик давлати ҳисоблансада, давлатда қишлоқ жамоаларининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Тадқиқотлар натижасида кушонлар даврида ҳунармандчиликнинг турли соҳалари, ички ва халқаро алоқалар, маданий ҳаёт гуркираб ривожланганлиги аниқланган. Пул муомаласида асосан олтин ва мис тангалардан фойдаланилган. Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларининг жуда кўп турлари етиштирилган.

Милодий III асрнинг биринчи ярмида, яъни Васудева ва Канишка III ҳукмронлиги давларида Кушон подшолиги ҳокимиятида марказдан қочувчи кучлар мавқеи ортиб улар ўзларини тобора мустақил ҳисоблай бошлайдилар. Иккинчи томондан эса, улар ўртасида ўзаро курашлар авж ола бошлайди. Ундан ташқари Кушон давлатининг жануби-ғарбий ҳудудларида кудратли сосонийлар давлати пайдо бўлади. III асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Кушон давлатининг кўпгина ерлари Эрон сосонийлари қўлига ўтади.

Буюк Ипак йўли. Маданий ҳаёт

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Яқин ва Ўрта Шарқдаги турли ўлкалар ва тарихий-маданий вилоятларни боғлаб турувчи маълум маънодаги карвон йўллари тартиби ҳамда маданий, сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий алоқалари илдизи неолит даври (мил. авв. VI-IV минг йилликлар) билан боғланади. Чунки айнан мана шу даврда Ўрта Осиёда илк деҳқончилик маданияти пайдо бўлиб янги ерлар аҳоли томонидан жадаллик билан ўзлаштириб борилади. Бу жараён бронза даврига келиб янада кучаяди.

Бу даврга келиб Ўрта Осиёда кўп сонли қабилалар ва этник гуруҳлар жойлашган бўлиб, Қорақум ва Қизилқум чўллариининг ички ҳудудлари ҳамда Помир

ва Олойнинг юқори минтақаларидан ташқари барча ҳудудлар ўзлаштириб бўлинган эди. Бу ҳудудлардаги моддий маданият умумий ҳолатда икки гуруҳга — чорвачилик хўжалиги соҳиблари бўлган Андроново тарихий-маданий жамоалари (шимолий минтақа) ва деҳқончилик хўжалиги юритган Намозгоҳ тарихий маданий жамоаларига (жанубий минтақа) бўлинади. Улар ва уларга қўшни бўлган ҳудудлар ўртасида турли алоқалар мавжуд эди. Ушбу алоқалар чорвадор ва ўтроқ деҳқончилик аҳолиси ўртасида алмашинув — савдо муносабатларининг жадаллашувига имконият яратди. Маълум ҳудудларда тайёрланган маҳсулотлар ёки хом ашёнинг бошқа бир ҳудудлардан топиллиши шу жараёндан далолат беради. Мисол учун, Андроново маданиятига хос идишлар Марғиёна, Бақтрия, Суғдиёна ҳудудларидан топилган бўлса, Хоразмда тайёрланган сопол ва металл буюмлар шимолий ҳудудларда кўплаб учрайди. Замонбобо ва Гужайли ёдгорликларидан Бадахшон ложувардидан тайёрланган маҳсулотлар топилган.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қадимги савдо-транзит йўллари бронза давридаёқ пайдо бўлади. Кўпчилик тадқиқотлар бу йўлни «Ложувард йўли» деб атайдилар. Бронза давридаги Ўрта Осиёнинг савдо йўлларида бири Бақтрия ва Марғиёнани қадимги Хоразм, Суғдиёна, Марказий Қозоғистон ва Урал билан боғлаган. Мил. авв. III минг йилликда Месопотамияда Бадахшон ложуварди машҳур бўлган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бронза давридаги яна бир йўл Бадахшондан жануби-шарққа томон Афғонистон орқали Ўрта Осиёнинг қадимги халқларини Месопотамиянинг шаҳарлари — Ур, Урук, Киш, Лагаш ва бошқалар билан боғлаган. Бронза даврининг учинчи йўли Ўрта Осиёнинг жанубидаги Бақтрия ва Марғиёнани Ҳиндистондаги Хараппа ва Эрондаги Моҳинжо Даро маданият марказлари билан боғлаган. Мил. авв. II минг йилликка келиб Фарғона ва Шош ҳудудлари ҳам Қадимги Шарқ билан алоқалар ўрнатади. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра бу

даврдa Месопотамия шаҳарларидан чиққан савдо йўллари Эрон ва Жанубий Туркманистон орқали Бақтрия ва Сугдиёнадан ўтиб Фарғонага келган. Бу йўлнинг бир тармоғи Фарғонадан ғарбга Қозоғистон чўллари орқали Урал ва Волга бўйига кетган. Яна бир тармоғи эса Фарғонадан шарққа Довон орқали Синцзян, Шимолий Хитойга кетган.

Бронза даври йўлларида қатнаган от, эшак ва туя карвонлари орқали қимматбаҳо тошлар, фил суяғи, металл ва ундан ишланган буюмлар, тақинчоқлар, баъзи ҳолларда майда чорва ва ғалла ташилган. Турли ҳудудлардан топилган археологик топилмалар шу жараёнлардан далолат беради.

Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмига келиб Греция ва Мисрдан Ўрта Осиё ва Ҳиндистонга қадар улкан ҳудудларда ташкил топган аҳмонийлар давлати кўпгина давлатлар, халқлар ва элатларнинг турли томонлама муносабатларида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ўринда айниқса, бу даврда пайдо бўлган ва тарихий адабиётларда «Шоҳ йўли» деб аталувчи йўлнинг аҳамиятини ҳам таъкидлаш жоиздир. Бу йўлнинг бир тармоғи мил. авв. VI-IV асрларда Кичик Осиё шаҳарларини ҳамда Ўрта Ер денгизи бўйидаги Эфес, Сарди шаҳарларини Эроннинг марказларидан бири Суза билан боғлаган бўлса, яна бир тармоғи Эрондан Бақтрия орқали Сугдиёна, Тошкент воҳаси ва Қозоғистон ҳудудларидан ўтиб Олтойгача борган.

[Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, мил. авв. III асрнинг охири — II асрларда халқаро аҳамиятга ва аниқ йўналишга эга бўлган савдо-транзит йўли шакллана бошлайди. Бу йўл XIX асрнинг иккинчи ярмида (1877) немис олими Фердинанд Паул Вильгельм Рихтгофен томонидан дастлабки марта «Ипак йўли» деган ном олди ва кейинчалик бутун дунё тадқиқотчилари томонидан «Буюк Ипак йўли» деб эътироф этилди.

Буюк Ипак йўлининг қисқача тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Хан империясининг У-ди

хукмронлиги даврида (мил. авв. 140-86 йй.) мамлакатнинг ғарбий ҳудудларига бўлган қизиқиш кучаяди. Хитойликлар бу ҳудудларда ўша даврда анча хавфли бўлган ҳарбий кучлар — хуннлар билан тўқнашадилар. Хуннларга қарши курашда иттифоқчилар топиш ва улар билан ҳарбий иттифоқ тузиш мақсадида император У-ди мил. авв. 138 йилда дипломат, саёҳатчи ва савдогар Чжан Цзянни Ўрта Осиёга жўнатади. Чжан Цзян бир неча йил хуннлар қўлида асирликда бўлади ва мил. авв. 128-126 йилларда Фарғона (Довон) га келади. Довон ҳукмдорлари билан ҳарбий иттифоқ тузишда муваффақиятсизликка учраган Чжан Цзян кўп қийинчиликлардан сўнг юртига етиб келади. Чжан Цзян миссияси Хитой учун Ғарбий ўлкаларга чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кейинчалик Хитой императори билан Довон ҳукмдорлари ўртасида қонли урушлар бўлиб ўтди. Бу урушларга асосий сабаб хитойликларни ҳайратга солган Довон «самовий отлари» эди.

Мил. авв. 111-105 йилларда император У-ди Парфия (Хитой манбаларида Аньси деб эслатилади) подшоларига, Қанг ҳукмдорларига, кейинроқ эса Бақтрия ерларига (Кушонлар) ўз элчиларини жўнатиб улар билан дипломатик-савдо алоқаларини ўрнатади. Шу тариқа, мил. авв. II-I асрларда Шарқ билан Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўлига асос солинади. Ўз даврида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган бу йўлнинг дастлабки тармоғи Хитойдаги Сиань шаҳридан бошланиб, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Месопотамия орқали Ўрта Ер денгизигача чўзилган.

Хитойнинг Аноси шаҳрига келиб, Ипак йўли бир неча тармоқларга бўлиниб кетган. Хусусан бир тармоқ Аноси-Хами-Қошғар орқали Кўконга, ундан эса Тошкентга ўтган. Бу ердан Жиззах ва Самарқанд орқали Бухорога келган йўл Урганч орқали Гурьевга, у ердан Оқсарой орқали Қора денгиз бўйларига чиққан. Яна бир тармоқ эса Дунхуан орқали Хўтанга, ундан Лоҳурга ўтиб кетган.

Ундан ташқари, Бухорога келган тармоқ иккига бўлинган. Бу тармоқнинг жанубий йўналиши Бухоро-Қарши-Фузур-Кеш-Термиз орқали Нишопурга ўтган ва Ҳирот орқали Ҳиндистонга ўтиб кетган. Нишопурдаги тармоқлардан бири Техрон-Қазвин-Ҳамадон-Боғдод-Палмира йўналиши бўйлаб Ўрта Ер денгизи бўйидаги Тир шаҳригача чўзилган. Умуман олганда Ипак йўлининг жанубий тармоғи Ўзган орқали Ўшга ўтиб, Қува-Марғилон-Кўқон орқали Хўжанд, Самарқанд, Бухорога ўтган. Шимолий йўналиши эса Хазар хоқонлиги ва Булғор давлати орқали Киев Руси ва Европа мамлакатларига бориб, бу тармоқ VI асрдан бошлаб ривожлана бошлаган. Ипак йўлининг асосий карвон йўлларидан ташқари ички савдо йўллари ҳам мавжуд эди)

Мил. авв. I минг йилликнинг охири — милодий I минг йилликнинг бошларига келиб Тинч океанидан Атлантика океанига қадар чўзилган улкан географик ҳудуд маданияти юксак ривожланган цивилизацияларнинг ягона тизимига бирлашади. Бу ҳудудда жойлашган давлатлар — Хитойдаги Хан салтанати, Кушон подшолиги, Қанг давлати, Парфия давлати, Рим салтанатининг чегаралари бир-бирига туташ эди. Ушбу забардаст салтанатлар ва цивилизациялар марказлари инсоният тарихида биринчи бўлиб «Буюк Ипак йўли» деб номланувчи бир йўл билан боғландилар. Умумий узунлиги 12 минг км бўлиб, Хитойдан Ўрта Ер денгизининг шимолий қирғоқларига қадар чўзилган бу йўл орқали кўпгина халқлар ва элатлар турли томонлама муносабатлар ўрнатдилар. Подшоларнинг ўзаро элчилар юборишлари, бир-бирларига ҳар хил совғалар инъом этишлари анъанага айланди. Шарқ билан Ғарб маданиятининг бир-бирига таъсири кучайди. Ўша даврдаги кўплаб маданий ўхшашликлар ҳам шу туфайли юзага келди.)

Агар географик харитага эътибор берадиган бўлсак Ўрта Осиёни қадимги цивилизациялар ўзаро алоқалар

Тизимининг марказида жойлашганлигини кузатишимиз мумкин. Айнан мана шу географик жойлашув туфайли Ўрта Осиёда муҳим этник жараёнлар (ҳинд-европа, ҳинд-эроний, туркларнинг кўчиши) бўлиб ўтишига, маданиятларнинг ўзаро таъсир доираси фаоллашувига кенг имкониятлар яратилди. Буюк Ипак йўли бўйлаб кенг миқёсдаги савдо-сотик жараёнлари бўлиб ўтди, дипломатик шартномалар ҳамда ҳарбий иттифоқлар тузилди. Осиёнинг ичкарасига ва Узоқ Шарққа ҳарфий ёзув ва дунё динларининг (буддавийлик, христианлик, зардуштийлик, моний, ислом) ёйилишида Ўрта Осиё халқлари улкан ҳисса қўшдилар. Буюк Ипак йўли фақат карвон йўли бўлибгина қолмасдан, Евроосиё халқлари цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган, унинг ҳар томонлама тараққий этишида улкан омил бўлиб хизмат қилган жараёндир.) 1987 йилда ЮНЕСКО БМТнинг бутунжаҳон декадаси доирасида маданий ривожланиш бўйича «Буюк Ипак йўли — мулоқот йўли» дастурини қабул қилди. Ушбу дастурда Ўрта Осиё цивилизацияси тарихини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишга катта эътибор қаратилди. Ундан ташқари, бу дастурнинг асосий мақсади — Шарқ ва Ғарб ўртасидаги маданий ва иқтисодий алоқаларни янада чуқурлаштириб мустаҳкамлаш, бу улкан минтақаларда яшаётган кўп сонли халқларнинг ўзаро муносабатларини янада яхшилашдан иборат эди. 2000 йилга қадар мўлжалланган ушбу дастур асосида кўпгина экспедициялар («Марко Поло изидан», 1987, Истамбул-Пекин, «Денгиз» экспедицияси, 23. X.90 й.-23. II.91; Хивада яқунланган «Марказий Осиё республикалари бўйлаб», 1991; «Кўчманчи маданиятлар йўналиши бўйлаб экспедиция», июн-август, 1992; «Европа Ипак йўли», 1995, Истамбул-Леон) кўплаб илмий-амалий халқаро анжуманлар (Самарқанд, 1990; Турку, Финландия, 1993; Кипр, 1994; Бухоро, 1996; Боку, 1998) ўтказилди.

Буюк Ипак йўлини ўрганиш ва қайта тиклашда Ўзбекистон раҳбарияти ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунончи, республикаimiz ҳудудларида

уюштирилган экспедициялар натижасида кўпгина тарихий-маданий обидалар ўрганилди. Қадимги йўллар ва йўналишлар аниқланди, миллий-маънавий бойлигимиз ҳамда анъаналаримиз ўрганилди. Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари Халқаро Институтини очилган бўлиб, унинг асосий йўналишларидан бири Буюк Ипак йўли ва унинг бўйларида жойлашган шаҳарларни ўрганишдир. 1997 йилнинг майида Ўзбекистон ҳам ўз ҳиссасини қўшган Машҳад-Сарахс, Сарахс-Машҳад темир йўли очилди. Бу билан Ўрта Осиё мамлакатлари Форс қўлтиғига, Европа халқлари эса Ўрта Осиёга темир йўл орқали чиқиш имкониятига эга бўлдилар. 1998 йил Боку шаҳридаги Буюк Ипак йўлини қуруқликда Европадан Япониягача қайта тиклаш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Европа-Кавказ-Осиёни боғлайдиган ушбу транспорт йўли (ТРАСЕКА) қурилишида Ўзбекистон ҳам иштирок этмоқда ва бу йўл бутун дунё иқтисодиётини юксалтиришига хизмат қилиши шубҳасиздир.)

Антик давр Ўрта Осиё тарихида маданий ҳаётнинг турли томонлама тараққий этганлиги билан изоҳланади. Бутун дунё халқлари тарихий-маданий ривожланишида бўлгани каби бу давр Ўрта Осиё жамиятининг ижтимоий ва маънавий ҳаётида диний мафкура катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу даврда Ўрта Осиёнинг асосий ҳудудларида зардуштийлик ва буддавийлик динлари устунлик қилишига қарамасдан улар билан бир қатор юнон динлари, монийлик ҳам ёйилган эди. Македониялик Искандар юришлари даври ва унинг ворислари (Салавкийлар, Юнон-Бақтрия) даврида Ўрта Осиё ҳудудларига Эллинизм маданияти кириб келди. Юнон динларининг кенг ёйилиши Юнон-Бақтрия даврига тўғри келса, Будда динининг кенг ёйилиб давлат дини даражасига кўтарилиши Кушонлар даврига тўғри келади. Кушон даври охирларига келиб эса Моний дини ёйилади.

Ўрта Осиёда мил. авв. II-I асрларга келиб юнон-македонлар ҳукмронлиги тугаган бўлишига қарамай эллинизм маданияти моддий ва бадиий маданиятда ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Эллин худолари — Геракл, Гефест, Дионис, Афина кабиларга сиғиниш кучли-лигича қолаверади. Бу худолар тасвирлари Кушон подшолари тангалари ва ҳайкалларда ўз аксини топган. Ундан ташқари, юнон алифбоси асосида ташкил топган бақтрия ёзуви ҳам сақланиб қолди. Кушон даври эллинизм маданиятига оид топилмалар Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларидан топиб ўрганилган.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги ва илк ўрта асрлар даври маънавий ҳаётида буддавийлик муҳим аҳамиятга эга бўлди. Дунё халқлари орасида кенг ёйилган бу дин мил. авв. VI асрда Ҳиндистонда пайдо бўлади. Мил. авв. III асрга келиб подшо Ашоки даврида буддавийлик кенг ҳудудларни ўз ичига олган ҳинд подшолиги Маурьянинг давлат динига айланади. Кейинроқ эса Бақтрия, Суғдиёна ҳудудларига ёйилади. Айртом, Далварзинтепа, Қоратепа, Фаёзтепа каби ёдгорликлардан топилган топилмалар буддавийлик дастлаб Шимолий Бақтрия ҳудудларига ёйилганидан далолат берса, Хитой ёзма манбалари Ўрта Осиёнинг Парфия, Бақтрия, Суғд вилоятларида ҳам буддавийлик ёйилганлигини тасдиқлайди.

Антик давр охирларида кенг тарқалган динлардан яна бири монийлик динидир. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, бу диннинг асосчиси ва пайғамбари бўлган Моний милодий 216 йилда Жанубий Бобилда туғилади. Моний этиқод фаолиятини Ардашер ҳукмронлиги (227-241 йй.) даврида бошлайди. Кейинроқ эса Шопур I даврида сосонийларнинг марказий шаҳарларидан бири Ктесифон шаҳрида ўз таълимотини тарғиб қилиш ҳуқуқини олади.

Монийлик дини аҳолининг камбағал ва ўрта табақаларини кенг жалб этган «ким бой бўлса, ўша қашшоқ бўлади, садақа сўрайди ва катта ғам-аламни

бошидан ўтказди» деган ижтимоий шиорни илгари сурди.

Зур бериб ташвиқот қилиниши натижасида монийлик дини ҳали Моний ҳаётлик вақтидаёқ нафақат Эрон, балки Месопотамия, Кичик Осиё, Рим, Шарққа ва Ўрта Осиё ҳудудларига ёйилди. Монийнинг ўзи шундай таъкидлар эди: «Менинг диним ҳар бир давлатга ва ҳар қандай тилда тушунарли бўлади ва узоқ ўлкаларга ёйилади».

Моний таълимоти Эрондаги ҳукмрон доиралар ва зардуштийлик коҳинлар орасида қаттиқ норозиликларга сабаб бўлганлиги тўғрисида подшо Варахрон I даврида (273-276 йй.) Моний зиндонбанд қилиб қатл эттирилади. Унинг тарафдорлари қувғин остига олинганидан сўнг, катта қисми Ўрта Осиё ҳудудларига кўчиб ўтади. Бу ҳақда араб тарихчиси Ан-Надим маълумотлар беради. Кейинроқ монийлик таълимоти Ўрта Осиёга анча кенг ёйилади. Унинг марказлари Марв, Самарқанд ва Чағаниён эди.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, антик давр ўлкамиз ҳудудларидан кўплаб ибодатхоналар очиб ўрганилган. Асосан Кушон даврига оид бўлган бу ибодатхоналар режавий тузилиши жиҳатдан турлича бўлиб, улардаги топилмалар орасида турли катталиқдаги ҳайкаллар кўпчиликни ташкил этади. Ушбу ҳайкал ва ҳайкалчалар турли динларнинг турли-туман худолари, маъбудалари ва сифинишлари билан боғлиқдир. Бу давр Ўрта Осиё халқларининг маданий ҳаётдаги энг катта ютуқларидан бири мил. авв. VI-II асрларда Оромий ёзуви асосида Хоразм, Парфия, Суғд кейинроқ эса Кушон (Бақтрия) ёзувининг ажралиб чиқишидир.

II. ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ

6-МАВЗУ. ЭФТАЛИТЛАР, ТУРКИЙ ХОҚОНЛИК ВА АРАБЛАР ИСТИЛОСИ ДАВРИДА ЎРТА ОСИЁ

Милодий IV-VI асрлар Турон замини тарихи

Бу давр кўчманчи қабилаларнинг кириб келиши, қабилалар иттифоқи (конфедерация) нинг юзага келиши — янги сиёсий қучларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Шундай қучлардан бири Кидорийлар хусусидаги асосий маълумотлар Хитойнинг Бэйши солномасида ҳамда ғарб тарихчиларидан бири Приск Панийский маълумотларида учрайди. Бу маълумотларга кўра Кидорийларнинг юечжилар ҳукмдори Цидоло ёки тадқиқотлар фикрича Кидор (баъзан «Кидара») IV асрда ҳукмронлик қилган.

Япониялик тадқиқотчи К. Еноки брахмий ёзувидаги бир қатор «Кидара Кушон ша» деб ёзилган тангаларни тадқиқ қилган. Бу тахминан 390-430 йилларга мансуб бўлиб, ҳинд тадқиқотчиси А. Биварнинг хулосасига кўра бундай тангалар 2 та ҳоким томонидан бир вақтнинг ўзида зарб этилган. Енокининг фикрича Кидорийлар Тоҳаристон ва Гандхарни 412-437 йиллар оралиғида ўз қўлларида бирлаштирганлар.

Кидорийлар масаласи нисбатан кам ўрганилган ва тадқиқотлар давом эттирилиши керак бўлган масаладир. Чунки юқоридаги маълумотларни (жумладан Бэйши) кейинчалик бошқа манбалар тилга олмайди. Ҳиндистонга (456 й.) кетиб Гупта давлатини босиб олганларидан кейинги Кидорийлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам деярли йўқ. Фақатгина улар Ҳиндистонда 75 йил ҳукмронлик қилганлари, 477 йил Гандхардан Хитойга элчилар юборганликлари маълум холос. Баъзи тадқиқотчилар уларни Шарқий Туркистондан кириб келган кушонлар қолдиғи деб ҳам тушунтириш беришади. Шунингдек, Кидорийларнинг Ўрта Осиёнинг жанубида Хионийлар билан бирга

иттифоқчилиги ҳамда уларнинг Эронга қарши биргаликдаги ҳаракатлари тўғрисида ҳам турли тахмин ва фикрлар мавжуд.

IV аср ўрталарида Турон ўлкасига шимолдан кўчманчи Хион қабилаларининг ҳужуми бошланади. Тарихда улар Хионит ёки Хионийлар номи билан танилганлар. Хионийларнинг 353 йил Суғд устига юриш қилганликлари маълум. Хионийлар ҳукмдори ўрта ёшлардаги тadbиркор ва ақлли давлат арбоби Грумбат исмли шахс бўлган. 359 йил Хионийлар ўз иттифоқчилик бурчларига кўра Шопур II билан Суриянинг Амида (Умда) шаҳри учун бўлган жангида қатнашишади. Бу жангда Грумбатнинг ўғли ҳам ҳалок бўлади.

IV асрнинг 60-70-йилларида Эрон билан муносабатлар яна кескинлашиб, Эрон шоҳи Шопур II Хионийлар билан кураш олиб боради ва икки маротаба енгилади. Хионийлар Кидорийлар билан иттифоқчиликда бўлган бўлишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу даврда Сирдарё бўйидан Амударёгача чўзилган ҳудуд Хионийлар таъсири остида бўлган.

Умуман элганда, Хионийлар Кидорийлар билан кўпинча иттифоқда ҳаракат қилган бўлишлари керак. Чунки тadқиқотларда уларнинг номи кўпинча биргаликда учрайди. Уларни баъзида эфталитларнинг бир қисми деб ҳам ҳисоблашади. Фикримизча, улардаги ўзаро фарқланиш этник эмас, фақат сулолавий бўлган. Чунки уларнинг ҳаммаси қон-қардош туркий халқлардан бўлишган.

Эфталитлар тарихи юзасидан маълумотлар Рим, Византия, Сурия ва арман тарихчилари асарларида ҳамда Хитой солномаларида, паҳлавий матнларида, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида ҳам учрайди.

Ушбу манбаларнинг маълумот беришича, ўша даврда Эфталитлар билан Эрон сосонийлари ўртасида бир неча марта тўқнашувлар бўлиб ўтади. Улар ўртасидаги биринчи тўқнашувлар V асрнинг 30-йилларидаёқ содир бўлган эди. Арман тарихчиси

Вардапетнинг маълумотига кўра, V асрнинг 50-йилларига келиб эфталитлар конфедерацияси ниҳоятда кучайиб кетади. 456 йилдаёқ эфталитлар ўз элчиларини Хитойга жўнатадилар. Эфталитлар тобора жанубга қараб силжий бошлайдилар ва ўз навбатида уларнинг Эрон билан муносабатлари кескинлаша боради. Сосонийлар билан ҳал қилувчи курашлар даври шоҳ Пероз (Феруз) даврига (459-484 йй.) тўғри келади. Тахминан 457 йили Вахшунвор (Ахшунвор) Эфталон бошчилигидаги эфталитлар Чағониён (Сурхондарё вил. Термиз шаҳридан шимолдаги ерлар), Тоҳаристон, Бадахшонда ўз ҳокимиятларини ўрнатадилар.

459 йилда Эрон тахтига Пероз чиқади. Манбаларда Перознинг ҳокимиятга келиши эфталитлар билан боғлиқ равишда баён қилинади. Пероз эфталитларнинг кучайиб боришини вақтинчалик деб билиб, улар кучидан Эрон тахтига келиш учун фойдаланган бўлиши керак. Аммо эфталитлар қудрати ошиб тез орада улар сосонийларга ҳам қарши туришларини англаган Пероз эфталитларга қарши жангга киради. Бу тўғрисидаги маълумотлар «Бахман-Яшта»да ҳам, араб тарихчиси ат-Табарийнинг асарларида ҳам учрайди. Пероз (459-484) 3 мартаба эфталитларга қарши юриш қилади.

Биринчи курашдаёқ Пероз мағлубиятга учрайди ва асирга тушади. Византия императори Зенон ўртага тушиб уни озод қилиб олади. Пероз чегарадаги Талқон (Таликон) шаҳрини эфталитларга топшириш ва Вараҳран V Баҳромгўр белгилаган Тошминордаги чегарадан ўтмаслик мажбуриятини олади. Бу мағлубиятдан хулоса чиқариб олмай, у яна иккинчи мартаба эфталитлар устига юриш бошлайди. Бу курашда ҳам мағлубиятга учрагач Пероз асирга олинади ва 30 хачир кумуш танга тўлаш мажбуриятини олади. Бироқ хазинадан 20 та хачирга етгулик маблағ топилади холос. Перознинг ёш ўғли Кубод эфталитлар қўлида гаровга қолдирилади, шундан кейингина Пероз тутқунликдан халос этилади. У эфталитларга 2 йил мобайнида солиқ тўлаб туриш мажбуриятларини ҳам олади.

Приск Панийскийнинг маълумотича, учинчи урушга баҳона бўлиб Перознинг эфталитларни алдаши хизмат қилган. Пероз ўлпон тўлаб бўлгач, эфталитлар билан муносабатни яхшилашга ҳаракат қилади. У эфталитларга сулҳ тузишни ва ўзининг тинч мақсадларини намоён этиш мақсадида «Хуннлар ҳукмдорига» ўз таклифининг кафолати сифатида синглисини унга турмушга беришини таклиф этади. Синглиси ўрнига эса ўз канизак аёлларидан бирини жўнатиб юборади. Иззат-нафси топталган эфталитлар ва сосонийлар ўртасида 484 йили сўнгги кураш бошланиб кетади. Бу кураш Марв яқинида сосонийларнинг тугал мағлубияти билан якунланади.

Сосонийлар қудратига эфталитлар томонидан шундай қилиб чек қўйилди. Эроннинг ўзида шу вақтга келиб ички сиёсий аҳвол кескинлашиб кетган эди. Оғир иқтисодий аҳвол, қулчиликнинг емирилиши, солиқларнинг ўсиши, қуйи табақаларнинг қашшоқланиши, урушдан кейинги хонавайронликлар натижасида бу ҳудудларда норозилик ҳаракатлари бошланиб кетади. Халқ ғалаёнлари диний тус олиб кенг тарқалади.

Маздак Ҳамдон (470-529) зардуштийликнинг асл ғояларини ҳаётга татбиқ қилмоқчи бўлиб, ўз ҳаракат мафкурасини яратди. Маздак таълимотича, кишилар бу дунёнинг неъматларидан баробар фойдаланишлари лозим. Унинг фикрича, ижтимоий ҳаётга жамоа ҳуқуқларини тиклаш, ер-сув, мол-мулкка баробар эгаллик қилиш ҳамманинг ўзаро тенглигига эришиш лозим эди. Маздак таълимоти асосида уч «З»лик — «зан», «зар», «замин» тенглиги ғояси ётар эди. Маздак тарафдорларининг сони Эронда жуда кўпайиб кетади.

Маздакийлар ҳаракати ниҳоятда кучайиб кетгач Кубодшоҳнинг (488-531) ўзи улар билан ҳисоблашишга мажбур бўлди. Кубод Маздак тарафига ўтиб уни Эроннинг бош қоҳини этиб тайинлади. Маздак ҳокимиятни ўз қўлига киритиб олгач, унинг тарафдорлари охир-оқибатда Кубодни 496 йилда

тахтдан ағдариб ташлаб зиндонга ташлайдилар. Унинг ўрнига укаси тахтга чиқади. Кубод зиндондан қочиб, эфталитлар даргоҳидан паноҳ топади. У ёшлигиданоқ эфталитлар ҳузурида ўсган ва эфталитлар ҳукмдорининг синглисига уйланган эди. Кубод эфталитлардан старлича ҳарбий ёрдам олиб 499 йили Эронга юриш қилади. Чегарага етган пайтдаёқ укаси буни эшитиб тахтни ташлаб қочади. Кубодшоҳ I яна тахтга ўтирганидан сўнг аввал махфий, кейинчалик ошқора маздакийликка қарши кураш олиб боради. 529 йилда Маздак қатл эттирилиб, унинг тарафдорларига қарши аёвсиз кураш олиб борилади. Кубоднинг ўғли Хусрав I Анушервон (531-579) даврида кенг миқёсли ислоҳотлар ўтказилиши билан бирга маздакийлар ҳаракатига буткул чек қўйилади.

Эфталитлар эса ўз қўллари остида Тоҳаристон, Бадахшон, Суғд, Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа баъзи ерларини бирлаштирдилар. Хитой муаллифи тили билан айтганда «Конгюст (Хоразм, Суғд, Шол), Хўтан, Шалэ (Қашқар), Анси (Парфия) ва ўттига яқин бошқа катта-кичик вилоятлар эфталитлар ҳукмдорига қарам бўлди». V асрнинг иккинчи ярмида Гандҳар, кейинчалик Шимолий Ҳиндистоннинг баъзи ҳудудларини, Қобул ва Панжоб водийларини ҳам эфталитлар истило қилдилар. Шимолий Ҳиндистонда аввал Тўрамон, сўنгра унинг ўғли Меҳиракула эфталитлар давлатини ташкил этдилар.

Кубодшоҳ эфталитлар билан деярли тинч-тотув ишлади. V 502-506 йилларда эфталитлар билан иттифоқчиликда Византияга қарши юришларида иштирок этди. Эфталитлар Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Шимолий Ҳиндистон, Шарқий Эронни бирлаштирган улкан давлатга асос соладилар. Эфталитлар давлати давридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар янги ер эгаллиги муносабатларининг шаклланиши билан изоҳланиб, бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Эфталитлар даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт

Илк ўрта асрлардаги Хитой манбаларида эфталитларнинг кўчманчи қабилалар эканлиги, уларнинг юртида шаҳарлар йўқлиги, ўзлари ўтлоқларда яшаганликлари таърифланади. Кейинги давр тарихчилари хусусан, ғарб манбаларида эса бошқача маълумотлар келтирилади. Византиялик муаррих Прокопий Кесарский (VI аср) шундай маълумот беради: «Эфталитлар (салтанати) бир ҳукмдор орқали идора этилиб, ўз қонуний (адолатли) давлатчиликларига эгадирлар. Ўзаро ва қўшнилари билан (муносабатларда) адолат меъёрини сақлашда византияликлар ва форслардан ҳеч бир қолишмайдилар».

Демак, эфталитлар даврида ҳам кушонлар давридаги каби салтанат яқка ҳукмдор томонидан бошқарилган. Хитой манбаларига кўра тахт отадан болага қолмай, шу сулоладан ким лойиқ, деб топилса ўша тахтга ўтирган. Ана шу номзодни аниқлаб тақдим этадиган қандайдир бир кенгаш ҳам мавжуд бўлган. Бу кенгаш сулоланинг мўътабар намояндалари ҳамда салтанат арконларидан иборат бўлган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шунинг ҳам ёддан чиқармаслик керакки, бундай улкан салтанатни бошқаришда юксак даражада фаолият кўрсатувчи марказий ҳокимиятга эришиш қийин эди. Шунинг учун Шимолий Ҳиндистон, Шарқий Туркистон ҳудудларида ва эҳтимол бошқа баъзи вилоятларда ҳам бошқарув эфталитлар номидан маҳаллий хонадон (сулола) томонидан олиб борилган. Фикримизча, минтақа давлатчилик тарихида истифода этиб келинган сатрапиялик бошқаруви, яъни марказий ҳокимият ноиблари орқали идора этиш усули ҳам бу вақтда ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиши керак.

Ҳали кушонлар давридаёқ аҳоли орасида ер ва қўрғонларга эга бўлган аслзодалар ажралиб чиқа бошлаган. Деҳқонлар маҳаллий зодагонларга кўпроқ

тобе бўла борган. Эфталитлар улкан ҳудудда бошқарувни қўлга киритгач, обод деҳқончилик воҳаларига, ривожланган шаҳарларга, савдо йўлларига эга бўладилар. Вақт ўтиши билан улар маҳаллий омилкор аҳоли билан аралашиб кета бошлайдилар.

Эфталитларнинг бир қисми кўчманчи чорвадор бўлса, иккинчи — каттароқ қисми шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган ўтроқ аҳоли бўлган. Тоҳаристон ва Сугдда деҳқончилик ва боғдорчилик ривож топган. Қашқадарё ва Зарафшон водийларида ғалладан ташқари шоли ҳам етиштирилган, Хитой манбаларида қайд этилишича, V-VI асрларда Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё ерларида кўплаб ғўза экилар эди. Ўрта Осиё пахта толаси Хитойда ҳам машҳур бўлган. Тоғ ва тоғ олди ерларидаги аҳоли йилқичилик билан шуғулланган. Фарғона водийсида зотдор аргумоқлар кўпайтирилар эди. Янги ер эгаллиги муносабатларининг таркиб топа бошлаши билан суғориладиган ер майдонларининг маълум бир қисми мулкдор зодагон табақа вакиллари — «**деҳқонлар**» қўлида тўплана бошлаган эди. Бунинг натижасида қишлоқ жамоасининг эркин қўлчилари маълум даражада зодагон деҳқонлар асоратига тушиб, уларга қарам **кадиварларга** айланиб боради.

Обикор ерларнинг бир қисми ибодатхоналар мулки ҳисобланган. Бундай ерлар «**вағнзе**» деб юритилган эди. Яйловларнинг асосий қисми оқсоқол зодагонлар қўлида бўлган. Эфталитлар орасида ижтимоий табақаланиш ҳам кучли бўлган. Улар орасида ер эгаллиги муносабатлари шаклланиши билан бир қаторда ибтидоий жамоа тузуми асоратлари ҳали сақланиб қолган эди. Хитой солномаларида қайд қилинишича, эфталитларда полиандрия (кўп эрлик) ҳам тарқалган эди. Бир неча ака-укада умумий битта хотин бўлиб, аёлнинг бошидаги қалпоғининг бурчаклари сонига кўра ака-укалар нечталигини билиш мумкин эди. Олий табақа вакиллари ичида кўп хотинлилик одати ҳам кенг тарқалган. Энг бой зодагонлар доимий ҳамроҳ

сифатида 20 ва ундан ортиқ дўстларга эга бўлишган. Зодагон вафот этганда, қонда бўйича унинг дўстлари ҳам тириклигича қабрга қўйилган.

Жиноятчилик юзасидан жазо ниҳоятда қаттиқ бўлган. Ўғрилиқ қилган шахс ким бўлишидан қатъи назар боши кесилган. Ўғирланган мол-мулк миқдоридан қатъи назар ўн баробар қилиб ундириб олган. Эфталитлар кучли қўшинга эга бўлишган. Лашкарнинг асосий қисмини суворийлар ташкил этган. Суворийлар асосан гурзи ва қилич билан қуролланганлар. Хитойликлар уларни моҳир камонбоз деб ҳам таърифлашган. Бу даврда отлик қўшин асосий аҳамият касб этган.

V-VI асрларда деҳқончилик воҳаларида эфталитларнинг ўтроқлашуви кучаяди. Бунинг оқибатида эса обикор ерларга бўлган муҳтожлик ортади. Кичик-кичик суғориш каналлари қазиб чиқарилиб минглаб гектар янги ер майдонлари ўзлаштирилади. Суғориш техникаси такомиллашади, шохариқлар чуқурлашиб, ер-сув ва сершоҳа суғориш тармоқларига айланади. Ҳозирги вақтда ҳам мавжуд бўлган Заҳарик, Бўзсув, Дарғом каналлари V асрда барпо этилган энг йирик суғориш тармоқларидан бўлган.

Шунингдек, тоғ олдиларига сув чиқариш учун сув чиқариш асбобларидан кенг фойдаланилган. Янги ўзлаштирилган ерларда зодагон деҳқонларнинг қалин ва катта-катта хом ғиштдан уриб чиқилган ҳамда мустаҳкам асос (фундамент) устига қурилган кўрғонлари, истехкомлари юзага кела бошлаган. Истехкомларнинг тўрт бурчаги баланд миноралар билан мустаҳкамланиб, девору йўллари бир неча қатор камондан ўқ узгич нишон туйнуклари билан таъминланган. Қалин мудофаали кўрғонлар илк ўрта асрнинг ўзига хос меъморчилик намуналаридан бўлиб, Наҳшаб воҳасидаги Заҳоки-Морон қалъаси, Бухородаги Шаҳри Вайрон, Хоразмдаги Фир қалъаси шулар қаторидандир. Воҳаларни ташқи душмандан ҳимоя қилиш мақсадида бир неча чақиримлаб узунликдан

қалин деворлар барпо этилган. Самарқанд воҳасидаги 12 га дарвозага эга бўлган «Девори қиёмат», Бухоро воҳасидаги узунлиги 336 километрли «Кампирак», Тошкент воҳасидаги «Кампирдевор» истеҳком деворлари шулар жумласидандир.

Бу давр меъморчилигида қасрлар қурилиши айниқса аҳамиятли бўлган. Қасрлар одатда 2 қаватли, шипи текис, гумбазсимон ва равоқсимон ёпилган бир неча хонадан иборат бўлган. V асрдан сарой, қасрлар қурилишида паҳса ва хом ғишт билан бир қаторда пишиқ ғиштлар ҳам ишлатилина бошланган. Сарой ва ибодатхоналар деворлари одатда рангдор тасвирлар билан безатилган. Бундай тасвирий санъат намуналаридан бири Болаликтепа (Сурхондарё) қасри деворларида қайд этилган. Бу нодир тасвирий санъат асарида башанг кийинган аёл ва эркакларнинг зиёфат тасвири берилган расмлар катта дид ва маҳорат билан ишланган. Шу давр моддий маданият ёдгорлиги сифатида Хоразмдаги Тупроққалъа харобасини ҳам кўрсатиш мумкин. Бу қалъа ўзининг истеҳком деворига эга бўлиб, қалъа ичидаги тўғри йўналтирилган кўчалар шаҳарни 10 та маззегга бўлиб турган. Шаҳарнинг шимолий-ғарбий қисмида кўтарма супа устига хом ғишдан сарой қурилган. Унинг ёнида арк биноси бўлган. Шунингдек, 100 га яқин турар жой, хўжалик бинолари, 8 та сарой зали харобалари, қадимги хоразмий ёзувидаги 80 тадан ортиқ ҳужжатлар топилган.

Эфталитлар меъморчилигининг ажойиб намуналаридан бири Бухоро яқинидаги Варахша саройидир. Бу қўرғон улкан квадрат шаклдаги тепа устига қурилган. Деворлари ганч қилиниб, деворий суратлар билан безатилган. Хоналар кенг-кенг бўлиб қалин деворлар билан бир-биридан ажралиб турган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, VI-VII асрларда бу ерда бухорхудотларнинг қароргоҳи бўлган. Шунингдек, Тошкент воҳасидаги Оқтепадан, Жўнариқ яқинидан, Пойканддан ва бошқа бир қатор жойлардан эфталитлар даври ёдгорликлари топиб тадқиқ қилинган.

Эфталитлар даврида хунармандчилик ҳам ривож топган. Айниқса, кулолчилик, шишасозлик, чилангарчилик, бўзчилик, заргарлик, қуроқсозлик касб-хунарлари равнақ топган. Шошда ясалган ўқ ва ёй «камони чочий» номи билан машхур бўлган. Катта-кичик шаҳарлар сони кўпайган. Биргина Зарафшон воҳасида Ривдод, Кушония, Хариман, Арқуд, Ромитон, Варахша, Пойканд каби савдо хунармандчилик шаҳарлари мавжуд эди. Айрим маълумотларга кўра Пойканд шаҳри эфталитларнинг пойтахти бўлган (хитойликлар уни Би деб, араблар кейинчалик «Мадинат-ут-тужжор» деб аташган). Пойканд шаҳри айниқса зирҳли пўлат қуроқлар ишлаб чиқариш билан ҳам машхур бўлган. Шунингдек, шу даврда рангли ойналар ишлаб чиқариш ҳам кенг тарқалган. Эфталитлар халқаро савдо соҳасида Эрон, Византия, Ҳиндистон, Хитой билан савдо-сотик муносабатларини олиб боришган.

Эфталитлар «Ипак йўли» савдо йўлини назоратда тутишга ҳаракат қилганлар. Ипак йўли савдосида ва умуман савдогарлар ичида суғдийлар етакчи ўринни эгаллашган эди. Бу пайтда Ўрта Осиёдан олтин, қумуш, Бадахшон лаълиси, рангли шиша ва шиша буюмлар, турли хил мевалар, ип-газлама, қорақўл, зотдор тулпорлар олиб чиқилиб савдо қилинарди.

Аввал бошда эфталитлар сосонийлардан бўлган Варахрон V ва Перознинг қумуш тангаларидан ўзаро савдо-сотикда фойдаланар эдилар. Кейинчалик эфталитлар Эрон шоҳи Варахрон V Баҳромгўр тангаларига тақлид қилган ҳолда қумуш тангалар зарб қилдилар. Бундан ташқари, Бухоро, Пойканд, Самарқанд, Хоразмдаги маҳаллий ҳокимлар томонидан чиқарилган чақа тангалар ички савдода кенг муомалада бўлган.

V-VI асрларда диний эътиқод ва тасаввур билан узвий боғлиқ бўлган тасвирий санъат — короластика — маъбудаларнинг сопол ҳайкалчаларини яшаш ва уларга топиниш кенг ёйилади. Сопол ҳайкалчалар жой

турларига кўра турлича бўлиб, кийим-кечаклари, юз сиймолари, тақинчоқлари жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқланган.

Улкан ҳудуддаги Эфталитлар давлати жуда кўп халқларни ўзида бирлаштирганлиги сабабли ундаги диний эътиқодлар ҳам турлича бўлган. Суғда зардуштийлик кенг тарқалган бўлса, Тоҳаристон ва Шарқий Туркистонда буддизмга эътиқод қилувчилар кўпчиликини ташкил этган. Шаҳарларда христиан ва яҳудий жамоалари ҳам мавжуд эди. Монийлик ва Маздак таълимоти тарафдорлари ҳам пайдо бўлаётган эди. Зардуштлар Ноҳид, Митра, Сиёвуш каби маҳаллий маъбудаларга ҳам сифинганлар. Наврўз куни Бухоро оташпарастлари Сиёвуш қабри устида хўроз сўйиб қурбонлик қилар эдилар. Жанубда буддизмнинг таъсири кўпроқ бўлган эди.

Чорвадор аҳоли туркийча сўзлашар, туркий тил тобора кўпроқ ёйила бошлаган эди. Ўтроқ аҳолининг катта қисми суғдий тилида сўзлашар эдилар. Суғдий тили ва ёзуви Еттисув, Фарғонадан ўтиб Шарқий Туркистонга қадар етиб борди. Унинг хусусий суғд — «самарқанд усули» кенг ёйилган эди. Бундан ташқари, хоразм, қхароштий, бухоро ёзувлари ҳам мавжуд бўлган. Эфталитлар ёзуви бақтрия ёзуви асосида пайдо бўлган. Сюань Цзаннинг ёзишича у 25 та ҳарфдан иборат бўлиб хат чапдан ўнгга қараб кўндалангига ёзилган. Бундай ёзув намуналари Зангтепа, Қоратепе, Афросиёб харобаларидан, Кофирқалъадан топилган.

Туркий хоқонлик ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё

Турон давлатчилиги тарихида Туркий хоқонлик давлати даври катта ва муҳим ўринни эгаллайди. Туркий хоқонлик хусусидаги маълумотлар етарли бўлсада, лекин уларнинг кўпчилиги бир-бирига қарама-қарши ва аниқ маълумотлар бермайди. Биринчи навбатда VII-VIII асрларда тўпланган

манбалар анча қимматлидир. Булар эпиграфик ёдгорликлар — Ҳрхун-Енисей руний ёзувлари, Хитойнинг «Тан хонадони тарихи» (VII-IX асрлар) тарихий манбаси, VI аср охирида яшаган византиялик тарихчилар Менандр Протектор, Феофан Византийский, суриялик тарихчи Ионна Эфесскийларнинг тарихий асарларидир. Шунингдек, бу тўғрисидаги маълумотлар араб тарихчилари ат-Табарий, Деноварий (IX-X аср) ўлкамиз фузалоларидан Абу Райҳон Беруний, Наршахий (X аср) ва бошқалар асарларида ҳам учрайди.

«Алпомиш», «Гўрўгли», «Манас», «Дада Кўркут» каби умумтуркий халқ дostonлари, ўрта асрлардаги Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқалар асарларида туркий маданият, адабиёт, тарих тўғрисида турли қимматли маълумотлар келтирилади. Яқиндагина, 1999 йили Алпомишнинг 1000 йиллиги Республикамизда кенг нишонланиб, Термизда қаҳрамон Алпомишга маҳобатли ҳайкал ҳам ўрнатилди.

Хитой манбалари, туркийларнинг эрамининг 92-йиллида Олтой этакларига келиб ўрнашганлиги ва бу ердаги жужанлардан руҳсат олиб, улар учун темир қазиб чиқаришни бошлаганликлари ҳақида маълумот беради. Бу уруғ Ашина уруғи номи билан аввал бошда аталиб келинган. Хитойлар Ашин қабиласини «Ту-кю», деб хитойча «Ашина», деб ҳам юритганлар. П. Пельо бу сўзни «Туркют» (яъни туркийлар), деб изоҳлаган. «Турк» атамаси кучли, бақувват деган маънони англатган. Ашина хитойча «бўри», деган маънони англатган. Бўри хитойликларда «шона», «гино» деб ҳам юритилган. «А» қўшимчаси Хитойда ҳурмат белгиси, деб юритилган. Бошқа бир фикрга кўра эса турк сўзи Олтой тоғларига нисбат қилиб олиниб «дубулга» деган маънони берган, деб ҳам айтилади. Аввал бир уруғга берилган «турк» атамаси кейинчалик уларга яқин турган барча қабила-уруғларга ҳам умумий ном сифатида ишлатилиб кетилади.

Ашина уругидан бўлган Асан (Асян), Шад, Туу (460-545) лар туркий қабилалар иттифоқига асос соладилар. Туунинг ўгли Бумин (бу туркча номи, хитойча Тумин) ўзига теле қабиласини бўйсундиради. Эндиликда анча мустақамланган бу қабилалар иттифоқи ўзлари қарам бўлиб турган жужанлардан халос бўлиш йўлини қидиришади. 545 йил Ғарбий Вэй императори Вань-ди Ашин уруги бошлиғи Буминга дўстона муносабат ўрнатиш учун элчи юборади. Ғарбий Вэй давлатининг асосчилари асли туркий қабилалардан бўлиб (386-558) Хитойнинг шимолида ўз давлатларини барпо қилиб, бутунлай хитойлашиб кетган эдилар. Туркийлар уларни Тўба ёки Табғач давлати деб юритганлар. Манбаларда берилишича, Бумин Вэй давлати билан иттифоқдош бўлиб, улардан жужанларга қарши курашда ёрдам олиши мумкинлигига умид қилади. Бумин жужан хони Айнағайга унинг қизига уйланмоқлиги тўғрисида совчи юборади. Бу таклиф Бумин томонидан атайлаб низо чиқиши учун қилинган бўлиб, Айнағай Буминга: «ҳа, темир эритувчим, менга бундай таклифни киритишга қандай журъат этдинг?» деб жавоб беради. Бу ҳолат икки ўртад жанг бошланишига бир баҳона бўлди. Бумин шу жавобдан сўнг курашни бошлаб юборади ва 551 йили Марказий Осиёдаги энг кучли бўлган жужанлар хонини мағлуб этади. Ҷша йили Бумин янги давлат — Туркий хоқонликка (551-744) асос солади.

Бумин Или дарёси бўйида ҳукмдор деб эълон қилиниб, «илихон» деган унвонни олади. Туркийлар ҳукмдори ўзини хоқон (туркча — қаган), деб юрита бошлайди. Олтойдаги Ўтукан шаҳри янги Кўк туркий хоқонликнинг пойтахти қилиб белгиланади. Бумин ўз укаси Истемига (Истеми — туркча, Сэдами — хитойча, Синжибу — арабча, Стемби-хаган — юнонча) биринчи саркарда, давлатнинг биринчи амалдори унвонига тўғри келувчи «Ябгу» (баҳодир) унвонини бериб, у билан биргаликда ўз давлатини кенгайтириш пайига тушди. Истеми кўпроқ ғарбий йўналишга бошчилик

қилиб тез орада Шарқий Туркистондаги нушиби, туркаш, дули қабилаларини ўзига бўйсундиради. 552 йилнинг охирида Бумин хоқон вафот этди. Шундан сўнг тахтга Дянгу Қора Иссиқ хон ўтиради. У жужанларни қайта бош кўтарганлигига қарши курашиб, натижада уларнинг раҳбари Дин ўз қўшини билан тор-мор келтирилади. Тез орада Қора Иссиқ хон ҳам вафот этади. Шундан сўнг унинг укаси Муқан хон «Кушу» унвони билан (554-576) тахтга ўтиради. Муқан хон ҳукмронлиги даври Туркий хоқонликни энг қудратли паллага олиб кирди. 554 йил Муқан Шарққа юриш қилиб Узоқ Шарқ ўлкаларни ўзига бўйсундирди ва Тинч океан қирғоқларига чиқади. Шундан сўнг у Ўрхун, Тўгла, Селенга дарёлари бўйларидаги қабилаларни, Енисей дарёси бўйларидаги қирғизларни, Байкал атрофларидаги уйғурларни ўзига бўйсундиради.

Муқан хоқон Эфталитлар давлатини тугатиш учун 554 йил Эрон шоҳи Хусрав I Анушервонга элчи жўнатади. Фирдавсийнинг ёзишича, Эфталитлар ҳукмдори Гатифар туркийлар ва Эрон ўртасидаги иттифоқчилик юзага келмаслиги учун элчиларни йўлда ўлдиради. Фақатгина бир киши хоқон ҳузурига етиб боради холос. Эрон иттифоққа рози бўлади. Муқан хоқон иттифоқчилик ипларини мустаҳкамлаш мақсадида Истеми ябғунинг қизи Асна бекани Хусрав I Анушервонга турмушга беради. 555 йилдаёқ Истеми Орол денгизгача бўлган ерларни эгаллаган эди. Шунини таъкидлаш керакки, бу оддий истило бўлмай балки, янги туркий қабилаларнинг Шарқий Туркистон шимоли ва Ўрта Осиёнинг шарқидаги улкан ерларга келиб ўрнашиши эди. Култегин битигида қайд этилишича «улар (яъни, Истеми ва Муқанхон) ўз халқларини Темир Қопқагача жойлаштирдилар» (Суғд ва Бақтрия ўртасидаги чегарада жойлашган Темир дарвоза, ҳозирги Бойсун тумани худудида).

558 йили туркийлар Урал ва Волга бўйларини забт этиб Шимолий Кавказдаги кўчманчи оварлар билан тўқнашади. Туркийлар эфталитлар ва оварларга қарши

курашишда Византия ва Эрон билан дўстона алоқани мустаҳкамлашга ҳаракат қила бошлайдилар. Вазиятдан фойдаланган Эрон эфталитлардан Тоҳаристон, Чағониён, Қобул атрофидаги ерларни тортиб олди. Оварларга қарши ҳаракатда туркийлар, уларга ёрдам бериб турган Византияни бу йўлдан қайтармоқликка ҳаракат қилишади. Шу мақсадда Туркий хоқонлик 563 йил Византияга нушиби қабиласи раҳбари Эсихилни элчи қилиб жўнатади.

563 йилдан эфталитларга қарши икки томонлама, шимолдан туркийлар, жанубдан сосонийлар ҳужуми бошланади. Туркийлар Шош водийсига бостириб кирадилар ва тез орада улар томонидан Самарқанд, Кеш, Нахшаб эгалланади. Эфталитлар Хутталон, Термиз, Балх, Амул, Замм шаҳарларидан ёрдам олиб Бухоро яқинида катта жангга тайёргарлик кўрадилар. Саккиз кунлик шиддатли жангда эфталитлар туркийлардан енгиладилар. Табарийнинг ёзишича, Варс деб юритилган эфталитлар шоҳини Истеми ўлдиради ва бутун бойликларини ўз қўлига олади. Эфталитлар билан кураш тахминан 563-567 йиллар оралигида кечади.

Иттифоқчиларнинг ҳар бири тезлик билан ҳаракат қилиб, иложи борича эфталитларнинг ерларини кўпроқ ўз қўлларига олишга ҳаракат қиладилар. Амударёнинг жанубий соҳилигача бўлган ерлар Эрон, унинг шимолий соҳилларидан Каспийгача бўлган ерлар туркийлар қўлига ўтади. Бирмунча вақт эфталитларнинг қолган қутгани Зарафшон воҳасида яшаб туркийларга солиқ тўлаб туради. Эрон туркийлар қўлига кўпгина муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар ўтиб қолганлигидан ўз норозилигини билдиради.

Истеми ябғу Эрон билан муносабатлар кескинлашиб кетса, унинг олдини олиш мақсадида Византия билан яқинлашиш сиёсатини қўлламоқчи бўлади. 568 йил Маниах бошчилигидаги элчилар гуруҳи Византияга жўнаб кетди. Улар Кавказ орқали Константинополга етиб келдилар. Маниах катта тантана билан қабул қилиниб, император Юстин II га

совға саломлар ва хоқоннинг номасини топширди. (Византияликлар бу номани скифлар ёрлиғи деб аташган). Император туркийлар билан ҳарбий-сиёсий, савдо шартномасига келишиб олди. Юстин II жавоб тарзида Земарх бошчилигидаги элчиларини уларга қўшиб жўнатди. Земарх Олтинтоғ этагидаги хоқон ўрдасида қабул қилинади. Ўзаро суҳбатдан сўнг Византия билан ипак савдоси, Эронга қарши курашиш хусусида келишиб олинди. Кейинчалик бошқа бир қатор элчилар гуруҳи ҳам алмашинди. Гарчи оварлар туфайли Византия билан муносабатлар бир оз ёмонлашсада, лекин Византия ва хазарлар туркийларга Эронга қарши ҳаракатларда кўмак бериб турадилар. Эронга ўзаро муносабатларни кескинлаштирамаслик борасида юборилган икки мартаба элчилар ташрифи ўз натижасини бергани йўқ.

Тинч океани соҳилидан то Қора денгиз соҳилигача чўзилган бу улкан давлат Эронга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборади. Истеми Хусрав I Анушервон қўшинларини тор-мор қилиб Эроннинг шимолига бостириб киради. Туркийлар эфгалитлар ерларининг Эронга ўтиб қолган ерларини яна ўз қўлига қайтариб оладилар. Эрон тинчлик сулҳига келишиб ҳар йили 40.000 Византия тилласи тўлаш мажбуриятини олади. Ундан сўнг Эрон билан Византия ўртасида ҳам уруш бошланиб кетиб, сосонийлар давлати жуда ночор аҳволга тушиб қолади.

576 йили Муқан хоқон ва Истеми ябғуларни вафотидан сўнг Туркий хоқонлиқнинг таъсири анча заифлаша бошлайди. Эрон саркардаси Баҳром Чубин туркийларнинг Чур Баға хоқон қўмондонлигидаги 300.000 кишилиқ қўшинини тор-мор келтиради. Чур Баға жангда ҳалок бўлди. Баҳром Чубин Бухоро яқинидаги Пойканд шаҳрига бостириб кириб, хоқоннинг ўғли Бармуда Тегинни асирга олади ва хоқон хазинасини Эрон шоҳига юборади.

Муқан хоқон вафотидан (576 й.) сўнг тахтга унинг укаси Арслон Тўба ўтирди. Арслон Тўба қўлида 8 та вилоят жам этилган бўлиб, ўз вақтида улар ўзаро бир-

бирлари билан чиқиша олмас эдилар. VI асрнинг иккинчи ярмига келиб туркий хоқонлари ва шаҳзодалари ўртасида тож-тахт учун гоҳ ошқора гоҳ зимдан кураш кетаётган, иқтисодий таназзул бошланаётган бир пайтда туркий шаҳзода Абруй бошчилигидаги халқ ҳаракати бўлиб ўтди. Абруй ҳаракати тўғрисида тўлиқ маълумотлар сақланиб қолмаган. Хусусан Абдурахмон Муҳаммад Нишопурийнинг (XI аср) «Хазинат-ал-улум» асаридаги бу масалага бағишланган парча Наршахийнинг «Тарихи Бухоро» асарига киритилган. Унинг маълумотига кўра Абруйнинг қароргоҳи Пойкандда бўлиб, у бой зодагонлар ва савдогарлар устидан қаттиқ назорат ўрнатган. Бунга чидай олмаган зодагонлар Туркистон томонга йўл олишган. Абруй атрофида эса қашшоқ деҳқонлар гуруҳлари йиғилиша борган.

Зодагонлар Туркистон томонда ўз раҳбарлари Ҳамук номига бағишлаб Ҳамукаг шахрини қурадилар ва туркий хоқон Қора Чуриндан ёрдам сўрайдилар. Хоқон ўз ўғли Шири-Кишварни исёнчилар устига юбориб, бу ҳаракатни шавқатсиз бостиради. Шири-Кишвар Абруйни тутиб уни қизил асалари тўла қопга тиқиб ўлдиришни буюради ва ўзи Бухоро воҳасининг ноиби бўлиб, қочиб кетган зодагонларни орқага қайтариш чораларини кўрган.

Ўзаро муттасил урушлар, тахт талашилар мамлакатни парчаланиб кетиш, маънавий-иқтисодий инқироз ҳолатига олиб келди. Қора Чуриг қариб қолган вақтида тахминан 600-йилларга келиб ўзини «хоқон» деб эълон қилади. Қора Чуриг Бугу хоқон (Қаҳрамон хоқон) деган номни олган эди. Хоқонликдаги оғир вазиятдан фойдаланган Хитой императори ички низолар келтириб чиқаришга ҳаракат қилди. Туркий саркардаларидан бири Жангар хитойликларга сотилиб, ўз кишилари билан хоқонга суиқасд уюштирди. Лекин мақсадини амалга оширолмай 5 та кишиси билан зўрга Хитой императори ҳузурига қочиб ўтди. Император Ян Цзянь уни яхши кутиб олиб, хоқонликка даъвогар шахс, деб эълон қилди.

Хоқонлик ичида низо-фитналар Жангар кишилари томонидан авж олдирилиб, охир оқибатда хоқонга қарши аҳоли исёнигача вазият етиб келди. Қора Чурин 603 йилда Тибетга чекинган вақтида Жангар кишилари томонидан ўлдирилди. Жангар хоқонликнинг Шарқий қисмини ўз қўлига олиб, бутунлай Хитойнинг таъсир доирасидаги кишига айланди. Хоқонликнинг шарқий қисми ўз мустақиллигини шу тариқа йўқотди. 582-603 йиллардаги ўзаро урушлардан сўнг 603 йил хоқонлик тўла мустақил 2 қисмга: Шарқий ва Ғарбий қисмларга ажралди. Еттисув, Чу водийси, Волга, Кубаннинг қуйи қисми, Иртиш, Ишим дарёлари бўйидаги ерлар, Ўрта Осиёнинг кичик ярим мустақил давлатлари Ғарбий хоқонлик таркибига кирарди.

Ғарбий хоқонликдаги ёзги қароргоҳ Исфижоб яқинидаги Мингбулоқда, қишгиси Суёб шаҳрида эди. Суёбнинг Шарқий томонида дулу қабиласининг беш ўқ бўдул иттифоқи, Ғарбида эса нушиби қабиласининг беш ўқ эл иттифоқининг ерлари жойлашган эди. Ғарбий хоқонлик ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳатдан Шарқий хоқонликдан мутлақо ажралиб турар эди. Шарқий хоқонликдаги аҳоли асосан кўчманчи чорвадорлардан иборат бўлса, Ғарбий хоқонлик аҳолисининг катта қисми эса ўтроқ деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотик билан машғул эди. Ер эгаллиги муносабатлари ривожланаётган Ғарбий хоқонликнинг ижтимоий таркиби ҳам, сиёсий бошқаруви ҳам анча-мунча мураккаб эди. Ярим асрлик ҳукмронлик жараёнида туркий аҳолининг бир қисми ўтроқлашади, қолганлари ерли чорвадорлар билан қоришиб кетишади. Ўтроқ ҳаётнинг анъанавий маъмурий удумлари таъсирида бошқарув тартиблари аста-секин ўзгариб, туркийларнинг ижтимоий ва сиёсий мавқеи мустақамланиб боради. Туркий аҳоли сиёсий ҳаётда фаол қатнашиб, Ўрта Осиё ўша давр сиёсатининг ҳамма жабҳаларида тенг қатнаша бошлайдилар.

Хоқон Шегуй вафотидан кейин (618 й.) ҳокимиятга келган хоқон Тўн ябғу (Тўн шоҳ) даврида Ғарбий

хоқонлик яна кучаяди. Унинг чегаралари Олтойдан то Ҳинд дарёси бўйигача чўзилиб кетди. Унинг қўлидаги улкан ҳокимият тартиблари ислоҳ этилди. Маҳаллий сулолалар ҳокимлари билан бевосита боғланиш, уларнинг устидан назоратни кучайтириш мақсадида маҳаллий ҳукмдорларга «ябғу» унвонлари берилади. Улар ўз вақтида хоқоннинг ноибларига айланадилар. Туркийлар «Тудунлар» деб юритилган ўз вакилларини ярим мустақил ҳокимликларга юбориб, сиёсий назорат ва бож солиғини изга тушириш ишларини амалга оширдилар. Шу билан бирга хоқон дипломатик тарзда ҳам иш тутар эди. Масалан, у Самарқанд ҳокими ва Қашғар ҳокимлари билан қуда-андачилик ипини боғлаб, улар билан муносабатни яхшилади.

Тўн ябғу хоқон даврида Ўрта Осиёнинг баъзи бўйсунмас ҳисобланган ўлкалари (хусусан, Тоҳаристон) ҳам эгалланиб, сосонийлар Ўрта Осиёнинг жануби ва ҳозирги Афғонистон ерларидан сиқиб чиқарилди. Хитой ва бошқа давлатлар билан алоқалар тикланди. Тўн ябғу хоқон вафотидан (630 й.) сўнг дулу ва нушиби (дулу қабиласи иттифоқи Еттисувда, нушиби қабиласи иттифоқи Фарбий Жунғорияда эди.) қабилалари ўртасида ҳокимият учун кураш бошланиб, кетди. Хоқонлик заифлашиб, бир неча қисмларга бўлиниб кетди. Вазиятдан фойдаланган Хитойнинг Тан империяси қўшинлари 657-659 йилларда Еттисувга бостириб кирдилар. Хитой босқинчиларига қарши озодлик курашлари бошланиб кетди. Фақатгина VII асрнинг охирларига бориб хоқонлик ўз мустақиллигини тиклаб, Хитой гумаштаси бўлган Хусрав Бўришодни мамлакатдан қувиб чиқаради ва Тошкент воҳасидан Турфонгача дулу қабила иттифоқидаги туркашлар ҳукмронлиги ўрнатилади.

Бугун салтанат устидан олий ҳукмронликни хоқон олиб борган. Бу лавозим меросий бўлган. Хитой манбаларига кўра ота доимо ўз ўғлига тахтни қолдиравермай, балки ундан каттароқ турган қариндошларига қолдириши лозим бўлган. Бундан ташқари, шундай ҳоллар ҳам бўлганки, тахт соҳибини

«уруғ оқсоқоллари» тайинлаган. Хитой манбаларига кўра, туркийлар хонни тахтга ўтказишда махсус маросим ўтказганлар, яъни, амалдорлар бўлажак хонни кигизга ўтказиб, қуёш юриши бўйлаб 9 мартаба айлантирганлар, иштирокчилар уларни қутлаб турган. Кейин хонни отга ўтказиб, бўйнига Ипак маго боғлаганлар. Кейин ундан сўраганлар: «Сиз неча йил хон бўлмоқчисиз? У неча йил хон бўлишини айтган, шу муддат тугагандан кейин тахтдан кетган. Хоқондан кейинги шахс Ябғу (баҳодир) давлатдаги биринчи амалдор (вазир) вазифасида бўлган. (Масалан, Истеми ябғу). Аммо ябғу тахтга меросхўрлик қила олмас эди. Тахт меросхўри Тегин (шаҳзода) деб юритилган. Тегин тахтга даъвогар шахс бўлган. Шод унвони туман ва вилоят ҳокимлигидаги шаҳзодаларга берилган. Шаҳзодалар билан қондош бўлмаса, ундай одамга шод унвони берилмаган. Хитой манбаларининг бирида шундай дейилади: «Олий мартабалар орасида энг улуғи Шеху (Жабғу, Ябғу), кейин Дэлэ (Тегин), учинчиси эса Силифа, тўртинчиси Тумаофа, (қолган) кичикроқ даражасидаги мансабларда 20 киши банд; уларнинг ҳаммалари мансаблари меросийдир... кўриқчиларни эса Фули (яъни бўри) деб атайдилар».

Тудун унвони ҳукмдорнинг жойлардаги ноиб (назоратчиси) га берилган. Улар маҳаллий ҳокимлар сиёсатини, бож-солиқ ишларини назорат қилганлар. Шод унвонидаги киши ҳукмдорнинг ўнг томонидан жой олган.

Чорвадор туркий аҳолида уруғ-жамоачилик анъаналари ниҳоятда кучли бўлиб, қабила ва уруғ жамоаларининг негизи катта оилалардан иборат эди. Бундай оилаларда уй қуллари ҳам мавжуд бўлар эди. Қулларнинг кўпайиши билан табақаланиш муносабатлари таркиб топа бошлаган. Лекин қулчилик ижтимоий ҳаётга кенг кириб келмади. Кўпинча жанглarda аёллар қул қилиб олиб кетилар эди. Лекин қул аёллардан оғир ишларда фойдаланилмай, балки уй-рўзғор ишларида ишлатилинар эди. Қул эркакми, аёлми бари бир, имкон топиши билан ҳочиб

кетаверган. Қочган қул таъқиб қилинмаган. Улар учун ҳеч ким товон тўламаган.

Туркий кўчманчиларнинг асосий қисми камбағал чорвадор ва овчилардан иборат эди. Бундай халқ оммасини **бўдун** ёки **қора бўдун** деб аташган. Мамлакат бўдунлар яшайдиган элларга бўлинган. Хоқонликнинг марказий бошқарув тизими асосан йирик сиёсий-давлат тадбирлари (салтанат осойишталигини сақлаш, давлат ҳудудини кенгайтириш, солиқ тизими, ички ва ташқи савдо, дипломатик муносабатлар ва ҳоказо) билан машғул бўлиб жойлардаги маҳаллий ишларга маълум даражада эркинлик йўлга қўйилган. Шунинг учун ҳам Фарғона, Суғд, Шош, Тоҳаристон, Хоразм ва бошқа жойларда бошқарув иши асосан маҳаллий сулолалар кўлида бўлган. Хитой манбаларига кўра Суғдда келиб чиқиши асли юечжилардан бўлмиш Кан сулоласининг мавқеи кучли бўлиб, Суғд ҳукмдори **ихшид** унвонига, тобе ҳокимликлар ҳам ўз унвонларига эга бўлганлар (масалан, Кеш ҳукмдори **ихрид** унвонига эга бўлган).

Қонунчилик, ижтимоий ҳаётда у ёки бу масалаларни ҳал этиш учун «туркий тузуклари» ёки «Туролари» бўлган. Хитой тарихчиси шундай тузуклардан бири Суғддаги ибодатхоналардан бирида сақланишини ёзди. Қонунларга кўра, энг оғир гуноҳ қилган одам уруғ-аймоғи билан йўқ қилиб юборилган. Қолган жазолар ўлим ва турли миқдордаги товон тўлаш усуллари бўлган. (Масалан, бировни ўлдирса, бузуқчилик қилса, от ўғирласа, ўлим жазоси, бировнинг мол-мулкини ўғирласа ёки кишига лат етказса товон тўлаган ва ҳоказо).

Деҳқонлар мавжуд сув ресурслари ҳамда лалмикор ерлар имкониятларидан фойдаланиб, асосан дон экинлари ҳамда қовун, тарвуз, беда, узумчилик, пахтачилик соҳаларидан юқори ҳосил етиштирганлар. Мевали дарахтлардан боғ-роғлар етиштиришга алоҳида аҳамият берилган, манба тили билан айтганда, «мевали дарахтлар савлат тўкиб турган». Чунончи, ажнабийларни Самарқанднинг «тилла шафтолиси» лол қолдиргани маълум.

Шаҳар аҳолиси асосан ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан машғул эди. Деҳқончилик ва кончиликдаги тараққиёт кўлами ва сифати ўздан кейинги уч тармоқ ҳунармандчилик, қурилиш, савдо-сотиқ равнақи учун катта туртки бўлади. Шунинг учун бу вақтда металлсозлик, заргарлик, кулолчилик, дурадгорлик, қуролсозлик, тўқимачилик, шишасозлик, кўнчилик кенг ривож топган. Ҳунармандчилик ривожига туркий аҳоли катта таъсир кўрсатдилар. Чунки уларда қадимдан кўпчилик касб-ҳунарлар жуда ривожланган эди. Туркийлар саррожлик, металл қазиб олиш ва ундан қурол-яроғ ясашда айниқса моҳир эдилар. Туркийлар ясаган қурол-яроғ, зебу-зийнат буюмлари хилма-хиллиги ва пишиқлиги билан ажралиб турган. Кончилик фаолияти ҳам шу пайтда анча ривожланган. Олтин, темир, кумуш, кўрғошин, мис, маргимуш, тузнинг бир неча хили, қимматбаҳо тошлар, турли маъданлар Суғд, Шош, Фарғона, Қашғар, Тоҳаристон каби вилоятларда қазиб олишганлиги манбаларда аниқ кўрсатилган.

Туркий хоқонлик улкан ҳудуд ичида зарур тинчликни таъминлаганлиги натижасида «Буюк Ипак йўли» самарали ишлашда давом этди. Ўлканинг асосий савдо ҳамкорлари Эрон, Хитой, Ҳиндистон ва Византия эди. Бу мамлакатларга тўқимачилик, ипакчилик маҳсулотлари, қимматбаҳо тошлар ва улардан ишланган буюмлар, тақинчоқлар, дориворлар, наслдор арғумоқлар, бир неча хил туз, шароб, боғдорчилик маҳсулотлари, қазилма бойлик ва ҳоказолар олиб борилган. Айниқса Суғд савдогарларининг мавқеи кучли бўлган. Шу маънода хитойлик муаллифнинг қуйидаги гувоҳлиги эътиборга сазовордир: «(Суғдиёналик) эркаклар йигирма ёшга тўлишлари билан қўшни мамлакатга ошиқадилар ва (савдо-сотиқда) қаерда (қулайлик) ва манфаат бўлса (албатта) у ерга қадам ранжида этадилар». Ўрта Осиёнинг шу даврдаги Марв, Пойканд, Бухоро, Самарқанд, Шош, Исфижоб, Суёб каби шаҳарлари савдо-сотиқнинг марказлари эди.

Хитой билан савдо муносабатлари айниқса, ривожланиб, 627-647 йиллар мобайнида Хитойга 9 маротаба савдо элчилари юборилди. Ўрта Осиёда шу пайтда 15 тага яқин майда давлатлар бўлиб, Бухорода бухорхудотлар, Хоразмда хоразмшоҳлар, Шош ва Илоқда бўдун ва деҳқонлар, Фарғонада ихшидлар ҳукмронлик қилишган. Уларнинг ҳаммаси Туркий хоқонликка қарам бўлса-да, амалда ярим мустақил эдилар.

Туркийларнинг дини ҳақида «Вэй-шу» ва «Суй-шу» Хитой йилномаларида қайд этилган. Унда туркийлар дини, одатлари ҳақида шундай маълумотлар бор: 1) хоқон қароргоҳига Шарқ томонидан киритилган, бу билан кун чиқиш тарафга ҳурмат маъноси ифодаланган, айти пайтда қуёшга сифинишни ҳам билдирган. 2) ҳар йили хоқон ўз амалдорлари билан махсус форга бориб, ота-боболари руҳига қурбонлик келтирган. 3) ҳар 5-маротаба ой чиқишида ва ўша ойнинг ўртасида хоқон яқинларини йиғиб, дарё бўйига борган, осмон руҳи (тангри)га қурбонлик келтирганлар. Қабилалар ўртасида ҳам турли худоларга эътиқод қилиш бўлган. Тангри (осмон руҳи) барча қабилалар учун ягона асосий худо бўлган. Унга доимий қурбонликлар келтирганлар. Улар руҳ абадийлиги, нариги дунё борлигига ишонганлар. Бирор киши қазо қилса унинг ёнига бошқа кишилар, буюмларни ҳам қўшиб кўмганлар. Масалан, 576 йил Истеми-ябғу вафот этганида у билан бирга 4 та ҳарбий асир ўлдирилиб кўмилган. Муқанхон вафот этганида унга охиратда хизмат қилиш учун 20.000 киши ўлдирилиб, бирга кўмилган. Қиёмат кунини туркийлар «Қолдирилган кун» деб атаганлар. Туркийлар қабр тошлари, яъни битигтошлар ёнига одамларнинг тош ҳайкалчаларини қўйишган. Улар «балбаллар» дейилган. Бу балбаллар ўлган одамнинг руҳига бағишланган ёдгорликдир. Шаманизм ўша даврда туркийларнинг асосий дини бўлиб, кейинчалик улар ичида буддизм, христианлик ва бошқа динлар ҳам тарқалган. Тош битигларда ўлган одамга мадҳиядан ташқари, кўплаб

тарихий ҳодиса ва воқеалар ҳам битилган. Бундай битиглар ичида энг маълумлари Кул тигин битигтоши, Билга хоқон битигтоши, Тўнюқуқ битигтоши ва бошқалар машҳурдир. Булар биргаликда Ўрхун-Енисей ёзувлари деб аталади. Шунингдек, қоғозга ёзилиб, Хитойдан топилган 104 сатрлик «Таъбирнома» асарида ҳам туркийлар ҳаётининг саҳифалари ёритилган.

Ислом дини. Ўрта Осиёга араб босқинчилиги дастлабки даври. Қутайба юришлари

Жаҳон тарихида улкан из қолдирган давлатлардан бири — бу Араб халифалигидир. Араб халифалиги даври Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Ҳиндистон, Пиренея ярим ороли ва Шимолий Африка халқларининг ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётида ўзига хос юксалиш даврини белгилаб берди. Араб истилочилари хусусида шубҳасиз энг асосий маълумотларни араб мусулмон муаллифлари бериб ўтганлар. Шу хусусда, жумладан, ал-Балазурийнинг «Футуҳ ал булдон» (Мамлакатларнинг фатҳ этилиши), ат-Табарийнинг «Тарихи расули ва мулук» (Пайгамбарлар ва подшоҳлар тарихи) асарлари алоҳида аҳамият касб этади.

Ислом динининг ватани Арабистон ярим оролидир. Араблар семит қабилалари гуруҳига мансуб бўлиб, асосан кўчманчи, чорвачилик билан ҳаёт кечирган. Кўчманчилар **бадавийлар** деб юритилган. Воҳалардаги аҳоли деҳқончилик билан шуғулланган. Денгиз бўйлари, воҳаларда шаҳарлар қад ростлаган бўлиб, уларда асосан савдо-сотик ва ҳунармандчилик билан кун кўрадиган аҳоли яшар эди.

VI асрнинг иккинчи ярми VII асрнинг биринчи ярмидаги араб ижтимоий ҳаёти жуда мураккаб ва рангбаранг эди. Унда уруғ-аймоқчилик муносабатлари эндигина куртак очиб келаётган феодал муносабатлар билан чатишиб кетган эди. Асосий савдо йўлларининг бу ҳудуддан ўтишидан араб зодагон-савдо аҳли жуда манфаатдор эди. Лекин мамлакатда бу пайтда сиёсий

парокандалик ҳукм сураар эди. Ўзаро қабилавий урушлар натижасида деҳқончилик ва савдо-сотиқ ишларига катта зарар етказилар, хонавайронлик авж олган эди. Бу ҳолат араб аслзода гуруҳлари, зодагонлари манфаатига зид бўлиб, мамлакат иқтисодий йўналишида юқоридаги салбий ҳолатлар катта зарар етказар эди. Юқоридаги вазият ҳам турли табақа, тоифа кишиларининг ўзаро ҳамжиҳатликка ягона, кучли давлат атрофига бирлашишга чақирар эди. Аҳоли ичида кўп худолик-бутпарастлик урф эди (хусусан Каъбада 360 та бут бўлиб, уларнинг энг йириклари Хубал ва Лут бўлган).

Шундай вазиятда Ислом тўғри ва ҳақ йўлни кўрсатувчи дин сифатида юзага келди. Ислом — бу Аллоҳ ягона деб эътироф этиб, унга бўйсунмоқлик ва бутун қалби билан унга ихлос қилмоқлик ва Аллоҳ буюрган диний эътиқодга имон келтирмоқлик демакдир. Ислом «итоат», «бўйсунуш» маъноларини билдиради. Бу диннинг асосчиси Муҳаммад пайғамбар (570-632) маккалик Абдуллоҳнинг ўғли бўлган. Унинг бобоси Абумуталлиб қурайш қабиласининг бошлиғи бўлган.

Муҳаммад пайғамбарнинг таълимотига эргашганларни «муслим», яъни «итоаткорлар», деб юритганлар. Ўз пайғамбарлик фаолиятини Муҳаммад Маккада бошлаган. Макка Арабистон ярим оролининг ғарбий қисмидаги Ҳижоз вилоятида жойлашган шаҳар бўлиб, бу ерда Каъба жойлашган эди. Диний таълимотга кўра Каъбани Одам Ато барпо қилган бўлиб, уни Иброҳим пайғамбар ўз ўғли Исмоил билан бирга қайта қурган ва биринчи ҳаж сафарини уюштирган. Каъбанинг ичида муқаддас тош «ҳажар-ул-асвод» ўрнатилган. Ҳар йили бу муқаддас жойга миллионлаб мусулмонлар зиёратга келадилар.

Муҳаммад пайғамбар муслим (мусулмон) ларнинг ягона Аллоҳ олдида тенг эканликларини, Яратганнинг ўзи ризқ-рўз улашишини, жамиятдаги адолатсизликка қарши жазо муқаррар ва ҳар бир киши бу дунёдаги ишларига кўра тақдирланиши, инсон Яратган, ёлғиз

Аллоҳагина эътиқод қилишини тарғиб қилади. Бу таълимот аҳолининг барча қатламлари манфаатларига мос бўлиб, тез орада биринчи навбатда шаҳар аҳли ичида тарқала бошлайди. Лекин янги дин тарафдорларининг аҳволи уларнинг эътиқодларига кўра оғирлашиб боргандан сўнг бир қисм мусулмон аҳоли Ҳабашистонга, баъзилари шимолга қараб кетишга мажбур бўдилар. Муҳаммад ҳам ўзига қарши турган қурайш қабиласи аъзоларининг таъқиби кучайиб кетган 622 йил 16 июлда (баъзи адабиётларда 15 июл дейилади) ўзининг энг яқин дўсти ва сафдоши Абу Бакр билан Маккадан Мадинага кўчишга мажбур бўлади. Бу араб тилида «ҳижрат» деб аталиб, шу кундан бошлаб мусулмон оламида қабул қилинган ҳижрий йил бошланади. (ҳижрий йил ҳисоби 2 хил бўлади: ҳижрий-қамарий, яъни ой ҳисоби бўйича ва ҳижрий-шамсий, куёш ҳисоби бўйича).

Мадинада Муҳаммад ўз таълимотини давом эттиради. Мадинада шуҳрат қозонган маккаликлар бутпарастлик ғояларига қарши ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий зарба бера бошлайдилар. Муҳаммад (с. а. в.) пайгамбар вафот этгач (632 й.), кетма-кет «Хулофойи рашидин» (ҳақ йўлдан борган саҳиҳ халифалар) номларини олган Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алилар (661 йилгача) пайгамбар сиёсатини давом эттириб, Арабистон ярим оролида марказлашган — Араб халифалиги давлатига асос соладилар. Ўзаро қабилалар бирлашуви, дини исломнинг ёйилишида илоҳий муқаддас китоб Қуръоннинг ўрни ниҳоятда катта бўлди.

VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб халифалик кенгая бориб ўз чегараларини ғарб ва шарқ томон кенгайтиришга ҳаракат қилди. Яқин ва Ўрта Шарқнинг бой вилоятлари қўлга олиниб, ниҳоятда уюшган ва жанговар араб қўшини шиддат билан ҳаракатларини бошлаб юборган эди. Бир вақтнинг ўзида араблар ўз юришларини Византия ва Эронга қарши олиб бордилар. Эрон шоҳи Ёздигард III (632-651), сосонийларнинг сўнгги вакили арабларга қарши

туришга ҳаракат қилди. Лекин Кадисия (636 й.) ва Наҳаванд (642 й.) даги жангларда араблар қўшини форсларга қақшатқич зарба бериб сосонийлар сулоласига барҳам бердилар. Византияга қарши қилинган ҳарбий ҳаракатлар натижасида Фаластин, Миср, Сурия, Ироқ эгалланди. Халифа Умар ибн ал-Хаттоб (634-644) даврида илк бора араб истилочилари Хуросон чегараларида пайдо бўлган эди. 643-644 йилларда араб саркардаси Абдуллоҳ ибн Варқа Кирмонни эгаллаб Хуросоннинг жанубдаги дарвозалари ҳисобланган Табас ва Қурейнга юриш қилади. Бу ернинг аҳолиси ўз зиммасига йилига 60000 дирҳам солиқ тўлаш мажбуриятини оладилар.

Арабларнинг кейинги ҳарбий ҳаракатлари 650-651 йилларга тўғри келади. Шу йилларда Басра ноиб ибн Курайза Хуросон билан чегарадош ерларга юриш қилади. 651 йилда Марв шаҳри эгалланди. Марв марзбони (ҳокими) Абраз (Бараз) саркарда ибн Амирга 2 млн. 200 минг кумуш дирҳам эвазига тинчлик билан шаҳарни топширади.

Араблар Амударёдан (Жайхун) шимолда жойлашган ерларга «Мовароуннаҳр», яъни, «дарёнинг нарёғидаги ерлар» деб ном беришади. Ҳозирги Афғонистоннинг шимоли, Эроннинг шимоли-шарқий қисми ҳамда Жанубий Туркменистондан то Амударёгача бўлган ҳудудлар эса Хуросон деб юритилган. Аввал бошда Хуросоннинг марказий шаҳри Марв, кейинчалик Ҳирот шаҳри бўлган.

Арабларнинг Мовароуннаҳрга қарши ҳарбий юришлари ўз мақсад ва режалари билан 2 даврга бўлинади. Биринчи даврда халифалик истило этишни эмас, балки ҳарбий жиҳатдан тайёргарлик кўриш, маҳаллий ҳукмдорлар куч-қудратини синаб кўриш, мавжуд географик, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий жойлашувини ўрганиш, кичик юришлар орқали катта ўлжалар орттириш режасини амалга оширади.

651 йили ноиб Абдуллоҳ ибн Амир ҳукмронлиги даврида араблар Хуросондаги Нишопур, Обинаҳр, Тус,

Жом, Обивард ва бошқа катта-кичик кўрғон шаҳарларни эгалладилар. Фақатгина 651 йилнинг ўзида Хуросон ноиби ибн Амир янги эгалланган ерлардан халифа хазинасига 6 млн. 200 минг дирҳам тўплаган солиқларни юборади. Балх яқинидаги ҳал қилувчи жангда (652 й.) араблар Балх шаҳрини эгаллашади. Ўша йили Амударёдан ўтиб Мовароуннаҳрга ҳужум қилиш режаси араблар учун муваффақиятсиз тугайди. Лекин шу билан бирга, ҳар ҳолда Хуросон ноиби Абдуллоҳ ибн Амир 652 йил бошида Чағониённи эгаллашга муваффақ бўлади. Бу эса илк бор Мовароуннаҳр ерларини эгаллаш эди. 654 йили Суғддаги Маймурғ қалъасига арабларнинг биринчи ҳужуми бўлади.

657 йили Чағониёнга араблар қайта юриш қилиб эфталитларга қарши қатъий зарба бердилар. Араблар кенг миқёсдаги ҳужумларга тайёргарлик кўра бошлаган эдилар. Халифалик ичидаги ўзаро ҳокимият учун ички низоларнинг кучайиши натижасида арабларнинг Мовароуннаҳр ерларига ҳужумлари бир оз тўхтаб қолади. Ҳатто 658-659 йилларда ноиб Хулайд Нишопур ва Марв аҳолисидан арзимас солиқлар олиш хусусида шартнома имзолаб, босиб олинган Хуросон ерларидаги назоратни анча сусайтиради. 661 йили ҳокимият бошига янги Уммавийлар (661-750) сулоласининг келиши ҳарбий ҳаракатларнинг фаоллашувига сабаб бўлади. 665 йили халифа Муовия (661-680) Зиёд ибн Абу Суфённи Басра, Сейистон ва Хуросон ноиби этиб тайинлайди. Халифа унга жадал ҳарбий ҳаракатлар қилиш топширигини берган эди.

Наршаҳийнинг ёзишича, 673 йилнинг кузида халифа Муовиянинг фармони билан Хуросон ноиби Убайдуллоҳ ибн Зиёд Амударёдан кечиб ўтиб Бухоро вилоятига босиб киради, Пойканд ва Ромитонни эгаллаб, Бухоро шаҳрини қамал қилади. Ёрданга келган туркийлар бухороликлар билан бир қатор туриб арабларга қарши жангда қатнашадилар. Бу жангда араблар ғолиб келадилар. Ўша йили арабларнинг ар-Рабий бошчилигидаги ҳарбий отряди Амул, Земм ва

Хўжанд атрофларигача бўлган ерларга ҳужум қилиб, катта ўлжа билан орқага қайтишган эди. 676 йили Хуросоннинг янги ноиб Саид ибн Усмоннинг Бухоро ва Самарқандга юришида Муҳаммад пайғамбарнинг жияни Кусам ибн Аббос ибн Абдул-Муталлиб иштирок этади. Самарқанд ёнидаги жанглардан бирида ҳалок бўлиб, сўнг кейинчалик Шоҳи Зинда (тирик шоҳ) номини олган қабристонга қўйилади.

Саид ибн Усмонга қарши Бухоро маликаси Хўтакхотун Суғд, Кеш, Насафдан ёрдамга келган 120000 кишилиқ ҳарбий қўшин билан пешвоз чиқади. Лекин суғдликлар жанг майдонини ташлаб чиқиб кетганларидан сўнг малика каттагина бож (300000 дирҳам) тўлайди.

Саид ибн Усмон Бухородан Самарқандга йўл олади. Самарқанд 1 ой давомида қамал қилинади. Суғдликлар жасорат билан қаршилиқ кўрсатадилар. Саид ибн Усмон суғдликлар билан сулҳ тузишга мажбур бўлади. У Самарқанддан 30000 кишини асирга олиб, орқага қайтади ва йўл-йўлакай Термиз шаҳрини ҳам истило этади.

Халифа Язиднинг вафотидан (683 й.) сўнг тожу-тахт учун кураш бошланиб кетади. Бундай вазиятда араблар яна Мовароуннаҳрга ҳужум қилишдан деярли тўхтаб, ўз ички низолари билан банд бўлиб қоладилар.

Халифа Абдулмалик ибн Марвон (685-705) даврида ички низоларга чек қўйилгандан сўнггина араб сиёсий арбоблари ва зодагонлари Мовароуннаҳрга ҳақиқий юриш қилиш вақти келди деб топдилар. Янги тайин этилган Хуросон ноиб Кутайба ибн Муслимга Ироқ ноиб ал-Ҳажжож Мовароуннаҳрни буткул эгаллашни ва қатъият билан ҳаракат қилишни топширади. Араб босқинчилигининг иккинчи даври, яъни, Мовароуннаҳр ерларини халифаликка бутунлай қўшиб олиш бошланади.

Ўрта Осиёдаги сиёсий парокандалик ва кичик давлатларнинг бир-бирлари билан тез-тез низоларга бориб туриши Кутайбага қўл келди. Ўз ҳарбий

юришларини Кутайба 705 йил Балх вилоятини босиб олиш билан бошлади. Балхдан ташқари Кутайбага Чағониён, Шуман ва Ўрта Осиёнинг жанубидаги кичик вилоятлар бўйсунди. Чағониён ҳокими Тиш араблар томонига ўтиб кетади.

706 йил Кутайба катта қўшин билан Мовароуннаҳрга кириб келди. Табарийнинг маълумотларига кўра Кутайба энг обод ва бой шаҳарлардан бири Пойканд томон ҳаракат қилди. Унинг қўшини таркибида араблар хизматига ўтган Балх ва Чағониён ҳокимларининг ҳам қўшинлари бор эди. Пойканднинг кўпчилик аҳолиси савдогарлар эди. Шаҳарда қолдирилган ҳарбий қўшинга турк саркардаси бош эди. Сугд ва бошқа вилоятлардан келган кучлар билан пойкандликлар арабларга қаттиқ туриб қаршилиқ кўрсатдилар. Араблар сугдлар томонидан ўраб олиниб Кутайбанинг барча йўллари кесиб қўйилди.

Лекин ички иттифоқнинг йўқлиги, ўзаро низолар натижасида Пойканд ҳимоячиларининг кучи заифлаша борди. Кутайба қалъага биринчи сафда борган ва шаҳид бўлган кишиларнинг оилаларига катта мукофот ваъда қилди. Кетма-кет 15 кун давом этган жанглардан сўнг араблар қалъа деворини тешишга муваффақ бўлдилар. Шаҳардаги оғир жанглардан сўнг Пойканд араблар қўлига ўтди.

Пойканд фожиасидан сўнг Кутайба бошлиқ кучли рақибга зарба бериб уни мағлуб этиш мақсадида Сугд подшоси Тархун, Бухоро ҳукмдори Хунукхудод, Шопурком ҳокими Варданхудод бошлиқ катта қўшин йиғилди. Уларга турклар ёрдамга келиб, жами қўшиннинг миқдори 40000 киши атрофида эди.

Иттифоқчилар қўшини Бухоро яқинида Тороб, Хунбун, Ромитон оралиғида тўпланди. Кутайба қуршовда қолди. Арабларнинг аҳволи ниҳоятда оғирлаша борди. Шунда бу аҳволдан қутулиш учун Кутайба маккорлик йўлини тугиб, найранг ишлатади. Наршаҳийнинг ёзишига кўра, Кутайба Хаён-ан-Набатий исмли ўз кишисини иттифоқчилар ичида

қудратли бўлган Суғд подшоси Тархунга махфий суратда вакил қилиб юборади. Набатий Тархунга араблар ҳаво совуши билан шундоқ ҳам Марвга қайтиб кетажакларини, ҳолбуки туркийлар Суғдни араблар кетганидан сўнг буткул эгаллаб олажаклари хусусида сохта хабар етказади. Бу хабар иттифоқчилар ичида бўлинишга сабаб бўлади. Тунда саросимага тушган Тархун Қутайба лагерига совға-саломлар билан 2 млн. дирҳам юбориб, эвазига сулҳ шартномаси матнини олади.

Араблар иттифоқчиларни заифлаштириб, кетма-кет улар ерларини эгаллай бошлайдилар. 708-709 йиллар мобайнида Қутайба Бухоро ва унинг атрофига бир неча бор ҳужум қилиб, Бухорхудод Туғшод қўшинларини тор-мор этади ва унга амир этиб ўз яқинларидан бирини тайинлайди. Амир Бухорхудод устидан назорат қилиб туриш, Бухорода қолдирилган ҳарбий қисмга аскарбошилиқ қилиш, аҳолидан солиқ ундириши ва уни ўз вақтида халифаликка етказиб бериш вазифасини адо этар эди.

Хоразмда бошланган ички зиддиятлар Қутайба фикрини ўзгартирди. Хоразмда халқ галаёни бошланган бўлиб, унга Хоразмшоҳ Чағоннинг укаси Хурзод бошчилик қилар эди. Қутайба Хурзод бошчилигидаги кўзғолончиларни тор-мор келтиради. 710-712 йилларда Хоразмшоҳ Қутайба билан тинчлик сулҳини тузиб, унга 10000 қорамол миқдорида бож тўлайди. Хоразм шу билан ўз мустақиллигини йўқотиб араблар ҳокимиятини тан олади. Қутайба эса ўз қўшини ҳамда Хоразмшоҳ ва Бухорхудод қўшинлари билан биргаликда Самарқандга йўл олади.

Шу пайтда норозилик ва кўзғолон натижасида шаҳар подшоси Тархун тахтдан ағдарилган эди. Суғд подшоси ва Самарқанд афшини сифатида Тархуннинг укаси Фурак (710-737) тахтга ўтиради. Тархун эса ҳибсда ўзини-ўзи ҳалок этади.

Фурак Қутайбага қарши чиқади. Каттақўрғон яқинидаги Арбинжон мавзесида шиддатли жанг бўлиб ўтади. Аммо Фуракнинг кучлари озлик қилиб

Самарқандга чекинишга мажбур бўлади. Араблар томонидан Хоразм ва Бухоро ҳокимлари қўшинининг қатнашуви, суғдийларнинг яққаланиб қолишлари ва атрофдан ёрдам ололмасликларига сабаб бўлади. Ундан ташқари Самарқанд зодагонлари ичида бирлик ҳам йўқолади. Тархуннинг ўлимдан сўнг унинг тарафдорлари кўпроқ арабларга ён боса бошлашади. Панжикент ҳокими Деваштич шу гуруҳга раҳбарлик қила бошлайди. Қутайба эса «Тархун ўлими учун қасд оламан» деб эълон қилади.

Қамалда қолган Фурак Шош подшоси, Туркий хоқон ва Фарғона ихшидига мурожаат қилиб улардан ёрдам сўрайди. Туркийлар қўшини бу пайтда Суғд чегараси яқинида бўлиб Фарғона ва Шош қўшинлари билан биргаликда иттифоқчилар лашкарини вужудга келтиради. Иттифоқчилар қўшинининг тепасига лашкарбоши этиб Туркий хоқоннинг кичик ўғли Инал хоқон тайинланади. Қутайба дарҳол ўз укаси бошчилигида сараланган қўшин тузиб, иттифоқчилар йўлига тузоқ қўяди. Араблар иттифоқчиларни тор-мор этиб, уларнинг мол-мулкларини талайдилар.

Қутайба шундан сўнг Самарқандга ҳужумни кучайтиради. Шаҳар раъданроз (тош отғич) лардан ўққа тутилади. Бу жангларда айниқса бухороликлар, хоразмликлар катта жонбозлик кўрсата бошлайдилар. Бир ой давомида шаҳар мудофаачилари Самарқандни қаҳрамонона мудофаа қилдилар. Араблар охир оқибатда шаҳар деворларини бузиб Шаҳристонга бостириб кирдилар. Самарқанд арабларга таслим бўлди. Фурак ва Қутайба ўртасида сулҳ тузилди.

Қутайба жўнаб кетиши олдидан шаҳарда ўз укаси Абдурахмон ибн Муслим бошлиқ яхши сараланган қўшинни қолдириб кетади. Лекин матонатли Суғд аҳолисининг қаршилиги бу билан тугамайди. Ал-Якубийнинг ёзишича, 712 йил кузида Самарқандда араб ноибига қарши кўзғолон кўтарилади. Уларга турклар ёрдам беради. Фақатгина 713 йил баҳориди

Кутайбанинг етиб келиши билан шаҳардаги кўзғолон бостирилади.

Муғ тоғидан топилган ҳужжатга кўра Кутайба ўзининг кейинги юришларида Шош, Фарғона ва Туркий хоқонлик кўшинларидан иборат яна бир ҳарбий иттифоқнинг қаршилигига дуч келади. Сугд, Шош, Фарғона иттифоқига Панжикент ҳокими Деваштич ҳам қўшилади. У Шош ва бошқа ерларга ўз элчиси Фатуфарни юборади. Фатуфарн номани Шош ҳукмдори Моҳеду тудун (Баҳодир тудун) га топширади. Қолган икки мактубни Фарғона элчиси орқали туркийлар ҳокими ва Фарғона ихшидига бериб юборган.

Кутайба бу ўлкаларни тезда ўзига бўйсундириш ҳаракатига тушади. Табарийнинг маълумотларига кўра, Кутайба 713 йил Бухоро, Кеш, Насаф ва Хоразм аҳолисидан 20000 аскар тўплаб беришни талаб қилди. Ўз кўшини билан уни қўшиб, кўшинни 2 га бўлиб ажратади. Кеш, Насаф, Хоразмдан келган кўшин Шош вилоятига, ўзи эса асосий куч билан Уструшона орқали Фарғона водийсига йўл олади. Биринчи кўшин Шош кўшинини тор-мор этиб, Шош вилоятини эгаллайди. Кутайба эса Уструшонада ҳал қилувчи жанг олиб бориб, Хўжанд ва Косонни забт этади.

714 йил Кутайба Туркий хоқонликдан ҳарбий ёрдам келиш йўлини тўсиш мақсадида Шош воҳасига қайта бостириб киради. Ўша йили асосий йўлдаги Исфижоб (Сайрам) ни ишғол этади. 715 йил бошида эса Фарғона подшоси қочиб кетишга мажбур бўлади. Кутайба ўша йили Қашқаргача бўлган ерларни истило этади. Ҳамма вилоятларга араблардан бўлган амирларни ноиб этиб тайинлайди. Ўша йили араб халифаси Волид вафот этади. Халифалик тахтига Сулаймон ибн Абдумалик ўтиради. Кутайба Сулаймонга нисбатан ганимлик муносабатида бўлиб уни қўлламас эди. Кутайба уни тахтга чиқишидан норози бўлиб исён кўтаради.

Натижада бу исён муваффақиятсиз тугаб Кутайбанинг ўзи Фарғонада ўлдирилади (715 й.).

Шундай қилиб, 10 йил давомида олиб борилган доимий курашлар натижасида Мовароуннаҳр халифалик ихтиёрига кирса-да, аммо унинг мағрур аҳолиси ўзини буткул тобе этилган деб ҳисобламайди. Шунинг учун ҳам Кутайба ҳар йили қишлаш учун Марвга жўнаб кетар, баҳорда эса янги кучлар билан Мовароуннаҳрга ҳужум қилар эди. Шунинг учун ҳам араблар Мовароуннаҳрни эгаллашда муваффақият қозондилар. Бунинг асосий сабаблари қуйидагича эди. Аввало мамлакатда ҳукм сураётган сиёсий тарқоқлик ва кичик ҳукмдорларнинг ўзаро курашлари арабларга жуда қўл келган эди.

Бу вазиятдан улар усталик билан фойдаланишар эди. Улар кичик давлатларнинг ўзаро бирлашувига йўл қўймасликка ҳаракат қилдилар ва бунинг уддасидан чиқдилар. Араблар ўзаро курашаётган ҳокимларнинг бирига иккинчисини енгиши учун ёрдам кўрсатиб, кейин уларнинг ҳар иккисини ҳам бирин-кетин бўйсундирдилар. Сўғдни забт этишда Кутайба араб қўшини билан бир қаторда Хоразм, Бухоро ва Насафнинг кучларидан фойдаланган эди.

Айниқса араблар кўчманчи жанговар туркийлар билан ўтроқ деҳқончилик вилоятлари аҳолиси ўртасида баъзан юзага келган келишмовчиликлардан фойдаланиб, уларни бирини иккинчисига қарши қўйдилар ва иттифоқчиларни ажратиб юборишга муваффақ бўлдилар. Шу билан бирга, халифалик Мовароуннаҳрдан ҳарбий қурол-аслаҳалар жиҳатидан унчалик устун бўлмаса ҳам, бироқ қўшин сафларини тўлдириб туриш имконига эга эдилар.

Араблар қўшинига мунтазам равишда янги ҳарбий кучлар ички вилоятлардан сафарбар қилиб турилар эди. Ундан ташқари кескин қаршилик курашини олиб борган халқ, маҳаллий ҳукмдорларнинг хоинона

ҳаракатлари, араблар билан махфий тил бириктиришлари туфайли муваффақиятсизликка учради.

Араблар босиб олгандан кейин Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-сиёсий аҳвол. Халқ ҳаракатлари

Араблар Ўрта Осиёни босиб олгач, бу ҳудуддаги ҳамма шаҳарлар ва аҳоли жойларида ўз қўшинларини жойлаштирдилар. Бу ҳарбий кучлар ўз вақтида маҳаллий аҳоли устидан назорат қилиб турарди. Араб халифалигининг ҳукмронлиги аҳоли учун оғир юк бўлиб қолди.

Истилочилар аввал бошда Мовароуннаҳрнинг хунармандчилик ва савдо шаҳарлари, обод вилоятларига бостириб кириб, уларни таладилар ва катта ўлжаларга эга бўлдилар. Ўлкаларни босиб олиш чоғида деҳқончилик воҳалари оёқ ости қилиниб, шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилди. Сув иншоотлари бузиб ташланди. Кўпгина жойларда қургўқчилик юз бера бошлади. Шаҳарлардан катта миқдорда қимматбаҳо ўлжалар, Бухоро, Пойканд ва Сугд ҳукмдорларидан эса катта миқдорда товон олинди.

Араб қўшини таркибига маҳаллий аҳоли ичидан кўплаб эркаклар мажбуран сафарбар қилинди. Ҳарбий ҳаракатлар натижасида аҳолининг бир қисми ҳалок бўлди, бир қисми асирга олинди. Барча шаҳар ва қишлоқларда ўз ҳарбий гарнизонларини жойлаштиришган араблар, шу ҳарбий кучга таяниб аҳолидан турли солиқлар ундиришар, уларни турли жамоа ишларига сафарбар қилишар эди. Марв, Пойканд, Бухоро, Самарқандда уйларнинг қоқ ярми араблар ихтиёрига топширилди. Баъзи истилочи зодагонлар деҳқончилик воҳаларидаги энг унумдор ер майдонлар ва сув иншоотларини эгаллаб ола бошладилар. Араб оилалари қишлоқ ва шаҳарларга келиб ўрнаша бошладилар. Ариқ қазиш, кўприк қуриш, биноларни таъмирлаш ва бошқа жамоа ишларида аҳолидан бепул фойдаланар эдилар. Шу билан бирга маҳаллий аҳоли

араб зодагонлари ва қўшинини от-улов, кийим-кечак, озик-овқат, қуллар ва бошқа нарсалар билан таъминлаб туриши керак эди.

Иқтисодий ҳаётни ўз қўлларидан чиқармаслик мақсадида араблар бу ерда сосонийлар тартибидаги солиқ тизимини жорий қилдилар. Бу тизимга ер солиғи — **хирож** (ҳосилнинг ўндан бир ёки ўндан икки қисми миқдорида) чорва, ҳунармандчилик, савдо-сотиқдан **закот** (қирқдан бир миқдорда) ҳамда исломни қабул қилмаган шахслардан олинадиган **жизья** солиғи ҳам қўшилди.

Араблар ўз ҳукмронлиги сиёсий негизини мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлашда ислом динини кенг ёйишга ва тарғиб қилишга қатта эътибор бердилар. Ўрта Осиё аҳолиси ичида эътиқод қилаётган зардуштийлик, монийлик, буддизм, насроний ва бошқа динлар сохта деб эълон қилинди. Айниқса зардуштийликка қарши кескин кураш олиб борилди. Босиб олинган ерларда бу диннинг барча ибодатхоналари йўқ қилинди. Унинг ўрнига мачитлар барпо қилина бошланди. Зардуштий адабиётлар, хусусан диний китоблар, Суғд тилидаги номалар, халқ адабиёти йўқ қилиниб юборилди.

«Қутайба ибн Муслим Хоразм хаттотларини қатл эттирди ва дин пешволарини қириб ташлаб, уларнинг китоб ва қўлёзмаларини ёқиб юборгандан кейин, — деб ёзган эди Беруний, — хоразмликлар саводсиз бўлиб қолдилар, уларнинг фақат ёдда сақлаб қолган хотираларигина қолди, аммо вақт ўтиши билан бу унутилиб, фақат ўзлари учун мос бўлган хотираларигина сақланиб қолди».

Суғд тилидаги дунёвий адабиётлар йўқ қилиб ташланди. Ислом динини қабул қилган, мусулмон бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари дастлабки йилларда хирож ва жизья солиқларидан озод этилиб, уларга анчагина имтиёзлар берилди. Номоз ўқиш учун масжидларга борган шахсларга 2 дирҳамдан пул ҳам берилар эди. Жизья солиғини ўз вақтида тўламаган

кишилар тутиб олиниб бўйинларига «қарздор», деб тахтачалар осиб қўйилган.

Кутайбанинг ўлиmidан сўнг араб ҳокимиятининг Мовароуннаҳрдаги мавқеи бироз заифлаша борди. Хуросоннинг янги ноиби Ал-Жарроҳ (717-719) янги мусулмон аҳолисига исломга зид равишда шафқатсиз муносабатда бўла бошлайди. Сулаймон вафотидан сўнг тахтга ўтирган янги халифа Умар ибн Абдулазиз (717-719) – Умар II хорижийлар таълимоти тарафдори эди. Хорижийлар шиалардан ажралиб чиққан гуруҳ бўлиб илк ислом таълимоти тартибларини ва умумий тенглик гоёларини илгари сураб эдилар. Умар II Мовароуннаҳрдаги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, бўйсундирилган халқлар билан муросачилик сиёсатини юргиза бошлади. У Мовароуннаҳр аҳолисини исломни қабул қилишга чақириб, катта аҳамиятли фармон қабул қилди. Унга кўра арабларга янги ерларни забт этиш ман қилинди ва молиявий ислоҳотлар ўтказиш кўзда тутилди. Араблар билан бир қаторда янги мусулмонлардан ҳам жизья ва хирож солиғи олиш бекор қилинди. Умар II солиқ йиғувчилардан ва халифалик амалдорларидан Қуръон ва ҳадисларга қатъий амал қилишни буюрди.

Араб феодал-зодагонлари турли йўллар билан хирож солиғи йиға бошладилар. Халифа хазинасига келадиган солиқлар эса камайиб кета бошлади. Хирож ерларини давлат солиғи сифатида сақлаб қолиш мақсадида Умар II арабларга ўз ерларини кенгайтиришни ман этди ва ҳижрийнинг 100 йилидан (719 йил) кейин сотиб олинган барча хирож ерларини қайтиб беришни буюрди. Шу пайтгача олинган ерлардан эса хирож эмас, ушр (ўндан бир қисми) солиқ олиш кўзда тутилди.

Умар II ислоҳотларидан руҳланган Самарқанд аҳли зодагонлари унга элчилар юбориб Самарқанд шаҳристонини қайтариб беришни сўрадилар. Умар II Самарқанд ҳокими Сулаймон ибн-Абус-Сарияга мактуб ёзиб, қози бу ишни ҳал қилиб беришини сўрайди. Самарқандликлар шикоят кўриб чиқилиб, бу

иш самарқандликлар фойдасига ҳал бўлди. Қози Самарқанддан араб гарнизони олиб чиқиб кетилиши керак деб ҳукм чиқарди. Бу эса урушни билдирар эди. Араблар куч-қудратини билган самарқандликлар ўз даъволаридан яна воз кечдилар. Маҳаллий зодагонлар ўзларини мусулмон ҳисоблаб, газнага солиқ тўламай қўйдилар. Шундан сўнг халифалик барчадан солиқларни олишни белгилади. Натижада Мовароуннаҳрда норозилик кучайиб кета бошлади. Маҳаллий зодагонлар билан араб маъмурияти орасида зиддият кескинлаша борди.

Араб босқинига қарши халқ озодлик ҳаракатлари

Моваруннаҳрда ҳижрийнинг 100 йилида (719 йил) араб ҳокимияти тугайди деган гап-сўзлар тарқала бошлайди. Араблар олиб бораётган босқинчилик сиёсатига қарши биринчи бўлиб, 720 йилда Суғд аҳолиси бош кўтаради. Кўзғолонга Самарқанд ихшида Фурак ва Панжикент ҳокими Девашгичлар бошчилик қиладилар.

Суғдларга ёрдам бериш учун Туркий хоқон шаҳзода Кўрсул бошчилигидаги туркий лашқарини Самарқандга юборади. Суғддаги кўзғолон умумхалқ кўзғолонига айланиб кетди. Кўзғолончилар арабларга зарба бера бошладилар. Фақат айрим шаҳар ва қалъалар ичида қуршовда қолган араб ҳарбий қисмларигина катта бож ва эътиборли вакилларни кўзғолончилар ихтиёрига гаровга бериш билан жон сақладилар. Хуросон ноиби Саид ибн Абдулазиз бу кўзғолонни бостиришга муваффақ бўлолмади.

721-йил Халифа Язид ибн Абдумаликнинг тавсияси билан Хуросон ноиби этиб Саид ибн Амир ал-Хароший тайинланади. У Ироқдаги халқ кўзғолонини бостиришда ўз шафқатсизлиги билан ном чиқарган эди. Саид ал-Хароший кўзғолончилар билан олиб борган музокаралар натижасида Фурак бошлиқ зодагонларнинг бир қисми араблар томонига ўтиб кетади. Кўзғолончилардан бир қисми эса курашни

давом эттиришни лозим кўрадилар. Араблар 400 та бой савдогарлардан бошқа ҳамма Суғд кўзғолончиларини кириб ташладилар. Кўзғолончиларга ёрдам берган Хўжанд аҳли ҳам жазоланди.

Мовароуннаҳр аҳолисини тинчлантириш ва араб ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Хўросон ноибни Ашрас ибн Абдуллоҳ (727-730 й.) ислом динини қабул қилганларидан хирож ва жизья солиғи олишни бекор қилади. У ислом динини кенг тарғиб қила бошлайди. Чегарадаги ерларда янги истеҳком қурилиб, чегаралар мустаҳкамлана борди. Лекин ғазнага кам даромад тушаётганлиги, зодагонларнинг шикоятни туфайли хирожни қайта тиклайди. Ўз сиёсатини тарғиб қилиш мақсадида иккита таниқли араб руҳонийси Ас-Саид Солиқ ва Робия ибн Умранни Самарқанд ва Бухорога жўнатади. Хирож солиғи зодагонлардан ҳам, камбағаллардан ҳам зўрлаб ундирила бошлайди.

Самарқандда Абу Саид бошчилигидаги 700 та суғдликлар хирож тўлашдан бош тортадилар. Улар шаҳардан 7 фарсах нарига ўтиб, қаршилиқ ҳаракатига тайёргарлик кўра бошладилар. Абу Саидни ҳийла ишлатиб музокара учун Самарқандга чақиртиришади ва ўша ернинг ўзида уни ва сафдошларини зиндонбанд этадилар.

Ўзаро курашлар, 733-734 йиллардаги Зарафшон воҳасидаги қурбоқчилик, мустамлака зулмининг кучайиши — буларнинг ҳаммаси Мовароуннаҳрдаги норозиликнинг янада авж олишига олиб келди. Норозилик араб ҳарбийлари ва қисман зодагонлар ичида ҳам кучая борди. Шу пайтга келиб хорижийлар ҳаракати ва мафкураси янада кенг тарқала бошланди. Хорижийлар юқорида қайд қилинганидек, шиалар гуруҳидан VII аср охирида ажралиб чиққан бўлиб, бу сўзнинг луғавий маъноси кўзғолончилар дегани эди. Аввал бошда бу ҳаракат оддий араб ва бошқа мусулмон халқларнинг манфаатларини ҳимоя қилар эди. Кейинчалик бу гуруҳдан ибодийлар, азракийлар ва бошқа жамоалар ажралиб чиққан. Хорижийлар

таълимотига кўра мусулмонлар — зиммийлар (бошқа диндагилар) устидан ҳукмрон бўлишлари керак эди.

Мовароуннаҳрда хорижийлар ҳаракатига шу пайтда Хорис ибн Сурайж бошчилик қилади. Хорис Мовароуннаҳрда тезда шуҳрат қозонди. У Самарқанд ва Дабусиядаги Абу Саид тарафдорларини ўз қўли остида тўплади. Абу Фотима унинг ёрдамчиси ва ҳарбий маслаҳатчиси этиб тайинланди.

Хорис Уммавий халифаларни исломга риоя этмасликда айблаб, бутун Хуросон ва Марв аҳолисини хирож ва жизьядан озод қилишни талаб этади. Кеш халқ оммасига таяниб, у Хуросоннинг шимолига юриш қилади. Унинг қўшини таркибида Хутталон шаҳзодаси Сабил, қарлуқ ябғуси ва Абу Фотима гуруҳи ҳам бор эди. Халқ ҳаракатларидан норози бўлган халифа Хуросонга янги ноиб Осим ибн Абдуллоҳни тайинлайди. Хорис қўшинлари Хуросоннинг катта қисмини эгаллашиб Осимни чекинишга мажбур этишади. 735 йилга келибгина халифа янги ноиб Асад ибн Абдуллоҳни Хуросон валийси этиб тайинлаб, катта куч билан Хорисга қарши кураш бошлайди. 736-737 йилларда Асаднинг қўшини Хуросондан Хорисни сиқиб чиқаришга муваффақ бўлади. Кўзғолончиларнинг ижтимоий таркиби ҳам, талаблари ҳам турлича эди. Кўзғолонда аҳолининг деярли ҳамма табақалари қатнашади.

Албатта, ҳукмдорлар ўртасида ўзаро низолар, хиёнаткорона ҳаракатлар, қурол-яроғнинг етишмаслиги, яхши уюшмаганлик ва бошқалар ўзининг таъсирини кўрсатди. Шундай бўлса ҳам кўзғолончилар исзиз қолмай халифалик сиёсий ҳаракатида ўзининг аксини топди.

Улкан халифаликни 661 йилдан бошлаб уммавийлар сулоласи бошқариб келар эди. Бу сулола даврида жуда кўп сиёсий ўзгаришлар, диний мазҳаблар, гуруҳларнинг кучайиши, бошқаришдаги номутаносиблик, мустамлакачилик сиёсати, зўравонлик, адолатсизликнинг авж олиши рўй бердики, бу нарса сулоланинг кейинги

даврида унинг фаолиятини қийин аҳволга солиб қўйди. Ўрта Осиёда ва бошқа халифалик ерларида халифаликка қарши норозилик кайфиятлари кучли эди. Уларнинг солиқ сиёсатидан, зўравонлигидан куйи табақалар, ўз ҳуқуқларининг камситилганидан эса юқори табақалар норози эди. Уммавийларнинг ҳокимиятини араб аҳолиси ҳам қўлламас эди. Уларнинг ҳокимиятга келишини турли гуруҳлар, муҳолифат кучлари ноқонуний деб билишар эди. Аввало хорижийлар уларга қарши бўлиб, халифалик тахтининг меросий бўлишини ногўғри деб баҳолар эдилар.

718 йилдан бошлаб махфий тарзда Муҳаммад пайғамбарнинг амакилари Аббоснинг тарафдорлари ўз ғояларини тарғиб қила бошладилар. Улар ҳошимийлар уруғи (пайғамбар шу уругдан) вакиллари ҳокимиятга даъвогардирлар деб ҳисоблашар эдилар. Кейинчалик улар ўз курашларида шиалар билан бирга ҳаракат қила бошлайдилар.

Ер эгалиги муносабатларининг ривожланиши, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши уммавийларнинг сиёсий саҳнадан кетишларини, уларнинг аввалги мавқеи тугаганлигини кўрсатиб турар эди. Уммавийлар сиёсатидан оммавий норозилик айниқса Марвон II (744-750 й.) ҳукмронлик даврида кучайиб кетди. Марвон II нинг хирож солиғи миқдорини кўпайтириш ва маҳаллий халқлар вакилларини оғир қурилиш ишларига кенг жалб қилиши норозиликнинг алангаланишига олиб келди. Мовароуннаҳр ва Хуросонда аббосийлар вакиллари катта ер эгаларини ўзлари томонга жалб қилишга ҳаракат қиладилар. Аббосийлар вакиллари халифа Хишом (724-743 й.) давридаёқ Ўрта Осиёда ҳаракат қила бошлаган эдилар. Уларнинг тарғиботчилари таъқиб остига олинар, улар қўлга тушгудек бўлса, қўл-оёқлари кесилар эди. Айниқса, Наср ибн Сайёр аббосийлар ва шиаларнинг катта душмани бўлиб, уларни доимо таъқиб этиб келар эди. Аббосийларнинг ҳокимият тепасига келишида Абу Муслим ва унинг ҳаракати муҳим аҳамият касб этди.

746 йил Абу Муслим аббосийлар тарғиботига бошчилик қилиш учун Хуросонга юборилади. Абу Муслимга «Пайғамбар хонадонининг ишончли вакили» деган унвон берилади.

Ўз ташвиқотини Абу Муслим Хуросон зодагонларига мурожаат этиш билан бошлайди. У Марв шаҳридан уч фарсаҳ ғарба Харкон ариги соҳилидаги Сафизанж қишлоғини ўзига қароргоҳ қилиб олади. Аббосийларнинг рамзий ранги ва байроғи қора рангда эди. Шу сабабли Абу Муслим ва унинг тарафдорлари қора кийим кийиб юришади. Хуросон аҳолисига мурожаатида у Куръон ва ҳадисларга амал қилишга, пайғамбар авлодларига бўйсунушга чақиради. Кейинчалик маҳаллий зодагонлар ҳам уни қўллаб-қувватлай бошлайдилар. Абу Муслим ташвиқоти Мовароуннаҳр ва Хуросон ерларида тезлик билан тарқала бориб, унинг тарафдорлари сони орта бошлайди. Тўпланаётган отлик ва пиёдаларга бош бўлиб, Абу Муслим Мохувон қалъасига кўчиб ўтади. Хуросон ноибни Наср ибн Сайёр Абу Муслимга қарши араб зодагонлари вакиллари билан бирлаштиришга ҳаракат қилади. Лекин унинг барча ҳаракатлари зое кетди. У Абу Муслимга юрак ютиб кураш бошлашга қурби етмай, 748-йилда Хуросон пойтахти Марвни ташлаб чиқиб Нишопурга йўл олди. Нишопурда унга Абу Муслимнинг саркардаларидан бири қақшатқич зарба бериб уни мағлубиятга учратди.

749 йили Абу Муслим кўшини халифаликнинг марказий вилоятларига юриш қилади. Ироқ ва Жазоирда уммавийларга ҳал қилувчи зарба берилади. Кўзғолончилар пойтахт — Дамашқни ҳам қўлга киритадилар. Халифа Марвон II тахтдан ағдарилади. Аббосийлардан бўлган Абулаббос Сафароҳ (749-754 й.) халифалик тахтига ўтиради. Жойларда уммавийларнинг барча вакиллари қириб ташланади. Шундай қилиб араб халифалиги ҳокимияти аббосийлар қўлига ўтади.

751 йил Бухоро шаҳрида Шорик ибн Шайхулмаҳрий бошчилигида кўзғолон кўтарилади. Кўзғолончилар шиалик талабларини илгари суриб, Али

авлодидан халифа тайинлаш шиорини кўтариб чиқишади. Абу Муслим кўзғолонни бостиришда Зиёд ибн Солиҳ бошчилигидаги 10.000 кишилиқ кўшин юборади. Бу кўзғолон фақатгина Бухорхудод Кутайба ибн Туғшоднинг ёрдами билангина бостирилади.

Абу Муслим Ўрта Осиёнинг шимолига кириб келган Хитой императорининг кўшинига ҳам ҳал қилувчи зарба беради. 751 йил Талас водийсидаги хитойликлар билан жангда, Хитой ҳарбийлари ҳайдаб юборилади. Шу билан халифаликнинг шимолий чегараси ҳам мустақкамланиб, қатъий чегара ўрнатилади. Халифалик таъсири бутун Ўрта Осиё ҳудудида асосий ва қонуний бўлиб қолади. Гарчи Абу Муслим садоқат ила хизмат қилса-да, араб ҳокимияти унга ишонмас эди. Халифа унга жангга юбориш ҳақида нома йўллаб уни марказга келишга мажбур қилади. 755 йил ҳаж сафаридан қайтаётган Абу Муслим Халифа Абу Жаъфар (754-755 й.) томонидан хиёнаткорона Бағдодда ўлдирилади. Унинг ўлими халқ оммасининг умумий норозилигига сабаб бўлади. Унинг мурдаси Самарқандга олиб келиниб Хўжа Темим Ансорий мақбараси ёнига катта ҳурмат билан кўмилади.

Аббосий халифалар даврида халқ оммасининг аҳволи янада оғирлашди. Суғорилмайдиган ерлардан ҳосилнинг ярми, суғориладиган ерлардан 1/3 қисми солиқ олинадиган бўлди. Кўп ҳолда солиқлар бир маротаба ўрнига икки маротаба ҳам олинадиган бўлди. Озод жамоаларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилди. Ерлар зодагонлар томонидан ижарадор деҳқон — кадиварларга бўлиб берила бошланди. Ҳамма ҳашар қурилиш ишларида аҳоли текин ишлаб бериши лозим эди. Шаҳар ҳунармандларининг аҳволи ҳам оғир бўлиб, улар ўз маҳсулотларидан катта солиқ тўлашар эди. Шунингдек, оғир солиқлар кўчманчи чорвадорлар бўйнига ҳам қўйилар эди.

Шундай бир аҳволда халқ ҳаракатлари кучайиб кетади. Абу Муслимнинг ўчини олиш шиори остида унинг сафдоши Сумбод бошчилигида кўзғолон кўтарилади. 755 йилда кўтарилган бу кўзғолон тез орада

Хуросон ва Табаристонга ҳам ёйилади. 70 кун давом этган бу кўзғолон қаттиққўллик билан бостирилиб Сумбод Райда қатл этилади. Гарчи у қатл этилса-да, Абу Муслим тарафдорлари яширин «муслимия» гуруҳига асос соладилар.

VIII асрнинг 70-80-йилларида Мовароуннаҳрда жуда улкан халқ кўзғолони кўтарилади. Кўзғолончилар оқ рангдаги кийим кийганлиги учун тарихда у «оқ кийимчилар» кўзғолони деб ҳам шуҳрат қозонади. Бу кўзғолоннинг раҳбари Муқанна (боши ва юзига ёпинғич ташлаб юргани учун унга шундай лақаб берилган) эди.

«Муқанна Марв атрофи аҳолисидан, — дейилади «Бухоро тарихи» номли Наршаҳий асариди, Кози деб аталган қишлоқдан бўлиб, номи Ҳошим ибн Ҳаким эди. У илгари кудунгар (кигиз босувчи) лик қилар эди, кейин илм ўрганишга машҳур бўлади ва ҳар кил илмларни: кўзбўямачилик, сеҳр ва тилсим илмларини ўрганади. Кўзбўямачиликни яхши билиб олиб пайгамбарлик даввосини ҳам қилади. Муқанна кўзбўямачиликни ўрганган ва ғоятда зийрак бўлиб, қадимги олимлар илмларига оид кўп китобларни ўқиган ва Ҳодугарликдан устоз бўлган эди. Унинг отасининг номи Ҳаким, у Абу Жаъфар давридаги Хуросон амири лашкарбошиларидан бўлиб, асли Балхдан эди».

Кўзғолон 776 йили бошланади. Муқанна ўзининг 36 та муриди билан Амударёдан ўтиб, Кеш вилоятига йўл олади. Бухорхудод Туғшод уни қўллаб-қувватлай бошлайди. Муқанна Кеш яқинидаги Сом (Санам) қалъасини ўзига қароргоҳ қилиб олади. Бутун Қашқадарё воҳаси кўзғолончилар қўлига ўтади. Муқанна таълимоти умумий мулкый тенглик ва арабларни ўрта Осиёдан ҳайдаб чиқариш ғояларини тарғиб этар эди.

Муқанна таълимоти Суғд, Илюк (Оҳангарон), Шошда ҳам ёйила бошлади. Кўзғолонда турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари қатнашиб, уларни бир фикр истилочиларини мамлакатдан ҳайдаб чиқариш, мустақил давлат барпо қилиш ғояси бирлаштириб турар эди.

Кўзғолонга зарба бериш учун халифа Абу Жаъфар 776 йилда Жаброил ибн Яҳё бошлиқ катта ҳарбий кучни Мовароуннаҳрга юборади. Бироқ Жаброил

қўзғолончилардан енгилади. У катта талофатлар бериб базўр Самарқандга етиб келади. 10.000 аскар билан Жаброилга ёрдамга юборилган Уқба ибн Салим Кеш ва Самарқанд оралигида, 14.000 кишилиқ қўшин Термиз яқинида қўзғолончилар томонидан тор-мор келтирилади. Натижада Чағониён қўзғолончилар қўлига ўтади.

Қўзғолон маркази Наршахда, Бухоро атрофида жойлашади. Шу йили Наршах яқинида Бухоро ҳокими Хусайн ибн Мувоз ва Самарқанд ноиб Жаброилнинг бирлашган қўшини ўртасида тўрт ой жанг бўлади. «Оқ кийимчилар» бу жангда қўллари аввал устун келади, кейинчалиқ сон жиҳатдан кўп бўлган араблар Наршах қалъаси девори остидан узунлиги 50 газли чуқур қазиб, уни кулатиб қалъага кирадилар. Наршах қалъаси араблар томонидан эгалланади. Кеш ва Самарқанд эндиликда қўзғолоннинг асосий марказларига айланиб қолади.

Курашнинг охири босқичи Кеш воҳаси (Қашқадарё) да жуда авж олади. Муқанна қароргоҳи бўлган Сом (Санам) қалъасини қамал қилиш Харошийга топширилади. Узоқ вақт қамалдан сўнг муқанначилар таслим бўладилар (VIII аср 80-йиллари бошларида).

Ўз даврининг энг қудратли давлати бўлган халифалиқни ларзага солган Муқанна бошчилигидаги қўзғолон шу тариқа тутайди. Бу қўзғолоннинг енгилишига бир неча сабаблар бор эди. Аввало, қўзғолончилар уюшқоқлик билан ҳаракат қила олмадилар. Маҳаллий зодагонлар алоҳида гуруҳни ташкил этиб, кейинчалиқ умумий хиёнат йўлига кириб араблар томонига ўтиб кетдилар. Муқаннанинг ўзи Сом (Санам) қалъасида бўлиб бевосита қўзғолонга раҳбарлик қила олмади. Унинг ўзи умумий тенглик ғоясини кўтариб чиқиб, ўзи кичик давлат бошлиғига айлана борди.

Ўзаро урушлар натижасида аҳоли жуда чарчади, экинзорлар пайҳон қилинди, иқтисодий таназзул бошлана борди. Муқаннадан сўнг унинг сафдошлари ҳаракати ҳам бўлиб ўтди. Бу қўзғолон халифалиқ кучини заифлаштиради ва бошқа ўлкаларда ҳам озодлик ҳаракатларининг кўтарилишига туртки бўлади.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, ислом динининг кўп жиҳатдан афзаллиги, ахлоқ ва интизом нуқтаи назаридан оммавийлиги хусусияти араблар босиб олган мамлакатлар аҳолиси томонидан уни тез орада қабул этилишига сабаб бўлади. Кутайба сингари уни пул ва қилич билан жорий этиш мумкин эмас эди. Қачонки ислом моҳиятига етилгачгина унга рағбат ва эътиқод кучайиб кетади. Олиқ-солиқ, маиший ҳаёт бобида, закот масаласида Қуръон ва Шариат аҳкомларининг қоидалари меҳнаткаш аҳоли томонидан тезда қабул қилинди. Аллоҳ олдидаги тенглик эса диннинг аҳамиятини кучайтирар эди. Исломнинг халқпарварлик руҳи ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Зеро, ислом маънавий бўшлиқни тугатди. Диёримизда ота-боболаримиз дини — ислом фақатгина мустақиллик шарофати билан қайта тикланди. Президентимиз ташаббуси билан буюк диний арбоблар — Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Мотурудий, Бурхониддин ал-Марғиноний, Баҳовуддин Нақшбанд ва бошқаларнинг таваллуд ёшларининг кенг миқёсда нишонланиши, уларнинг охири манзилгоҳларини обод қилиб, зиёратгоҳларга айлантирилиши, диний байрамларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимизнинг тикланиши, диндорларга ўз эътиқод ҳуқуқларининг қайтариб берилиши, қатор масжид-мадрасаларнинг, халқаро ислом тадқиқот маркази, Ислом университетининг очилишлари ва бошқа хайрли, савобли тадбирлар мусулмон оламининг бир қисми бўлган Ўзбекистонда ҳақиқатда муқаддас Ислом динига қанчалик эҳтиром билан қаралаётганлигининг ёрқин исботи деб ҳисоблаймиз. Зеро, Президентимиз И. Каримовнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номли рисоласида, бизнинг маданиятимиз, маънавиятимиз, ўтмишимиз, ислом тарихи, унинг қонун-қоида ва анъаналари билан чамбарчас боғланиб кетганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Шунинг учун ҳам республикаимизда Ислом динига алоҳида эътибор қаратилиб диншуносликда «Исломшунослик» махсус фан сифатида талқин этилиб, ушбу муқаддас диннинг жуда кўп томонлари илмий жиҳатдан тадқиқ қилинмоқда.

7-МАВЗУ. IX-XII АСРЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ. СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

Тоҳирийлар ва Сомонийлар даврида Мовароуннахр

IX асрга келиб Ўрта Осиё, хусусан Мовароуннахрда араб халифалигига қарши олиб борилган курашлар натижасида маҳаллий сулола вакиллариининг мустақилликка бўлган интилишлари кучайиб кетди. Чунончи, халифаликнинг ички ҳудудларида ҳам зиддиятлар кескинлашиб бораётган эди. Халифа Хорун ар-Рашид вафотидан кейин унинг ўғиллари Маъмун ва Амин ўртасида ўзаро кураш бошланиб кетди. Маҳаллий сулола вакиллари бу курашларга аралаша бошладилар.

Хирот вилоятининг Бушанг шаҳридан бўлган Тоҳир ибн Ҳусайн ўз номидаги сулолага асос солди. Бу даврда Хорун ар-Рашиднинг кичик ўғли Маъмун (асли исми Абдулла бўлган) Хуросоннинг ноиб эди. Амин ва Маъмун ўртасида ҳокимият учун бўлган курашда Тоҳир ибн Ҳусайн Маъмун томонидан туриб Аминга қарши курашди. Айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, 813 йилда Маъмун халифалик маркази Боғдодни эгаллайди ҳамда бир неча йил мобайнида Тоҳир ибн Ҳусайн халифа саройида юқори лавозимларда хизмат қилади. 821 йилда эса Тоҳир ибн-Ҳусайн Хуросонга ноиб этиб тайинланади (ўша даврда Мовароуннахр ҳам Хуросон таркибига кирар эди). Тоҳир ибн Ҳусайн Нишопур шаҳрини ўзининг қароргоҳи этиб танлади. У ўзи ноиблик қилаётган вилоятларни халифаликдан мустақил бошқаришни орзу қилар эди. Натижада Тоҳир халифаликдан мустақил сиёсат юргизишга ҳаракат қилди. Ноибликка ўтиргандан сўнг орадан кўп ўтмай Тоҳир хутба намозидан халифанинг номини чиқариб ташлайди. Бу эса унинг халифа Маъмунга қарши очикдан-очик исёни белгиси эди.

Баъзи манбаларда қайд этилишича, 822 йилда Тоҳир ибн Ҳусайн Маъмун одамлари томонидан ўлдирилди. Унинг ўрнига Талха ибн Тоҳир (822-830 й.) ноиб этиб тайинланди. Бунинг сабаби шунда эдики,

халифалик айнан маҳаллий ҳукмдорларнинг кучидан арабларга қарши кўзғолонларни бостиришда фойдаланар эди. Хуросон ноибининг муҳим вазифаларидан бири эса ўзига қарашли ҳудудларда вилоят ҳокимларини сайлаш бўлган. Хусусан, Тоҳир дастлабки сомонийлар вакилларини Самарқанд, Уструшона, Фарғона ва Шошга ҳоким қилиб тайинлаган.

Талхадан кейин тахтга ўтирган Абдуллоҳ ибн Тоҳир ўзигача бўлган ноиблар сиёсатини давом эттирди. Бу даврда Хуросон ноиблигига Мовароуннаҳр, Хоразм, Сейистон, Кўҳистон, Табаристон ва Журжон ҳудудлари кирган. Ҳар бир вилоят бир неча маъмурий бирликларга бўлинган. Бу бирликлар катта ва кичик туманлардан иборат бўлган. Абдуллоҳ ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида айрим ҳарбий ислоҳотлар ўтказган эди. Бундан ташқари тоҳирийлар юритган сиёсатнинг хусусиятларидан яна бири, уларнинг исломлаштириш сиёсати эди. Айрим маълумотларга кўра, тоҳирийлар даврида Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида ислом дини тарқалади.

Тоҳирийлар давлат бошқарувида турли тоифа ва қатламлар мавжуд эди. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, тоҳирийлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида ер-сув масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Шу соҳа билан шуғулланувчи қонуншунослар «Китоб алқуний» номли қонунлар тўпламини туздилар. Бу тўплам ердан унумли фойдаланиш ва суғориш тизими масалаларига қаратилган эди.

IX асрнинг 60-70 йилларидан эътиборан тоҳирий ҳукмдорларга қарши халқ ҳаракатлари кучайди. Бу ҳаракатга ғозийлар бошчилик қилдилар. («Ғозийлар» асосан кўчманчи қабилалар ҳужумини бартараф қилиш мақсадида камбағал ҳунармандлар ва ерсиз зироатчилардан ташкил топган қуролли қўшин). Ғозийлар ҳаракатини ака-ука Ёқуб ва Амр бинни Лайс бошқардилар. Улар дастлаб Сейистонда ҳокимиятни

қўлга олгач, 873 йилда тоҳирийларнинг қўшинларига катта зарба бериб, Хуросон пойтахти Нишопурни эгалладилар. Шу даврдан эътиборан тоҳирийлар сулоласи барҳам топди ва Хуросонда ҳокимият саффорийлар (мисгарлар, Ёқуб ва Амр асли ҳунарманд-мисгар — «саффор» эдилар) қўлига ўтиб кетди. Расмий жиҳатдан Хуросон ва Мовароуннаҳр устидан ҳукмронлик қилиб турган тоҳирийлар сулоласининг инқирозга учраганлиги Мовароуннаҳрдаги маҳаллий ҳокимлар ўлканинг тўла мустақиллигини таъминлаш учун қулай имкониятлар яратиб берди. Энди бу даврда сомонийлар сиёсий майдондаги курашда эркин ҳаракат қила бошладилар ва улар Мовароуннаҳрда марказлашган бир бутун давлат барпо қилишга киришдилар. Бирлаштириш ғоясини шаҳарликлар ҳам, деҳқонлар ҳам қўллаб-қувватладилар. Чунки бирлашган ва марказлашган ягона ва қудратли давлатгина кўчманчи қабилаларнинг ҳужумини даф қила олиши мумкинлигини улар яхши билар эдилар. Марказлашган ягона ҳамда қудратли давлат кучли ҳарбий куч яратиш имкониятини берарди.

Сомонийлар давлатига Сомон қишлоғи (Балх яқинида, баъзи манбаларда эса, Термиз яқинида) оқсоқоли Сомонхудоғнинг авлодлари асос солган. Халифа Маъмунга бўлган садоқатлари эвазига 819-820 йилларда Сомонхудоғнинг набиралари Нуҳ Самарқандга, Аҳмад Фарғонага, Яҳё Шош ва Уструшонага, Илёс Хиротга ҳоким этиб тайинландилар.

839-840-йилларда Нуҳ ибн Асад Исфижоб вилоятини босиб олди ва уни мустақкамлади. У Суғднинг бир қисми ва Фарғонага ҳоким бўлиб олди. Лекин сомонийлар давлатини бунёд этишда Аҳмаднинг ҳиссаси кўпроқ бўлди. Унинг Наср, Яъқуб, Яҳё, Асад, Исмоил, Исҳоқ ва Ҳомид исмли ўғиллари бор эди. Нуҳ ибн Асад 842 йили вафот этгач, Самарқандни укалари Аҳмад ва Яҳё бошқарди, кейин ҳокимлик Наср (865-892) қўлига ўтди, 859-йилда Яҳё ибн Асад вафот этгач,

Шош ва Уструшона Аҳмаднинг иккинчи ўгли Яъқубга насиб этди. Кейин ташаббус Исмоил ибн Аҳмад қўлига ўтди. Бухорода тоҳирийлар мавқеи суёт эди. 874 йилда Хусайн ибн Тоҳир Хоразм шаҳарларини талаётган бир пайтда Бухоро зодагонлари илтимоси билан Наср Бухорога Исмоил ибн Аҳмад (849-892) ни ҳоким қилиб жўнатади.

Наср Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузишга киришди. Халқ бу ишда унга хайрхоҳ эди. 875 йилда у Шовга (Туркистон яқинида) ни қўлга киритди. Халифа Муътамиддан Мовароуннаҳрни бошқариш учун ёрлик олишга муваффақ бўлди. Бу пайтда Бухорода кучайиб кетган Исмоил акасига тобе бўлишни истамади. 888 йили икки ўртадаги жангда Наср енгилди. 892 йилда Наср вафот этгач, Исмоил Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдори бўлиб қолди (892-907). 893 йилда у Тарозни, сўнг Уструшонани қўлга киритди.

Мустаҳкамланиб бораётган Сомонийлар давлатини заифлаштириш мақсадида Араб халифаси 898 йилда Мовароуннаҳр ҳокимлигидан Исмоилни тушириб унинг ўрнига саффорийлар сулоласидан Амр ибн Лайсни ҳоким этиб тайинлаш ҳақида ёрлик жўнатади. Исмоил 899 ва 900 йиллардаги ҳарбий тўқнашувларда Амр ибн Лайс бошлиқ саффорийлар қўшинларини тор-мор келтирди. Халифа Исмоил ибн Аҳмадни ҳоким сифатида тан олишга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, Хоразм, Исфижоб, Чағониён ва Хутталондан ташқари (уларнинг ҳокимлари сомонийларга тобе эдилар), улкан ҳудуд (Мовароуннаҳр ва Хуросон) сомонийлар томонидан бўйсундирилган эди. Улар бу ерда 100 йилча ҳукмронлик қилдилар. 992 йили қорахонийлар хони Бугроҳон Бухорони эгаллади. Хуросонда Абу Али Симжурий ва Балхда Фойиқ амирга қарши исён кўтарди. Нуҳ II ёрдам сўраб Ғазна ҳокими Сабуктегинга мурожаат этади. Сабуктегин 20.000 нафарли қўшин билан келиб, Симжурий ва Фойиқ кучларини тор-мор келтиради. Сабуктегин бу хизмати учун халифадан «Насир-уд-дин

ва қишлоқларни сув билан таъминлаган. Бундан ташқари, бундай каналлар Хоразм, Қашқадарё, Фарғона ва Шошда ҳам бўлган. Манбаларга қараганда Шош аҳолиси халифа Мутасимга (833-842) мурожаат қилиб воҳада сув етишмаслиги туфайли канал қурилишига ёрдам сўраган. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликдан ташқари лалмикор деҳқончилик ҳам яхши йўлга қўйилган.

Далаларда буғдойнинг турли навлари, арпа, шולי ва бошқа бошоқли экинлар экилган. Қишлоқ хўжалигида пахта етиштиришга алоҳида аҳамият берилган. Пахта, айниқса, Зарафшон, Қашқадарё ва Марв воҳасида кўп экилган. Боғдорчилик ҳам яхши ривожланган. Боғларда олма, шафтоли, нок, беҳи, анор, анжир, ёнғоқ каби турли мевалар етиштирилган. Узум етиштириш яхши йўлга қўйилган. Айниқса, Самарқанд, Марв, Ҳиротда етиштирилган узумлар жуда қадрланган. Умуман Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг мевалари ўзининг турли навлари ва юқори сифатлилиги билан бутун Шарқда донг таратган. Жуда кўп қуруқ мевалар Европанинг турли шаҳарларига жўнатилган.

Умуман, сомонийлар даврида Хуросон ва Мовароуннаҳр қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари хусусан, деҳқончилик яхши ривожланган. Сомонийлар даврида деҳқончилик билан бир қаторда ҳунармандчилик ҳам кенг суръатлар билан тарқалган. Шаҳар аҳолисининг кўп қисми ҳунармандчиликнинг турли соҳалари билан машҳур бўлишган. Манбаларда қайд қилинишича, Мовароуннаҳрда, айниқса тўқимачилик яхши тараққий қилган. Бу ерларда ипак ва жундан тайёрланган турли-туман газламалар ўзининг юқори сифатлилиги, бежирим ва нафис нақшлари билан ажралиб турган. Бухоронинг Зандана, Самарқанддаги Ведар ва Сурхондарёдаги Дарзанги тўқимачиларининг маҳсулотлари фақатгина Мовароуннаҳр ва Хуросондагина эмас, балки Ироқ, Эрон ва Ҳиндистонларда ҳам маълум бўлган. Хусусан, Наршахийнинг ёзишича, Занданада тайёрланган газламаларга Шарқ бозорида эҳтиёж жуда катта бўлган.

Ибн Хавқал ва Муқаддасийнинг қайд этишича, Ведарда тайёрланган юқори сифатли газламалар аҳолининг юқори табақалари орасида жуда қадрланган. Бу газламалардан асосан амирлар, вазирлар, турли амалдорлар, қозилар ўзларига либослар тиктирганлар. Ведар газламаси ҳатто Хуросон парчаси ҳам деб аталган. Газламаларнинг турли навлари бундан ташқари Кешда, Насафда, Дабусияда ва кўпгина бошқа шаҳарларда ҳам тайёрланган.

Кулолчилик ҳам сомонийлар даврида ўз тараққиётининг энг юқори босқичларига кўтарилган. Кулолчилик чархининг янада мукамалланиши натижасида идишларни безашда сирлардан фойдаланишнинг кашф этилиши, бу борада катта ютуқ бўлди. Натижада идишларнинг турлари ҳам, шакллари ҳам кўпайди. Уларнинг сифати кескин даражада ошди. Идишлар турли рангдаги сирлар билан безатила бошланди. Манбаларда қайд қилинишича, айниқса, Самарқанд, Бинкет ва Марв кулоллари тайёрлаган идишлар ўзининг бежирим шакли, юқори сифати, ажойиб ва нафис нақшлари билан ажралиб турган. Эпиграфик нақш билан безатилган турли-туман идишлар айниқса, диққатга моликдир. Шу даврга оид шаҳарларда олиб борилган археологик изланишларга қараганда, кулоллар шаҳарларда маҳалла-маҳалла бўлиб яшаганлар. Мана шундай маҳаллалар Самарқандда, Марвда, Аксикатда, Термизда очиб ўрганилган.

Бу даврда шишасозлик ҳам кенг ривожланган. Ўрта Осиё шишасозлари турли шаклдаги катта-кичик шиша идишларни тайёрлаганлар. Идишлар асосан кўкимтир ва шаффоф рангдаги шишалардан тайёрланган. Уларнинг маълум қисми нақшлар билан безатилган. Шишасозларнинг устахоналари Нисо, Марв, Термиз, Пойканд каби шаҳарларда очиб ўрганилган. Ўрта Осиё шишасозларининг маҳсулотига бошқа ўлкалардан эҳтиёж катта бўлган.

Сомонийлар даврида металлургия соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилган. Ёзма манбалар ва олиб борилган археологик қазииш ишларга қараганда бу

даврда кон саноати тараққиётида катта ўзгаришлар рўй берган. Бу даврда Бадахшонда қумуш, олтин, биллур, лажувард каби қимматбаҳо металл ва тошлар қазиб олиш давом этган. Уструшонанинг Минк туманида катта миқдорда темир рудаси, Буттамда олтин, қумуш, мис ва бошқа металллар, Тузкон кўлида туз, Фарғонадаги Нокад деган жойдан олтин, қумуш, Исфара яқинида тошқўмир қазиб олинган. Фарғонада нефт ҳам борлиги ёзма манбаларда қайд қилинган.

Ўрта Осиёда сомонийлар даврида қоғоз ишлаб чиқариш ҳам яхши ривожланган. Қоғоз ишлаб чиқариш бўйича энг йирик марказ Самарқанд бўлиб, ундаги қоғозларнинг маҳсулоти фақат Ўрта Осиё ёки Шарқда эмас, балки Европада ҳам машҳур бўлган. Самарқанд қоғозининг олти нави манбаларда қайд қилинган.

Юқорида қайд қилинган ҳунармандчилик турларидан ташқари сомонийлар даврида Ўрта Осиёда тоштарошлик, заргарлик, дурадгорлик каби соҳалар анча ривож топган.

Сомонийлар даврида кучли ва мустақил давлатнинг пайдо бўлиши деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг ривожланиши, шаҳарларнинг тараққиёти ўз навбатида ички ва ташқи савдони янада узвийлашувига ва тараққиётига олиб келди. Аввало, шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги савдо кенгайди. Иккинчи томондан шаҳар ва қишлоқларнинг қўшни кўчманчи халқлар ва бошқа давлатлар билан алоқаси ривожланди.

Ёзма манбаларда қайд қилинишича, бозорлар катта-кичик шаҳарларда ва ҳатто қишлоқларда бўлган. Айниқса карвон йўллари бўйлаб жойлашган, шаҳарларда бир нечтадан бозорлар бўлган. Бухоро, Хўжанд, Насаф, Кеш, Термиз, Ҳирот, Марв, Нишопур шаҳарларидаги бозорлар катта ва жуда гавжум бўлган. Истахрийнинг ёзишича, Самарқандда Мовароуннаҳрнинг бош бозорлари жойлашган. Бу ерга ҳамма ердан савдогарлар келган. Мовароуннаҳрда тайёрланган маҳсулотларнинг катта қисми Самарқандга

келтирилган ва ундан кейин бошқа ўлкаларга тарқалган. Ички ва ташқи савдода айрим кичик шаҳарларнинг ҳам ўрни катта бўлган. Бу борада Пойканд шаҳри муҳим аҳамият касб этади. Манбаларда ёзилишича, бу шаҳарда сомонийлардан олдин ҳам савдогарлар Хоразм, Каспий бўйидаги ўлкалар ва Хитой билан олди-сотди ишлари олиб боришган. Шаҳар ҳокимлари савдогарлар учун ҳамма шарт-шароитларни туғдириб беришга ҳаракат қилганлар. Шаҳарда ўнлаб карвон саройлар мавжуд бўлган, улар бозорга яқин жойларда жойлашган. Савдо расталари карвон саройнинг ўзида ҳам бўлган. Карвон саройлар йўлларда ҳам қурилган.

Бозорларда сотиладиган моллар аввало маҳаллий аҳолининг эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Ҳунармандлар ўз молларини сотиб озиқ-овқат молларини харид қилишган, ўз навбатида деҳқонлар ҳунармандчилик молларини харид қилишган. IX-X асрларда Ўрта Осиёнинг иқтисодий ҳаётида савдо-сотик катта аҳамиятга эга эди. Бу борада кўчманчилар билан чегарадош бўлган шаҳарларнинг аҳамияти катта бўлган. Кўчманчилар шаҳарларга келиб, деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотларини харид қилганлар, тери ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини сотганлар.

Ўрта Осиёлик савдогарлар ўз молларини араб халифалиги таркибига кирган давлатларга, Кавказга, Хазар ва Булғорияга, Хитой ва Ҳиндистонга олиб бориб сотганлар. Ўрта Осиёдан Хитой билан Ўрта Ер денгизини бирлаштирувчи ва Жануби-Шарқий Европага олиб боровчи карвон йўллари ўтган. Айниқса, Ўрта Ер денгизи билан боғловчи карвон йўли анча гавжум бўлган. Бу йўл Бағдод, Ҳамадон, Нишопур, Марв, Амул, Бухоро, Насаф, Кеш, Самарқанд, Уструшона, Шош, Баласоғун орқали Хитойга олиб борган. Хитойга Ўрта Осиёдан отлар ва шиша буюмлар олиб борилган. Хитойдан эса турли-туман ипак газламалар келтирилган. Хазар, Булғор ва Русь ерларига Ўрта Осиёдан қуруқ мевалар, турли-туман газламалар, гуруч ва кумуш чиқарилган. Ўз навбатида

Жануби-Шарқий Европадан Ўрта Осиёга мўйна, мис, тери, қорамол, қуллар келтирилган. Жануби-Шарқий Европа билан бўлган савдо алоқаларида хоразмлик савдогарларнинг ўрни катта бўлган.

Сомонийлар ва Қорахонийлар ўртасидаги кураш

Қорахонийлар давлати Еттисув ҳудудидаги Қарлук (756-940) давлати ўрнида ташкил топди. Унинг асосчиси Сотуқ Бугрохон (915-955) ҳисобланади. У 942 йили Боласоғун ҳокимини мағлуб этиб, ўрнига ўзини хоқон деб атади. Қорахонийлар давлатига икки қабилла — Яғмо ва Чигил қабилалари бирлашдилар. Сотуқ замонида Қорахонийлар давлати иккига бўлиниб кетади. Бирининг пойтахти Боласоғун бўлиб, олий ҳокимият ёши катта бўлган хоқон томонидан бошқарилган, иккинчи давлатнинг пойтахти Тароз, кейинчалик Қошғар бўлиб, кичик хоқон томонидан бошқарилган. Қорахонийлар сомонийлар давлатидаги миллий низолардан усталик билан фойдаландилар. Ҳасан Бугрохоннинг 992 йили сомонийларга қарши юриши олдида сомонийлар лашкарбошчиси Хупосон ҳокими Абуали Симжурий у билан музокара олиб борган. Сомонийларнинг бошқа лашкарбошчиси, Балх ҳокими Фойиқ Работи Малик яқинидаги Бугрохонга қарши жангда, ҳар томонлама устунликка эга бўлишига қарамай таслим бўлади. Илоқ ҳокими Мансур ибн Аҳмад эса, хоқонга тобелик билдириб, унинг номига пул зарб этади. Бухородан Қошғарга кетаётганда Бугрохон қасалланиб вафот этади. Бундан фойдаланган Нуҳ ибн Мансур тахтни қайта эгаллайди.

996 йили қорахонийлар хони Наср Бухорони яна босиб олади. Сомонийлар лашкарбошчиси Абул Иброҳим Исмоилнинг (Мунтасир) Бухорони озод этиш йўлидаги уринишлари 1005 йилда муваффақиятсизликка учради. Сомонийларнинг Ғазнадаги ноиб Сабуктегин 997 йилда вафот этди. Ўрнига унинг ўғли Маҳмуд Ғазна ҳокими бўлди. Сомонийлар амири Мансур ибн Нуҳ (997-999) унинг таъсирида эди.

1001 йилда, султон Маҳмуд қорахонийлар хони Наср билан шартнома тузиб, Амударёни икки ўртадаги чегара қилиб белгилади. Сомонийлар давлати ўрнида икки улкан давлат ташкил топди:

Биринчиси — Қошғардан Амударёгача чўзилган Шарқий Туркистоннинг бир қисмида, Еттисув, Шош, Фарғонанинг қадимги ҳудудларини ўз ичига олган Қорахонийлар давлати.

Иккинчиси — Шимолий Ҳиндистон сарҳадларидан Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача чўзилган ҳамда ҳозирги Афғонистон ва Шимоли шарқий Эронни ўз ичига олган Ғазнавийлар давлати эди.

Илоқ ҳокимлари номигагина қорахонийларга қарам бўлиб, ўз юргларини мустақил равишда бошқарганлар. Илоқдаги деҳқонлар сулоласининг асосчиси Мансур ибн Аҳмаднинг ўғли Муҳаммад ибн Мансур (1004-1008) бўлган. Унинг ўғли Абушужо Солор ибн Муҳаммад (1008-1009) қорахонийлар хони Аҳмад ибн Алига қарам бўлди. Илоқда Наср ибн Алининг учинчи укаси Муҳаммад ибн Али (1010-1015) Инолтегин лақаби билан пул зарб қилган. Унга Илоқ, Хўжанд, Тароз мулклари тўсе бўлган. Чугротегин Хусайн ибн Мансур (1016-1030), Муҳаммад Юсуф Бугрохон (1032-1057) нинг пойтахти Шош эди. Тўғрултегин Қорахон Юсуф (1068-1075) замонида Илоқ Шарқий Қорахонийлар давлатига қарам бўлган.

XI аср ўрталарида тамғочхон унвонини олган қорахоний Иброҳим ибн Наср Фарбий Қорахонийлар давлатининг пойтахтини Ўзгандан Самарқандга кўчирди.

1068 йилда, Мовароуннаҳрда қорахоний Иброҳим ибн Наср ўғиллари ўртасида тахт учун кураш бошланди. Курашда Шамсулмулк ғалаба қозонди. Шамсулмулк Абулҳасан Наср ибн Иброҳим (1068-1080) даврида Бухорода катта қурилиш ишлар олиб борган.

1080 йилда Шамсулмулк вафотидан кейин Мовароуннаҳрда ҳокимият учун кураш авж олади. Бундан фойдаланган салжўқий султон Маликшоҳ 1089

шуғулланган. Девоннинг ҳамма шаҳар ва вилоятларда маҳаллий маҳкамалари бўлган.

«**Мухтасиба**» девони бозорларни, сотувчиларни, қадоқбошларнинг оғирлиги, бозордаги молларнинг нархини, сифатини назорат қилган.

Давлат хазинасининг даромадларини ва харажатларини «**мушриф**» девони назорат қилган. Бундан ташқари «**қози аз-зия**» ва «**вақф**» девонлари бўлган. «Қози аз зия» девони давлат ерларини, «вақф» девони ҳадя этилган ерларни ва мусулмон руҳонийларининг бошқа мол-мулкларини назорат қилишган.

Девонларнинг айтарли ҳаммасининг вилоятларда бошқармалари бўлган. Девонларнинг вилоятлардаги бошқармалари бир томондан ўз девонларига, иккинчи томондан вилоят ҳокимига бўйсунушган. Бундан фақат «соҳиб ал-борид» девонининг амалдорлари мустасно бўлган.

Вилоят ва туманлар амир томонидан тайинланган ҳокимлар томонидан идора қилинган. Одатда бундай лавозимга маҳаллий бой зодагонлар тавсия этилган. Сомонийлар давлатида мусулмон руҳонийларнинг таъсири ниҳоятда кучли бўлган. Улар марказий ҳокимият ишларида ҳам фаол иштирок этганлар. Сомонийлар давлатининг диний ҳаётида ҳанифийлар мазҳаблигига мансуб руҳонийлар ҳамма диний лавозимларни ўз қўлларига олишган. Руҳонийларнинг бошлиғи «**устод**», кейинчалик «**Шайх ул-ислом**», деб аталган. «Устод»дан сўнг ўз лавозими бўйича руҳонийлар орасида «**хатиб**» турган. У жомеъ масжидларида жума намозида хутба ўқиш ҳуқуқига эга бўлган. Бу даврда Бухоро Шарқдаги ислом оламининг энг нуфузли марказларидан бирига айланади. Мовароуннаҳрдаги дастлабки мадрасаларнинг бу ерда барпо этилиши ҳам бежиз эмас.

Ер эгаллигининг қуйидаги шакллари мавжуд бўлган:

Мулки султоний — шахсан амирга тегишли ер-сув, тегирмон, дўконлар. Бу мулкни қишлоқ чорикорлари ижарага олганлар. Яна ер эгаллигининг тўйма (умрбод беришган ер), иқтоъ (меросий) турлари бўлган.

Хусусий шахсларга тегишли мулк: ҳукмдор табақа хонадони, деҳқон-зодагонларга, саййидлар, сипоҳ-солор, бадавлат савдогарларга тегишли мулклар ҳисобланган. Шартли ер эгалиги ҳам бўлган.

Вақф мулклари: диний муассасалар ва мадрасаларга тегишли мулк. Бу мулкни муассаса мутаваллиси бошқарган. **Жамоа мулки:** яйлов, тоғ ёнбағирларидаги далами ерлар.

Хирож ҳажми шариат ва давлат қонунлари асосида белгиланган. Сомонийларнинг биргина Бухоро ва Кармана вилоятлари хирожидан тушган даромади 116866 дирхамни ташкил қилган.

Сомонийлар даврида ерлар қайтадан тақсим қилинди. Ер эгаларининг янги гуруҳи ташкил топди. Уларнинг кўпи сипоҳийлардан чиққан эди. Масалан, Алптегиннинг Хуросонда ва Мовароуннаҳрда 500 қишлоғи бўлиб, бирор шаҳар йўқ эдики, унда унинг қасри ё боғи, ёхуд қарвонсаройи бўлмаса. Унинг тасаруффида минглаб отлар ва чорва моллари бўлган.

Сомонийлар даврида кудратли марказлашган давлатнинг вужудга келиши натижасида Мовароуннаҳр ва Хуросонда маълум барқарорлик қарор топди. Бу ҳолат мамлакат иқтисодий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Мовароуннаҳр ва Хуросон бу вақтда Шарқнинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ўлкаларидан ҳисобланган. Тарихчилар ва географлар бу борада жуда яхши таърифлар ёзиб қолдирганлар. Улар, бу ерлар жуда серҳосил, табиий бойликларга бой, унда кўплаб қишлоқ ва шаҳарлар борлигини аҳоли учун керакли ҳамма нарсалар мавжудлигини зўр эҳтирос билан битганлар.

Хуросон ва айниқса, Мовароуннаҳр деҳқончилик ўлкалари қаторига кирган. Бу ерларда деҳқончилик асосан сунъий суғоришга асосланган. Кўплаб сой ва дарёлардан чиқарилган катта-кичик каналлар мавжуд бўлган. Бухоро воҳасида Шопурқон, Шохруд, Кармана, Пойканд, Самарқанд воҳасида Барж (Дарғом), Бармсиш, Бузмадисой, Иштихон каби каналлар шаҳар

ва ад-давла» (дину давлат ҳомийси), унинг ўғли Мансур эса «Сайф-уд-давла (давлат шамшири)» лақабини олади.

997 йили Нух II ҳам, Сабуктегин ҳам вафот этади. Нух II нинг ўғли Мансур ибн Нух (997-999) га қарши Нишопур ҳокимлари Бектузин ва Фойиқ исён кўтардилар. Амирнинг Мансурга эътиқоди зўрлигини назарда тутиб, исёнчилар амирнинг кўзига мил тортадилар. Мансур ибн Нух вафотидан сўнг унинг укаси Абдулмалик II ибн Нух Бухоро тахтига ўтирди. Маҳмуд интиқом баҳонасида Бектузин ва Фойиққа қарши қўшин тортиб бутун Хуросонни босиб олди. Абдулмалик ибн Нух қўлида фақат Мовароуннаҳр қолди.

Кўп ўтмай қорахонийлар хони Наср Илоқхон Бухорони забт этди. Амир хонадони асирга олинди. сомонийлар давлати тугатилди.

Сомонийлар Мовароуннаҳр ва Хуросонда мустақил давлат тузиш учун авваламбор, кучли марказлашган ҳокимият тузиш кераклигини яхши тушунишган. Бу айниқса Исмоил Сомоний ҳукмронлиги даврида куннинг долзарб масаласига айланди. Чунки Исмоил Сомоний Мовароуннаҳр ва Хуросонни бирлаштиришга ва ягона марказлашган давлат тузишга муваффақ бўлди. Энди бу давлатни идора қилиш лозим эди. Шунинг учун Исмоил бир қанча ислоҳотлар ўтказди. Мана шундай ислоҳотлардан бири **давлатни бошқариш маъмуриятини** жорий қилиш бўлди. Бу ислоҳотга биноан давлатни идора қилиш **саройи** (даргоҳ) ва **10 та дивон** (ҳарбий-фуқаро маҳкамалари) ташкил этилди. Исмоил Сомоний давлатнинг мажмуини ташкил этишда сосонийлар Эрон ва Араб халифалигида қабул қилинган тажрибалардан фойдаланди ва уни замон талабига қараб мукамаллаштирди.

Ҳокимиятнинг энг юқори поғонасида сомонийлар туриб, улар амир унвони билан давлатни идора қилганлар. Давлат мажмуини мустаҳкамлашда, Наср II сомонийнинг маърифатли вазирлари Абуабдулло

Муҳаммад Жайҳоний ва Абуфазл Муҳаммад Баламийларнинг хизматлари катта бўлган. Умуман, сомонийлар ҳукмдорлиги даврида вазирлик мансабига асосан шу икки сулола вакиллари тайинланган. Давлат мажмуини даргоҳ ва девонларга бўлиниши маълум даражада расмий бўлган. Чунки саройнинг нуфузли кишилари кўп ҳолларда девонларнинг ишларига аралашиб турганлар. Саройда сиёсий ҳокимият «соҳиби хорас» қўли остида бўлган. Соҳиби хорас Амирнинг фармонлари бажарилишини назорат қилган. Саройда шарбатдорлар, дастурхончилар, таштадорлар, отбоқарлар, хўжалик беклари каби турли хизматчилар бўлган. Саройдаги ҳамма хўжалик ишларини «вакил» бошқарган. Вакил саройдаги эътиборли кишилардан бири ҳисобланган. Наршахийнинг ёзишича, Наср II Сомоний ҳукмронлиги даврида ўн девонга Бухоро регистонида ўнта махсус бино қурилган.

Девонлар орасида вазир ёки «хўжа бузург» девони алоҳида ўрин тутган. Бу девонга бошқа ҳамма девонлар бўйсунган. У ҳамма маъмурий, сиёсий ва хўжалик маҳкамаларини назорат қилган.

Давлатни идора этишда «мустауфий девон» ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу девон давлатнинг бутун молия ишларини бошқарган ва назорат қилган. Девон хазинадор томонидан бошқарилган.

«Девон Амир-ал-мулк» ёки «ал-расан» давлат аҳамиятига молик бўлган расмий ҳужжатларни тузиш билан шуғулланган. Бундан ташқари бу девон чет давлатлар билан бўладиган муносабатларни ҳам бошқарган.

«Соҳиб аш-шурат» девони давлатнинг бутун ҳарбий ишларини, шу жумладан амирнинг шахсий қўшинини бошқарган. «Соҳиб аш-шурат»нинг махсус ёрдамчиси — арис бўлган. У маҳкама ва унинг бошлиғи амир қўшини хазинаси билан шуғулланган. Қўшимча бир йилда тўрт марта маош тўлаган. Давлатни идора этишда «соҳиб ал-борид» девонининг аҳамияти ҳам жуда катта бўлган. Бу девон давлат аҳамиятига молик бўлган ҳужжатларни ва хабарларни етказиш билан

йили Мовароуннаҳрга бостириб кирди. Бухоро ва Самарқандни забт этиб, хон Аҳмадни асир олди. Аммо, Аҳмад билан сулҳ тузиб уни ўз тахтида қолдиради. Қорахоний Аҳмаднинг салжўқларга итоаткорлиги амирлар ва руҳонийлар норозилигига сабаб бўлди. Натижада у 1095 йилда ўлдирилди.

Аҳмаддан сўнг тахтга ўтирган Арслонхон (1102-1130) замонида қорахонийлар гарчи ярим мустақиллик шароитида сиёсат юргизган бўлсалар ҳам, Самарқанд шаҳрининг ободонлиги бўйича катта ишлар қилдилар. Ҳарбий қўмондонлар ва руҳонийлар Арслонхон ҳокимиятидан норози эдилар. Арслонхон бетоблиги туфайли ҳокимиятини ўғли Насрга топширади. Лекин фитначилар Насрнинг ўлдирдилар. Арслонхон Марвдан Султон Санжарни ёрдамга чақиради. Бундан фойдаланиб, Санжар 1130 йили Самарқандни ташлабди.

XII аср бошларида қорахитойлар Боласоғунни ташлабдилар. 1138 йилда қорахитойлар гўрхони Султон Санжарнинг қариндоши, Самарқанд ҳукмдори Маҳмудни Хўжанд яқинида мағлۇб этади. Шаҳар таланиб катта товон ундирилган бўлса-да, босиб олинмади.

1141 йилда қорахитойлар яна Мовароуннаҳрга бостириб кирдилар. Бу гал жанг Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлида бўлди. Жангда Султон Санжар билан Маҳмуднинг бирлашган кучлари тор-мор келтирилди. Ҳар икки томондан 30 мингга яқин киши ўлдирилди. Султон Санжар ва Маҳмуд Термиз томон чекиндилар. Султон Санжар хазинаси, унинг хотини Туркон хотун гўрхон қўлига ўлжа тушди. Қорахонийлар Самарқанд ва Бухорони эгалладилар.

Самарқанднинг қорахонийлар сулоласига мансуб бўлган кейинги хонлари, яъни эликхонлар қуйидагилардир:

Муҳаммад ибн Хусайн (1170-1176), Муҳаммад Оқтош Тафғочхон (1176-1179), Иброҳим ибн Хусайн (1178-1202), Усмон ибн Иброҳим (1102-1212).

Ўзганда Қодирхон ибн Иброҳим ибн Хусайн (1183-1210), Илоқ (Шош)да (пойтахти Бинкат) Шоҳ Қиличхон (1177-1183), Тафғоч хоқон (1195-1197), Оқдош Чағрихон (1197-1206) ҳоким эди.

Сўнги қорахонийлар қорахитойларга тобеликдан қутулган эдилар. Бироқ, 1212 йилида Аловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ғарбий қорахонийлар давлатининг хоқони Усмонни ўлдириб, Самарқандни ўз мулкларига қўшиб олди.

Қорахонийларда Қошғар ва Боласоғун пойтахт саналиб, улуғ хон шу шаҳарлардан бирида қароргоҳда ўтирган. Улуғ хоқон ёки улуғ хон **ул-хоқон** деган номда юритилган. Араб манбаларида мазкур унвон **султон ул-салотин**, форс тарих асарларида **шаҳаншоҳга** мувофиқ келади. Айнан юқоридаги олий унвон қорахонийлар даври китобларида **тамғочхон** деб ҳам юритилган.

Қорахонийларга қарашли ерлар тамғочхон томонидан унинг ўғиллари, қариндошлари ўртасида тақсимланган эди. Шу боис ер-мулк масаласида ота-ўғил, амаки, жиянлар ҳамда ака-ука-ю амакиваччалар ўртасида доимий низолар юз бериб, у сиёсий аҳволга салбий таъсир кўрсатиб турган.

Етгисувдан туриб Мовароуннахрни бошқариш қийин бўлган. Қорахонийлар даврида Самарқанд эликхони анча кучайиб кетган эди. Саройда Сомонийлар давлатида бўлганидек вазир, соҳиббарид, муставфий, ҳожиб, раис-муҳтасиб каби амалдорлар бўлган. Қорахонийлар давлатида имом, сайид, шайх, садрлар мавқеи кучли эди.

Қорахонийлар давлати бошлиғи лавозими, хоқоннинг тахти меросий саналган. Маъмурий идоралар иккига бўлинган: даргоҳ ва девонга. Хоқоннинг **улуғ ҳожиби** хоқон билан фуқаро ўртасида воситачилик қилган. Хоқон саройида қуйидаги амалдорлар бўлган: **оғичи** — шойи кийимлар хазиначиси; **бирук** — меҳмонларни қабул қилиш бўйича

Мовароуннаҳрдаги қорахонийларнинг ички ишларига, сиёсатига катта таъсир ўткази олишга эришган салжўқийлардан эди. 1141 йилда қорахитойлар билан Султон Санжар ва унинг вассали, иттифоқдош қорахоний Маҳмудхоннинг бирлашган қўшинлари ўртасида, Самарқанд яқинидаги Катвон чўлида бўлиб ўтган жангда қорахитойларнинг ғалаба қилиши Салжўқийлар давлатини анча заифлаштирди. Салжўқийларнинг мағлубиятидан Хоразмшоҳ Кутбиддин Муҳаммад Отгани усталик билан фойдаланиб, 1141 йилнинг қишида салжўқийларнинг пойтахти Марвни босиб олди, 1142 йилда esa Нишопурга юриш қилди. Лекин Султон Санжар Хоразм қўшинларини Хуросондан қувиб чиқарди ва Хоразмшоҳ Отгани яна ўзига бўйсундиришга эришди. Султон Санжарнинг ҳаракатларига қарамасдан Салжўқийлар давлати ўзининг аввалги кудратини йўқота борди. Салжўқийларга ҳал қилувчи зарбани Балх ва Хуттанон вилоятларида яшовчи кўчманчи ғўз қабилалар бердилар. Улар Султон Санжар қўшинларини тор-мор этиб, уни асир олдилар. Ғўзлар ҳимоясиз қолган Марв, Нишопур шаҳарларини талаб, ўт қўйдилар. Султон Санжар 1156 йилда асирликдан қочишга муваффақ бўлса ҳам, лекин салжўқийлар давлатини тиклай олмади ва Ёр йилдан кейин вафот этди.

Хоразмшоҳлар даврида ўзбек давлатчилиги

Хоразм сомонийлар даврида уларга тобе эди. X аср охири ва XI асрнинг бошларига келиб Хоразм ҳокими Маъмун I ва унинг ўғли Али ибн Маъмун Сомонийлар давлати тугганидан сўнг мустақил давлат тузишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Лекин Мовароуннаҳрдаги Қорахонийлар ва Хуросондаги Ғазнавийлар давлати олдида Хоразм давлати жуда кучсиз бўлиб, кўп ҳолларда Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Маъсудга қарам эди. Ғазнавийлар давлатининг инқирози ва Хуросонда салжўқийлар ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин Хоразм дастлабки йилларда мустақил сиёсат олиб боришга ҳаракат қилган бўлса-да, тез орада салжўқийларга қарам давлатга айланди.

Хоразмнинг мустақил давлат сифатида шаклланишида кўп хизмат қилган ҳукмдор Қутбиддин Муҳаммад Отсиз (1127-1156) бўлди. Салжўқий Султон Маликшоҳ даврида Хоразмнинг ҳукмдори бўлган Ануштегиннинг невараси Отсиз ўзи тобе бўлган салжўқий султонларининг ҳар бир хатосидан усталик билан фойдаланди. Айёр, дипломат ва моҳир саркарда бўлган Отсиз мустақил ташқи сиёсат олиб борди. У Хоразм ерларини анча кенгайтириб, Сирдарёнинг қуйи оқими ерларини, Манғишлоқни босиб олади. Шундан сўнг у бир неча бор (1138, 1141, 1142, 1147-1148 йй.) Султон Санжарга қарши исён қилди ва мағлубиятга учраб салжўқийларга бутунлай тобе бўлиб қолди. Лекин шунга қарамасдан у Хоразмнинг мустақиллиги учун мустаҳкам асос ярата олди. Султон Санжарнинг ўлиmidан сўнг (1157 й.) Салжўқийлар давлати деярли йўқ бўлди ва Хоразмни мустақил давлат сифатида сиёсат олиб бориш учун кенг йўл очилди. Муҳаммад Отсизнинг ўлиmidан сўнг ўғли Эларслон тахтга ўтирди. У отасига қараганда анча қулай вазиятда давлатни бошқарди. Хуросондаги воқеалардан фойдаланиб у Каспий бўйидаги Деҳистс.а худудларини босиб олишга эришди. Эларслон отаси даврида Хоразмнинг бўйсундирилган кўчманчи туркман ва қипчоқ қабилалари ёрдамида Мовароуннаҳрнинг ички ишларига ҳам тез-тез аралаша бошлади. 1158 йилда у катта қўшин билан Мовароуннаҳрга бостириб кирди. Бу вақтда қорахитойларга вассал бўлган қорахонийлар кўчманчи қарлуқ қабилалари билан жанг олиб боришгаётган эди. Эларслон қарлуқларга Бухоро ва Самарқанд учун олиб борган жангларда ёрдам берди. Лекин қорахитойлар қўшинлари ёрдамга етиб келиши билан Эларслон Хоразмга қайтишга мажбур бўлди. У бир неча марта Хуросонга юриш қилган бўлса-да, муваффақиятга эриша олмади. 1171-1172 йилларда қорахитойларнинг катта қўшини Хоразмшоҳнинг ўлпонини ўз вақтида тўламаётганлигини баҳона қилиб Хоразм устига юриш қилди. Эларслоннинг буйруғи билан Сирдарёдаги катта

бу давлат унинг ўғли Маҳмуд Фазнавий даврида мусулмон оламининг энг кучли давлатига айланди. Бу давлатнинг ҳудуди Маҳмуд Фазнавийнинг истилочилик юришлари туфайли шимолий ва шимоли-ғарбий Ҳиндистондан Чаганиён ва Хоразмгача чўзилган бўлиб, унга Эроннинг катта қисми ҳам кирган эди. Маҳмуд Фазнавий Мовароуннаҳрдаги қорахонийлар сиёсатига ва айниқса Хоразмга катта таъсир кўрсатар эди. Ўз даврининг иқтидорли саркардаси ва қаттиққўл ҳукмдори бўлган Маҳмуд Фазнавий 1030 йилда вафот этади. Шундан сўнг тахтни унинг ўғли Маъсуд (1030-1041) эгаллайди. Лекин Маъсуд отаси тузган давлатни бутунлигича сақлаб қололмади.

Маҳмуд Фазнавийга расман тобе бўлган, лекин амалда мустақил бошқариладиган Хоразм шоҳи Хорун ибн Олтинтош 1034 йилда Хоразмни бутунлай мустақил деб эълон қилди ва катта қўшин билан Хуросонга юриш қилди. Лекин Султон Маъсуд томонидан сотиб олинган кишилар Хоразм шоҳи Хорунни ўлдирадилар. Уни қўлаб-қувватлаган қорахонийлар қўшини яна Самарқандга қайтиб кетади. Шундан сўнг Султон Маъсуд қорахонийлар билан музокаралар олиб боради ва шу йўл билан фазнавийлар ҳокимиятига бўлган хавфни бир оз камайтиради.

Фазнавийлар султони Маъсуд Хуросонга юриш қилган туркий-салжуқийлар билан кўп бор жанг олиб боришга мажбур бўлди. Маҳмуд Фазнавийнинг руҳсати билан шимолий Хуросонга жойлашиб олган салжуқийлар бу даврга келиб, фазнавийлар учун катта хавф туғдира бошлади. 1035 йилда салжуқийларнинг Хуросонга янги ҳужуми бошланади. Нишопурдан Нисо шаҳрига етиб келган фазнавийлар қўшини салжуқийларга зарба берган бўлсада, салжуқийнинг невараси Тоғрул ва Чангри бошчилигидаги туркманлар кечаси Фазнавийлар қароргоҳига ҳужум қилади ва ғалаба қозонади. 1037 йил апрел ойида туркманлар Мари вилоятини узил-кесил эгаллашга эришдилар ва Бағдодда халифага ҳокимият учун ёрлиқ беришни сўраб элчи жўнатадилар. Шу тариқа Хуросондаги янги давлатга — Салжуқийлар давлатига асос солинди.

Кейинги йиллар туркманлар Тоғрул бошчилигида бир қанча зарбалар бериб, Хуросоннинг катта қисмини босиб олдилар. Шундан сўнг Маъсуд катта қўшин билан салжуқийлар устига юриш қилди. 1040 йилда Мари яқинидаги Данданакон деган жойда ҳал қилувчи жанг бўлиб, бунда Маъсуд армияси қаттиқ мағлубиятга учради. Жангдан зўра қочиб қутулган Маъсуд тез орада (1040 й.) вафот этди. Унинг ворислари ғазнавийлар давлатининг аввалги қудратини тиклашга муваффақ бўла олмадилар.

Ғазнавийларга тегишли Хуросон аста-секин салжуқийлар қўлига ўтди. Салжуқийлар давлатининг бош султони бўлиб, Тоғрулбек (1038-1063 й.) сайланди. У катта истилочилик юришлари олиб бориб, Балхни, Ироқнинг шимоли, Озарбайжонни, Курдистонни ва Кўҳистонни ҳам босиб олишга эришди. 1055 йилда у катта қўшин билан Бағдодга кириб келди ва халифадан ўз номига хутба ўқитишни талаб этди. Шундан сўнг халифа диний ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолиб дунёвий ҳокимиятни султон унвони билан Тоғрулбекка топширди. Салжуқийлар давлатининг пойтахти қилиб Тоғрулбек Рай шаҳрини танлади. Унинг ҳукмронлиги даврида салжуқийлар Кавказда Византия қўшинларига ҳам катта зарба бердилар. У Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилаётган қорахонийлар билан дўстона муносабатлар ўрнатди. Лекин, унинг вориси Алп Арслон (1063-1072) Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларга бир неча бор ҳарбий юришлар уюштирди. Византия императори Роман IV Диоген қўшинларини мағлуб этди. Ундан кейин тахтга ўтирган Маликшоҳ (1072-1092) 1089 йилда қорахонийлар ўртасидаги ички низолардан фойдаланиб Бухоро ва Самарқандни эгаллади ва катта ўлжа билан орқага қайтди. Лекин қорахонийлар салжуқийларнинг ярим вассалига айландилар. Маликшоҳнинг ўлиmidан кейин Салжуқийлар давлатида тахт учун ўзаро курашлар қизиб кетади ва 1118 йилда ҳокимият буюк салжуқийлар сулоласининг сўнгги йирик вакили Султон Санжар (1118-1147) қўлига ўтади. Унинг даврида салжуқийлар давлатининг пойтахти Марв шаҳрига кўчирилди. У

мутасадди; **ошчи** — хоқон ошхонаси бошлиғи (боғарчи); **битикчи** — мунший; **котиб** — мирза; **қушчи** — хоқон овининг ташкилотчиси.

Хоқон ҳарбий қўшинлари **черик** дейилган, унга **субоши**, ёки **сипоҳсолор** қўмондонлик қилган. Кичик зобит **човуш**, сипоҳийлар тўдаси қўмондони **хайлбоши** дейилган. Қўшин ўнлик, юзлик, мингликларга бўлинган. Қорахонийлар хоқони қўши (ҳарбий лагер) **хонтўй** дейилган. Хоқон қўшида доим 9 та сариқ байроқ хилпираб турган. Хоқонликда элчини **ялавоч** ёки **ялафар** деб аталган.

Хоқонлик ҳудудлари эл, вилоятларга бўлинган. Ижтимоий тузумда мавқеи анча баланд ҳисобланган йирик заминдорлар — деҳқонлар қатлами қорахонийлар даврида ўз аҳамиятини йўқотди. Ўрта Осиё кўҳна зодагон тоифасининг бундай аҳволга тушишига асосий сабаб сиёсат майдонида юз берган сулолалар ўртасидаги тахт алмашуви, энг таъсирли жиҳати эса кўчманчилик шароитига мослашган эл-улусларининг ўтроқ аҳоли ҳудудларининг ишғол этишидир.

Сомонийлар замонида мазкур сулола учун хос марказлашган давлат тузумидан қониқмаган аслзода деҳқонлар қорахонийларни қўллаб-қувватлаган эдилар. Йирик хонадон соҳиблари — қорахонийлар ҳокимиятда вақти келиб биз ҳудудимизнинг асосий ҳукмдорлари бўлиб қоламиз деб ўйлашган эди. Уларнинг бундай режаларини тушунган яғмо ва чигилларнинг бошлиқлари зодагонларни қувгин қила бошладилар. Бунинг оқибатида кекса бой қатлам вакиллари ўз экинзорлари, уй-жойлари, мулклари ва бойликларидан маҳрум бўлдилар. Деҳқон деган ном эндиликда фақат оддий жамоатчига нисбатан айтиладиган бўлиб қолди. Аслзодалар ўзларининг даромад манбаи — ер-мулқдан маҳрум бўла бошлаган сари оддий жамоатчи зироаткорлар ижарачиларга айлана бордилар. Бу пайтда ерлар эгасиз ва қадрсиз бўлиб қолди. Унумдор жойлар ийловларга айланди. Бироқ кейинги воқеалар жараёнида Мовароуннаҳр ижтимоий ҳаётида жонланиш юз берганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Қорахонийларда оддий халқ **будун** дейилган. Солиқ тўловчи фуқаро **райят** деб аталган. Қабилла бошлиқлари **бек** дейилган, савдогарлар **сарт** деб аталган. Қорахонийлар давлатида ҳунармандчилик (кулолчилик, тўқувчилик, шишасозлик, темирчилик, заргарлик), шунингдек, зироат ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи соҳалар тараққий этган. Шунингдек, қимматбаҳо тошлар, олтин, мис, темир қазиб олинган. Шаҳарсозлик иншоотлари пишиқ ғиштдан бунёд этилган. Хонликда ер эгаллигининг **иқтаъ** шакли кенг тарқалган. Манбада шундай дейилади: «Иқтаъга соҳиб бўлганлар (муқталар) шунини билишлари лозимки, улар фақатгина райятдан ҳақ молини яхшилик билан олишга ҳақлидирлар ва одамлар ўз танув моллари, бола-чақалари, асбоб-ускуналари билан хавфсиз бўлишлари шарт. Агар одамлар саройга келиб, ўз ҳолларини маълум қилмоқчи бўлсалар, улар қаршилиқ қилмасинлар ва қайси бир муқта шундай қилса қўлини қисқартириб, иқтаъсини тортиб олиш, ўзига жазо бериб, бошқаларга ибрат этиб кўрсатиш керак. Уларга шунини билдириб қўйиш лозимки, мулк ҳам, райят ҳам хонникидир. Муқталар ва валийлар уларнинг бошларида шаҳнадек туриб, подшоҳни райят билан бирга хавфсизликдан сақлайдилар («Сиёсатнома»). Хоқон, вақф, жамоа мулклари қорахонийлар тасарруфидаги асосий ер-мулклар ҳисобланади.

Қорахонийлар давлатида салжуқийларда бўлган каби иқтаъ эгаси ўз мулкида ишлаётган зироаткорлардан белгиланган миқдорда қонун билан қайд этилган солиқдан бошқа ортиқча маҳсулот ёки ҳақ олишга ҳуқуқи бўлмаган. Мажбурий равишда бирор-бир маҳсулот тортиб олинса, бундай вазиятда иқтаънинг маълум миқдори қирқиб олинган, ёки умуман тортиб олинган.

Ғазнавийлар ва салжуқийлар

Ғазна шаҳрининг Хуросоннинг сиёсий марказига айланиши X асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Ғазнавийлар давлатининг асосчиси Собуқтегин бўлиб,

8-МАВЗУ. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИДА IX-XII АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ ДАВРИ. ФАН ВА МАДАНИЯТ РАВНАҚИ

IX-XII асрлар маданий юксалишининг шарт-шароитлари. Илм-фан

Фанда «Уйғониш даври» деб аталадиган давр Фарбий ва Марказий Европада жойлашган мамлакатларда XIV-XVI асрлардаги ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ифодалаш учун ишлатилган. Биринчи маротаба «уйғониш» атамасини XVI аср италян rassomi ва тарихчиси Ж. Вазари ўз асарларида ишлатади. «Уйғониш», «уйғониш даври» атамалари XIV-XVI аср ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моҳиятини очиб бермасдан, кўпроқ антик давр меросини, яъни антик маданиятга ўхшаш маданиятнинг қайтадан «тирилиши», «уйғониши» маъносиде ишлатила бошланди. Кейинчалик фанда бу атама кенг қўлланила бошланди. Шу маънода кўпчилик тадқиқотчилар IX-XII асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида маданиятнинг ривожланишига хос хусусиятларни ҳам «уйғониш» даври деб аталиши юқорида қайд қилинганидек, шартлидир деб ҳисоблайдилар.

IX-XII асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида моддий ва маънавий ҳаётнинг ривожланишида олдинги даврларга нисбатан кескин юксалиш йиллари бўлди. VIII асрда Араб халифалиги ҳозирда Ўрта Осиё деб аталмиш ҳудудни фатҳ этиб бўлган, босиб олинган ерларда ислом дини кенг ёйилиб, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёт Араб халифалиги тартиб-қоидаларига бугунлай бўйсундирилган эди.

Бу ҳол ўз навбатида араб тили ва ёзувини Мовароуннаҳрда кенг ёйилишига имконият яратиб берди. Аммо VIII аср охири IX аср бошларида бўйсундирилган халқларни мутлақ итоатда сақлаб туриш нафақат халифалик маркази маъмурларига, балки ўлкаларга тайинланган ноиб учун ҳам тобора қийинлаша бошлади.

821 йилда Хуросон ва Мовароуннахрнинг ноибни этиб тайинланган Тоҳир ибн Хусайн халифалик ўйлаганидек сиёсат юргизмади. У халифа номини хутба намозидан чиқариб ташлашга кўрсатма берди. Тоҳирийлар шундай қилиб сўзда ўзларини халифаликнинг ноибидек кўрсатсаларда, амалда мустақил иш юритиш ҳаракатини бошлаб юбордилар. Бу борада диққатга сазовор томони шундаки, тоҳирийлар нафақат сиёсий мустақилликка интилдилар, балки хўжаликнинг кўпгина тармоқларини ўзлари хоҳлагандай тартибга солишга ҳаракатлар қилдилар. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида сув таъминотини яхшилашга катта эътибор қарата бошладилар. Катта-катта ариқлар, каналлар қазидилар. Сув таъминоти ҳақида фикҳшунос олимлар рисоалар ёзиб, бу ишни аниқ тартиб-қоидага биноан олиб бориш лозимлигини исботлаб бердилар. Шундай қилиб, мустақил давлатларнинг пайдо бўлиш учун замин пайдо бўлди.

873 йилда тоҳирийлар ҳукмронлиги ўрнига саффорийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Бу ўз навбатида Мовароуннахрнинг Хуросондан ажралиб, ўз мустақиллигини тиклаб олиши бўлди. IX асрнинг охири чорагида эса Мовароуннахр сомонийлар қўли остига ўтиб, мустақилликни янада мустаҳкамлаб олади. Сомонийлар сулоласининг энг йирик вакилларидан бири бўлмиш Исмоил Сомоний кучли давлат тузишга ҳаракат қилади ва бу ишни муваффақиятли равишда улдасидан чиқади.

Сомонийлар ўз давлатларини ўзларигача бўлган Шарқ давлатларининг бошқарув аъёнларини чуқур ўрганган ҳолда, уларга суяниб, замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиб бошқаришга ҳаракат қилдилар.

Мовароуннахр деб аталадиган бу ҳудудда мустақил давлатларнинг ташкил топиши уларда сиёсий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва маданий ҳаётнинг равнақига катта таъсир кўрсата бошлади.

олиб келди. Такашнинг ўлиmidан кейин Хоразм тахтига унинг ўғли Алоуддин Муҳаммад ўтирди (1200-1220). 1203 йилда Муҳаммад қорахитойларнинг ёрдами билан Хуросонни бутунлай босиб олди. Ҳиротни ва яқин атрофларини эгаллади, 1207 йилда у ўз пойтахтига қайтиб, Мовароуннаҳрни босиб олиш учун тайёргарлик кўра бошлади. Шу йилнинг ўзидаёқ Муҳаммад Мовароуннаҳрга катта куч билан ҳарбий юриш бошлади. Бунинг сабаби Бухорода кўтарилган халқ кўзғолони эди. Бу кўзғолон 1206 йилда Бухоро садри (ҳокими) Муҳаммад ибн Абдулазизга қарши қаратилган эди. Бухоро садрларига хос барча ёмон хислатлар бу одамда мужассам эди. У халқдан катта солиқлар олиб уларни шафқатсизларча эзар эди. У диний раҳбар бўлишига қарамасдан айт-ишратга, овга муккасидан кетган эди.

Бухорода унинг зулмига қарши халқ ҳаракатининг асосий кучлари шаҳар ҳунармандлари эди, қишлоқ аҳолиси — деҳқонлар бу ҳаракатни қўллаб-қувватлади. Бу кўзғолоннинг бошлиғи қалқон ясовчи устанинг ўғли Малик Санжар исмли шахс эди. Кўзғолончилар садр Муҳаммадни қувиб иқардилар. У қорахитойлардан ёрдам сўради. Лекин Хоразмшоҳ Муҳаммад қорахитойлардан олдинроқ ҳаракат қилиб, Бухорони босиб олди ва шу тариқа Мовароуннаҳрни Хоразм таркибига қўшиб олиш бошланди. Кўзғолончиларнинг бошлиғи Малик Санжар Урганчга олиб кетилди.

Мовароуннаҳр халқи Хоразмшоҳни қорахитойлар зулmidан қутқарувчи куч сифатида қарши олди. Муҳаммад Хоразмшоҳ қорахитойларнинг вассали бўлган Самарқанд ҳокими (қорахонийлар сулоласидан) Усмон билан дўстона муносабат ўрнатди. Бу эса қорахитойларнинг Самарқандга юриш қилишига олиб келди ва улар шаҳарни босиб олдилар. Бу вақтда мўғул қабилаларидан бири бўлган найманлар қорахитойларнинг Етгисувдаги ерларига бостириб кирдилар. Шунинг учун қорахитойлар шошилинич равишда орқага қайтишга мажбур бўлдилар.

Қорахитойларнинг қийин аҳволга тушиб қолганидан фойдаланган Хоразмшоҳ Самарқандни эгаллаб (Усмон унинг вассалига айланди) қорахитойлар устига юриш қилди ва Талас водийсида 1210 йилда қорахитойлар қўшини устидан ғалаба қозонди. Бу ғалаба туфайли Муҳаммад Хоразмшоҳнинг аҳволи анча мустакамланди. Самарқанд ҳокими Усмон Хоразмшоҳнинг тўлиқ вассалига айланди ва унинг куёви бўлди.

Солиқларнинг ҳаддан ташқари ошиб кетганлигидан норози бўлган Самарқанд халқи 1212 йилда кўзғолон кўтарди. Катта қўшин билан Хоразмшоҳнинг ўзи Самарқандга кириб бориб кўзғолончилардан шафқатсизларча ўч олди ва куёви Усмонни ҳам ўлдирди. Шундан сўнг у Мовароуннаҳрдаги вазиятни ўз фойдасига ҳал этиш учун Фарғонани Усмоннинг укаси Қодирдан тортиб олди. Ўзган шаҳрини ҳам эгаллади ва шу тариқа қорахонийлар сулоласи бутунлай тугатилди. Қорахитойлар сулоласини эса кўчманчи найманлар Кучлуқ раҳбарлигида тугатдилар. Хоразмшоҳ Ўрта Осиёни бутунлай эгаллагандан сўнг Фарбга юриш қилди ва тез орада Эрон ва Афғонистонни босиб олди. Ҳаттоки Бағдод халифасини ағдаришга уриниб кўрди.

тўғон бузиб ташланди ва катта майдон сувга бостирилади. Бу қорахонийлар кўшини юришини қийинлаштирди ва Хоразмнинг пойтахти Гурганч (Урганч) ни талон-тарож қилишдан сақлаб қолди.

Лекин қорахонийларнинг бу босқини даврида Эларслон вафот этди. Ундан кейин Хоразм тахтини унинг кичик ўғли Султоншоҳ эгаллайди. Эларслоннинг катта ўғли Алоуддин Такаш қорахитойлар ёрдами билан укаси Султоншоҳдан тахтни тортиб олишга эришди. Султоншоҳ Хуросонга қочишга мажбур бўлди. Шундан сўнг Алоуддин Такаш (1172-1201) Хоразмда маҳкам ўрнашиб, қорахитойларга ваъда берган ўлпонни тўлашдан бош тортади. Унга жавобан қорахитойлар Хоразмга яна юриш қиладилар, лекин муваффақиятсизликка учраб, Султоншоҳ ихтиёрига бир кичик кўшин қолдириб ўзлари орқага қайтадилар. Султоншоҳ эса кўшин билан Марв шаҳрини, Серахс ва Тусни эгаллади.

Қорахитойларнинг муваффақиятсиз юришларидан кейин, Такаш ўз давлатини янада мустаҳкамлади. Мовароуннаҳрга, Хуросонга бир неча бор ҳарбий юришлар уюштирди. У Мовароуннаҳрни эгаллай олмаган бўлса-да, лекин Хуросоннинг бир неча туманларини босиб олди. Лекин Хоразмшоҳ Такашнинг Хуросонда кучли ва хавфли рақиби бор эди. Бу тобора кучайиб бораётган Ғурийлар давлати эди. Ғур вилояти ҳозирги Афғонистондаги Герируд дарёси бўйида, Ҳиротдан Балхгача, Қобулдан Фазнагача чўзилган вилоят бўлиб, бу ерда асосан форсий қабилалар яшаган. Сўнги салжўқийлар даврида Ғур вилояти ўз мустақиллигини анча мустаҳкамлади.

1150-1151 йилларда ғурийлар ҳокими Алоуддин Фазнавий сулоласи султони Баҳромшоҳ устидан галаба қозониб, Фазна шаҳрини вайрон қилган эди. Фазнавийларга сўнги зарбани 1186-1187 йилларда ғурийлар ҳокими Фиёсиддин Муҳаммад берди. Шундан сўнг ғурийлар ҳозирги Афғонистонни ҳамда Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубий худудларини

хам маълум вақт эгаллаб турдилар. Хуросонда салжўқийларнинг кучсизланганидан фойдаланиб, гурийлар султони Фиёсиддин Муҳаммад 1175 йилда Ҳиротни эгаллади ва Хуросоннинг марказий ҳудудларига ҳужумлар уюштириб турди. Қорахитойларнинг вассали ҳисобланган Хоразмшоҳ Такаш эса Хоразмни қорахитойлар қўлидан қутқариш учун катта куч сарфлашга мажбур бўлди. Фақат XII асрнинг 80-йилларида у Хуросоннинг баъзи бир ҳудудларини қўлга киритди. 1187 йилда у Нишопурни, 1192 йилда Рай шаҳрини, 1193 йилда Марв шаҳрини эгаллади. Бағдод халифаси Наср (1180-1225) ва Фарбий салжўқийлар султони Тоғрул II ўртасидаги низодан фойдаланиб, Такаш қўшинлари 1194 йилнинг март ойида Тоғрул II га қарши уруш очди ва уни енгиб Ҳамадон шаҳрини эгаллади. Тоғрул II эса жангда ўлдирилди.

Хоразмшоҳнинг тобора кучайиб бораётганидан хавфсираган халифа Наср қўшинлари Такашга қарши чиқдилар. 1196 йилнинг июл ойида хоразмликлар халифа қўшинларини енгдилар. Шу тариқа Эроннинг катта қисми Хоразмшоҳлар қўлига ўтди ва давлати, ҳудуди бирданига икки баравар кенгайди. Хоразм давлати энди Бағдод халифасига тегишли жойлар ва гурийлар билан чегарадош бўлиб қолди. 1200 йилда Такаш вафот этди ва шундан кейин Ироқда халқ кўзғолони кўтарилди. Бу ердаги Хоразм қўшинларининг катта қисми қириб ташланди, қолганлари Хуросонгача келишга мажбур бўлди. Хоразмшоҳлар ичида Такаш — энг талантили лашқарбоши ва ҳукмдор эди. У жуда оғир вазиятда Олд Осиё ва Ўрта Осиёнинг катта қисмини бирлаштириб қудратли давлат тузишга муваффақ бўлди.

Лекин Такашнинг катта хатоси шунда эдики, у ўзининг хотини Туркон хотун мансуб бўлган қипчоқлар қабиласига катта эркинликлар берди. Уларни доимо қўллаб-қувватлади. Туркон хотуннинг давлат ишларига аралашуви Хоразмдаги ички низоларининг кучайишига

Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Марв каби шаҳарлар илм-фан ва маданият марказлари сифатида шаклланиб ривожлана бошлади.

Ўрта Осиёда IX-XIII асрларда Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари ҳукм сурдилар. Бу давлатлар халқаро майдонда ўз мавқеи ва тутган ўрни жиҳатидан катта эътибор ва нуфузга эга бўлдилар. Аҳмад Наср, Исмоил Сомоний, Алптакин, Маҳмуд Ғазнавий, Тўғрулбек, Султон Санжар, Отсиз, Такаш сингари тadbиркор ва узоқни кўра оладиган давлат арбоблари даврида Ўрта Осиёда ҳаётнинг барча жабҳаларида юксалишга эришилди, давлат ҳокимияти мустақамланди, нисбатан тинчлик, осойишталик ва барқарорлик вужудга келди.

Тарихчи Абу Мансур ас-Саолобийнинг сомонийлар Бухоросига берган таърифи бутун Ўрта Осиё давлатларининг IX-XIII асрлардаги аҳволига тегишлидир: «... шон-шуҳрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ҳамда ўз даврининг фозиллари йиғилган (жой) эди». Ўрта Осиё ҳукмдорлари илм аҳли билан яқинлашдилар. Мамлакатни бошқаришда уларнинг билими ва маслаҳатларидан фойдаландилар. Ҳукмдорларнинг аксарияти бу даврда ўз саройларида олим, шоир ва уста санъаткорлар, турли соҳалар бўйича қимматбаҳо китобларни тўплашга одатландилар. Саройга жалб этилган олим ва шоирлар, кутубхоналардаги нодир қўлёзма асарлар билан мағрурланардилар.

Дамашқ, Қоҳира, Бағдод, Куфа, Басра ва бошқа шулар сингари катта шаҳарларда Ўрта Осиёдан бориб фан, маданият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган авлод-аждодаларимиз бу даврга келиб кўпая борди. Бағдод шаҳри Шарқнинг илм-фан маркази сифатида оламга танилди, чунки IX асрда бу ерда «Байт ул-ҳикма» — («Донишмандлар уйи») Шарқнинг фанлар академияси ташкил этилди. Бунга монанд ҳолда X аср

охирларида Хоразмда ҳам халифа Маъмун даврида (995-997 й.) «Донишмандлар уйи» — «Байт ул-ҳикма» — «Маъмун академияси» (Хоразм академияси) ташкил бўлди. Бу икки илм ўчоғларида Шарқнинг машҳур ва маълум олиму-алломалари таҳсил кўрганлар. Улар орасида Аҳмад Фарғоний, ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа буюк алломаларнинг номлари бор.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850) қадимги Хоразм диёрида туғилиб, вояга етади. Фоятда ўткир зеҳн эгаси ва ноёб қобилият соҳиби бўлган ал-Хоразмий ёшлик чоғидан бошлаб аниқ ва табиий фанларни ўрганишга қизиқди, араб, форс, ҳинд ва юнон тилларини эгаллади, бу тилларда ёзилган китобларни кунт билан ўқиб, мутолаа қилди. У дастлабки таълимни хусусий муаллимлардан олди ва сўнгра ўша даврнинг йирик маърифат марказларидан бири бўлган Марв мадрасасида ўқиди. Халифа Хорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмун халифалик тахтига ўтиргач (813 й.) у Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийни ўзи билан бирга Бағдодга олиб кетади ва у ерда ташкил этилган «Байт ул-ҳикма»га бошлиқ этиб тайинлади. Бағдодда у Сурия, Ироқ, Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳр олимлари билан ижод қилади.

Хоразмий математика, геометрия, астрономия, география, тарих илми ва бошқа фанлар соҳасида баркамол ижод қилди. Унинг «Ал Жабр вал муқобала» («Тенгламалар ва қаршилантириш»), «Ҳисоб ал-ҳинд» («Ҳинд ҳисоби»), «Китоб сурат ал-Арз» («Ер сурати ҳақида китоб»), «Китаб ат-Тарих» («Тарих китоби»), «Китоб ал-Амал Бил Устурлабат» («Устурлоб билан ишлаш ҳақида китоб») каби асарлари олимга жаҳоншумул шуҳрат келтирди. Хоразмий яратган 20 дан ортиқ асардан бизнинг давримизгача фақат 10 таси этиб келган.

Хоразмий ижоди меросида «Алжабр ва ал-муқобала» китобининг илмий аҳамияти ниҳоятда буюқдир. Бу китоби билан у математика тарихида биринчи бўлиб алгебра фанига асос солди. «Ал-гебра» атамаси ушбу китобнинг «ал-жабр», деб юритилган

қисқача номининг айнан ифодасидир. Хоразмий номи эса математикада «алгоритм» атамаси шаклида ўз ифодасини топди. Унинг «Ал-жабр» асари асрлар давомида авлодлар қўлида ер ўлчаш, ариқ чиқариш, бино қуриш, меросни тақсимлаш ва бошқа турли ҳисоб ва ўлчов ишларида дастуруламал бўлиб хизмат қилди. Хоразмийнинг бу рисоласи XII асрдаёқ Испанияда лотин тилига таржима қилинади ва қайта ишланади. Кейинчалик асрлар давомида Европа олимлари Хоразмий асарларини қайта-қайта ишлаб, у асосда асарлар ёзадилар. Хоразмийнинг арифметик рисоласи ҳинд рақамларига асосланган ўнлик позицион ҳисоблаш тизими Европада, қолаверса, бутун дунё тараққиётида буюк аҳамият касб этди, алгебрани мустақил фан даражасига кўтарди.

Олимнинг «Китоб ат-Тарих» («Тарих китоби») да Хуросон, Кичик Осиё ва Мовароуннаҳрнинг VIII-IX асрлар тарихига оид қисқа ва аниқ маълумотлар ўз ифодасини топган. Хоразмийнинг «Зиж» («Астрономик жадвал»), «Куёш соати ҳақида рисола» асарлари фалакиётшунослик фанининг ривожланиш тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Носир ал-**Фарғоний** 797-865 йилларида яшаб ижод қилган ватандошимиздир. Аҳмад Фарғоний ўз асарлари билан фан тарихида катта из қолдирди. У математика, география, астрономия, тарих соҳаларида ижод қилди. Аҳмад Фарғонийнинг ижодий фаолияти Бағдодда улуг мутафаккир олим Ал-Хоразмий раҳбарлигидаги «Байтул-ҳикма» билан боғлиқдир. У араб атамашунослигининг пайдо бўлиши ва илмий тараққиётга муносиб ҳисса қўшган. Бағдод ва Дамашқда расадхоналар қурилишида шахсан қатнашди. Аҳмад Фарғонийнинг китоблари дунёга маълум ва машҳурдир. «Китоб фи Усул илм ан-Нужум» («Фалакиёт илмининг усуллари ҳақида китоб»), «Фалакиёт рисоласи», «Фалак асарлари сабабияти», «Ал-Мажистий», «Илм-хайя», «Ал Фарғоний жадваллари», «Устурлоб билан амал қилиш ҳақида», «Ой, ернинг устида ва остида бўлганида

вақтни аниқлаш рисоласи», «Етти иқлим ҳисоби», «Устурлоб яшаш ҳақида китоб» асарларининг кўлэмалари Англия, Франция, Германия, Миср, Ҳиндистон, АҚШ ва Россияда сақланмоқда.

Аҳмад Фарғонийнинг бу асарлардаги илмий кашфиётлари бутун жаҳон фани ва маданиятига улкан ва муносиб ҳисса қўшди. У 812 йилда куёш тугилишини олдидан башорат қилиб берди, ернинг думалоқ эканлигини илмий далиллар билан исботлаб, бир хил фазо ёриткичларни ҳар хил вақтда кўрилишини, тугилишини ҳамма жойда ҳар хил кузатиш мумкинлигини изоҳлаб берди.

Аҳмад Фарғоний яратган илмий кашфиётлар натижалари қайси фан соҳасида бўлишидан қатъи назар ғоятда шиқ, пухта ва ниҳоятда мукамал бўлган. XII асрдаёқ олимнинг асарлари лотин тилига таржима қилинганлиги ва Европага тарқалганлиги бу фикрнинг исботидир. Европаликлар Аҳмад Фарғонийнинг «Ал Фраганус» деб атаганлар. Унинг асарларини лотин, немис, инглиз, француз, рус ва бошқа тилларга таржима қилганлар.

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад **Фаробий** 873 йилда Фороб (Ўтрор) яқинидаги Васиж шаҳарчасида таваллуд кўрган ва 951 йилда Дамашқда вафот этган.

Ўрта Осиёнинг йирик қомусий олимларидан бири, Шарқ уйғониш даврининг энг кўзга кўринган арбоби, Шарқ фалсафасининг отаси Фаробий аввал Фороб, Бухоро ва Самарқандда билим олди ва турли тилларни ўрганди. Бағдодга келгач фаннинг турли соҳалари бўйича билимларини чуқурлаштиришда давом этди. У илмий даражасини оширгач, фаннинг деярли барча соҳаларини эгаллаб 160 дан ортиқ асар ёзди. Фаробийнинг риёзиёт, фалакиёт, табоат, мусиқа, фалсафа, тилшунослик ва адабиётга оид асарлари бутун оламга машҳур бўлди. У ёзган «Аристотелнинг «Метафизика» асари мақсадлари ҳақида», «Тирик мавжудот аъзолари ҳақида», «Мусиқа китоби», «Бахт-саодатга эришув ҳақида», «Сиёсат ал-Мадания»

(«Шаҳарлар устида сиёсат юргизиш»), «Фозил одамлар шаҳри», «Масалалар моҳияти», «Қонунлар ҳақида китоб», «Тафаккур юргизиш мазмуни ҳақида», «Мантиққа кириш ҳақида китоб», «Фалсафанинг моҳияти ҳақида китоб» ва бошқа асарлар буюк олимнинг илм ва дунёқараш доирасининг беқиёс даражада кенглиги ва чуқурлигидан далолат беради.

Форобий фаннинг назарий ва фалсафий томонларини ёритишга ҳаракат қилган. У Платон, Аристотелнинг барча фалсафий, табиий, илмий асарларига, Птолемейнинг осмон жисмлари ҳаракати, Александр Афродийнинг руҳ ҳақидаги психологиясига оид, Галеннинг тиббиёт бўйича асарлари, Эпикур, Зенон, Евклид рисоаларига тақриз ва шарҳлар ёзди. Агар илм-фан ривождаги ўзининг қўшган буюк хизматлари учун Аристотел «Биринчи муаллим» унвонига сазовор бўлса, Форобий донишмандлиги, Аристотелни яхши билганлиги, қомусий ақли ва илм-фан тараққиётига қўшган катта ҳиссаси учун «Ал-муаллим ас-Соний — «Иккинчи муаллим», «Шарҳ Аристотели» деган муътабар унвон олди.

Форобийнинг «Инсон танасининг аъзолари ҳақида»ги рисоласи тиббиёт илмининг мақсад ва вазифаларини аниқлашга бағишланган. «Астрологиянинг тўғри ва нотўғри қоидалари ҳақида»ги рисоласида астрологларнинг руҳий ва ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни осмоний жисмлар ҳақидаги илмий тахминларига асосланган фаолиятини, ёлгон тасаввурлар ва уйдирмалардан фарқлаш зарурлигини таъкидлайди.

Олимнинг кўп жилдли «Муסיқа ҳақида катта китоб» асари муסיқа илмининг катта билимдони, созанда ва ажойиб бастакор ҳам бўлганлигини тасдиқлайди. У янги муסיқа асбобининг ихтирочиси ҳам бўлган.

Ўрта аср фанининг ривожини ва тараққиётида Форобийнинг илм таснифи бўйича олиб борган илмий ижодий ишлари ғоятда қимматлидир. У «Илмларнинг

келиб чиқиши ҳақида», «Илмларнинг таснифи ҳақида» ва бошқа рисоаларида ўша даврда маълум бўлган 30 га яқин илм соҳасининг тартиби, таснифи ва тафсилотини беради.

Форобийнинг илмий-фалсафий мероси халқимизнинг буюк маънавий бойлиги сифатида асрлар оша авлодлар учун муҳим ижод манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар **Наршахий** (899-959) Бухоро яқинидаги Наршах (ҳозирги Вобкент туманида) қишлоғида 899 йилда таваллуд топган. Наршахийнинг илмий асарлари тўғрисида маълумотлар жуда кам. Унинг фақат «Тарихи Бухоро» («Бухоро тарихи») асари бизгача етиб келган. Асар қўлёзма нусхаларда ва ҳозирги замон илмий тарихий адабиётларда «Тарихи Наршахий», «Тахқиқ ул-Вилоят» («Вилоят ҳақиқатини аниқлаш»), «Ахбори Бухоро» («Бухоро ҳақида хабарлар») каби номлар билан аталиб келинган. Асарнинг турли номлар билан аталишига ҳам сабаблар бор. Бу асарнинг Наршахий томонидан ёзилган дастлабки асл нусхаси сақланиб қолмаган. Унинг бизгача етиб келган қисми 1128 йилда Кува шаҳридан бўлган Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Кубовий араб тилидан форс тилига қисқартириб таржима қилган нусхасидир. Ундан кейинги йилларда ҳам Наршахийнинг асари бир неча таҳрирларга учраган, баъзи матнлари қисқартирилган ва сўнги воқеалар асосида тўлдирилган. Абу Наср Аҳмад Кубавий асар матнини қисқартириш билан чегараланмай, балки Табарий, Абу Ҳасан Нишопурийнинг «Ҳазоиқ ул-улум», Иброҳимнинг «Ахбари Муқанна» каби асарларидан фойдаланиб, уни тўлдиради. Ана шу тариқа, Бухоро тарихига Наршахий яшаб ўтган даврдан кейинги, 1178-1179 йиллардан 1220 йилларга қадар бўлиб ўтган тарихий воқеалар кириб қолган.

«Бухоро тарихи» асари ўзининг илмий аҳамиятини йўқотмаган ва ҳозирги кунда сомонийлар даври тарихи бўйича энг ноёб, қимматли асар ҳисобланади. Асарда Сомонийлар давлатининг сиёсий, иқтисодий, маданий,

ижтимоий ҳаётига оид маълумотлар келтирилган. Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолисининг араб босқинчиларига қарши Муқанна бошчилигидаги кўзғолони билан боғлиқ бўлган маълумотлар ҳам бу асарда маълум даражада ўз ифодасини топган. Наршахий сарой тарихчиси бўлганлиги сабабли ҳукмрон табақа сиёсатини ёқлаб, халқнинг ҳокимиятга чиқишини қоралаган.

Биз ўрганаётган давр IX-XII аср фан ва маданиятининг равнақини **Абу Райҳон Беруний**сиз (973-1048 й.) тасаввур қилиш мумкин эмас. У ўз замонасининг барча фанлари физика, математика, астрономия, геодезия, тарих, математика, география ва *бир неча бошқа фанларни пухта эгаллаган олим бўлган.* У 362 ҳижрий йили (973 й.) Хоразмнинг қадимги Кат шаҳрида туғилди. Ўша даврда Кат шаҳри Хоразмшоҳлар — Афригийлар сулоласининг пойтахти бўлиб, Ўрта Осиёнинг Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ давлатлари, Кавказ ва Шарқий Европа давлатлари билан боғлаб турувчи савдо ва маданий марказларидан бири эди. Афсуски, Берунийнинг замондоши Ибн Синоникига ўхшаган таржимаи ҳоли бизгача етиб келмаган. Шунинг учун у бошланғич таълимини кимдан, қачон олганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Аммо, бир нарса аниқки, у ёшлигиданоқ илм-фанга жуда ҳам қизиққан, қобилиятли, меҳнатқаш бўлган.

У ўз она тили хоразм тилидан ташқари яна бир қанча тилларни — сугдий, форс, ҳинд, юнон ва қадимги яҳудий тилларни ҳам ўрганган. У Ҳиндистонда бўлар экан, тез орада нафақат Ҳиндистон тарихи, маданияти, ҳатто санскрит тилини ҳам ўрганади. Хоразмдаги Маъмун академиясининг энг кўзга кўринган фаол иштирокчиларидан бирига айланади. Шу билан бирга у шоҳ Маъмун II нинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакат сиёсий ишларида ҳам фаол қатнашади.

Беруний Урганчда яшаган даврда Ибн Сино билан ёзишма олиб борган. Бизгача уларнинг савол-

жавобларидан 18 таси етиб келган. Бу ёзишмалар Берунийнинг табиат фалсафаси ва физика масалалари билан қанчалик қизиққанлигидан гувоҳлик беради. Савол-жавобларнинг мазмунида Аристотелнинг ақл билан ҳис этиш орқали чиқарган хулосаларига Беруний ўзининг тузатиш ва тажриба орқали аниқлаган хулосаларини қарши қўйган. Ибн Сино эса Аристотелни ҳимоя қилгани маълум бўлади.

Беруний Хоразмда яшаган вақтда ҳали жуда ёш бўлишига қарамай, Кат шаҳрида муҳим астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи асбоблар ихтиро қилган. Беруний 22 ёшида ўзи туғилиб ўсган ватанни ташлаб кетишга мажбур бўлади ва олдиниغا Райга, кейин Журжонга келади. Бу ерда машҳур табиб, астроном, файласуф Абу Саҳл Исо ал-Масихий билан танишади ва ундан таълим олади. Беруний ўзининг машҳур асарларидан бири бўлмиш «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарини Журжонда ёза бошлаган.

Тарихдан маълумки, 1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олади ва Берунийни ҳам Хоразмшоҳ саройидаги бир қанча олимлар қатори Ғазна шаҳрига олиб кетади. Беруний Ғазна шаҳрида 1017 йилдан то 1048 йилгача ҳаёт кечиргани маълум. Бу йиллар Беруний ҳаётида ўзига хос давр бўлади. Бир томондан гурбатда яшаган бўлса, иккинчи томондан илмий фаолиятда жуда ҳам маҳсулдор даври бўлади. Беруний фаолиятини ўрганувчи олимларнинг фикрича, бундай ҳол, яъни давлат ишларига аралашмаган, сиёсий фаолиятдан четлашган олим ўзининг бутун бўш вақтини илмий-тадқиқот ишларига сарфлайди.

Беруний табиат фанларининг ривожига бебаҳо ҳисса қўшган олимдир. У ўзининг илмий асарларида дунёнинг тузилиши ҳақида фикр юритганда Птолемей фикрига суянса ҳам, амалда ернинг ҳаракати ҳақида Птолемей тартибига зид келувчи фикрларни баён қилади. У «Геодезия» асарида геоцентризм билан боғлиқ бўлган баъзи назарияларнинг тўғрилигига шубҳа билан қараганлигини очиқдан-очиқ баён этади. Бу

билан у дунёнинг гелиоцентристик тузилиши ҳақидаги назариянинг ишлашига ҳисса қўшганлардан бири ҳисобланади.

Беруний ўз даврининг катта математиги ҳам бўлган. У математика масалаларига бағишланган асарларида геометрия, арифметика, алгебра, сонлар назарияси, тригонометрия тушунчаларини маълум тартиб билан таърифлайди. Ҳозирги замон тадқиқотчиларининг кўпчилиги Берунийнинг тригонометрия фанининг ривожига қўшган ҳиссасини жуда ҳам юксак баҳолашади. Улар Берунийни тригонометрияни математикада мустақил фан ҳисоблаган олим сифатида кўрсатмоқдалар.

Беруний 1030 йилда «Ҳиндистон» номи билан машҳур бўлган энг йирик асарини ёзади. Бу асар жуда катта аҳамиятга эга бўлган асар бўлиб, бу ҳақда жуда кўп Фарб ва Шарқ олимлари ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Берунийнинг бу асари устида 20 йил иш олиб борган Э. Заҳау унинг арабча танқидий тексти билан ингилизча таржимасини 1888 йилда Лондонда нашр эттиради. Ана шу олим «ҳиндшуносликда Берунийга тенг қеладиغان бирор олим на ундан олдин ва на ундан кейин бўлганлигини билмаймиз» — деган эди. Йирик арабшунос олим Р. Розен «Ҳиндистон» асари қадимги ва ўрта аср Фарб ва Шарқ адабиётида «мисли кўрилмаган» — деб баҳолайди. Ҳинд олимларидан Ҳамид Ризо эса «Ўрта аср ва янги замон муаллифларидан ҳеч бири ҳинд маданиятининг чигал масалаларини илмий руҳда тушуниш бўйича Абу Райҳон Беруний эришган ютуқларига эриша олмади. Берунийнинг «Ҳиндистон» асари классик намуна бўлиб қолиши билан бирга ўз муаллифининг қадимги ҳинд маданияти ва фанига тортиғидир» — деган эди.

Абу Али ибн Сино (980-1037) Бухоро яқинида жойлашган Афшона қишлоғида таваллуд топган. Отаси зиёли, ўқиган, билимдон киши бўлиб асли Балхдан бўлган. Ибн Сино ўша давр зиёлилар оиласида ҳукм сурган турмуш тарзи тизими бўйича «Куръони

карим»ни ёшлик чоғидан ёд ола бошлайди. Бу билан кифояланиб қолмасдан отаси унга фалсафа, ҳинд ҳисоби каби соҳаларни ҳам ўқита бошлайди. Ҳатто Абу Абдуллоҳ ан-Нашали деган кишини ўғлига мураббий қилиб олади. У ўспиринлик йилларида, 16 ёшида шунчалик чуқур шуғулланганки, ҳатто бирон-бир кеча ҳам тўйиб ухламаган экан. Фан асослари билан бундай шуғулланиш, кўп вақтлар давомида амалга оширган машаққатли бу меҳнат тез орада ўз самарасини беради, у 17 ёшидаёқ олим сифатида шаклланиб, табиб деган ном чиқара бошлайди. Мукофот сифатида сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига сазовор бўлади.

Биз кўриб чиқаётган давр сиёсий тарихи ўзига хос хусусиятларга эга эди. Бу вақтда икки сулола (Қорахонийлар ва Сомонийлар) тарих саҳнасида ҳукмронлик учун кураш олиб бормоқда эди. Мамлакатдаги бундай беқарорлик фан арбобларининг фаолиятига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмас эди. Ибн Сино ҳам ўша даврда Хоразмда фан ва маданият ҳомийси сифатида ном чиқарган Маъмун (999-1016) саройига боради. У ерда ўша давр машҳур олим, файласуфлари Абусахл Масихий, табиб Абул Хайир Хоммар, қомусий олим сифатида бутун дунёда тан олинган Абу Райҳон Беруний ва бошқа машҳур олимлар бор эдилар. Аммо олимнинг тинч ижоди бу ерда ҳам кўпга чўзилмайди. Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий эгаллагач у Ҳамадонга жўнайди. Ўша даврда Ҳамадон ҳукмдори Шамс ад-Давла деган киши бўлиб, у касал бўлиб қолади. Ибн Сино Бухоро амирини даволаганидек уни ҳам тузатиб юборади ва эвазига вазир этиб тайёрланади. Ўша даврда ҳам сарой фиску-фасод, исёнлар уяси эди. Ана шундай фиску-фасодлар туфайли у зиндонга ташланади. Исфакон ҳукмдори Алоуддавла Ҳамадонни босиб олгач у зиндондан озод қилинади.

Ибн Синонинг замондоши, унинг шоғирди Жузжонийнинг ёзишича у жисмоний жиҳатдан жуда бақувват бўлган. Бироқ шаҳарма-шаҳар дарбадарликда

юриш, юқорида қайд қилганимиздек, кечалари ухламасдан узлуксиз ишлаш ва таъқиб остига олишлар олимнинг саломатлигига таъсир кўрсатади ва у 428 ҳижрий йилнинг рамазон ойида, 1037 йилнинг июн ойида 57 ёшида вафот этади.

Ибн Сино ҳақиқий энциклопедик олим, ўз даврининг деярли барча фанлари билан муваффақиятли равишда шуғулланган ва уларга оид илмий асарлар яратган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асарлари қайд қилинган бўлса ҳам, замонлар ўтиши билан уларнинг кўпи йўқолиб кетган ва бизгача фақат 242 таси етиб келган.

Ибн Синонинг тоғларнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги жуда ажойиб фикрлари, минерология ва геология фанларига қўшган ҳиссаси жуда салмоқлидир. Жумладан, у минералларни тўрт гуруҳга бўлиб, уларнинг оригинал классификациясини таклиф этади. Бу классификация то XIX асргача деярли ўзгаришсиз сақланиб келди. Олимнинг минерология соҳасидаги ишларининг муҳимлиги таъкидланиб, 1956 йилда Ўзбекистонда топилган минерал Авиценит деб аталган.

Ибн Сино ботаника масалалари билан ҳам кўп шуғулланган. Чунки таъбабатда ишлатиладиган доривор моддаларнинг аксарияти ўсимликлардан олинади. Машҳур швед ботаниги Карл Линней (1707-1778) Ибн Синонинг ботаника соҳасидаги хизматларини таъкидлаб, тропик мамлакатларда денгиз сувида ҳам ўсувчи ва доимо яшил ҳолда қоладиган бир дарахтни Авиценна деб атади. Ҳам Фарбда, ҳам Шарқда «Авиценна» ва «Шайхур-Раис» номи билан шуҳрат қозонган бобокалонимиз ҳақиқатан ҳам мустақил Ўзбекистон ёшлари қалбида ўз тарихи ва бобокалонлари билан фахрланиш ҳис-туйғуларини уйғотади.

Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий (960-1041 й.) тахминан 860 йилда Самарқанд яқинида жойлашган Панжрудак қишлоғида туғилган. Шунинг учун ҳам шоирнинг тахаллуси шу туғилган қишлоғининг номидан келиб чиқиб Рудакий бўлиб ҳисобланади. Яна

бошқа манбаларда айтилишича, ўша даврда халқ чолғу асбоблари орасида «руд» номли мусиқа асбоби бўлиб, шоир уни чалишни жуда яхши ўрганган, шунинг учун ҳам шоир тахаллусини шу асбобдан олган деб ҳам ҳисоблайдилар.

Рудакийнинг таржимаи ҳолига бағишланган барча манбаларда унинг камбағал оиладан эканлиги, ёшлигидаёқ мусиқа асбобларини яхши чалишни ва ашула айтишни севганлиги қайд этилади. Ёш шоирнинг ўзи шеърлар ёзиши ва мусиқага бўлган бундай муҳаббати тез орада уни машҳур қилиб юборади. Бу даврда шеърият, айниқса, сарой шеърияти, қасиданавислик, яъни шахсга мадҳия ўқиб, кўкларга кўтариб мақташ кенг авж олган эди. Қасиданависликдан асосий мақсад, унинг моҳияти мақтов кимнинг шахсига қаратилган бўлса, ўша кишини шахсни улуғлаштириш бўлган. Рудакий эса маълумотларга қараганда, қасида тўқишга уста бўлган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, уни сомонийлар саройига таклиф қиладилар. У даврда ҳокимият тепасида Наср ибн Аҳмад турарди. Шу даврдан бошлаб, унинг ҳаётида сарой даври бошланади. Сарой ҳаёти ўзининг ўта мураккаблиги билан ажралиб турган, фиску-фасодларга тўла бўлган. Рудакий қариган вақтида саройдан қувилади ва қолган умрини ўзининг она қишлоғида фақирликда ўтказади. Саройдан қувилаётган пайтда унинг кўзига мил тортиб кўр қилинади.

Рудакий форс-тожик шеъриятининг асосчиларидан бири ҳисобланади. XI аср шоири устози Рашидийнинг айтишича, Рудакийнинг бир миллион уч юз минг байт шеъри борлиги ҳисоблаб чиқилган. Аммо бизгача минг байт, икки қисмда эллик рубоий, шеърлар, дoston ва бошқалар етиб келган холос. Бу асарларда шоир дўстлик, муҳаббат, яхшилик қилиш, бировнинг дилини оғритмаслик каби улуг инсоний фазилатларни улуғлайди. Доимо эзгулик қилишга чорлайди.

Рудакийнинг шеърляти ҳаёт лаззати, ҳаётнинг ўзи устод эканлиги, ундан кўп нарсаларни билиб, ўрганиб олиш мумкинлигини таъкидлайди ва шундай қилиш лозим эканлигини уқтиришга ҳаракат қилади. Ҳаёт таълими бутунлай бошқача таълим эканлигини, уни баъзида ширин, баъзида аччиқ эканлигини кўрсатади. Бундай таълимни ҳеч бир ўқитувчи бера олмаслигини уқтиради.

Ҳар бир киши олмаса ҳаётдан таълим,

Унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим.

Бизгача Рудакий қаламига мансуб «Калила ва Димна», «Даврони офтоб», «Синднома» каби поэмалардан парчалар етиб келган. Рудакийнинг асарлари ҳақида гап юритар эканмиз, унинг тили содда, кенг халқ оmmasига жуда ҳам тушунарли бўлганлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам у кенг халқ оmmasи орқали шухрат топган. Унинг асарлари ҳозирги ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

Маҳмуд Қошғарий фаоляти билан бевосита шуғулланувчи олимларнинг фикрича у зот 1029-1038 йиллар орасида Қашғарда туғилган. У ўзига тўқ, зиёли оиладан бўлиб, Қашғарда яхши билим олади. Ҳатто у Бухоро ва Нушопур шаҳарларида ўз билимларини кенгайтириб катта-катта олимлар билан суҳбатда бўлади. Маҳмуд Қошғарий яшаб ижод этган йиллар Қорахонийлар давлатининг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Маҳмуд Қошғарий жуда кўп сафарларда бўлади ва ўзининг асарлари учун бой маълумотлар тўплайди. Кўп йиллик изланишлар натижасида «Девони луғати турк» ва «Жавоҳири-наҳв» «Турк тили синтаксиси асослари» асарларини ёзади. Минг афсуслар бўлсинки, охириги асар ҳанузгача топилмаган. Маҳмуд Қошғарийни бутун илм оламига танитган «Девони луғати турк» асаридир. Бу китоб араб тилида ёзилган. Унда олим кўп йиллар давомида туркий қабиалар орасида олиб борилган кузатишлар асосида туркий тилларни қиёсий ва тарихий усуллар билан таҳлил қилган ва бу тилларнинг ўзига хос

хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилган. Олимларнинг фикрича, муаллиф ушбу тадқиқотида жуда кўп сўзларнинг этимологиясини аниқ ва тўғри изоҳлаб берган.

Асар икки қисм (муқаддима ва лугат) дан иборат. Олим асарга ўзи тузган дунё харитасини ҳам илова қилади. Бу ҳол асарнинг қимматини янада оширади. Харита доира шаклида чизилган бўлиб, унда мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, доvon, денгиз, кўл, дарё ва ҳоказолар номлари ёзилган. Харитада ёзилмай қолган номлар эса асар матнида берилган. Харита асосан ҳозирги Шарқий ярим шарга тўғри келади. Маҳмуд Қошғарийнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзган: «Румдан Мочингача бўлган... шаҳарлар ўрнини аниқлаш мақсадида уларнинг ҳаммасини ер шаклидаги доирада кўрсатдим».

Асарда турли уруғ-қабилалардан қипчоқ, ўғиз, татар, ямак, басмил, ябону, қай, бошқирт, қирғиз, уйғур, жамил, тару, ичроқ, тухси, яғмо, чигил, тангут, табғоч, шунингдек, форс, араб, хитой, рус халқлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Асарда булардан ташқари бир неча туркий тилдаги ҳикматли сўзлар берилган.

Маҳмуд Қошғарийнинг бу асарида Ўрта Осиё ҳудудидаги бир қанча шаҳарлар номларининг келиб чиқиши масалалари ҳам алоҳида кўрсатилган. Китобда туркий ёзув тўғрисида аниқ маълумотлар берилиб, 18 ҳарфдан иборат турк (уйғур) алифбоси ҳам кўрсатиб ўтилган.

Маҳмуд Қошғарийнинг бу китоби дунё халқларининг жуда ҳам кўп тилларига таржима қилинган. Асарнинг бунчалик катта аҳамиятга эга бўлиши муаллифнинг ҳаётни яхши билганлиги, турли билимларни пухта ўзлаштирганлиги ва асарни ҳаёт тажрибасига асослашиб ёзганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам асар ўз илмий қимматини бугунги кунда ҳам йўқотгани йўқ.

Қорахонийлар даврида яшаган яна бир ўз даврининг атоқли шоири, донишманд ва давлат арбоби **Юсуф Хос Ҳожибдир** (XI аср). Унинг таржимаи ҳоли, туғилган йили ва ҳаёти тўғрисида ёзилган бирон-бир асар сақланиб қолмаган. У қорахонийлар сулоласининг пойтахти Баласоғунда туғилган ва шу ерда ижод этган. Ҳозирги кунда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» — «Бахт-саодатга бошловчи билим» деб номланган дидактик, бадий-фалсафий асари бизгача етиб келган бўлиб, бошқа асарлари маълум эмас. Шоирнинг ўзи бу ишга роппа-роса 18 ой сарфлаган ва унга жуда ҳам пухта тайёргарлик кўрган.

Асар насрий муқаддимадан сўнг 77 байтдан иборат бўлган шеърӣй муқаддима билан бошланиб, 73 бобнинг мундарижаси берилади. Бошланғич боблар ўша давр анъаналарига биноан бошланиб, Оллоҳ ва Пайғамбар, ислом динининг фойдаси ва дунёвий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-илмий масалалар билан тугалланади.

Асар шунчалик кўп қамровлики, унда кўтарилган масалаларни оддий санаб ўтишнинг ўзи ҳам бир неча саҳифаларни ташкил этади:

Масалан: Етти сайёра ва ўн икки бурж.

Инсон фарзандларининг қадри билим ва тафаккурда.

Тилнинг фазилат ва манфаатлари.

Китоб эгасининг узри.

Билим ва ақл-идрокнинг фарқи тўғрисида.

Баҳад мадҳи.

Ой тўлдининг бахт ҳақидаги ҳикояси.

Ана шу санаб ўтилганлардан ҳам кўриниб турибдики, асарда шоир инсон масаласини ажратиб олади. Инсоннинг ижтимоий моҳияти, унинг ҳаётдаги ўрни, вазифаси ҳар томонлама таҳлил қилинади.

«Қутадғу билиг» асарида билим ҳақида алоҳида боб бўлиб, унда билимдан ҳеч бир зиён бўлмаслиги, у кишиларга фақат фойда келтириши, кишиларга билим қадр-қиммат, ҳурмат ва эҳтиром олиб келиши айтиб ўтилади. Шунингдек, асарда марказлашган давлатни мустаҳкамлашга қаратилган масалалар, низоларга чек

қўйиш каби ўша давр учун жуда катта аҳамиятга молик бўлган масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилади. Шу билан бирга, давлатни идора этиш йўллари, бунинг учун беклар бу йўлда ўз атрофига билимдон, ақлли одамларни тўплаши лозим эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шоир эл-юртни бошқариш асосида икки нарса ётади, деб таъкидлаган. Бири адолат кўрсатиш бўлса, иккинчиси, улардан марҳаматни аямасликдир. Юқорида қайд қилинганидек, шоирнинг бу асари дунё жамоатчилиги томонидан яхши қабул қилинган, энг яхши асарлар қаторидан ўрин олган.

IX-XII асрларда ислом дини ва сўфийлик

IX-XII асрларда ислом дини Ўрта Осиё халқлари давлатчилиги тарихида катта рол ўйнай бошлади. Мовароуннаҳрда бу давр араб халифалигидан мустақил бўлган давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши даври бўлган бўлса, ислом бу вақтда Шарқда кент тарқалиб жаҳон дини даражасига кўтарилади, мусулмон дунёсининг мафқурасига айланади. Араб тили давлат тили даражасига кўтарилади. Азалдан саводли бўлган, маданият даражаси юқори даражага кўтарилган халқ тез орада нафақат араб тилини, балки исломни ҳам чуқур ўрганиб араб тили ва шариат масалаларида китоблар ёзадиган олимларни етиштириб чиқара бошлади.

Халифаликдан ажралиб чиққан мустақил давлатлар сомонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар ва газнавийлар, хоразмшоҳлар даврида бу мустақил марказлашган давлатларни янада мустақкамлаш учун ислом динига, унинг таълимотига, тарихий аҳкомларига эътибор бир неча бор кучая бошлайди. Шаҳарларда масжидлару-мадрасалар қурилишига эътибор берила бошлади. Масалан, манбаларнинг дарак беришича, Бухорода дастлабки мадраса Ковушдўзлар тими яқинида барпо қилинади. Ҳатто

қонуншунослар учун ҳам махсус «Фақиҳлар мадрасаси» деган ихтисослаштирилган мадраса қурдирилган.

Бундай билим масканларида Куръони карим, ҳадис илми ва шариат асослари ҳар томонлама мукаммал ўрганилган. Табиийки, бу ерда билим олган ёшлар мустақилликни қўлга киритган ёш давлатларнинг асосий таянчига, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ўзларининг билимларини сарфлаганлар.

Ўша давр шаҳарлари орасида ислом дини таълимотини чуқур тарғиб қилишда Бухоро шаҳри алоҳида ўринни эгаллайди. Юқорида қайд қилинганидек мадрасаю, мактабларнинг борлиги бу ерда етук илоҳиёт фани намоёндаларининг етишиб чиқишига хизмат қилади. Шунинг учун бўлса керак, Бухоро шу даврдан бошлаб «Куббатул ислом» — «Ислом динининг гумбази» номи билан шуҳрат топа бошлайди.

Секин-аста марказлашган давлатнинг асосий мафкурасига айланган ислом дини бошқа диний қарашларни сиқиб чиқара бошлайди ва халқ оммасини итоатда ушлаб туриш учун қурол воситаси ролини ҳам бажара бошлайди.

Бу даврда ислом таълимотига бебаҳо ҳисса қўшган Имом ал-Бухорий ва Исо ат-Термизий каби кўплаб уламолар етишиб чиқдилар. Улар шу кунга қадар ҳадис илмининг энг кўзга кўринган, бутун мусулмон дунёси томонидан тан олинган алломалари даражасига кўтарилган зотлардир.

Имом Бухорий (809-870 йй.) Бухорода туғилиб, шу ерда биринчи билимларни олади. Сўнгра билимини янада чуқурлаштириш мақсадида Макка, Мадина, Бағдод, Дамашқ, Куфа, Нишопур каби шаҳарларга боради. Манбалардан бизга маълумки, Имом Бухорий ислом дини масалаларига бағишланган 20 га яқин асар ёзган. Шу китоблар орасида Бухорийнинг бутун дунёга машҳур қилган асари «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» («Ишончли тўплам») дир. Бу асар 160 қисмдан иборат бўлиб, 3450 бобни ўз ичига олади. Бухорий ҳадисларини тўплаш ва

баён этишда унинг ҳақиқийлигига асосий эътибор берган, унинг ҳақиқатга яқинлигини исботловчи далилларни келтирган ва шу асосда ҳадисларни классификация қилган олимдир. Унинг диққат марказида фаннинг инсон учун тарбиявий аҳамияти, унинг маънавий юксалиши, фозиллиги, донолиги, яхши ва ёмонни ажрата олиши туради. Умрининг охирида у ўз Ватанига қайтиб келади ва Самарқанд яқинида вафот этади. Мустақиллик йилларида бу улуг бобокалонимиз руҳини шод этиб, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан унинг вафот этган жойида улкан мажмуа-бино барпо қилинди. Ҳозирда у жой нафақат мамлакатимиз фуқароларини, балки бутун мусулмон дунёси аҳлининг зиёратгоҳ жойига айланган.

Имом ат-Термизий (824-892 йй.) Термиздан унча узоқ бўлмаган Буг қишлоғида туғилган. У ҳам Бухорий сингари Шарқнинг жуда кўп шаҳарларида бўлиб, ўз билимини оширишга ҳаракат қилади. Ат-Термизий ҳадислардан ташқари филология, тарихга оид асарлар ҳам ёзди. Унинг 10 дан ортиқ ёзган асарлари орасида номини бутун мусулмон оламига машҳур қилган асари «Жоме ат-Термизий» ёки «Сунан ат-Термизий»дир. Бу асар исломда уламолар томонидан ҳақиқат деб тан олинган машҳур ҳадислар тўпламидан биридир. Термизийнинг илмий мероси диний аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, ахлоқий, дидактика тарихида ҳам жуда катта ўрин эгаллайди.

Ислам динининг мамлакатда асосий дин сифатида тан олинishi, бошқа диний эътиқодларнинг оёқ-ости қилиниши, меҳнаткаш халқ оммаси турмуш тарзининг оғирлашиши улар орасида уларни юпатишга, оғирлигини енгил қилишга ёрдам берувчи ғояни қидиришга мажбур қила бошлади. Бу ғоя тасаввуф ғояси бўлди.

Тасаввуф, яъни сўфийлик ислом дини асосида шакланган диний-фалсафий оқим бўлиб, покланган, зоҳид, тақводорлик маъносини англатади. Унинг

асосида бу дунё лаззатларидан воз кечиш асосида Оллоҳга етиш, уни билиш, у билан бирлашиш йўлини қидириш ётади. Сўфийлик, Куръон ва шариат талабларини албатта сўзсиз бажариш, ўзини Худонинг кули деб билиш кабилар, ўз хоҳиши билан тозаланиб, Оллоҳга, руҳий маънавийликка сингиш орқали эришишга асосланади. Тасаввуф таълимоти асосида инсон фаолияти ва унинг камолоти ётади.

Тасаввуфда руҳни камолотга, унинг сўнгги мақсади Оллоҳга эришув йўллари тўрт босқичдан иборат: биринчи босқич — ШАРИАТ деб аталади, унда авваламбор, шариатнинг барча талабларини бажариш ва унга бўйсунуш талаб этилади. Иккинчи босқич — ТАРИҚАТ деб аталади. Унда мурид ўз шахсий истакларидан воз кечиб, ўзини пир ихтиёрига топшириши керак. Учинчи босқич — МАЪРИФАТ бўлиб, унда сўфийлар коинотнинг бирлиги Худода мужассам бўлишини, олам Худонинг эманциясидан, нурланишидан вужудга келишини, яхшилик ва ёмонликнинг нисбатини ақл билан эмас, қалб орқали англаб олишлари керак бўлади. Тўртинчи босқич ҲАҚИҚАТдир. Бунда сўфий шахс сифатида тугаб, Худога — мўлжалланган ҳақиқатга етишиши, Оллоҳга сингиб кетиши ва натижада абадийликка эришуви зарур. Бу жараён маълум давомли вақтни талаб этган. Махсус руҳий жисмоний ҳаракат, фаолият, сиғиниш, ибодатлар, оҳанглар ёрдамида амалга оширилган.

Тасаввуфнинг ижтимоий асоси шаҳарлардаги хунармандлар, майда савдогарлар бўлган. IX-X асрлардаёқ Ироқ ва Эронда унинг йирик вакиллари вужудга келади. Мовароуннаҳрда эса тасаввуф таълимоти X асрдан бошлаб ёйила бошлади. Ҳозирги Ўзбекистон худудида тасаввуфнинг ривожланишида Юсуф Ҳамадоний таълимоти муҳим рол ўйнайди. Манбаларда қайд қилинишича, Юсуф Ҳамадоний 1043-1049 йилда Эроннинг Ҳамадон шаҳрида туғилади. Дастлабки билимларини Ҳамадон ва Бағдодда олади. Имом Фаззолий каби буюк алломаларни тарбиялаб

вояга етказган шайх Абу Али Фарсадийга шогирдликка тушади. Юсуф Ҳамадоний умрининг катта қисмини Ўрта Осиёда ўтказган. У ҳунармандчилик-қосибчилик билан шуғулланган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, унинг таълимоти асосан ҳунармандлар орасида кенг тарқалган ва уларнинг манфаатларини ифодалаган. Юсуф Ҳамадоний сўфийлик илми бўйича кўплаб шогирдлар тайёрлади. У Бухорода махсус хонақо қурдириб, ўша ерда шогирдларга дарс берган. Ҳамадоний таълимотида ватанпарварлик ғоялари ўз ифодасини топган. Уни пир билган шогирдларидан 213 таси машҳур шайхлар бўлиб етишган эканлар. Ҳамадоний таълимотидан Ўрта Осиёда икки тасаввуф мактаби – Яссавийлик ва Нақшбандийлик келиб чиқади.

Ўрта Осиё ҳудудида биринчи вужудга келган сўфийлик оқими **Яссавийлик**дир. Бу оқимга 1105 йилда Ясса (Туркистон) шаҳрида туғилган **Аҳмад Яссавий** асос солган. Аҳмад Яссавий Бухорода Юсуф Ҳамадонийдан таълим олгач, яна она шаҳри Туркистонга қайтиб келади ва шогирдлар тарбияси масаласи билан шуғулланади. Мадраса ва хонақолар қурдиради. Яссавий таълимотининг асослари туркий тилда ёзишган «Девони ҳикмат» асарида баён этилган. У ўтроқ ва кўчманчи туркий халқлар орасида сўфийлик таълимотини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этган.

Яссавий тариқатининг бошқа тариқатларда бўлганидек, ўзига хос қоидалари бор. Улар: 1. Мурид ҳеч кимсани ўз шайхидан афзал кўрмаслиги, унга мутлақо таслимият изҳор этмоғи лозим. 2. Мурид шунчалик зукко ва идрокли бўлиши керакки, то ўз шайхининг барча румуз ва ишораларини мукаммал англай олсин. 3. Шайхининг барча аҳволи (сўзлари) ва аъфолари (ишлари) га мурид содиқ бўлиб, унга мутлақо муте ва мўтақид бўлмоғи лозим. 4. Мурид ўз муршиди (пири) нинг барча топшириқларини чаққонлик билан сидқидилдан бажариб, уни ҳамиша рози қилиб юрмоғи

лозим. 5. Мурид ўз сўзига содиқ, ваъдасига росиҳ бўлиб, ўз муршиди кўнглида ҳеч қандай шаку-шубҳа туғдирмаслиги зарур. 6. Мурид ўз ваъдасига вафодор ва сўзида устувор бўлиши керак. 7. Мурид ўз ихтиёридаги барча мол-мулкни, бутун бору-йўғини ўз шайхига нисор (бахшида) этмоқ учун доимо тайёр бўлмоғи керак. 8. Мурид ўз шайхининг барча сир-асроридан огоҳ бўлиб, унинг ифшосини (ошкор этишни) ҳеч вақт ҳаёлига келтирмаслиги керак. 9. Мурид ўз шайхининг барча таклифларини назарда тутмоғи, унинг мушкулотини осон қилмоғи, панду насиҳатларини бажо келтирмоғи шарт. 10. Мурид Оллоҳ висоли учун ўз шайхи йўлида бутун моли ва жонини нисор этмоққа тайёр туриши, унинг дўстига дўст, душманига душман бўлиб яшамоғи шарт.

Аҳмад Яссавийнинг фикрича **шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқат** бўла олмайди. Улар доимо бир-бирини тўлдиради. Бу йўл камолот йўли бўлиб, инсон ҳаётининг асл моҳиятини ташкил этади.

Юсуф Ҳамадонийнинг яна бир шогирди **Абдуҳолиқ Ғиждувоний** бўлган. Яссавий билан Ғиждувоний шу даражада иқтидорли шогирдлардан бўлишганки, кейинчалик улардан бири «Яссавия», иккинчиси «Нақшбандия» тариқатининг асосчилари бўлиб етишадилар. Ҳожа Абдуҳолиқнинг таржимаи ҳоли, туғилган ва вафот этган саналари аниқ. У 1103 йилда Ғиждувонда туғилиб, 1179 йилда ўз ватанида вафот этади. Ҳожа Абдуҳолиққа дастлабки саводни ўз туғилган юртида Имом Садриддин беради. Кейинчалик ўқишни Бухорода давом эттириб, юқорида қайд қилинганидек, Юсуф Ҳамадонийга шогирд тушади. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, устоз ва шогирднинг бир-бирларига ҳурмати, меҳр-оқибати шу даражада бўлган эдики, улар биргаликда Шарқнинг фан ва маданият ўчоқларидан бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Марв, Исфохон, Балх сингари шаҳарларга

борган эканлар ва у ерларда тасаввуф соҳасидаги ўз билимларини янада чуқурлаштирган эканлар.

Хожа Абдухолиқ Фиждувоний Шарқ фалсафа тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди. Унинг фалсафий дунёқараши тасаввуфдаги Хожাগон (Хожалар) ҳалқасида шаклланди. Агар бизгача Аҳмад Яссавийнинг «ҳикматлар»и мерос бўлиб қолган бўлса, Хожа Абдухолиқ Фиждувонийдан «Рисолаи Соҳибия» «Рисолаи Шайхшшуюк Ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний» каби асарлар мерос бўлиб қолган. Аммо бу асарлар ҳали яхши ўрганилмаган ва кенг халқ оммаси орасида тарғиб қилинмаган. Хожа Абдухолиқ Фиждувоний устозидан кўп нарсаларни ўрганар экан, ўзи ҳам кўп ҳолларда мустақил фикр юритиб, баъзи масалаларда ўз йўлини шакллантиришга ҳаракат қилган. У зикр айтиш усули бўйича «Зикри Хуфия», «Зикри дил» амалини тарғиб қила бошлаган. Хожа Абдухолиқнинг устози Юсуф Ҳамадоний ўша вақтда ўз саҳобалари билан «Алония» зикр тушиш амалига амал қилган. Хожа Абдухолиқ Фиждувоний юқорида қайд қилинганидек, «Хожাগон» (Нақшбандия) тариқатининг асосий қонун-қоидаларини ишлаб чиққан буюк алломадир. Унинг асарлари, ҳаёти, қилган ишлари бутун турк оламида алоҳида ўрин эгаллаб, маънавий ҳаётда ўчмас из қолдирган.

Нажмиддин Кубро (1145-1221 йй.) — тасаввуф таълимотининг Ўрта Осиёдаги йирик вакилларидан бири. Сўфийликдаги Кубровия оқимининг асосчисидир. Хивада туғилиб, Миср, Табриз ва Ҳамадонда илм олган. Кўҳна Урганчга қайтиб, ўз таълимотини ривожлантириб, шу ерда янги сўфийлик оқимиغا асос солади. У «Фавоих ал-Жамол ва фовотих ал-Жалол» («Жамолининг муаттарлиги ва камолотнинг эгалари»), «Ас-усул ал-ашара» («Ўнта қонун ва қоидалар») номли қатор рисола ва асарлар ёзиб, ўз таълимотини такомиллаштиришга эришди. Кубровия тариқатининг асосини 10 тадан иборат қонун-қоидалар ташкил этади. Уларга асосан «тавба», «зуҳд» («мол-

дунёдан воз кечиш»), «таваккал» («Оллоҳ йўлида»), «қаноат», «узлат», «доний зикр», «таважжуз», «сабр», «мууроқба» («камолот топиш») ва «ризо» (халққа етишиш) каби қоидалар қиради. Кубровия тариқати Яссавия тариқатидан фарқ қилиб, тарки дунёчилик рад этилади. Унда камолот йўлида олиб бориладиган машаққатли меҳнат жараёнида бу дунё нознеъматларидан баҳраманд бўлиш кераклиги илгари сурилади. Бу таълимотда ватанга, халққа бўлган муҳаббат ғояси ниҳоятда кучли бўлиб, ҳар қандай оғир шароитда ҳам халқ билан бирга бўлиш, ватан ҳимояси учун курашиш, унинг мустақиллигини сақлаш зарурлиги даъват қилинади. Ўз ғоясига содиқ Нажмиддин Кубро ватан ҳимояси йўлида шаҳид бўлди ва жасорат намунасини ўз муридларига кўрсата олди.

Меъморчилик ва санъат

IX-XII асрларда ўлкада марказлашган йирик давлатларнинг шаклланиши ва уларнинг ривожини, давлатчиликнинг мустақамланиши, маънавий ҳаёт, илм-фаннинг ривожланишигагина эмас, балки моддий маданиятнинг ҳам ривожланишига асос бўлди. Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Узган ва Марв каби шаҳарларда саройлар, масжид, мадрасалар, миноралар, мақбаралар, тим ва қарвонсаройлар кўплаб қурила бошлади.

Бу давр Ўрта Осиё меъморчилигида ижтимоий шароитдан келиб чиқиб, қурилиш материали сифатида пахса, хом гишт ва пишиқ гишт ҳамда боғловчи элемент сифатида ганчдан фойдаланиш кенг йўлга кўйилган эди. Бу вақтда синч қадаб қуриладиган уй-жойлар ва умум аҳамиятга эга бўлган бинолар, саройлар, масжидлар, мадрасалар қурилишида ёғоч ҳам муҳим ўрин эгаллар эди.

X асрларга келиб бинокорликда қурилиш тартиби ҳам ўзгара бошлади. Маҳобатли қурилишда томи гумбаз билан ёпилган куб шаклидаги бинолар муҳим аҳамиятга эга бўла бошлади. Бухорода қурилган

Исмоил Сомоний қабри устига пишиқ ғишт билан қурилган гўзал мақбара фикримизга мисол бўла олади. Бу бино тўртбурчак шаклида бўлиб, томи гумбаз қилиб ёпилган. Тўртбурчақдан найзали равоглар ёрдами билан саккиз қиррали шаклга ўтилган. Шу билан бирга бу бино тўрт фасадлидир. Унинг тўрт тала томони ҳам бир хил, олд томонидек безатилган. Оддий қилиб айтганда, бинонинг олди, ёни ва орқа томони йўқ. Ҳамма томони бир хилда безатилган. Исмоил Сомоний мақбарасини қуришда ва безатишда араблардаги ўша давр учун хос бўлган меъморий хусусиятлардан ҳам кўп фойдаланилган. Масалан, бинонинг ташқи бурчақларига устунлар ўрнатиш. Бино ичидаги бундай шаклдаги, шунингдек, думалоқ манзарали майдонлар ҳам исломгача бўлган ёдгорликларда учрайди.

IX-X аср меъморчилигининг ривожланиш йўллариининг сақланиб қолганлигини кўплаб масжидлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Ёзма манбаларда қайд қилинишича, сомонийлар давридаги кўпгина масжидлар ўз вақтида арабларгача бўлган ибодатхоналарнинг масжидга мослаштириш асосида қурилган. Улар бир хонали бўлиб, масжиднинг томлари устунга таяниб турган. Масжидларнинг томи одатда гумбаз шаклида бўлган. Масжидларда, айниқса, меҳроблари шакли, ёзувли қилиб қирқилган ғиштлар, ўйма ганчлар ва ҳатто тилла сувлар билан безатилган. Бу даврга оид масжидлар тўғрисида сўз юритилганда, Бухородаги Мағоки Атторон, Пойқанд масжиди, Термиздаги Чорустун, Шаҳристондаги Чилдухтарон масжидларини қайд қилиш мумкин. Бу ёдгорликлар Ўрта Осиёда диний меъморчиликнинг ривожланиш йўллариини кузатиш имкониятини берди.

Наршахийнинг ёзишича, амир Наср ибн Аҳмад Бухоро Регистонида ўзи учун катта сарой қурдирган ва унинг қурилишига катта маблағ сарфлаган. Бу сарой ғоят гўзал бўлган. Саройнинг олдида эса девонлар учун бинолар қурилган. Амир ва ҳокимлар саройи Нишопур, Марв, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам бўлган. Бу саройлар ўзларининг катталиги ва гўзаллиги билан

ажралиб турган. Кўп ҳолларда бундай саройлар хушманзара жойларда, боғлар ичида бунёд этилган.

Саройларнинг гўзаллигини Термиз шаҳридаги сарой мисолида кўриш мумкин. Бу сарой тўлиқ очиб ўрганилган. Сарой шаҳар мудофаа деворларидан ташқарида, боғлар орасида жойлашган ва 10 гектарга яқин майдонни ишғол этган. Сарой мудофаа деворлари билан ўралган. Сарой ўзининг маҳобатлилиги, серхашамлиги ва бағоят гўзал, нафис безаклари билан одамни ўзига жалб қилади.

Сомонийлар даврига оид шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг уйлари тўғрисида ҳозир археология анча маълумотларга эга. Бу борада қадимий Самарқанд — Афросиёб, Хорашкент — Канка, Бинкент, Термиз, Марв, Даҳистон каби ўнлаб ёдгорликларда олиб борилаётган изланишларнинг натижаси диққатга моликдир. Афросиёбда бу даврга оид катта бир маҳалла очиб ўрганилган.

Сомонийлар даврида меъморчилик ўз тараққиётида катта ютуқларни қўлга киритган. Ўрта Осиё меъморлари бу даврда шундай ноёб бинолар, санъат дурдоналари бунёд этганларки, улар асрлар оша одамларни ҳайратга солиб келмоқда.

Қорахонийлар Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг бу ердаги маданий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди, шаҳарлар тараққий этди, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланди. Шаҳарлар ривожланиши билан шаҳар аҳолиси сони ҳам кўпайиб борди. Сомонийлар давридаёқ йирик шаҳарлар бўлган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв қорахонийлар даврида янада кенгайди. Бу шаҳарлар энди уч қисмли — арк, шаҳристон, работдан иборат шаҳарларга айланди. Уларда янги-янги ҳашаматли иморатлар пайдо бўлди. Бу иморатлар ўз тузилиши ва нақшлари билан ажралиб туради.

Қорахоний ҳукмдори Шамс-ул-Мулк Бухоро яқинида сарой барпо этди ва бундан ташқари Ҳазара қишлоғи яқинида Дингарон масжидини ва унинг ёнида Барат-и-Малик номи билан машҳур бўлган

карвонсарой курдиради. Бухоро шаҳрида 1127 йилда Қорахоний Арслонхон томонидан машҳур иморат — Минораи Калон барпо этилди. Вобкентда XII асрнинг охирида Бухоро садри Абдулазиз II томонидан қурилган минорани, Жарқўрғонда (Сурхондарё вилояти) қорахонийлар томонидан 1108-1109 йилларда барпо этган минорани, шунингдек, Бухородаги Намозгоҳни ва Атторий масжидини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Қорахонийлар даврида Самарқанд шаҳрида ҳам кўплаб бинолар барпо этилди. Афросиёбдаги археологик қазилмалар шундан далолат бериб турибди. Лекин мўғуллар истилосидан сўнг бу бинолар вайронага айланди.

Термиз шаҳри XI-XII асрларда анча ривожланди, янги мустаҳкам мудофаа девори қурилди, бу ерда барпо этилган Термиз ҳукмдорлари саройи айниқса машҳурдир. Бу саройни қазиб очган археологлар турли идишлар билан бирга афсонавий ҳайвонлар тасвирини ҳам топишди. XI-XII аср бошларида Хоразмда ҳам кўпгина бинолар қад кўтарди, жумладан Урганчдаги Фаҳриддин Розий ва Шайх Шариф мақбарасини, кўплаб карвон саройларни, Буронқалъа, Наифқалъа ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Биз ўрганаётган даврда меъморчиликдан ташқари бир неча сув иншоотларини қуриш ва унда йўнилган тош, пишиқ гилт, сувга чидамли қурилиш қоришмаларидан — бандлар, новлар, кўприклар, сардобалар ва қоризлар қурилган. Бу иншоотлар мамлакатда фан ва ишлаб чиқаришнинг ғоятда ривожланганлигидан далолат беради. 1,5 млн.м. куб сувни тўплаш имкониятига эга бўлган Хонбанди номли сув омборининг қурилиши фикримизнинг далили бўлиб хизмат қилади. Манбалардан маълум бўлишича, бундай сув иншоотларини қуриш учун сувнинг вертикал ва горизонтал босим кучларини ҳисоблаб чиқиш ва тоғда қурилганлиги учун тез-тез ернинг қимирлаб туриш кучларини ҳам математик йўллар билан ҳисоблаб чиқиш лозим бўлган ва бу иш муваффақиятли амалга оширилган.

Бу давр меъморчилиги билан бир қаторда унга боғлиқ бўлган наққошлик ва тасвирий санъат ҳам жадал суръатлар билан ривожланди. Иморатларни ўймакор устунлар ва тўсинлар, деворларни эса бўёқли, ганчкор нақшлар билан безаш кенг расм бўла бошлади. Секин-аста наққошлик санъатида одамлар ва ҳайвонлар тасвирларидан кўра мураккаб геометрия ва гулли нақшларга ўтила бошланди.

Наққошлик санъати қадимги Термизда жуда ривожланган эди. Бу борада Ҳаким Термизий мақбараси даврдан сақланиб қолган ўйма нақш парча айниқса қимматлидир. Унда Самарқанд усулини эслатувчи себарча шаклидаги ўзига хос услублар мавжуддир. Бу даврда хаттотлик санъати китобларни кўчиришдагина эмас, балки биноларни безашда ҳам кенг қўлланила бошланди.

IX-XII асрларда маданий ҳаётнинг яна бир таркибий қисмини ташкил этувчи мусиқа санъати ҳам ривожланди. Албатта, марказлашган йирик давлатларда иқтисод, халқларнинг турмуш-тарзи яхшилана боргани сари илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат билан бирга мусиқа ҳам ривожлана бошлайди. Албатта, ҳар ердагидек бу ерда ҳам байрамлар, тўйлар, халқ сайиллари мусиқа ва кўшиқларсиз ўтмаган. Бу ҳақда Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони лугати турк» асарида келтирилган маълумотлар диққатга сазовордир. Бу даврда қуйидаги мусиқа асбоблари бўлган: уд, танбур, қубуз, рубоб, най, сурнай, карнай, қушнай кабилар. Ана шу давр куйлари, кўшиқлари халқимизнинг куйларидан «Шошмақом» ва бошқалар учун асос бўлиб хизмат қилди.

Бу даврда шеърятнинг ғоятда тараққий этганлигини қайд қилган эдик. Шеърят доимо мусиқа билан, ўз навбатида мусиқа, мусиқашунослик фани билан узвий равишда боғлиқ ҳолда ривожланади. Ўша даврнинг буюк алломаларидан Ал-Форобий, Абу Али ибн Синолар мусиқа ва мусиқашуносликка катта эътибор бердилар ва ўзларининг нодир асарларини яратдилар.

Биз аجدодларимиз қолдирган буюк меросни IX-XII асрларда мамлакатимиз ҳудудида юз берган чуқур ижобий ўзгаришлар, илм-фан, маданиятнинг ривожланишини ўрганар эканмиз, уларнинг яратилишида ўзларининг буюк ҳиссаларини қўшган буюк алломалар, олиму фузалоларининг жаҳон цивилизацияси ривожланишига қўшган улушларини алоҳида таъкидлаймиз. Жаҳон маданияти ривожда уларнинг ўринларини аниқлаб олишимиз ва кўрсатишимиз вақти келди. Уларнинг ҳаммаси мустақил Ўзбекистонда ёш авлодни миллий ғоя, миллий мафкура, Ватанга муҳаббат, садоқат, ғурур руҳида тарбиялашда катта рол ўйнайди.

9-МАВЗУ. МЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ ВА ЗУЛМИГА ҚАРШИ КУРАШ. ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

Мўғул давлатининг ташкил топиши. Чингизхон ва Хоразмшоҳ муносабатлари

Мўғуллар ҳақида жуда кўплаб маълумотлар мавжуд бўлиб, улар мэнү (мэнва) номи остида Хитойнинг Тан сулоласи (618-908) солномасида илк бора тилга олинади. Мўғул атамаси ҳалигача ўзининг илмий исботига эга эмас. Улар Олтой ва Жанубий Сибирдаги туркий қабилаларга яқин ва қондош бўлганликлари эҳтимолдан холи эмас. Бу хусусда олимлар турли фикрларни билдирадilar. Мўғул этногенези ҳам мураккаб масала бўлиб, ҳар ҳолда элат сифатида улар XIII асрда юзага келган бўлишлари керак. X-XI асрларда эса асли Амур дарёси бўйларида яшаган 16 та уруғ-аймоқларга бўлинган татан (татар)ларнинг таркибий қисми сифатида уларнинг бир уруғидан алоҳида, мохэ (мўғул) қабиласи вужудга келган дейилади. Бу қabila тезда кучайиб 1135-39 йиллари Хитойга қатор ьришларни амалга оширишади. Ҳатто Хитой императорлари 1147 йили мўғуллар билан иттифоқ тузишга ҳам мажбур бўлишади.

XII аср ўрталарига келиб Байкал кўли атрофи, ҳозирги Мўғулистон ҳудудларида яшовчи туркий ва тунгус-манжур қабилаларининг кўпчилиги мўғуллар раҳнамоси Есугай баҳодир таъсирига ўта бошлайдилар. Лекин унга қарши турган татар, маркит қабилаларни бўйсундириш осонлик билан кечмайди. Есугайни татарлар зиёфат пайтида хиёнаткорона ўлдиришгандан сўнг, унинг ўғли бўлмиш Темучиннинг таъсири мўғуллар ичида кўтарила бошлайди. Темучин (1155-1227) (мўғулча, темир устаси) — кучли ва тадбиркор, айёр саркарда, пароканда қабилаларни турли йўллар билан ўз кўли остида мустаҳкам бирлаштирган шахс эди. 1186 йилда у бошқа бир мўғул саркардаси Жамуха ёрдамида ўзининг эски рақиби маркитларни

бўйсундиради. Баъзи маълумотларга кўра, бу ғалабадан сўнг мўғул нўён (ҳарбий бошлиқлар)лари ва навкарлари уни олқишлаб, мўғул ҳукмдори — хон, деб эълон қилишган экан. XIII аср бошида эса татарлар қабиласи устидан ғалаба қозонади. Темучин 1203 йили керайтларнинг хони Ўнгхонни мағлуб этиб, кўнғирот ва найманлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

Мўғулларни бирлаштириш чоғида Темучин кучли ҳарбий тузилмани ташкил этди. Унга кўра мўғул қабилалари мингликларга бўлинган бўлиб, у бутун бир бошли ҳарбий округ вазифасига тўғри келар эди. Округлар тепасига садоқатли кишилар қўйилар эди. Темучин жуда интизомли, садоқатли ва ўта жанговар ҳарбий тузилмаларни яратишга муваффақ бўлди. Уларни бошқаришни эса аввало, ўз ўғиллари — Жўчи, Чигатой, Ўгедей, Тули, хотини Бургэ-фужэн, сафдошлари Субутой, Жебэларга топширди. Ўз ҳокимиятини тўлиқ мустаҳкамлаб олгач Темучин 1206 йили мўғулларнинг умум қурултойи (қурултой ҳалқ хоҳиши деган маънони англатган) ни чақиради. Қурултойда у олий мўғул ҳукмдори — хон деб тантанали эълон қилиниб, унга бош шаман Теб-Тангрий «Чингизхон» деган фахрий ном беради. Чингиз сўзи тарихчи Рашидиддиннинг ёзишича, кучли, буюк деган маънони англатади.

Қурултойда одат бўйича Чингизхон ўз туғи — байроғини кўтарди, 10 та лавозим жорий этиб уни ўз яқинларига тақдим этади. Саҳродаги Қорақурум шаҳрини марказий пойтахт деб белгилади. Ўз қўли остидаги мансабларни эса 3 тоифага бўлиб, уларга аниқ вазифаларни бўлиб берди. Уларга Бооргу, Мухали, Наяа масъул бўлдилар. У ўз қўшинларини ҳам ислоҳ этди. Бутун Мўғулистон 95 та ҳарбий-маъмурий бирликка бўлинди. Янги мўғул давлати — Еке Мўнғол улус (буюк мўғул давлати), деб атала бошланди. Қурултойдан аввалроқ 1203 йилдаёқ ҳали бир тизимга эга бўлмаган қонунлар тўплами вужудга келиб, у ўз ичига ёрлиқлар (буйруқлар), ясоқ (қонунлар), билик (насиҳат) ларни олган эди. «Ясоқ» бизгача тўлиқ етиб

келмаган бўлиб, у турли кўринишларда, манбаларда қайд этилади. «Ясоқ» ўз ичига қуйидагиларни киритган: халқаро, шахсий, савдо ва суд ҳуқуқлари. Чингизхон тайин этган давлат бош ҳаками Шиқи-Хутухуга «ясоқ»қа қараб иш тутишни қатъий белгилаб берган эди. «Ясоқ» қонунлари мўғулларнинг қадимий урф-одатлари, анъаналари, мавжуд сиёсий тузум моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кескин ва жуда қаттиқ оҳангда, патриархал ҳарбий тузумни ўзида акс эттирган равишда тузилган эди. «Ясоқ» қонунларининг асосий йўналишлари қуйидагилардан бўлган:

1. Ҳукмдор (хон) «ясоқ»қа қатъий риоя этиши хусусида қасамёд қилиши ва унга амал қилиш, амал қилмагудек бўлса хонни умрбод қамаш мумкин бўлади;

2. Чингизхон мўғуллар орасида диний адоват келиб чиқмаслиги учун барчага тўла диний эркинлик беради. Рухонийлар солиқдан озод этилади;

3. Аёллар наслни давом эттирувчи бўлганликлари учун ҳам, уруш вақтида уларнинг гуноҳлари кечирилиши лозим;

4. Жазолаш даражаси сифатида ўлим жазосини энг кўп миқдорда қўллаш,

5. Босиб олинаётган мамлакатлар халқларига буткул раҳм-шафқат қилмаслик.

Чингизхон шахсий гвардияси сонини (кешиктан) 9000 кишигача етказди. Улар ҳар 3 кунда навбатчилик қилар, уларнинг ишини шахсан хон назорат қилар эди. 1204 йили уйғур алифбоси мўғул ёзуви учун қабул қилинди. Шунингдек, мустақил давлат белгиси бўлган муҳр (тамға), ҳамда тақвим қабул қилинди. Чингизхон 1209 йилда танғутларни, 1211 йилда уйғурларни, 1215 йилда эса шимолий Хитойни пойтахт Чжунду (Пекин) билан биргаликда ўзига тобе қилиб олди. Хитойдаги Цинь сулоласи тугатилиб, жуда катта ўлжа олинди. Хитой юриши вақтида юксак ҳарбий маҳорат ва урушнинг янги усуллари қўлланилди. Маданий жиҳатдан анча қолюқ мўғуллар кўп жиҳатдан уйғур ва мусулмон аҳли тажрибасидан кенг фойдаланишди.

Шарқий уйғурларнинг бошлиғи Эдикут (Саодатбек) Чингизхоннинг дўсти, маслаҳатчиси ва собиқ найманлар хони Таянхоннинг муҳрдори уйғур Тататун мўғулларни саводга ўргатар эдилар. Муслмон савдогарларининг зеҳни, тадбиркўрлигига Чингизхон доимо юқори баҳо берган эди. Шу билан бирга улардан кўпинча айғоқчилар сифатида ҳам фойдаланар эди.

Хитойни забт этган Чингизхон шу билан кифоя этиб қолмаслиги аниқ эди. Бадавлат Мовароуннаҳр савдо аҳли, ўлкамиз беҳисоб бойликлари, юқори маданиятли аждодларимиз яратган ажойиб меъморий бинолар, қолаверса қадимий юртимизнинг файзутаровати мўғулларни анчадан бери ўзига жалб қилаётганлиги маълум эди. Муслмон мамлакатларининг беҳисоб бойликлари тўғрисидаги афсонариновятларни эшитиб, текин ўлжа ва бойиш истагида бўлган мўғул ҳарбий зодагонлари Чингизхон бошчилигида зимдан ҳарбий юриш қилиш истагида турар эдилар. Чингизхон давлати ғарбда Қипчоқ чўллари, қорахитойларнинг кўчманчи Ғарбий Ляо (Си Ляо) ва Хоразмшоҳ ануштегинийлар давлати билан чегарадош эди. Шубҳасиз унинг ғарбдаги энг йирик ва кучли қўшниси ҳамда рақиби буюк Хоразмшоҳ ануштегинийлар давлати (1097-1231) эди.

1215 йили Дашти қипчоқ юришида Хоразмшоҳ мўғулларнинг Жўчи бошчилигидаги ҳарбий қўшинига дуч келади. Мўғуллар бу ерларда Чингизхоннинг буйруғига кўра маркит қабилаларига зарба бериш учун юриш қилган эдилар. Ўзаро тўқнашувдан сўнг мўғуллар Чингизхондан Хоразмшоҳлар давлатига нисбатан юриш қилиш хусусида ҳеч қандай кўрсатма олмаганликлари учун орқага чекиндилар. Жузжонийнинг ёзишича, султонни ҳар вақт ундан Шарқда жойлашган давлатлар қизиқтирар ва унинг Хитой томонига ҳарбий юриш қилиш нияти ҳам бўлганлиги аниқ эди. Лекин, Хитой Чингизхон томонидан ўша йили олинганлигини эшитган Султон бу ҳолни тасдиқлатиш ва қолаверса Чингизхон давлати хусусида аниқ маълумот олиб келиш мақсадида сайидлар авлодидан бўлмиш таниқли

зот Баҳовуддин Розийни ўз элчиси сифатида хон хузурига жўнатади.

Баҳовуддин Розий бошчилигидан элчилик гуруҳини Чингизхон Пекинда қабул қилиб, уларга ижобий муносабатда бўлади. Хоразм давлати элчиларига Чингизхон ўзаро икки давлат ўртасида тинчлик ва дўстлик ҳукмдорлик қилиши лозимлигини уқтириб, ўзини «Шарқ ҳукмдори», Хоразмшоҳ Муҳаммадни «Ғарб ерларнинг эгаси» деб таъкидлайди. Хитой ерларига эндиликда юриш қилиш ножоиз эканлигини англаган Хоразмшоҳ ўз диққат-эътиборини яна жануб ҳамда ғарб ерларига қаратади.

Аббосийлар халифалигига муваффақиятсиз юришдан сўнг, 1218 йили Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзининг янги пойтахти деб эълон қилган Самарқанд шаҳрига кириб келди ва хутба, тангалардан халифа номини чиқариб ташлаш хусусида фармон берди. Ўша йили Муҳаммад Хоразмшоҳ Чингизхон хузурига яна ўз элчиларини юборади. Бунга жавобан Чингизхон кечиктирмасдан қимматбаҳо совғалар ва моллар ортилган катта карвон билан ўз элчиларини хоразмшоҳлар Султонни хузурига юборади. Султонга мўлжалланган қимматбаҳо совғалар ичида Чингизхон ўлжа олган туя ўркачидек келувчи олтин бўлаги ҳам бор эди. Элчиларга хоразмлик таниқли савдогар Маҳмуд Ялавоч (Маҳмуд ал-Аромий) раҳбар этиб тайинланиб, яна 2 та одам бухоролик савдогар Алихўжа ва ўтзорлик Юсуф қанқалар элчилик рутбасига эга эдилар.

Султон Муҳаммад бу элчиларни 1218 йил баҳорида Бухоро шаҳрида қабул қилади. Элчилар Чингизхон Султоннинг зафарли юришларидан хабардор эканликлари, уни қудратли подшоҳ сифатида тан олиб «ўзининг энг ардоқли ўғиллари қаторида» кўришини баён этишади. Чингизхон ўз номасида куч-қудрати зафарини кўрсатиш маъносида Хитой ва қўшни мамлакатларни қандай куч билан эгаллаганлигини ҳам айтиб ўтади. Элчилар номаси шубҳасиз Султонга маъқул бўлмайди. Айниқса, мўғул давлатининг хони,

уни ўзининг «ўғли» қаторида кўриш, бу Шарқ устамонлигида қарам қилиш ёки ўз ҳомийлигини олиш деган маънони англатишни султон яхши тушунади. Элчиларга султон жавоби маълум эмас, лекин ўша тунда у ўз ёнига Маҳмуд Ялавочни чорлаб бор ҳақиқатни баён этишни, унинг хизматига ўтиб, махфий жосус бўлиб хизмат қилишни буюради. Ўз ҳаётидан хавфсираган Маҳмуд Ялавоч муаррих ан-Насавийнинг ёзишича, «Султон эшитишни хоҳлаган» маълумотни айтиб, Султон таклифига кўнади. Хоразмшоҳ унга қимматбаҳо жавоҳир совға қилиб, Чингизхон билан шартнома тузишга рози эканлигини билдиради.

Чингизхон Маҳмуд Ялавоч гуруҳи хизматидан, тўплаган маълумотлардан мамнун бўлади. Зеро, Ялавоч сохта «жосус» ролини ўйнаб, бор ҳақиқатни Чингизхонга етказган эди. Ўша йилиёқ, яъни 1218 йили, Чингизхон султон Муҳаммадга ўз миннатдорчилигини изҳор этиш ва ўзаро шартнома тузиш мақсаддида катта савдо ва элчилар қарвонини жўнатади. Улкан савдо қарвони 450 та мусулмон савдогари ва 500 та туяга ортилган қимматбаҳо моллардан иборат эди. Ўз давлати кудратини намоён этиш ниятида Чингизхон Танғут ва бошқа давлатлардан ўлжа олинган, жанубий Сибир ва Хитойдан талаб келтирилган ажойиб, сара моллар билан хуржунларни тўлдирган эди. Қарвон билан шунингдек, Чингизхон элчиси, мўғуллардан бўлган Ухуна ҳам бўлиб, у Хоразмшоҳга Чингизхон номасини олиб келаётган эди. Нома жаҳон фотиҳлигига даъво қилаётган Чингизхон номидан буйруқнамо оҳангда ёзилган эди. Унда «... биз бундан буён давлатлар ўртасида тинчлик ўрнатилишини буюрамиз...» дейилган эди. Нома Чингизхон очиқ-ойдин жаҳон эгаси бўлишга иштиёқли баланд эканлигидан далолат берар эди.

Ушбу қарвонда асли мовароуннаҳрлик бўлмиш Умархўжа Утрорий, Ҳаммоқ Мерокий, Фаҳруддин Дизақий Бухорий, Аминуддин Ҳаравий сингари савдогарлар қарвон сарбонлари ҳамда ўрда элчилари

эдилар. Карвон Урганч томон йўл олган эди. Лекин ҳоразмшоҳларнинг чегара вилояти Ўтрор ерларига кириб келиши биланоқ бу карвон ушлаб қолинди. Ўтрор ҳокими Иналхон (Инолчиқ, унинг форсий тахаллуси Ғойирхон эди) Туркон хотуннинг яқин қариндоши, Хоразмшоҳга яқин шахс эди. Иналхон, араб тарихчиси ибн ал-Асир, ан-Насавийларнинг ёзишича, Хоразмшоҳ ижозати билан бу карвонларни талашга буйруқ бериб, карвон аъзоларини жосусликда айблади ва уларни қириб ташлайди. Талаб олинган моллар Самарқанд ва Бухоро савдогарлари ўртасида тақсимланиб, Хоразмшоҳ ушбу савдо моллари пулини ўзига олади. Баъзи тарихий манбаларда эса Иналхон гарчи карвонни тўхтатиш буйруғини олган бўлса ҳам, ўз ҳолича уни қириб ташлаган деб ҳам айтилади. Нима бўлганда ҳам хоразмшоҳлар кўпол сиёсий хатога йўл қўйиб, элчиларни қирғин-барот қилдираддилар.

Чингизхон ислом оламининг душмани бўлиб қолмаслик учун шундай йўл тутди-ки, уруш бошланишига расман Хоразмшоҳ сабабчи бўлиб қолди. Ўзини эса «Олийжаноб ҳалоскор» деб ҳисоблади. Аслида эса уруш бўлишини у ҳар жиҳатдан хоҳлар эди. Албатта Хоразмшоҳ ҳам катта хатога йўл қўйган эди, лекин урушнинг сабабчиси ва бошловчиси у эмас эди.

Мўғуллар Хоразмшоҳ устига ҳарбий юриш қилишдан аввал, хоннинг буйруғига кўра ҳарбий сарқарда Жебе Етгисув ва Қашғар устига 1218 йил ҳарбий юришлар қилиб, Кучлук давлатини тор-мор келтирди. Мусулмонларни доимо таъқиб этиб келган Кучлукка қарши бош кўтарган Шарқий Туркистон ислом аҳли Жебени найманлар зулмидан озод этувчи деб қабул қилди. Зеро, Жебе мусулмонлар учун дин эркинлиги кафолатланишини эълон қилиб, мўғуллар ҳукмронлигини мустаҳкамлаган эди. Шундай қилиб мўғуллар Ўрта Осиёга ҳарбий юриш қилишдан аввал ўз захира кучларини мустаҳкамлаб Талас водийсигача бўлган ерларни ўз империялари таркибига қўшиб олдилар. Шундай қилиб улар бевосита хоразмшоҳлар билан чегарадош бўлиб қолдилар.

XIII аср бошларидан Хоразмшоҳ ануштегинийлар давлати юқорида таъкидланганидек, ўз ҳудудининг кенглиги, салтанат эгасининг нуфузи, халқнинг салоҳиятлиги, маданиятлиги, хўжалик ҳаётининг юқори савиялиги билан мусулмон оламида буюк давлат саналар эди. Ўзининг кўпроқ қангли-қипчоқ ҳамда туркманлардан иборат мунтазам қўшинига эга эди. (Маълумотларга кўра умумий қўшиннинг сони 400.000 га қадар етиб, бу мўғуллар қўшининга нисбатан 2 баровар ортиқ эди.) Давлат мусулмон оламида қабул қилинган қонун чиқарувчи даргоҳ ҳамда ижроия-депонлар тизимида бошқарилар, давлат бошлиғи султон ҳокимиятининг ҳуқуқлари ҳеч бир қонун-қоида билан чегараланмаган эди. Салтанатни ҳокимлар, ноиблар, вазирлар, лашкар бошлиқларидан иборат кучли ҳарбий аслзода гуруҳлар, муставфий (дафтардор ҳисобчилар), қозилар, садрлар ва бошқа кўплаб сарой мансабларидан иборат улкан аркони давлат доираси куршаб турар эди.

Ҳокимлар кўп ҳолда ўз билганича иш тутишар, солиқлар тўплашнинг ҳам аниқ тизими йўқ эди. Ҳашар йўли билан бирон-бир йўл, кўприк, қалъа ва бошқа иншоотларни қуриш (суҳра гирифтган) кенг тарқалган эди. Давлат аҳволи танг бўлганда кўп ҳолда иқтдорларга ишонч қоямас эди. Айрим вилоят ҳокимлари шахсан Туркон хотунга бўйсуниб, ўз билганларича иш тутар эдилар. Султон Муҳаммаднинг волидаси Туркон хотуннинг қўшин олий саркардалари бўлмиш қипчоқ саркардалари билан алоқаси мустаҳкам, ўзи шу қабилага мансуб бўлганлиги учун уларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб турар эди. Саркардалар, қўшин бошлиқлари, вазирлар, ҳокимлар кўп ҳолда унинг ижозати ва кўрсатмаси ила тайин этилар, улар ҳам ўз навбатида, аввало Туркон хотунга бўйсунар эдилар. Туркон хотун бошқа туркий қабиладан бўлмиш келини Ойчечак ва унинг ўғли, набираси Жалолиддинни ёқтирмас, бу икки аёл ўртасида давлатда ички сиёсий ихтилоф кучли эди. Хоразмшоҳ «фарзандлик меҳри ва ҳокимиятга олиб

келган шахс» сифатида онасининг сўзини икки қилмас, ҳамиша унинг фикрларига хоҳласа-хоҳламаса қўшилар эди.

Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзининг ён-атрофдаги (Гур, Хуросон, Мовароуннаҳр, Мозандарон, Озарбайжон ва бошқалар) унча кучли бўлмаган ерларни тезлик билан ўз қўл остида бирлаштириб, ўз ғалабаларига жуда берилиб кетган эди. Қорахитойлар устидан қозонилган ғалабадан (1210) сўнг эса, у ўзини мутлоқ енгилмас («Искандари Соний», «Султон Санжар», «Оллоҳнинг ердаги сояси» ва бошқа унвонларга эга) деб ҳисоблаб, ислом оламига эгалигини ҳам даъво қила бошлади. Унинг армияси сони гарчи сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этсада, бу қўшин ҳарбий интизоми унча мустаҳкам бўлмаган, салоҳияти анча паст, кўпроқ жанубликлардан олинган ёлланма қўшин эди. Ўз навбатида бу қўшин ватан мудофааси учун эмас, балки кўпроқ истило, талон-тарож, ўлжа олиш учун мўлжалланган қўшин эди. Ҳақиқатда Хоразмшоҳ кучли, ўзига муносиб келувчи рақиб билан кураш олиб боргани йўқ ҳисоби, бу эса юқорида қайд этилганидек ўз ҳарбий маҳоратига улкан аҳамият беришига олиб келган эди.

Жойларда ноиб ва ҳокимлик лавозимидаги Хоразмдан бўлмиш амалдорлар оддий халққа нисбатан кўпинча зўравонлик, тазйиқ ила муносабатда бўлар, бу эса Хоразмшоҳлар давлатига нисбатан аҳолининг норозилигига сабаб бўлар эди. Солиқлар миқдори бир меъёрда турмас, меҳнаткаш омманинг аҳволи анча оғир эди. Масалан, 1219 йили Хоразмшоҳ хирож солиғини бир йўла уч маротабагача ундириб олишга буйруқ берган эди. 1206, 1212-йилларда Самарқандда ва Бухорода халқ ғалаёнлари зўравонлик ва солиқлар ошиб кетишига қарши қаратилган эди. Солиқлар ва зўравонликдан эзилган халқнинг Султон Муҳаммадга эътиқоди ва ишончи мўғуллар босқини арафасида сусайиб кетган эди. Шунингдек, султоннинг Бағдод халифалигига юриши ва ўз ҳолича термизлик сайидлардан бўлмиш Шайх Оламулк Термизийнинг халифа,

деб эълон қилиниши Мовароуннаҳр уламолари ичида ҳақли норозиликка сабаб бўлди. Таниқли мовароуннаҳрлик дин арбоби Шайх Мажиддин Бағдодийнинг таъқиб этилиши эса султон билан руҳонийлар орасида муносабатларни мутлоқ кескинлаштириб юборди.

Чингизхон ўзининг яхши тизимга асосланган айғоқчилар тармоғи орқали Хоразмшоҳлар давлатидаги ушбу аҳволдан бохабар эди. Шунингдек, у ушбу қадимий маданият ва юқори салоҳиятга эга Мовароуннаҳр аҳлини осонликча бўйсундириб бўлмаслигини ҳам яхши билиб, бўлажак маҳорабага жиддий тайёргарлик кўрди. Ўтрор воқеасидан аввалроқ Чингизхон кўшинларининг Еттисувга қилган ҳарбий юришлари султон Муҳаммадни ташвишга солиб қўйган эди. Гарчи Хоразмшоҳ катта кўшинга эга бўлса-да, ўзаро ихтилофлар, саркардаларга ишончсизлик, ўз ҳокимиятидан хавфсираш Хоразмшоҳ кўшинининг заифлашуви, интизомининг пасайишига олиб келган эди. Муҳаммад Хоразмшоҳ мўғулларга зарба бериш хусусида Урганчда ҳарбий кенгаш чақиради. Унда кўзга кўринган давлат арбоблари, аслзодалар, ҳарбий саркардалар иштирок этади:

Асли хивалик машҳур фикҳшунос ҳамда давлат арбоби Шаҳобиддин ал-Хивакӣй бор кўшинни Сирдарё бўйига тўплаб, узоқ йўл босиб келаётган мўғул кўшинига чегара бўйидаёқ ҳал қилувчи зарба бериш тўғрисида ягона ва ҳарбий жиҳатдан ҳақ фикрни билдирди. Шаҳзода Жалолиддин ҳам аслида шу фикрга қўшилган эди. Лекин, Хоразмшоҳ ўз саркардаларига, айниқса қипчоқ ҳарбийларига ишончсизлик билан қарар, катта кўшинни бир жойга тўплашдан, кўшин йиғилганда эса ўзини тахтдан ағдариб ташлашлари мумкин эканлигидан чўчир эди. Шунинг учун султон ва унинг онаси тазйиқи билан Кенгаш мудофаа усулига ўтишни маъқул деб топди. Жами 450 тага яқин шаҳар (қалъа) ва вилоятлардан иборат бўлмиш давлатда кўшин катта жангга кириб ватан шарафини ҳимоя қилиш ўрнига шаҳар ва қалъаларга бўлиб ташланди.

Баъзи марказий шаҳарлар, жумладан Бухоро ва Самарқанд мудофаасини мустаҳкамлаш зарур деган фикрга келинди холос. Аммо бу мудофаа ҳам яхши ташкил этилмади.

Чингизхон 1219 йили ўз ўғиллари бошлиқ 200 мингга яқин асосий ҳарбий кучлари билан анчадан бери пухта тайёрланган Хоразмшоҳ ануштегинийлар давлати устига ҳарбий юришни бошлади. Бу кучлар ёзни Иртиш дарёси бўйида ўтказиб, сентябр ойида чегарадан ўтади. Чингизхонга уйғур эдикути (хони) Баурчак, қарлуқлар хони Арслонхон ва Олмалиқ ҳукмдори Сигноқтегинлар ҳам ўз қўшини билан келиб қўшилдилар. Чегарадан ўтган Чингизхон ўз қўшини билан жанубий қозоқ қўлларининг Сирдарёга туташган жойидаги Ўтрор шаҳри яқинида тўплаб уни 4 қисмга бўлади.

Чигатой ва Ўқтой қўшинининг бир қисми билан Ўтрорни қамал этиб, эгаллаш учун қолдирилди. Иккинчи қисм эса Жўчи бошчилигида Сирдарёнинг юқори оқимидаги Жанд, Янгикент, Борчиглиқкент, Сигноқ шаҳарларини босиб олиш учун юборилди. Учинчи қисмидаги беш минг чоғли қўшинга Улоқ нўён ва Сукегу черби бош бўлиб Ўтрордан жанубга, Хўжанд ва Банокатни эгаллаш вазифаси топширилди. Чингизхон ўзи бош бўлган туртинчи, асосий қисм (унинг таркибида таниқли саркардалар Жебе ва Субутой ҳам бор эди.) Зарафшон воҳаси томон — Бухоро ҳамда Самарқандни истило этиш учун йўл олди.

Чегарадаги Ўтрор мустаҳкам шаҳар қалъа бўлиб, мўғулларга олти ой давомида мардонавор қаршилик кўрсатган эди. Ўтрор ҳокими Иналхон (Ғойирхон) қўлида 20.000 чоғли суворий бўлиб, Хоразмшоҳ унга ёрдам тариқасида 50.000 кишилик «лашкари бирун»ни ҳам юборган эди.

Қамал давомида қўшимча тарзда яна Қорача Ҳожиб бошчилигидаги 10.000 кишилик отряд ҳам юборилган эди. Ўтрор ҳокими жасур ва мард саркарда Иналхон

унга маҳорат билан бошчилик қилар эди. Аммо, айрим зотларнинг хиёнаткорлиги туфайли беш ойлик қамалдан сўнг Иналхон деярли бир ой давомида ўз отряди билан шаҳар қалъасида қаршиликни давом эттиради. Охир-оқибатда Иналхон деярли бир ўзи қолиб, қалъа томига чиқиб, қўлига тушган нарсаси билан мўғулларга ҳужум қилган. Мард саркардани мўғуллар тириклайин кўлга тушириб, Самарқандга Чингизхон ҳузурига юборганлар. Чингизхон эса манбаларнинг ёзишига кўра, «кумушни эритиб ўз ҳузурда саркарданинг қулоқ ва кўзига қуйишни буюрган». Иналхон шу тариқа ваҳшиёна равишда ўлдирилган. Ўтрор шаҳри ўз жасорати эвазига мўғуллар томонидан буткул бузиб ташланди. Бухоро йўналишида кетаётган Чингизхонга Зарнуқ (Зеринух) ва Нур қалбалари жангсиз таслим бўладилар.

Чингизхон 1220 йилнинг феврал оyi бошларида (баъзи адабиётларда 7 февралда дейилади) Шарқнинг қадимий гўзал шаҳри, Шарқдаги ислом дини тумбази, «бутун мусулмон шаҳарлари онаси» номини олган «Исломиий илмлар маркази» Бухоро яқинида пайдо бўлди. Уч кунлик шаҳар қамали бошланди. Бухорода бу пайтда 12.000 лик шаҳар гарнизони ва 20.000 кишилиқ «лашқари бирун» мавжуд эди. Лашқарларга нуфузли саркардалар Ихтиёриддин Қўшлу, Инанчхон Оғулҳожиб, Ҳамид Пура Қорахитой, сукончхон, мўғуллардан қочиб ўтган уйгур саркардаси Кўкхон (Гўрхон) бош эдилар.

Саркардалардан Инанчхон базўр Амударёдан ўтиб қутулишга муваффақ бўлади, Ҳамид Пура Қорахитой мардонавор жангда ҳалок бўлади, қолган-қутган ҳарбийлар Бухорога қайтиб чекинишга мажбур бўладилар. Аҳли Бухоро ўз ҳимоячиларидан айрилгандан сўнг, шаҳар аҳли жонини саломат сақлаб қолиш ниятида шаҳарликлар маслаҳатлашиб Бухоро қозиси Бадриддин қози бошчилигидаги бир гуруҳ оқсоқолларни Чингизхон ҳузурига юборадилар. 10 феврал куни Бухорога мўғуллар кириб келадилар.

Аксарият шаҳарликлар ўз қаршиликларини давом эттирадилар, туңда эса яширинча аскарларга ёрдам бериб, мўгул аскарларига қарши ҳужумлар уюштирдилар. Чингизхон бунга жавобан шаҳарни ёқиб юборишга буйруқ берди. Кўкхон бошчилигидаги 400 та мудофаачилар Бухоро аркида яна 12 кун қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар. Аркни эгаллаш учун қилинган мўгуллар хатти-ҳаракатлари зое кетди. Қалъадаги чуқурликлар одам ва ҳайвон ўликлари билан тўлиб кетди. Кўкхон ва у бошчилигидаги мудофаачилар қаҳрамонона ҳалок бўлганларидан сўнгина арк эгалланди. Бухороликлар қаршилиги мўгулларни қаттиқ ғазаблантирди. Бу жасорат эвазига мўгуллар шаҳар аҳлидан 30000 чоғли кишини қириб ташладилар. Келиб чиқишидан қатъи назар қолган аҳоли кулликка маҳкум этилди. Маърифатли, нозик таъб, маданиятли ва илмли Бухоро аҳли саҳроилар томонидан зулм ва таҳқирланиш гирдобига тортилди.

Бухородан сўнг Чингизхон Самарқанд томон йўл олди. 1220 йил март ойи бошида у Самарқандга етиб келиб, ён-атрофдаги қишлоқларни ер билан яксон қилди. Чингизхон Самарқандни эгаллашга алоҳида аҳамият берди. Самарқанднинг Мовароуннаър учун, Хоразмшоҳлар учун аҳамияти беқиёс эканлигини Чингизхон яхши билар эди. Шунинг учун уни эгаллашга катта эътибор билан қаради. Шаҳарда 110.000 кишилик ҳарбий гарнизон (ундан 60.000 таси кий, 50.000 тожиклар эди.), 20 та ҳарб илмига атиланган фил ҳам мавжуд эди. Султон Муҳаммаднинг аси Тўғайхон шаҳар ноибни бўлиб, шаҳар мудофаага мунча тайёр ҳам эди.

Шаҳар озик-овқат захираси, мудофаа истеҳ-ларининг пухталиги жиҳатидан бир неча йиллик талға ҳам чидаш мумкин эди. Ўз қароргоҳини улар босқини бошланиши биланоқ саросимада хга кўчирган Султон Муҳаммад ҳам Самарқанд юфаасига умид кўзи билан боқар эди.

Чингизхоннинг ўзи шаҳар ташқарисидаги Кўксарой гонидан туриб шаҳар қамалига бошчилик қилди. 0 йилнинг март ойининг бошларида шаҳар қаттиқ

қамал қилиниб, тўхтовсиз ҳужум бошланди. Қамалнинг 3-кунидан бошлаб шаҳар қамалига Чингизхоннинг шахсан ўзи бошчилик қила бошлайди. Қамалнинг бешинчи кuni уламо, зодагон, шаҳар ҳарбий бошлиқлари кейинги қаршилик мақсадга мувофиқ эмас ва оммавий қирғин бўлишининг олдини олиш керак, деган мақсадда мўғулларга таслим бўлишга қарор қиладилар. Шаҳар қозиси ва шайхулислом бошчилигида Чингизхон ҳузурига Самарқанд аҳли номидан элчилар таъриф буюрадилар.

Таслим бўлган шаҳарда мўғуллар қилган талон-тарошликлар туфайли «сайқали рўйи замин аст» деб улуғланган, шарқнинг буюк шаҳарларидан бири ҳисобланган, бир пайтлар гуллаб-яшнаб турган Мовароуннаҳр пойтахти ҳувиллаб қолади ва ер билан яксон қилинади.

Ҳукмдорнинг субутсиз ва масъулиятсизлиги, ҳарбий бошлиқларнинг ўзаро иттифоқ бўлмаганлиги халқ, мамлакат тақдирини ўз ҳолига ташлаб қўйиши оқибатида бу даҳшатли воқеа содир бўлган эди. Бу вақтда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ жанубда, Балхдаги ўз қароргоҳида туриб, воқеликни бифарқ кузатувчи сифатида ҳаракатсиз турар эди. Мўғуллар кириб келаётган вақтдаёқ унга Ироққа қараб чекинишни баъзи амалдорлар маслаҳат беришган эди. Кўпгина саргардонликлардан сўнг Султон Каспий денгизининг жанубидаги Ашуради оролига бориб ўрнашади. Ҳам жисмоний, ҳам руҳий, маънавий эзилган собиқ ҳукмдор бу ерда плеврит (ўпка қобиғига сув йиғилиши) касалига чалиниб, ўз ўғилларини ёнига чорлайди. Ўз гуноҳларига иқроор бўлган ҳолда ушбу оролда хорлик ва азоб-уқубат билан 1220-йилнинг декабр ойида вафот этади. Орадан бирмунча вақт ўтгандан сўнг Жалолиддин отасининг мурдасини тоғлиқ Ардаҳн қалъасига олиб бориб дафн этади. Ардаҳн мўғуллар томонидан забт этилгандан сўнг, ўз вақтида Султонни тириклайин қўлга тушира олмаган аламзада мўғуллар унинг мурдасини кавлаб олиб,

Ўгедейга (Ўктой) юборишган. Ўгедей эса унинг мурдасини ёқиб юборишни ҳамда кулини кўкка совришни буюрган. Шунингдек, хоразмшоҳларнинг ўз вақтида Султон томонидан Ардахнга яширилган энг қимматбаҳо 10 та сандиққа жойланган жавоҳирлари ҳам мўғуллар қўлига ўлжа бўлиб тушган эди.

Чингизхоннинг катта ўғли Жўчи бошчилигидаги мўғул босқинчилари режа бўйича Сирдарёнинг юқори қисмидаги ерларни эгаллаши лозим эди. Босқинчилар маълум муддатдаги қамалдан сўнг Сифноқ ва Борчилиғкент шаҳарларини эгаллаганидан сўнг мустаҳкам қалъа ҳисобланган Хўжандга ҳужум бошлайдилар. Мўғуллар 20.000 нафар қўшин ва 50.000 минг чоғли асирга тушган ҳашарчиларни Хўжанд атрофига йиғадилар. Хўжанд ҳокими Темур Малик асли туркий саркардалардан бўлиб, Хоразмшоҳлар давлатида ном чиқарган, Султон ва унинг оиласига таниш бўлган шахс эди. Мўғулларга қарши тура олиш мумкин эмаслигини сезган Темур Малик (малик — ҳоким маъносиди) тахминан 1000 нафар аскар билан Хўжанддан бир километр наридаги Сирдарёнинг мўъжазгина оролида жойлашиб олади. Қулай стратегик аҳамиятга эга бўлган оролга мўғуллар ўқлари, палахмон тошлари етиб бормас эди. Темур Малик буйруғига кўра 12 та қайиқ ясагилиб, ўқ ўтмаслиги, ёниб кетмаслиги мақсадида бу қайиқларнинг усти наमत билан қопланиб, сирка шимдирилган лой билан суваб чиқилади. Темур Малик узоқ вақт мудофаа учун эндиликда оролчада туриш мақсадга мувофиқ эмаслигини тушуниб, бор озиқ-овқат захираси ва аскарларини 70 та кемага жойлаб, тунда дарёнинг қуйи оқими бўйлаб сузиб кетади. Мўғуллар икки соҳил бўйлаб Темур Малик кемаларига тўхтовсиз ҳужумни уюштирар эдилар. Ҳатто Банокат бўйида дарёнинг у соҳилидан бу соҳилига занжир ҳам тортиб қўядилар. Узоқ, узлуксиз жанг билан улар Жандга қадар етиб келадилар. Мўғул саркардаси Улус Иди Борчилиғкент ва Жанд яқинида манжаниқлар (тош отар замбараклар)

ўрнатиб, қайиқларни бир-бирига туташтириб, жасур саркарда йўлини тўсади. Узоқ жанглардан сўнг Темур Малик Урганчга етиб келади ва Урганч ҳимоясида қатнашиб, Жалолиддиннинг озодлик курашида фаол иштирок этади. Кейинроқ, узоқ саргардонликлардан сўнг саркарда Темур Малик ўз юртига дарвеш сифатида келиб, қахрамонона равишда мўғул ҳарбийлари кўлида ҳалок бўлади. Чингизхон 1220 йилнинг ёзини Мовароуннаҳр жанубида ўтказмоқчи бўлди. Чунки у жануб шаҳарларини эгаллашга шахсан бош қўшган эди. Зеро, жанубда ҳали босқинчилар қадами етмаган бир қатор бой вилоят ва шаҳарлар мавжуд эди. Аввал у Наҳшабга бостириб борди. Шаҳарликлар мўғулларнинг мислсиз зўравонлик ва босқинидан яхши хабардор эдилар. Наҳшаб аҳли даҳшатга тушиб, шаҳарни мўғулларга ихтиёрий топширадилар.

Чингизхон ёзни Наҳшабда ўтказиб, 1220 йилнинг кузида Термизга юришни бошлади. Термиз Ҳиндистон ва Урта Осиё савдо йўллари туташган қулай ерда жойлашган бўлиб, унинг Амударё соҳилига туташган қальъаси ўз вақтида мустақкам равишда барпо этилган эди. Термиз ҳокими Фаҳриддин Ҳабаш мўғуллар босқинига мардонавор туриб жавоб беришга қарор қилди. Мудофаанинг ўн биринчи куни шаҳар эгалланди. Шаҳар буткул талон-тарож қилиниб, хонавайрон этилди. Шаҳар аҳли эса даштга ҳайдаб чиқилиб қириб ташланди. Мовароуннаҳрнинг асосий қисмлари — Сирдарё ҳавзаси, Зарафшон, Қашқадарё водийлари, Бухоро воҳаси, Шош ва Фарғона водийси эгаллангач, Чингизхон эндиликда ўзининг асосий эътиборини Хоразмшоҳлар давлатининг маркази Хоразм ўлкасига қаратди. Бу юришга ўғиллари Жўчи, Чигатой, Ўктой (Угедей) ларни масъул қилди. Айниқса, хон мусулмон Шарқининг энг катта шаҳри бўлмиш, маданият, савдо гуллаб яшнаган бой-бадавлат қадимги Урганч (Гурганж) истилосига катта аҳамият билан қаради. Ушбу юриш 1221 йилнинг бошида бошланди.

1221 йилнинг бошида «султон», деб эълон қилинган Жалолиддин ва шаҳзодалар Оқшоҳ, Ўзлокшоҳлар билан Урганчга келади. Лекин Урганчдаги сиёсий вазият, собиқ Жанд ноиб Кутлуғхоннинг унга қарши суиқасди, қипчоқ саркардаларининг хоинона ўзларининг тутишлари, Жалолиддинни шаҳар мудофаасига бош бўлиш фикридан қайтаради. Қипчоқлар уни ҳокимият тепасига келишини хоҳламас эдилар. Бундай вазиятда мудофаани ташкил этиб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолган эди. Ушбу воқеалардан сўнг Жалолиддин Темурмалик билан биргаликда 300 та киши билан шаҳарни тарк этиб Хуросонга йўл олади. Унинг ортидан эса, тез орада Оқшоҳ ва Ўзлокшоҳлар ҳам йўл олишади. (Жалолиддиннинг фаолиятини алоҳида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлгани учун кейинроқ бу буюк шахс фаолияти тўғрисида батафсил тўхталлинади).

Урганчда эса шаҳардаги қипчоқ саркардалари — Ўғул Ҳожиб, Эрбуқа паҳлавон, Али Даруғийний ва бошқалар Туркон хотуннинг жияни ёш Хумортегинни султон деб эълон қиладилар. Хумортегин лаёқатсиз, ўз фикрига эга бўлмаган, кўрқоқ шахс эди. Урганчга Чингизхоннинг ўғиллари Жўчи, Чигатой, Ўгедей, таниқли мўғул саркардалари Тулун черби, Устун нўён, Қозон нўён бошқалар ўз ҳарбий кучлари билан етиб келадилар. Хоразм Жўчи бошқаруви илкига тушганлиги учун ҳам, Жўчи шаҳарни тинчлик билан мўғулларга топширишни талаб этади. Лекин нима бўлганда ҳам жасур шаҳар ҳимоячилари мудофаага қатъий тайёргарлик кўриб жонажон шаҳарларини мўғулларга беришдан қатъий бош тортидилар. Пойтахт атрофини 100.000 дан зиёд мўғуллар кўшини билан ўраб олиш бошланди. Шаҳар деворларини бузиш учун манжаниқлар ўрнатилади. Мўғуллар шаҳарни қатта куч билан забт этишга киришдилар. Янги «султон» шаҳар мудофаасига бош бўла олмайди. 1221 йили бошидан бошланган Урганч қамали деярли 7 ой давом этади. Шаҳар аҳли мўғуллар қурол-яроғи, палаҳмон тошларни отувчи манжаниқлар замбараклардан чўчимай мардонавор курашга кирадилар. Найза ўқларидан кўрқмай шаҳар деворларининг бузилган ерларини қайта

тиклай бошлайдилар. Бир гуруҳ урганчлик ҳарбий навкарлар шаҳардан деярли 1 фарсаҳ узоқликдаги Боғи-Хуррам деган жойда мўғулларга зарба беришга ҳаракат қилиб, қаҳрамонона жанг қилдилар. Лекин, Жувайнийнинг ёзишига кўра, жангда кўшин ва қурол жиҳатидан устун мўғуллар жангчилар билан биргаликда 100.000 дан зиёд тинч аҳолини қириб ташлайдилар. Султон зобитларининг бошлиғи Фаридун Гурий ўзининг 500 кишилиқ ҳарбий отряди билан мардонавор шаҳар деворлари ва дарвозалари ҳимоясига бош бўлади. Лекин кўрқоқ «султон» Хумортегин шаҳар дарвозасини очиб бериб, ўз ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида хиёнаткорона равишда мўғулларга таслим бўлади. Истилочилар шаҳарга бостириб кира бошлайдилар.

Шаҳардаги жанглarda хоразмлик машҳур аллома, файласуф ва олим, «Кубровия» тариқатининг асосчиси Аҳмад ибн Умар Абул Жаноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хевақий (1145-1221 йй.) ҳам фаол қатнашди. Ўзига «Ё Ватан, ё шарофатли ўлим», деган ғояни шиор қилиб олган бу 76 ёшдаги буюк шайх мўғулларнинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифларини рад этиб, ўзининг беҳисоб шоғирд, дусту-ёрон, мухлису-сафдошлари билан шаҳар ички мудофаасида иштирок этади. Унинг жанговар чақириғига мувофиқ ҳар бир қарич ерни шаҳарликлар қаҳрамонона тарзда, бир томчи қонлари қолгунча ҳимоя қиладилар. Нажмиддин Кубро қаҳрамонона тарзда жанг қилиб, ўлим олдидан мўғул навқарига ташланиб уни аввал ҳалок қилиб, шаҳид бўлади. Шаҳар мудофааси чўзилиб, ҳатто Чингиз ўғиллари Жўчи ва Чигатой ўртасида ҳам ихтилоф чиқиб, уни эгаллаш бошқа бир ўғил Угедейга топширилади. Беҳисоб қон дарё бўлиб оқиб, бундан сўнгги ҳимоя бефойдалигини сезган шаҳарликлар қолганларнинг жонини сақлаб қолиш мақсадида таслим бўлишдан ўзга чоралари қолмайди. Шаҳар қўлга олинганда унинг асосий қисми бузилган, хонавайрон бўлган эди. Шундан кейин ҳам мўғуллар Амударё тўғонини бузиб, шаҳарни сувга бостирадилар.

Урганч қамали билан бир вақтда Чингизхон 1221 йилнинг баҳорида ўзининг эътиборини Амударёдан

жанубдаги йирик савдо йўллари устида жойлашган бой маданият марказлари бўлмиш Балх, Ҳирот, Фазна, Қандаҳор, Нишопур ва бошқаларга қаратди. Чингизхон шахсан Балх юришига бошчилик қилиб, шаҳарни забт этиб, Балх аҳолисини қириб ташлади. Баъзи, бир жанублик Хоразмшоҳ ноиблари, жумладан Амин-ал мулк ҳам мўғуллар томонига хиёнаткорона ўтиб кетдилар.

Жалолиддинга қарши кураш вақтида қатор қалъа, шаҳарлар қаттиқ жанглар ила ишғол қилинди (Бамиён, Фазна, Қандаҳор, Гардиз, Валиён ва бошқалар). Уларнинг жанубдаги охири эгаллаган шаҳри Ҳиндистоннинг шимолий ғарбидаги Мўлтон бўлиб қолди.

Манбаларда «Жаҳон султонлари пойтахти» ва «Инсоният буюк фарзандлари бешиги» номини олган Урганч, Шарқдаги «Исломот таянчи» Бухоро, қадимий Афросиёб вагани Самарқанд (масжидларнинг сони 1200 тага етган) билан машҳур «Куббатул ислом» Балх, ўз мадрасалари билан донғи кетган Марв, ўзининг нозиктаъб илмли кишилари билан маълум Нишопур ва кўплаб маълум ва машҳур шаҳарлар талон-тарож этилиб вайрон қилинди. Мўғулларнинг кучли зарбасига учраган баъзи шаҳарлар, масалан, Ўтрор, Сигноқ, Борчиликент ва бошқалар умуман узоқ вақтгача дашту-биёбонларга айланиб қолди. Шу даврда яшаган араб тарихчиси ибн ал-Асир (1160-1244) мўғул босқини хусусида шундай деб ёзган эди: «Улар (яъни мўғуллар) ҳеч кимга шафқат қилмадилар, аксинча, хотинлар, болалар, эркакларни ўлдирдилар, ҳомиладор аёлларнинг қоринларини ёриб, туғилмаган гўдакларни нобуд қилдилар... Бу мусибат тўлқинлари турли томонларга тарқалди ва унинг фожиаси умумий бўлиб қолди ҳамда у шамол булутларни турли томонга ҳайдагани каби бутун вилоятларга ёйилди. Хитой чегараларидан бир халқ чиқиб Туркистондаги Қашғар ва Баласоғун каби вилоятларни, Мовароуннаҳрдаги Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларини вайрон этиб, қиргин қилиб, талон-тарож қилиб эгаллади. Татарлар ҳеч қайси шаҳарларни омон қолдирмадилар, кетаётиб ҳамма ерни вайрон этдилар. Улар ниманики ёнидан ўтган бўлсалар, ўзларига ёқмаган барча нарсаларга ўт қўйдилар».

Жалолиддин Мангуберди — юрт ҳимоячиси

Жалолиддин Мангуберди — она юрт ҳимоячиси, жасур саркарда ва давлат арбоби, халқимизнинг Спитамен, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Амир Темур сингари тарихда ўчмас из қолдирган миллий қахрамонидир.

Исаом Каримов

Тарихимиздаги улуғ зотлардан бири мўғул босқинчиларига қарши мардонавор курашган, Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган Жалолиддин Мангубердидир. Ўрта аср мусулмон муаллифлари, жумладан унинг вазири ва мирзаси ҳам бўлган ан-Насавий уни Манкбурни, (яъни манк белги, хол деган маънода, холдор бурунли деган маънони англатган) номи билан аташган.

Жалолиддин Мангуберди (Манкбурни) хотирасини абадийлаштириш ва тарихий адолатни қарор топтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 24 сентябрда 408-сонли махсус қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ буюк саркарданинг таваллуд тўғрисида кенг миқёсда нишонланиши қайд қилиб ўтилди. Юбилей муносабати билан Урганчда саркардага улкан мемориал ёдгорлик ўрнатилди, Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих ва Шарқшунослик институтлари, Хоразм Маъмур академияси, бир қатор олий ўқув юрглари, турли жамғармалар мутахассислари томонидан кўплаб рисолалар чоп этилди, моҳир рассом Т. Қурёзов томонидан саркарданинг портрети яратилди, «Жалолиддин Мангуберди — Ватан, юрт ҳимоячиси» мавзuida халқаро илмий анжуман ўтказилди ва энг муҳими Президент И. Каримов бошчилигидаги ҳукумат ва парламент аъзолари, чет эллик меҳмонлар, юртимиз меҳмонлари иштирокида улкан театрлаштирилган тамошалар бўлиб ўтди.

Жалолиддин оғир бир пайтда Мовароуннаҳр уруш домига тортилган, мамлакатнинг катта қисми мўғуллар

томонидан истило этилган, империя қўшини яқсон қилинган, амирларнинг бир қисми хонлик йўлига, қолгани ўз жони-мулкни асраш йўлига тушган, султон мамлакатни ўз ҳолига ташлаб қўйган, ўзаро саросима ва таҳлика ҳукм сурган бир вақтда тарих саҳнасида пайдо бўлди. Жалолоддин шундай бир оғир вазиятда, Ватан ва халқ эрки учун курашиб, мўғулларга қарши 11 йил кураш олиб борди. 14 мартаба мўғулларга қарши от суриб, унинг 13 тасида голибликни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Мўғуллар босқини арафасида Жалолоддин гарчи катта ўғил бўлсада, бувиси Туркон хотун томонидан ҳокимиятдан четлатилган бўлиб, тахт вориси этиб Туркон хотун уруғидан бўлмиш бошқа бир шаҳзода Кутбиддин Ўзлокшоҳ валиаҳд, деб эълон қилинган эди.

Ғазна, Бамиён, ал-Ғур, Бўст, Такинобод, Замин-Давора ва Ҳиндистон билан чегарадош ерлар эса Жалолоддинга мулк этиб берилган эди. Гарчи Жалолоддин бувисининг изми билан марказдан четлатилган бўлса-да, лекин султон унга алоҳида муҳаббат билан қарар, унинг жасурлигини қадрлар ва уни ўзидан узоқлашиб кетмаслигини хоҳлар эди. Шунинг учун ҳам унга вазир этиб таниқли давлат амалдори Шамс-ал Мулк Шаҳобиддин Алп ал-Ҳаравийни, ноиб (ўринбосар) этиб эса саркарда Кузбар Маликни тайинлайди. Муҳаммад Хоразмшоҳ плеврит (ўпкага сув йиғилиш) касали билан оғриб тахминан 1220 йилнинг охирида (ҳижрий 617 й.) қувғинликда Каспий денгизидаги Ашуради оролида вафот этади. Ўлими олдидан султон Жалолоддинни тахт вориси деб эълон қилиб, султонлик баъзи рутбаларини унга топширади. Жалолоддин ўз инилари Ўзлокшоҳ ва Оқшоҳлар билан отасини дафн этгач, 70 та кишиси билан тўғри Хоразм, Урганчга келади. Тез орада унга Хўжанд ҳокими Темур Малик ва бошқа эркесвар кишилар келиб қўшиладилар. Халқ Жалолоддин Мангубердини шоду хуррамлик ва катта умид билан кутиб олади.

Лекин иниси Ўзлокшоҳ ва унинг тарафдорлари унга қарши фитна тайёрлаётганидан хабар топгач, бу алфозда мўғулларга қарши курашиб бўлмаслигини тушунган Жалолиддин 300 та кишиси билан яширинча Хоразмни тарк этади. Ҳозирги даврдаги янги тадқиқотлар шуни кўрсатаптики, Жалолиддиннинг мўғуллар билан илк тўқнашуви аввал бошида Жанд вилоятидаги Ирғиз даштида бўлган экан. Жалолиддин 16 кун ичида Хоразмдан Хуросон ерларидаги Нисо кўрғони атрофига етиб келади. Чингизхон султон ўғилларининг Хоразмга қайтганликларидан хабар топгач агарда улар Хуросонга чекинмоқчи бўлсалар, уларга қарши чиқади деган мақсадда ўз қўшинидан Хуросоннинг ҳар ерига пистирмалар қўяди. Жалолиддин Нисо яқинида ўзнинг 300 та аскарлари билан мўғулларнинг 700 кишилиқ отрядини зарбага учратади. Мўғуллар батамом мағлуб этилади.

Бу вақтда Жалолиддиннинг укалари Ўзлокшоҳ ва Оқшоҳлар саросимага тушиб, нима қилишларини билмай, Жалолиддин кетидан улар ҳам Хуросонга кетишади. Мўғулларнинг кичик отряди устидан ғалаба қозониб, бу ғалабага жуда катта эътибор бериб юборишади. Шундан сўнг айши-ишратга берилиб, Хуросоннинг Хабушан шаҳри яқинида мўғулларга қарши навбатдаги курашда қўлга тушиб, қатл этиладилар. Мўғуллар қатл этилган шаҳзодаларнинг каллаларини намоёншкорона тарзда бирмунча вақт Хуросонда олиб юришади. Жалолиддиннинг яна бир иниси Рукниддин Фурсанжий (манбалар унга ақл-заковат ва кўркемликда тенги йўқ деб таъриф беришган) Эроннинг Устунаванд қалъасида 6 ой мўғулларга қарши кураш олиб бориб, мардонавор тарзда ҳалок бўлади. Жалолиддин эса бу вақтда Нишопурга етиб келади. Бир ой давомида мўғулларга курашиш мақсадида барча амир, саркардаларга қўшин йиғиш хусусида мурожаат қилади. Мўғуллар унинг ушбу фаолиятдан хабардор бўлганликларини билгач,

Завзон (Нишопур ва Ҳирот оралигида) туманидаги ал-Қоҳира қалъасига келиб ўрнашади. Афсуски, бу вақтда маҳаллий ноиб ҳокимлар унинг атрофида жипслаша ололмайдилар. Ҳали етарли кучга эга бўлмаган Жалолоддин қалъада узоқ туриш хавfli эканлигини тушуниб, Ғазна томон йўл олади.

Чингизхон эса бу вақтда улкан кўшин билан Хуросонга изма-из келаётган эди. Жалолоддин Ғазнага етмасдан яқин орада Ҳирот ҳокими ҳамда қайинотаси бўлмиш Амин Малик билан учрашади ва улар биргаликда Қандаҳор қалъасини қамал қилаётган мўғуллар устига юриш қиладилар. Жалолоддин бу курашда ҳарбий илм тарихида илк бора «пиёда ёйандозлар»ни мўғулларнинг отлик аскарларига қарши кўяди. Инглизлар кейинчалик бу ҳарбий усулга юқори баҳо бериб, ўзларининг Кресс ёнидаги машҳур жангларда ундан фойдаланишади. Уч кунлик жангдан сўнг мўғуллар мағлуб этилиб Жалолоддин ғолиб бўлади ва у Ғазна томон йўл олади.

У 1221 йилнинг феввалида Ғазнага кириб келади. Манбаларнинг қайд этилишича, халқ Жалолоддинни жуда катта тантана билан кутиб олади. Шаҳар худди ҳайит байрамидек шоду-хуррамликка тўлади. Ғазнада Жалолоддин хизматига Сайфиддин Ўғроқ ал-Халажий, Балх ҳокими Абзам Малик, афғон қабилалари сардори Музаффар Малик ва қарлуқлар раҳбари ал-Ҳасан қарлуқ ўз кўшинлари билан кўшиладилар. Жами кўшиннинг сони тарихчиларнинг хабарига кўра 90-130 минг киши атрофида бўлган. Чингизхон Жалолоддиннинг куч-қудратини ошиб бораётгани ва мўғуллар ундан Қандаҳорда зарбага учраганлигидан ғазабланиб, нўён Шики Хутуху бошчилигидаги кўшинни унинг устига юборади. У 1221 йилнинг кузида Жалолоддин ерларига яқинлашиб келади. Бу вақтда мўғулларнинг Текечук ва Молгор бошчилигидаги илгор гуруҳи Чорикордан шимолроқдаги Валиён кўрғонини қамал қилишни бошлаган эди.

Жалолиддин бир ҳамладаёқ мўғулларни зарбага учратишга муваффақ бўлади. Бу жангда мўғулларнинг 1000 дан ошиқ кишиси ҳалок бўлади. Кўллаб тарихчилар жумладан, ибн ал-Асир, Жувайний, Рашидиддин бу жангга юқори баҳо берган эдилар. Жалолиддиннинг мўғулларга қарши муҳим жангларидан бири 1221 йилнинг кузида шимолий Афғонистоннинг Лагар дарёси бўйидаги Парвона дашти яқинида бўлиб ўтади. Бирлашган кўшинга шахсан Жалолиддиннинг ўзи лашкарбошилиқ қилиб, ўнг қанотга Амин Малик, чап қанотга Сайфиддин Ўроқ бошчилик қилишади. Мўғуллар жон-жаҳдлари билан курашга кирадилар. Ҳатто Шики Хутухунинг буйруғи билан Жалолиддин кўшинига хавф туғдириш мақсадида ҳар бир мўғул аскарни орқасига тулуп ўтказиб ҳам қўйишади. Парвона жанги мўғулларнинг мутлақ мағлубияти билан тугаб Шики Хутуху қолган қутган кўшини билан Чингизхон ҳузурига базўр қочишга улгуради.

Парвона яқинидаги жанг Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳли учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу пайтгача мўғулларнинг илоҳий, енгилмас куч-қудратга эгаликлари хусусидаги гап сўзларга, афсоналарга чек қўйилди. Жалолиддиннинг ғалабасидан Мовароуннаҳр ва Хуросон халқларининг руҳи кўтарилди, ғалаба таъсирида Сараҳс, Марв, Ҳирот ва бошқа Хуросон шаҳарларида мўғулларга қарши халқ исёнлари бошланиб кетди. Бухорода бош кўтарган аҳоли эса мўғулларни шаҳардан сиқиб чиқаришга муваффақ бўлди. Чингизхон Жалолиддиннинг кучайиб бориши, унинг халқ оммаси томонидан кўллаб-қувватланилиши мўғуллар босиб олган ерлар учун қанчалик хавф туғдиришини яхши англаб етган эди. Шу сабабдан ҳам шахсан ўзи Жалолиддинни қандай қилиб бўлмасин мағлуб этиш мақсадида шитоб билан катта кўшинга бош бўлиб, жануб томон йўл олди.

Жалолиддин кўшини Парвона жангидан сўнг катта ўлжани киритган эди. Ушбу ўлжанинг тақсимланиши

вақтида Жалолиддиннинг икки саркарласи Амин Малик ва Сайфиддин Ўғроқ ўртасида ихтилоф чиқади. Ихтилоф натижасида Сайфиддин Ўғроқ ва ундан кейин бошқалар ҳам қўшиндан ажраб чиқиб кетадилар. Жалолиддиннинг қўшини камайиб у ниҳоятда оғир бир аҳволда қолади. Жалолиддиннинг уни тарк этган саркардаларга қайта иттифоқ тузиш, душманга қарши биргаликда кураш олиб бориш тўғрисидаги мурожаати зое кетди. Жалолиддин ичак оғриғи касалига дучор бўлиб турган пайтида мўғулларнинг илғор гуруҳи Гардезга (Фазнадан 50 км. шарқда жойлашган шаҳар) ўрнашганлигидан хабардор бўлади. Жалолиддин ҳасталигига қарамасдан Гардездаги мўғул аскарларига тўсатдан зарба бериб, уларни мағлубиятга учратади. У Чингизхонга қарши озчилик қўшин билан кураша олмаслигини англаб, Синд (хинд) дарёси бўйига чекинишга қарор қилади.

Жалолиддинни қандай қилиб бўлмасин мағлуб этиш ва уни қўлга тушириш илинжида бўлган Чингизхон уни изма-из таъқиб этиб келади. Жалолиддинни таъқиб этиб келаётган мўғулларга айниқса, Бамиён қалъаси қаттиқ қаршилик кўрсатди. Бамиён қамали вақтида Чигатойнинг ўғли, Чингизхоннинг суюкли набираси Мутулк ҳалок бўлади. Бундан дарғазаб бўлган Чингизхон қалъадан биронта ўлжа, биронта одамни асирликка олмай барча қалъа аҳлини қириб ташлашни буюради. Ер билан яксон қилинган собиқ Бамиён қалъаси кейинчалик мўғуллар томонидан Мўбалиқ (яъни аҳмоқона шаҳар) номини олади.

Ниҳоят 1221 йилнинг 25 ноябри, пайшанба куни (ҳижрий 618 йил шаввал ойининг саккизинчи куни) Синд дарёси бўйида уч кун давом этган ҳал қилувчи жанг бошланди. Бир қатор ўрта аср мусулмон тарихчиларининг таъкидлашларича, бундай қонли, кескин ва даҳшатли жанг тарихда рўй бермаган экан. Жалолиддин ва унинг қўшини мисли кўрилмаган даражада жасорат ва баҳодирлик намуналарини

кўрсатадилар. Фақат учинчи кунга келиб, Чингизхон кўшини устунликка эриша бошлайди. Жалолиддиннинг тахминан 7-8 ёшли ўғли Чингизхон отряди кўлига тушиб қолиб ўлдирилади. Жангда мардонатор курашган Амин Малик ва бошқа кўплаб саркарда, навкарлар ҳалок бўлади. Чингизхон қандай қилиб бўлмасин Жалолиддинни тириклайин кўлга олишга буйруқ беради. Жалолиддин эса уни кўлга олишга интилаётган мўғул кўшини кўршовини шахсий баҳодирлиги билан ёриб чиқиб, Синд дарёси бўйига етиб келишга муваффақ бўлади. Дарё бўйида онаси Ойчечак ва ҳарамдаги бошқа аёллар уни кутиб туришар эди. Шундоқ ҳам бу жангдан руҳий ва жисмонан эзилган Жалолиддинга улар «... бизни ўлдилинг ва машғум асирликдан қутқаринг» дея мурожаат қилишади. Жалолиддин барча ҳарам аёлларини сувга чўктиришга кўрсатма беришдан бошқа иложи қолмайди. Ўзи эса оти билан сувга сакраб, дарёнинг нариги бети – Ҳиндистон томонга сузиб ўтади.

Жалолиддиннинг ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотмаслиги, унинг жасорати ва мардлигига Чингизхон ҳам тан беради. Тарихчилардан Жувайний, Рашидиддин ва бошқаларнинг ёзишларига қараганда Жалолиддиннинг жасоратига қойил қолиб, Чингизхон ўз ўғилларига қарата: «Отанинг фақат шундай ўғли бўлиши лозим. У оловли жанг майдонидан ўзини қутқариб, ҳалокатли гирдобдан нажот қирғоғига чиқдими, ундан ҳали улуг ишлар ва қиёматли исёнлар келади!», — деди ва унинг орқасидан таъқиб этишни тақиқлади. Синд дарёси бўйидаги жангдан сўнг Чингизхон уч ой давомида Жалолиддин кўшинидан ўз вақтида ажраб кетган саркардалар қалъаларини кўлга олиб, уларни йўқ қилиш билан банд бўлган.

Рашидиддиннинг ёзишига кўра, Жалолиддин дарёдан тахминан 120 та тирик қолган кишилари билан Ҳиндистон қирғоғида учрашади. Жалолиддин ҳам тирик қолганлар ҳам маънавий-руҳий ҳам оғир жанглардан жисмоний эзилган ҳолда мураккаб бир

аҳволда қолишган эди. Бу вақтда маҳаллий ҳинд рожаларидан бири Шатра 40.000 чоғли отряди билан дарёнинг бу бетига сузиб ўтган хоразмликларни қириб ташлаш учун етиб келади. Фақатгина Жалолоиддиннинг тенгсиз баҳодирлиги ва қаҳрамонона хатти-ҳаракати туфайли Шатра ўлдирилиб, қўшин орқага чекинади. Бу жангдан хоразмшоҳ аскарларининг руҳи ҳам кўтарилиб, тез орада Жалолоиддин ўз атрофига 3 минг кишилик аскарни йиғишга муваффақ бўлади. Оғир вазиятларда ҳам ўзини йўқотмасдан, қадди букилмаган саркарда Ҳиндистонга ўтгач, Синд дарёси бўйидаги ерларни ишғол қила бошлайди. Тез орада Жалолоиддиннинг ҳокимиятини Деҳли султони Шамсиддин Элтурмиш (1211-1236) ва Синд, Учча, Мўлтон, Лоҳур ва Пешовар ҳокими бўлмиш Носириддин Кубача (1205-1227) ҳам тан оладилар.

Ҳиндистонда Жалолоиддин 1223 йилнинг охирларигача бўлиб, хоразмшоҳларнинг азалий мулки бўлган Ироқ ва Эронни ўз измига киритиш мақсадида йўлга отланади. Ўз ўрнига ноиб этиб, таниқли саркарда Жаҳон полвон Ўзбекни қолдириб кетади. Жаҳон полвон то 1229 йилгача Ҳиндистон мулкларини бошқариб, сўнгра Жалолоиддин хузурига Ироққа қараб кетади ва унинг ҳарбий юришларида елкадош бўлиб хизмат қилади. 1224 йилнинг бошида Жалолоиддин Қирмонга келиб, Қирмон султони бўлмиш укаси Ғиёсиддиндан ёрдам учун 4000 кишилик қўшин олади. У ўзининг асосий мақсади мўғул истилочиларига қарши курашиб, мустақил давлат яловини тиклаш эканлигини билдиради. Унинг Шероз ва Исфаҳонга ташрифини халқ катта тантана билан кутиб олади.

Жалолоиддин мўғулларга қарши биргаликда кураш олиб бориш мақсадида укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ, Бағдод халифалари аз-Зоҳир (1225-1226), сўнгра ал-Мунтансир (1226-1242), Гуржистон маликаси Русуда ва бошқаларга мурожаат қилади. Лекин мўғуллар қасоси, қолаверса, Жалолоиддиннинг ҳокимияти кучайиб кетишидан чўчиган кўпчилик мусулмон ҳоким, ҳукмдорлари у билан иттифоқ тузишни хоҳламайдилар. Бағдод халифалиги, исмоилийлар ҳокими Муҳаммад III

(1221-1255) лар эса мўғуллар билан яқинлашишга, Жалолиддинга қарши очикдан-очик курашишга бел боғлайдилар. Малика Русуда ва унинг вазири Авак билан ўзаро иттифоқ хусусидаги таклифлари зое кетгандан сўнг 1226 йил февралда саркарда Гуржистонга юриш қилади. Гуржистон қаттиқ жанг ила эгалланиб, бу ерда кўплаб қонли, машъум воқеалар бўлиб ўтади. Бош кўтарган Гуржистон иккинчи маротаба 1228 йил эгаллангач, бу ерлар қаттиқ талон-тарож қилинади.

Бир вақтнинг ўзида Жалолиддин Мангуберди Кирмонда унга қарши бош кўтарган хиёнаткор Барак Ҳожибга, исмоилийларга қарши кураш олиб боришга тўғри келади. Шунингдек, аҳамиятли ҳисобланган Арарат тоғликлари этакларида жойлашган Хилат қалъаси ҳам Жалолиддинга узоқ вақт мобайнида қаршилиқ кўрсатади. 1227 йили охирларида мўғулларнинг Эронга кириб келиши ниятлари борлигини билган Жалолиддин уларга қарши қатъий жангга киришга тайёргарлик кўради. Мўғулларнинг ўша йили юборилган 2000 кишилиқ авангарди тор-мор этилиб, улардан 400 таси Исфаҳонда намойишкорона тарзда қатл этилади. 1228 йил 25 августда Эронни забт этиш учун келган Тайнал нўён бошчилигидаги мўғул истилочилари билан Исфаҳон яқинида ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтди. Гарчи жанг вақтида укаси Фиёсиддин хоинлик қилиб, ўз қўшини билан Луристонга чекинган бўлса-да, Жалолиддин қатъий равишда бу ҳолатга эътибор қилмай кураш олиб боради. Манбаларнинг сўзлашича, ҳатто мўғул нўёнининг ўзи «Сен ҳақиқатдан ҳам ўз даврининг эркак ўғлони экансан», — деб унинг жасоратига тан берган экан. Жалолиддин бу жангда буткул голибликни қўлга киритади. У саккиз кун мобайнида Эрондаги мўғулларни изма-из таъқиб этиб уларни мамлакатдан ҳайдаб чиқаради.

Жума куни эрта тонгда музаффар саркарда сифатида Исфаҳонга кириб келгач, халқ уни голиб султон сифатида шоду-хуррамлик билан кутиб олади. Жалолиддиннинг зафарли ғалабаси овозаси бутун

ислом оламига кенг тарқалади. Ўша йили ҳатто мўғулларнинг буюк хони бўлмиш Ҳадеи Жалолиддиннинг мўғуллар илҳига тушиб қолган эгачиси Хонсултон орқали мактуб юбориб, у билан сулҳ тузиш нияти борлигини ҳам баён қилади. Жалолиддин бу дипломатик келишувдан воз кечиб, хатни жавобсиз қолдиради.

Жалолиддин мураккаб ва зиддиятли даврда яшади. Шубҳасиз у ўз даврининг фарзанди эди. У кўшинларининг кўплаб ҳарбий юришлар вақтида талончилик, зўравонлик қилишларига гоҳида кўз юмди, хонавайрончилик келтирувчи ишларга бош қўшди. Бу эса Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Гуржистон аҳлида салбий фикрларнинг кўпайишига, норозиликларнинг кучайишига ҳам олиб келган. Лекин нима бўлганда ҳам Жалолиддин Мангуберди ўзининг асосий мақсади мўғул истилочиларига қарши курашиш эканлигини ёдида сақлади. Бу курашда у ён-атрофдаги мусулмон ҳукмдорларининг қўллаб-қувватлашларига умид боғлаган эди. Лекин кўп ҳолда улар билан умумий тил топа олмаслиги, унинг ташқи сиёсат борасидаги заиф томонидан далолат берар эди. Ўз вақтида турк, араб, мусулмон ҳокимлари унинг ҳокимияти Яқин Шарқда кучайиб кетишидан хавфсирашар, у билан иттифоқ тузишни хоҳлашмас эди. Уларнинг баъзилари ҳатто мўғуллар билан очиқдан-очиқ яқинлашиш тарафдори эдилар. Айниқса, Хилат қалъасининг Жалолиддин томонидан эгэлланиши унга даъвогар ҳокимларнинг иззат-нафсини топтаган эди. Жалолиддин унга қарши иттифоқ вужудга келганидан хабардор бўлса-да, ҳар ҳолда, ҳеч бўлмаганда уни туркий ҳукмдорлар қўллайдиган деб янглишган эди.

1230 йил 10 августда Кўния султони, Химс ҳокими, Ҳалаб ҳокими, Майафириқин ҳокими ва Байнас ҳокимларининг бирлашган иттифоқи Жалолиддинни мағлуб этади. Исмоилийлар эса буткул хоинлик йўлини тутиб Жалолиддиннинг мағлубияти тўғрисида мўғулларга яширин нома ҳам юбордилар.

Жалолиддин мағлубиятидан фойдаланган мўғуллар унинг Озарбайжоннинг Муғон, Ширкабутдаги кўшин йиғиши мумкин бўлган жойларига қўққисдан зарба беришади. 1231 йил баҳорида у Ганжага келиб, барча гина-кудуратларини унутиб, яна мўғулларга қарши иттифоқ тузиш учун мусулмон ҳукмдорларига мурожаат этди. Лекин унинг таклифи жавобсиз қолиб кетди. Шунда Суриядаги Амида қалъаси ҳокими уни ўз олдига чорлайди. У Ироққа бориб яна кўшин тўпламоқчи бўлади.

Амида йўли яқинида унга тўсатдан мўғуллар ҳужум қилишади (1231 йил август боши). Уни 15 чоғли мўғул навкарлари таъқиб этишади. Жалолиддин ўз шерикларидан ажраб, Майафариқин (ҳозирги Туркиянинг Сильван вилояти) яқинида Айн-ад-дар қишлоғига келади. Ушбу тоғлиқ қишлоқда у курдлар қўлига тушади. Ўзини султон деб таништиргандан сўнг уни курдлар ўлдиришга жазм этмайдилар. Уни тегишли жойга етказиб қўйиш эвазига мукофот ваъда қилади. Лекин курдлар раҳбари хонадонидан жой олган ҳориб-толган Жалолиддинни, бошқа бир курд кишиси ўлган иниси хуни эвазига ўлдиради. Бу воқеа тахминан 1231 йилнинг август ойи 17-20 саналари оралиғида рўй беради. Эртаси кuni султон буюмларини сотиб юрган курд хусусида Майафариқин ҳукмдори ал-Малик ал-Музаффарга хабар беришганда, у қишлоққа ўз саркардаси Шаҳобиддин Ғозийни юборади. Шаҳобиддин Ғозий султон жасадини олиб, қишлоқ эркаклари барини ўлдиради ва қишлоққа ўт қўйиб юборади. Муаррих ан-Насавий буни эшитиб шахсан Майафариқинга келади. Жалолиддиннинг тоғаси, вазир Ўтурхон унинг жасадини таниб, қаттиқ изгиروبга тушади. Жалолиддин Мангуберди мурдаси Майафариқинга дафн этилиб, мўғуллар кириб келгудек бўлса, ҳақоратланмасин деган мақсадда гўри ер билан текислаб юборилади.

Унинг ашаддий душмани Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Ашрафга султон ҳалокати хусусида хабар

еткизиб суюнчи сўраганларида, у қайғуга ботиб: «Сизлар унинг ўлими билан мени қутламоқчимисизлар? Аммо сиз воқеанинг аччигини татиб кўрасизлар. Оллоҳ номи билан қасам ичаманки, унинг ҳалокати ислом оламига мўғулларнинг бостириб киришини англатади. Эндиликда биз билан Яъжуж ва Маъжужлар ўртасида девор бўлиб турган Хоразмшоҳдек одам йўқдир», — деб жавоб берган эди. Ибн Восил эса уни «мўғуллар ва муслмонлар орасидан истехком бўлган» деб таърифлаган эди. Жалололдиннинг ўлиmidан сўнг унинг шонли номи тез орада халқлар тилида дoston бўлиб кетди. «Жалололдин тирик», «Жалололдин қайтиб келаяпти» деган овозалар узоқ вақтгача мўғулларни таҳликага солиб келган. Ўзини «мен Жалололдинман», деб номлаган турли шахслар мўғулларга қарши кўп ҳолатда исён ва кўзғолонларга бошчилик қилганлар (масалан, 1236 йили Эроннинг Устундорида кўтарилган кўзғолон, 1255 йили Амударё бўйидаги воқеалар ва ҳоказо).

Муслмон тарихчилари ўз асарларида ҳамиша уни мард ва жасур саркарда сифатида таърифлашган эди. Жалололдин Мангубердини шахсан билган ал-Насавий у тўғрисида шундай таъриф берган эди.

«У туркий бўлиб, қора мағиз юзли, бурни олдида қора холи бор ўрта бўйли йигит эди. Форс тилида ҳам бемалол сўзлаша олар эди. У довиюракликда тенги йўқ, шерлар ичида арслон, отликлар ичида энг жасури эди... Қисқа сўзли, ҳеч қачон сўкинмаган, ёмон сўзларни ўзига эп кўрмаган, жуда жиддий, атрофдагилар олдида ўзини сипо тутар, ҳеч қачон кулмас фақатгина табассум қилиб кўяр эди холос. У адолатни севган, лекин замон зайли уни ўзгартиришга мажбур қилган. У ўз фуқароларининг дардини енгилаштиришга ҳаракат қилган, шуни хоҳлаган, лекин таназзул даври бўлганлиги боис ҳам зўравонликка йўл берган. Ўзини улуғлашларини истамаган. Бачкана таърифларни ёқтирмаган, фақат султон дея мурожаат қилишларини сўраган. Унинг фармонларида ёлғиз сўз: «Ёрдам ёлғиз Оллоҳдандир!» деган шиор бўлган.

Хоразмшоҳлар авлодидан бўлган Миср ҳокими ал Музаффар Сайфиддин Кутуз аждодларнинг шонли кураш йўлини давом эттириб, 1260 йили Яқин Шарқдаги Айн Жалут ёнида мўғулларга қақшатқич зарба бериб, уларнинг Сурия ва Мисрга кириб келишларига чек қўяди.

1999 йил ноябрда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигининг кенг нишонланиши, унинг ватани Хоразмда унга маҳобатли ҳайкал ўрнатилиниши, юртбошимиз таъкидлаганидек «Ғаним олдида бош эгмаган, тиз чўкмаган. Ватан дея ҳалок бўлган» миллий қаҳрамонимизга халқимизнинг эҳтироми, муҳаббати, аждодлар хотирасини муқаддас сақлаши рамзи бўлиб қолди.

**Мўғуллар истилосидан кейинги сиёсий вазият.
Чингачой улуси давридаги ижтимоий-иқтисодий
муносабатлар, хўжалик аҳволи**

Мўғуллар истилосидан сўнг Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуросоннинг гуллаб-яшнаган деҳқончилик воҳалари тамомила ҳалокатга учради. Шарқда донғи кетган қадимий ва обод шаҳарлар, жумладан Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хўжанд, Марв, Термиз, Балх, Нишопур ва бошқа шаҳарлар харобазорга айлан-тирилди. Марвдаги машҳур сув билан шаҳарни таъминловчи – Султонбанд, Балхоб дарёсидаги Банди амир, Самарқанд шаҳрини сув билан таъминлайдиган ягона тўғонларнинг ҳаммаси Чингизхон буйруғига кўра бузиб ташланди. Жумладан Балх ва унинг атрофлари 6 ой мобайнида сув офатини бошдан кечиради. Самарқанднинг асосий аҳолиси, бухороликларнинг кўпчилиги, Урганч ва Марв каби улкан шаҳарлар аҳлининг она шаҳарларини ё тарк этдилар ёки қириб ташландилар. Истилочилар илк бора юқори маданиятли аҳолининг илм-фан, меъморчилик соҳаларидаги югуқларини, юксак даражадаги ҳунармандчилик, тижорат, суғорма деҳқончилиқни шу ўлкага келиб кўрдилар.

Босқиндан сўнг Шарқда донғи кетган заргарлик, қурол-аслаҳа яшаш, нафис матолар тўқиш, нақшикор нимчалар тикиш барҳам топди. Воҳаларда сувсизликдан ерлар қақраб деҳқончиликка қирон келди. Бир неча асрлик тарихга эга бўлган машҳур ипак савдо йўллари издан чиқди. Илм-фан, маданият намояндалари хор-зор этилди. Тирик қолган аҳоли вайроналарга зулм ва зўравонликка, очлик ва қашшоқликка маҳкум этилди. Чингизхон тириклик вақтидаёқ ўз ўғилларига мулкларини улус қилиб бўлиб беришни бошлаган эди. 1207 йилдаёқ катта ўғил илкига Селенга дарёсидан Ирғишгача бўлган ерлар мулк этиб берилган эди. Чингизхон ўлими арафасида (1227 йил август) эса бошқа ўғилларига ҳам турли забт этилган ерларни улус этиб бўлиб берди. Жанубий Сибирдан Хоразм ва Дарбандгача бўлган ерлар Жўчига, Олтой тоғларининг жанубий сарҳадларидан то Амударё ва Синдгача бўлган ерлар иккинчи ўғил Чигатойга, Хитой ва Мўғулистон ворис бўлмиш учинчи ўғил Ўгедейга, Эрон ва Хуросон Тулига улус тарзида бўлиб берилди.

Рашидиддиннинг маълумотига кўра, Чингизхон вафотидан сўнг Чигатойга 4000 га аскар теккан экан. Уларнинг бошлиқлари ўз навбатида барлос, жалойир, қовчин ва орлот қабилаларидан бўлган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича қовчинлар Амударё шимоли Бухоронинг шарқий томонларида, барлослар Қашқадарё воҳасида, орлотлар Афғонистон шимолида жойлашган эканлар. Кейинчалик Маҳмуд Ялавоч ҳам ўз сиёсати борасида шу қабилаларга суяниб иш кўра эди. Мўғуллар кўчманчи халқ бўлгани учун бошқарув тизимини тушунмас эдилар. Чингизхон тириклик вақтидаёқ хоразмлик таниқли савдогар, мўғуллар хизматида анчадан бери фаолият кўрсатаётган Маҳмуд Ялавочни Мовароуннаҳр ноиби этиб тайинлашини билдирган эди ва у тез орада Мовароуннаҳр ноиби этиб тайинланади. Унинг қароргоҳи эса Хўжанд шаҳрида жойлашади. Шубҳасиз, Маҳмуд Ялавоч йирик ва бой савдогар бўлиб, манбаларнинг хабарига кўра, унинг бойлиги шунчалик бўлганки, ҳатто у бутун Моваро-

уннахрдан олинадиган солиқни олдиндан тўлаши ҳам мумкин эди. Унинг ихтиёрида мўғулларнинг таянчи бўлган солиқ йиғувчи мўғул босқоқлари, маҳаллий ҳокимлар, доругалар-ҳарбий маъмурлар ҳамда бир мунча мўғул ҳарбий отрядлари бор эди.

Маҳмуд Ялавочга солиқлар тушумини мунтазам назорат этиш ўлкада мўғулларга қарши ғалаён бўлишининг олдини олиш масъулияти юклатилган эди. Кўпчилик аслзода зодагонлар, савдогарлар, қисман уламолар ҳам ўз жонлари ва қолган мол-мулкларини сақлаб қолиш борасида хиёнаткорона тарзда босқинчилар хизматиға ўта бошладилар.

Ўз навбатида ўлкада ўзларининг таянч воситаси бўлишларига ҳаракат қилган мўғуллар ҳам бу тоифадаги кишиларни қўллаб-қувватлай бошладилар. Мўғул хонлари (вилоят ҳокимлари хон, олий ҳукмдор эса қоон ёки хоқон, деб юритилган) ва маҳаллий зодагон, ер эгаларининг зулми натижасида меҳнаткаш халқ эндиликда икки томонлама эзила бошланди. Ўлпону солиқларнинг миқдори тобора ошиб борди, ундан ташқари эса аҳолидан йиғиб олинадиган турли тўлову йўғимлар, жарималарнинг сони ҳаддан ташқари ошиб кета бошлади. Янги ер солиғининг номи — «калон» дейилиб, у ҳосилнинг ўндан бир миқдоридан олинган. 1235 йилги қурултойдан сўнг эса чорва мол бошидан олинадиган ялпи солиқ — «қопчур» таъсис этилган. Унга кўра 100 тадан бир миқдорда чорва солиққа тўланар эди. (Бу солиқ асосан мўғуллар турмуш тарзи хусусиятини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган эди). «Ясоқ»қа кўра давлат хазинаси учун «шулен» деб ном олган озиқ-овқат солиғи жорий қилинган.

Бу солиққа кўра ҳар бир подадан икки яшар қўй, қимиз учун ҳар мингта отдан бир бия ҳисобидан олинган. Солиқлар асосан хонлар томонидан барот (ижара) тарзида олдиндан хазина учун ундирилиб, сўнгра аҳолидан зўравонлик билан оширилган миқдорда ундирилар эди. Айниқса, ҳунармандларнинг аҳволи оғир бўлган, уларнинг ўз юртларида тирик қолганлари

маҳаллий хонларнинг мулки сифатида ишлатилинар эди. Масалан, 1262 йил Бухорода бўлган Хубилай қооннинг вакили бу ерда 5000 та ҳунарманд Ботухонга, 3000 таси малика Сижорқўктенига (Хубилай ва Мунқаларнинг онаси) тегишли бўлганлигини қайд этади. 1246 йил Мўғулистонда бўлган сайёҳ Плано Карпини энг яхши ҳунармандлар хоқон хизматида эканлигини ва уларга қулларча муносабатда бўлишларини қайд этиб ўтади. Бу гуруҳ шаҳарлик ҳунармандларга эса кундалик овқат берилиб, уларга дарҳақиқат қулларча муносабатда бўлинган бўлса, иккинчи гуруҳ шаҳарлик ҳунармандларга эса катта солиқлар солинган.

Мўғулларга қарашли бўлган ҳарбий қурол-аслаҳа ва анжомлар ишлаб чиқарадиган устахоналар – «**корхона**» номини олган бўлиб, у ердаги ҳунармандлар эса қул даражасидаги кишилар ҳисобланар эди. Ҳунармандлар тўлайдиган махсус солиқнинг номи «**тамга**» деб аталган. Мўғуллар шунингдек, батамом ҳуқуқсиз қуллар меҳнатида ҳам фойдаланишар эди. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида ер эгаллиги ҳолати ҳам ўзгариб, янги инъом этилган ерлар мўғулча **суюрғол** номини олган. Суюрғол ҳажми жиҳатидан (униг таркибига жуда катта ер майдонлари, сув ҳавзалари, дашт-яйловлар ҳам кириб кетар эди) иқтаъдан фарқ қилар эди. Бу даврда давлат, мулк (хусусий ерлар), вақф (диний идоралар ихтиёридаги ерлар) ерларда кўп ҳолда ижарага чоракор деҳқонлар меҳнат қилишган. Бир қисм ижарадор – ўртаҳол деҳқонлар эса **музарийлар** деб юритилган.

Буюк Хоқон ҳисобланган Ҳгедей (1229-1241 йй.) давридаёқ мўғуллар ўзларига хизмат кўрсатаётган айрим кишилар, катта ер эгалари савдогаларга турли ёрлик ва пайзалар бера бошладилар. Пайза қимматбаҳо металл (олтин, кумуш) ёки жез, ёғоч тахталардан ишланган бўлиб унга нўённинг муҳри қўйилар эди. Бундай пайзага эга бўлган кишилар шу жумладан элчилар, солиқ йиғувчилар ва бошқа шахслар аҳолидан турли йиғим, тўловларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига

эга эдилар. Кўплаб бериладиган пайза эгалари аҳолидан текинга от-улов, ем-хашак, ётар-жой, озиқ-овқат талаб қилишга ҳақли ҳам эди. Савдо йўлларига жойлашган бекатлар «ём» (жом) дейилиб, уларнинг хизмати ва харажати маҳаллий аҳоли бўйнида эди. Бу бекатлар бўйлаб давлат ишлари бўйича кўплаб элчи, чопар, вакил ва бошқалар ўтиб, уларга халқ текинга хизмат қилиб уларни таъминлаб туриши ҳам лозим эди. 1235 йилдан бошлаб хоқон фармонига кўра ҳар бир ёмдан алоқа хизмати ва ҳаражати 2 та туман аҳолисига юклатилди. «Ёмлар бўйидаги аҳолида тоқат ва мажол ҳам қолмаган эди», — деб ёзган эди Рашидиддин.

Маҳаллий аҳоли — хунарманд, деҳқон, чорвадор, ким бўлишидан қатъи назар умумҳашар ишларида қатнашиши ва текинга ишлаб бериши шарт эди. Мўғулларнинг ички хўжалик, савдо-сотик соҳасини бир оз жонлантириш борасидаги чиқарган паст қийматли тангалари аҳоли ичида ўз ўрнини топмади. Аксинча, зўрлик пўписига қарамай 1232 йилдан бошлаб Самарқандда пул муомаласи тугатилди, савдо-сотик айирбошлов даражасига тушиб қолди. Фарғона, Шош, Термиз ва бошқа вилоятларда мўғул истилосидан сўнг пул зарб этиш ўз-ўзидан тугаган эди. Натижада тез орада Мовароуннаҳрда пул муомаласи издан чиқди.

Мислсиз жабр зулм, аҳолининг хўрлик ва қашшоқлик домига ташланиши, солиқларнинг ҳаддан зиёд ўсиши, меҳнаткаш аҳолининг тинка мадорини қуриштиб юборди. Аҳоли ичида мўғулларнинг зўравонлиги ва истибдодига қарши норозилик ҳаракати тобора кучайиб, бу норозилик айниқса, 1238 йилги Маҳмуд Таробий кўзғолонида ўз аксини намоен қилди. Бу озодлик кўзғолони 1238 йил Бухородан уч фарсаҳ (тахминан 18-21 км) узоқликдаги Тороб қишлоғида бошланди. Бу кўзғолонда мўғуллар ва маҳаллий зодагонлар зулмидан аҳволи оғирлашган хунарманд, деҳқон ва камбағал аҳоли айниқса фаол қатнашади. Кўзғолонга эса асли Тороб қишлоғидан бўлган ғалвир ясовчи хунарманд уста Маҳмуд Таробий бошчилик қилади.

Маҳмуд Таробий аввал ўз қишлоғида истилочилар зулми, бедодлигига қарши оташин чақириқлар билан чиқади. Ўз атрофига йиғилган кўзғолончиларга мурожаат этиб: «Эй ҳақ толиблари, қачонгача кутамиз ва интизорлик тортамиз. Рўйи заминни тангридан кўрқмайдиганлардан пок қилмоқ лозим. Кимнинг қандай қуролга қурби етса, қиличми, ўқ-ёйми, калтакми, қўлга олсин. Қўлдан келганча тангридан кўрқмайдиганлардан биронтасини ҳам тирик қўймаслик лозим», — деган сўзлар озодлик курашига халқни даъват этади. Шу пайтда Шероздан келган ҳарбий анжомлар ортилган карвон кўзғолончиларнинг қуролланишига ёрдам беради. Кўзғолон куч-қудрати ошиб бораётганлигининг, халқ кўзғолончилар тарафига ўтиб бораётганлигини кўрган мўғул нўёнлари Мовароуннаҳр ҳокими Маҳмуд Ялавочдан ёрдам сўрашга мажбур бўладилар. Маҳмуд Таробий ўзининг кўплаб тарафдорлари билан Бухоро томон йўл олади. Бухоролик ақоид (диний илм) олими, машҳур шайх Шамсиддин Маҳбубий ҳам қўлига қурол олиб, ўз сафдошлари билан кўзғолончилар сафига қўшилади. Тарихчи Жувайний Маҳмуд Таробий ҳақида шундай деб ёзган эди «у ақобир, бой-бадавлат кишиларни ҳақорат қилди, шармандасини чиқарди, ўлдиртирди, уларнинг бир қисми эса ундан қочиб қутулди. У оддий халққа ва дарбадарларга аксинча илтифот ва марҳамат кўрсатди». Дарҳақиқат, Маҳмуд Таробий Бухоро аҳлига мурувват намуналарини кўрсатди. Бухородан қочган мўғул ҳарбийлари ва бухоролик зодагонлар Карманага келиб паноҳ топган эдилар. Бу ерда улар маълум куч тўплаб, Маҳмуд Таробий устига ҳарбий юришни бошлайдилар. Бундан хабардор бўлган Маҳмуд Таробий душманга қарши курашиш мақсадида шаҳар четидан Кармана йўлига катта ҳарбий куч билан чиқади. Икки ўртадаги қаттиқ жангдан сўнг истилочилар енгилиб орқага чекиндилар. Кўзғолончилар мўғулларни то Карманагача қувиб бордилар. Ушбу жангда

мўғулларнинг 10000 та кишиси қириб ташланди. Лекин бу зафарли жангда кўзғолончилар раҳбарлари Маҳмуд Таробий ва Шамсиддин Маҳбубийлар ҳалок бўлдилар. Кўзғолончилар эндиликда шаҳид кетган Маҳмуд Таробийнинг ўрнига унинг укалари Муҳаммад ва Алини раҳбар этиб сайлайдилар. Лекин бу янги раҳбарларнинг ҳарбий тажрибалари йўқ, халқ уларни яхши танимас, омма ичида улар нуфузга эга эмас эдилар. Бу эса кўзғолоннинг боришига салбий таъсир ўтказди. Орадан бир ҳафта ўтмай мўғулларнинг Элдуз нўён ва Чаған кўрчи бошчилигидаги янги кўшини кўзғолонни бостириш учун етиб келди. Икки томонлама жангда Маҳмуд Таробий тарафдорлари буткул тор-мор қилиниб, иккала томондан 21 мингдан ошиқ жангчи ҳалок бўлди.

Маҳмуд Таробий бошчилигидаги ушбу халқ озодлик кўзғолони халқимиз озодлик курашлари тарихида ўзига хос из қолдирди. У аввало истилочилар ва улар томонига ўтиб кетган маҳаллий зодагонларнинг умумий зулмига қарши кўтарилган кураш эди. Бу озодлик кўзғолони мўғул истилочиларига улар қанчалик шавқатсиз тузум ўрнатмасинлар халқ ҳамиша ўз она ватани озодлиги йўлида курашдан чўчимаслигини намоён қилди. Мўғуллар бу кўзғолондан сўнг босқоқлар томонидан йиғиладиган солиқ ва ўлпонларни тартибга келтиришга ҳаракат қилдилар. Маҳмуд Таробий кўзғолонидан кейин Чигатой кўзғолонни бостиришда сусткашлик қилган деган мақсадда Маҳмуд Ялавочни ўз амалидан четлаштириб, уни Мовароуннаҳрдан чиқартириб юборди. Тез орада ҳокон уни Дасин (Пекин) га шаҳар ноиби этиб жўнатади. Шундан сўнг Мовароуннахр ноиби ҳамда ижарадори сифатида Маҳмуд Ялавочнинг ўғли Маъсудбек тайин этилади. У ўлимига қадар (1289 й.) шу лавозимни эгаллаб туради.

XIII асрнинг иккинчи чорақларидан бошлаб, мўғулларнинг ичида ҳам эндиликда маълум сиёсий низолар, парокандаликлар келиб чиқа бошлайди. 1241

йилга келиб босиб олинган Русия, Волга бўйи, Урал ва бошқа ерлардан Олтин Ўрда давлати ташкил топади. Мўғуллар 1256 йили Хулагу бошчилигида Эрон, Курдистон, Ироқ ва Яқин Шарқнинг бошқа ерларига ҳужум қиладилар. Мўғул хонлари ўртасида олий ҳукмдорлик учун кураш авж олади. Айниқса буюк хоқон Гуюкхоннинг (1246-1249) ўлимидан сўнг бу кураш кескин кучаяди. 1251 йили ҳокимият тепасига Ботухон ва Беркахонларнинг қўллаб-қувватлашлари билан Тулининг тўнғич ўгли Мунқа (1251-1259) улуг хон сифатида сайланади. У дастлаб Чигатой улусини мулк сифатида тугатади ва уни Ботухон билан бўлиб олади. Кейинчалик Мунқанинг ўлимидан сўнг Чигатойнинг невараси Олғухон (1261-1266) Олтин Ўрдага қарши курашиб, Чигатой улусини қайта тиклашга муваффақ бўлади.

XIII асрнинг 60-70-йилларига келиб, расман ягона ҳисобланган мўғул империяси аслида Эрондаги Хулагийлар, Мовароуннаҳрдаги Чигатойлар, Олтин Ўрда деярли мустақил қисмларга бўлиниб кетган эди. Ҳар бир улус хони ўзини тамомила мустақил санаб, пайт келганда қўшни улусларга ўлжа учун ҳужум ҳам қилиб турар эдилар. Масалан, 1272 йили Хулагийларнинг Оқбек бошчилигидаги аскарлари Кеш ва Наҳшаб шаҳарларини, 1273 йил январиди Бухорони талон-тарож этадилар. Бухоро даҳшатли қирғин-баротни бошдан кечириб, етти йилгача вайрона тарзда ётади. Мўғуллар тўғрисида сўз кетганда яна бир муҳим хусусиятни эътиборга олмоқ керак бўлади. Босиб олинган ерларда мўғул ҳарбий саркардалари, нўёнлари, зодагонлари орасида сиёсий дунёқараш ўзгара бошлайди.

Баъзи нўён, хонлар, ҳарбий маъмурларнинг кичик қисми, уларга эргашган маҳаллий зодагонлар, савдогарлар, диний уламолар ва бошқалар ўтроқ ҳаётга ўгиш, марказий ҳокимиятни кучайтириб, савдо-сотикни ривожлантириш тарафдорлари эди. Деҳқончилик ва савдо-сотик хазинанинг асосий

манбаи бўлиши мумкин эди. Бунинг учун эса шаҳар ва қишлоқларни тиклаш, экинзорларни ўзаро пайҳон этишга чек қўйиш, солиқларни тартибга тушириш, шаҳарлар ривожини, савдо, ҳунармандчиликка ҳомийлик қилиш даркор эди. Юқорида таъкидланган маданияллаштириш тарафдорлари сафига Мунқахон (1251-1259) ва Чигатой ноибини, хоқоннинг яқин маслаҳатчиси Маъсудбек (1238-1289) ҳам кирар эдилар. Мунқахон шубҳасиз тадбирли ва зеҳли Мовароуннаҳр ноибини Маъсудбекнинг таъсири остида баъзи бир ижобий ўзгаришларни амалга оширди.

Бугун мўғуллар империясида солиқлар бир хил тарзда ундирилмас эди. Масалан, Хитойнинг шимоли, Мовароуннаҳрда бадавлат киши 10 динар, камбағал 1 динар тўласа, Хуросонда бадавлат киши 7 динар, камбағал эса 1 динар тўлар эди ва ҳоказо. Мунқахон солиқ ва хашар ишларини тартибга солиш борасида махсус фармон-ёриқ чиқарди. Унга кўра Чингизхон ўлимидан сўнг берилган пайза ва ёриқлар бекор этилди, ёмлар бўйлаб алоқа воситаси учун ажратиладиган отлар сони белгиланиб, аҳолидан ортиқча от-улов талаб этиш, ёмлар учун белгиланган отларда шахсий мақсадда фойдаланиш таъқиқлаб қўйилди. Мунқахоннинг қонунлаштириб қўйган чоратадбирлари аҳолини беҳисоб солиқ ва йиғинлардан озод этиб, уларнинг тинчлик-осойиштадигини бир мунча таъминлади, шаҳар ҳаётининг, ички ва ташқи савдонинг ривожланишига қисман имкон яратиб берди. Бу ислоҳотлар натижасида мамлакатнинг айниқса, шимолӣ-шарқӣ туманлари, жумладан, Фарғона водийсида хўжалик, иқтисодий ҳаётда жонланиш содир бўла бошлайди.

Айниқса хўжалик-иқтисодий ҳаётни бир меъёрга тушириш, савдо ва пул муомаласини изга солишда Чигатой улуси ноибини Маъсудбекнинг хизмати ва ислоҳотлари катта ўрин тутган. Маъсудбек мўғул қонларига шахсан яқинлиги ҳам унинг ислоҳотлар ўтказилишига имкон ҳам берган эди. 1271 йили

мўғулларнинг маданий, ўтроқ ҳаёт тарафдорлари мадади, Талас қурултойи (1269 й.) қарорларига таяниб, Маъсудбек янги пул (молиявий) ислоҳоти ўтказишга киришди. Унга кўра ҳар қандай шахс ўзига керакли тангаларни зарбхоналарга олиб бориб, уни хоҳлаган тарзда, лекин бир хил ҳажм, қиймат, вазнда зарб этиш мумкин эди. Аввал бошида қийинчилик билан кечган бу жараён XIII асрнинг 80-йилларига келгандагина фаоллаша борди. Тез орада 16 та йирик шаҳар ва вилоятларида бир хил вазн ва юқори қийматга эга соф кумуш тангалар зарб этилиб, муомалага киритилди. Гарчи атрофдаги ислоҳотларга қарши мўғул ҳарбийлари Эрондан, Еттисувдан Мовароуннаҳрга вайронагарчилик келтириб чиқарувчи курашларни амалга ошириб турсаларда, лекин ислоҳотлар боришига тўсқинлик қила олмадилар. Маъсудбек 1273-1276 йиллари қайта таланган Бухоронинг тикланишига ўзи бош-қош бўлди. 1282-83 йилларда Бухородаги зарбхоналар тўлақонли ишлашга киришди. Савдо-иқтисодий муносабатлар ривожланиб бораётган Фарғона водийсида эса Чигатой хони Дувахон (1291-1306) даврида Андижон шаҳрига ҳам асос солинчи.

XIV асрнинг биринчи ярмига келиб, Чигатой улусида мўғулларнинг ўтроқлашув жараёни кучайиб, мўғул зодагонларининг катта қисми савдо доиралари билан яқинлашиб, ислом маданияти таъсирига берилиши кучайиб борди. Мовароуннаҳр маданий ўлкаси билан яқин алоқа ўрнатиб, ўтроқ ҳаёт кечиришга интилган Чигатой хонларидан бири бу Кебекхон (1309, 1318-1326) бўлди. У бутунлай Мовароуннаҳрга кўчиб келиб ўз қароргоҳини Насаф шаҳри ёнида барпо этди. Кейинчалик бу сарой ўрнида янги Қарши шаҳри юзага келди. Кебекхон давлатни идора этиш, унинг маъмурий тузилишини қайта ташкил этиш, иқтисодий ҳаётни тартибга солиш мақсадида 2 хил маъмурий ва молиявий ислоҳот ўтказди. Маъмурий ислоҳотга кўра маҳаллий тузилмалар туманларга, вилоятларга айлантирилди. Маҳаллий ҳокимлар-маликлар, садрларнинг ўринлари

туркий-мўгул уруф бошлиқлари қўлига ўтди. Ноиблик эса меросий бўлиб қолди. Бу ислоҳот давлатни бирмунча мустақамлашда ўзининг ижобий самарасини берди.

Маъсудбек даврида пул ислоҳоти амалга оширилган бўлсада, Кебекхон уни такомиллаштирмоқчи бўлди. Жумладан у Хулагийлар ва Олтин Ўрда тангалари намунасида 2 хил пул: йирик кумуш танга — «динор» ва майда кумуш танга «дирҳам» лар зарб эттиради.

Динор (2 мисқол, 8 гр. атрофларида) 6 та дирҳамдан иборат бўлиб қолди. Кебек номидан тангалар асосан Бухоро ва Самарқандда зарб этилар эди. Шунингдек, Ўтрор зарбхонаси ҳам фаол ишлай бошлади.

Кебекхоннинг ислоҳотлари анчадан бери ўтроқ ҳаёт, маҳаллий аҳоли маданияти билан яқинлашувига қарши бўлган гуруҳларнинг ҳам фаолиятини кучайтириб юборади. Кебекхоннинг укаси Оловиддин Тармаширин (1326-1334) акасининг сиёсатини давом эттириб, ўтроқ ҳаёт анъаналарини қаттиқ туриб ҳимоя қилади. У ислом динини қабул қилиб, ислом динини Чигатой улусининг расмий динига айлантиради. Тармаширин сиёсатидан норози кўчманчи мўгул зодагонлари исён кўтариб 1334 йилда уни ўлдиришади. Тармашириндан сўнг ҳокимият тепасида бўлган Чангши (1334), Бўзан (1334-1338), Эсон-Темур (1338-1342), Муҳаммад (1342-1343)лар даврида Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар бўлганлиги йўқ. Аксинча маҳаллий қабилалар ҳокимияти, уруф бошлиқларининг таъсири бу пайтга келиб янада кучайиб, Чигатой ҳокимиятининг қудрати пасая бошлайди.

XIV асрнинг 40-йилларига келиб, Еттисувда Дуғлот амирлигининг юзага келиши, амалда Чигатой улусининг тарқаб кетишидан, ўрнига Мовароуннаҳр амирлиги юзага келганлигидан далолат берар эди. Чигатой хонларининг сўнгги вакилларида бири Қозонхон (1343-1346) марказий хон ҳокимияти куч-қудратининг таъсирини кўтариб, ички сиёсатда Кебекхон — Тармаширин йўлини тутишга ҳаракат

қилди. У кўчманчи ҳарбийларга қарши кураш олиб бориб Қашқадарё воҳасида ҳатто уларга қарши таянч маркази этиб — Занжирсарой қалъасини ҳам барпо этган эди. Қозоғон бошчилигидаги бир гуруҳ кўчманчи, талончилик сиёсати тарафдорлари 1346 йили фитна натижасида Қозонхонни ўлдиришга муваффақ бўлишади.

Қозоғон ўзига амир унвонини олиб, давлат бошқарувини ўз қўлига олди. Мозароуннаҳр Қозоғон давридаёқ бир неча ярим мустақил қисмларга бўлиниб кетган эди. Мамлакатда сиёсий тарқоқлик авж олиб, ўзаро низолар янада кучайган эди. Кеш (Шаҳрисабз) атрофидаги ерлар ҳожи Барлос бошчилигидаги барлос уруғи, Хўжанд Боязид Жалойирийга қарам бўлиб қолди, Балх ва унинг атрофидаги ерлар Қозоғоннинг невараси амир Хусайинга тобе бўлди, Шибурғон эса Муҳаммадхўжа Апверди қўлларига ўтиб кетди. Бундан ташқари, Бухорода диний уламолардан иборат — садрлар, Хутталонда маҳаллий ҳокимлардан бўлиши Кайхусрав, Термизда — сайидлар, Бадахшонда ўзбошимча маҳаллий шоҳлар ҳокимиятни қўлга олишди.

XIII аср иккинчи ярми ва XIV аср биринчи ярмидаги маданий ҳаёт

XIII аср иккинчи ярми ва XIV аср биринчи ярмида хўжалик, иқтисодий ҳаётдаги силжишлар, савдо-сотиқнинг ривожланиши, қолаверса, Чигатой мўғулларининг тобора ўтроқ ҳаётга мослаша бориши, босқинчилик вақтида таназзулга юз тутган маданий ҳаётнинг нисбатан жонланишига олиб келди. Аввало шаҳарсозлик билан боғлиқ бинокорлик ва меъморчилик йўлга қўйила бошланди. Маҳаллий диний уламолар ва дунёвий зодагонлар, гоҳида мўғул зодагонларининг баъзилари қурилиш ишларига ҳомийлик қила бошлашди. Меъморчиликда алоҳида ўрин тутган ганҷкорлик, гишт ўймакорлиги, кошинпазлик, меъморий хаттотлик қайта тикланди. Мовароуннаҳр, Хоразмда маҳаллий бинокорлар иштирокида хонақо,

мақбара, масжид, мадраса, сарой, миноралар қад кўтара бошлади. Шу даврларда барпо этилган кўпгина меъморий обидалар у ёки бу кўринишда ҳозирги кунларгача етиб келган.

Бухородаги Сайфиддин Боҳарзий мақбарасини биринчилардан барпо этилган меъморий бино сифатида кўриш мумкин. Таниқли бухоролик шайх Сайфиддин Боҳарзий нуфузли диний уламолардан бири бўлиб, у 1258 йили оламдан ўтган эди. Унинг қabri устида тез орада катта мақбара ва хонақо барпо этилди. 1333 йили Бухорода бўлган араб сайёҳи ибн Батута ушбу мақбарага юқори баҳо берган эди. Шунингдек, мана шу даврларда барпо этилган Бухородаги Қусам ибн Аббос мақбараси зиёратхонаси, Хўжа Аҳмад мақбараси, кўҳна Урганчдаги Нажмиддин Кубро ва Тўрабекхоним мақбараси, масжид ва 2 та баланд миноралар (миноранинг ҳозиргача сақланган қисми 62 метрни ташкил этади, минораларнинг биттаси XX аср бошларида қулаб тушган), Хўжанддаги Дувахон мақбараси (кейинчалик вайрон бўлган) ва бошқаларни тилга олиб ўтиш мумкин. Қаршидаги бузилиб кетган сарой, Маъсудбек ҳукмроғлиги даврида (1238-1289) Бухорода барпо этилиб, 1000 тача талабага мўлжалланган «Маъсудия», «Хония» мадрасалари ва бошқалар тўғрисида манбаларда маълумот бериб ўтилади.

Кўрилаётган давр бинокорлиги ва меъморчилигида пишиқ гишт, кошин, парчин, меъморий ўймакор гиштлир ҳамда ганч ва оҳак, писта кўмир, қумлардан тайёрланган махсус қоришмалар каби қурилиш маҳсулотларидан биноларни қуришда ҳамда уларни меъморий жиҳатдан безашда кенг фойдаланилади. Монументал биноларнинг аксарияти эса бир ёки икки гумбазли, тоқу равоқли ва пештоқли бўлган. Нақшкор гишт, кошинлар, китоба (лавҳа) билан нақш бериш анъаналари давом эттирилган. Шунингдек, нақшларнинг турли-туман, гулдор бўлиши, ўймакор амалий санъат қайта тикланганлигидан ҳам

дарак берар эди. Кулодчилик, мисгарлик, заргарликда ҳам нақш билан ишлов бериш ҳолати авж олади.

Шубҳасиз, Чингиз Ўрдаларининг босқини Мовароуннаҳр ва Хуросон илм фан, адабиёт ўчоқларига катта зарба бўлиб тушади. XIII аср XIV аср охирларига қадар мўғуллар қадами етмаган ёхуд уларнинг таъсири кам бўлган Деҳли султонлиги, жанубий Эрон, Кичик Осиё, қисман Сурия ва Мисрда илм-фан, маърифат, адабиёт тараққий эта бошлаган эди. Фақатгина XIV аср охири – XV аср бошларига келибгина маърифат, маданият ўчоқлари яна Мовароуннаҳр ва Хуросонга кўчади.

XIII аср – XIV асрнинг иккинчи яримида форс-тожик адабиётида айниқса, Жалолиддин Румий (1207-1272), Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1219-1293), Амир Хусрав Деҳлавийларнинг (1253-1325) ўрни ва мавқеи кўтарилиб, улар жаҳон адабиёти оламига таниладилар. Асли Балх шаҳридан бўлган Румий 14 ёшлигида ўз оиласи билан мўғул босқинидан Кичик Осиёнинг Кўния султонлигига бориб қолади. Кўния, Ҳалаб, Дамашқда таҳсил олиб, буюк тасаввуф илми шоири ва файласуфи бўлиб танилади. У шеърятда сўфий-фалсафий жанрни ривожлантириб, ўзининг 36 минг байтдан иборат «Маснавийи-маънавий» деган достонини яратди. Саъдий эса ислом оламида ўзининг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари, ғазаллари, ахлоқий фикрлари билан кенг шуҳрат қозонади. Унинг асарларида она-Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат ғоялари ҳамиша барқ уриб туради. У ўз асарларида кишиларни ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликка, ҳукмдорларни адолат ва инсофга чақириб, салбий хусусиятларни қоралаб чиқади. Саъдий ўз умрини она шаҳри Шерозда тугатган.

Хусрав Деҳлавий Ҳиндистон шимолига мўғул босқинидан қочиб борган асли Кеш (Шаҳрисабз)лик кишилар хонадонида дунёга келади. У Деҳлида султон саройида яшаб, ўзининг ажойиб «Ҳамса» достонини, Ҳиндистонда ҳозиргача машҳур «Ҳизрхон ва Дувалра»ни, «Мифтаҳ ал-футуҳ» (Ғолиблик калити) «Нуҳ сипеҳр» (Фалакнинг тўққиз гумбази) каби

асарларни ёзади. XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тарихнавислик ҳам ривож топа бошлайди. Бу даврда асли Гур вилоятидан бўлган Абу Умар Минхожиддин Жузжонийнинг 1260 йил ёзилган «Табақоти Носирий» (Носирга аталган табақалар), Оловиддин Ота Малик Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонгўшай» (Жаҳон фотиҳи тарихи), Файзуллоҳ Рашидиддин Ҳамалонийнинг «Жомэ ат-таворих» (Тарихларнинг жамланиши) Шаҳобиддин ан-Насавийнинг «Сийрат ас-султон Жалолиддин Манкбурни» (султон Жалолиддин Манкбурнинг ҳаёт фаолияти) каби нодир тарихий асарлари ҳам жаҳон юзини кўрди.

Бу манбалар ўз вақтида мўғуллар истилоси ва ундан кейинги даврни ўрганиш бобида биринчи даражали манбалар ҳисобланади. Бу пайтда шунингдек, ислом ахлоқ-одоб ва тақводорлиги асосида туркий тилдаги адабиётнинг бир вакили машҳур файласуф шоир ва мутафаккир Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326) ҳисобланади. У нафақат шоир, мутафаккир бўлибгина қолмай, Ҳиндистон, Шероз, Румда ҳам бели ерга тегмаган курашчи полвон ҳам эди. Худди шу маънода «Паҳлавон» тахаллуси унга ҳақли равишда берилган. Халқ ичида эса уни яна беҳад саховатли, бағрикенг, адолатли инсон сифатида ҳурмати катта эди. У голибликдан тушган мукофотларни етим-есир, ногиронларга ҳадя этар, пўстиндўзлик ҳунаридан келган даромадини атрофидаги камбағаллар билан баҳам кўрар эди. Ўз маблағидан ҳатто Хива яқинида мақбара ҳам барпо этади. Унинг мардлиги, тантилиги, халқпарварлиги тўғрисида бизнинг кунларимизга қадар турли ҳикоят, ривоятлар ҳам етиб келгандир. Унинг инсонга хос бўлган ажойиб фазилатларни улугловчи рубоийлари халқ орасида кенг тарқалган. У инсон ақл-заковати, ахлоқий камолати ва ахлоқий поклигини қадрлайди. Туркий тилда ижод қилган яна бир шахс, бу номи бизга ҳали яхши таниш бўлмаган Носириддин Бурҳонуддин Рабғузидир. У XIII аср охири XIV аср бошларида яшаб, ижод қилган. Бизгача унинг биргина

«Қиссаи Рабғузӣ» (Қиссасул анбиё) асари етиб келган. Бу асарда муаллиф ўзини «Работ ўғзининг қозиси Бурҳон ўғли Носириддин» деб таништиради. Ушбу асар ислом динини қабул қилган мўғул беқларидан бири бўлмиш Носириддин Тўқбуғанинг илтимосига кўра ҳижрий 709 (милодий 1309-1310) йилда ёзилган. Ушбу асар 72 қисмдан иборат бўлиб, пайғамбарлар (Довуд, Сулаймон, Муҳаммад) ҳақидаги қиссалар, диний ривоят ва ҳикоятлар, халқ оғзаки ижоди, тарихий асарлар, диний китоблар асосида баён этилган диний-фалсафий, тарихий, ахлоқий асардир. Ушбу асар халқ орасида, бахши ва оқинлар орасида ҳамиша машҳур бўлиб келган. Асарда баён этилган ахлоқий фазилатлар, таълим-тарбия, маърифат хусусида фикрлар ҳозирги кунга қадар ўзининг долзарб аҳамиятини йўқотмаган.

Бу пайтга келиб туркий адабиёт ривожини билан бир қаторда, тасаввуф, дин илмларининг ҳам ривожланиши кўзга ташланади. Тасаввуф илмининг машҳур намоёниси, нақшбандийлик тариқатининг асосчиси Баҳовуддин Нақшбанд (Саид Муҳаммад ибн Жалолоддин) (1318-1389) аввало ўз меҳнати билан ҳалол кун кўриш ғоясини ёқлайди. Унинг «дил ба ёру, даст ба қор» (яъни дилинг худога бўлсин, қўлинг меҳнатда бўлсин), деган шиори кейинчалик кенг тарқалди. Унинг номи халқ орасида маълум ва машҳур бўлиб кетиб, Бухоро яқинидаги қабри мусулмонлар зиёратгоҳларидан бирига айланиб қолган. Мустақиллик инояти билан бу аждодимизнинг номлари қайта тикланиб, унинг қабри жойлашган ер обод ва кўркем зиёратгоҳ тусини олди.

10-МАВЗУ. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ. ИЖТИМОЙ- СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиш учун кураши ва ҳарбий юришлари

Амир Темур 1336 йил 8 апрелда (ҳижрий 736, шаъбон ойининг 25 кунда) Кешга қарашли Хўжа Илғор (ҳозирги Яккабоғ райони) қишлоғида барлос бекларидан бири Амир Тарағай ибн Барқал оиласида дунёга келди.

Темурнинг болалиги ва ўспиринлик йиллари Кешда ўтди. Ибн Арабшоҳ, Рюи Гонзалес де Клавихо ва бошқа тарихшунослар 1360 йилга қадар унинг ҳаётиини айрим маълумотлар билан изоҳлашади.

1360-1361 йилларда Мўғулистон ҳукмдори хоқон Туғлуқ Темур Мовароуннаҳрнинг ички ҳаётига раҳна сола бошлайди. Унинг босқинчилик тadbирлари Ўрта Осиёлик мустақил ҳукмдорларга маълум бўлганидан кейин улар саросимага тушиб қолганлар. Шулар қаторига Кеш амири ҳожи Барлосни ҳам киритиш мумкин. Туғлуқ Темур Хўжандни ишғол этиш ниятида Сирдарёдан ўтганидан сўнг Мовароуннаҳр амирлари ва ҳожи Барлос қўрқувдан ўз жонларини халос этиш учун Амударёдан ўтиб Хуросонга кетиб қолдилар.

1360-1370 йилларда Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётида Амир Темур билан бир қаторда таъсир ўтказган шахслардан яна бири Амир Қозоғоннинг набираси Амир Ҳусайн эди. Балх ва унинг атрофидаги ер-мулклар унинг тасарруфида эди. 1361 йилда Амир Темур Амир Ҳусайнга яқинлашган эди. Энди иккала ҳукмдор бирлашиб, мўғул хонларига қаршилик кўрсатиш имконига эга бўлдилар. Маълумки, Амир Темур мўғул ҳокимига қарам эди. Вақти келиб, Мовароуннаҳрни бошқаришни Туғлуқ Темур ўз ўғли Илёсхўжага топширди. Мустақил бўлишга ҳаракат қилиб юрган Амир Темур янги ҳукмдорга итоат этмади.

Бунинг оқибатида янги зиддият юзага чиқди. Амир Хусайн билан Соҳибқирон Темурнинг бир-бирлари билан жуда яқинлашган ва яхши муносабатда бўлган даврлар 1361-1365 йилларни ўз ичига олади.

Амир Темурнинг ҳаётида рўй берган ва бир умрга унга тан жароҳатини муҳрлаган воқеа 1362 йилда Сейистонда бўлиб ўтган. Амир Темур жанг вақтида ўнг қўлининг тирсагидан ва ўнг оёғига камон ўқи тегишидан қаттиқ жароҳатланади. Бунинг оқибатида у бир умр оқсоқланиб юради. Шу боис ундан даҳшатга тушган душманлари Амир Темурни ҳасад билан «Темурланг», деб аташган.

Туглуқ Темур ўлиmidан сўнг 1363 йилда Мовароуннаҳр тупроғидан ҳайдалган Мўғул хони Илёсхўжа янгидан жуда катта лашкар билан аввалги мулкларини эгаллаб олиш мақсадида Мовароуннаҳр томон ҳаракат қила бошлайди. Мўғул хони айниқса, ўзининг рақибларига нисбатан қаҳрли кайфиятда эканлиги ҳам маълум эди. Темур ва Амир Хусайн бўлғуси қақшатқич тўқнашувга имкон борича ҳарбий кучларни йиғдилар. Тарихда «Лой жанги» номи билан кирган мазкур жанг Чиноз билан Тошкент ўртасида 1365 йилнинг баҳорида рўй берган. Амир Темур ва Амир Хусайн Чирчиқ дарёси бўйидаги бу жангга мағлубиятга учраганлар. Мазкур мағлубият сабабларини ҳар хил баён этишади. Айрим солномачилар мўғул хонининг голиб чиқишида Амир Хусайннинг суёт ва лаёқатсизлик билан ҳаракат қилиши деб изоҳлайди. Эҳтимол шундандир ёки мўғул хони қўшинининг сони кўплиги ҳамда яхшироқ тайёрланганлиги бу ютуқнинг асосий омили бўлса керак.

Қайта уриниш беҳуда эканлигини англаб етган Амир Темур жанг майдонини тарк этиб, қолган-қутган аскарлари билан Самарқанд томон қайтиб кетган. Самарқанд шаҳрига келгандан сўнг бу ерда ҳам узоқ турмасдан, аввалига Кешга сўнгра Амударё орқали Балхга ўтиб кетади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу пайтда Мовароуннаҳрнинг бош амири Хусайн эди.

Бирор қарорга келиш эса унинг иродасига боғлиқ бўлган. Шу сабабли Амир Темур ҳам унинг кўрсатмаси билан, кўп ҳолларда Ҳусайннинг розилиги билан иш тутишга мажбур эди. Самарқанд шаҳри, қолаверса, бугун Мовароуннаҳр ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Мўғул хони чангалидан қутулиш самарқандликларнинг ўзига боғлиқ эди. Бу шароитда Самарқанд мудофаасини сарбадорлар ўз қўлларига олдилар.

Сарбадорлар мўғуллар зулмидан озод бўлиш йўлида ўзларини қурбон қилишга тайёр эдилар. Сарбадорлар ҳаракати XIV асрнинг 30-йилларида Эронда ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида пайдо бўлиб, 50-60-йилларда Мовароуннаҳрга ҳам ёйилди. Ҳаракат қатнашчиларининг асосий мақсади мўғул истилочилари ва зулм ўтказувчи маҳаллий қатламларга қарши кураш эди.

Хуросондаги сингари Самарқандда ҳам бу ҳаракат қатнашчиларининг ижтимоий таркиби айнан бир хил бўлган. Хунармандлар, дўкандорлар айрим мадраса мударрислари ва талабалар мазкур ҳаракатга фаол қўшилди. Илёсхўжа тўғридан-тўғри Самарқанд томон йўл олди. Шаҳар жомеъ мачитига йиғилган аҳоли олдида сарбадорларнинг бўлажак раҳбаридан бири бўлган, мадраса мударриси Мавлонозода чиқиб, шаҳарнинг ҳар бир аъзосидан катта миқдорда солиқ ва тўлов йиғиб, уни ўз билганича сарф этиб юрган ҳукмдорнинг шаҳарни ўз ҳолига ташлаб қўйганлигини уқтириб ўтади.

Мудофаа раҳбарлигига Мавлонозода қаторига Мавлоно Хўрдак Бухорий ва Абу Бақр Қалавий ҳам қўшилдилар. Мудофаа ташкил этилганлигидан хабарсиз мўғуллар ҳукмдорсиз шаҳарни ҳимоясиз деб ўйлашарди. Уларнинг асосий қўшинлари шаҳарга кираверишдаги бош кўчадан ҳужум қиладилар. Хавф-хатардан шубҳаси бўлмаган босқинчилар Мавлонозода қамончилари билан пистирмада турган жойга яқинлашганларида тўсатдан қамон ўқларига дуч келадилар. Шаҳар мудофаачилари мўғулларга уч тарафдан ҳужум қилдилар. Биринчи ҳамладаёқ шаҳарни

эгаллаймиз, деб ўйлаб бостириб кирган мўгуллар катта талофат кўриб, орқага чекинишга мажбур бўлдилар.

Самарқандликларнинг ишлаб чиққан ҳарбий режаси пухта чиқди ва ўз самарасини берди. Бир неча ҳужум самарасиз тугагач мўгуллар шаҳар атрофини қуршаб олиб узоқ вақт қамал қилиш режасини ўйлаб чиқдилар. Лекин лашкар сафида юкумли касаллик тарқалди. Бунни от вабоси (ўлати) деб аташади. Ўлат оқибатида Илёсхўжа қўшинларига мансуб отларнинг катта қисми қирилиб кетди. Илёсхўжа катта йўқотишлар билан дастлаб Самарқандни кейин эса Мовароуннаҳрни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Бу пайтда Кешда бўлган Амир Темур бу хабарни Амударё бўйларида бўлган Амир Ҳусайнга етказди. 1366 йилнинг баҳорида улар Самарқандга етиб келадилар ва сарбадорлар раҳбарларини ўз ҳузурларига чорладилар. Учрашув Самарқанддаги Кониғил деган жойда бўлди. Бу ерда сарбадорларнинг раҳбарлари билан келишмовчилик юз беради ва улар қатл этилади. Амир Темурнинг илтимоси билан фақат Мавлонозода омон қолдирилиб, Хуросонга жўнатилади. Сарбадорлар ҳаракати бостирилгандан сўнг Амир Ҳусайн ва Амир Темур ўртасидаги муносабатлар кескинлашади. Бунга Амир Ҳусайннинг сарбадорларга нисбатан адолатсизлиги ҳам бир қадар сабаб бўлган эди.

1366-1370 йиллар оралигида Амир Темур ўз эътиборини ички ишларга қаратди. Амир Ҳусайн ва Амир Темур ўртасидаги зиддиятлар 1370 йилда Ҳусайннинг ўлдирилиши ва Амир Темурнинг тахтга ўтириши билан якунланди. Мовароуннаҳрнинг амалдаги хони Чингизхон авлодига мансуб бўлган Суюрғотмиш қўлига ўтди. Давлат бошқарув тизими эса Мовароуннаҳр амири номини олган Амир Темир қўлида қолди, ҳамда Кеш шаҳридан Самарқандга кўчиб, уни ўз давлатининг пойтахтига айлантирди.

Амир Темурнинг Мовароуннаҳрдаги бирлаштириш сиёсати бошланган эди. У Амударё ва Сирдарё оралигида турган ерларни ўзига бўйсундириб, ўзига

итоат эттирди. Фарғона, Шош вилоятларини ўз тасарруфига киритиш унга қийин бўлмади. Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Олтин Ўрдага қарашли ерларни эгаллашда у бу ерлардаги ички сулолавий урушлардан фойдаланди.

Амир Темур Хоразмни ҳам қайтадан Мовароуннаҳрга киритишга интилди. 1372 йилда Хусайн Сўфи Амир Темурга бож тўламасдан, бунинг устига Соҳибқирон томонидан юборилган элчига шундай жавоб берди: «Мен мамлакатни қилич билан фатҳ этганман, шунинг учун ҳам уни фақат қилич билан олиш мумкин».

Уша йили Амир Темур Хоразмга қўшин тортиб келади. Урганчга бориш учун Қиёт шаҳри орқали ўтиш керак эди, бу шаҳар бир оз қаршилик кўрсатгандан кейин Темур қўшини томонидан ишғол қилинади. Қиётнинг кўлдан кетиши Хусайн Сўфига кучли таъсир кўрсатади. У Амир Темур билан ярашишга, унинг талабларини бажаришга рози бўлади. Лекин айрим ҳокимлар Амир Темурнинг тез баланд мартабага эришишчани кўролмай Хусайнни унга қарши гиж-гижлай бошладилар. Хусайн уларнинг ёрдамига ишониб Амир Темурга қарши чиқади, аммо унинг томонидан тор-мор этилади. Шундан сўнг Хусайн Урганч қалъасига беркинади ва тезда вафот этади. Унинг ўрнига акаси Юсуф Сўфи (1372) ҳокимиятга келади ва Амир Темур билан яраш шартномаси тузади. Лекин у яраш шартларини хиёнаткорона бузиб, Амир Темур қайтиб кетгандан кейин Қиёт шаҳрини босиб олади ва унга қарши очикдан-очик душманлик ҳаракатларига ўтади. Шундан сўнг Амир Темур Хоразмга иккинчи маротаба юриш қилишга мажбур бўлади. (1373-1374 йй.). Аммо бу ҳарбий тўқнашувгача бормади, чунки Юсуф Амир Темурга тавба қилиб яраш шартларини сўзсиз бажаришга ваъда беради. Бу иккинчи юриш натижасида Жанубий Хоразм Амир Темур давлати таркибига киради.

1374 йилдан кейин Амир Темур Хоразмга уч маротаба юриш қилди. Бунинг сабаби Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг Хоразмга даъвоси туфайли эди.

1387-1388 йилларда Тўхтамиш, Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб, Хоразмга хужум қилди. Хоразм ҳокими бўлган Сулаймон Сўфини Амир Темурга қарши кўзғолон кўтаришга ундади. Сулаймон Сўфи бунга рози бўлди. Бу воқеалар Амир Темурни 1388 йили Хоразмга яна юришга мажбур этди. Темур Урганчни ишғол қилди ва сўфийлар сулоласини тугатди.

Шу вақтдан буён Хоразм Амир Темур давлати таркибига, кейин эса Темурийлар давлати таркибига кирган. Шундай қилиб, Еттисувдаги ва Сирдарё этакларидаги ерлардан ташқари, Туркистон ерларининг ҳаммаси Амир Темур қўлига ўтди. /

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари тарихда «уч йиллик» (1386-1388) «беш йиллик» (1392-1396) «етти йиллик» (1399-1405) урушлар деб ном олган. Темур 1381 йилда Ҳиротга юриш қилади. Бу даврда Ҳиротни курдлар сулоласи бошқарар эди. Уларнинг ҳукмдори Ғиёсиддин Пир Али Темурга қаттиқ қаршилиқ кўрсатмади. Лекин 1383 йилда Ҳиротда кўзғолон кўтарилди. Кўзғолон бостирилди ва курдлар сулоласи кулаши билан сарбадорларнинг сўнгги ҳокими бўлган Али Муайёд ихтиёрий сурабда ўз ерлари ва ҳокимиятини Темурга топширди. XIV асрнинг 80-йиллари ўртасига келиб бутун Хуросон Амир Темур ихтиёрига ўтди. «Уч йиллик» уруш даврида Амир Темур Озарбайжон, Табриз, Мозандарон, Филонни бўйсундиради. Шундан кейин у Кавказга юриш бошлаб, Тифлис, Арзирум ва Ван қалъасини эгаллади.

Шундай қулай пайт келганидан, яъни Амир Темурнинг Эрондалигидан фойдаланган Тўхтамиш Мовароуннаҳрга Қамариддин етакчилигида қўшин юборди.

1388 йил январиди Амир Темурнинг қайтишини кутган душман орқага қайта бошлади. Амир Темур

амирлари Хусайн, Шайх Али Баҳодир ва бошқаларга душманни даф қилишни топширди. Улар Сирдарё бўйидаги Сарисув деган жойда душманни қувиб етиб унга кагга талофат етказдилар. Тўхтамиш 1388 йил охирида Амир Темурга қарши қайта ҳужум бошлади. Амир Темур эса урушга тайёрланиш учун Сагорон (Каттақўрғон) да қароргоҳини тикиб, қўшинларини жанговар ҳолатга келтирди. Амир Темур душманнинг орқа тарафидан ҳужум қилиш учун Қўнғи ўғлон, Темур Қутлуғ ўғлон, Шайх Али Баҳодир қўмондонлигидаги қўшинларни юборади. Ҳужум муваффақиятли бўлди. Душман тор-мор этилиб, Тўхтамиш зўрға қочиб қутулди.

1393-1394 йили Амир Темур Шеки (Озарбайжоннинг шимолий қисми) да турган пайтда Тўхтамиш Кавказорти вилоятларига ҳужум қилди. Амир Темур Шекидан чиқиб Кура дарёси бўйлаб юрди. Олтин ўрдалиқлар Амир Темур қўшинлари келаётганини эшитиб чекинишга мажбур бўлдилар. 1395 йил апрелида Амир Темур ва Тўхтамиш ўртасида уруш ҳаракатлари яна бошланиб кетди. Жангнинг асосий қисми ўнг қанотда бўлди. Ушбу қанотда мушкул вазият пайдо бўлган. Амир Темур захира қўшин билан жангга кирди ва душманни чекинишга мажбур қилди. Тўхтамиш учинчи жангдан кейин ҳокимиятдан ажралди.

Тўхтамиш қўшинининг Терек дарёси бўйида тор-мор этилиши ва 1395 йилда Сарой Берканинг хароба қилиниши Олтин Ўрдага жуда кучли зарба бўлди. Шундан кейин у ўзини ўнглай олмади.

Амир Темурнинг бир мамлакатга қилган юришлари унинг бошқа мамлакатларга қилган юришлари билан кетма-кет борганлигини уруш воқеалари кўрсатиб туради. Амир Темур Озарбайжонга бир неча маротаба ҳужум қилиб борди ва 1387 йилда уни бўйсундиришга муяссар бўлди. Арманистон ва Грузияни Амир Темур 1392 йилда бўйсундиради. Темурнинг узоқ Ҳиндистонга юриши 1398 йилда тамомланди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати шунда эдики, у ўз душманларини эркин нафас олишга қўймаган.

1400 йилда Амир Темур қўшинлари турк султони Боязид I ва Миср султони Фараж билан кураш олиб бордилар. 1402 йилда Амир Темур Анқара ёнида Боязид билан иккинчи марта тўқнашди ва уни тор-мор этди.

Амир Темур ўз қўшинлари билан 1404 йилнинг охирида Хитойга қараб йўлга чиққанди. Уша йили қиш Ўрта Осиё тарихида энг қаҳратон қиш бўлган. Сирдарёнинг суви 1 метрга музлаган, аскарлардан кўпининг қулоқ-бурунларини, қўл-оёқларини совуқ олган эди. Амир Темурнинг ўзи ҳам кўп ўтмай шамоллаб қолади. 1405 йил январ ойининг ўрталарида Ўтрорда тўхташга қарор қилишди ва бу ерда 18 феврал куни буюк жаҳонгир Соҳибқирон Амир Темур вафот этди.

Амир Темур 35 йил давомида ҳарбий юришлар қилиди. Бу юришлар натижасида у буюк давлат ташкил қилишга эришди. Унинг таркибига Мовароуннаҳр, Хоразм, Каспий атрофидаги вилоятлар, ҳозирги Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Ироқ, Жанубий Россия, Кавказ ва Ғарбий Осиёнинг бир қатор мамлакатлари киради. Амир Темурнинг муваффақиятига аввало унинг нодир ҳарбий истеъдоди сабаб бўлди. Амир Темур қўшинида қатъий тартиб ва интизом ўрнатилган эди. Ҳар бир жанг режасини ва барча қисмлар учун йўл-йўриқларни ўзи ишлаб чиқарди. Унинг ҳарбий истеъдоди Анқара яқинида Султон Боязидга қарши жангда айниқса ёрқин намоён бўлди. Армиянинг юрагини ва қўмондонлик ўзагини барлос уруғи вакиллари ташкил этарди. Шу давр воқеаларининг шоҳиди бўлганларнинг гувоҳлик беришича барлослар ҳарбий қўнимсизликка ниҳоятда чидамли, ёйдан ўқ узишга жуда уста, ўз ҳукмдорларига содиқ ва сабр-тоқатли бўлганлар.

Амир Темур вафотидан сўнг Темурийлар давлатидаги иқтисодий-сиёсий вазият

Соҳибқирон Амир Темур Хитойга қилинаётган ҳарбий юриш вақтида қаттиқ оғриб, 1405 йил 18 феврал кечаси Ўтрор ҳоқими Бердибекнинг саройида вафот этади. Ўз даврининг моҳир табиблари ва

уларнинг сардори бўлмиш таниқли табиб Файзуллоҳ Табризийнинг давокорлари буюк ҳукмдор танасидаги оғирликка даво бўла олмади. Қазосига қадар ихтиёри ўзида бўлган Соҳибқирон Амир Темур ўзига ворис ва тахт валиаҳди этиб невараси Пирмуҳаммад Жаҳонгирни васият қилиб қолдиради. Амир Темур барпо этган буюк салтанат (жами ўз ичига 27 та ўлка ва вилоятларни жам этган) гарчи Темурнинг маҳорати ва куч-қудрати ила мустаҳкам турган бўлса-да, лекин у ички жиҳатдан сиёсий анча заиф, умумиқтисодий асосга эга бўлмаган эди. Ўғиллар, набираларга мамлакатни қисм-қисмларга бўлиб берилганлиги ва суюрғол тартиби ҳам Темур давлати парокандалигини кучайтирар эди. Темур жасади Самарқандда дафн этилиши ва мотам маросимлари тугамасданоқ, тожу-тахт учун шаҳзодалар ўртасида ўзаро кураш кучайиб кетди.

Қобул ва шимолий ҳинд мулкларнинг ҳоқими бўлмиш, Пирмуҳаммадни кўпчилик тахт эгаси сифатида кўришни хоҳламас ҳам эди. Бунинг устига у анча узоқда бўлиб, Самарқандга тезлик билан етиб келиш учун имкони ҳам йўқ эди. Темур вафотидан сўнг Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва бошқа ерларда нотинчлик бошланиб, ғалаёнли вазиятлар юзага кела бошлади. Секин аста Темур куч-қудрати билан барпо этилган буюк салтанатга путур ета бошлади. Фосих Ҳавофий Темурдан сўнг тирик қолган унинг ўғил ва набираларини санаб, жами уларнинг сони 36 тага етишини таъкидлаган эди. Айниқса улар орасида Шохруҳ (1377-1447) ни ва унинг ўғли Улуғбек (1394-1449) алоҳида ҳурмат билан тилга олиб ўтилган. Шу давр муаррихлари тахт эгалигига кўпроқ Шохруҳни маъқул кўриб, унинг инсоний сифатларига юқори баҳо берар эдилар. Шохруҳ тахт эгаси бўлишидан аввалроқ ҳам ўзининг оқил ва илми, зукко ва тақводорлик сифатлари билан ҳурмат қозонган эди. Шунингдек, бу вақтда Темурнинг бошқа бир ўғли Мироншоҳ (1366-1408) ҳам ҳаёт бўлиб, у ҳам асосий тахт даъвогарларидан бири ҳисобланар эди.

Темурнинг садоқатли амирларидан кўпчилиги, жумладан Шоҳмалик ва Шайх Нуриддинлар ҳам тожу тахт Шоҳруҳ Мирзога тегиши тарафдори эдилар. Шундай бир вақтда Мироншоҳ Мирзонинг ўгли, шимолий ерлар (Тошкент, Сайрам, Туркистон) ҳокими Халил Султон (1384-1409) шошилинич равишда, ўзининг минг чоғли аскарлари билан 1405 йилнинг 18 март куни Самарқандни эгаллайди ва ўзини Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилади. Ҳатто у Пирмуҳаммадга тегишли Амударёнинг ўнг бетидаги ерларни ҳам ўз тасарруфида деб эълон қилади. Аввал бошда уни қўллаган Мовароуннаҳр амирлари, ҳарбий саркардалар кўп ўтмай ундан ихлослари қайта бошлайди. Халил Султон ва айниқса унинг хотини Шодимулк пойтахтда кўплаб ноҳониз ишларга изн беришади, Темур давридаёқ нуфузли бўлган баъзи амалдор, зодагонлар мулкларни тортиб ола бошлашади.

Давлат хазинаси ўз ҳолича созурида бошланиб, ҳокимиятга кўплаб номақбул кишилар кела бошлайди. Шоҳруҳ билан биринчи ўзаро низодан сўнг Халил Султон гарчи унинг олий ҳукмдорлик ҳуқуқини тан олса-да, Мовароуннаҳр унинг ихтиёрида қолажагини маълум қилади. Халил Султонни Ироқ томонидан бошқа бир куч, отаси Мироншоҳ Мирзо ҳам қўллаб-қувватлай бошлайди. Сиёсий қалтабинлик йўлини тутган Халил Султондан норозилик тобора кучая бошлайди. Фарғона ҳокими Амир Худойдод Халил Султонга қарши бош кўтаради. Шоҳруҳнинг садоқатли кишиси бўлмиш Шайх Нуриддин Ўтрор ҳокими, ўз укаси бўлмиш Бердибек билан бирга бошқа бир исён кўтарилишига сабабчи бўлади. Халил Султоннинг укаси Мирзо Султон Ҳусайн Амударё бўйларида ўз акасига қарши бош кўтаради. Хоразм эса Олтин ўрдалик таниқли саркарда Амир Идику Ўзбек томонидан ишғол этилади.

1405-1406 йилларда Халил Султоннинг Шоҳруҳ, Пирмуҳаммад қўшинлари билан Мовароуннаҳр тахти учун бир неча бор ҳарбий тўқнашуви содир бўлади.

Бутун Темур салтанати ўзаро тожу тахт курашлари домига тортилади. Ягона ҳисобланган салтанат Шоҳруҳ бошқараётган Хуросон, Балхдан то ҳинд ерларигача бўлган ерларга ҳоким Пирмуҳаммад, Фарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ тасарруфида бўлган Мироншоҳ ва унинг авлодлари (Умар Мирзо, Абу Бакр) ерларига бўлиниб кетди. Мовароуннаҳр Халил Султонга расман қарашли, деб ҳисобланса-да, Туркистон, Ўтрор, Сайрамда Амир Бердибек, Фарғонада эса Амир Худойдод ҳукмронлик қилишар эди. Уларни барча Теурийлар салтанатнинг юраги бўлмиш Мовароуннаҳрни эгаллаш истаги тарк этмас эди.

Мовароуннаҳр ҳокими Халил Султоннинг ўз ҳолича иш тутиши, теурий зодагон, амирларнинг камситилиши, мусулмон уламолари, жумладан, нақшбандия тариқатининг таниқли шайҳи Муҳаммад Порсонинг таҳқирланиши муҳолиф кучларнинг душманлигини кучайтириб юборди. Шу вақтнинг ўзида ўзаро фитна ғалаёнларнинг навбатдаги қурбонлари ҳам пайдо бўлади. 1407 йил 22 февралда тахт валиаҳди ҳисобланган Пирмуҳаммад ўзининг вазири Пирали Тоз томонидан суиқасд натижасида ўлдирилади. (Кейинчалик ўзини Пирмуҳаммаднинг «қасоскори», деб эълон қилган Шоҳруҳ Пирали Тозни Ҳиротда қатл этади). 1408 йил 22 апрелда эса қорақўюнлў туркманлар билан жангда ҳокимият учун бошқа бир даъвогар Мироншоҳ Қора Юсуф томонидан Озарбайжон ва Ироқ учун бўлган жангда ўлдирилади. Натихада Озарбайжон ва Ироқ теурийлар тасарруфидан чиқади.

1409 йил бошида эса сиёсий вазият янада кескинлашади. Амир Худойдод шу вақтда Халил Султонни Самарқанд ёнидаги Шероз қишлоғида мағлубиятга учратиб, унинг ўзини асирликка олади. Хуросон ҳокими Шоҳруҳ эса ўзига қарашли бўлган Мозандарон ва Машҳадда, сўнгра унинг илқига ўтган Сеистон ва Кирмонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлайди. Сўнгра бутун эътиборини Мовароуннаҳрға қаратади.

Шероз жангидан бир оз аввал Шоҳруҳ Халил Султонга Мовароуннаҳр тахти учун жанг қилиш хусусида ёрлик ҳам юборган эди. Шоҳруҳ салтанат марказидаги бедодликларга бундан буён бепарқ бўла олмаслигини эълон қилди. 1409 йил 25 апрелида у Амударёдан ўтиб Самарқанд томон жадал йўл олади. Халил Султонни қўлга олган Амир Худойдод кўшинларини Шоҳруҳ юборган ҳарбий қисм тор-мор этиб, Халил Султонни асирликдан озод қилишади. Олийжаноб инсонийлик сифатларига эга бўлган теурий Шоҳруҳ Мирзо ўзаро гина-кудратларни унутиб, уни яхши кутиб олади. Амир Худойдод эса мамлакатдан қочиб кетади. 1409 йилнинг декабрига қадар Шоҳруҳ Мирзо Мовароуннаҳрда тинчлик осойишталик ўрнатиб, Халил Султон ва бошқа теурий шаҳзодалар тарафдорларига қарши кескин чоралар кўради, издан чиққан хўжалик ҳаётини, савдосотиқни тиклайди.

Теурийлар салтанатининг тақдири ойдинлашиб, Хуросон ҳокими бўлмиш (1405-1409) Шоҳруҳ Мирзо теурийлар давлатининг олий ҳукмдори (1409-1447) сифатида эътироф этилди. Тарихда эса Шоҳруҳнинг деярли 40 йиллик барқарор ҳукмронлик даври бошланади. Ўзаро низо ва фитналардан, иқтисодий, савдо муносабатларини чиппақка чиқарган вайронагарчилик урушлардан чарчаган халқ, марказлашган кучли давлат сари интилаётган Шоҳруҳ Мирзонинг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлар эди. Чунки фақатгина кучли, марказлашган давлатгина ўзаро осойишталик, иқтисодий барқарорликни таъминлаши мумкин эди. Шоҳруҳ Темур давлати ўзагини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Шу билан бирга у деярли барча ўлка, вилоят ноибларини ўз лавозимларидан четлаштириб, ўзига ишончли ҳисоблаган қариндош-уруғларини бу лавозимларга кўя бошлайди. Жумладан, Балх ва Бадахшон — Иброҳим Султонга, Шероз — Суюрғатмишга, Қобул ва Қандаҳор — Қайду Мирзога, Хуросоннинг бир қисми — Бойсунқур Мирзога, Фарбий Эрон ҳамда Ироқи Ажамнинг бир қисми —

Султон Муҳаммадга, Форс вилояти — Абдулло Мирзоларга суюрғол тарзида бўлиб берилади.

Шу йўл билан Шохруҳ бошқарув тизими қулай ва ихчам бўлади деб ўйлаган эди. Лекин кейинчалик ишончли қондошлар ичидан ҳам исёнкор ноиблар чиқа бошлайди. Хусусан, Шохруҳнинг невараси Султон Муҳаммад Эрон ноиби этиб тайинлангач, марказга бўйсуннишдан бўйин товлай бошлайди. Сўнгги маротаба Шохруҳ исёнкор неварасини ўлимидан сал аввал (1446 й.) Эронга юриш қилиб, унинг жазосини бериб қўйишга мажбур бўлган эди. Ягона Шохруҳ давлатида Мовароуннаҳр қисмининг алоҳида ўрни бор эди. Давлатнинг марказий пойтахти Ҳирот шаҳри ҳисобланса, Мовароуннаҳрнинг маркази Темур пойтахти бўлмиш қадимий Самарқанд шаҳри ҳисобланар эди. Мовароуннаҳр ерларининг бошқаруви эса Улуғбек қўлига топширилган бўлиб, у умрининг охирига қадар (1449 й.), 40 йил мобайнида бу ерларни бошқариб келди. 1409 йили Мовароуннаҳр қўлга олингандан сўнг Шохруҳ Улуғбекни шу ўлканинг ноиби этиб тайинлайди. 15 ёшли ўсмир давлат бошқаруви ишлари учун ёш эканлиги ҳисобга олиниб, таниқли амир Муборизиддин Шохмаликни унга оталиқ этиб тайинлаб, бошқарув ишлари амалда оталиқнинг қўлида мужассамлашади.

Мовароуннаҳрлик амирларнинг баъзилари Улуғбек ва Шохмалик ҳокимиятларини тан олишни исташмайди. Жумладан, 1410 йилда қайта бош кўтарган Шайх Нуриддин ғалаёни фақатгина Шохруҳ Мирзонинг аралашуви туфайли бостирилиб, ноиблик ўрни Улуғбекнинг ўзига қолдирилади. 1411 йили Мовароуннаҳрда анча муҳолиф кучларига эга бўлган ва Улуғбекнинг мустақил хатти-ҳаракатларига тўсқинлик қилаётган Муборизиддин Шохмалик Шохруҳ билан бирга Ҳиротга қайтиб кетади. Улуғбек Мирзо эса шу йилдан бошлаб Мовароуннаҳрнинг «Ягона ва қонуний султони» сифатида ҳокимиятни бошқаради.

Шохруҳ ва унинг ўғли Улуғбек ўз сиёсатларининг устувор йўналишлари этиб аввало мамлакат ҳудудларини кенгайтириш ҳамда марказий ҳокимиятни

мустаҳкамлаш, деб билдилар. Шоҳруҳ 1413 йили Эронни ўз қўли остига олади. Уша йили Шоҳруҳ кўшини ёрдамида Улуғбек Олтин Урда хонлари ихтиёридан Хоразмни тортиб олади. Бу курашда фаол иштирок этган Шоҳмалик Хоразм ноиби этиб тайинланади. Улуғбек 1414-1415 йилларда ўз амакиваччаси амирзода Аҳмад ҳукмрон бўлиб турган Фарғонани унинг қўлидан тортиб олади. Шунингдек, унинг Қошғарга нисбатан сиёсати ҳам муваффақиятли тарзда ҳал бўлади. Аввал бошда собиқ Фарғона ҳокими Аҳмад Қошғардан паноҳ топган эди. Лекин теурийлар билан муносабатларни кескинлаштирмасликни лозим деб ҳисоблаган Қошғар ҳокими Шайх Али Тўғай Улуғбек билан ўзаро музокаралар олиб боради. Натижада, 1416 йили у «Буюк амирнинг руҳи, ҳимоясига» ўтиш истагини билдириб, Қошғарни Улуғбек юборган вакиллар Сиддиқ ва Алилар қўлига топширади.

Улуғбек шимолдаги кўшнилари бўлмиш Дашти Қипчоқ ва Мўғулистондаги ички сиёсий аҳвол барқарорлиги ва у ерларда ўзига иттифоқчи бўлган кишиларни ҳокимият тепасида бўлишини истар эди. Шу сабабдан ҳам унинг аралашуви ҳамда ҳарбий кўмаги билан Дашти Қипчоқда Урусхоннинг набираси Шаҳзода Бароқхон ҳокимият тепасига келади. Мўғулистонда эса Улуғбекнинг ёрдами билан Шермуҳаммадхон рақиби Ваисхонни енгиб Мўғулистон тахтини эгаллайди. Улуғбек бу хонлар орқали шимолда ва шарқда ўз таъсирини ўтказишга ва ўзига ишончли иттифоқчиларга эга бўлишини кўзлаган эди. Аввал Шермуҳаммадхон Мовароуннаҳр ички ишларига аралашишга ҳаракат қилиб, ўз валинеъматига нисбатан ноҳақ муносабатда бўла бошлайди. 1424 йили ноябр ойида Шоҳруҳнинг ризолиги билан Улуғбек Мўғулистон устига юриш бошлайди. Унинг асосий кучлари 1425 йил эрта баҳорида Чу дарёсидан ўтиб, Иссиқкўл яқинида мўғулларни тор-мор келтиради.

Бу жанг Улуғбек олиб борган жиддий урушларнинг биринчиси ва сўнггиси эди. Тез орада шимолдан яна

бошқа бир хавф пайдо бўлади. Улуғбек ёрдами билан аввал Дашти Қипчоқ, сўнгра Олтин Ўрда ҳокимиятини қўлга олган Бароқхон Мовароуннаҳр султони мурувватини ёддан чиқарди. У Сирдарё бўйидаги ерлар ва шаҳарларни (Ўтрор, Саброн, Сигноқ) талаб, у ерларга ўз даъвоси билан чиқади. 1427 йилнинг бошида Улуғбек Дашти Қипчоққа ҳарбий юришга отланади. Бу юришда Улуғбек қўшини мағлубиятга учраб ўзи Тошкентга чекинади. Дашти қипчоқликлар билан бўлган жанг мағлубияти Улуғбекка шунчалик катта таъсир кўрсатадики, у отасининг ўлимигача шахсан ўзи ҳарбий қўшинга бош бўлиб юришларни бошқа амалга оширмайди. 1428 йили Мирзо Улуғбек томонидан амалга оширилган пул ислоҳоти Мовароуннаҳр ички иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнади. Шунингдек, замондош тарихчиларнинг маълумотларига кўра, жумладан Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида солиқлар миқдори ҳам бир мунча пасайтирилган экан. Мирзо Улуғбек, шундай қилиб, отаси тириклик вақтида гарчи ташқи сиёсат борасида бир мунча мустақил ҳаракат қилган бўлса-да, лекин у ҳаққатда отаси Шоҳруҳ Мирзонинг Мовароуннаҳрдаги ишончли ва итоаткор ҳокими бўлиб қолади. Улуғбек ички ва ташқи сиёсат борасида отаси билан бамаслаҳат иш тутар, солиқларнинг бир қисмини мунтазам Ҳиротга жўнатар, хутба ва тангаларда отасининг номи зикр этиларди. Шунингдек, у вақти-вақти билан отасига ҳисоб бериб турар, ҳарбий юришлари вақтида унга моддий ва ҳарбий кўмак етказиб беришга мажбур эди.

Шоҳруҳнинг кексайиши билан тожу тахт учун зимдан пайдо бўлган низолар ҳам фаоллаша боради. Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим (1457 й. ваф.) сиёсий ишларга фаол аралаша бориб, невараси Алоуддавлани тахт вориси сифатида кўришни истар эди. Шоҳруҳнинг яна бир ҳаёт бўлган ўгли Муҳаммад Жўки (1402-1444) ҳам ўзини тахт эгаси сифатида кўришга ҳақли деб ҳисоблар эди. Тожу-тахт учун

зимдан бошланган кураш 1444 йили Шоҳруҳ оғир ҳаста бўлиб қолганда айниқса яққол намоён бўлган эди. Шоҳруҳ ҳасталикдан тузалиб, 1446 йилнинг сўнгида ўзининг охириги ҳарбий юришини амалга оширади. Форс ва Ироқ Ажамда унинг невараси Султон Муҳаммад бобосига қарши кўзғолон кўтариб, Ҳамадон ва Исфаҳонни босиб олади. Гарчи Шоҳруҳ исёни бостириб, кўзғолончиларни жазоласа-да, лекин яна ҳасталаниб 1447 йил 12 мартда Рай вилоятида оламдан ўтади. Шоҳруҳнинг ўлими Хуросон ва Мовароуннаҳрда ўзаро теуирий шаҳзодалар ўртасида тожу-тахт учун курашни бошлаб юборади. Мамлакат яна саросима, таҳлика, беқарорлик домига тортилади. Шариат ва урф-одатга кўра ўз-ўзидан олий ҳукмдорлик ягона ворис Мирзо Улуғбек қўлига ўтиши керак эди. Лекин Бойсунқур Мирзонинг ўғиллари Алоуддаула ва Абулқосим Бобур Улуғбекка қарши ҳарбий ҳаракатни бошлаб юборади. Хуросон – Алоуддаула қўлига, Мозандарон ва Журжон Абулқосим Бобур ихтиёрига ўтади. Султон Муҳаммад эса Фарбий Эрон ва Форсда ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилади. Муҳаммад Жўкининг ўғли Абу Бакр эса Балх, Шибирғон, Кундуз, Бағлонни босиб олади. Мамлакатнинг талон-тарож, пароканда бўлишининг олдини олиш мақсадида Улуғбек муаммоларни тинч-музокара йўли билан ечмоқчи бўлади. Жумладан, у Алоуддаула билан музокараларни бошлайди. Алоуддаула Улуғбекнинг ўғли Абдуллатифни асир олиб, уни Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйган эди. Улуғбек юборган вакил садр Низомиддин Мирак Маҳмуд, Мовароуннаҳр султонининг Ҳиротга юриш нияти йўқ эканлиги ва бу даъводан у воз кечишини билдиради. Икки ўртадаги чегара Мурғоб воҳаси деб белгиланиб, Абдуллатифга Балх ҳокимлиги лавозими берилади.

Лекин ҳеч қанча ўтмасдан Абдуллатиф ва Алоуддаула ўртасидаги муносабатлар яна кескин-лашади. Абдуллатифнинг ўз ҳолича Ҳиротга қарши юриши муваффақиятсиз тугайди. У отаси Улуғбекка

ёрдам сўраб мурожаат қилади. 1448 йил баҳорида Улуғбек ва Абдуллатифнинг 90.000 кишилик бирлашган қўшини Ҳиротдан 14 фарсах узоқликдаги Тарноб деган жойда Алоуддавла қўшинини тор-мор келтиради. Алоуддавла жанг майдонидан қочади. Ҳирот деярли жангсиз эгалланади. Машҳадгача бўлган ерларни Улуғбек, Астрободгача бўлган ерларни Абдуллатиф ўз ихтиёрларига олишади. Улуғбек бу ҳарбий юришни узоқ давом эттира олмас эди. Чунки, Дашти Қипчоқдаги кўчманчиларнинг талончилик юришлари бу пайтга келиб, тез-тез амалга ошиб турар, мамлакатга шарқдан мўғуллар хавф солиб турар эдилар. Қолаверса, ҳукмдор пойтахтни узоқ вақт эгасиз қолдириши мумкин эмас эди.

Тарноб жанги муваффақиятли яқунланган бўлса-да, лекин Улуғбек ва шаҳзода Абдуллатифлар ўртасида муносабатларнинг совуқлашувига олиб келади. Улуғбек бу галабани кўпроқ бошқа бир ўғли Абдулазиз номи билан боғлар, галаба ёрлиқларида Абдуллатиф номи Абдулазиздан сўнг тилга олинар эди. Абдуллатиф гарчи Ҳирот тахтига ўтирса-да, лекин Шохруҳ хазинаси ундан олиб қўйрлади. Гарчи бу Улуғбек томонидан маълум бир ноҳақлик деб ҳисобланса-да, лекин бу билан Улуғбек бундан буён асосий пойтахт Самарқанд, Хуросон давлатнинг бир бўлаги деган ғояни шу хатти-ҳаракати билан англатмоқчи бўлади. Ўта ҳокимият-параст ва шухратпараст, мол-дунёга ўч Абдуллатиф учун шунинг ўзи отасига қарши бош кўтариш учун катта баҳона эди. Абдуллатиф Ҳиротда 15 кунча ҳукмронлик қилиб, сўнг Амударёдан ўтиб, Мовароуннаҳрга келади. Бу пайтда Абулқосим Бобур қўшини эса Ҳиротга яқинлашиб келаётган эди. Улуғбек фармони билан Абдуллатиф яна Балхга ноиб этиб тайинланади. Балхда Абдуллатифнинг отасига қарши хатти-ҳаракатлари кучайиб, ўз ҳолича у хорижий савдогарлардан олинаниган «тамға» солиғини бекор қилади. Бу солиқ эса ўз навбатида давлат даромадининг асосий манбаларидан бири эди. Отасига қарши кайфиятдаги кишиларни ўз атрофига йиғиб, ҳатто

Абулқосим Бобур билан ҳам Улуғбекка қарши яширин тил бириктиради. Бу пайтда Улуғбек давлатининг сиёсий аҳволи ҳам анча мураккаб тарзда турар эди. Улуғбек Абулхайрхон бошчилигидаги дашт қўшинларига қарши курашишга тўғри келади. Самарқанд ноибни этиб қолдирилган ўғли Абдулазиз эса «амирлар хонадонига тазйиқ ўтказяпти» деб овоза тарқалиб, бундан амирларнинг норозилиги жуда кучайиб кетади. Шунингдек, Улуғбек туркманларнинг Ёрали бошчилигидаги исёнини, теурий шаҳзодалардан Абусаиднинг Самарқанд атрофидаги хатти-ҳаракатларини бостиришга тўғри келади. Давлат яхлитлиги, теурийлар бирлигини сақлаш мақсадида Улуғбек Абдулазизни ўзи билан бирга олиб, маккор ўғли Абдуллатифга қарши курашга отланади. Абдуллатиф эса отасининг оғир аҳволидан фойдаланиб, тезда очиқ исён йўлига ўтади. У Амударёдан кечиб ўтиб, Термиз, Кеш, Ҳисорни қийинчиликсиз эгаллайди.

1449 йилнинг октябр ойи бошида Самарқанд яқинидаги Дамашқ қишлоғида Мирзо Улуғбек ва шаҳзода Абдуллатиф ўрталаридаги жанг, Улуғбек мағлубияти билан тугайди. Мағлуб бўлган Мирзо Улуғбек пойтахт Самарқанд томси йўл олади. Лекин хиёнат йўлига ўтган Самарқандда ҳоким этиб қолдирилган, Мироншоҳ Қавчин уни шаҳарга киритмай, дарвозаларни беркитиб қўйишга буйруқ беради. Шунингдек, Шоҳруҳия қалъаси қутволи Иброҳим Мамлук ҳам уни қалъага қўймайди. Шундан сўнг Улуғбек кейинги хатти-ҳаракатлари фойдасиз эканлигини англаб, Абдуллатифга таслим бўлишга мажбур бўлади. Мирзо Улуғбек тожу тахтдан воз кечиб, Маккага ҳаж сафарига кетишга изн сўрайди. Абдуллатиф ҳажга рухсат бериб, Амир Муҳаммад Хусравни унга ҳамроҳ қилиб жўнатади. Лекин, орадан ҳеч қанча ўтмасдан, шаҳар қозиси Шамсиддин Муҳаммад Мискиннинг қаршилигига қарамай, уламоларнинг яширин фатвоси билан отасининг ўлимини уюштиради. Ўз даврининг машҳур ҳукмдори ва забардаст олими Мирзо Улуғбек 1449 йилнинг 27 октябрида Самарқанд яқинида фожиали тарзда

ўлдирилади. Орадан 2-3 кун ўтмасдан иниси Абдулазиз ва Улуғбекнинг садоқатли тўрт нафар амири қатл этилади.

Роппа-роса қирқ йил (1409-1449) давом этган, манбалар тили билан айтганда «Темурийлар салтанатининг ёрқин гавҳари» Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги шу тариқа ўз поёнига етади. Бу давр кескин, мураккаб курашлар саҳнасидан ўтса-да, бироқ Мирзо Улуғбек ўз давлатини мустаҳкамлаш, бирликни сақлаш, иқтисодий барқарорликни юзага келтириш, маданий ҳаётни юксалтириш борасидаги хизматлари темурийлар тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлди.)

XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннахр ва Хуросон. Темурийлар салтанатининг инкирозга юз тутиши

Ўзаро тожу-тахт учун кураш Абдуллатифни разиллик ботқоғига ботириб, уни ўз отасининг қотилига айлантирди. Гарчи у тахт эгаси бўлса-да, халқ уни «падаркуш» (отасининг қотили) сифатида лаънатлар, Улуғбек тарафдорлари унга душманлик кўзи билан қарар эди. Бундай бир пайтда Абдуллатиф хурофотчи дин аҳллари, дарвешлар гуруҳи билан ҳам яқинлашишга ҳаракат қилди. Бироқ қотил падаркуш тахтда узоқ ўтира олгани йўқ. 1450 йилнинг 8 майида, шаҳар ҳандаги ёнида, Боғинавдан нарироқда унга қарши суиқасд қилиниб ўлдирилади. Бу хусусда сўз юритган тарихчи Мирхонд, фитначилар тап тортмасдан ҳаракат қилиб, унинг кесилган бошини Регистондаги Улуғбек ўзи қурдирган мадраса пештоғига намоишкорона тарзда илиб кўядилар. Бу қотилликдан сўнг тезда Самарқанд тахтига темурийлардан бири Мирзо Улуғбекнинг жияни ҳамда куёви Мирзо Абдулло ўтиради. Бухорода эса ҳокимият Мироншоҳнинг невараси Султон Абу Саид қўлига ўтади. Мирзо Абдулло ўзининг бир йиллик ҳукмронлик даврида мамлакатда барқарорликни тиклашга, Мирзо Улуғбекнинг маданий соҳадаги ишларини давом

эттиришга, марказий ҳокимиятни кучайтиришга ҳаракат қилади. У тахт учун даъвогарлар Алоуддавла ва Абу Саидлар билан кураш олиб бориб, Самарқандга қарши юриш қилган Абу Саид қўшинини тор-мор келтиради. Абу Саид Сирдарё ортига қочиб, Дашти Қипчоқ ўзбеклари хони Абулхайрхондан (1428-1468) тахтни эгаллаш учун ёрдам сўраб муурожаат қилади. 1451 йили ёзида Самарқанд яқинидаги Шероз қишлоғидаги қаттиқ жангда Мирзо Абдулло ўлдирилиб, тахт Султон Абу Саид Мирзо (1451-1469) қўлига ўтади. Темурийлар давлатининг Хуросон ерлари Шоҳруҳнинг бошқа бир невараси, Бойсунқурнинг ўғли Абулқосим Бобур қўлида сақланиб қолиб, у то вафоти (1457) га қадар Ҳирот тахтини бошқариб туради. Бу вақтга келиб ўзаро сиёсий тарқоқлик янада авж олади. Биргина Хуросоннинг ўзи ўндан ортиқ қисмга бўлиниб кетади. Ўзаро тахт учун муттасил курашлар мамлакат иқтисодий ва маданий ҳаётига катта зарар етказиб, инқирозий ҳолатларга сабаб бўла бошлади. Абулқосим Бобур Хуросонни ўз қўли остида бирлаштиришга, Шоҳруҳ давлатидаги маданий ҳаётни тиклашга ҳаракат қилди. Лекин 1454 йили унинг Самарқандга юриши муваффақиятсиз тугаб, 40 кунлик шаҳар қамалидан кейин у яна орқага қайтишга мажбур бўлган эди.

1457 йили Абулқосим Бобур Машҳадда вафот этгандан сўнг Ҳирот тахти, Хуросон ерлари учун кураш яна авж олди. Бундай вазиятдан усталик билан фойдаланган Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Абу Саид Мирзо 1457 йили Хуросонга юриш қилиб Ҳиротни эгаллайди. Шу тариқа Абу Саид темурийлар давлатининг иккала қисмини бирлаштиришга муваффақ бўлади. Султон Абу Саид Мирзонинг (1451-1469) ҳукмронлик даврида давлат ҳудудлари кенгайиб, унинг чегаралари Шарқий Туркистондан то Ироққача, Сирдарёдан то Ҳиндистон чегараларигача бўлган ерларни ўз ичига олди. Ўз ҳукмронлиги даврида Абу Саид доимий равишда ҳокимиятини мустақамлашга, исёнкор амалдор-ноибларни жазолашга асосий

эътиборини қаратди. Шунингдек, у бирмунча иқтисодий ва маданий тадбирлар ўтказишга ҳам уринди. Лекин, унинг бу соҳадаги ишлари ўзининг яхши натижасини бера олмади. Маърифат ва маданият Улуғбек давридек гуллаб яшнамади. Шунингдек, Абу Саид Хуросон, Эрон, Хоразмдаги сиёсий тарқоқликни ҳам буткул тугата олмади. Ҳирот тахтига даъвогарлардан бири Умаршайхнинг эвараси, ёш теурий шаҳзода Султон Ҳусайн (1438-1506) Абул Қосим Бобур вафотидан (1457 й.) кейин Хуросон мулки учун ўз ҳаракатларини бошлаб юборган эди. У XV аср 60-йилларидан катта ҳарбий отрядга бош бўлиб, 1461-1464 йилларда Ҳирот, Обивард, Нисо, Машҳад ва Хоразмда ҳокимият учун гоҳ муваффақиятли, гоҳ муваффақиятсиз курашларни олиб борди.

1469 йили эрта баҳорда теурийларга аввалдан тегишли бўлган Фарбий Эрон ерларини қайтариб олиш мақсадида Султон Абу Саид Оққўюнлў туркманларга қарши юришни бошлайди. Бироқ, оққўюнлўлар ҳокими Узун Ҳасан (1453-1478) томонидан Озарбайжоннинг Муғон даштида жанг вақтида ўлдирилади. Абу Саиднинг ўғиллари Султон Ҳусайн билан тожу-тахт учун курашишга ботина олмай, Мовароуннаҳрга қайтиб кетадилар. Султон Ҳусайн эса 1469 йил 24 мартда тантанали суръатда Ҳиротга кириб келади. Натижада теурийлар салтанати яна икки қисм: Хуросон ва Мовароуннаҳрга бўлиниб кетади. Мовароуннаҳр эса кетма-кет султон Абу Саиднинг ўғиллари Султон Аҳмад (1469-1494), султон Маҳмуд (1494-1496) ҳамда Маҳмуднинг ўғли Султон Али Мирзо (1496-1501) лар томонидан мустақил равишда бошқарилди. Лекин кўп ҳолда айниқса, Султон Аҳмаднинг давлат бошқарувидаги калтабин, укувсиз ва сусткашлиги, султон Маҳмуд ва Султон Али Мирзоларнинг давлат ишларини ўз ҳолига ташлаб, айш-ишратга муккаларидан кетганлиги боис ушбу ҳукмдорлар даврида ўзаро тарқоқлик янада кучаяди. Айрим вилоят ноиблари, амирларнинг таъсири ўсиб, кўпинча улар мустақил фаолият йўлига ўтиб ола

бошлайдилар. Сиёсий ҳаёт, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда руҳонийларнинг, айниқса, сўфийларнинг таъсири янада кучаяда. Хусусан шу даврнинг кўзга кўринган диний арбоби Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404-1490), мамлакатда таъсирли шахсга айланиб, ўзаро кураш низолар вақтида мамлакат тинчлигини сақлаш йўлида бир неча маротаба бу курашларни тўхтатиб қолишга муваффақ бўлди. Эл-юрт тинчлиги, осойишталиги йўлидаги унинг фаолияти, ватанпарварлиги албатта эътиборга сазовордир.

Темурийлар давлатининг жанубида аҳвол ўзгача эди. Султон Ҳусайн (Бойқаро) (1469-1506) давлати ўз таркибига Хоразм, Хуросон, Эроннинг бир қисмини олган бўлиб, у темурийлар тарихида охириги йирик давлат арбоби бўлиб қолди. Унинг деярли 40 йиллик ҳукмронлик даври ҳам ўзаро курашлардан холи бўлмаса-да, лекин мамлакатда иқтисодий ва маданий ҳаёт юксак даражада сақланиб қолди. Мамлакат ободлиги, фаровонлиги, иқтисодий ҳаётнинг бир меъёрда кечиши, фан-маданиятнинг юксалишида ўз даврининг тadbирли ва оқил ҳукмдори Султон Ҳусайннинг роли ниҳоятда катта бўлди.

Темурийлар ҳукмронлиги (1405-1506 йй.) даврида илм-фан ва маданий ҳаёт

Гарчи XV аср бошидан ички низолар, ўзаро курашлар мамлакат ички ҳаётига салбий таъсир ўтказган бўлса-да, лекин темурий ҳукмдорлардан Шоҳруҳ (1405-1447), Мирзо Улуғбек (1409-1449), Султон Ҳусайн (Бойқаро) (1469-1506), қисман Султон Абу Саид (1451-1469) даврларида ички осойишталик, маърифат ва маданиятга эътибор туфайли илму-фан ва маданият юксалиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон яна Шарқнинг маърифат ва маданият маркази номини қайтариб олади.

Бу вақтда нафақат пойтахт Ҳирот ва Самарқанд, балки Мовароуннаҳр ва Хуросондаги бошқа

шаҳарларда ҳам олиму-фузало, шоиру-меъморлар, бастакору-наққошлар гуруҳлари тўплана бошлайди. Бухоро, Хоразм, Балх, Машҳад, Шероз ҳам ўзига хос маданий марказлар ролини ўйнай бошлайди. Тарихда маърифатпарвар ва оқиллиги билан ном чиқарган Шохруҳ (1405-1447) даврида асрий илм-фан, маданият, анъаналари қайта жонлана бошлаган эди. Шаҳар қайта қурила бошланди. Ҳиротдаги энг гавжум жойлардан бири Шохруҳнинг ўгли Бойсункур ташкил этган китобхона номини олган жой бўлиб қолди. Бу ерда ўз даврининг энг сара китоблари қайта кўчирилди, сотиб олинади ва сотилди эди. Бу пайтда ҳукмдор ва амалдорларнинг ҳомийлиги натижасида тасвирий санъат, амалий санъат, хаттотлик санъати айниқса ўз ривожини маромига етказди. Мирак Наққош бошчилигидаги шарқ миниатюра санъати ҳам ўз фаолиятини шу ердан бошлаган эди.

Ҳиротлик ва хуросонлик кўплаб бадавлат зодагонлар, савдогарлар ҳам илм-фан, маданиятга ҳомийлик қила бошлайдилар. Масалан, Шохруҳ даврида яшаган таниқли зодагон Хожи Арслон Тархон ўзининг маърифатпарварлиги билан ном чиқарган эди. Лекин, ҳар ҳолда ҳукмдорлар ичида илм-фан, маърифат ва маданиятга етарли ҳомийлик қилган шахс — бу ўзи ам буюк олим бўлган Мирзо Улуғбек ҳисобланади.

Мирзо Улуғбек унинг замондошлари, муаррихларнинг хабар беришларича Шарқ мутафаккирлари, улар орқали юнон мумтоз илмий асарларидан хабардор бўлган. Улуғбек замондоши Фиёсиддин Кошийнинг ёзишига кўра, Мирзо Улуғбек ўта зукко ва жуда илмли шахс бўлиб, Қуръони каримни ёд билган, араб ва форс тилларини яхши билиб, тафсир ва ҳадис илми бобида билимдон инсон бўлган. Улуғбек ислом оламида илк бора ҳукмдорлик ва олимликни биргаликда олиб борди. У Мовароуннаҳрни мусулмон оламининг илмий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз) илм-фан марказларига айланди. У 1417 йил Бухоро, 1420 йили

Самарқандда, 1433 йилларда Гиждувонда мадрасалар барпо этди. Самарқанднинг ободончилик ишларига бош-қош бўлиб, Гўри Амир, Шохизинда меъморий мажмуаларини охирига етказди. Марвда ҳам бир қатор диний муассасалар қурдиради. Ҳадиси шарифдаги «Илм олмакка интилмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун ҳам фарз, ҳам қарз» деган ибораси Бухоро мадрасаси пештоқиға шиор сифатида ўйиб ёздириб қўйилади. Хусусан, Самарқандга ўз замонасининг йирик, таниқли олимларини чорлашға ҳаракат қилган.

Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли замонасининг 100 дан ошиқ олимлари Самарқандга йиғилдилар. Улар орасида Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад, ўз замонасининг «Афлотуни» деб ном олган Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший, Муҳаммад Ҳафовийлар ва бошқа таниқли зотлар ҳам бор эди. 1420 йил Самарқанд мадрасаси очилганда, унда 100 дан зиёд талаба ўқиган, мадрасада 50 тадан кўпроқ талабалар учун махсус хужралар мавжуд бўлган. Зайниддин Восифийнинг ёзишича, 1420 йил Самарқанд мадрасаси очилганида унда 90 тадан ошиқ олим қатнашган. Илк маърузани Мавлоно Ҳафовий ўқиган вақтида, уни фақат икки киши — Мирзо Улуғбек ва Қозизода Румий тушунган холос. Кейинчалик ўз замонининг таниқли кишилари Абдурахмон Жомий, Хўжа Аҳрор ва бошқалар ҳам Самарқанд мадрасасида таҳсил олганлар.

Шунингдек, Самарқандда бу даврда бир неча мадрасалар ҳам бўлиб (Хоним, Ферузшоҳ, Шохмалик, Қутбиддин ва бошқалар) у ерларда ҳам салоҳиятли олимлар дарс беришар эди. 1424-1429 йилларда Самарқанд яқинидаги Обираҳмат анҳори бўйида Мирзо Улуғбек расадхона қурдиради. Расадхона ўша даврнинг ноёб иншоотларидан бўлиб, у доира шаклида барпо этилган, иморатнинг айланаси 47 м, баландлиги 31 м. дан иборат 3 қаватли бино бўлган. Бинонинг ичи бир неча хона, айлана зал, махсус текшириш хоналаридан иборат бўлиб, у ерларда махсус асбоб-ускуналар жойлаштирилган.

Расадхона ичи коинот, ер курраси тасвирлари билан безалган бўлиб, халқ ичида шунинг учун «Нақши жаҳон» деган ном билан шуҳрат топган эди. Самони кузатиш ва ўрганиш борасида Фиёсиддин Жамшид ёрдамида астрономик ўлчов асбоби — улкан секстант ўрнатилинди. Бу секстант, ўз навбатида, Шарқдаги энг катта астрономик асбоб ўлчови ҳисобланган. Шунингдек, маҳаллий усталар (Исо Устурлобий, Абу Маҳмуд Хўжандий, уста Иброҳим) қўли билан кўплаб зарурий астрономик ўлчов асбоблари ҳам ясалди ва ўрнатилди. Расадхона қошида шунингдек, 15.000 хилдан иборат бой кутубхона ҳам бўлган. Унинг атрофида олимлар яшайдиган ер-чорбоғлар Боғимайдон ва Чиннихона номи билан шуҳрат топди. Улуғбек Самарқандда ўзига хос астрономия мактабини яратди. Расадхонада Улуғбек билан бир қаторда ўз замонасининг машҳур математики ва астрономлари Қозизода Румий (Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад), Фиёсиддин Жамшид Коший, Улуғбекнинг шоғирди ўз даврининг «Птолемей»и номи билан шуҳрат қозонган Али Қушчи (Алоуддин ибн Муҳаммад) ва бошқалар елкама-елка туриб илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Расадхонада тадқиқотлар натижасида 1018 та юлдузнинг ўрни ва ҳолати (координатлари) аниқланиб, астрономик жадвали тузилди. Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ улкалари бўйлаб жойлашган 683 географик пунктларнинг Самарқанд кенглик координатлари билан белгилаб чиқилди. Математика фани соҳасида Улуғбек мактаби яратилган — унинг даражали алгебралари тенгламаси ечилиб, бир даражали ёйнинг синуси аниқланган.

Шу жиҳатдан буюк олимнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» (Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали) номи асари диққатга сазовордир. Бу асар 1437 йил ёзиб тугатилган бўлса-да, олим умрининг охирига қадар унга янги натижаларни киритиб борган. Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, унда кенг

муқаддима ва 1018 та юлдузларнинг ўрни берилган. Ундан ташқари Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус» (Тўрт улус тарихи) номли тарихий асари ва мусиқага бағишланган бешта рисоласи ҳам мавжуддир. Улуғбекнинг ўта салоҳиятли олим бўлганлигини унинг замондошлари Ғиёсиддин Жамшид, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқалар ҳам эътироф этганлар. Жумладан, ўзбек адабиётининг асосчиси буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) бу хусусда:

Темурхон наслидин Султон Улуғбек

Ки олам кўрмади султон анингдек,
деб унга ўз таърифини берган эди.

Улуғбек даврида, шунингдек, Самарқанд Шарқнинг маданий марказига айланганлиги учун машҳур файласуф Али ибн Муҳаммад Журжоний, таниқли табиб Мавлоно Нафис, шоир Хаёлий Бухорий, «Юсуф ва Зулайхо» достонининг муаллифи Дурбек, қасида жанрининг таниқли намоёнчаси ўзбек шоири Саккокий, машҳур хаттоғ Абдураҳим Хоразмий ва бошқалар Улуғбек ҳомийлиги остида Самарқандда яшаб ижод қилдилар. Шунингдек, Шарқнинг кўплаб таниқли олим ва шоирлари фузалои-уламолари Самарқандга тез-тез келиб турдилар. Улуғбек даврида ўзига хос тарихнавислик мактаби ҳам пайдо бўлди. XV асрдаги таниқли тарихчилар, «Зубдат ат таворих» (Тарихларнинг юқори қисми) асарининг муаллифи Ҳофизи Абрў, «Матла ас-садайн ва мажмуаи ал-бахрайн» (Икки денгизнинг қўшилиши ва икки саодатли юлдузнинг балқиши) асарининг муаллифи Абдураззоқ Самарқандий, «Равзат ас сафо» (Жаннат боғлари) асарининг муаллифи Мирхонд, «Ҳабиб ус сияр» (Дўстга мактуб) ва бошқа қатор асарларнинг муаллифи Хондамир Улуғбек яратган маданий шароитда ўсиб улғайдилар. Улуғбек давридаги маданий марказ кейинчалик Улуғбек академияси номини олиб, даставвал машҳур француз ёзувчиси ва олими Вольтер (1694-1778) томонидан эътироф этилган эди.

Аждодларимиз тарихида 1010 йилда тузилган Маъмур академиясидан сўнг, Улуғбек академияси Ўрта Осиё тарихида иккинчи академия сифатида юзага келди.

Мустақиллик туфайли буюк аждодимиз Мирзо Улуғбекнинг бизга қолдириб кетган мероси ҳақиқий жиҳатдан ўрганила бошланди. 1994 йили Президентимиз ташаббуси билан Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллуд тўйи республикамызда ва жаҳонда кенг нишонланди. Қатор кўча, туман, шаҳар ва иншоотларга Улуғбекнинг фахрий номи берилди. Жумладан. Президентимиз фармони билан 1995 йили собиқ ТошДУ, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетига Мирзо Улуғбек номи берилди.

Улуғбекнинг вафотидан сўнг маданий марказ Хуросонга, жумладан унинг пойтахти Ҳиротга кўчди. Ҳирот маданий ва илмий марказининг шаклланишида Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн (Бойқаро) (1469-1506) ва айниқса буюк шоир ва мутафаккир, ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоийнинг (1441-1501) роли ниҳоятда беқиёс бўлди. Маърифатли ҳукмдор бўлмиш Султон Ҳусайн (Бойқаро) бутун Хуросонда илм-фан, адабиёт, маданият ҳомийсига айланади. Унинг ўзи «Ҳусайний» тахаллуси остида ғазаллар ёзган. Бизнинг кунларгача унинг шеърий «Девон»и ва насрий «Рисола» асарлари етиб келган.

Алишер Навоий 1441 йили Ҳиротда таниқли барлос баҳодири хонадонида дунёга келган. У ёшлигиданоқ ниҳоятда заковатли ва зеҳли бола бўлган. Унинг беш ёшида ёзган ғазалига таниқли ўзбек шоири Лутфий ўз вақтида катта баҳо берган эди. Ёшлигиданоқ у теурий шаҳзода Султон Ҳусайн билан дўст бўлиб, кейинчалик улар Хуросон ҳокими Абулқосим Бобур (1451-1457) хизматида бирга бўлганлар. Ҳусайннинг хизмат даврида Алишер Навоий Машҳад ва Ҳирот мадрасаларида таҳсил кўради. Кейинчалик Мовароуннаҳр ҳокими Султон Абу Саид тазйиқи билан Самарқандга кетишга мажбур бўлади ва у ерда икки йилча туриб, ўз билимини янада такомиллаштиради. 1469 йили

Хуросон тахти Султон Ҳусайнга теккандан сўнг, унинг таклифи билан Алишер Навоий Ҳиротга келиб, аввал муҳрдорлик сўнгра вазирлик лавозимида фаолият кўрсатади.

Жумладан, Алишер Навоий ўзининг вазирлик лавозимини эгаллаган вақтида (1472-1476) мамлакатда иложи борича осойишталик ва адолат ўрнатишга ҳаракат қилади. Унинг хатти-ҳаракатлари натижасида шаҳарлар юксалди. Сув чиқарилиб, кўпгина ерлар обод қилинди, хунармандчилик ва савдо-сотиқ ишлари янада ривожланди. Навоий илм-фан, маърифат ва маданият аҳлига шахсан ўзи ҳомийлик кўрсатди. Гарчи тожу-тахт учун курашларда ва фитна-низолар натижасида Навоийнинг Султон Ҳусайн билан оралари бир оз совуган бўлса-да, лекин Навоий умрининг охирига қадар давлатнинг таянч шахсларидан бири бўлиб қолади. Жумладан, у вазирлик лавозимидан кетар экан, султон Навоийга шоҳона тўн кийгизиб, унинг ҳеч бир илтимоси ҳеч қачон ерда қолмаслигини айтади. Алишер Навоийнинг биргина ўзи 300 тадан зиёд турли қурилиш, ободончилик ишларига бош-қош бўлади. Ҳиротдаги Инжил дарёси бўйида унинг қурилиш ишлари учун махсус ер ҳам ажратиб берилади. У барпо этган Ҳиротдаги «Ихлосия», «Шифоия» мажмуалари, Тус вилоятидаги Туруқбанд сув омбори ва канали, Ҳирот ва Машҳаддаги суғориш иншоотлари, Астрободдаги сарой ва масжид, Марвдаги мадраса шулар жумласидандир. Эл-юрт фаровонлигини ўйлаган Навоий ўз даромадларининг аксарият қисмини хайрия ишларига сарфлайди.

Одамий дерсанг демагил одамий,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами,

деб ўз таърифини берган эди шоир.

Шахсан унинг маблағлари ҳисобидан 52 та работ, 19 та ҳовуз, 16 та кўприк, 9 та ҳаммом ва бошқалар қурилди. Шунингдек, Навоий бутун Хуросонда 12

тадан ошиқ аҳамиятли бўлган ва таъмирланишга муҳтож масжид, минора, работ ва бошқаларни таъмир этиб ўз ҳолига қайтаради. Жумладан, Навоий таъмир этган Ҳиротдаги жомеъ масжиди ҳозирги кунга қадар Ҳирот шаҳрининг гўзал иншоотларидан бири ҳисобланади. Алишер Навоий ҳомийлиги остида Шарқ миниатюраси мактабининг етук намоёндаси «Шарқ Рафаэли» номини олган Камолиддин Беҳзод, таниқли табиблар Абдулҳай Муний, Дарвиш Али, хаттотлардан — Султон Али Машҳадий, мусиқачилардан — Ҳусайн Уддий, шоир ва тарихчилардан — Соҳиб Доро, Муҳаммад Низомий, Камолиддин Биноий, Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Мирхонд., Зайниддин Восифий, Муиниддин Муҳаммад Исфизорий ва бошқалар етишиб чиқдилар. Алишер Навоий илк бора ўзга шоирлардан фарқли равишда туркий тилда 1483-1485 йилларда бешта дostonдан иборат «Ҳамса» асарини ёзди. Навоий ўз она тили кўркемлиги ва жозибadorлигини асарларида намоён этди.

Тортиб турк назмида алам,
Айладим ул мамлакатни як қалам,
деган эди шоирнинг ўзи.

Буюк шоирнинг 20 тадан зиёд йирик асарлари мавжуддир. Улар «Ҳазойинул маоний», «Лисон ут тайр», «Маҳбуб ул қулуб», «Мажолисун нафоис», «Муншаот», «Муҳокаматул луғатайн», «Мезонул авзон» ва бошқалардир. Булар ўз ичига тарихий, фалсафий, ахлоқий мезонларни олиб, уларда инсониятга хос бўлган барча ижобий хислатлар улуғланади. Навоий ўз асарларида Ватанга, турилиб ўсган ерига нисбатан буюк муҳаббатни куйлайди.

Навоийнинг ўзи эса баркамол, комил инсон қиёфаси учун буюк рамздир. Улуғ шоирнинг ўлмас меросини ўрганиш мустақиллик йилларида ўзининг ҳақиқий даражасига чиқди. Адибнинг барча асарлари қайта чоп этилди. Ҳукуматимиз қарорига биноан, халқимизнинг буюк мукофоти рамзида Навоий

номидаги давлат мукофоти таъсис этилди. Ўлкамизда Навоийнинг улуғ номини билмаган зот йўқдир. Президентимиз ташаббусига кўра, 1991 йили Алишер Навоийнинг 560 йиллиги жуда катта тантаналар билан нишонланиб, шоирнинг маҳобатли ҳайкали халқимизнинг муқаддас рамзи сифатида пойтахтимизнинг марказида қад кўтарди.

XV асрнинг забардаст ўзбек шоирлари ичида, шунингдек, Лутфий, Дурбек, Саккокий, Гадоий, Атоий ва бошқаларнинг ҳам номлари маълум ва машхур бўлган. Жумладан, Навоийдан аввал энг машхур туркигўй шоир Лутфий (1366-1465) бўлган. Унинг ўз вақтида 20 дан зиёд ажойиб асарлари мавжуд бўлиб, бизгача фақат машхур «Гул ва Наврўз» ва ғазаллар девони етиб келган ҳолос.

Бу даврларда шунингдек, Шарафиддин Али Яздийнинг (1454 йили вафот) Темур тарихига бағишланган, Низомиддин Шомийдан сўнг ёзилган бир хил номдаги «Зафарнома» асари яратилди. Форс-тожик адабиётида айниқса машхур шоир ва олим, Навоийнинг замондоши ҳамда дўсти Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг (1414-1492) роли буюк бўлди. Жомий ва Навоийнинг дўстлиги эса, тарихда халқларимиз иттифоқлигининг буюк рамзи бўлиб қолди.

1499 йилдан бошлаб Ўрта Осиёга ўз юришларини бошлаган Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) темурийлар ичидаги ички низо ва ноиттифоқликдан фойдаланиб, Мовароуннаҳрга нисбатан истилочилик ҳаракатларини бошлади. Темурий шаҳзодалардан, шу вақтдаги ягона мовароуннаҳрлик иқтидорли ва ҳарбий саркардалик маҳоратига эга бўлган, кейинчалик буюк шоир ва давлат арбоби даражасига чиққан Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг (1483-1530) саъй-ҳаракатлари ҳам ўзининг тегишли натижасини бермади. 1505-1506 йилларга келиб Шайбонийхон Хоразм ва Мовароуннаҳрни тўлиқ эгаллайди. Шайбонийхонга қарши курашиш учун йўлга чиққан Хуросон ҳукмдори

Султон Хусайн (1469-1506) 1506-йилнинг баҳорида вафот этади. Султон Хусайннинг ворислари ўртасида тожу-тахт учун кураш авж олиб, натижада ҳокимият иккита шаҳзодага — Бадиуззамон Мирзо билан Музаффар Мирзоларга ўтади. Қулай вазиятдан фойдаланган Шайбонийхон 1507 йили шаҳзодаларни тор-мор этиб, қаттиқ жанглардан сўнг пойтахт Ҳирот ва бутун Хуросонни ўз қўли остига олади.

Шундай қилиб, деярли бир ярим аср давом этган шон-шавкатли темурийлар салтанати ўз ниҳоясига этади. Темурийларнинг охириги забардаст вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1525 йилги Панипат жангидан сўнг шимолий Ҳиндистонни эгаллашга муваффақ бўлади. Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда деярли уч аср мобайнида ҳукмронлик қилиб, кўп ҳолда темурийларнинг шон-шуҳратини бу ерда тиклашга муваффақ бўладилар.

11-МАВЗУ. ТУРКИСТОННИНГ ХОНЛИКЛАРГА БЎЛИНИБ КЕТИШИ, УНИНГ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

XV аср охири — XVI аср бошларида
Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт.
Шайбонийлар ва Аштархонийлар сулоласи

XV асрнинг 90-йилларида Мовароуннаҳрдаги темурийлар салтанати амалда мустақил бошқариладиган вилоятларга айланиб қолган эди. Кичик бир вилоятда ҳокимлик қилаётган темурий шаҳзодаларнинг ҳар бири пойтахт Самарқандни эгаллаш, бобокалонлари ўтирган тахтга чиқиб, бутун мамлакатга ягона ҳукмдор бўлиш орзусида эдилар. Бу ниятга етиш учун улар ўртасида ўзаро ички низо авж олиб кетган бўлиб, мамлакат аҳолисининг ҳам темурийлардан норозилиги кучайиб бораётган бир давр эди.

Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад Мирзонинг 1494 йилда вафот этиши бу ҳолатни янада кескинлаштирди, мамлакатда бошбошдоқлик, кўп ҳокимиятчилик вужудга келди. Бу вазиятдан темурийларнинг шимолдаги қўшниси, Дашти Қипчоқда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олган Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) фойдаланиб қолиш учун 1497 йилда Мовароуннаҳрни эгаллаш учун биринчи марта қурол билан бостириб кирди. Бунга 1496 йилда Самарқанд тахтига ўтқазилган Бойсунқур Мирзо ибн Султон Маҳмуд (1479-1499) нинг бошқа темурий шаҳзодалардан Самарқандни мудофаа қилишда иттифоқчиликка чақириб қилган таклифи ҳам сабаб бўлган эди.

XI асрдан бошлаб Балхаш кўли ва Сирдарёнинг куйи оқимларидан Днепр дарёсининг куйи оқимларигача бўлган ҳудудларда қипчоқ ва бошқа туркий қабидаларнинг ҳукмронлик қилганликлари сабабли бу ҳудуд Дашти Қипчоқ деб аталган. Дашти Қипчоқ чегаралари баъзан Кавказ тоғлари, Қора ва Каспий денгизларигача етиб борган. Бу ерда Ботухон

1236 йилда асос солган Олтин Ўрда давлати XIV аср бошларида икки қисмга ажралиб кетган бўлиб, унинг шарқий қисмида айрим тарихий манбаларда «Ўзбеклар мамлакати» деб юритилган Оқ Ўрда давлати ташкил топди. Бу ҳудудда Жўжихоннинг бешинчи ўғли Шайбон уруғидан бўлган Абулхайрхон (1412-1468) 1428 йилда мустақил давлатга асос солди.

Олтин Ўрда, Мўғулистон ва темурийлар давлатларидаги ўзаро уруш ва парокандаликдан усталик билан фойдаланган Абулхайрхон ўз давлати ҳудудларини анча кенгайтириб олди. Лекин уруғ бошлиқларининг мустақил ҳукмронликка интилишлари ва 1468 йилда Абулхайрхон вафоти бу давлатнинг инқирозга учрашига сабаб бўлди. XV асрнинг 80-йилларига келиб, Абулхайрхоннинг набираси, Будоқ Султоннинг ўғли Муҳаммад Шохбахт Шайбонийхон (1451-1510) бобосининг давлатини қайта тиклаб, шайбонийлар сулоласига асос солди. Ёшлигида етим қолган Муҳаммад укаси Маҳмуд билан Муҳаммад Мазид Тархон, Султонали Мирзо ҳомийлигида Туркистон, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида илоҳият олимлари Муҳаммад Хитойӣ, Ҳофиз Ҳусайн Бусурий каби уламолардан сабоқ олиб, ўз даврининг билимдон, ўқимишли кишиси, истеъдодли шоири бўлиб етишди. Муҳаммад Шайбонийхон буюк давлат тузиш фаолиятини дастлаб лашкар тўглаш ва ёлланма қўшин лашкарбошиси сифатида темурийларга хизмат қилишдан бошлади. Шайбонийхон ёлланма қўшин бошлиғидан хон даражасига кўтарилди.

XV аср 90-йилларининг ўрталаридан Мовароуннахрнинг сиёсий ҳаётида Амир Темурнинг эвараси Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ҳам сезиларли рол ўйнай бошлади. 1494 йил 10 июн куни 12 ёшида Фарғона тахтига ўтирган ёш Бобур амакиси Султон Аҳмад (1469-1494 йй. Самарқанд ҳокими), Тошкент ҳокими, тоғаси Султон Маҳмудлар ҳужумларини қайтариб, 1496 йилда Самарқанд шаҳрини қамал қилади, лекин қиш яқинлашиб қолгани учун қамални тўхтатади. 1497 йил майида Бобур

Самарқандни иккинчи бор қамал қилганида Шайбонийхон билан биринчи марта юзма-юз бўлди. Бойсунқур Мирзонинг Шайбонийхонга Самарқанд дарвозасини очмагани сабабли, у Бобур билан жанг қилмасдан майдонни ташлаб кетди. 7 ойлик қамалдан кейин Самарқандни эгаллаган Бобур пойтахтда 100 кун ҳукмронлик қилди. Фарғонада укалари сабаб келиб чиққан низони баргараф этиш учун Бобур Самарқандни ташлаб чиқди ва 1500 йилгача у ерда тинчлик ўрнатиш билан овора бўлди. Бутун Мовароуннаҳр ерларини бирлаштириш мақсади билан ёнаётган Бобур ҳатто тинчлик учун Фарғонани ҳам икки қисмга бўлиб, укаси Жаҳонгирга Сирдарёнинг шимолий қисмини беришга мажбур бўлди.

Бу пайтда асосий мақсади темурийлар салтанатига бутунлай барҳам бериш бўлган Шайбонийхон Бухоро, Самарқанд, Қарши, Ғузор, Шоҳруҳия шаҳарларини эгаллади. Бу шаҳарлардаги дашт ўзбекларининг қирғин ва талончиликлари маҳаллий халқ ичида Шайбонийхонга қарши ҳаракатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бундан фойдаланган Бобур 1501 йилда Самарқандни иккинчи марта эгаллади.

Мовароуннаҳрда ўзининг асосий рақиби Бобур эканлигини сезган Шайбонийхон асосий кучларни Самарқанд яқинига тўплаб ҳал қилувчи жангга кирди. Очиқ жангда енгилган Бобур шаҳарга кириб, мудофаага киришди, лекин бошқа темурийлардан ёрдам бўлмагач, Шайбонийхон билан сулҳ тузиб, Самарқандни ташлаб чиқишга мажбур бўлди. Шундан кейин Бобур 250 кишиси билан Афғонистонга келди ва Қобул подшолигига асос солди. 1510 йилда Марв яқинида Шайбонийхон кўшини устидан ғалаба қозонган Эрон шоҳи Исмоил Сафавий Бобур Мирзога биргаликда Самарқандга кўшин тортишни таклиф этди. Бу таклифни қабул қилган Бобур Муҳаммад Шайбонийхон вафоти (1510) билан ўзаро келишмовчилик сабабли анча заифлашиб қолган шайбонийлар ҳукмронлиги остидаги Ҳисор, Кўлоб, Қундуз, Бадахшон, Қарши, ерларини эгаллаб, Самарқанд шаҳрини 1511 йилда учинчи марта босиб олди.

Бобурнинг иттифоқчилари, шиа мазҳабидаги Эроний қизилбошлиларнинг талон-тарождлари сабабли маҳаллий аҳоли Бобурни қўллаб-қувватламади. 1512 йил охирларида Убайдулла султон қўшинларидан Бухоро яқинида мағлубиятга учраган Бобур Мовароуннаҳрдан бутунлай умидини узиб кетди. Қобул атрофида ўз ҳукмронлигини тўла мустақкамлаб, 1526 йил бошида Ҳиндистонга юриш бошлади ва у ердаги Иброҳим Лўдийнинг қўшинларини тўла тор-мор келтириб, янги салтанат — Бобурийлар салтанатига асос солди. Бу салтанат Ҳиндистонда 332 йил (1526-1858 йиллар) ҳукмронлик қилди.

1487-1488 йилларда Ўтрор, Сайрам, Ясси (Туркистон), Сифноқ шаҳарларини босиб олиб, ўз ҳукмронлигини Дашти Қипчоқда мустақкамлаган Муҳаммад Шайбонийхон 1499 йилдан Мовароуннаҳрни эгаллашга жиддий киришди. У ердаги асосий душмани Бобурдан 1501 йилда Самарқандни тортиб олган Шайбонийхон 1503 йилда Тошкентни, 1504 йилда Ҳисорни, 1505 йилда 10 ойлик қамалдан кейин Урганчни, 1507 йилда Ҳиротни, 1509 йилда Марвни ўзига бўйсундиради. Натижада Дашти Қипчоқ, Хоразм, Мовароуннаҳр, Хуросонни бирлаштирган Шайбонийхон Машҳад ва Тус шаҳарларини эгаллаб Эронда Шоҳ Исмоил асос солган Сафавийлар давлатига хавф солади. 1510 йилда Марв яқинидаги жангда Шоҳ Исмоил қўшинларидан мағлубиятга учраган Муҳаммад Шайбонийхон оғир ярадор бўлиб, вафот этади.

Муҳаммад Шайбонийхон вафотидан кейин Кўчкунчихон (1512-1529) ва Абу Саъид (1523-1533) даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказий ҳокимият заифлашиб, амирлар ва султонлар ўртасида низо кучайди. Бу пайтда Хоразм мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқди ва Туркистон ерлари парчalandи. Ўзаро урушларга бирмунча барҳам берган, Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдулла Султон 1512 йилда Бухоро ҳукмдори бўлган бўлса, 1533 йилдан бутун марказлашган ўзбек давлатининг Олий ҳукмдори этиб сайланди. Убайдуллахон пойтахтни Самарқанддан Бухорога кўчирди.

XVI асрнинг 40-йилларига келиб феодаллар ва маҳаллий сулолалар ўртасида шаҳарлар ва ҳудудлар учун кураш авж олиб кетди. Самарқанд ҳукмдори Абдулатифхон (1541-1552 йй.) билан Бухоро хони Абдулазизхон (1540-1550 йй.) ўртасидаги курашни Тошкент ва Сирдарё бўйидаги шаҳарларнинг ҳукмдори Бароқхон (Наврўз Аҳмадхон, 1540-1556) янада кучайтирди. У ҳатто 1551 йилда Самарқандни босиб олди. Кармана ва Миёнқол ҳукмдори Абдулла Султон Бароқхонга қарши кураш олиб борди. Бу курашларда Искандар Султоннинг ўғли Абдуллахон (1534-1598) ўзининг қатъиятлилиги, яхши сиёсатчи ва саркардалик қобилияти билан ажралиб турди. У 1561 йилда отаси Искандархонни олий ҳукмдор деб эълон қилди.

Абдуллахон II марказлашган шайбонийлар давлатини тиклаш мақсадида амирлар ва султонлар билан аёвсиз кураш олиб борди. Тинимсиз урушлар натижасида Фарғона (1573), Шаҳрисабз, Қарши, Ҳисор вилоятлари (1574), Самарқанд (1578), Тошкент, Шоҳруҳия, Сайрам, Оҳангарон (1582), Балх (1583), Бадахшон (1584), Ҳирот (1588), Хоразм (1595), Абдуллахон қўл остига бирлаштирилди. У 1561-1583 йилларда отаси номидан, 1583-1598 йилларда расмий хон сифатида давлатни бошқарди. Аммо, 1598 йилда Абдуллахон II вафотидан сўнг унинг ўғли Абдулмўмин узоқ муддат тахтни бошқара олмади. Сўнгги Шайбоний ҳукмдори Пирмуҳаммад II (1599-1601) ҳам бебош амирларни тийиб қўя олмади.

XV асрнинг охири XVI аср Дашти Қипчоқ, Мовароуннаҳр ва Хуросонда бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар, иқтисодий маданий аҳвол тўғрисида қимматли маълумотлар берувчи асарлар жуда кўп. Булар ичида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1453-1530) «Бобурнома», шоир ва тарихчи олимлардан Камоллиддин Биноий (1453-1512) ва Муҳаммад Солиҳ (1453-1535) ларнинг форсий ва ўзбек тилида битилган «Шайбонийнома» асарлари, Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр», Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳон (1457-1530) нинг «Меҳмонномаи Бухоро», номаълум муаллифнинг

«Таворихи гузида», «Нусратнома», Мирзо Муҳаммад Хайдар (1500-1556) нинг «Тарихи Рашидий», Абдуллох Насруллоҳийнинг «Зубдаж ул-Осор», Хўжа Қулибек Балхийнинг «Тарихи Қипчоқхоний» ва Ҳофиз Таниш Бухорий (1547-1604) нинг «Шарофномаи шоҳий» («Абдуллонома» номи билан машҳур) асарлари алоҳида аҳамиятга эга.

Муҳаммад Шайбонийхоннинг марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун амалга оширган баъзи чора-тадбирлари, бекларнинг кучайиши ва ўзаро курашларига ҳам сабаб бўлди. Масалан, давлат бошқаруви соҳасида суюрғол тизимининг жорий этилиб, босиб олинган ҳудудларда бошқарув иши фарзандлари, қариндош-уруғлари, қабила бошлиқларига топширилиши унинг вафотидан кейин марказий ҳокимиятдан мустақил бўлишга интилишларни кучайтирди.

Мамлакат хўжалигини тиклаш учун бўш ётган ерлар, вафот этган ёки солиқлар оғирлигидан кўчиб кетган маҳаллий мулкдорлар ерлари қайта тақсимланди. Бу эса ижтимоий ҳаётни тартибга солишга ёрдам берди.

Иқтисодиётни тартибга солиш, савдо сотиқни жонлантириш мақсадида 1507 йилда пул ислоҳоти ўтказилиб, марказий шаҳарларда вазни бир хил бўлган (5,2 грамм) кумуш ва мис чақа пуллар зарб қилинди. Асосан марказий ҳокимиятнинг сиёсий, иқтисодий мавқеини кучайтириш, шайбоний хонлари ва беклари ҳукмронлигини мустаҳкамлашга қаратилган бу ислоҳот Шайбонийхон вафотидан кейин кучайиб кетган ўзаро урушлар натижасида яхши натижа бермади ва пул қадрсизланди. 1515 йилда олий ҳукмдор Кўчкунчихон пул ислоҳоти ўтказишга мажбур бўлди. Айниқса, Абдуллахон II даврида ўтказилган пул ислоҳотлари хонлик иқтисодий ҳаётида катта аҳамият касб этган бўлиб, марказий ҳокимият кучайиши, хазинага фойда тушиши ва савдо-сотиқнинг жонланишига ёрдам берди.

Пул ислоҳотини босқичма-босқич ўтказган Абдуллахон II олтин, кумуш, мис пулларни отаси номидан (1560-1583) чиқарганда мамлакатдаги бир қанча шаҳарларда пул зарб қилинган бўлса, мустақил ҳокимиятни бошқарган йилларида (1583-1598) асосан Бухорода марказлашган пул зарб қилишни йўлга қўйди. Манбаларга қараганда, Абдуллахон II баъзан Балх, Самарқанд ҳамда Тошкентда кам миқдорда пул чиқаришга рухсат берган.

Муҳаммад Шайбонийхон даврида таълим соҳасида ҳам ислоҳот ўтказилиб, унга кўра бола 6 ёшдан мактабга берилган ва икки йил ўтгач мадрасага ўтказилган. Мадраса уч босқичдан иборат бўлиб ҳар босқичда 8 йилдан ўқитилган. Бу даврда илоҳиёт, ҳисоб-китоб, математика, шеър санъати каби фанлар ўқитилган.

Иқтисодий ҳаётда суъний суғориш асосий рол ўйнаганлиги сабабли шайбонийлар даврида сув иншоотлари қурилишига анча эътибор берилди. 1502 йилда Зарафшон дарёсида қурилган сув айирғич, 1556-1585 йилларда Қашқадарё, Зарафшон, Амударё, Мурғоб ва Вахш дарёларидан чиқарилган каналлар, сув айирғич ва сув омборлари бунинг яққол мисоли бўла олади.

Хонлик иқтисодиётининг асосий тармоқлари қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик бўлиб, ер асосий бойлик ҳисобланган. Шайбонийлар даврида мулкий муносабатларда айтарлик ўзгаришлар юз бермади. Дашти қипчоқдан келган ўзбеклар ер эғалиги муносабатларини бошидан кечираётган бўлиб, улар Мовароуннаҳрга янги ишлаб чиқариш муносабатларини олиб келганлари йўқ, балки теурийлар даврида шаклланган ижтимоий-иқтисодий тизимни қабул қилдилар, ҳамда унга мослашдилар.

Ер эғалигининг мулки султоний (давлат ерлари), мулки холис (хусусий ерлар), вақф (диний маҳкамаларга қарашли ерлар) ва қишлоқ жамоалари эғалик қиладиган ерлар каби асосий турлари бўлиб,

улар иқтаъ, суюрғол, танҳо ва жоғир кўринишида бўлган. Давлат олдидаги хизматлари учун ҳарбий-маъмурий амалдорларга ва йирик дин арбобларига бериладиган бундай ерларда ерсиз деҳқонлар ишлаганлар. Улар ҳам давлатга, ҳам амалдорга солиқ тўлаганлар. Шайбонийлар даврида чорвачилик ва хунармандчилик анча ривожланган бўлиб, улар етиштирган маҳсулот ички ва ташқи бозорларда сотилган. Ҳиндистон, Эрон, Россия каби мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилинган.

Шайбонийлар даврида 40 дан ортиқ солиқ ва жарималар бўлиб, хирож ва закотдан ташқари, тагжой жизья, ихрожат, тоғар, улуфа, кўналға, бегар, мадади лашкар, бож, тўхфа каби номлар билан аталган солиқ турлари ва ясоқ деб аталувчи мажбуриятлар бўлган. Солиқ тўловчи аҳоли фуқаро (райят) деб аталган. Жуйбор шайхлари каби йирик уламолар — дин пешволари барча солиқлардан озод қилинган. Олий табақага хон ва унинг яқинлари кирган. Ҳарбий-маъмурий бошқарув тизимидаги амалдорлар умаро, олим ва шоирлар фузало деб аталганлар; бундан ташқари яна шайбонийлар даврида қуллар ҳам бўлган.

Шайбонийлар давлати маъмурий жиҳатдан вилоятларга бўлинган бўлиб бошқарув тизими марказий ва маҳаллий амалдорлар қўлида бўлган. Марказий бошқарувда хондан кейин кўкалдош, оталиқ, **нақиб, парвоначи, вазири аъзам** каби мансабдорлар дунёвий ишларни бошқарган бўлсалар шайх ул-ислом, қози калон, аълам, имом, садр, муфтий, раис (муҳтасиб) лар диний ишларни назорат қилганлар, ҳамда нўён, туғбеги, товочи, жевачи, қутвол, доруға, тўпчибоши каби ҳарбий унвонлар бўлган. Маҳаллий бошқарув ҳоким ва беклар қўлида бўлиб, бу жараёнда қози, муфтий, раислар муҳим рол ўйнаганлар.

Муҳаммад Шайбонийхон, Кўчкинчixon ва Убайдуллахонлар ўз даврининг ўқимишли кишилари бўлиб, туркий ва форсий тилларда ижод қилганлар. Абдулазизхон ва Абдуллахон II ларда катта кутубхона

мавжуд бўлган. Бу даврда математика, астрономия, тиббиёт, тарих, адабиёт соҳаларида кўзга кўринарли ажойиб асарлар яратилган. Шайбонийлар даврида қурилган Мир Араб мадрасаси (1535-1536), Масжиди Калон (1540-1541), Тоқи Заргарон (1559), Тоқи Саррофон (1559), каби иншоотлар ва Модарихон мадрасалари ҳозирга қадар меъморчилигимизнинг ажойиб намуналари сифатида сақланиб турибди. Шайбонийлардан Абдуллахон II даврида марказий ҳокимиятни мустақамлаш йўлида олиб борилган урушлар натижасида теурийлар давридаги кўпгина иншоотлар вайрон қилинган бўлса, иккинчи томондан у кўплаб работ, сардоба, мадраса, масжид, кўприк, сув омборларини қурдириб, мамлакат ободончилигига катта ҳисса қўшган.

Шайбонийлар давлатидаги қуйи табақа — меҳнат-кашлар билан зодагонлар, маҳаллий ҳокимият билан марказий ҳокимият ўртасидаги асосий зиддиятлар бу сулола ҳукмронлигининг инқирозга юз тутишига сабаб бўлди. Мамлакатни бирлаштириш, марказлашган ҳокимият қуриш учун курашларда Абдуллахон II шайбонийзодаларнинг кўпчилигини қатл қилган бўлса, унинг ўғли Абдулмўмин ўз мавқеини сақлаб қолиш учун энг яқин қариндошларини ҳам ўлдиртирди. Натижада 6 ой ҳам ҳокимиятга эга бўла олмаган Абдулмўмин вафотидан кейин мамлакатни идора қилишга лаёқатли шайбонийлардан бирор киши қолмади. Уларнинг охириги ҳукмдори Пирмуҳаммад ўз ҳукмронлигини шайбонийлар давлатининг кичик бир бўлагига ўрнатиб, ўзаро жангларда ҳалок бўлди. Бу вазиятдан фойдаланган Хоразм ўз мустақиллигини тиклаб олди.

Эрон шоҳи Аббос I Ҳиротни, Сабзавор ва Машҳадни эгаллади, қозоқ султонлари Тошкент ва Самарқандни босиб олиб, Бухорони қамал қилдилар. Ана шундай оғир шароитда Бухоро зодагонлари Жони Муҳаммад Султон (Жонибек) ни тахтга таклиф қилиб,

1601 йилда унинг номига хутба ўқитдилар ва Жони Муҳаммадхон Бухоро хони деб эълон қилинди. Шу йилдан бошлаб Бухоро хонлигида аштархонийлар номини олган сулола ҳукмрончилиги бошланиб, у 1753 йилгача — ҳокимиятга мангитлар сулоласи чиққунга қадар давом этди.

Аштархонийлар XIV асрнинг 80-йилларидан бошлаб Астрахан (ҳожи Тархон, Аштархон) атрофларида ҳукмронлик қилганлар. 1556 йилда рус князлари Астраханни босиб олгач, аштархонийлардан Ёрмуҳаммад Бухорога келиб, Искандар султондан паноҳ топди. Искандар султон қизи Зуҳрахонимни Ёрмуҳаммаднинг ўғли Жонибекка берган. Жонибек султоннинг Зуҳрахонимдан учта ўғли (Динмуҳаммад, Боқимуҳаммад, Валимуҳаммад) бўлган.

Жонибек султон Бухоро хони деб эълон қилинган, ўғли Динмуҳаммад фойдасига тахтдан воз кечади. Сейистон ҳукмдори бўлган Динмуҳаммад Ҳирот яқинида сафавийлар билан бўлган жангда ҳалок бўлади ва тахтга Боқимуҳаммад (1601-1605) ўтказилиб, укаси Валимуҳаммад (1605-1611) ворис деб эълон қилинади.

Боқимуҳаммад 1602 йилда Балхни эгаллади, 1603 йилда эронийларнинг Балхга ҳужумини қайтарди. 1604 йилда қозоқ хони Келимуҳаммад қўшинларига зарба бериб, давлат ҳокимиятини мустақкамлашга ҳаракат қилди. Ундан кейин тахтга кўтарилган Валимуҳаммад ўзи мустақил ҳаракат қилолмас, давлат аҳамиятига молик масалаларни бекларнинг розилиги билангина ҳал этар эди. Мустақил бошқарувга интилган беклар хонга бўйсунмай қўйишган. Ўзаро ички кураш, тарафқашлик Валимуҳаммадга қарши фитна уюштиришга олиб келган ва бунинг натижасида Имомқулихон (1611-1642) тахтни эгаллаган эди.

Имомқулихон маҳаллий бекларни бўйсундириш, Эрон қўшинларига зарба беришда қозоқ султонлари кучларидан фойдаланди. Мамлакат ҳудудларини кенгайтирган Имомқулихон Тошкентга ўғли Искандар султонни ҳоким қилиб қўйди, лекин 1613 йилда

Искандар зулмидан безор бўлган тошкентликлар исён кўтарди, Искандар ўлдирилди. Имомқулихон бу хабарни эшитиб, Тошкентга катта қўшин билан келиб, исёнчиларни бостирди ва аҳолини қирғин қилди. У қозоқлар, қалмоқ (жунғор)лар, мўғуллар ва қорақалпоқларга қарши муваффақиятли кураш олиб борди. Бу Имомқулихоннинг мавқеини мустаҳкамлади, хон ҳокимияти кучайди. Узоқ вақт ҳукмронлик қилган Имомқулихон зодагонларнинг қарши чиқишлари ва ўзаро курашларини бирмунча вақт тўхтатишга муваффақ бўлди. Лекин уруғ амирларининг кўпчилиги хон ҳокимиятини тан олмас эдилар. Улар ички, ҳатто ташқи масалаларда ҳам тўла мустақил фаолият олиб борганлар. **Бир неча йил Самарқандни бошқарган йирик ер эгаси Ялангтўшбий шундай амирлардан бири эди.**

1642-1645 йилларда ҳукмронлик қилган Нодирмуҳаммад мамлакат ҳудудларини 12 та ўғли ва иккита жиянига бўлиб бериб, иқтимоий-сиёсий тарқоқликни кучайтирди. Унинг зодагонлар билан келиша олмаслиги давлат асосларининг зайфлашувига олиб келди. Натижада унинг пойтахтда йўқлигидан фойдаланиб амирлар Абдулазизхон (1643-1680) ни хон деб эълон қилдилар. Нодирмуҳаммад Балх шаҳрига қочди ва Ҳиндистон ҳукмдори Шоҳжаҳон (1628-1658) дан ёрдам сўради. Аммо унинг ёрдами муваффақиятли бўлмади.

Абдулазизхон ҳукмронлиги йилларида Хива хонлари **Абулғозихон (1643-1663) ва унинг ўғли Анушахон (1663-1687)** Бухоро ҳудудларига бир неча марта талончилик юришларини амалга оширдилар. Хоразмликлар 1655 йилда Қорақўл, Бухоро атрофларини, 1662-1663 йилларда Бухоро ва Бухоро атрофларига ҳужум қилиб, у ерларни талон-тарож қилдилар. Душман қўшинларига зарба бериш, ўзаро феодал урушларни тўхтатиш имконини топа олмаган Абдулазизхон тахтдан воз кечди. Унинг ўрнига тахтга ўтирган укаси Субҳонқулихон (1680-1702) даврида ҳам Бухоро-Хива муносабатлари мураккаблигича давом

этди. Айниқса, Самарқанд амирларининг Хива хони Анушахон ҳукмронлигини тан олиб, унинг номига хутба ўқитишлари баъзи амирларнинг норозилигига сабаб бўлди. Шундай вазиятда Субҳонқулихонни Маҳмудбий Қатагон қўлаб-қувватлади, самарқандликлар жазоланди. Шунга қарамай Бухоро ва Хива муносабатлари кескин бўлиб қолаверди. XVII аср охири XVIII аср бошларида тинимсиз бўлиб турган ўзаро курашлар, сиёсий тартибсизликлар халқ оммасининг аҳволини оғирлаштирди, солиқлар кўпайиб, порахўрликнинг авж олиши, бошбошдоқлик мамлакат хўжалигининг вайрона ҳолга келиб, издан чиқишига олиб келди. Шундай оғир вазиятда вафот этган Субҳонқулихон ўрнига Убайдуллахон (1702-1711) тахтга ўтирди. У марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, мустақилликка интилган бебош амирларни бўйсундириш, кўтарилган кўзгалонни бостириш учун тинимсиз урушлар олиб борди. Убайдуллахон йирик зодагонлар, қабила бошлиқларининг мавқеини пасайтириш, сиёсий тарқоқликни бартараф этиш мақсадида уларни марказий ҳокимиятдан четлаштирди, ҳатто диний-сиёсий ҳокимиятга катта таъсири бўлган Жўйбор шайхларини солиқ тўламаслик имтиёздан маҳрум этди. Яна давлатни бошқаришга ҳунармандлар ва савдогарларнинг болаларини жалб қилиб, ўзига ишончли янги амалдорларни шакллантиришга ҳаракат қилган Убайдуллахон фаолияти юқори табақа вакилларининг норозилигига сабаб бўлган бўлса, 1708 йилда марказий ҳокимиятни кучайтириш учун ўтказган пул ислоҳоти аҳолининг ўрта табақаси орасида ҳам хоннинг таъсирини анча пасайтирди.

Аштархонийлар орасида нисбатан қатъиятли, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун бир неча тadbирларни амалга оширган Убайдуллахон даврида ижтимоий-сиёсий парокандалик кучайди ва унинг ўзи фитна қурбони бўлди. Фитна иштирокчиси бўлган укаси Абулфайзхон (1711-1747) тахтга чиқарилди. Иродаси кучсиз Абулфайзхон кучли амирлар таъсиридаги кўғирчоқ хон сифатида тарихда қолди. У

номигагина хон бўлиб, ҳақиқий ҳокимият кучли амирлар қўлида бўлган. Айниқса, Абдуллабий, Иброҳимбий, Муҳаммад Ҳакимбийлар давлат бошқарувида катта таъсирга эга бўлганлар. Абулфайзхон даврида сиёсий тарқоқлик ғоятда кучайиб, ҳар бир вилоят амалда мустақил бошқарувга эга бўлган ҳокимиятга айланиб қолган эди. Тошкент, Хўжанд, Балх, Бадахшон, Шаҳрисабз, Ҳисор ва унинг атрофидаги ерлар Бухорога бўйсунмаганди. Бу парокандалик марказий ҳокимиятда юқори мавқега эга бўлишга интилган бийлар ўртасидаги кураш сабабли рўй берган эди. Бу курашда Шаҳрисабз ҳокими кенагас Иброҳимбий билан барча шахзодалар оталиқларининг бошлиғи бўлган мангит уруғидан чиққан Муҳаммад Ҳакимбийлар катта рол ўйнадилар.

Иброҳимбий пойтахти Самарқанд бўлган мустақил давлат тузиш мақсадида қариндоши Ражаб Султонни Самарқанд ҳокими, деб эълон қилди ва Бухорога қарши юриш қилди. Бийларнинг ўзбошимчалигига қарши қатъият билан курашаётган Муҳаммад Ҳакимбий тўқнашувда мағлубиятга учраган бўлса ҳам, Бухоро аҳлининг қаттиқ қаршилиги сабабли Ражаб Султон шаҳарни эгаллаб ололмади.

Бухоро хонлигидаги парокандалик, ўзаро урушлар 1736 йилда Эронда ҳокимиятни эгаллаб, мустақамланиб олган Нодиршоҳ Афшар (1736-1747) эътиборидан четда қолмади ва у Бухоро ва Хива хонларини ўзига бўйсундириш ҳаракатини бошлади. 1740 йилда Эрон ҳукмдори Бухорога қўшин тортганда Абулфайзхон оғир шартларга кўниб, сулҳ тузишга мажбур бўлди ва Нодиршоҳ ҳокимиятини тан олди. Абулфайзхоннинг Эронга қарамлигини тан олиш билан аштархонийларнинг мустақил ҳукмронлиги тугади. Мамлакат бошқаруви 1743 йилгача Муҳаммад Ҳакимбий, унинг вафотидан кейин Муҳаммад Раҳимбий қўлида бўлди. 1747 йилда Нодиршоҳ вафоти билан Абулфайзхон ўлдирилди, унинг ворислари Абдулмўмин (1747-1748), Убайдулла III (1748-1756) номигагина хон деб эълон қилиниб, давлат ҳокимияти амалда

Муҳаммад Раҳимбий асос солган манғитлар сулоласи қўлига ўтди. Чингизхон авлодига мансуб бўлмаган Муҳаммад Раҳим 1753 йилда ўз номига хутба ўқиттириб, ўзини амир деб атади. Манғитлар сулоласининг 1920 йилгача ҳукмронлик қилган даври тарихда шунинг учун ҳам Бухоро амирлиги деб аталди.

Ашгархонийлар даврида Мовароуннаҳр сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда инқирозга юз тутиб, учта мустақил давлатнинг шаклланиши билан изоҳланади. Ўзаро урушлар ва чет эл босқинчиларининг ҳужуми мамлакат иқтисодий ҳаётини тўла издан чиқарди. Сув иншоотлари қаровсиз қолиб, кўпгина экин экиладиган ерлар издан чиқди. Бу мамлакат иқтисодий, ижтимоий ҳаётида оғир ҳолатни келтириб чиқарди.

Сиёсий ҳаётда шайбонийлар давридаги давлат тузуми асосан ўзгармаган бўлса ҳам, бошқарувда оталиқлар ва диндорларнинг мавқеи ошиб, мамлакат сиёсий ҳаётини ҳал қилиш уларнинг қўлига ўтган эди. Бу ижтимоий тузумга таъсир қилиб, хон ва унинг амалдорлари ҳарбий-маъмурий амалдорлар, уруғ бошлиқлари, йирик оғамолар фикри билан ҳисоблашишга мажбур бўлардилар.

Ҳарбий соҳада ислоҳотларнинг амалга оширилмаганлиги замонавий ҳарбий техникага элибор берилмаганлиги кўшиннинг салоҳиятини пасайтириб, шайбонийлар даврида Бухорога қарам ерларнинг қўлдан чиқиб кетишига ва ҳатто ашгархонийларнинг бутунлай ўз мустақилликларини йўқотишларига сабаб бўлди.

Тинимсиз олиб борилган урушлар қишлоқ хўжалиги каби шаҳар ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Сайидо Насафий Бухорода 200 хилдан ортиқ ҳунармандчилик соҳалари мавжуд эди деб маълумот берсада, улар жуда тор доирада бўлиб мамлакат иқтисодий аҳволини яхшилашга сезиларли таъсир кўрсата олмади. Убайдуллахон даврида ўтказилган пул ислоҳоти савдогарлар ва ҳунармандларнинг норозилигига сабаб бўлди. Ҳунармандчилик соҳасидаги етакчи тармоқлар тўқимачилик ва кулолчилик эди. Мамлакат иқтисодида

деҳқончилик ва чорвачилик етакчи соҳа сифатида бу даврда ҳам ўз мавқеини сақлаб қолди. Халқ хўжалигининг бу соҳадаги маҳсулотларнинг турлитуманлилиги ички савдога йўл очиб берган бўлса, ташқи савдодан келадиган катта фойда чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқани ривожлантириб, хоҳ ва унинг амалдорларини рағбатлантирар эди. XVI-XVII асрлардан бошлаб Бухоро хонлигида Россия ва унинг турли шаҳарлари билан савдо алоқалари кучайиб борди. Шу билан бирга қўшни мамлакатлар Ҳиндистон, Эрон, Қошғар ҳамда узоқ Туркия мамлакатлари билан ҳам савдо алоқалари олиб борилди.

Аштархонийлар давридаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги таназзул маданий ҳаётга ҳам **салбий таъсир кўрсатди. Диндорлар** мавқеининг кучайиши аниқ фанларга нисбатан эътиборни пасайтирди. XVII асрда Бухоро хонлигида 150 дан ортиқ мадраса фаолият кўрсатган бўлса-да, уларда замон тараққиётига таъсир кўрсатиш даражасидаги алломалар етишиб чиққани йўқ. Бу дунёвий илмлар соҳасида умуман иш қилинмади дегани эмас. Математика, астрономия, айниқса тиббиёт, тарих-навислик ва адабиёт соҳасида бир қанча янги асарлар яратилдики, булар XVII аср ва XVIII аср биринчи ярмидаги ўзбек халқи маънавий меросининг буюк намуналари сифатида қайд этилади. Бобоҳўжа ибн Хожа Ориф Самарқандий, Мулло Турсун Фаройизий Самарқандийлар фалакиёт соҳасида, Субҳонқулихоннинг «**Лубб ул-лавоийх ул-қамар фил-ихтиёрот**», «Иҳё ат-табиби Субҳоний», Саъид Муҳаммад Тоҳир ибн Абулқосимнинг «Ажойиб ул-табқот» асарлари шу даврдаги кўзга кўринган асарлар сирасига киради.

Аштархонийлар даври ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи Мирзо Содиқ Муншийнинг «Даҳмай шоҳон» мажмуаси, Муҳаммад Балҳийнинг «Субҳонқулинома» маснавийси, Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома», Муҳаммад ибн Муҳаммад Замон Бухорийнинг «Муҳит ут-таворих», Абдурахмон Тольеининг «Абулфайзхон тарихи», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Муқимхон

тарихи» ва бошқа асарлар шу давр маданий ҳаётининг ажойиб намуналаридир.

Бу даврда Турди Фароғий (XVII аср), Бобораҳим Машраб (1640-1711), Сўфи Оллоёр (1644-1723), Мирзо Абдулқодир Бедил каби ижодкорларимиз ўз асарлари билан ўзбек адабиёти равнақига салмоқли ҳисса қўшдилар. Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» асари Субҳонқулихон даври давлатчилиги тарихи ва тузуми ҳақида маълумот берса, Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро», Малехо Самарқандийнинг «Музаккир ул-асҳоб», мулла Содиқ Самарқандийнинг «Риёз уш-шуаро» каби тазкиралари давр илмий муҳити ва ижодкорлари ҳақидаги асарлардир. Уларда 200 га яқин ижодкорлар ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр юритилади.

Бухородаги Абдулазизхон мадрасаси ва Нодир Девонбеги томонидан қурилган Лаби Ҳовуз меъморий мажмуаси, Самарқанд Регистонига Ялангтўшбий қурдирган Шердор ва Тиллакори мадрасалари, Қаршидаги Ёрмуҳаммадбий ва Хўжа Курбонбий мадрасалари, Шаҳрисабз воҳасидаги Хўжа Илимқон меъморий мажмуалари аштархонийлар даври меъморчилигининг юксак намуналаридир. Марказий ҳокимиятнинг заифлашуви, ўзаро урушлар, сиёсий парокандалик билан изоҳланувчи аштархонийлар даврида тарихнавислик, адабиёт, меъморчилик соҳасида қўлга киритилган бу ютуқлар, ижобий силжишлар, меҳнатқаш халқимизнинг бунёдкорлик, яратувчанлик хислатларининг буюк кўринишидир.

Бухоро амирлиги

Манғитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳимбий 1747 йилда эроний қизил бошларни тор-мор келтириб, Бухорода ҳокимиятни тўла ўз қўлига олган эди. У барча вилоят, шаҳар ва қабилалар бошлиқларини Бухорога таклиф қилиб, марказий ҳокимиятни кучайтиришга қаратилган дастурини эълон қилиб, бўйсунмаганларни қатл қиламан, деб огоҳлантирди.

Муҳаммад Раҳимбий Абдулмўмин (1747-1748), Убайдулла Султон (1748-1756) номларидан давлатни бошқарган даврида Миёнқалъа, Нурота, Ҳисор, Қободиён, Бойсун, Шаҳрисабз, Ургут вилоятларига бир неча бор юриш қилиб, уларни ўзига бўйсундирди. Бу муваффақиятлар унинг расмий ҳокимиятни ҳам қўлга олишига йўл очиб берди. Абулфайзхоннинг қизига уйланиб, хонлар авлоди билан қариндош бўлган Муҳаммад Раҳимбийга амир унвони берилди ва оқ кигизда кўтарилиб олий ҳукмдор деб тан олинди. Унинг 1757-1758 йилларда марказий ҳокимиятни кучайтириш учун олиб борган урушлари бир қанча вайронагарчиликларга сабаб бўлди. Хива хонлигига ўз таъсирини ўтказишга муваффақ бўлган Муҳаммад Раҳимбийни Қўқон, Балх, Тошкент, Марв ва Қўқон каби мустақил мулклар ҳукмдорлари Бухоро қонуний ҳукмдори деб ўз элчиларини жўнатганлар.

1758 йил 24 мартда вафот этган Муҳаммад Раҳимбий ўрнига манғит уруғидан бўлган Миёнқалъа ҳокими Дониёлбий (1758-1785) тахтга кўтарилди. Дониёлбий Муҳаммад Раҳимбийнинг набираси Фозилтурани хон тахтига ўтказиб, ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолди. Марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун янги солиқлар тизимини жорий қилиб, бир қанча маъмурий чора-тадбирларни амалга оширган Дониёлбий кўп вақтини бебош амирларни бўйсундириш, исёнларни бостиришга сарф қилди. У 1784 йилда Бухорода кўтарилган қўзғалон сабабли ҳокимиятни шаҳар аҳолиси орасида обрўлироқ бўлган ўғли Шоҳмуродга топширди.

Амири Маъсум («Бегуноҳ амир») номини олган амир Шоҳмурод (1785-1800) ўз ҳукмронлиги йилларида саройда камтарона яшаб, бир қанча солиқларни камайтирди, Бухоро аҳлига тархон ёрлиғини бериб, баъзи тўловлардан озод қилди, халқ орасида золимлиги билан танилган амалдорларни жазолади. Мадраса таълимини олган Шоҳмурод фикҳ илми ҳақида «Айн ул-ҳикмат» номли рисола ёзиб, унда илгари сурилган

қоидаларни барча вилоятларга жорий этди. У пул ислоҳоти ўтказиб тижорат ишларини тартибга солиди, сув иншоотларини яхшилаш билан ишлаб чиқаришнинг ривожланишига замин яратди. Буларнинг ҳаммаси марказий ҳокимиятнинг нисбатан кучайишига ва умрининг охиригача давлатни бошқаришига имкон берди.

1800-1826 йилларда Бухоро тахтини бошқарган Амир Ҳайдар даврида ҳар 3-6 ойда узлуксиз ички урушлар ва қўзғалонлар бўлиб турди. 1800 йилда Қарши ва Каттақўрғондаги, 1804 йилда Марвдаги, 1821-1825 йилларда Миёнқалъа қўзғалонлари амирлик сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалар бўлди. Айниқса халқ Хива қўшинларининг талончилик юришларидан қўл зарар кўрар эди. 1806 йилда Элтузархон бошлиқ хиваликларнинг ҳужумини қайтариш учун бутун Бухоро аҳли сафарбар қилинди ва Амударё бўйигача таъқиқ қилинган хиваликлар дарёдан кечиб ўтишда қўл кишиларидан ва Элтузархондан ажралишди. Бундан кейин ҳам Хива хонлиги қўшинлари амирлик ҳудудига бир неча бор бостириб киришган.

Амир Ҳайдар ҳукмронлиги давридаги катта қўзғалонлардан бири бу Миёнқалъа қўзғалони эди. 1821 йилда амир амалдорларининг Миёнқалъа аҳлидан хирож йиғишдаги талон-тарожга қўл урганлиги сабабли қўзғалон бошланган. Қўзғалончилар Каттақўрғон, Челақ, Янгиқўрғон ҳудудларини қўлга олиб амир одамларини ҳайдаб юборишган. 1822 йилда Қўқон ва Хива хонлари ҳужумини қайтариш билан машғул бўлган Амир Ҳайдар қўзғалончиларни бостира олмайди. Хитой-қипчоқлар бошчилик қилаётган қўзғалончилар амирнинг иниси Исҳоқбекни ўзларига амир қилиб Самарқанд ва Карманага юриш қиладилар. 1825 йил баҳоригача қўзғалончилар билан амир ўртасидаги қурашлар натижасида қўзғалончиларни тамомила енга олмаган амир ён босишга, уларнинг мулки дахлсизлиги тўғрисида ёрлиқ беришга ва бир қанча амалдорларни жазолашга мажбур бўлган.

1826 йилда Амир Жайдарнинг учинчи ўғли Насрулло (1826-1860) тахтга ўтирди. У ўз йўлига тўсиқ бўлиши мумкин бўлган акаларини шавқатсизлик билан қатл эттирди ва бир ой мобайнида кунига 50-100 кишини қатл қилиш билан «Қассоб амир» деган номни олди. Айниқса урушлар пайтида бўйсунмаган шаҳар ва қишлоқлар аҳолисини қаттиқ қирғин қилди.

Амир Насрулло ҳокимиятни қўлга олгандан кейин Шаҳрисабз, Китоб ҳокимликлари ўзларини мустақил деб эълон қилган эдилар. Бошқа бир қанча бекликлар ҳам амирга расмангина бўйсунган. Амир Насрулло уларни ягона давлатга бирлаштириш, марказий ҳокимиятни кучайтириш йўлида қатъият билан кураш олиб борди. Бунда у ўзининг амалдор хизматкорлар табақасига ва ҳарбий кўшинига таяниб иш кўрди. 1840 йилда Амир Насрулло Хўжанд ва Ўратепани Кўқон хонидан тортиб олиб Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ бекликларини ҳам ўзига бўйсундирди ва 1842 йилда Кўқон хонлигини эгаллашга муваффақ бўлди. У ерда Кўқон хони Муҳаммад Алихонни оила аъзолари билан ва шоира Нодирабегимни ҳам ваҳшийларча қатл эттирди.

Бу пайтда Хива хони Оллоқулихоннинг Бухоро ҳудудларига бостириб кирганлигининг хабарини эшитган Амир Насрулло ўз қўшинларини Хива хонлиги ерларига олиб келиб, Хазораспни қамал қилди, аммо мағлубиятга учради. Шундай оғир шароитда ҳам Амир Насрулло Бухоро амирлиги вилоятларини бирлаштириш учун курашни давом эттирди. Бу кураш 30 йил давом этди. Шаҳрисабз беклигини бўйсундириш учун Амир Насрулло 32 марта юриш қилиб 1856 йилдагина ўз мақсадига эришди. Шундай қилиб Бухоро ҳудудларини тўла бўйсундирган Амир Насрулло Бухоронинг сўнгги мустақил ҳукмдори бўлиб қолди. Ундан кейин ҳукмдорлик қилган Саид Музаффархон (1860-1885) даврида Шаҳрисабз, Китоб беклари яна Бухорога бўйсунидан бош тортидилар. Бухоро Россия вассалига айлангандан кейин (1868) бу шаҳарлар ҳам русларга бўйсундирилди.

Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида давлат тизимида анчагина ўзгаришлар амалга оширилди. Амир олий ҳукмдор бўлиб, давлат ҳаётига тегишли сиёсий, иқтисодий, диний ва бошқа барча масалалар унинг қўлида эди. Марказий ижройи ҳокимият сарой аёнларидан ташкил топган бўлиб Аркда жойлашган. Давлат бошқарувида бош вазир-қушбеги, девонбеги, парвоначи, оталиқ, додҳох, ҳудайчи, мирзабоши каби сарой аёнлари ва шайхулислом, қозикалон каби диний раҳбарларнинг мавқеи катта бўлган. Маҳаллий бошқарув амир томонидан тайинланган вилоят беклари ва унинг қўл остидаги миршаббоши, солиқ йиғувчи амалдорлар, қози, раис, қишлоқ оқсоқоллари қўлида бўлган.

Манғитлар сулоласи даврида амирлик 30 та беклик ва туманлардан иборат маъмурий бирликлардан ташкил топган. Ҳар бир беклик ҳокими хирожнинг бир қисмини амирга юбориб турган.

Бухоро амирлигида ерга эгалик муносабатлари иқтисодий ҳаётда катта аҳамиятга эга бўлиб, ер эгалигининг давлат, хусусий, вақф каби турлари бўлган. Қишлоқ аҳолисининг катта қисми ерсиз деҳқонлар бўлиб, улар ижарага ер олиб ишлаганлар. Шаҳар аҳолисининг асосини ташкил қилган ҳунармандлар ҳаёти ҳам оғир солиқлар сабабли жуда қийин кечган.

XVIII аср охири XIX аср биринчи ярмида Бухоро аҳолисининг умумий сони ҳақида аниқ маълумотлар йўқ бўлиб, тахминан 2 млн. атрофларида бўлган. Уларнинг кўпчилигини ўзбеклар, шаҳар ва баъзи қишлоқларда тожиклар, жанубий-ғарбий туманларда кўчманчи туркманлар, кам сонли араб ва яҳудийлар ташкил этган.

Бухоро амирлигининг халқ хўжалигида деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик соҳалари катта аҳамият касб этган. Аҳолидан хирож, закот, бож, тўла, яксара, нимсара каби солиқлар ундириб олинган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Россия-Бухоро савдо ва дипломатик алоқалари анча ривожланди. Бунда 1774-1776, 1779-80 йилларда Эрназар Мақсудов бошчилигида ва 1797 йилдаги Полвонкули кўрчи элчиликлари катта аҳамият касб этди. XIX аср бошларида Россия-Бухоро алоқалари анча фаоллашди. Бу XIX асрнинг 20-йилларида Ўрта Осиёга сиқилиб киришга ҳаракат қилаётган инглизлар билан руслар ўртасидаги рақобатнинг кескинлашувига олиб келди. Амирлик кўшни хонликлар Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон давлатлари билан ҳам савдо алоқалари олиб борди. Йирик савдо-сотик маркази бўлган Бухорода 1848 йилда 38 та карвонсарой, 9 та тим ва кўплаб бозорлар мавжуд бўлган.

Бухоро шаҳри амирлик даврида ҳам ислом динининг маркази ҳисобланган. Бу даврда бошланғич таълим мактаби ва олий таълим берувчи мадрасалар фаолияти ҳам анча юксалди. Бу ерда фақат Ўрта Осиёдангина эмас, балки Волга бўйлари, Шимолий-Ғарбий Ҳиндистон, Афғонистон ва бошқа мамлакатлардан ҳам билим олиш учун талабалар келишар эди. Бу пайтда Бухоро амирлигининг ҳар битта шаҳарида мадрасалар бўлиб, Бухоро шаҳрининг ўзидаги 103 та мадрасадан 60 таси асосий таълим маскани сифатида машҳур бўлган. Мадрасада ўқитиш 3 босқичда амалга оширилган бўлиб унинг барча харажатлари, мударрислар ва бошқа хизматчиларнинг маоши, талабалар нафақаси, кутубхона харажатлари ва бошқалар мадрасага бириктирилган вақф ерларидан келадиган даромад ҳисобига қопланган. Мадрасада фикҳ, шариат асослари, адабиёт, тил, тарих, фалакиёт, мантиқ, фалсафа, математика фанлари ўқитилган бўлса ҳам дунёвий таълимга нисбатан диний ахлоқий таълим беришга асосий эътибор қаратилган. Бу давр маданий ҳаёти ҳақида адабиёт, тарих, хаттотлик, мусиқа санъати ёдгорликлари, меъморчилик обидалари муҳим маълумотлар беради.

XIX аср адабий ҳаётининг кўзга кўринган намоёндалари Мирзо Содиқ Мунший, шоир Ҳозиқ,

шоир Мужрим, Муҳаммад Шариф Шавқий, Мулла Курбон Хиромий, Аҳмад Дониш (1827-1897), Очилди Мурод Мери Каттақўрғоний (1830-1899) ва бошқалар ўз асарлари билан адабиёт ривожига катта ҳисса қўшганлар. «Манғит ҳукмдорлари тарихи» шеърӣй усулда битилган асарлар, «Чор дарвеш», «Тўтинома», «Порахўр қозилар», «Мурид оловчи» каби асарлар бу давр адабиётининг ажойиб намуналаридир.

Манғитлар ҳукмронлиги даврида ҳам ўрта аср тарихнавислигининг етакчи анъаналари сақланиб қолганлигини қуйидаги асарларда кўрамиз: Мулло Ибодулло ва Муҳаммад Шарифларнинг «Тарихи Амир Ҳайдар» ва «Дастони амирони манғит», Миролим Бухорийнинг «Фатҳномаи-султоний», Мирзо Абдулазим Сомийнинг «Тарихи салотини манғития», «Даҳмаи шоҳон» каби асарлари, Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Нақининг «Тоҷу таворих» асарини, Аҳмад Донишнинг «Манғитлар хонадони ҳукмдорлари тарихидан қисқача рисола» асарини ва Мирзо Содик Муншийнинг «Тарихи силсилоти манғития» («Манғит ҳукмдорлари тарихи») асарлари манғит амирлари тарихи ҳақидаги бирламчи манбалардир.

XVIII аср иккинчи ярми — XIX аср биринчи ярми Бухоро амирлиги меъморчилиги ўзига хос услубда ривожланди. Бу даврда амирликнинг бир қанча шаҳарларида масжид ва мадрасалар бунёд этилди. Бухоро шаҳрида қурилган Домулло Турсунжон (1796-1797) мадрасаси, Худойдод меъморӣй мажмуаси (1777-1855), Эрназар элчи мадрасаси (1795), 1807 йилда қурилган Чорминор мажмуаси, Қаршида қурилган Мир Муҳаммад мадрасаси каби меъморӣй ёдгорликлар ўзбек халқининг ноёб маданий меросидир.

Хива хонлиги

Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган, қадимий деҳқончилик марказларидан ҳисобланмиш Хоразм XIV аср охирларидан XVI аср бошларига қадар теуурийлар давлати таркибида бўлган. 1505 йилда Шайбонийхон

Хоразмга юриш қилган пайтда у ерда ҳукмронлик қилаётган Чин Сўфи расман Хусайн Байқарога қарам эди. Шунинг учун ҳам хоразмликлар темурийлардан ёрдам умид қилиб 10 ой шаҳарни мудофаа қилдилар. Хоразмда Шайбонийхон ҳукмронлиги узоқ чўзилмади. У 1510 йилда Шоҳ Исмоил томонидан ўлдирилгач, Хоразм эроний сафавийлар қўл остига ўтди. Шоҳ Исмоил Хоразм шаҳарларини бошқариш учун юборган доруғаларининг иқтисодий, диний ва миллий зулмига қарши аҳоли кенг қатламларининг чиқишлари бошланди.

Абулғозихоннинг «Шажараи турк» асарида ёзилишича Вазир шахрида яшовчи Умар деган кекса олим эроний қизил бошлиларга қарши курашни ташкил қилиб, унга ўзи бошчилик қилган. Хоразмликлар икки йил деганда эронийларни ўз юртларидан ҳайдаб чиқардилар. Машҳур Сайидота авлодларидан бўлган Саид Хисомиддин ташаббуси билан Шайбон уруғидан бўлган Берка султоннинг ўгли Элбарсхон Вазир шахрига таклиф қилинди. Элбарсхон таклифни қабул қилиб, Вазирга келаётганини эшитган халқ шаҳардаги эронийларни қариб ташлашди. Элбарснинг Вазир шахрига кириб келиши билан Хоразмда 1512 йилда ўзбек султонлари ҳокимияти ўрнатилди.

Элбарсхон (1512-1525) Урганч ва Хива шаҳарларидан эронийларни ҳайдаб чиқариб мустақил хонликка асос солади. У билан бирга Дашти Қипчоқдан Хоразмга келган халқлар ўтrockлашдилар. 1524 йилда Шоҳ Исмоил вафотидан кейин хоразмликлар Туркменистоннинг жанубий қисмини, Эрон шимолидаги Сарахс ҳудудларини, Орол ва Манғиш-лоқни эгаллашди. Янги ерларни Элбарсхон ўз ўғиллари ва укаси фарзандларига бўлиб берган эди, бу мустақилликка интилган майда ҳокимликларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Натижада қўшниси ерига кўз олайтирган ҳокимлар ўртасидаги, узлуксиз ўзаро низолар келиб чикди ва Элбарсхон вафотидан кейин

хонларнинг тез-тез алмашиб туришига олиб келди. XVI асрда Хоразмни Элбарсхон авлодларидан Сўфиёнхон, Аванешхон, Ақатойхон, Дўстхон, Ҳожимхон каби хонлар бошқарганлар.

Битта хонадон вакиллари бўлган Берка султон ва Шайбонийхон авлодлари ўртасидаги ўзаро низо эндиликда Бухоро ва Хоразм ҳукмдорлари ўртасидаги жанжалларга сабаб бўлди. Элбарсхоннинг бешинчи вориси Аванешхон (1526-1538) даврида Шайбоний Убайдулла султон (1533-1539) Хоразмни босиб олиб, 1537 йилда ўгли Абдулазизни у ерга ноиб қилиб қолдирди. 1538 йилда Хоразм султонлари яна ҳокимиятни қайтариб олдилар. Хоразм ерлари учун Ҳожимхон (1558-1602) даврида Абдуллахон II (1557-1598) бир неча марта юриш қилди. 1575 йилда бошланган ўзаро урушлар натижасида Абдуллахон II 1593 йилдагина Хоразмни ўзига бўйсундирди. 1598 йилда Абдуллахон вафоти билан шайбонийлар давлатида авж олган ўзаро низо ва тартибсизликдан фойдаланиб Хоразм ўз мустақиллигини узил-кесил тиклаб олди.

XVI асрнинг 70-йилларида Хоразм пайтахти Урганчдан Хива шаҳрига кўчирилди. Унга Амударё ўзанининг ўзгариб, Каспий денгизига оқмай қўйганлиги сабаб бўлди. Бу ҳолат Хоразм иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатган. Шу даврдан бошлаб Хоразм давлати Хива хонлиги деб атала бошлаган.

XVII аср бошларига келиб, Хоразм тахти учун бўлган сулолавий курашлардан сўнг тахтга ўтирган Араб Муҳаммадхон (1602-1621) даврида Хива хонлигида давлат парокандалиги юқори чўққига етди. Рус казаклари, қozoқлар ва қалмиқлар талончилик юришлари қилиб мамлакат аҳолисининг тинчини бузишга сабаб бўлган бўлса, мамлакат ичида мавқеи кучайган дарвеш шайхлари таъсиридаги Араб Муҳаммаднинг ўғиллари Ҳабаш ва Элбарсларнинг отасига қарши чиқиши парокандаликни авж олдирди. Улар отасига қарши курашда муваффақият қозониб,

унинг кўзига мил тортдилар, сўнгра Хивада қатл эттирдилар. Шундай қилиб тахтга ўтирган Элбарс ва Ҳабаш султонлар (1621-1623) укалари Исфандиёр (1623-1643) томонидан тахтдан туширилдилар.

Туркманлар ёрдами билан тахтга чиққан Исфандиёр даврида мамлакат сиёсий ҳаётидаги кескинлик сақланиб қолди. Орол бўйидаги ўзбек қўнғиротлари Исфандиёрга бўйсунмай қўйишди. Туркманлар хонлик сиёсий ҳаётига кўпроқ таъсир эта бошладилар.

Хоразм тарихида йирик давлат арбоби ва тарихнавис ижодкор сифатида ўз ўрнига эга бўлган Абулғозихон (1643-1663) акаси Исфандиёр вафотидан кейин тахтни эгаллади. У оғир ҳаёт йўлини босиб ўтди. Акалари Элбарс ва Ҳабашхонлар исёни даврида Бухоро хони Имомқулихон саройида яшади. Исфандиёр тахтни эгаллагач, 1623 йилда Урганч ҳокими бўлди. Акаси билан келиша олмай Туркистон ҳокими Эшимхон хузурига борди ва унинг вафотидан кейин 2 йил Тошкентда яшади. Бухоро хонлиги орқали яна Хоразмга келгач, акаси Исфандиёр уни Эрон шоҳи хузурига гаров тариқасида жўнатди. 10 йил тутқинликда бўлган Абулғози 1639 йилда Эрондан яширинча чиқиб, Орол ўзбеклари олдига келди ва онаси вафотидан кейин қўнғирот ўзбекларининг ёрдами билан ҳокимиятни қўлга киритди. Унинг ҳукмронлиги даврида марказий ҳокимият нисбатан кучайди. Туркман, қалмиқларга қарши муваффақиятли уруш олиб борган Абулғозихон Бухоро хонлиги ҳудудларига ҳам талончилик юришлар қилди. Хива аскарлари Чоржўй, Варданза, Қоракўл, Карманагача бўлган ерларни бир неча бор талашди. 1662 йилда Абдулғози Бухоро хони билан сулҳ тузди.

Лекин унинг ўғли Анушахон (1663-1687) даврида ҳам Бухоро ва Хива ўртасидаги урушлар давом этди. Бу даврда Хива кўшинлари Бухоро, Самарқанд, Қаршига ҳужм қилиб турдилар. 1685 йилда Ғиждувон яқинидаги мағлубиятдан кейин Бухоронинг Хивадаги таъсири кучайди. Субҳонқулихон Анушага қарши фитна уюштириб, унинг ўғли Эрнакка тахтни эгаллашга ёрдам беради. Отасини кўр қилиб, тахтни эгаллаган Эрнак

(1687), ҳокимиятни узоқ вақт сақлаб қола олмади. Субҳонқулихон Хивадаги тарафдорлари ёрдамида тахтга Шоҳниёзни (1688-1702) ўтқазиб, амалда Хивани вассал давлатга айлантирди.

Шоҳниёз хонлик мақомига эга бўлгач ўз ҳомийсидан юз ўгириб, мустаҳкам таянч қидириб, Россия ҳукмдори Петр I га хат йўллаб, Хивани Россия таркибига қўшиб олишни сўрайди. Шарқда таъсир ўтказишни мақсад қилиб қўйган рус подшоси 1703 йилда Хиванинг Россия ҳудудига қўшиб олингани хақида ёрлиқ жўнатади. Лекин 1702-1715 йилларда хонлик қилган Араб Муҳаммад бунга аҳамият бермади. Бу рус подшосининг Ўрта Осиёга эътиборини қаратди, холос. У Хива хонлигини расман тобе қилиш мақсадида Александр Бекович-Черкасский раҳбарлигида Хивага ҳарбий экспедиция тайёрлади.

Араб Муҳаммад ва унинг вориси Шерғозихон (1715-1728) даврида хонликдаги сиёсий низолар мамлакатнинг иқтисодини ҳам издан чиқарди. Шерғозихон олти минг рус аскар билан 1717 йилда хонлик ҳудудига кириб қолган рус ҳарбий экспедициясини яхши кутиб олди. Унинг маслаҳати билан Бекович-Черкасский қўшинларини 3 га бўлиб жойлаштирди. Қулай вазиятдан фойдаланган хиваликлар рус қўшинларини бутунлай қириб ташлашди. Натижада рус ҳарбий экспедицияси самарасиз якунланди.

Ташқи хавф бартараф этилгач хиваликларнинг ўзаро низолари давом этди. 1728 йилда ҳокимиятни қўлга олган Элбарсхон (1728-1740) ички низоларни бостириб, қўшни ҳудудларга bosқинчилик юришларини уюштира бошлади. Хива қўшинларининг bosқинчилик юришлари ва уларнинг Бухоро хонлигига берган ёрдамлари туфайли 1740 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳ Хоразмни бутунлай ўзига бўйсундирди. 1741 йилда кўтарилган кўзғалон сабабли Хива эронийлар зулмидан озод бўлди. Лекин Нодиршоҳнинг ўғли Насрулло катта қўшин билан Хоразмга келгач, Нуралихон (1741) тахтни ташлаб қочди ва эронийлар 1747 йилга қадар Хива хонлигида ҳукмронлик қилдилар.

1747 йилда қozoқ султони Гаибхон тахтга ўтқазилди (1747-1757). Унинг даврида қozoқ султонларининг мавқеи ошиши Хивада қўзғалон кўтарилишига сабаб бўлди. 1757-1758 йилларда Хива тахтини унинг укаси Абдуллахон бошқарган. Хива хонлигидаги сиёсий парокандаликдан фойдаланган Бухоро хукмдори Муҳаммад Раҳимбий ўз одами Темур Фозиҳонни (1758-1763) Хива тахтига ўтқазади. Шу даврдан бошлаб Хива хонлигида қўнғиротлар уруғининг мавқеи мустаҳкамланиб барган.

Хоразм тарихчилари Абулғозий, Мунис, Огаҳий, Баёний асарларида ёзилишича, Абулғозий акаларидан қочиб кетаётганда отидан айрилди. Шунда қўнғирот уруғидан бўлган Ўнбой деган йигит унга ўз отини бериб, қўтилиб кетишга ёрдам берган. Абулғозий кейинчалик Эрондан қочиб келгач, уларнинг уруғ бошлиқларига иноқ унвонини беради. Шу даврдан бошлаб Хива хонлигида қўнғирот уруғларининг мавқеи ортиб борган. XVIII асрнинг 60-йилларидан бадавлат шаҳарликлар ва руҳонийларнинг қўллаб-қувватлашишига эришган қўнғирот уруғлари Хива хонлигида ҳокимиятни қўлга ола бошлайдилар.

Иноқ Муҳаммад Амин (1763-1790) 1770 йилда туркманларнинг, 1782 йилда бухороликларнинг ҳужумини қайтариб, Хива хонлигида қўнғиротларнинг амалдаги ҳокимиятини мустаҳкамлайди. Аваз Иноқ (1790-1804) даврида Хива хонлигида марказий ҳокимият мустаҳкамланиб, хонликдаги иқтисодий аҳвол яхшиланди. Бу XIX аср бошларида қўнғиротлар сулоласининг ҳокимиятни расман эгаллашларига замин бўлди. 1804-1806 йилларда хукмронлик қилган Элтузархон Иноқ Хива тахтига ўтирган қўнғиротлар сулоласининг биринчи хони ҳисобланади. Унинг вориси Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) Хива хонлигини бирлаштиришни ниҳоясига етказди. 1811 йилда бўйсунмас ороликлар-қорақалпоқларни ҳам Хива таркибига қўшиб олди. У ўтказган сиёсий,

иқтисодий, маъмурий ислоҳотлар натижасида бошқарув тизим такомиллашиб, солиқлар тартибга тушди. Хазина даромадлари кўпайди.

Оллоқулихон (1825-1842), Раҳимқулихон (1842-1845) ва Муҳаммад Аминхон (1845-1855) даврларида Хива қўшинларининг Хуросонга юришлари кучайди, Марв шаҳри учун Бухоро амирлиги билан тез-тез урушлар бўлиб турди. Хива хонлари бу даврда Сирдарёнинг Орол денгизига қуйиладиган жойидан Туркменистон ҳудудидаги Кушкагача бўлган ерларни бошқарганлар. 1855 йилда Серахсни қамал қилиш пайтида Муҳаммад Аминхоннинг ҳалок бўлиши мамлакатда парокандаликка сабаб бўлди. Абдуллахон (1855-1856), Қутлугмуродхонлар (1856) 6 ойдан кўп ҳукмронлик қилмасларидан ўлдирилдилар. 1856 йилда тахтни Саид Муҳаммадхон (1856-1864) эгаллади. У бўйсунмас туркманлар ва қорақалпоқларга қарши уруш уюштирганлиги натижасида бу халқларнинг кўпчилиги кўчиб кетдилар. 1859 йилда Муҳаммад Паноҳ Оренбургдан ёрдам олиб, Орол бўйида мустақил давлат тузиш учун қилган ҳаракати бостирилди. Хиваликлар томонидан дарёга тўсиқ қўйилиши натижасида Бутаков флотилияси қорақалпоқларга ёрдам бера олмади.

Хива хонлигидаги сўнгги мустақил ҳукмдор Феруз тахаллуси билан ижод қилган Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) бўлди. Унинг даврида хонликнинг сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан юксалиши кўзга ташланади. Лекин 1873 йилда Россия Хива хонлигини босиб олди ва Муҳаммад Раҳимхон II ва Кауфман имзолаган Гандимиён шартномасига кўра Хива хонлиги Россияга қарам давлатга айланиб қолди.

Хива хонлиги бошқарув тизими асосан Бухоро ва Қўқон давлатларидагидек бўлиб, фарқи XIX аср бошларидан хон ҳузурида Кенгаш (Девон) бўлган. Энг юқори амалдорлар аъзо бўлган кенгаш ваколати чекланган бўлиб, асосий қарорлар хон томонидан қабул қилинган бўлсада, амалдорларнинг хонлик

бошқарувида мавқеи баланд бўлган. Мансаб ва унвонлар хонликларда ҳарбий-маъмурий, ҳарбий ва диний тоифаларга бўлинган. Иноқ, оталиқ, бий, амир ул-умаро, меҳтар, қушбеги, беклар беги, девонбеги ва бошқа унвон ва мансаблар хонлик иқтисодий, сиёсий, молиявий, ҳарбий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Хонликда суд ишлари асосан диний уламолар қўлида бўлиб, уларнинг мамлакат ҳаётида таъсири кучли бўлган.

Хонликда давлат тили ўзбек тили бўлиб, Бухоро ва Қўқондан фарқли ўлароқ барча фармонлар, давлат ҳужжатлари фақат ўзбек тилида ёзилган.

XVI-XVIII асрларда Хива хонлигининг маъмурий жиҳатдан бўлиниши вилоят деб аталган бўлса, XVIII асрдан бекликлар деб атала бошланган. Энг кичик маъмурий бўлиниш мачитқўм деб юритилган. Дастлаб хонликда 16 та вилоят 2 та ноиблик бўлган бўлса, кейинчалик вилоятлар сони 22 га етган. Уларни хон томонидан тайинланган ҳоким ва ноиблар бошқарган. Хива шаҳри эса хон ва бош вазир томонидан бошқарилган.

Хонликда асосан ўзбеклар деҳқончилик туманларида яшаб кўпчиликини ташкил қилганлар. Шунингдек, туркманлар, қорақалпоқлар, кам миқдорда тожиклар, эронликлар, яҳудийлар, араблар ҳам истиқомат қилишган.

Ижтимоий ҳаётда хон ва унинг амалдорлари ва диний уламоларнинг мавқеи юқори бўлиб, иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил қилувчи ер ҳам асосан улар қўлида бўлган. Кам ерли ва ерсиз деҳқонлар улардан ижарага ер олиб ишлаганлар ва аҳволи жуда оғир бўлган. Сунъий сугоришга асосланган деҳқончилик мамлакат иқтисодида муҳим ўрин тутгани учун Амударёдан чиқарилган каналларни қазिश давлат аҳамиятига молик иш ҳисобланган. Шунингдек, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик ҳам иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутган.

Хонлик ҳарбий қўшини ва қурол аслаҳасини яхшилаш жуда паст даражада бўлган. Қўшинни кўпроқ

ярим қўчманчи туркманлар ташкил этган. Олдинги даврлардаги ҳарбий соҳадаги ижобий тажрибалар ривожлантирилмай ташлаб қўйилган.

Хива хонлиги Бухоро, Қўқон, Эрон ва Россия каби қўшни давлатлар билан савдо-сотиқ ишларини олиб борган. Солиқлар барча мусулмон давлатларидагидек хирож, закот, бож ва жизьядан иборат бўлган. Шу билан мажбурий меҳнатнинг баъзи турлари амалга оширилган.

Хива хонлигида ҳам адабиёт, тарихнавислик, меъморчилик бир мунча ривожланган бўлса ҳам табиий ва техника фанларига, дунёвий илмларга эътибор қаратилмаган.

Бошланғич мактабда ўқиш ёзишни ўрганган болалар мадрасаларда ўқитилган. XIX асрда Хива хонлигида 1500 га яқин бошланғич мактаб ва 130 та мадраса мавжуд бўлган. Хива шаҳрининг ўзида 22 та мадраса бўлган. XIX асрда Хива хонлигида адабиёт, тарихнавислик, ҳаттотлик, мусиқа санъати, меъморчилик ва маданиятнинг бошқа соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилган.

Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммад Ризо Эрнийёзбек ўғли Огаҳий, Феруз, Комил Хоразмий, Камрон, Баёний, Хусравий, Муродий, Рожий, Мутриб, Лаффасийлар асарлари ўзбек адабиёти ривожига ўзга хос ўринга эга.

Танбур чизиқи нотасини яратган Комил Хоразмий «Мақоми Ферузшоҳий» асари ва «Панжгоҳ» мақоми билан ўзбек мусиқа санъати ривожига катта ҳисса қўшди.

Абулғозийхон «Шажараи Турк», «Шажараи тарокима» асарлари билан Хоразм тарихнавислик мактабини бошлаб берган бўлса, Мунис ва Огаҳийлар тарихнавислик ва таржимонлик мактабини яратиб, «Фирдавс ул-иқбол», «Зубдат ут-таворих», «Риёз уд-давла», «Гулшан ул-давлат», «Жомийъ ул-воқеоти султоний», «Шоҳид ул-иқбол» асарлари билан тарих соҳасини ривожлантирдилар. Баёнийнинг «Шажараи хоразмшоҳий», «Хоразм тарихи» асарлари юқоридаги

асарлар каби Хива хонлиги тарихини ўрганишда асосий манбалар ҳисобланади.

Ҳозирги Хива шаҳрида сақланиб қолган қадимий меъморилик иншоотлари асосан хонликлар даврида қурилган бўлиб, энг қадимийси XVI асрда қурилган Сайид Ота мақбараси бўлса, энг кейинги XX аср бошларида қурилган Нуриллабой саройидир. Ичан қалъадаги ўнлаб иморатларнинг кўпчилиги XIX асрда қурилган бўлиб, улар халқимиз буюк заковатининг бир қисми сифатида қад кўтариб турибди.

Кўқон хонлиги

XVIII аср бошларида Бухоро хонлигида сиёсий парокандалик унга расман қарам бўлган Фарғона водийсига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 1709 йилда Чодак хўжалари исён кўтариб, Фарғонанинг бир қисмини эгаллаб олиб, мустақил давлат тузилганлигини эълон қилдилар. 1710 йилда водийда анча кучли таъсирга эга бўлган, ўзбекларнинг минг уруғи бошлиғи Шохруҳбий (1710-1721) ҳокимиятни қўлга олди. Шохруҳбий ўз ҳукмронлиги даврида Кўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара атрофларини бўйсундириб, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлади. Унинг вориси Муҳаммад Абдураҳимбий (1721-1733) Хўжанд, Ўратепа, Самарқанд, Жиззах ҳатто Шаҳрисабзни ўзига бўйсундириб мамлакат ҳудудларини анча кенгайтди. Шунинг билан бирга у қурдира бошлаган шаҳар дастлаб «Қалъаи Раҳимбий» деб аталди. Абдураҳимбийнинг бевақт вафоти сабабли укаси Абдулкаримбий (1733-1750) шаҳар қурилишини якунлаб, Тепакўрғондан пойтахтни янги шаҳарга кўчирди ва Эски ўрда деган жойда Ўрда-қалъа қурдиради.

Ўш, Андижон, Марғилонни эгаллаган қалмоқлар 1745 йилда Кўқонни қамал қилганда Абдукаримбий Ўратепа ҳокими Фозилбек ёрдами билан қалмоқларни мамлакат ҳудудидан ҳайдаб чиқариб, давлат мустақиллигини сақлаб қолди. Қалмоқлар гаров

тариқасида Муҳаммад Абдурахимбийнинг ўғли Бобобекни олиб кетишади. Абдукаримбий вафотидан кейин хонлар тез-тез алмаштирилади. 1750-1754 йилларда Абдурахмонбий (1750-1751), Эрдонабий (1751-1753), Бобобек (1753-1754) хонлик қилганлар. Ниҳоят, 1755 йилда Эрдонабий иккинчи марта ҳокимиятга келгач, хонлик анча мустаҳкамланди. У Ўш ва Ўзганни бўйсундириб, 1758-1759 йилларда Шарқий Туркистонга ҳам юриш қилган. Бу даврда Қўқон хонлиги Бухоро ва Хитой билан тенгма-тенг курашадиган давлатга айланди. Лекин Эрдонабий даврида олиб борилган урушлар меҳнаткаш халқнинг аҳолини анча огирлаштирди. Эрдонабий 1769 йилга қадар тахтни бошқарган. Ундан кейин тахтга ўтирган Сулаймонбек бор йўғи 6 ой хонлик қилди.

Қўқон хонлигини 1770-1800 йилларда бошқарган Норбўтабек марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва бўйсунмас ҳокимлар қаршилигини бостиришда бир мунча муваффақият қозонди. У Чуст ва Наманган ҳокимларининг ўзбошимчалиklarини тугатиб, қўзғалон кўтарган Хўжанд шаҳрини бўйсундирди ва уни хонликка бутунлай қўшиб олди. Лекин 1799 йилда унинг Тошкентни эгаллаш учун юборган қўшини мағлубиятга учради. Унинг ҳукмронлиги даврида олинган мўл ҳосил натижасида халқ фаровонлиги бир мунча яшиланди, Хитой ҳукмдорлари Норбўтабек мустақил хон эканлигини тан олган. Унинг вориси Олимхон (1800-1810) даврида Қўқон хонлигининг сиёсий қудрати мустаҳкамланди. Ҳарбий ислохот ўтказиб, қўшинни анча мустаҳкамлаган Олимхон Ангрен воҳасини, Тошкент, Чимкент ва Туркистонни ўзига бўйсундирди. Натижада Қўқон савдогарлари Россия билан бевосита савдо қила бошладилар. 1805 йилдан Қўқон хонлигидаги ҳукмдорлар расман хон деб юритила бошладилар. Бунгача улар «бий» ва «бек» деб аталардилар.

Олимхон исён кўтарган Тошкентни бўйсундириш, Ўратепани эгаллаш ва босиб олинган ҳудудларда ўз мавқени мустаҳкамлаш учун тинимсиз урушлар олиб

борди. У Ҷратепани бўйсундириш учун 10 дан ортиқ юриш қилган. Олимхон олиб борган сиёсат бутун халқнинг Олимхондан норозилигига олиб келди ва бу фитнага сабаб бўлди. Олимхон 1810 йилда укаси Умархоннинг тахтга чиқарилганини эшитиб, Қўқонга кетаётганда Олтиқуш деган жойда фитначилар томонидан ўгли Шоҳруҳ билан бирга отиб ўлдирилади.

Ўзини амир деб атаган Умархон (1810-1822) даврида сиёсий жараён мураккаблашиб, Чимкент, Туркистон ва бошқа шаҳарларда ғалаёнлар кўтарилди. Давлатни бошқаришда йирик ер эгалари, диндорлар, ҳарбий саркардалар манфаатини ҳимоя қилиб, улар билан иттифокда бўлган Умархон бу ғалаёнларни бостириб, хонлик ҳудудини парчаланишдан сақлаб қолди. Узоқ уринишлар натижасида 1817 йилда Ҷратепани босиб олди. Россия билан алоқаларни мустақкамлади. 1818 йилда Умархон «Амир ул-муслимин» унвонини олиб хонликдаги диний ҳокимиятни ҳам эгаллади. Амирий тахаллуси билан шеърлар ёзган Умархон даврида Қўқонда адабиёт, шеърят анча юксалди. 1822 йилда Умархон касалланиб вафот этди.

Умархоннинг ўгли Муҳаммад Алихон (1822-1842) ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Қўқон хонлигининг ерлари анча кенгайди. У 1826-1831 йилларда Қашғарга бир неча марта юриш қилиб, у ердаги Хитой ҳукумати билан ўзи учун фойдали шартнома имзолаган бўлса, 1834 йилгача Қўқон кўшинлари Қоратегин, Кулоб, Дарвоз вилоятларини босиб олган. Ички сиёсатда Мадалихон хонлик ҳаётида катта таъсирга эга бўлган, отаси томонидан қўллаб-қувватланган йирик амалдорларни сургун этди, кўпчиликни қатл қилдирди. Бу ҳолат хонликда ундан норози бўлган кучларнинг бирлашувига, душманларининг кўпайишига сабаб бўлди. Муҳаммад Алихоннинг Шарқий Туркистон ва Олтой тоғлари ортида қўлга киритган ғалабаси сабабли хушомадгўйлари уни «ғозий», деб улуғлашгани билан мамлакатда ундан норозилар кўпчиликни ташкил қилар эди. Муҳаммад Алихоннинг шариятга зид

ахлоқий бузуқликлари ҳам унга қарши айбнома бўлди. Натижада хонга қарши фитна тайёрлана бошланди. Лекин фитначилар ўз кучларига ишонмай 1839 йилда Бухоро амири Насруллодан ёрдам сўраб, хоннинг устидан шикоят қилишди. Амир Насруллонинг Мадалихонни «кофир» деб фатво жўнатиши 1840 йилда Қўқон ва Бухоро ўртасидаги урушга баҳона бўлди. Аслида Бухоро ва Қўқон чегара шаҳарлар учун тинимсиз урушлар олиб боришган. Бу урушда Мадалихон қўшинлари мағлубиятга учраб, унинг ўзи Бухоро ҳукмронлигини тан олишга ва Хўжандни топширишга мажбур бўлди. 1842 йилда Қўқон хонлигида кўтарилган қўзғалондан фойдаланиб, амир қўшинлари Қўқонни эгаллашди ва Насрулло Мадалихонни оила аъзолари билан тутиб келтириб, унинг ўзини, онаси – шоира Нодирабегимни, катта ўғли Муҳаммад Аминни, укаси Султон Маҳмудни ва бошқаларни қатл эттирди. «Қассоб амир» Қўқон хонлигининг Бухоро амирлигига қўшиб олинганини эълон қилиб, Иброҳим додхўни Қўқонга нойиб этиб тайинлади. Кўп ўтмай Тошкент ҳам Бухорога бўйсундирилди.

Лекин бухороликларнинг талончилик сиёсати халқнинг норозилигига сабаб бўлди ва орадан уч ой ўтгач, қипчоқлар мададига таянган қўқонликлар Бухоро амалдорларини ҳайдаб, Норбўтабийнинг укаси Шералихон (1842-1845)ни тахтга ўтказдилар. У шаҳарни мустаҳкамлади. Натижада Бухоро қўшинлари Қўқонни 40 кун қамал қилиб, қўлга ололмагач, қайтиб кетишга мажбур бўлдилар. Кўп ўтмай Хўжанд ўз ихтиёри билан Қўқон хонлигига қўшилди ва Тошкент ҳам қайта эгалланди. Ҳамда хонлик ҳудудлари қайта тикланди. Бу жараёнда алоҳида хизмат кўрсатган қипчоқлар хонликда юқори мавқега эга бўла бошлайдилар. 1845 йилда Қўқон тахти даъвогарларидан бири Муродхон амир ёрдами билан тахтни эгаллаб, бор йўғи 8 кун ҳукмронлик қилди. Бу сиёсий ўйинни кузатиб турган амири лашкар Мусулмонқул ўз қизини унинг ўғли 13 ёшли Худоёрхонга никоҳлаб берди ва

Муродхонни фитначи сифатида қатл қилдириб, куёвини Қўқон хони деб эълон қилди.

Худоёрхон (1845-1858; 1863 (4 ой), (1865-1875 йй.) ёш бўлганлиги сабабли хонликдаги бошқарув Мусулмонкул бошлиқ қипчоқлар қўлига ўтди. Саройда чексиз ҳокимиятга эга бўлган, бош вазир, биринчи амалдор Мусулмонкулнинг ўз мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиши 1853 йил охирларигача давом этиб, бу ҳолат хонликда кўнчилиқнинг норозилигига сабаб бўлди. Ўратепа, Хўжанд, Марғилон ҳокимлари, Тошкент ҳокими Нурмуҳаммад бошчилигида Мусулмонкулга қарши гуруҳ ташкил этишди. 1852 йил феврал ва июн ойларида Мусулмонкул Тошкентга катта қўшин билан юриш қилди. Лекин июн ойидаги жангда қайин отаси насийлигидан норози бўлган Худоёрхон қўзғалончилар томонга ўтди. 1853 йил кузига келиб Мусулмонкул ҳам қўлга олиниб қатл этилди. Бу пайтда рус қўшинлари хонлик сарҳадларига бостириб кириб, Оқмачит, Жўлак, Кумушқўрғонни босиб олаётган эди. Россия билан Қўқон уруш ҳолатига ўтди. Россиядек ташқи душман хонлик сарҳадларига хавф солиб турган бир пайтда хон амалдорлари, хонлар бирлашиш ўрнига улар орасидаги ўзаро кураш, фитна авж олди. Натижада Қўқон хонлиги ҳудудлари чет эл босқинчиларининг зулми остига тушиб қолди. 1876 йилда Қўқон хонлиги тугатилди.

Миразиз бин Муҳаммад Ризо Марғилонийнинг «Тарихи Азизий», Отабек Фозил ўғлининг «Муфассал Тарихи Фарғона», Шавқийнинг «Тарихи Туркистон», Жунайдуллахожа ўғли Ибратнинг «Тарихи Фарғона», Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг «Тарихи жадиди Тошканд» каби асарлари Қўқон хонлиги тарихи ҳақидаги муҳим манбалар ҳисобланади. Шунингдек, рус элчилари, сайёҳлари, ҳарбийлари томонидан ёзилган ҳисоботлар ва архив ҳужжатлари ҳам маълум қимматга эга манбалардир.

Хонликдаги давлат бошқарув тизими, иқтисодиёти ва ижтимоий тизимидаги баъзи бир ўзига хосликни

ҳисобга олмаганда Бухородагидан айтарли фарқ қилмаган. Маданий ҳаёти, таълим тизими ҳам айнан Бухородаги каби бўлиб, табиий, дунёвий фанларга унчалик эътибор берилмаган. XIX асрда хонлиқнинг марказий шаҳарларида мадрасалар фаолият кўрсатган бўлиб, Қўқоннинг ўзида 15 та мадраса бўлса ҳам, Бухорода таълим олган кишиларнинг мавқеи анча баланд бўлган.

Умархон даврида шаклланган ва ривожланган Қўқон адабий муҳити таъсирида яратилган адабиёт ва шеърят намуналари маданият ривожининг кўриниши бўлди. Умархон буйруғи билан Фазлий ва Мушрифлар томонидан тузилган «Мажмуат уш-шуаро» номли тазкира XVIII аср охири XIX аср бошларида Қўқонда яшаб ижод қилган ижодкорлар ҳақида муҳим маълумотлар берувчи қимматли асардир. «Девони Хувайдо», «Роҳати дил» асарларининг муаллифи Хўжаназар Хувайдо, «Ҳапалак», «Таърифи вилояти Курама» каби шеърлар ижодкори Махмур, ҳажвчи шоир Гулҳаний (у «Зарбулмасал» асари билан машҳур»), Фазлий, Мушриф, Ғозий, Содиқ, Хотиф, Амирий ва бошқалар бу даврнинг кўзга кўринган ижодкорларидир. Улар қаторида Увайсий, Нодирабегим, Дилшоди Барно, Маҳзуна каби ижодкор аёлларнинг ҳам сезиларли ўрни бор. XVIII-XIX асрда Қўқон, Тошкент, Наманган ва Андижон каби шаҳарларда, масжид, мадраса, меъморий мажмуалар бу давр маданиятининг бир кўриниши сифатида қад кўтарган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, XVI-XIX асрдаги ўлкамиздаги ижтимоий, маданий ҳаёт кўриб ўтганимиздек ўзига хосликлардан иборат. Бир томондан адабиёт, тарих, меъморчилик, санъат соҳаларида катта юксалишларни, бетакрор ютуқларни қўлга киритган бўлсак, иккинчи томондан бирликнинг йўқотилиши, ўзаро низоларнинг авж олиши, табиий ва техника фанларига эътиборнинг йўқотилиши Ўрта Осиё халқларини нафақат жаҳон тараққиётидан орқада қолишига, балки халқимизнинг чет эл босқинчилари зулми остига тушиб қолишига сабаб бўлдики, бу юртимизнинг 130 йилдан ортиқ қарамликда қолиб кетишига олиб келди.

III. ЧОРИЗМ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

12-МАВЗУ. ЧОР РОССИЯСИНИНГ ТУРКИСТОННИ БОСИБ ОЛИШИ. ЧОРИЗМ ИСТИБДОДИГА ҚАРШИ ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК КУРАШИ. ЖАДИДЧИЛИК

XIX асрнинг биринчи ярмига келиб, Ўрта Осиёда уч хонлик ўртасидаги тўхтовсиз урушлар, келишмовчиликлар хонликлардаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазиятни танг аҳволга олиб келди, бу ҳудудлардаги маданий ҳаётни издан чиқарди. Ўлкадаги бундай вазият Россиядек босқинчи давлат учун ўз имкониятларини амалга оширишга қулай шароит ярағди.

XIX аср ўрталарида жаҳоннинг йирик давлатлари ўртасида янги мустамлакалар учун кураш қизиқ кетган эврда Чор Россияси ҳам бу курашдан четда қолмади. Бу жиҳатдан XIX аср ўрталарида Англия ва Россиянинг манфаатлари Туркистонда тўқнашди. Россия сиёсатчилари Буюк Британиянинг Туркистон ва шпий денгизининг шарқий томонларини эгаллаб олишидан фоят хавфсираётган эдилар. Бунга асос ҳам бўли эди. Чунки Англия ўз тасарруфидаги Ҳиндистон Афғонистон орқали ўзбек хонликлари билан савдо-сотиқ ва дипломатик алоқалар олиб борар эди. Англиянинг асосий мақсади хонликларни босиб олишга чоғланаётган Россиянинг режаларини барбод қилиш, учала хонликни унга қарши бир куч қилиб қўйиштириш ва Ўрта Осиё бозорларини эгаллаш эди. Бу ўринда Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олишини амаллаштирган куйидаги омилларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1. Россия енгил саноатини таъминлаб берувчи қўлдан хом ашё базасининг Ўрта Осиёда мавжудлиги.

2. Крим уруши (1853-1856) туфайли Қора денгиз бандаргоҳларининг қўлдан кетиши ва унинг ўрнини Ўрта Осиёни эгаллаш орқали тўлдириш. Шу орқали

жанубдаги музламайдиган денгизларга чиқиш ва Туркистон бу босқинчилик юришларида плацдарм вазифасини ўташи.

3. Россиянинг Европа бозорлари билан рақобат қила олмаслиги сабабли ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун Ўрта Осиё бозорларини эгаллаш.

4. Россияда ўтказилган ер ислохотлари туфайли қашшоқлашиб қолган аҳолини кўчириб келтириш ва уларни ер билан таъминлаш.

Юқоридаги иқтисодий ва сиёсий сабабларнинг кун тартибида туриши натижасида Чор Россияси дастлабки ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. Уруш ҳаракатлари Қўқон хонлигига қаратилган эди. Босқинчилар замонавий қурол-аслаҳага эга бўлиб, уларга Европа урушларида тажриба орттирган генераллар раҳбарлик қилдилар. Қўқон хонлиги эса ички низо, ҳокимият учун урушлар авж олишига қарамасдан, хонлик аҳолиси даҳшатли ёв билан ўз она юрти, дини, гурури учун курашга отландилар. Дастлаб генерал Перовскийнинг қўшини 1853 йили шиддат билан Қўқон хонлигининг стратегик қалъаси бўлган Оқмачитни эгаллаш учун юриш бошлади. Салкам бир ой давом этган қамал натижасида 28 июл куни ҳал қилувчи жангда қалъа ҳимоячилари таслим бўлдилар. Рус ҳукумати Оқмачитни қўлга киритилишининг катта аҳамиятини англаб, уруш қатнашчиларининг унвонларини ошириб, орден-медаллар ва пул мукофотлари билан тақдирлади. Оқмачит ўрнига қурилган рус қалъасига генерал Перовский номи берилиб, «Перовский порти» деб аталадиган бўлди.

Крим уруши туфайли тўхтаб қолган ҳарбий ҳаракатлар 1860 йил ёзида яна жонланди. Полковник Циммерман бошчилигидаги рус қўшинлари Тўқмоқ, сўнгра Пишпак қалъасини эгаллади. 1864 йил 1 май куни Верний истеҳкомидан йўлга чиққан полковник Черняевнинг отряди қаттиқ жангдан кейин Авлиё ота қалъасини ҳам босиб олди. Черняев Авлиё отани олганлиги учун генерал унвони ва орден билан тақдирланди. Хуллас, 1847-1864 йилларда рус давлати

Кўқон хонлигининг ҳозирги Қозоғистон ва Қирғизистон ерларидаги мавқеига қаттиқ зарба бериб, кўп жойларни қўлга киритди. Туркистон ва Чимкент шаҳарлари Кўқон хонлигининг муҳим ва таянч шаҳарларидан эди. Шу боис душман ушбу икки муҳим шаҳарга шиддат билан зарба беришга киришди. Туркистон ва Чимкентни ҳимоя қилиш учун саркарда Алимқул Кўқондан етиб келди ва шаҳар мудофаасини ташкил қилишга киришди. 1864 йил 12 июлда Туркистон босиб олинди. Верёвкин Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасидаги ноёб тарихий осори-атиқаларни талон-тарож қилиб Россияга жўнатиб юборди. Генерал Черняев бошчилигидаги кўшинлар Чимкентни қамал қилар экан, бу ерда саркарда Алимқул зарбасига учради. Ниҳоят 1864 йил сентябр ойининг бошларида шиддатли жанглар Чимкент остонасида бошланиб кетди. Ҳарбий-техник устунликка эга бўлган душман 22 сентябрда Чимкентни эгаллашга муваффақ бўлди.

Туркистон ва Чимкентнинг босиб олиниши натижасида рус ҳарбий саркардалар ва солдатларининг босқинчилик ҳаракатлари янада кенгайиб, эндиликда минтақанинг энг катта ва бой шаҳарларидан бўлмиш Тошкентни босиб олишга кенг йўл очилди. 1864 йилнинг 1 октябрида генерал Черняев катта ҳарбий кўшинлари билан бирга Тошкентнинг шарқидаги Дарвишак қопқа деган жойга етиб келади. 2 октябрда дастлабки ҳужум бошланди. Аммо тошкентликлар шу даражада қаршилиқ кўрсатдиларки, генерал Черняев мағлубиятга учраб Чимкентга қайтиб кетишга мажбур бўлди. Мағлубият ўчини олиш ҳиссида генерал Черняев 1865 йил 28 апрелда Ниёзбек қалъасини олишга буйруқ берди. Шунини таъкидлаш керакки, Тошкент мудофаасини тайёрлашда Алимқул саркарданинг хизматлари катта бўлди. У 8 май куни ўзининг катта кўшини билан Кўқондан Тошкентга етиб келди, 1865 йил 9 май куни ҳар икки томон кучлари тўқнашди.)

Алимкулнинг жангда ҳалок бўлиши билан тошкентликлар орасида саросима бошланди. 1865 йил 17 июнда эса кўплаб қон тўкилишининг олдини олиш мақсадида музокаралар бошланди. Черняев шаҳарнинг Ҳакимхўжа Қозикалон, Абдурахмон эшон, домла Солиҳбек Охун сингари нуфузли кишилари билан музокара ўтказиб, «Тошкент шаҳар аҳолиси ўз ихтиёри билан Россия империяси таркибига қўшилди», деган сохта аҳдномани тўлдиришга мажбур қилди. Улар бунга кўнмагач, жазоланади, сохта аҳдномани тўлдиришни Абдусаттор Қорабоши ўғлига топширади. Сўнгра шаҳар «катта»ларининг барчасига мажбурий равишда қўл қўйдириб муҳр бостирилади. Бу аҳднома туфайли босқинчилик сиёсати оқибатида Англиядек кучли давлат билан урушга мажбур бўлиб қолишдан чўчиган Россия ҳукумати халқаро жамоатчилик кўз ўнгиде ўз хатти-ҳаракатларини оқлашга уринди. Аҳдномадан нусхалар кўчирилиб, 1865 йилда Россиянинг Туркистондаги элчиси қилиб тайинланган Н. Игнатъев орқали Истамбулга жўнатилиб, шаҳар кўчаларига ёпиштириб чиқилди. Хулоса қилиб айтганда, Тошкент босиб олингач, бу шаҳар Россия империясининг Туркистон масаласига дахлдор барча сиёсий масалаларни ҳал қиладиган, рус қароргоҳи хизматини бажарувчи маконга айланиб борди.

Тошкент босиб олингач, босиб олинган ҳудудларда 1865 йили Туркистон вилояти ташкил қилинди. Чор Россиясининг олдидаги навбатдаги вазифаси Бухоро амирлиги билан орани очик қилиш эди. Туркистон вилоятининг ҳарбий губернатори қилиб тайинланган генерал Черняев 1866 йил январ ойида Бухоро амирлигини бўйсундириш учун унга қарши эълон қилинмаган уруш бошлади. Рус истилочилари Бухоро хонлигига қарши уруш ҳаракатларини икки ҳарбий мавсумда — 1866 ва 1868 йилларда ўтказдилар. 1866 йилда олиб борилган истилочилик босқинлари оқибатида хонликнинг Ўратепа, Жиззах, Янгиқўрғон сингари ҳудудлари Россия таркибига киритилди.)

Россия императори Александр II фармониға кўра 1867 йил 14 июлда Туркистон ҳарбий округи ва Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. Генерал-адъютант К.П. фон Кауфман ўзига берилган ваколатлардан фойдаланган ҳолда, Бухоро амирлигининг тақдирини ҳал қилишга киришди. 1868 йил 1 май куни Бухоро амири кўшинлари билан чоризм кўшинлари ўртасида Чўпонота тепалигида жанг бўлди. Бу ҳужумга Туркистон генерал-губернатори фон Кауфманнинг шахсан ўзи бошчилик қилди. 2 май куни Самарқанд эгалланди.

Фон Кауфман амир билан Зирабулоқда урушаётган бир пайтда Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб бекликларидан кучлар келиб, Самарқандда кўзғалон бошланди. Кауфман зудлик билан Самарқандга қайтиб, кўзғалонни бостириш баҳонасида минглаб маҳаллий аҳолини қиришга буйруқ берди, ҳамда қимматбаҳо бойликлар таланди.

Чорасиз қолган амир Музаффар 1868 йил 23 июнда Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман билан сулҳ тузишга мажбур бўлди ва Россия императорининг вассалига айланди. Бу сулҳга кўра, Бухоро амирлиги ўз мустақиллигини йўқотибгина қолмай, Самарқанд, Каттақўрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисмидан ҳам ажралди. Амир товон сифатида 500 минг олтин тўлашга, хорижий мамлакатлар билан мустақил равишда алоқа ўрнатмаслик мажбуриятини олишга ва рус савдогарларининг амирлик ҳудудида эркин савдо қилишларига, қарвонсаройлар ҳамда дўконлар очишларига рози бўлди. Амирликдан тортиб олинган ҳудудларда 1868 йил Зарафшон округи тузилиб, унга генерал-майор Абрамов бошлиқ этиб тайинланди. Амир Музаффар томонидан амирлик мустақиллигини амалда йўқотувчи ва катта иқтисодий талофатларга сабаб бўлувчи сулҳга қўл қўйилиши халқ юқори табақа вакиллариининг норозилиги ва нафратини янада кучайтирди. Шу ваддан ҳам унга қарши ҳаракатлар айниқса, Шаҳрисабз ва Қаршида авж олди.

Амирдан норози кучлар уни ҳокимиятни бошқара олмаганликда ва амирликнинг анча қисмини қўлдан бой берганликда айблаб, чор ҳукуматига қарши урушни давом эттиришни асосий мақсад қилиб қўйган эдилар. Музаффарнинг тўнғич ўғли амирзода Абдумалик Тўра (Қатта Тўра) ва эркесвар беклар Жўрабек, Бобобек ҳамда Султон Содиқ биргаликда озодлик курашини бошлаб юбордилар. Ватанпарвар кучлар амир Музаффарга қарши урушиб аввал, Шаҳрисабзни, сўнгра Қаршини эгаллайдилар. Кармана, Чироқчи ҳам тез орада уларнинг қўлига ўтди. 1868 йилнинг кузида амир Музаффар фон Кауфмандан ёрдам сўради. Бунга жавобан Кауфман генерал Абрамов бошчилигидаги ҳарбий қўшинларни қўзғалонни бостириш учун юборди. Кучлар тенг бўлмаганлиги учун Абдумалик билан Султон Содиқ Хива хони ҳузурига боради. Абдумалик Хивада кўп турмай Афғонистон томон йўл олди. У ердан ҳам ёрдам ололмагач Худоёрхон ҳузурига келди. Бу ердан Қашқарга, Ёқуббек ҳузурига боради ва шу ерда паноҳ топиб, 1909 йили Пешоварда вафот этади.

Чор Россиясининг ҳукмрон доиралари Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ерларидан ташкил топган Туркистон генерал-губернаторлигини Урта Осиёдаги ҳарбий операциялар учун таянч марказига айлантириб истило тигини Хива хонлигига қаратишди. Бекович-Черкасский экспедициясининг ҳалокати ва 1839 йилда Перовский юришининг барбоди ҳали чор генераллари ёдидан чиқмаган эди. Ўзбек хонликларининг учинчиси — Хива ўз мустақиллиги билан мустамлакачилар учун жиддий хавф солиб турар эди. 1872 йил охирларида ҳарбий вазир бошчилигида Петербургда Туркистон, Оренбург генерал-губернаторлари ва Кавказдаги подшо ноиб иштирокидаги махфий кенгашда Хива хонлигини босиб олишга узил-кесил қарор қилинди. Генераллар режасига кўра Туркистон генерал-губернаторлигига оид кучлар шарқдан, Оренбург губернатори ва Кавказ ноиблигига оид ҳарбий кучлар ғарбдан ва шимолий-ғарб томондан юриши керак эди. Россиянинг тажовузкор нияти Хива хони ва унинг

амалдорларига сир бўлмаган. Сайид Муҳаммад Раҳимхон II руслар таҳдидига қарши Англиядан мадад сўраганиди. Англиянинг ҳукмрон доиралари Хива мустақиллигини сақлаб қолишдан манфаатдор бўлсалар ҳам Россия билан очиқ тўқнашувдан хавфсирар эдилар. Хива энди ўз кучига ишониб иш кўриши лозим эди. Хонлик қўшинида 27 эски замбарак, 2 минг отлик, 4 минг навкардан иборат ҳарбий куч бўлиб, улар ҳам асосан пойтахтда жамланган эди. Хива истилосига отланган Россия қўшини ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ва ҳарбий қурол-яроғлар техникаси билан ҳам Хива хонлиги қўшинидан устун эди. Туркистон отрядига генерал Кауфман (22 рота, 1800 казак ва 18 тўп), Оренбург отрядига полковник Верёвкин (15 рота, 600 казак, 8 тўп) кўмондон бўлиб, Орол флотилияси ҳам улар ихтиёрида эди. Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман юриш олдидан Хивани сиёсий тарафдан ҳам яқкалаб қўйиш учун Бухоро амири ва Қўқон хонига таҳдидли мактублар йўллаб, уларни Хивага ёрдам бермасликка чақиради.

Хива хони масалани тинч йўл билан ҳал қилишга уринишлари беҳуда кетгач, ҳарбий кенгаш чақириб, мудофаа режаларини тузади ва душман истилочиларига қарши ўзининг лашкарбошилларини сафарбар қилади. Матмурод девонбеги, Маҳмуд ясовулбоши, Ёқуббек қалмоқ, Элгузар иноқ ва Бобо Меҳтар раҳбарлигидаги ўзбек ва туркман йигитлари рус қўшинлари ҳужумини қайтариш учун икки гуруҳга бўлиниб йўлга тушадилар. Генерал Верёвкин Қўнғиротга юриш қилиб, талофатлар бериб бўлсада Хўжайли ва Манғит қалъаларини ишғол қилди. Кейинчалик Хоразмнинг кўҳна қалъаси Хазорасп эгалланди. Бу қалъани бош кўмондон фон Кауфман ўзига қароргоҳ қилиб, ичкари силжиш учун таянч пунктига айлантирди. 1873 йил 29 май куни русларнинг асосий кучлари Хива остоналарида пайдо бўлдилар. Муҳаммад Раҳимхон II Хивани ўз ихтиёридаги кучлар билан мудофаа қилиб бўлмаслигига кўзи етиб, Измиқшўр тарафидаги туркман овулига

кегишга мажбур бўлди. Бундан фойдаланган Амир Тўра ва Отахон Тўра хон номидан фон Кауфман Хива шаҳрини вайрон этмасликни сўради. Аммо Кауфман улардан хонни топишни талаб қилди ва музокараларни фақат у билан олиб бориш мумкинлигини билдирди.

Муҳаммад Раҳимхон Хивага қайтиб келгунча босқинчилар саройни талаб, барча қимматбаҳо буюмларни, 300 та қўлёзма асарни Петербургда жўнатдилар.

1873 йил 12 августда Гандимиён қишлоғида фон Кауфман сулҳ шартномаларини Муҳаммад Раҳимхон диққатига ҳавола қилди. Бунга кўра Амударёнинг ўнғ қирғоқлари Россия ихтиёрига ўтди. Рус савдогарлари хонлик ҳудудида эркин савдо қилиш ҳуқуқини олдилар. Хива хонлиги Россия вассалига айланиб, хонлик зиммасига 2.000.000 сўмлик товон тўлаш мажбурияти юкланди.

Рус давлати Бухоро ва Хива хонликларига қарши уруш олиб бораётган йиллари Қўқон хонлигида чуқур сиёсий ва иқтисодий инқироз ҳукм сурмоқда эди. Бу вақтда хонлик ерларининг ярми рус давлати томонидан босиб олинган эди. Унинг ҳудуди асосан Фарғона водийсидан иборат бўлиб, Худоёрхоннинг сўнгги ҳукмронлик йиллари (1865-1875) эди. «У, — деб ёзган эди, Ибрат ўзининг «Фарғона тарихи» асарида, — Россиядан хотиржам бўлиб: вақтини ўйин-кулги билан ўтказиб, уламо ва фузало насиҳатларига амал қилмай, жабру зулм тарафига ўтиб турганида раияту халқ ундан юз ўгурди... «Худоёрхоннинг қаттиқ зулми, оғир иқтисодий ҳаёт ҳамда унинг Россиянинг итоатли хизматкорига айланиши халқ ғазабини кўзгатди. Хонга қарши халқ билан биргаликда сарой ҳарбийлари ва амалдорлари, руҳоний ва савдо вакиллари ҳам бош кўтарди. Бунда ўзбеклар, қирғизлар ва тожиклар фаол қатнашиб Худоёрхонга ва рус давлатининг тажовузига қарши курашдилар.

Бу ҳаракатнинг юзага келишида қирғиз Мулло Исҳоқ Ҳасан ўглининг ўрни катта бўлиб, у Пўлатхон номи билан шуҳрат қозонган эди. 1872 йили

Шердодхоқ бошчилигидаги бир неча қирғизлар Самарқандга боришиб, Пўлатхонни тахтга ўтказиш ҳақидаги мақсадларини баён этадилар. Аммо Пўлатхон таклифни рад этгач, Мулло Исҳоқ унинг номи билан тахт учун курашишни зиммасига олган. Шу равишда Мулло Исҳоқ Пўлатхон, яъни собиқ ҳукмдор Олимхоннинг невараси сифатида сиёсий курашга киришади. У халқнинг Худоёрхон зулми ва рус давлатига қаршилигини яхши англаган ҳолда ҳаракат қилиб, Наманган уездининг шимолӣ қисмидаги, Косон ва Нанай оралигида истиқомат қилган Қутлук Саид қабиласининг ёрдами билан атрофига 500 кишини тўплайди. Шу равишда Пўлатхон бошчилигидаги кўзғалон бошланди.

1875 йилда атрофига 200 дан зиёд кишини тўплаган Пўлатхон Ўзганга келиб, хонга қарши катта хавф туғдирди. Уларга қарши Хон Иса Авлиё, Абдурахмон Офтобачи ва Саримсоқ Эшикоғаси бошчилигида 4000 кишилиқ аскар юборди. Бироқ 1875 йил 28 июлда йирик амалдорлар ўз қўшини билан, Худоёрхоннинг ўғли Андижон ҳокими Насриддинбех 5000 кишилиқ қўшини билан кўзғалончилар томонга ўтиб, бирлашди. Хонликнинг асосий ҳарбий қисмлари ва лашкарбошиларининг кўзғалончилар томонига ўтиб кетиши Худоёрхон тақдирини ҳал этган омил бўлди. Шундан сўнг Худоёрхон Кауфман ҳузурига оила аъзолари билан қочишга мажбур бўлди. Қўқонда эса Абдурахмон Офтобачи бошчилигидаги гуруҳлар Насриддинни тахтга ўтказишга муваффақ бўлдилар. Насриддинхон Туркистон генерал-губернаторлиги билан гўё яхши алоқаларни ўрнатиш мақсадида Кауфманга хат юборади. Бунда у ўзининг тахтга ўтирганлигини, маълум қилиш билан бирга, дўстона алоқада бўлиш ҳақида сўз юритади.

Аслида эса у Рус давлатининг тажовузига қарши кучларни тўплашга уринди ва шу ўринда ўз ҳаракатини сўраб Бухоро амири ва Тошкентнинг энг нуфузли кишиларидан бири бўлган Саъидазимбойларга хат

жўнатди. Кўқон хонлигидаги халқ ҳаракатлари ва Худоёрхоннинг қочиши орқасида юзага келган оғир вазият Рус ҳукуматига қўл келди. 1875 йил 20 августда Кауфман бошчилигидаги рус қўшинлари томонидан Маҳрам қалъасининг эгалланиши хонлик тақдирини узил-кесил ҳал қилди. Насриддинхоннинг Кауфман билан келишуви халқнинг қаҳр-ғазабини уйғотди. Пўлатхон агрофида тўпланган хоннинг атоқли амалдорлари Андижоннинг Бўтақора қишлоғида уни хон деб эълон қилдилар. Кауфман Андижонга Троцкий ва Скобелев бошчилигида катта қуроли кучларни юборди. Октябр ойи бошларида Андижон руслар томонидан оёқ-ости қилинди. Айрим маълумотларга қараганда, Андижонда шахсан Скобелев бошчилигида 20 минг киши ўлдирилган.

Пўлатхон Наманганда мағлубиятга учрагач Асакада ўрнашиб, курашни давом эттиради ва Ўш, Андижон ва Марғилонни эгаллайди. Ўзига ёқмаган одамларни ўлдириб юбориши Пўлатхон обрўсини анча тушириб юборди. Шунингдек, Абдурахмон Офтобачи ҳам душманга таслим бўлди. 1876 йил 28 январида Учкўрғонда мағлубиятга учраган Пўлатхон Олой водийсида сўнгги кучлари билан тор-мор этилди. 1876 йил феврал ойида Кўқон қамал қилинган Насриддинхон таслим бўлди ва Абдурахмон Офтобачи билан Тошкентга жўнатилди. Кўқон хонлиги тугатилиб, ўрнига Фарғона вилояти ташкил этилиб, унга генерал Скобелев ҳарбий губернатор этиб тайинланди.

Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгач, чор маъмурлари томонидан бошланган дастлабки иш ўлкада маъмурий-бошқарув тизимини мустаҳкамлаш бўлди. Чор мустамлака сиёсати маъмурий бошқарув тизимини яратишда «бошқа давлатлар ўрнатган маъмурий бошқарув тизими Туркистоннинг жаҳон цивилизациясиёдан четда қолиб кетган «ярим ёввойи халқлари» учун мақбул бўлмайди», деган фикрга тўлиқ амал қилиб келди ва типик русча бошқарув тизимини яратди. Шу мақсадда 1867 йил империянинг бошқа минтақаларидан фарқ

қилувчи, ўта ҳарбийлаштирилган Туркистон генерал губернаторлиги таъсис этилди. «Туркистон генерал губернаторлиги вилоятларини бошқариш ҳақидаги вақтлий низом» лойиҳасида ҳам шу ҳолат ўз аксини топди. «Ҳарбий халқ бошқарувига асосланган» генерал губернаторлик ўз қўлида ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини бирлаштирди. Туркистонда чоризм барпо этган бу мустамлакачилик аппаратининг биринчи навбатдаги вазифалари Россия манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ўлканинг табиий бойликларини талаш билан боғланиб кетди. Ўз навбатида маъмурий-бошқарув аппарати ходимларининг асосан руслардан ташкил топганлиги ҳам чоризм олиб борган сиёсатнинг моҳиятини очиқ ойдин кўрсатиб берди.

Туркистон генерал губернаторлиги Россия ҳудудидаги бирорта ҳам губерналар эга бўлмаган ҳуқуқларга, катта имтиёзларга эга бўлди. Жумладан, у хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар олиб бориши, солиқ сиёсатини белгилаши, рус фуқаролиги ҳуқуқларини бериши, маҳаллий аҳоли устидан чиқарилган ҳукмларни белгилаши мумкин эди. Марказий бошқарувда генерал губернаторликнинг аҳамияти катта бўлганлиги сабабли генерал губернаторлик дастлабки вақтдан оқ тўрт бўлимдан иборат бўлди. Бу бўлимлар маъмурий назорат ишлари, молиявий хўжалик ишлари, солиқлар назорати, суд ва ҳуқуқ ишлари билан шуғулланди. Маъмурий бошқарув зўравонликка асосланган доимий усул сифатида сақланиб қолди.

Бу ҳолат 1886 йил «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом лойиҳаси» қабул қилингандан сўнг ўта даражада оғирлашди. Чунончи, бу низом орқали Туркистон генерал губернаторлигининг ҳуқуқлари янада кенгайтирилиб, ўлка бешта вилоятга бўлинди. Вилоятлардаги бошқармалар губерна бошқармаси ҳуқуқига эга бўлишди. Ушбу вилоятлар эса уезд ва волостларга бўлиб бошқарилди. Уездлар Туркистон генерал губернаторлиги маъмурий тузилмасининг

ўзагини ташкил этди. Ўлканинг бундай бошқарилиши Туркистон генерал губернатори С.М. Духовскийнинг фикрича, «маҳаллий аҳолининг устидан бўлган назоратни тинимсиз таъминлаб туриш» бўлган эди. Унинг фикрича, «инсонийлик ва инсонпарварлик ғояларини ўз ҳокимларининг бебошлигига ўрганиб қолган маҳаллий аҳолига нисбатан қўллаб бўлмайди».

Умуман, ўлкани рус буржуазияси, дворян-помешчиклари мулкига айлантиришда таянч нуқта вазифасини ўташи учун Тошкент шаҳри генерал губернаторлик маркази этиб тайинланди. Чунки, Тошкент ўлкани назорат қилишда сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга эди. Шу сабабли дарҳол истилочилар томонидан «рус Тошкент»ини барпо этиш учун махсус комиссия ташкил этилди. Ушбу комиссия томонидан маҳаллий аҳоли уйларидан ҳайдалиб, зўрлик билан кўчирилиб, уларнинг уй-жойлари ўрнида рус аскар ва офицерлари, маъмурий ходимлар учун янги турар жойлар, боғлар барпо этилди. Тошкент шаҳри икки қисмга бўлиниб, «янги шаҳар» ва «эски шаҳар» номини олди. «Эски шаҳар» аҳолиси шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмга ўтиши қатъий таъқиқланди.

Чор маъмурияти Тошкент шаҳри бошқарувини кучайтириш учун ҳам «Шаҳар низоми» тайёрлаб, сайловчилар тартибини белгилади. Унга кўра сайловчилар уч тоифага ажратилиб, ушбу гуруҳга кўп мулкка эга бўлган шахслар киритилди. Ишчилар, ҳунармандлар, зиёлилар бунча кўп маблағга эга бўлмаганлиги сабабли улар сайловдан маҳрум этилди. Ҳар бир тоифа бошлиғи — ҳоким тўра ишгирокида шаҳар думаси ва бошқармаси сайланди. Тошкент думаси фаолияти устидан бўлган қатъий назорат генерал губернатор томонидан олиб борилди.

Туркистон истило қилинган дастлабки вақтдан бошлаб чор Россияси ўлкани бойлик орттириш манбаи деб билди. Метрополиянинг иқтисодий сиёсати Россия саноатини мунтазам хом ашё билан таъминлаб туриш мақсадида пахтачилик, қишлоқ хўжалигининг

саноатбон маҳсулот берадиган соҳаларини ривожлан- гириш, ер ислоҳоти ўтказиш йўли билан натурал ўжалик ривожланиш имкониятларини чеклаш, саноат маҳсулотларини сотиш учун кенг бозорлар яратиш, маҳаллий ҳунармандчиликнинг тўқимачилик саноат маҳсулотлари билан рақобат қиладиган соҳаларини угатиш мақсадларини кўзлади. Бу сиёсатдан Россия ўқимачилик саноатининг корчалонлари, дворян- юмешчиклари, рус буржуазияси манфаатдор эди. Шунинг учун чор маъмурияти ўлкада пахтачилик саноатини ривожлантириш учун маблағларни аямади.

Пахтага бўлган эҳтиёж кучайиши шу даражага олиб келдики, пахтачилик бутун аҳолининг кучи ва ўнгиборини ўз гирдобига олган соҳага айланиб кетди. Тахтачилик ривожланиши билан хом ашё етиштириш йўлига ўтиб олган деҳқонлар аҳволи тобора оғирлашиб борибди. Чунончи, ижтимоий табақаланиш кучайиб бораётганини кўрсатувчи бу жараён ишлаб чиқариш суҳлари кенг ривожланмаган мустамлака ўлкада йўлаётганлиги сабабли яна кўпроқ оғир оқибатларга олиб келиб, айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари масаласида ҳам қийинчиликлар келтириб чиқарди. Рус маъмурлари бу вазиятдан фойдаланиб, четдан келтириладиган маҳсулотларга ҳам нархларни ўзлари келтириб беришди.

Ўлка бойликларини талаш, босқинчиларнинг қўстамлақачилик манфаатларига хизмат қиладиган эмир йўллар қуришни тақозо этар эди. Шу сабабли зоққа мўлжалланган ҳарбий ва иқтисодий режаларни исобга олиб жанубий чегараларни мустақамлашга измат қиладиган темир йўлларни қуришга киришилди. 1881-1886 йил Михайловский кўрфазидан Чоржўйгача Каспий орти темир йўли қурилди. 1906 йили Тошкент Дренбург темир йўли қуриб ишга туширилди. 1912 йилга келиб Фарғона водийси Россия билан темир йўл орқали боғланди. Буларнинг барчаси ўлкани хом ашё амда савдо бозори сифатидаги мавқеини янада кустақамлади ва Туркистондан маҳсулот олиб келиш ва олиб кетиш бўйича ўлкани Россияга бутунлай қарам қилиб қўйди.

Халқ учун катта ижтимоий-иқтисодий, экологик офатлар келтирган, Россия манфаатлари учун ниҳоятда қулай бўлган пахта якка ҳокимлиги кучайиши, метрополиядо капиталистик муносабатларнинг ривожланиши мустамлака ўлкани ҳам ўз домига тортиб бориши бу ерларда ҳам ашёга дастлабки қайта ишлов берувчи соҳаларни ташкил этишни ҳам тақозо этди. Ҳом ашёни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган корхоналар янгидан барпо этилаётган саноатнинг асосий соҳаси эди. Ана шундай корхоналар сони 1900 йилга келиб, 170 дан ортиб кетди. Бу корхоналарнинг асосан 80 фоизини пахтага қайта ишлов берувчи корхоналар ташкил этди.

Маҳаллий аҳолининг меҳнатидан фойдаланиш мумкин бўлган бу корхоналарда ҳам асосан маҳаллий аҳоли энг паст ишларга қабул қилинди. Завод ва фабрикалардаги малакали ишларга асосан рус миллатига мансуб бўлган кишилар қабул қилинганлиги сабабли маҳаллий аҳоли бу ишларга қабул қилинмаган. Натижада, мустамлака ўлкада маҳаллий ишчилар сони ниҳоятда оз сонни ташкил этиб, улар кучли ижтимоий қатламни ташкил этмади. Деҳқонлар оммасининг қашшоқланиши, улар ўртасида оммавий норозиликлар кучайиши ўлкада сиёсий вазият кескинлашишининг асосий замини бўлди.

Мустамлака ўлкадаги ижтимоий, сиёсий вазият кескинлашиб, маҳаллий аҳоли турмуш тарзи ёмонлашувига олиб келган омиллардан бири, кўп сонли рус аҳолисининг кўчириб келтирилиши бўлди. Улар ўлкани бойлик орттириш манбаларидан бири деб билганликлари учун Марказий Россиядан ўлкага доимий яшаш учун келаётганлар сони кўпайди. Туркистонда рус шаҳарлари ва қишлоқлари қад кўтарди. Жумладан, 1875 йилдан то 1890 йилгача Туркистонга 1300 оила кўчиб келиб, 19 та рус қишлоғи вужудга келди. 1891-92 йилларда Россияда очарчилик кучайган вақтда бу қишлоқлар сони 25 тага етди.

1888 йил 15 мартда чиққан «Туркестанские ведомости» газетасида бу ҳаракатлар «Россиядан кўчиб

келаётганлар бўш ерларни ўзлаштиришга, бог-роғлар яратишга ёрдам беради» деб кўрсатилган эди. Аслида қашшоқлашиб кетган рус аҳолисининг Туркистонга кўчириб келтирилиши Россияда тобора чуқурлашиб бораётган ички зиддиятларни ҳал этишнинг бир йўли эди. Иккинчи томондан эса, мустамлака ўлкада кўп сонли рус аҳолисининг бўлиши Россия давлати учун ҳарбий ва сиёсий таянч ҳам эди. Рус миллатини ўлкага кўчириб келиш, уларни маҳаллий аҳоли билан ассимиляция қилиб юбориш, Туркистонда доимий яшайдиган рус аҳолисини таркиб топтириш мустамлака сиёсатининг асосий мақсадларидан бири бўлганлиги сабабли чор Россияси кўчириш сиёсатини амалга ошириш учун 1896-1906 йилларда 3 млн. олтин сўм миқдорида харажат қилди. 1907 йилга келиб бу харажат 13 млн. олтин сўмга етди.

Кўчириб келтирилган рус деҳқонлари катта имтиёзларга эга бўдилар, улардан маълум муддатгача солиқ олинмади. Подшо ҳукумати бу ҳаракатларни «маҳаллий аҳолининг манфаатига асло зид келмайди, чунки кўчиб келганлар янги ўзлаштирилаётган ва бўш турган ерларга жойлашадилар, маҳаллий аҳоли эса ўз эҳтиёжини тўла қондириб келаётган ерларнинг тўлиқ эгаси бўлиб қолаверади» деб асослади. Бироқ, бу амалда бажарилмади. Чоризм ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам унумдор ерларни рус деҳқонларига ажратиб беришга ҳаракат қилди ва ер солиғини ошириб, маҳаллий аҳолини ўз ерларини сотишга мажбур этди. Бундай «бўш турган ерлар» биринчи навбатда ҳарбий хизматдан бўшаган аскарларга, Россиядан кўчиб келаётган деҳқонларга берилди. Ана шундай ўтроқ районлардан тортиб олинган ерлар Сирдарё вилоятида 47.600 таноб, Фарғона вилоятида 75.000 таноб, Самарқанд вилоятида 3000 таноб, Каспий орти вилоятида 7000 танобни ташкил этди.

Чор Россиясининг ўлкада маданий қолоқликни чуқурлаштириш, маҳаллий аҳолини ўз тарихи, маънавияти, қадриятлари ва миллий урф-одатларидан бебаҳра қилишга қаратилган эътибори ҳам асосан

кўчириб келтирилаётган русий забон аҳоли сонининг ортиб бориши билан узвий равишда боғлиқ эди. Бу сиёсатнинг асосий мақсади маҳаллий давлатчилик анъаналарини таг томири билан кўпориб ташлаш, миллий маданиятни камситиш, миллий тилларни сиқиш ва халқ оммасини маънавий, ижтимоий-сиёсий қолоқликка маҳкум этиб, оқибатда руслаштиришдан иборат эди. Бу борадаги сиёсат маҳаллий аҳолининг маънавий ҳаётига аралашмаслик йўли деб кўрсатилган бўлса-да, аслида бу маънавий-руҳий тазйиқ ўтказиш орқали миллий маданият ривожланишини бўғиш билан боғланиб кетди. Чор маъмурлари ўзларининг фикрларига кўра *гўёки улар ўлкага истилочилар* сифатида эмас, балки «маҳаллий аҳоли ўртасида илгор маданиятни, янги тартиб ва одатларни ўрнатиш учун келганлар. Маҳаллий аҳоли эса Россиянинг бу сиёсатининг моҳиятини тушунишга ва баҳолашга қодир эмас» эмиш.

Чор мустамлака маъмурияти бу борадаги биринчи вазифани маҳаллий аҳоли болаларини рус тузем мактабларига беришга кўпроқ жалб этиш қилиб белгилади. Чунки чор маъмурлари ўлкадаги мактаблар ва мадрасалар фаолиятини мустамлака сиёсати юритишда ниҳоятда хавфли деб ҳисобладилар. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳолининг маънавий руҳий ҳолатига таъсир этиш учун доимий тарзда мусулмон муассасалари фаолиятига аралашиб, ерли мактабларни маъмурият ихтиёрига ўтказиш, мусулмон диний идораси бошқарувига йўл қўймаслик каби масалаларга эътибор қаратилди. Бу ўринда шунини айтиш лозимки, чор ҳукумати маъмурияти мактаб ва мадрасаларга нисбатан турли хил кураш усулларини қўллади. Бироқ, минг йиллар давомида Ўрта осиелик олимларнинг фаолиятлари нақадар улуғ бўлганлиги ва ўша йилларда ҳам уларнинг мўътабар шариат мажмуаларидан бутун дунё мусулмонларининг фойдаланиб келаётганлиги чор маъмурларини ташвишга солмасдан иложи йўқ эди. Шунинг учун улар кўплаб маҳаллий ёшларга билим бериб келаётган мусулмон мактабларини рус-тузем

мактаблари билан алмаштиришга, шу йўллар билан ўлка халқларини мустамлака сиёсати асорати остида сақлаш учун зўр бериб, устакорлик билан ҳаракат қилди.

Юқорида келтирилган тadbирлар, чоризмнинг амалга оширган мустамлака сиёсати маҳаллий меҳнаткаш аҳолининг манфаатларига бутунлай зид келиши, улар ўртасида норозилик кайфиятларининг туғилишида катта замин бўлиб хизмат қилди. Чор маъмурларининг мустамлака сиёсатиға қарши қаратилган ҳаракатлари чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олаётган даврлардан бошланган бўлсада, бу ҳаракатлар чор кўшинлари томонидан шафқатсиз равишда бостириб келинди. 70-йиллардаги Пулатхон кўшинидан сўнг Туркистоннинг бир қанча пахтачиларида ҳам халқ оммасининг оммавий норозилик ҳаракатлари кенг миқёсда бўлиб ўтди. Чор Россияси босқинига қарши кўтарилиб турган озодлик ҳаракатлари ичида «Олой маликаси» номи билан машҳур бўлган Курбонжон додхоҳ Олой ўлкасида тинчлик ўрнатиш учун 1876 йилнинг охириға қадар мустамлакачиларға қарши курашиб келди. Унинг кўшинларига қарши юборилган генерал Скобелев бошлиқ кўшинлар кўзғалончиларға қарши ҳаракатларда енгилди ва мустамлакачи маъмурлар Курбонжон додхоҳ билан сулҳ тузишға мажбур бўлди. Ўз умрини халқининг тинч тотув яшашиға бағишлаган Курбонжон додхоҳ 1907 йил 97 ёшида вафот этади.

Фарғона вилояти Туркистоннинг асосий пахтачиликка ихтисослашган вилоятлардан бўлганлиги туфайли, бу ерда вазиятнинг барқарор бўлиши чоризм учун катта аҳамиятға эга эди. Айниқса маҳаллий аҳолининг зич жойлашганлиги, деҳқонлар оммасининг пахтачилик жафоларидан келиб чиқаётган қийинчиликлардан қийналаётганлиги, маҳаллий ва чор маъмурларининг бу ерлардаги бебошликларининг олдини олиш қийин бўлган оммавий халқ ҳаракатларини келтириб чиқариши мумкин эди. Мана шундай галаёнлардан бири 1878 йилда Мингтепада бўлиб ўтган Етимхон бошчилигидаги исёнди. Бу

исёндан сўнг Фарғона вилояти генерал губернатори вилоятдаги маҳаллий аҳолидан ғайриқонуний солиқ ундирув-чиларни ишдан олиб ташлашга мажбур бўлди.

1885-90 йилларда Андижоннинг Кўрғонтепа уездидаги Дарвешхон тўра бошлиқ халқ ҳаракати қуроли кўзғалонга айланди. Аммо, халқ оммасининг норозилик ҳаракатларини қуроли куч билан бостиришга ўрганиб қолган чор маъмурлари бу ҳаракатларни ҳам шафқатсизларча бостирдилар.

1892 йил «вабо исёни» номини олган Тошкент кўзғалони XIX аср охиридаги муҳим воқеалардан бири бўлди. 1892 йилги кўзғалон кўплаб тарихий адабиётларда чор маъмурларининг ўлкада вабо касали тарқалишининг олдини олиш учун бўлган ҳаракат деб таърифланган бўлса-да, аслида бу кўзғалон чор Россиясининг ўлкадаги йиллар давомида олиб борган мустамлака сиёсатига қарши қаратилган ҳаракатлардан бири эди. 1892 йилги вабо касали тарқалиш миқёси жиҳатидан 1872 йилдагига нисбатан кучли бўлмасада, мустамлака Туркистонда иқтисодий-ижтимоий вазият анча кескинлашган даврда юз берди. 1892 йилда Афғонистонда тарқаган вабо касали ўша йили Ўрта Осиёга ҳам тарқалди. 1 июнга келиб, Жиззахда ҳам Россиядан кўчиб келганлардан бир нечтаси вабо билан касалланганлиги ҳақидаги хабар, 7 июнга келиб эса, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида вабо билан касалланган кишилар ҳам маълум бўлди. Чор маъмурлари вабо касали тарқаб кетмаслиги учун чоратадбирлар кўрдилар. Бироқ, белгиланган чоратадбирларда маҳаллий аҳолининг диний ва миллий анъаналари мутлақо эътиборга олинмади.

Касаллик тарқалиши муносиби билан шаҳарга кириш ва шаҳардан чиқиш таъқиқланди. Шаҳардаги 12 та эски қабристон ёпилиб, ваъда қилинган 4 та қабристон ўрнига фақат биттаси очиб берилди.

Вафот этганлар дафн этилиши билан боғлиқ бўлган тадбирлар ҳақида оқсоқоллар, муллалар, миршаблар, черков хизматчиларини огоҳлантириб қўйиш лозимлиги, айниқса, ҳар бир вафот этган киши врач

рухсатидан кейингина дафн этилиши мумкинлиги ҳақидаги буйруқларда маҳаллий аҳолининг диний эътиқодлари мутлақо ҳисобга олинмади. Ноилож қолган аҳоли вафот этганларни шаҳар ичидаги беркитилган қабристонларга яширинча олиб бориб кўма бошладилар. Буларнинг барчаси мустамлакачи маъмурларнинг зўравонликка асосланган сиёсатининг кўриниши эди.

Чор маъмурларининг бу тadbирларидан норози бўлган шаҳар аҳолиси 20 июн куни шаҳарнинг Хонақо масжиди ёнида тўпланди. Шикоят хати ёзиб, уни шаҳар ҳокимиятига етказиш учун уч кишидан иборат вакил сайланди.

Бироқ 23 июн куни шаҳарда тарқалган турли миш-мишлар шаҳардаги вазиятни оғирлаштириб, оммавий галаёнлар бошланиши аён бўлиб қолди. 500 кишилик оломон 2 кўча бўйлаб шаҳар бошлиғининг уйи томон юра бошлади. Бунини эшитган Путинцев оломон билан учрашиш учун Эски шаҳар томон йўл олди ва Воронцов хиёбонида кўзгалончилар билан учрашди. Оломондагилар шаҳар оқсоқоли Муҳаммад Ёқуб устидан шикоят қилишга келаётганликларини айтдилар. Путинцев билан келган эски шаҳар оқсоқоли оломонга қараб дўқ уриб, қамчи билан кўрқитиб орқага қайтармоқчи бўлди. Кишилар уни тошбўрон қила бошладилар. Шу вақт бошқарма олдида соқчилар билан ҳарбий губернатор, кейин қуролли солдатлар келди. Бунини кўриб, саросимага тушиб қолган аҳоли ўзини ҳимоя қилишга интизмасдан аста тарқала бошлади. Улар ҳатто ерда ётган ёғочни олиб, ўзларини ҳимоя қилишга ҳам интилмадилар. Шундан сўнг кўзгалончилардан қаттиқ ўч олиш бошланиб кетди.

Кўзгалон чор ҳукумати кўшинлари томонидан шафқатсизларча бостирилиб, 8 киши дорга осиб ўлдирилишга, 15 кишини 2 йил муддат билан маҳбуслар ротасига юборишга, 2 кишини олти ойга қамоқ жазоси билан жазолашга ҳукм қилинди. Лекин, чор маъмурлари дунё жамоатчилиги олдида бу

жазоларнинг шов-шувга сабаб бўлишидан чўчиб, ўлим жазосини умрбод сургун билан алмаштирдилар. Гарчи, кўзғалон Тошкент шаҳрининг ўзида юз берган бўлса-да, унинг таъсири бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб ёйилди. Чунки бу озодлик ҳаракати мустамлакачилик зулми остида ётган халқлар туйғусини ифода этар эди.

Чор Россиясининг Туркистондаги амалдорлари вазият кескинлашаётганлигидан хавфсираб, подшо ҳукуматидан жойларда хавфсизликни сақлашнинг кучайтирилган ҳолатини жорий этишни таклиф этдилар. Бу орқали чор маъмурлари ўз олдига катта сиёсий мақсадларни қўйиб, аҳолини қўрқитиш, чоризм ҳукмронлигига қарши курашга чиқишга ботина олмаслик кайфиятларини кучайтиришга ҳаракат қилди. Шундай бўлсада, 1898 йил Андижонда чор маъмурларига қарши, унинг мустамлака сиёсатига қарши яна бир озодлик ҳаракати бўлиб ўтди. Тарихда бу «Андижон кўзғалони» номини олди. Бу кўзғалон 1898 йил Андижон шаҳрининг Мингтепа қишлоғида бошланди. Дастлаб кўзғалончилар сони 500 кишидан ортмаган бўлса-да, бироқ атрофдаги қишлоқлардан келиб қўшилаётган аҳоли ҳисобига кўзғалончилар сони ортиб борди. Кўзғалончиларга Муҳаммадали Эшон — «Дукчи Эшон» бошчилик қилди.

Дукчи Эшон ўлкадаги мустамлака сиёсатга қарши Фарғона вилоятидаги аҳолини бирлаштиришга, уларни чоризмнинг мустамлака сиёсатига қарши чиқиб, бу зулмни ағдариб ташлашга ҳаракат қилди. Кўзғалон стихияли тарзда бошланди. 17 май кuni Тожиқ қишлоғида тўпланган халқ оммаси Андижон шаҳрига қараб йўл олдилар. Кўзғалончилар сафи йўлда кўпайиб бораверди. Натижада, шаҳарга етиб келганда уларнинг сафи кенгайиб, 2000 кишига етди. Оломон Андижондаги рус гарнизонига тўсатдан ҳужум қилди. 23 солдат ўлдирилиб, 24 солдат яраланди. Солдатлар дарҳол қуролланиб, кўзғалончилардан 12 кишини ўлдирадилар, қолганлар қочиб кетади. Тезда Фарғона генерал-губернаторлигига берилган хабардан сўнг бу

ерга қўшимча ҳарбий куч келтирилди ва маҳаллий аҳолидан ўч олиш бошланиб кетди. Тезликда мустамлакачиларга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этганлар, гумон қилинганлар қамоққа олинди. Улар бу билангина чекланмасдан ҳарбий кучлардан фойдаланиб, маҳаллий аҳолини кўрқитиш сиёсатини кучайтирди.

Мустамлакачилар кўзгалонни ваҳшийлик билан бостиришларига қарамай бунинг акс садоси бутун Фарғона водийсига тарқалди. Асака, Кува, Шаҳрихон, Ўш, Марғилон каби шаҳарлар ва қишлоқларда ҳаракатлар кенг ёйилди. Лекин рус қўшинлари ҳамма ерда ҳам кўзгалонни шафқатсизлик билан бостирди. Дукчи Эшон Арслонбоб қишлоғида қўлга олинди ва бутун халқ олдида чор маъмурлари томонидан 1898 йил 12 июнда осиб ўлдирилди.

Кўзгалонда иштирок этган 477 киши устидан бошланган суд жараёни уч ой давом этди. Ҳарбий суд 362 кишини осиб ўлдиришга ҳукм қилди. Кўзгалончилардан 351 киши турли муддат билан қамалиб, 15 киши оиласи билан Сибирга сургун қилинди. Бироқ, чор маъмурлари яна жаҳон оммаси олдида шарманда бўлишдан чўчиб, ўлим жазосини сургун билан алмаштирди.

Кўзгалон маркази деб топилган Мингтепа, Тожик ва Қашқар қишлоқлари император Николай II кўрсатмасига кўра Дукчи Эшон юрган йўли деган баҳона билан уч кун тўлдан ўққа тутилиб, ер билан баробар текисланди. Мингтепа қишлоғи ўрнида 450 хонадонга мўлжалланган европача янги уйлар қурилди. Эшон яшаган хонадон ўрнида рус черкови қуриш режалаштирилди. Хўжанд қишлоғига Духовский номи берилди.

Хуллас, чор маъмурлари бу кўзгалонни ҳам қонга ботирдилар, унинг иштирокчиларидан аёвсиз ўч олдилар. Гарчи, чор мустамлака маъмурлари маҳаллий аҳолининг миллий озодлик ҳаракатларини нақадар шафқатсизлик билан бостирса-да, ўлкадаги ғалаёнлар ва кўзгалонлар бир дақиқа ҳам тўхтамади.

«Духовский номи»

XX аср бошларига келиб, ўлкадаги бундай ҳаракатлар янги босқичга кўтарилди. Шу билан биргаликда ўлкада демократик инқилобий ҳаракатлар ҳам кенг авж ола бошлади. Мустамлака шароитда ишчиларнинг шаклланиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлган, хусусан хонавайрон бўлган деҳқонлар ва ҳунармандлар ҳисобига кенгайиб бораётган ишчилар синфи империянинг марказий районларида кучайиб бораётган демократик кучлар таъсирида бу ҳаракатларда аста секин иштирок эта бошладилар. Ўлкадаги бир қанча шаҳарларда сиёсий талабларни ўзида акс этган намоёишлар бўлди.

Айниқса 1900-1903 йилдаги иқтисодий инқирозлар, 1904-1905 йилдаги рус япон урушида Россия кўрган зарарлари ўлкадаги маҳаллий аҳолининг аҳволига салбий таъсир этиши, деҳқонлар оммасини яна норозилик ҳаракатлари билан чиқишига туртки берди. Оқибатда ўлка вилоятларида вазият янада кескинлашиб кетди. Чор Россиясининг мустамлака сиёсати ўлкадаги бундай ҳаракатларни доимо зудлик билан бостириб турди. Шу билан биргаликда миллий мустақилликка интилаётган, маҳаллий зиёлиларга ҳам доимо таъқиб ўтказиб келди.

Ўлка меҳнатқашларининг аҳволи 1914 йил Россиянинг биринчи жаҳон урушига кириши билан янада оғирлашиб кетди. Уруш йиллари меҳнатқашларни эзиш тобора ортиб борди. Ўлкада ғалла етиштириш камайиб, уруш туфайли ўз вақтида етказиб келинмаган ғалла танқислиги натижасида маҳаллий аҳоли орасида очарчилик бошланди. Бунинг устига Туркистонда расмий солиқлардан ташқари уруш эҳтиёжи учун деб аҳолидан ҳар йили турли йигим ва солиқлар тўпланди.

Айни чоғда биринчи жаҳон урушининг иқтисодий асоратлари меҳнатқаш аҳоли бўйнида оғир юк бўлиб турган вақтда Николай II нинг «Империядаги бегона халқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги армия районларида ҳарбий иншоотлар ва шунингдек, давлат

мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай оғир ишларга жалб қилиш» ҳақидаги фармони чиқди. Ушбу фармонга кўра Сибир, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Кавказ ортидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 400 минг кишини мардикорликка олиш бошланиб кетди. Бу фармонга кўра ўлкадаги ҳар беш хонадондан мардикор олинадиган бўлди.

Қишлоқ хўжалигида йиғим терим ишлари бошланиб, рўзгор юритувчи, оила боқувчи эркакларнинг номаълум муддатга узоқ ўлкаларга мардикорликка сафарбар этилиши, чоризмнинг мустамлака сиёсатидан, маҳаллий бойларнинг сиқувидан эзилиб кетган халқнинг сабр косасини тўлдириб юборди.

4 июлда савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлган Хўжанд шаҳрида, ундан кейин Самарқанд, Жиззах, Каттақўрғон каби шаҳарларда ҳам халқнинг норозилик ҳаракатлари бўлиб ўтди. Бу ерларда тезда етиб келган чор аскарлари қўзғалончилар ҳаракатини шафқатсиз равишда ўққа тутдилар.

Чоризм зулмига қарши қўзғалонларнинг энг каттаси Жиззах шаҳарида бўлиб ўтди. Назирхўжа Эшон бсшчилик қилган бу қўзғалон шу қадар катт бўлдики, бу тарихда «Жиззах қўзғалони» номини олди. 1916 йил 12-13 июл кунлари бошланган ғалаёнлар натижасида қўзғалончилар қўлларига нима тушса қуролланиб, эски шаҳардан янги шаҳар томон йўл олдилар, уезд маъмуриятини яқсон қилдилар. Жиззахнинг янги шаҳар билан эски шаҳар ўртасида ёрдамга келган жазо отряди қўзғалончиларни ўққа тутди. Тўқнашувларда 11 киши ҳалок бўлди. Оломон орқага қайтишга мажбур бўлди.

Бундай воқеалардан сўнг қўзғалончилар яна эски шаҳар аҳолисини оёққа турғизиб, темир йўл томон бориб, темир йўл изларини, кўприкларни бузиб, телефон симларини узиб ташлайдилар. Ҳамма ерларда мустамлакачиларга қарши ҳаракатлар бошланди. Туркистон генерал губернатори томонидан полковник Иванов қўмондонлиги остида юборилган жазо отряди

эски Жиззахни аёвсиз ўққа тутди. Зомин ва Фориш қишлоқ аҳолисидан қақшатқич равишда ўч олинди, дуч келган киши отиб ташланди.

17 июлга келиб бутун Туркистон ўлкасида ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Жазо отрядлари ва мустамлакачи маъмурларга жуда катта ҳуқуқлар берилди. Шу муносабат билан аҳолининг кўча ва майдонларда тўпланиши таъқиқланди. Чор маъмурлари ҳарбий куч ишлатиб, бу ердаги кўзгалонни бостиришга муваффақ бўлдилар. Жиззах кўзгалони бўйича мингга яқин киши қамоққа олинди. 151 кишининг иши судга берилди. Шулардан 84 киши осиб ўлдиришга ҳукм қилинди, бироқ бу жазо ҳам кейинроқ «юмшатилиб» бошқа жазолар берилди. 1916 йил кўзгалони ўлкада маҳаллий аҳолининг чор маъмурлари мустамлака сиёсатига қарши қаратилган энг катта миллий озодлик ва оммавий халқ ҳаракати эди. Бу кўзгалон жамиятнинг барча табақаларини ҳаракатга келтирди ва ўз домига тортди.

Россиянинг турли минтақаларига мардикорликка жўнатишган маҳаллий аҳоли вакиллари фақат Россия императори тахтдан ағдарилгандан сўнг қайтиб келдилар ва ўлкада яна миллий истиқлол учун кураш ҳаракатлари кенг миқёсда бошланди. Ўлка зиёлилари энди ўз мақсадларини тўлиқ амалга ошириш учун яна тарих майдонига чиқдилар. Лекин «улуг давлатчи» мустамлакачилар Туркистонни қўлдан бой беришни истамадилар. Туркистонда феврал инқилобининг дастлабки кунларидан бошлаб ишчи депутатлари советлари билан бирга солдат депутатлари советлари тузила бошлади. Бу советларнинг депутатлари асосан европа миллатига мансуб аҳолидан ташкил топди. Жамоат ташкилотлари фаолиятни бошлаш ва унга маҳаллий аҳолини ҳам жалб этиш, уларнинг бирлаштириш йўлидаги ҳаракатлари кенг кўламда кучайиб борди.

Бироқ, большевиклар партияси ҳануз Туркистонни мустамлака деб ҳисоблагани учун дастлабки

кунларданоқ маҳаллий мусулмон аҳолисининг ўлкани бошқарувида иштирок этмаслиги тарафдори бўлиб келди. Шундай бўлса-да, маҳаллий зиёлилар ўз фаолиятларини кенг қўламда олиб бордилар.

Жадидчилик ҳаракати

«Жадид» арабча сўз бўлиб, «янги» деган маънони англатади. Янгилик ва ислохотчиликка интилувчи, янгилик яратувчи фаолият билан машғул бўлган тараққийпарвар, илғор руҳдаги зиёлилар тарихда «жадид» деб номландилар. Жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши бевосита ўша даврдаги ички ҳамда ташқи халқаро майдондаги ижтимоий-сиёсий муҳит ва вазият билан боғлиқ бўлди.

Жадидчилик ҳаракати ўз мақсад ва моҳиятига кўра, дастлабки кундан бошлаб маданий-маърифий ва сиёсий ислохотчилик ҳаракати бўлган. Аммо Ватанни озод ва обод қилиш, миллат ва халқни хурриятга олиб чиқиш, тўқ ва фаровон, маданиятли қилиш учун жадидлар асосий эътиборни дастлаб маданий-маърифий ишларга қаратдилар.

Халқимиз кучлар нисбати тенг бўлмаганлиги сабабли Россиянинг босқинчилик урушида енгилиб, сиёсий жиҳатдан бўйсунган бўлса-да, ақдан ва маънан бош эгмади. Чоризм мустамлакачиларининг асосий мақсади, халқни мутлақ тобе ва қарам қилишдан иборат бўлди. Туркистонда вазият шу даражага бориб етдики, асрлар оша такомил топиб келган миллий давлатчилик тугатилиб, сиёсий эркинлик барҳам топиши билан миллий ўлим яъни, миллатнинг ўзлигини йўқотиш хавфи пайдо бўлди. Бу юзага келган машғум ҳолатнинг гувоҳи бўлган шарқшунос олим Н.Н. Веселовский (1848-1918) ёзди:

«Биз Туркистонга маданият олиб келдик деб ўйлаймиз. Бўйсундирилган осиеликларга тинчлик ва осойишталик бердик деб ўзимизни овуғамиз. Аммо буларда бир олий туйғу борки, бу миллат ва унинг миллий ифтихоридир...

Сиёсий ўлим (миллий давлатни йўқотиш): оғир, миллий ўлим эса ундан ҳам оғирроқдир. Бизнинг хукмронлигимизда улар (туркистонликлар) худди шундай аҳволга тушдилар. Шундай миллий манфаатлар борки, улар халқ оч ёки тўқлигидан қатъи назар, бир кунмас бир кун ўзини намоён этажак».

Бу даврга келиб миллатни миллий ўлимдан сақлаб қолиш ва истиқлолга олиб чиқиш учун ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тарбия асосий омил, муҳим бир курол даражасига кўтарилди. Буни эса жадидлар Ватан озодлиги йўлидаги кураш ҳаракатининг асоси деб билдилар.

Жадидлар мусулмон мутаассиблигига қарама-қарши равишда диний ва дунёвий маърифатпарварлик ғояларини олға сурдилар. Улар шариат қоидалари, «Куръони карим»ни яхши билгани учун ҳам дин пешволаридаги қолоқликка, «Тараққиёт исломга зид» деган тушунчаларга қарши курашдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, жадидчиликнинг пайдо бўлишига аввало исломдаги диний-дунёвийликнинг, шариат амалларининг ўрни катта бўлди.

Жадидларнинг дадил янгилик яратиши, дунёвийликни тарғиб этиши учун пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мана бу икки ҳадиси шарифлари маънавий асос ва куч-қувват бўлди: «Охиратни деб дунёсини тарк қилган ҳам, дунёсини деб охиратни тарк қилган ҳам сизларнинг яхшингиз эмас...», «Динда ўртача йўл тутинглар, ўртача йўл тутинглар, ўртача йўл тутинглар, чунки ушбу дин амалларида ким оғирлаштириб юборса уни амал енгиб қўяди».

Хулоса шуки, биринчидан жадидчилик исломдаги тараққиётпарварлик, илм-фанга рағбат ва дунёвийликнинг янги даврдаги кўриниши сифатида пайдо бўлди. Иккинчидан, жадидчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига Шарқ ва Ғарб мамлакатларида ривожланган қуйидаги демократик, миллий-озодлик,

ислоҳотчилик ҳаракатларининг таъсири ҳам кучли бўлди:

1. XIX асрнинг 90-йилларидан бошланиб, 1905-1907 ва 1917 йилларда катта ғалабаларга эришган рус социал демократик ва инқилобий ҳаракатлари ҳамда уларнинг Туркистонга таъсири.

2. Жамолиддин Афғоний (1839-1897) ва Муҳаммад Абдолар (1848-1903) асос солган мусулмон дунёсидаги ислоҳотчилик ва «наҳда» (уйғониш) ҳаракатлари.

3. Туркиядаги аксилмонархистик, конституцион демократик, ижтимоий-миллий уйғониш ҳаракатлари: Танзимат (1840-1860), Ёш усмонлилар (1865-80-йилларгача), Ёш турклар (1889-1918) ва 1908-1909 йиллардаги демократик-инқилобий ҳаракатлар.

4. Жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиб, ривожланишида қримлик Исмоилбек Гаспиринский (1851-1914) ҳиссаси беҳат катта бўлди. У Қримда XIX асрнинг 80-йиллардаёқ, Россия босиб олган мусулмон халқлари орасида биринчи бўлиб жадидчиликка асос солди. Унинг рус ва туркий тилларда чоп этилган «Таржимон» (1883-1914) газетаси, «Россия мусулмонлиги» (1881), «Оврупа маданиятига бир назар мувозини» (1885) ва бошқа асарлари ҳамда жадид мактаби учун ёзган дарслик ва қўлланмалари Туркистонга тез кириб келди.

Исмоилбек Гаспиринский 1884 йилда «Таржимон» газетаси орқали мусулмонларга қарата шундай муурожаат қилади: «Суюкли дўстларим, бизнинг учун энг гўзал иш илм ва маориф ишидир. Энг муқаддас интилиш илмга, маорифга интилишдир. Чунки инсонни инсон этган меҳнат ва билимдир. Билим маданий турмуш (цивилизация)га етишиш воситасидир».

И. Гаспиринский 1884 йилда ўн иккита болани янгича усул — «усули жадид» — савтия (товуш) усули билан ўқитиб, қирқ кунда саводини чиқаради. У 1892 йилда Туркистон генерал-губернатори Н.О. Розенбахга махсус мактуб йўллаб, унда мактабларни ислоҳ қилиш, жадид мактабларини ташкил этиш мадрасалардан

бирини замонавий олий таълимга мослаштиришни таклиф этади. Аммо, бу таклифлар амалга ошмайди. Шундан сўнг у 1893 йилда Тошкентга келади ва зиёли уламолар билан учрашади. Самарқандда бўлади. У ердан Бухорога бориб, амирни жадид мактабини очишга кўндиради ва мактабга «Музаффария», деган номни беради. Жадидчилик ғояси Туркистонда XIX аср 80-йилларининг иккинчи ярмидан тарқалади. Шу асрнинг 90-йиллари — XX асрнинг бошларида жадидчилик мунтазам маданий-маърифий ҳаракат сифатида пайдо бўлди. Унинг ташкилий жараёни шу билан якунланади. Абдулла Авлоний ёзади: «Турли газета ва журналлар ўқишга тутиндим. 1904 йилда жадидлар тўдасига кирдим. Мирободда «усулий жадид» мактабини очиб, ўқитувчилик қила бошладим».

Жадидчилик ҳаракати ва жадидлар тарихини, асосан икки даврга бўлиш мумкин: 1) XIX асрнинг 90-йилларидан — 1917 йил февралгача; 2) 1917 йил февралдан — 1929 йилгача. Биринчи даврда жадидчилик ҳаракати уч босқичга бўлинади: 1) Жадидчиликнинг бўлиши ва мунтазам уюшган ҳаракат шаклига эга бўлиши (XIX асрнинг 90-йиллари — 1905 йил); 2) Жадидчилик ҳаракатининг нисбатан тез ва қаршиликсиз ривожланиши (1905-1909 йиллар); 3) Жадидчиликни чоризм томонидан озодлик, демократик ва инқилобий ҳаракатларга қарши курашни кучайтирган даврдаги ривожланиши (1909-1916 йиллар). Иккинчи давр ҳам воқеалар ривожланишига қараб уч босқичга бўлинади: 1) 1917 йил феврал-октябр; 2) 1917 йил ноябр — 1924 йил; 3) 1925-1929 йиллар.

Совет тарихи фанида жадидчилик «миллий буржуа ҳаракати», жадидлар эса «миллий буржуазия синфининг мафкурачиси» ҳатто, «халқ душмани» деб сохталаштириб кўрсатиб келинди.

Жадидлар маорифи. Жадидчилик ҳаракати шу вақтгача ислом дунёсида сира ҳам кўринмаган илғор ва тезкор ўқитиш «Савтия» (товуш) усулига асосланган жадидлар мактаблари ташкил топишидан бошланди. Бу мактабларда болалар бир-икки йилда тўла савод

чиқариб, мукаммал ўқиш ва ёзишни ўзлаштиради. Бунинг учун эса қадим анъанавий мусулмон мактабларида 5-6 йил ўқиш керак бўлар эди. Айтиш мумкинки, «Савтия» усулидаги жадид мактаби Ватанимиз тарихидаги буюк кашфиётлар силсиласини бойитди.

Жадид мактаби фақат ўқитиш усули жиҳатидангина эмас, балки, унда диний (илоҳий) ва дунёвий таълим-тарбия ўзаро мўътадиллик асосида жорий этилиши, болалар эса қулай парталарда ўтириши, дарсларда харита ва расмлардан фойдаланиши билан ҳам бутунлай янги мактаб эди. У кейинчалик ҳозирги замонавий миллий мактаб учун асос бўлди.

Бу мактабларда шариат илмлари билан бирга математика, география, она тили, рус, араб тиллари, ашула ва жисмоний тарбия ўқитила бошланди.

Жадид мактаблари тўрт (бошланғич) ва етти йиллик эди. Масалан, Мунаввар Қорининг етти йиллик мактабини битирган ёшлар диний ва дунёвий илмларни, рус тилини яхши ўзлаштирган ҳолда кичик масчитларда имом бўлиш, мадраса ва ҳатто, хориждаги дунёвий олий ўқув юрларида ўқиш, савдо ва бошқа корхоналарда котиб бўлиб ишлаш малакасига эга бўлганлар. Бундай етти йиллик мактаблар Тошкентдан ташқари, Қўқон, Самарқанд каби йирик шаҳарларда ҳам очилади.

Жадид мактабларида болалар пуллик ва пулсиз ўқиганлар. Ҳар ойига ота-оналар баҳоли қудрат, бир сўмдан бир ярим сўмгача пул тўлаган. 20-30 фоизгача камбағал ва ночорларнинг болалари текин ўқитилиб, ўқув қуроллари билан ҳам текин таъминланган. Ўзига тўқ оилалар эса ўз хоҳиши билан уч сўмдан ва ундан ҳам кўп пул берган. Булардан ташқари жадидларнинг ўзлари ташкил этган хайрия жамиятлари ҳам жадид мактабларини маблағ билан таъминлаб турган.

Жадид мактабларининг очилишига чоризм амалдорлари ҳамда мусулмон мутаассиблагининг асоси бўлган мутаассиб уламо ва мактабдорлар тиш-

тирноқлари билан қаршилик қиладилар. Мустамлака малайлари — келгинди миссионер зиёли ва амалдорлар маҳаллий халқнинг хат-саводли бўлиб, маданияти ошиши, ижтимоий-сиёсий онги ўсишидан чўчиса, мусулмон мутаассиблари анъанавий мактаб тартиби ва «шариат қонунлари» бузилишидан кўрқдилар.

Бу тўсиқларни жадидлар катта матонат ва усталиклар билан енгдилар. Улар қадим мактабларга тегмаган ҳолда намуна сифатида жадид мактабларини ташкил этиш билан омма орасида катта обрў қозондилар.

Жадид мактаблари қатъий низом, тартиб ва интизом, дастур ва дарсликларга асосланди. Тарихда биринчи бўлиб, жадидлар ўқувчиларга кундалик, чорак ва йиллик баҳолар қўйишни жорий этдилар. Ўқувчилар синфдан-синфга жамоатчилик олдида очиқ имтиҳонлар топшириши эвазига ўтказилган. Йиллик ва битирув имтиҳонлари эса катта тантана ва байрамонга тусда ўтказилган. Бу имтиҳонларга ота-оналар, нуфузли шоиру уламолар, бою баёнлар махсус таклиф этилган. Аъло баҳоларга имтиҳон топширганлар, шу ернинг ўзида олқишланганлар, имтиҳонда қатнаш-ганлар томонидан мукофатланганлар.

Мактаб очган жадидлар қўлланма ва дарсликларни ҳам ўзлари яратдилар. Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал», Мунавварқори Абдурашидхоновнинг «Адиби аввал», «Адиби Соний», «Тажвид» (Қуръонни қироат билан ўқиш усулига оид қўлланма), «Ҳавойижи диния» (Шариат қонунлари тўплами), «Ёр юзи», «Усули ҳисоб», «Тарихи анбиё», «Тарихи ислом», Абдулла Авлониёнинг «Биринчи муаллим» ва «Иккинчи муаллим», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Қисқача умумий география», «Болалар мактуби», «Исломнинг қисқача тарихи», «Амалиёти ислом», «Аҳоли географиясига кириш», «Россиянинг қисқача географияси» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Жадид мактаблари сабаб қадим мактабларига баъзи жойларда ота-оналар болаларини юбормай қўядилар.

Бунинг натижасида қадим ва жадид мактаблари, қадим ва жадид мактабдорлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар пайдо бўлди.

Жадид мактабларининг жами сони ва улар қаерларда очилиб фаолият юритганлиги ҳақида ҳозирча тўла маълумот йўқ. Чунки уларнинг кўпчилиги мавсумий фаолият юритган.

Баъзи маълумотларга кўра 1903 йилда биргина Тошкентда 20 та (шундан 2 таси ўрта) жадид мактаблари бўлган. 1908 йилдан кейин жадид мактаблари қаттиқ назорат остига олинади, арзимас баҳоналар билан ёпилади. Уларда ўқитиладиган адабиёт ва дарсликларнинг мазмуни, хусусияти ҳам «охранка» нинг диққат марказида бўлади. Жадид мактаблари Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Хива, Тўқмоқ, Янги Марғилон, Эски Марғилон, Каттақўрғон, Қизил Ўрда, Туркистон, Чуст, Чоржўй, Термиз, Марв шаҳарларида очилади. Шунингдек, Жума (Самарқанд вилояти), Қовунчи (Тошкент вилояти), Тўрақўрғон (Наманган вилояти), Пўстиндўз (Бухоро вилояти) каби катта қишлоқларда ҳам жадид мактаблари очилган. Жадид мактаблари М. Беҳбудийнинг ёзишича, 15-20 йил ичида жами Кавказ мамлакатлари, Эрон, Ҳинд, Миср, Ҳижоз ва бошқа жойларда ҳам жорий бўлди.

Жадидчиликнинг асосий мақсадларидан бири мамлакатда замонавий (европача) олий таълимни йўлга қўйиш бўлди. Бунинг учун олдиндан катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Олий таълим ва университет ташкил этиш гояси Туркистонда илк бор расман 1892 йилдан бошланди. Шу йили Исмоилбек Гаспирали Туркистон генерал-губернаторига махсус мактуб йўллаб, унда мавжуд мадрасалардан бирини замонавий олий маълумотли муаллимлар тайёрлашга мослаштиришни таклиф этади. Бироқ бу амалга ошмайди. И. Гаспирали эса бу билан чекланмай, 1906 йилда ўзининг «Таржимон» газетасида тўғридан-тўғри Бухоро амири ва Хива хонига мурожаат қилиб шундай дейди:

«Фуқаройи ислом сизлардан мол истамас, ош истамас. Дин — «Қуръон»дан, жон — Худодан. Сиз

давлатлик хонлардан аҳолига эҳсон этиладиган нарса — нашри маорифга, тараққиёт ва камолатга омил бўлувчи олий даражалик маориф мактабларидир. Кўҳна мадрасалари кўп Бухорои шарифда ва Хивада энди бирор дорилфунуни Исломия таъсис этмоқ лозим. Бу дорилфунунларга бир даража илм олган талаба қабул қилиниб, тарих, жуғрофия, кимё, ҳандаса, илми ҳуқуқ, усули идорайи давлат, илми иқтисод ва бошқа лозим фанлар, туркий, форсий, русий ва франсавий тиллар ўргатилса... Ушбу дорилфунунларда муаллим ва мударрислик қила оладиган аҳли камол бор».

Жадидлар олий таълимнинг асоси — университет ташкил этиш учун Тошкент шаҳар Думасидан ҳам фойдаландилар. Депутат Мунавварқори Абдурашид-хоновнинг таклифи билан Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва Содик Абдусатторовлар Тошкент шаҳар Думанинг 1917 йил 21 октябрдаги мажлисида университет ташкил этиш комиссиясига киритилади ва уларга университет ташкил этишда мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилиш зарурлиги уқтирилади.

Умуман, жадидларнинг жуда катта саъй-ҳаракати билан ўн беш-йигирма йил ичида бутунлай янги, яъни жадид халқ маорифи тизими ва унинг ўзига хос диний-дунёвийликдан иборат таълим-тарбия усуллари тўла шаклланади.

Жадид матбуоти ва журналистикаси

Жадидчилик ҳаракатининг иккинчи бир муҳим фаолияти миллий матбуот ва журналистикага асос солиш, ривожлантириш билан боғлиқ бўлди. Туркистон жадидлари рус демократик ва инқилобий ҳаракатининг ютуқларидан ҳам самарали фойдаландилар.

Россия подшоҳи 1905 йил 17 октябрда махсус манифестга имзо чекиб, демократия, матбуот ва сўз, ҳар хил йиғинлар ўтказиш эркинлигини жорий қилишга мажбур бўлди. Буни жадидлар катта қувонч билан кутиб олдилар. Чунки улар матбуот ва сўз

эркинлиги халқнинг кўп йиллик орзу-умиди, кундалик ижтимоий-ҳаётий эҳтиёжга айланганлигини жуда яхши билар эдилар.

Мана шунинг учун ҳам жадидлар миллат ҳимояси учун жанговар қалқон ва муаззам минбар бўлган замонавий газета ва журналларни ташкил этиш учун жуда шахдам курашадилар.

Ниҳоят, Тошкентда Исмоил Обидий «Тараққий» (1906), Мунавварқори Абдурашидхонов «Хуршид» (1906), Абдулла Авлоний «Шуҳрат» (1907), Саидкарим Саидазимбоев «Тужжор» (1907), Аҳмаджон Бектемиров «Осиё» (1908), Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев «Садои Туркистон» (1914-1915) газеталари, шунингдек, Абдурахмон Содик ўғли (Сайёх) «Ал-Ислоҳ» (1915) журналини нашр этишга муваффақ бўлдилар. Самарқандда эса Маҳмудхўжа Бехбудий «Самарқанд» (1913) газетаси ва «Ойна» (1913-1915) журналини, Кўқонда Обиджон Маҳмудов «Садои Фарғона» (1914) газеталарини чиқарди.

Юқоридаги бу газета ва журналлар доимо чоризм амалдорлари назорати остида бўлди. Уларнинг кўпчилиги арзимас баҳоналар билан ёпилди. Газеталарнинг муҳаррирлари ва уларга мақола ёзганлар махфий полиция «охранка»нинг айғоқчилари кузатуви, таъқиби остида бўлдилар.

Жадид матбуоти 1917 йил февралда рус подшоши тахтдан ағдарилгач янада ривожланди. Жуда қисқа вақт оралиғида февралдан октябргача Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов «Нажот» (1917 й. март), А. Баттол «Шўрои ислом» (1917 й. май), Абдулла Авлоний «Турон» (1917 й.), Аҳмад Заки Валидий ва Мунавварқори Абдурашидхонов «Кенгаш» (1917 й. июн), «Улуғ Туркистон» (1917 й.), Кўқонда Бўлат Солиев «Эл байроғи» (1917 й. сентябр) газеталарини, Ҳ.Ҳ. Ниёзий «Кенгаш», Ашурали Зоҳирий «Юрт» (1917 й. июн) журналларини, Самарқандда эса Шохмуҳам-малзода «Хуррият» (1917 й. апрел) газеталарини чоп этдилар.

Биринчидан, миллат жадид матбуоти орқали ўз маданий-иқтисодий аҳволи, сиёсий қарам ва ҳуқуқсиз-

лигини англади. Мустамлака зулмига қарши нафрат, миллий истиқлолга ишонч руҳи билан қуролланди.

Иккинчидан, Туркистон мусулмон аҳли Россия қўли остидаги бошқа миллатдош ва қардошлари ҳамда дунёдаги бошқа халқларнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлди.

Учинчидан, Туркистон ва бутун Россиядаги мусулмонларда ўзаро бирлашиш ва ҳамдардлик ҳис-туйғуси уйғонди.

Тўртинчидан, узоқ йиллар ижтимоий уйқуда бўлган, тобе ва қарамлик кўникмаси гирдобиди қолган мазлум миллат ва халқимизда ўзликни англаш жонланди.

Бешинчидан, халқ оммаси озод бўлмоқ, ўз тақдирини ўз қўлига олмоқ, маданийлашмоқ ва бойиб, келгинди сармоядорлар ҳамда савдогар ва саноатчилар билан рақобатда бўлиш учун ўқиши, дунёвий илмларни эгаллаши, мактаб ва университетлар очиш заруриятини англаб етди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жадид матбуоти миллий мухторият ва жумҳурият гоёсини, миллатлараро тенглик ва қон-қариндошликни тарғибот қилишни тўғри йўлга қўйди.

Жадид адабиёти ва санъати

Академик А.Н. Самойлович Туркистондаги адабий муҳитни ўрганиб, 1916 йилдаёқ «Туркистонда янги адабиёт майдонга келди. Бу мен учун кутилган ҳол эди», деб ёзган эди. Дарҳақиқат, олим учун кутилган «янги адабиёт» — жадид адабиёти бўлди. Бу адабиёт тарихан қисқа бир даврда жадидчилик ҳаракатидаги кўп қиррали бунёдкорликнинг кўринишларидан бири сифатида пайдо бўлди.

Жадид адабиёти ўз мазмун ва моҳияти ҳамда жанрлари билан тарихимизда минг йиллар давомида аруз вази асосида шаклланиб ривожланган мумтоз адабиётимиздан тубдан фарқланувчи янги ижтимоий-бадиий ва маданий воқелик бўлди:

1. Агар мумтоз адабиётда дунёвийликка нисбатан диний жиҳат устунроқ бўлган бўлса, жадид адабиётида

буларнинг ўртасида ўзаро тенглик, яъни диний-дунёвийлик қарор топди.

2. Жадид адабиёти мумтоз адабиётдан фарқли равишда Ғарб адабиётидаги роман, драма, эссе, ҳикоя ва бармоқ вазнига асосланган шеърят (поэтика) каби бадиий жанрлар кўринишига эга бўлди. Проза ва публицистика пайдо бўлди.

3. Жадид адабиёти бевосита ижтимоий-сиёсий ва маърифатчилик мафқураси, миллий-озодлик хусусиятига эга бўлди. Унда мазлум халқ ҳаёти бевосита ўз ифодасини топди. Бадиий асарлар жонли халқ тилида ёзилди. Ижтимоий фаоллик ва миллий руҳ бу янги адабиётнинг энг муҳим хусусиятига айланди.

4. Жадид адабиётидаги бадиий-лирик қаҳрамон қиёфаси мумтоз адабиётдаги қаҳрамон қиёфасидан тубдан ўзгарди. У энди анъанавий ошиқ ёхуд маърифатпарваргина эмас, балки мавжуд мустамлака жамияти тартиб-қоидалари ҳамда миллий тенгсизлик билан келиша олмайдиган, шу билан бирга янгича, ўз ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашига эга бўлган шахсдир.

Жадидчилик ҳаракати жадид адабиётининг асосчилари бўлган йирик истеъдод эгалари — жадид адиби, шоири, драматурги ва санъат арбобларини ҳам тарбиялади. Жадидшунос таниқли олим, профессор Бегали Қосимовнинг таъкидлашича, уларнинг 1905-1917 йилларда адабий-маданий ҳаракатчиликда қизғин фаолият кўрсатганлари саксондан ортиқ бўлган. Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919), Саидахмад Сиддиқий Ажзий (1864-1927), Васлий Самарқандий (1869-1925), Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931), Абдулла Авлоний (1878-1934), Тўлаган Хўжамёров — Тавалло (1882-1939), Сидқий Хондайлиқий (1884-1934), Аваз Ўтар ўғли (1884-1919), Муҳаммадшариф Сўфизода (1869-1937), Абдурауф Фитрат (1886-1938), Садриддин Айний (1878-1954), Абдулвоҳид Бурхонов (1875-1934), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929), Абдулла Қодирий (1894-1938), Абдулҳамид Чўлпон (1897-1938) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Жадид адабиётида драматургия, яъни жадид драмаси энг сермахсул ва оммабоп жанр сифатида алоҳида кўзга ташланади. Жадид ғояларининг халққа ёйилиши, сингиши ва амалий натижалар беришида драматургия ва театр санъатининг таъсир кўрсатиши кучли бўлган. Шунинг учун ҳам жадид адибларининг аксарият йирик намояндалари ўз ижодий-амалий фаолиятини драма ёзиш ва театр билан боғлиқ ҳолда олиб бордилар.

Мутахассисларнинг аниқлашича, 1917 йил октябр тўнтаришигача драматургия соҳасида ўттиздан ортиқ драма, трагедия, комедия жанрларида асарлар ёзилган ва уларнинг кўпчилиги театрларда саҳналаштирилган. Ўзбек жадид драматургияси ва театрига илк бор асос солган Маҳмудхўжа Бехбудий бўлди. Унинг «Падаркуш» драмаси биринчи бор 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги «Коллизей» театрида қўйилиши жуда катта маданий-маърифий воқеа бўлди. Бу кун ўзбек театрига асос солинган сана сифатида тарихга кирди. Шундай қилиб, миллий жадид адабиёти, драматургияси ва театри пайдо бўлди. Адабий танқидчилик ва бадиий таржимончилик ҳам шаклланди.

Жадид хайрия жамиятлари

Ҳар қандай ҳаракатда бўлгани каби жадид ҳаракати ҳам ўз иқтисодий асосига эга. Акс ҳолда у, бу даражада ривожланмаган бўлар эди. Унинг иқтисодий таъминот манбаини маданий-маърифий хайрия жамиятлари, бой-бадавлат кишилар томонидан савоб олиш ва миллат нуфузини кўтариш учун берилган беминнат эҳсонлар ташкил этди. Жадидчиликни асосан ўртаҳол ижодкор зиёлилар ташкил этган. Уларни эса миллий бой табақанинг дунё кўрган илғор руҳдаги савдогар қисми қўллаб-қувватлашган ва ўзлари ҳам жадидчиликда фаоллик кўрсатган. Бунга тошкентлик Саидкарим Саидазимбой ўғли, туркистонлик Саидносир Миржалилов (таниқли ёзувчи Ойбекнинг қайнотаси), андижонлик Миркомил Мирмўминбоев ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Жадидлар миллатни босқинчилар томонидан ютилиб кетишини олдини олишнинг бирдан-бир тўғри йўли маърифат ва маданиятни юксалтириш эканлигини жуда эрта англаб етдилар. Бунинг учун эса улар жуда катта маблағ ҳам кераклигини яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда ҳар хил хайрия жамғармаларини ташкил этиш, бой ва бадавлат кишиларнинг ортиқча маблағларини миллат ва Ватан манфаати йўлига сарфлашга катта эътибор берилди.

Жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий миллат муҳофазасини назарда тутиб, «биз олими замонавий тайёрламоғимиз керакдир», деган эди. Мана шу мақсадда 1909 йилда Тошкентда мусулмон хайрия жамияти «Кўмак», Бухорода ҳам 1910 йили «Тарбияи атфол» ташкил этилади. Уларнинг олдига қўйилган асосий мақсади сармоя топиб, жадид мактабларига ёрдам бериш ва иқтидорли ёшларни Туркия ва бошқа хорижий мамлакатларга ўқишга юборишдан иборат бўлди.

«Кўмак»нинг таъсисчилари Мунавварқори Абдурашидхонов, Низомқори Ҳасанов, Абдулла Авлоний, Башарулла Асадуллахўжаев ва Тошхўжа Туёқбоевлар бўлган эди. Бу ва «Тарбияи атфол»нинг ёрдамида 1911 йилда 15 та, 1912 йилда 30 та туркистонлик иқтидорли ёшлар Истанбулда ўқиганлиги ҳақида маълумот бор.

Жамият ўз аъзоларидан тушадиган пулдан ташқари ҳар хил ишбилармонлик йўллари билан ҳам пул топади. Масалан, граммофон жамияти билан келишиб, бир неча халқ ҳофизлари ва ўз тарбиясидаги мактаб болаларининг ашулаларини грампластинкаларга ёздириб, уларнинг ҳар биридан ўн тийиндан фойда олади. 1913 йилда қўйилган биргина спектаклдан 600 сўмга яқин, Рамазон байрами кунини «Томоша кечаси» ташкил қилиб эса 1087 сўм 17 тийин фойда топади.

Мусулмон жамияти «Кўмак» уставида камбағал ўқувчи ва етим болалар, қари ва ногирон мусулмон-

ларга маънавий ҳамда моддий ёрдам бериш, уларга бошпана, ошхона, касалхона ва амбулатория очиш, шунингдек, мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари учун нафақа (стипендия) лар таъсис этиш кўрсатилган эди.

Тошкентда Мунавварқори, Абдулла Авлоний ва бошқалар 1911 йилда ташкил этган кўп тармоқли «Турон» номли жамият совет ҳокимиятининг дастлабки йилларигача самарали фаолият юритади. Унинг қошида театр труппаси (1913 й.), «Турон» номли кутубхона ва нашриёт (1913 й.) ҳам ташкил этилади. Булар бутун Туркистон бўйлаб маърифат ва зиё, илм-фан тарқалиши, китоб чоп этиш ва босмахона ишлари ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

Қуқонда «Файрат» (1913 й.), Самарқандда «Зарафшон», Тўрақўрғонда (Наманган вилояти) «Кутубхонаи Исҳоқия» (1908 й.) номли кутубхоналар ташкил топади. Туркистонда жадид кутубхоналари билан бир қаторда жадид босмахонаси ҳам пайдо бўлди. Жадид китоб дўконлари анча кенг тармоқ отди.

Жадидчилик аслида Ватан озодлиги ва миллат равнақи учун курашнинг тинч демократик ва маданий-маърифий, ислохотчилик йўлини танлайди. Халқни беҳуда қўзғолонлар туфайли қон тукишдан маданий-ташкилий уюшишга, ақл-фаросат билан иш олиб боришга чорлайди. Шунинг учун ҳам жадидлар 1916 йилдаги умумхалқ қўзғолонига бефарқ бўлмадилар. Улар халқ билан бирга бўлиб, халқни қирилиб кетишдан сақладилар. Совет тарих фани жадидларни қўзғолонда халқ томонида эмас, балки чор ҳукумати томонида бўлган деб нотўғри кўрсатиб келди.

Жадидлар қўзғолон кўтариб, ўлимга ҳам тайёр турган халқни тинчлантириб, йигитларни ташкилий уюшган ҳолда мардикорликка юборишга раҳбарлик қиладилар. 15 августда Тошкент шаҳрида Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев раислигида махсус қўмига сайланади. Бу ташаббус бошқа жойларда ҳам амалга ошади. Улар ҳарбий маъмурият билан келишган ҳолда иш олиб борадилар. Самарқанд вилояти ҳарбий

губернатори, генерал-майор Ликошиннинг 759-рақамли маълумотига кўра, Жиззахда 44 та қишлоққа ўт кўйилган. Уларнинг кўпи бутунлай ёниб, кул бўлган.

Жиззах қўзғолони ҳақида маълумот тўплаб, китоб ёзмоқчи бўлган ва 1938 йилда «Миллий иттиҳод»нинг аъзоси сифатида қамалиб, қамоқхонада уриб ўлдирилган Мамадиёр Аллаёровнинг ёзишича, рус аскарлари 40 кишини уйига қамаб, ўт кўйиб юборган.

Мардикорликка юбормасликнинг иложи йўқлигини яхши билган жадидлар халқни ортиқча қон тўкилишидан асради. Шунингдек, улар ижтимоий биқиклик ва мутаассиблик муҳитидаги йигитларнинг ўзга юртларда бўлиб, «кўзи очилиши»ни ҳам назарда тутдилар. Ҳақиқатан ҳам 1917 йилдан кейин мардикорликдан қайтган йигитларнинг кўпчилиги миллий озодлик курашида ва жадидчилик ҳаракатида фаоллик кўрсатдилар. Жадидлар жойлардаги норозиликлар эвазига чоризм амалдорларини бироз ёнберишга мажбур этишга муваффақ ҳам бўлдилар.

Андижон жамоатчилиги номидан 1916 йил июлда У. Асадуллаҳўжаев билан Вадим Чайкин Санкт-Петербургга бориб, IV Давлат Думасига Туркистондаги хунрезлик ва ўзбошимчаликлардан шикоят қилади. Шундан сўнг депутатлар Туркистондаги рус аҳолиси ҳарбий мажбуриятдан озод қилинган бир пайтда, маҳаллий аҳолидан мардикорликка олиш сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан хавfli эканлиги ҳақида ҳарбий вазир номига телеграмма юборадилар. Подшо Николай II ҳам буни эътиборга олган ҳолда мардикорликка олиш муддатини 15 сентябргача кечиктиришга мажбур бўлади. А.Н. Куропаткинни эса Туркистон генерал-губернатори қилиб Тошкентга юборди. Унинг билан бирга Дума аъзолари Керенский, Таваккалов ҳамда М. Чўқаев, Ш.З. Муҳаммадиёров ҳам вазиятни ўрганиш учун ўлкага келади.

Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев берган маълумотлар асосида Куропаткин ўзини халқчил қилиб кўрсатиш мақсадида баъзи амалдорларни ишдан олади.

Шундай қилиб, жадидлар халқ миллий озодлик ҳаракатига гоъвий-мафкуравий ва ташкилий раҳбарлик

қилишга муваффақ бўладилар. Бу эса жадидчилик бу даврга келиб Туркистонда катта таъсирчан ижтимоий-сиёсий кучга айланганлигидан далолат беради.

Жадидчилик ҳаракати ва рус демократик инқилоби

1917 йил 27 февралда Россия императори Николай II рус демократик инқилоби тазйиқи остида ўз тахтидан воз кечди. Бу билан Россиядаги Романовлар сулоласининг уч юз йиллик монархистик ҳокимияти барҳам топади. Давлат думаси муваққат ҳукумат тузиб, унга мамлакатни бошқариш ва Таъсис мажлисини чақириб, ҳокимият масаласини узил-кесил ҳал қилиш вазифасини топширади.

Иккинчи томондан эса бу ҳукуматга қарама-қарши равишда инқилобий ҳаракатга раҳбарлик қилаётган социал-демократик партиялар жойларда ишчи, аскар ва деҳқонлар депутатлари совет (шўро) ларини тузиб, ҳокимиятнинг янги шаклини ташкил этдилар. Бу ҳолат Россия босиб олган барча мамлакатлар қатори Туркистонда ҳам истиқлол учун кураш авж олишига сабаб бўлди ва бунда жадидчилик ҳаракатининг ҳиссаси беҳад катта бўлди.

Маҳаллий халқ ва жадидлар рус инқилобинини фақат миллий истиқлолга эришиш нуқтаи назаридангина қўллаб-қувватладилар. Туркистондаги инқилобий ҳаракатга асосан рус социал-демократик партиялари раҳбарлик қилди. Инқилобнинг бош шиори эса «Озодлик, Тенглик ва Биродарлик» эди. Жадидлар «Озодлик, Тенглик ва Адолат» деган шиорга амал қилиб, миллий ҳокимият, миллий давлатчиликни тиклаш йўлида мусулмон халқ оmmasига раҳбарлик қилдилар. Бунинг натижасида Туркистонда Россиядаги каби икки ҳокимиятчилик эмас, балки қуйидаги уч ҳокимиятчилик пайдо бўлди:

1. Жадидлар ташкил этган «Шўрои Исломия» ва унинг жойлардаги шўбалари, Тошкентдаги Туркистон ўлка мусулмонлари маркази ёки баъзи адабиётларда «Миллий марказ» деб номланган марказ;

2. Туркистондаги рус ва аскар (кейинроқ деҳқон) депутатларининг маҳаллий ва марказий советлари;

3. Россия Муваққат ҳукуматининг Туркистон Муваққат кўмитаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари.

Тошкентга рус подшоси ўз тахтидан воз кечганлиги ҳақидаги хабар етиб келиши биланоқ, жадидларнинг Тошкентдаги «Турон» жамияти сиёсий фаолиятга ўтди. Унинг ташаббуси билан 6, 9 ва 13 март кунлари бўлиб ўтган халқ йиғинларида маҳаллий ҳокимият бошқаруви масаласи муҳокама қилиниб, демократик руҳдаги қарорлар қабул қилинди. 9 март куни Тошкентнинг Чорсудаги Жоме масжидида 20 минг кишилиқ йиғин бўлиб, у Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев (раис), Мунавварқори (раис муовини), Исломбек Худоёрхонов (котиб) лар раҳбарлигида ўтади. Аввало ҳуррият қурбонлари руҳига тиловат ўқилиб, фотиҳа тортилади. Шундан сўнг Эски шаҳар полицмейстри Колесников бўшатилиб, унинг ўрнига ҳокимият бошлиғи этиб Худоёрхонов ўгли Исломбек Худоёрхонов сайланади.

6 мартдаги йиғилишда жадидлар томонидан шаҳар ижроия кўмитасига сайланган Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков ва бошқалар қайта сайланадилар. Бу халқ қурултойи мақомидаги йиғинда рус ишчиси ва аскарлари советларига ўхшаш маҳаллий халқ бошқаруви вакиллар ҳам сайланади. Кейинчалик бу ташкилот Мунавварқори таклифи билан «Шўрои Исломия», деб номланади. Бу йиғинда сайланганларга қадимчилар норози бўлганлари сабабли 13 мартда яна ўша Жоме масжидида катта халқ йиғини ўтказилади. Унга Мунавварқори, Абдулвоҳидқори, Саидрасул Маҳмуд Саидазизлардан иборат раёсат (президиум) раҳбарлик қилади. Тошкент шаҳар Ижрокўмитасига Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев — Шайхонтохур, Тошпўлатбек Норбўтабеков — Кўкча, Зайниддинхўжа Саримсоқ-Хўжаев Себзор, Абдусафийхон Фанихон ўгли Бешёғоч даҳаларидан вакил қилиб сайланади.

15 март куни «Шўрои Исломия»нинг биринчи ташкилий мажлиси бўлиб, унга Абдулвоҳидқори

Абдурауфқори ўгли раис, Мунавварқори Абдурашидхон ўгли эса муовин этиб сайланади. Кейинроқ эса Абдулвоҳидқори Шайхонтохур даҳасига қози бўлиб сайлангач, 6 апрелда унинг ўрнига Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев сайланади.

Апрелнинг бошларидан бошлаб «Шўрои исломия»нинг Ўш, Андижон, Фарғона (Скобелев), Туркистон, Мари, Самарқанд, Қўқон, Наманган ва бошқа шаҳарларда ҳам маҳаллий шўьбалари пайдо бўлади.

Бу сиёсий ҳокимият ташкилотларининг «Нажот» (1917 йил, март), «Кенгаш» (1917 йил, июн), «Шўрои Исломия» (1917 йил 16 май, Тошкент) «Эл байроғи» (1917 йил сентябр, Қўқон), «Хуррият» (1917 йил апрел, Самарқанд) каби газета ва журналлари чоп этилиб, улар мухторият, тенглик, эрк ва мустақиллик гояларини кенг ёядилар.

«Шўрои Исломия» ўз фаолиятини асосан қуйидагиларга қаратди:

- Туркистон мусулмонлари орасида сиёсий, илмий ва ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш гояларини кенг ёйиш;

- Туркистон мусулмонларини ягона гоя, маслак ва фикр асосида бирлаштириш чора-тадбирларини кўриш;

- бошқа мамлакатнинг мустақиллик ва демократияга асосланган бошқарув идора усули ва шаклларини ўрганиш, таъсис мажлисини ўтказишга тайёргарлик кўриш;

- Туркистоннинг ҳамма шаҳар, қишлоқ ва овулларида митинглар ўтказилиб, сиёсий, ижтимоий хутба (маъруза) лар ўқитиш;

- эски маъмурий раҳбарларни янгилари билан алмаштириш йўллари халққа тушунтириш;

- Туркистондаги барча миллат вакиллари орасидаги эски ихтилофларни бартараф этиш ва бўлажак ихтилофларнинг олдини олиш;

- турли миллат ва фирқалар билан алоқада бўлиб, мусулмон халқининг талабини ўз вакиллари орқали маълум қилмоқ, зарур бўлганда эса улардан ёрдам олмақ.

«Шўрои Исломия» томонидан Тошкентда 16-23 апрелда Умумтуркистон мусулмонларининг биринчи қурултойи чақирилади. Унда қуйидаги масалалар муҳокама қилинди: Муваққат ҳукуматга муносабат; Россиядаги бошқарув шакли ҳақида; Таъсис мажлисига тайёргарлик; Туркистонда маҳаллий фуқароларнинг бошқарув идораси; ўлкадаги диний-шариат муассасаларини янгилаш; диний маҳкама бошқармасини ташкил этиш; озиқ-овқат, урушга муносабат; уруш ортида ишлаётган мардикорлар; «Шўрои Исломия»нинг ўлка марказий ташкилотини ташкил этиш; «Шўрои Исломия»нинг ижроия қўмиталарига муносабат; Умумроссия мусулмонлари съездига делегатлар сайлаш; ер-сув масаласи.

Қурултой Россия конституциясини қайта ишлаш, Россия Федератив Демократик Республикаси таркибида миллий-ҳудудий-федератив демократик республика ташкил этиш ҳақида қарорлар қабул қилади. Шунингдек, қурултой Туркистон ўлка мусулмонларининг Марказий шўросини таъсис этади. Унга Мустафо Чўқаев раис, Заки Валидий Тўғон котиб этиб, Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехудий, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Ислом Шоаҳмедов ва бошқалар раёсат аъзоси бўлиб сайландилар.

Қурултойда қатнашган рус фирқалари вакиллари ҳам мухторият масаласини қўллаб-қувватлайдилар. 12 июнда Туркистон мусулмонларининг ўлка Марказий шўроси (Миллий маркази) мажлиси бўлиб, унда унинг Низоми қабул қилинади.

Миллий ҳокимият учун кураш авж олган бир пайтда жадидлар билан қадимчи уламолар ўртасида келишмовчилик жуда кескин тус олади. Уламолар 1917 йил июнда «Шўрои Исломия» дан ажралиб чиқиб, «Шўрои Уламо» ни ташкил этадилар. Бу билан улар миллий манфаат ва демократик ҳаракатга хиёнат қиладилар.

«Шўрои Уламо» ташкилоти ўзининг «Ал-Изоҳ» журналини ҳам ташкил этади. Бу журналда мутаассиблик билан бирга тараққийпарварликка оид

мақолалар ҳам босилиб туради. Уламочилар ҳам миллий истиқлол тарафдори бўлдилар. Лекин улар жадидлардаги дунёвийлик билан келиша олмай, жадидларни шариатга хиёнат қилишда ноҳақ айбладилар.

Жадидлар билан уламолар ўртасида келишмовчилик Тошкент шаҳар Думасидаги депутатлар орасида ҳам кучли бўлди.

Сентябр ойининг бошларига келиб большевиклар таъсирида рус ва ишчи аскар советлари Тошкентда ҳокимиятни ўз қўлига киритиш йўлида маҳаллий халқ манфаатини хаспўшлаши ҳокимият учун кураш масаласини жуда мураккаблаштириб юборди. Шунинг учун ҳам жадидлар ташаббуси билан 1917 йил 7-11 сентябрида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг иккинчи ўлка қурултойида кўрилган асосий масала маҳаллий ҳокимиятни ташкил этиш масаласи бўлди.

Қабул қилинган қарорда умумхалқ манфаатини тўла ифода этувчи коалицион ҳукумат тузиш ғояси олға сурилади. Бу тўғрисида «Туркистанские ведомости» газетаси шундай деб ёзади: «Туркистон мусулмонларининг иккинчи ўлка қурултойи ҳокимият ишчи ва деҳқон депутатлари советларига берилишига қаршилик билдиради. Ҳокимият коалицион, яъни умумхалқ ҳокимияти бўлмоғи ва мамлакатдаги барча кучларга суянмоғи лозим» (1917 йил 13 сентябр).

Қурултой большевикларнинг «Бутун ҳокимият советларга!» деган шиорига нисбатан жиддий норозилик билдиради. Коалицион ҳукумат масаласини Туркистондаги кўпчилик русийзабон аҳоли ва социал-демократик партиялар ҳам қўллаб-қувватлайдилар.

Жадидчилик ҳаракатининг сўл қанотига айланган «Шўрои Уламо» намояндалари ҳам Тошкентда (17-20 сентябрда) Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларининг қурултойини чақириб, большевикларнинг ҳокимият масаласидаги бир томонлама синфий қарашларига қаттиқ зарба берадилар. Ушбу қурултой қуйидаги қарорларни қабул қилади:

1. «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо» «Турон» ва Туркистон ҳамда Қозоғистондаги бошқа ҳамма

мусулмон ташкилотларини бирлаштирувчи «Иттифоқи-ул-муслимин» партиясини ташкил этиш.

2. Россия демократик республикаси таркибига кирувчи Туркистон Федератив Республикасини ташкил этиш.

Туркистон Федератив Республикасининг таркиби 12 кишилик Туркистон ўлка қўмитаси, 5 йиллик муддатга сайланувчи «Маҳками шаръия» (Парламент) ҳамда «Шайхул ислом» (Бош прокурор) дан иборат бўлиши белгиланади.

Қурултой ҳокимият тўғрисида қуйидагича қарор қабул қилди: «Туркистон ўлкасининг 98 фоиғ нуфусини ташкил этувчи 10 миллион мусулмон рус инқилоби эълон қилган Ҳуррият, Тенглик, Биродарлик асосларида миллий-маданий мухторият ҳуқуқига мутлақ равишда эга, маҳаллий ҳокимият биринчи навбатда мусулмон вакилларидан ҳам маълум миқдорда бошқа сиёсий ташкилотлар вакилларидан ташкил топиб, таъсис этилуви лозим. Ҳокимиятнинг тасодифий, ерли аҳоли манфаатига ёт бўлган кичик гуруҳлардан тузилган ишчи, аскар ва деҳқон ташкилотларининг қўлида жамлануви халқчиллик асосларига зиддир ва маҳаллий мусулмон халқига одил ҳаёт тузумини таъминлаб беруви амри маҳолдир».

Қурултойда очарчилик хавфининг олдини олиш учун 1917 йилда 50 фоиғга қисқартирилган пахта майдони бутунлай тугатилиб, ҳамма ерга фақат буғдой ва бошқа дон экилиши алоҳида кўрсатилди.

Ўлка мусулмонлари марказий шўроси — «Шўрои Исломия» (Миллий марказ) Тошкентда ҳокимиятни большевиклар босиб олишга тайёргарлик кўраётганларидан ташвишланиб, ҳокимиятни қандай йўл билан бўлса-да, қўлга киритиш учун бор имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Хулоса шуки, жадидчилик ҳаракати жуда қисқа муддатда, айниқса, рус феврал инқилоби ғалабасидан зўнғ энг таъсирчан ижтимоий-сиёсий кучга айланди. У миллатда ижтимоий-сиёсий онгни уйғотишга, истиқ-юлга ишонч руҳини тарбиялашга муваффақ бўлди.

Бу даврга келиб жадидлар нафақат мусулмон, балки русийзабон халқ орасида ҳам раҳбар куч сифатида катта нуфуз ва обрў-эътиборга эга эдилар. Улар асосан миллий демократик ва озодлик ҳаракатларига раҳбарлик қилдилар. Демократик Россия таркибида мухторият (автономия) ҳуқуқига асосланган миллий демократик ҳукуматни ташкил этиш ва шу асосда миллий давлатчилиқни тиклаш учун матбуотда мақолалар билан чиқдилар, омма орасида ташкилий-тарғибот ишларини жонлантирдилар. Буни русийзабон халқлар ва кўпчилик рус социал-демократик партия ва ташкилотлари ҳам қўллаб-қувватладилар.

IV. ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТЛАР ҲОКМРОНЛИГИ ДАВРИДА

13-МАВЗУ. ТУРКИСТОНДА МУСТАБИД СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНГА ҚАРШИ ҚУРОЛЛИ ҲАРАКАТ

1917 йил феврал инқилобининг Туркистонга таъсири.
Мухториятчилик ҳаракати

1917 йил 27 февралда Петроградда бўлган демократик инқилоб Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Туркистонда янги жамият куртакларини шакллантириш учун ҳаракат бошланиб кетди. Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўлка мухторияти масаласи асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият мақомини бериш ғояси нафақат демократик зиёлилар орасида, ҳатто оддий одамлар ўртасида ҳам анча оммалашган эди.

1917 йилнинг март-апрел ойлари ўлканинг сиёсий уйғонишида бурилиш даври бўлди. Туркистон жаҳидлари, миллий зиёлилари ва ислом уламоларининг етакчилари бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919), Мунаввар Қори (1878-1931), Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев (Убайдулла Хўжаев; 1882-1938), Фитрат (1886-1938), Файзулла Хўжаев (1896-1938), Садриддин Айний (1878-1954), Абдулвоҳид Бурҳонов (1875-1934), Мустафо Чўқай (1886-1941), Муҳаммаджон Тинишбоев (1879-1939), Шерали Лапин (1868-1919), Аҳмад Закий Валидий (1890-1970), Обиджон Маҳмудов (1858-1936) ўлкада янги ташкил қилинган «Шўрои Исломия» (1917 йил март), «Шўрои Уламо» (1917 йил июн), «Турон» жамиятлари ва «Турк адами Марказият (федералистлар) фирқаси» (1917 йил июл), «Иттифоқи муслимин» (1917 йил сентябр) сиёсий партияларининг тузилишида муҳим роль ўйнадилар.

1917 йил 7 апрелда Петрограддаги Муваққат ҳукумат қарори билан кадет Н.Н. Шчепкин раислигида

Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитети ташкил қилинди. Комитет таркибига 9 киши кирган бўлиб, уларнинг тўрттаси Алихон Букейхонов (1868-1937), М. Тинишбоев, Садри Мақсудов, А. Давлетшинлар туркий халқлар вакиллари эди. Кейинчалик Туркистон Комитетининг таркиби ўзгартирилди.

Жадидчилик 1917 йилда маърифатчилик ҳаракатидан сиёсий ҳаракат даражасига аллақачон кўтарилган эди. Ўша 1917 йилнинг ўзида тўрт марта Бутунтуркистон мусулмонлари қурултойи ўтказилди. 1917 йил 16-23 апрелда Тошкентда бўлган I қурултойда демократик Россия таркибида Туркистон Мухториятини ташкил этиш гоёси олға сурилди. Бу гоё Туркистон халқларининг ўз миллий давлатчилигини тиклаш йўлидаги дастлабки қадами эди.

Бутунтуркистон мусулмонлари I қурултойининг сўнгги мажлисида Марказий раҳбар орган — Туркистон ўлка мусулмонлари Кенгаши (Краймуссовет) ташкил этилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Уни тузишдан асосий мақсад миллий озодлик ҳаракатига ташкилий ва марғазлаштирилган хусусият касб этиш учун бчр-бири билан тарқоқ алоқада бўлган жамият, кўмита ва иттифоқларни бирлаштириш эди. Туркистон мусулмонлари Маркази Кенгашига Мустафо Чўқай раис, Валидий бош котиб, Мунаввар Қори, Беҳбудий, У. Хўжаев, О. Маҳмудов, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Ислом Шоаҳмедов ва бошқалар аъзо қилиб сайланди. Мунаввар Қори ва Садриддинхон Шарифхўжа Қози ўғли бошчилигида Тошкент кўмитаси тузилди. Шунингдек, Беҳбудий раҳбарлигида Самарқанд ва Носирхон тўра етакчилигида Фарғона бўлими ҳам ташкил топди. Марказий шўронинг органи сифатида «Нажот» (муҳаррири — Мунаввар Қори), кейинчалик «Кенгаш» (муҳаррири — Валидий) газеталари чиқа бошлади. Шунингдек, 1917 йилда нашр қилинган «Улуғ Туркистон», «Турон» газеталарида мухториятчилик гоёси билан суғорилган мақолалар чоп қилинди.

Шундай қилиб, 1917 йил баҳорида Туркистоннинг бирлиги ва яхлитлиги томон муҳим қадам ташланди. Тарихда илк марта Бутунтуркистон миқёсида мусулмонлар қурултойи чақирилиб, унда туб халқларнинг мухторият томон қатъий интилиши, ўз анъаналари, урф-одатлари ва турмуш тарзини изчил туриб ҳимоя қилиши айтилди. Бу манфаатларнинг ифодачиси бўлган Миллий марказ — Туркистон мусулмонлари Марказий Кенгаши ташкил этилди.

Афсуски, бирлашиш жараёнлари ҳар доим ҳам бир текис ривожланмади. Аср бошидан буён давом этаётган «жадид-қадим» низолари демократик ҳаракат сафларида парчаланиш юз беришига олиб келди. Маълумки, 1917 йил 14 мартда Тошкентда «Шўрои Исломия» ташкил топган эди. Аксарияти жадидлардан иборат бу ташкилот аъзолари Туркистон мустақиллиги учун кураш олиб бордилар. 1917 йил июн ойида Мунаввар Қори бошчилигидаги «Шўрои Исломия» ташкилотидан «Шўрои Уламо» ажралиб чиқди. Шерали Лапин унинг Тошкент шубҳасига асос етди. Орадан кўп вақт ўтмай, Қўқон шаҳрида ҳам «Шўрои Уламо» жамияти тузилди. Лекин икки жамият ўртасида ғоявий ихтилофлар мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан келиша олмасдилар. Чунки «Шўрои Уламо» жамияти ўз дастурида ислом динининг анъанавий асослари бўйича иш кўришини маълум қилса-да, аслида Лапин бошчилигидаги Тошкент уламочилари аввал рус монархияси, сўнгра большевизм ғоялари билан ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришга беҳуда уриндилар. «Шўрои Уламо» жамияти ўз мақсадлари тарғиботи учун «Ал-Изоҳ» журналинини чиқара бошлади (муҳаррири — Абдумалик ҳожи Набиев). Ҳар икки жамият ўртасида ғоявий кураш, хусусан, матбуот саҳифаларида авж олиб кетди.

1917 йил 10 сентябрда Тошкентда Бутунтуркистон мусулмонларининг II қурултойи очилди. «Шўрои

Исломия» ташаббуси билан чақирилган ушбу қурултой ҳокимиятни ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари советларига беришга қарши чиқди. Ушбу қурултойда қабул қилинган резолюцияларда миллий демократия ўзи тутадиган йўлнинг муҳим асосларини биринчи марта қатъий қилиб айтди: ҳукумат демократик сиёсат юргизадиган бўлса, ана шундагина мусулмонлар бу ҳукуматда иштирок этадилар. Иккинчи қурултойда фақат Миллий марказ — Туркистон мусулмонлари Марказий Кенгаши минтақадаги туб ерли аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин деган фикр қатъий қилиб қўйилди.

1917 йил 20 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларининг қурултойи «уламочилар» билан «шўрои исломчилар» ўртасидаги узоқ ва қизгин баҳсларга қарамай, ниҳоят, келишиш ва муроса йўлини топди. Қурултойда «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо», «Турон» ва бошқа сиёсий ташкилотларни бирлаштириш йўли билан бутун Туркистон минтақаси учун умумий бўлган «Иттифоқи муслимин» деган сиёсий партия тузишга қарор қилинди.

Қурултой ишидаги асосий масала Туркистон ўлкасининг бўлажак сиёсий тузумини белгилаш эди. Уша пайтда Тошкентда нашр қилинган «Улуғ Туркистон» газетасида ёзилишича, «Қурултой Мулла Муҳаммадхўжа эшон ва Мулла Сиддиқхўжа эшонларнинг бошқарув шакли ҳақидаги нутқларини тинглаб, дуою ижобат ила Туркистон Мухториятини тайин этишга жазм қилди». Қурултой мухториятга «Туркистон Федератив Республикаси» деган номни қўйиб, парламент республикаси асосида тузилажак бўлгуси давлат тузумининг бош тамойил ва меъёрларини белгилаб берди.

Шу тарзда Туркистонда мухторият ҳукумати юзага келмасдан анча олдин жамиятнинг кенг қатламлари вакиллари, илғор зиёлилар бу ҳаракатда фаол қатнашиб, унинг пойдеворини яратишга замин ҳозирладилар.

**Октябр тўнгаризи. Туркистонда мустабид совет
режимининг ўрнатилиши, большевикларнинг
шовинистик сиёсати**

1917 йил 25 октябрда (янги сана билан 7 ноябрда) курул кучига таянган В.И. Ленин бошчилигидаги большевиклар (коммунистлар) Петроградда Муваққат ҳукуматни ағдариб ташлаб, ҳокимиятни зўравонлик йўли билан эгаллашди. Россиянинг марказида юз берган воқеаларнинг акс-садоси орадан кўп ўтмай Туркистонга ҳам етиб келди.

28 октябрда Тошкентнинг янги шаҳарида европалик ишчилар ва солдатлар большевикларнинг кутқуси билан курулли тўқнашувларни бошлаб юборишди. Улар генерал Коровиченко қисмларидан устун келдилар. 1 ноябрда Коровиченко ва Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитети қамоққа олинди. Тошкентда зўравонлик йўли билан совет режими ўрнатилди.

Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, 1917 йилнинг кузига келиб, ўлка шаҳарлари, вилоятлари ва уездларида аҳолининг ҳокимиятни советларга ўтишиши талаб қилувчи фаол чиқишлари кузатилмаган. Аксинча, жойлардан келиб турган хабарлар ва телеграммаларда Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ҳақида гапирилар экан, большевиклар ва бошқа экстремистларнинг ҳокимиятни советларга бериш ҳақидаги талаблари фош этилар, мамлакат тақдирини ҳал қиладиган Таъсис Мажлисини чақириш гоёси маъқулланарди.

Демак, 1917 йил ноябр ойининг бошида большевиклар фақатгина курул кучига таянган ҳолда Тошкент шаҳрида ҳокимиятни қўлга киритишди. Бу ҳолни архивларда сақланиб қолган ўша даврга оид кўплаб расмий ҳужжатлар ҳам исботлайди. Туркистон республикаси раҳбарларидан бири кейинчалик қуйидаги фикрни эътироф этишга мажбур бўлган эди: «Туркистон бир неча ўн йиллар мобайнида чоризм

мустамлакаси бўлиб келди ва бу ҳол барча ижтимоий кайфият ва муносабатларда ўзининг ўчмас муҳрини қолдирди. Самодержавие томонидан олиб борилган мустамлакачилик кайфияти ва сиёсати амалдорлар ва хизматчи унсурлардан ташқари ҳатто рус темир йўлчиларига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Шунинг учун тўнтаришнинг бошидаёқ совет ҳокимиятини бу ерда фақат рус кишилари амалга оширди. Туб аҳолидан эса мустамлакачи маҳаллий ҳокимиятга алоқадор кишиларгина унда қатнашиши мумкин бўлиб, туб аҳолининг қолган қисми учун бу ғоялар бегона ва тушунарсиз эди».

1917 йил 15-22 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўлка ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг III съездида 15 кишидан иборат ҳукумат — Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети тузилди, унда 8 ўрин сўл эсерларга, 7 ўрин большевиклар билан максималистларга берилди. Бироқ ҳукумат фақат европаликлардан иборат бўлди. Туркистон ХКС раиси лавозимини касби чизмачи бўлган большевик Ф. Колесов эгаллади, ҳарбий комиссар қилиб извошчи Перфильев, бошқа комиссарлик лавозимларига ҳам шунга ўхшаганлар тайинландилар. Ҳукумат таркибига туб аҳоли вакилларидан битта ҳам вакил киритилмади. Бу тасодифий ҳол эмас эди.

Туркистонда сўл инқилобий сиёсий гуруҳлар, уларнинг намоёндаларидан тузилган ҳукумат, биринчи галда большевиклар моҳиятан чоризм мустамлакачилик сиёсатига амал қилдилар. Шу билан бирга октябр тўнтаришидан кейин Россияда бўлгани сингари, Туркистонда ҳам инқилобий ақидаларга, энг аввало синфийлик тамойилларига амал қилинди. Асосий инқилобий куч — пролетариат ва камбағал деҳқонлар, аҳолининг бошқа қатламлари эса реакцион ва эксплуататор гуруҳлар деб эълон қилинди. Мулкдорлар — эксплуататорлар, эзувчилар; миллий зиёлилар, ўқи-мишли, обрў-эътиборли халқ вакиллари — миллий

буржуазия корчалонлари ва малайлари; ислом дини раҳнамолари — реакцион оқим деб, уларга қарши аёвсиз кураш бошлаб юборилди.

Туркистон ўлкасидаги дастлабки совет ҳукуматининг зиддиятли таркиби минтақада европалик аҳоли ҳукмронлигини мустаҳкамлашга қаратилган эди. Йўқотилиши интизорлик билан кутилган мустамлакачилик янгича асосда бошланиб кетди. «Туркистондаги мустамлакачилик ҳатто совет ҳокимияти тараққиётининг бутун бир йўналишини белгилаб берди», деб кейинчалик тан олган эди Г. Сафаров.

Маҳаллий миллатларнинг сиёсий жараёнга аралаштирилмаганлиги ўлка халқларининг совет ҳокимиятига бўлган ишончсизлигини янада кучайтирди. Ҳатто Туркистондаги европалик аҳолининг демократик қатламлари ҳам большевиклар ва сўл эсерларнинг бундай маккорона сиёсатига қарши чиқдилар. Ҳукумат тузишда улуг давлатчилик шовинизми ақидаларига амал қилинганлиги янги ҳокимиятнинг сиёсий фаолиятини олдиндан белгилаб берди.

Ҳокимият большевиклар қўлига ўтиши билан ўлкада Муваққат ҳукуматнинг барча бўғинлари тугатилиб, ўрнига аввало жазо органлари ва совет бошқарув тизими ўрнатилди. Бу тасодифий ҳол бўлмасдан, большевиклар ҳукмронлиги нафақат ағдарилган синфлар, балки большевиклар билан келишмайдиган маҳаллий аҳолининг катта қисми устидан зўравонлик ўрнатилгандагина сақланиб қолиши мумкин эди. Туркистон ХКС 1917 йил 28 ноябрда ўлкада қизил гвардия бўлинмалари тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу бўлинмалар совет режими ва большевикларга қарши кўтарилган дастлабки стихияли чиқишларни бостиришда фаол иштирок қилди. Шу вақтнинг ўзида Бутунроссия Фавқулодда комиссия (чека) органлари ва инқилобий трибуналар ташкил этилди. Пролетариат диктатурасининг бу жазо органлари озодлик ва демократияни

бўғишда, ўзгача фикрлайдиган кишиларни қатагон қилишда муҳим қурол бўлди ва Ватанимизнинг янги тарихида ўзининг машғум асоратларини қолдирди.

Туркистон ХКС 1917 йил охирларида ўз қарори билан «Шўрои Исломия» ва бошқа маҳаллий демократик ташкилотларни тарқатиб юборди. Бу ташкилотларнинг раҳбарлари кейинчалик Туркистон Мухторияти ҳукуматига қўшилдилар, айримлари истиқ-долчилик ҳаракатига ғоявий раҳнамолик қилдилар. Шуниси характерлики, «Шўрои Уламо» ташкилотининг Тошкент шубҳаси фақат 1918 йил 13 майда ёпиб қўйилди.

Шундай қилиб, даставвал Россия марказида қарор топган совет режими Туркистон ўлкасида ҳам ўрнатилди. Зўравонлик ва халқларни эзишга қаратилган совет режими ўзининг илк кунларидан бошлаб Туркистондаги туб халқларга нисбатан мустамлакачилик сиёсатини юритди. Чор Россия-сининг мустамлакачилик тизими совет Россияси даврида янада такомиллаштирилди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг фаолияти

Сиёсий партиялар тузилиши, улар томонидан дастурий ҳужжатлар қабул қилиниши Туркистонда миллий ҳаракатнинг кенг қулоч ёйганидан далолат берар эди. Бирок, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Петрограддаги октябр тўнтариши оқибатида 1917 йил октябр-ноябр ойларида Туркистон ўлкасида, хусусан, Тошкент ва Қўқонда юз берган воқеалар миллий озодлик ҳаракатини бутунлай бошқа йўналишдан кетишга мажбур қилди.

1917 йил 26-28 ноябрда (янги ҳисоб билан 9-11 декабрда) Қўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқуллодда IV қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой ишининг бутун тафсилотлари ўша давр газеталарига тарих учун муҳрлаб қўйилган.

Мустафо Чўқай қурултойни очар экан, Россия ва Туркистоннинг сиёсий ва иқтисодий аҳволи хусусида

қисқача маълумот беради. Унинг айтишича, Марказда юз бераётган воқеалар, чекка ўлкаларни ва шу билан бирга Буюк миллий инқилобни қутқарув йўлларини мустақил муҳокама этувини тақозо қилур. Октябр хунрезлигини бошдан кечирган Россия ва Туркистон ўз тақдирлари ҳақида мулоҳаза юритмоқлари лозим.

Маълумки, мусулмонларнинг ушбу нуфузли қурултойи ва унда қабул қилинган қарорлар ўн йиллар давомида миллатчилар гуруҳининг йиғинидан эълон қилинган буржуа мухторияти деб нотўғри талқин қилиб келинди. Ҳужжатлар эса ушбу ҳолнинг бутунлай акси бўлганлигини исботлайди. Масалан, Туркистон жадидларининг отаси саналган Беҳбудий ўз маърузасида қурултойнинг Туркистон халқлари тарихида улкан ижобий, тарихий ҳодиса ва бурилиш даври эканлигини таъкидлаб, «Қурултойимиз қабул қилаётган қарорлар шунинг учун ҳам аҳамиятлики, унда Туркистон аҳолисининг европалик вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар», дейди. Беҳбудий ва Обиджон Маҳмудов қурултой ҳайъатида мусулмонлар билан бир қаторда бошқа миллий гуруҳларнинг ҳам вакиллари бўлишини ёқлаб чиқди.

Туркистонни бошқариш шакли уч кун давом этган қурултойнинг диққат марказида турди. Бу масала муҳокамасида сўзга чиққанларнинг кўпчилиги Туркистоннинг мухтор республика деб эълон қилиниши ўлка аҳолисининг ижтимоий мақсадларидан келиб чиққан ва унга мос тушишини уқтирди. **Мухторият** ва мустақиллик эълон қилиш фикрини ҳамма қўллаб-қувватлади.

Қурултойда 1917 йил 27 ноябр (янги ҳисоб билан 10 декабр) кун и кечқурун қабул қилинган қарорда шундай дейилади: «Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Федератив Россия Республикаси таркибида худудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилади, шу билан бирга мухториятнинг қарор топиш шаклларини Таъсис

Мажлисига ҳавола этади». Курултой Туркистонда яшаб турган миллий озчилик ҳуқуқларининг муттасил ҳимоя қилинишини тантанали равишда эълон қилди.

28 ноябр (янги ҳисоб билан 11 декабр) да таркиб топаётган мазкур давлатнинг номи аниқланиб, **Туркистон Мухторияти**, деб аталадиган бўлди. Курултой ўша кунни йигилишда Бутунроссия Таъсис Мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимият Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон Халқ (Миллат) Мажлиси қўлида бўлиши керак, деб қарор қабул қилди.

Курултойда Туркистон Муваққат Кенгаши аъзоларидан 8 кишидан иборат таркибда Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилди. Ҳукуматнинг Бош вазири ҳамда ички ишлар вазири этиб Муҳаммаджон Тинишбоев сайланди. Ислом Султон ўғли Шоаҳмедов — Бош вазир ўринбосари, Мустафо Чўқай — ташқи ишлар вазири, Убайдулла Хўжаев — ҳарбий вазир, Ҳидоятбек Юрғули Агаев — ер ва сув бойликлари вазири, Обиджон Маҳмудов — озиқ-овқат вазири, Абдурахмон Ҳўрозаев — ички ишлар вазирининг ўринбосари, Соломон Абрамович Герцфельд — молия вазири лавозимларини эгаллашди. Ҳукумат таркибида кейинчалик айрим ўзгаришлар юз берди. Мустафо Чўқай Бош вазир лавозимини бажаришга киришди. Вазирлардан уч киши олий маълумотли ҳуқуқшунос, икки киши ўртача малакали ҳуқуқшунос эканлиги мухторият ҳукумати аъзолари билим даражасининг нақадар юқори эканидан далолат беради.

Курултойда 28 ноябр кунини Туркистон Миллат Мажлиси очилиши тўғрисидаги қарор ҳам тасдиқланди. Миллат Мажлиси 54 нафар аъзодан иборат бўлиб, курултой қарорига биноан «36 нафар мусулмонлар ва 18 нафар ғайри мусулмонлардан сайланадур. 36 мусулмон вакиллари Туркистоннинг 5 вилоятдан бўлиб: Фарғона — 10 нафар, Самарқанд — 5 нафар, Сирдарё — 9 нафар, Еттисув — 6 нафар, Закаспий — 2 нафар; 4 нафар эса бутун Туркистон шаҳар думалари тарафидан тайин бўлурлар». 18 нафар ўрин эса

Ўлканинг европалик ташкилот ва фуқароларига, жумладан, темирйўлчилар иттифоқи, ишчи ва солдат депутатлари совети, социал-демократлар, дашноқ-цутюн, ерлик жухудлар, яхудийлар, эсерлар, украинлар, поляклар вакиллари ва бошқаларга берилиши кўзда тутилган эди. Демак, ташкил этилаётган ҳукумат таркибига турли сиёсий ва миллий гуруҳлар вакилларининг қатнашуви кўзда тутилди. Демократик руҳдаги миллий зиёлилар қурултойда қабул қилинган дастурий ҳужжатларга ўзига хослиги билан ажралиб турадиган халқчил ва демократик ғояларни киритишди.

Қурултой жараёнида Туркистон Миллат Мажлиси 32 кишидан иборат қилиб сайланди. «Шўрои Уламо»нинг раҳбари Шерали Лапин Миллат Мажлиси таркибига унинг раиси сифатида киритилган бўлса ҳам, ammo унинг ўзи бу таклифни рад этди.

Қурултой тугагач, 1 декабрда Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукумати аъзолари (барча 8 киши) имзолаган махсус Мурожаатнома эълон қилинди. Ушбу Мурожаатномада Туркистондаги барча аҳоли, ирқи, миллати, дини, жинси, ёши ва сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, яқдиллик ва ҳамжиҳатликка даъват этилган эди.

Орадан кўп ўтмай Миллат Мажлиси томонидан тасдиқланган қонунлар эълон қилинди, шунингдек, янги ҳукумат мамлакат Конституциясини тайёрлаш учун таниқли ҳуқуқшуносларни жалб қилди. «Эл байроғи», «Бирлик туғи», «Свободный Туркестан», «Известия Временного Правительства Автономного Туркестана» каби ҳукумат газеталари ўзбек, қозоқ ва рус тилларида нашр қилина бошланди. Аввал чиқаётган «Улуғ Туркистон» газетаси ҳам ўз саҳифаларида мухторият ҳукумати фаолиятига алоҳида ўрин бера бошлади. Нашр ишларини яхшилаш учун О. Маҳмудовнинг босмаҳонаси ҳукумат ихтиёрига ўтди. Мухторият ҳукумати миллий кўшинни ташкил қилишга киришди. 1918 йил бошида бу кўшин сафларида бир мингдан ортиқ аскар бўлган. Ҳарбий вазир Убайдулла Хўжаев иштирокида ўтказилган кўрик-парад вақтида

аскарлар сони 2000 кишига етган. Бундан ташқари Қўқонда тахминан шунча миршаблар бор эди. Ҳукумат иқтисодий соҳада 30 миллион сўм миқдорда ички заём чиқаришни йўлга қўйди. Чунки газеталарни нашр қилиш, мухторият қўшинларининг таъминоти ва ҳукуматнинг ички харажатлари учун маблағ зарур эди. Шунингдек, ҳукумат аъзолари очлик чангалида қолган Туркистон аҳолисига Оренбург орқали ғалла келтириш муаммосини ҳал қилиш учун ҳам амалий қадамлар ташлади. Туркистон Мухторияти ҳукумати қисқа муддат ичида халқ ўртасида катта эътибор қозонди. Янги ҳукумат фаолияти фақат Қўқонда ёхуд Фарғона водийсида эмас, балки бутун Туркистон минтақасида яшаётган туб ерли халқлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Фитрат, Чўлпон, Ҳамза мухторият ҳукуматини алқаб, ўтли шеърлар битишди. Фитрат мухторият эълон қилинган 27 ноябр (10декабр) тунини «Миллий Лайлатулқадримиз» деб атади. Аллома Фитратнинг бу сўзларида олам-олам маъно мужассамлашган.

Туркистон халқининг мухторият учун олиб борган курашида 1917 йил 13 декабрда бўлиб ўтган фожиали воқеалар муҳим ўрин тутди. Уша куни Тошкентда эски шаҳар аҳолиси «Мухтор Туркистон учун!» шиори остида тинч байрам намойишини ўтказди. Аммо Тошкент Советидаги большевиклар шаҳарда қуроли куч билан тартиб ўрнатишга буйруқ берадилар. Оқибатда тинч намойиш қатнашчилари пулемётдан ўққа тутилди, эски шаҳарлик 16 киши ана шу тўқнашув қурбони бўлди.

Мухтор ҳукуматнинг халқ ўртасидаги обрў-эътибори ва нуфузи большевикларни ташвишга солиб қўйди. 1918 йил 19-26 январ (янги ҳисоб билан 1-8 феврал) да Тошкентда бўлган Туркистон ўлкаси ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг фавқулодда IV съездида мухторият масаласи асосий ўринда турди. Съезд Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолатда деб, ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқарди.

Большевиклар ўзларининг бу қабиҳ ва мудҳиш «хукми»ни амалга оширишга зудлик билан киришдилар.

30 январ (янги ҳисоб билан 12 феврал) да Туркистон ХКС мухторият ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Туркистон большевиклари бунинг учун қизил аскарлардан ташқари арманларнинг «Дашноқутюн» партияси аъзоларидан тузилган қуролли тўдалардан ҳам кенг фойдаланди. Уларга қарши дастлабки жангда мухториятнинг миллий кўшинидан ташқари қўқонлик тинч аҳоли вакиллари ҳам қатнашди. Асосан болта, чўкич, таёқ кўтарган халойиқнинг сони 10000 кишига етди. Шунга қарамай, қуролсиз бу кишилар қизил аскарларнинг Қўқон шаҳрига ҳужумини уч кун давомида мардонавор қайтардилар. Шаҳар устига уч кун давомида тўплардан ёндирувчи снарядлар отилди. Мухторият кўшинининг тирик қолган қисми Кичик Эргаш қўрбоши бошчилигида шаҳардан чиқиб кетди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати қизил аскарлар ва дашноқларнинг қонли ҳужумлари оқибатида ағдариб ташланди. Аммо Қўқон ва унинг атрофидаги тинч аҳолини талаш, ўлдириш авжига чиқди. Фақат Қўқоннинг ўзида уч кун давомида 10000 киши ўлдирилди. Шаҳар буткул вайронага айлантирилди.

Ҳукумат бошлиғи Мустафо Чўқай шаҳарни тарк этиб, яширинишга мажбур бўлди. Вазирларнинг айримлари ҳалок бўлди. Баъзиларини большевиклар қўлга олишди.

«Улуғ Туркистон» газетаси чуқур қайғу билан хабар берганидек, «20 (эски ҳисоб билан 7) феврал Хўқанд (Қўқон) тарихининг энг даҳшатли куни эди. Арманилар айрича фаолият кўрсатганлар...». Газетадаги ушбу мақола «Хўқанд ҳозир ўликлар шаҳри», деган даҳшатли ибора билан тугайди.

Ниҳоят, 1918 йил 22 (эски ҳисоб билан 9) февралда Қўқон шаҳридаги Рус-Осиё банки биносида большевиклар томонидан тайёрланган «тинчлик шартнома» имзоланди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати атиги 72 кун умр кўрган бўлса ҳам, у эрксевар халқимизни миллий мустақиллик ва истиқлол учун курашга даъват этди. 1918 йилнинг эрта баҳорида аввал Фарғона водийсида, сўнгра бугун Туркистонда истиқлолчилик ҳаракати бошланди. Аммо бу даврга келиб Туркистон Мухториятини тор-мор этиб, ўлкада якка ҳукмрон бўлган, қурол ва зўравонликка таянган большевиклар минтақада советча андозадаги автономия (мухторият) ни ташкил этишга киришган эдилар.

1918 йил январ ойидаёқ большевиклар Туркистон Мухториятига қарши Туркистон автономиясини тузиш масаласини кўтаришган эди. Бу муаммо фақат Туркистон Советларининг V съездида (1918 йил 20 апрел-1 май) ҳал қилинди. Съезд Россия Совет Социалистик Федерацияси таркибида Туркистон республикаси (тарихий адабиётларда Туркистон автоном республикаси) ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Туркистон республикасининг Марказий Ижроия Комитети (МИК) ва ХКС сайланди. Улар таркибига илк марта туб миллатларнинг вакиллари киритилди. Шунингдек, съездда саноат корхоналарини национализация (мусодара) қилиш ва бошқа айрим масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Шундай қилиб, совет Россияси таркибида Туркистон автоном республикаси ташкил қилинди.

Туркистон республикаси ХКС ва МИК ичида ҳокимият учун ўзаро курашлар, можаролар ва жанжаллар авжига чиқди. Октябр ойида Туркистон ХКС раиси Ф. Колесов ва бошқа айрим амалдорлар эгаллаган лавозимидан бўшатиildi.

1919 йил 19 январда ҳарбий комиссар К. Осипов бошчилигида Тошкентда исён кўтарилди. К. Осиповнинг буйруғи билан 14 комиссар отиб ташланди. Исёнчилар томонидан совет ҳокимияти ағдарилди, ҳокимият масаласи Таъсис Мажлисида ҳал қилинади, деб эълон қилинди. Бироқ исён Тошкент темир йўл устахоналари ишчилари ва бошқа ҳарбий қисмлар томонидан тезда бостирилди. К. Осипов аввал Фарғона

водийсига, сўнгра Бухоро амирлигига қочиб кетди. Бу исён баҳонасида большевиклар 1919 йил март ойи бошида сўл эсерларни ҳукуматдан сиқиб чиқариб, яқка ўзлари ҳукмрон бўлиб олдилар.

1919 йил 8 октябрда Москвада Турккомиссия (Россиянинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси) ташкил қилиниб, у Тошкентга жўнатилди. Турккомиссия, кейинчалик тузилган Туркбюро ва Ўрта Осиё бюроси каби турли комиссия ва бюролар мунтазам равишда Россия Марказидан Туркистонга жўнатиб турилди. Марказ ўзининг бу фавқулодда органлари орқали Туркистон минтақасини бошқаришга, маҳаллий халқларни мустамлакачилик асоратида ушлаб туришга интилди.

Бу пайтда бутун Россияда бўлгани сингари Туркистон республикасида ҳам «ҳарбий коммунизм» сиёсати жорий қилинди. Бу сиёсат ўз моҳиятига кўра халққа қарши қаратилган эди. У хусусан деҳқонларга катта зарба бўлиб тушди. Туркистонда ҳам совет режими бир қатор декретлар чиқариб, озиқ-овқат развёрсткаси (тақсимоти) ни жорий қилди. Аслини олганда, деҳқондан у етиштирган маҳсулотнинг деярли ҳаммаси тортиб олинди. Бозорлар ёпилди, саёдо-сотик тақиқланди. 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган барча эркак ва аёллар учун меҳнат мажбурияти жорий қилинди. Совет режимининг бундай мустамлакачилик сиёсати оқибатида истиқлолчилик ҳаракати минтақада кучайиб, авж олиб кетди.

Туркистон минтақасида совет ҳокимиятига қарши қуроли ҳаракат ва унинг тарихий аҳамияти

Туркистонда октябр тўнтаришидан кейин содир бўлган воқеалар жараёни шунини кўрсатадики, большевиклар ўрнатган совет режими ўлка халқларига нафақат мустақиллик, ҳатто миллий мухториятни ҳам раво кўрмади. Мустақиллик осонликча қўлга киритилмаслигини тушуниб етган миллий ватанпарварлар қўлга қурол олиб, большевиклар ва босқинчи қизил армияга қарши қуроли ҳаракат

бошлаб юбордилар. Бироқ совет режими ва коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида уларга «босмачи» деб ноҳақ тамға босилди.

Ушбу ўринда «босмачи» сўзининг моҳияти хусусида тўхталмасдан ўтиб бўлмайди. «Босмачи» сўзи аслида «босмоқ» феълидан олинган. Аслини олганда Фарғона водийсида, умуман, бутун Туркистон ҳудудида подшо ва советлар Россияси — большевикларга қарши қуролли кураш олиб борган туркистонликлар ўзларини ҳеч қачон «босмачилар» деб аташмаган. «Босмачи» деб халқ ўртасида ҳарбий соҳага алоқаси бўлмаган жиноятчи унсурлар, «ўғри» ва «безорилар тўдаси» тушуниланган. Шу билан бирга бировларнинг юртини босиб олган босқинчиларни ҳам «босмачилар» деб аташ мантиқан тўғри келади. Бу ҳаракат ҳақида сўз юритилган 1918-1919 йилларнинг ўрталаригача бўлган даврга тегишли архив ҳужжатларида ҳам «босмачи» сўзи учрамайди. Бу ҳужжатларда «қароқчи» (разбойник), «шайка», жуда бўлмаса «босқинчи» (бандит) иборалари қўлланилган. 1919 йилнинг ўрталаридан бошлаб аввал айрим расмий ҳужжатларда, кейинчалик эса совет вақтли матбуотида «босмачи» иборасини қўллаш бошланган. «Босмачи» ва «босмачилик» иборалари миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини пасайтириш, аждодларимизнинг Россия зулми ва большевиклар ҳукмронлигига қарши олиб борган қонли курашларини хаспўшлаш учун буюк давлатчи шовинистлар томонидан ўйлаб топилди ва «бандитлик», «қароқчилик» сўзлари билан асоссиз равишда бир қаторга қўйилди. Коммунизм мафкурачилари ва уларнинг маддоҳлари ҳатто 1917 йилгача бўлган миллий озодлик ҳаракатларини ҳам кўп ҳолларда шу атама билан номладилар.

Хайриятки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, «босмачи» ёрлиғи ёпиштирилган отабоболаримизнинг муборак номлари қайта тикланди ва уларнинг ҳақиқий қиёфалари истиқдолчилар сифатида намоён бўлди.

Советларга қарши ҳаракат «Туркистон Мухторияти ҳукумагининг тор-мор қилиниши билан бошлан-

ганлиги» деярли барча тарихчиларнинг асарларида эътироф қилинади. Аслини олганда, мухторият ҳукумати ағдариб ташланмаганида ҳам ёки бу ҳукумат ҳатто мутлақо бўлмаганида ҳам бу ҳаракатнинг вужудга келиши табиий бир ҳол эди. Зотан, бу даврда Туркистонда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат бошланишини муқаррар қилиб қўйган эди. Чунки Туркистонда бу ҳаракатнинг бошланиши учун мухториятнинг тормор қилиниши билан бирга бошқа бир қатор жиддий сабаблар ҳам мавжуд эди.

Биринчидан, 1917 йилда содир бўлган октябр тўнтариши ва бунинг натижасида ҳокимиятни қўлга киритган большевиклар томонидан илгари сурилган коммунистик мафкура Туркистон халқлари учун мутлақо ёт тушунча эди. Маҳаллий аҳоли бу гоёни аввал бошданок ўзига сингдира олмади ва унга қарши турди.

Иккинчидан, совет ҳукумати ўрнатилган дастлабки даврда ҳокимиятни бошқаришга маҳаллий халқ вакиллари жалб қилинмади, уларнинг миллий гурури, ҳақ-ҳуқуқи инкор қилинди. Туркистонда большевиклар томонидан ўрнатилган совет режими чор Россияси мустамлакачилигининг янги шакли эканлиги ўша дастлабки кунларданок ошкор бўлган эди.

Учинчидан, янги тузум ўрнатилган илк кунларданок маҳаллий халқнинг асрлар давомида шакланган урф-одатлари, миллий қадриятлари топталди. Шариат асослари ва қозихоналар бекор қилинди, вақф ерлари тортиб олинди, мулкчиликнинг барча шаклига чек қўйилди.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тугатилиши бу ҳаракатнинг бутун Фарғона водийсида оммавий равишда бошланишига бир тўртки вазифасини ўтади, холос. Чор Россиясининг мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган фарғоналиклар Туркистонда биринчи бўлиб большевиклар режимига қарши қуролли курашга отландилар. Шу тариқа, Туркистонда совет ҳокимияти ва большевикча режимга қарши қуролли ҳаракат 1918 йил феврал ойининг охирларида бошланган эди.

Бу ҳаракатнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деҳқонлар, чорикорлар, мардикорлар, ҳунармандлар ва косиблар бўлган. Туркистон республикаси раҳбарларидан бирининг эътироф этишича, унга асосан деҳқонлар ва ҳунармандлар қатнашди. Уларга шаҳар аҳолисининг аксарият қисми — ўзига тўқ бадавлат оилаларнинг вакиллари, савдогарлар, ислом дини арбоблари ҳамда баъзи бойлар қўшилди. Ҳаракат қатнашчилари сафида оқ-қорани тушунган саводхон кишилар — зиёлилар ҳам кўпчиликни ташкил қилар эди ва улар жадидлар орасидан ажралиб чиққан Туркистон мунавварлари ва муборизлари эди. Бир сўз билан айтганда, улар сафида халқнинг барча табақасига мансуб кишилар бор эди.

Дастлабки гуруҳларнинг ташкил топиши Кичик Эргаш (тахминан 1885-1918) ва Катта Эргаш (тахминан 1880-1921) нинг номлари билан боғлиқдир.

1918 йил 27 февралда Қўқон атрофидаги Бачқирда бўлган жанглارнинг бирида Кичик Эргаш шаҳид бўлгач, унинг ўрнига Катта Эргаш (уни Мулла Эргаш ҳам дейишган) Фарғона водийсида большевикларнинг мустамлакачилик тартибига қарши озодлик байроғини кўтарди. Қўқон уездидаги ҳаракатнинг дастлабки таянч нуқтаси Бачқир эди. 1918 йил март ойининг охирига келиб Катта Эргашнинг номи Фарғона водийси аҳолиси ўртасида жуда машҳур бўлиб кетди.

Марғилонда эса милициянинг собиқ бошлиғи Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли-Мадаминбек (1892-1920) кураш бошлади. «Ўз олдига совет ҳокимиятини ағдариш ва Фарғона мухториятини тиклаш вазифасини қўйган Мадаминбек устумон сиёсатчи ва уддабурон ташкилотчи фазилатларига эга эди», деб тан олинади 1918 йилга оид архив ҳужжатларининг бирида.

Фарғона водийсида 1918 йилнинг ўрталарига келиб, тахминан юзга яқин қўрбошилар ўз дасталари билан қизил армия қисмларига қарши кураш олиб бордилар. Бу гуруҳларда 15000 йигит бор эди.

Туркистондаги бу ҳаракатнинг ўзига хос миллий кўриниши ва хусусиятлари мавжуд бўлган. Бу хусусиятлар ҳаракатдаги кўрбошилар дасталари ва гуруҳлари фаолиятида, уларнинг мақсад ва истакларида ўз ифодасини топган бўлиб, унда ислом шариати қонун-қоидалари асосидаги миллий давлат барпо қилишдан тортиб, то миллий демократик тартибдаги мустақил давлат тузишгача каби ғоялар мужас-самлашган эди.

Туркистон минтақасидаги мазкур ҳаракатнинг муҳим хусусияти шундаки, бу ҳаракатда мақсадлар ва вазифалар қандай бўлишидан қатъи назар бошдан охиригача бир устувор ғоя — Туркистоннинг миллий мустақиллиги ётади. Бу ҳаракат гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб туришига қарамай, унда иштирок этувчиларнинг таркиби ўзгариб туриши ва иккиламчи манфаатлар ўртада турганлиги ҳамда объектив ва субъектив омиллар кучлар мувозанатига салбий таъсир қилишига қарамай, ҳаракатнинг асосий мақсади Туркистон мустақиллиги бўлиб қолаверди.

Туркистондаги бу ҳаракатнинг уюшган бир шаклда намоён бўлишида кўрбошилар кўрсатган ғайрат-шижоатни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Кўрбошилар ҳаракатнинг ҳарбий раҳбарлари бўлиб, улар ўз жанговарликлари билан машҳур эдилар. Ўз вақтида Фарғона водийсида Кичик Эргаш, Катта Эргаш, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Муҳиддинбек, Ислон Полвон, Ёрмат Махсум, Самарқанд вилоятида Очилбек, Баҳромбек, Бухоро республикасида Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳҳор, Анвар Пошо, Салим Пошо, Давлатмандбек, Фузайл Махдум, Хоразм республикасида Жунаидхон каби кўрбошилар бу ҳаракатни ягона кучга бирлаштириш учун раҳбарликни бирин-кетин ўз қўлларига олсалар-да, лекин Туркистон минтақасидаги қуролли ҳаракат бошдан охиригача ягона марказга тўлиқ уюша олмади. Туркистон фидойиларининг озодлик ҳаракатини ягона марказга бирлаштириш учун изчил курашаётган Мадаминбек билан Анвар Пошонинг тақдирлари эса фожiali тугади.

Фарғона водийсидаги бу ҳаракат 1919 йил ёзининг охири ва кузида ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Мадаминбек бошчилигидаги истиқлолчилар сафига Жалолободда турган рус крестьянлари армиясининг қўшилиши водийда совет ҳокимиятини ағдариш учун реал куч эди. Сентябрь ойининг дастлабки кунларида Мадаминбек лашқарлари Жалолобод ва Ўш шаҳарларини эгаллашди. Улар 13 сентябр Эски Марғилон шаҳрини қизил босқинчилардан озод қилдилар. Шу билан бирга водийдаги энг йирик стратегик шаҳар — Андижонни қамал қилишга киришдилар. Мадаминбек бошчилигидаги қўшиннинг ҳужуми Фарғона водийсини ларзага келтирди. 1919 йил 22 октябрда Помирнинг Эргаштом (Иркештам) овулида бўлган анжуманда Мадаминбек бошчилигида Фарғона муваққат мухторият ҳукумати тузилди. Ҳукумат таркибига 16 туб аҳоли ва 8 европалик киритилди. Мадаминбек ҳукумат бошлиғи бўлиш билан бир қаторда Фарғона водийсидаги бу ҳаракатнинг Олий бош қўмондони ҳам этиб сайланди.

1919 йилнинг кеч кузига келиб Мадаминбек қўл остида 30000га яқин йигит қизил армияга қарши жанглари олиб бордилар. Бу пайтда Шермухаммадбек қўл остида 20000, Катта Эргаш қўрбошида 8000 аскар бўлган. Ана шу учта лашқарбоши водийдаги жанговар ҳаракатларни йўналтириб турдилар.

Мадаминбек сиймосида саркардалик, давлат ва сиёсат арбобига хос сифатлар уйғунлашган эди. У водийдаги совет ҳокимияти органларига муқобил равишда ўз сиёсий бошқарув усулини жорий қилди. «У бизнинг раҳбарлик фаолиятимизда йўл қўйган хато ва камчиликларимиздан усталик билан фойдаланарди. Унинг бошқарув аппарати, ўзининг трибунали ва генштаби бўлган; у қонунлар чиқарган», деб эътироф этади Мадаминбекка қарши курашган душманларидан бири қизил комиссар Граматович.

Туркистондаги бу ҳаракат 1920 йилнинг ёзи ва кузида ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Кураш яна ҳам шафқатсиз ва муросасиз тус олди. Фарғона

водийси ва Самарқанд вилоятидаги ватанпарварлар билан бир қаторда эндиликда Хоразм ва Бухоро республикаларидаги муҳолифатчилар ҳам босқинчи қизил армия жангчиларига қарши муқаддас курашга отландилар. Кураш байроғини водийда Мадаминбек ўрнига энди Шермуҳаммадбек кўтарди. Фарғона водийсидаги бутун кўрбошилар ва тинч аҳоли вакиллари Олтиариқ туманидаги Ғойибота қишлоғида ўзларининг навбатдаги қурултойларига тўпландилар. Қурултой 1920 йил 3 майда Шермуҳаммадбек бошчилигида Туркистон – турк мустақил ислом жумҳурияти ёки қисқача қилиб айтганда Туркистон муваққат ҳукуматини тузди.

Шермуҳаммадбек Фарғона водийсидаги курашчиларнинг Олий бош қўмондони ҳам қилиб сайланди. Большевик маддоҳлардан бирининг эътирофича, «Мадаминбек кўрбошилар ўртасида энг кучлиси бўлган бўлса, Шермуҳаммадбек шубҳасиз энг хавфлиси эди».

Туркистон МИК раиси Иномжон Хидиралиевнинг кейинчалик ёзишича, «1920 йил сентябрда босмачиларнинг сони 70000 кишига етди ва кучли ваҳима уйғотди».

Совет ҳокимиятига қарши қуроли ҳаракатни ташкилий жиҳатдан уюштиришда Фарғона водийси, Бухоро ва Хоразмдаги кўрбошиларнинг мазкур даврда бўлиб ўтган ўттиздан ортиқ қурултойларининг аҳамияти катта бўлган. Бу қурултойларда ҳаракат раҳбарлари сайланган, кўрбошилар ягона қўмондонлик остига бирлаштирилган. Аммо бунга доим ҳам амал қилинмас эди. Шунингдек, қурултойларда кўрбошилар гуруҳлари ҳаракат қиладиган жойлар ва уларнинг таъсир доираси белгилаб олинган. Баъзи кўрбошилар Олий бош қўмондонга бўйсунмай, ўзларича мустақил ҳаракат қилганлар. Холхўжа Эшон каби маишатпараст кимсалар ҳам бўлганлиги тўғри.

Туркистонда ўша пайтдаги беқарор вазиятдан фойдаланган баъзи кишилар талончилик гуруҳлари тузиб, халқни талаганлар. Уларни Туркистон

мустақиллиги учун қизил армияга қарши ҳаёт-мамот жанглари олиб борган ватанпарварлар билан чалкаштирмаслик лозим. Бироқ коммунистик мафкура ҳар икки тоифага бир хил «босмачилар» тамғасини ёпиштирган эди.

Туркистондаги бу ҳаракатнинг ғоявий раҳнамолари етарли даражада мавжуд бўлиб, улар асосан жадид мунавварлари ва ислом уламолари эди. Ҳаракатга ғоявий раҳбарлик қилиш учун жадидлар билан уламолар ўртасида ўзаро рақобат мавжуд бўлган.

Наманганлик Носирхон тўра Саид Камолхон тўра ўғли, тошкентлик муфтий Садриддинхон Махсум Шарифхўжа қози ўғли, Туркистон МИК раисининг собиқ ўринбосари Тўрақул Жонузоқов, асли бошқирдистонлик Аҳмад Закий Валидий ва бошқалар бу ҳаракатнинг ғоявий мафкурачилари эдилар. Ҳаракатга раҳбарлик қилган ислом уламолари орасида яссавийлик ва нақшбандийлик тариқатининг пирлари кўп бўлган.

Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларидаги жадидларнинг бир қисми бу пайтда совет ташкилотларида фаолият кўрсатишса-да, миллий мустақиллик тўғрисидаги ўз ғояларидан воз кечишмаган эди. 1921 йил августда Бухоро шаҳрида Валидий бошчилигида тузилган Туркистон Миллий Бирлиги ташкилоти бутун Туркистон минтақасидаги бу гуруҳларга сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилувчи марказ вазифасини бажарди. Бу даврда «Миллий Иттиҳод» ва «Миллий Истиқлол» ташкилотлари ташкил этилган бўлиб, улар ҳаракатнинг кейинги ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Маълумки, Туркистон аёллари учун Ватан озодлиги ва унинг тинчлиги муқаддас ҳисобланган. Олис ва яқин тарихда босқинчиларга қарши туркий аёлларимиз ҳам неча бор жанг майдонларида от сўрган, ватанпарвар кучларга бошчилик қилган. Ҳатто аёллардан махсус бўлинмалар тузилган. Ушбу бўлинмалар сафида аёллар нафақат оддий жангчи, балки айрим ҳолларда қўрбоши сифатида жанг қилишган. Фарғона водийсида

Шакархон ва Муҳиддинбекнинг онаси сингари ўзбек ва қирғиз аёлларидан етишиб чиққан кўрбошилар миллий истиқлол кураши тарихига шонли саҳифалар кўшдилар. Карманалик Нодира қиз эса Иброҳимбек кўшинида махсус аёллар гуруҳига бошчилик қилиб, Шарқий Бухорода қизил аскарларга қарши мардонавор курашган.

Фарғона водийсидаги ватанпарварлар кўшинига 1923-1924 йилларда олдин Ислоҳ Полвон (тахминан 1882-1923), сўнг Ёрмат Махсум (1929 йил ҳалок бўлган) каби кўрбошилар раҳбарлик қилдилар. Бу пайтда кўрбошиларнинг кичик-кичик гуруҳлари жанг ҳаракатларини олиб бордилар. Фарғонада уларнинг сони 1923 йилда 350-400 атрофида эди. Лекин кўрбошилар курашнинг мазкур босқичида турли сабаб ва маҳаллий шарт-шароитлар натижасида доим ҳам бир-бирлари билан келишиб иш кўрмадилар.

1920-1924 йилларда бу ҳаракат Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам авж олди. Бухоро ва Хоразмдаги миллий муҳолифатнинг озодлик курашлари алоҳида, ўзига хос йўналиш ва хусусиятга эга бўлиб, ўта мураккаблиги ва зиддиятлилиги билан Туркистон республикасидаги советларга қарши қуролли ҳаракатдан ажралиб туради. Большевиклар қизил армия ёрдамида Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини қуч билан ағдариб, ҳокимиятни Бухорода асосан Ёш бухороликлардан, Хоразмда эса Ёш хиваликлардан иборат демократик қучлар қўлига берди.

Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларида юзага келган қуролли муҳолифат шу боисдан ҳам бир йўла икки қучга қарши, биринчидан, бу давлатлар ҳудудида жойлашиб олган қизил армия қисмларига қарши, иккинчидан эса большевиклар ёрдамида ҳокимиятни эгаллаб олган демократик қучларга қарши муҳолифлик урушини олиб бордилар. Бу урушнинг Туркистондаги, хусусан, Фарғона водийсидаги ҳаракатдан фарқи ҳам ана шунда.

Бироқ Бухоро ва Хоразм республикаларидаги бу курашга унинг моҳияти ва йўналиши нуқтаи назаридан

ёндашадиган бўлсак, у ҳам умумий советларга қарши ҳаракатнинг ўзига хос кўриниши эди. Бухородаги мухолифатчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусияти бир гуруҳ кўрбошиларнинг Бухоро республикаси ҳукумати раҳбарларига йўллаган мактубида аниқ ифодасини топган эди. Мактубда ватанпарварлар Бухоронинг мустақиллиги, эркин ва ҳур Ватан қуриш учун курашаётганликлари, бундай Ватанда коммунистлар бўлмаслиги лозимлиги, «Фавқулодда комиссия орқали камбағал аҳолининг мол-мулки ва ҳаёти тортиб олинган»лиги, «большевиклар жабр ва зулмни авж олдириб юборган»ликлари ва «Бухоронинг мустақиллиги қуруқ сўз бўлиб қолган»лиги, «ҳақиқатда ундан дарак йўқ» лиги таъкидланади.

Шунинг учун ҳам Бухородаги бу ҳаракат қисқа муддат ичида оммавий тус олиб, ҳатто Фарғона водийсидаги ҳаракатга нисбатан ҳам кучайиб борди. Файзулла Хўжаевнинг таъкидлашича, «Шарқий Бухородаги босмачилик ўзининг стратегик мавқеи жиҳатидан қараганда Фарғона босмачиларига нисбатан кучлироқ эди».

Бухородаги кўрбошилар ўртасида Иброҳимбек (1889-1932) алоҳида салмоққа эга.

Иброҳимбек амирлик тузуми ағдариб ташлангач, Шарқий Бухородаги кўрбошилар гуруҳларига умумий раҳбарлик қилиб, большевиклар ва босқинчи қизил армияга қарши кураш бошлади. У ўз олдига Бухоро тупроғини қизил аскарлардан тозалаб, ағдариб ташланган амирлик тузумини қайта тиклаш ва салтанатни собиқ амир Саид Олимхон (1881-1944) қўлига олиб беришни асосий мақсад қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам у курашга кирган дастлабки кунларданоқ собиқ Бухоро амири томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди ва рағбатлантирилди.

Иброҳимбек 1921 йил сентябрда бўлган Бухоро кўрбошиларининг қурултойида «Ислом лашқарбосиси» унвонига сазовор бўлди ва Бухородаги барча қурулли кучларнинг Олий бош қўмондони қилиб

сайланди. У қисқа муддат ичида ўн минг нафардан ортиқ аскар тўплаб, Қоратегин ва Дарвоз вилоятларини қизил аскарлар қўлидан озод қилишга муваффақ бўлди.

Иброҳимбек қўл остидаги Шарқий Бухоро ҳудудида ўзининг бошқарув усулини амалга оширди. Жойлардаги янги тузум тугатилиб, унинг ўрнига амирлик давридаги бошқарув усули жорий қилинди. Иброҳимбекни бу ердаги маҳаллий аҳоли, хусусан, лақайлар қўллаб-қувватлашарди. Бундан Туркистонда иш олиб бораётган марказий ҳукумат вакиллари қаттиқ ташвишга тушдилар. «Иброҳимбек — бутун Шарқий Бухородаги марказий сиймо», деб тан олинади улар тайёрлаган ҳужжатларнинг бирида.

Бухоронинг марказий ва ғарбий вилоятларида ҳам кураш шиддатли тус олди. Қисқа муддат давомида Мулла Абдулқаҳҳор (1884-1924) бошчилигида пойтахт Бухоро туманларида лашқар тўпланди ва жанговар ҳаракатлар олиб борилди. Шунингдек, Мулла Абдулқаҳҳор раҳбарлигида Бухоро, Кармана ва Нуротада ўнлаб кўрбоши гуруҳлари фаолият кўрсатди. Бир ҳужжатда ёзилишича, Ғарбий Бухорода унинг қўл остида 20та кўрбоши бирлашган. Ўрмон Полвон, Ҳайит Амин, Остон Қоровулбеги, Ҳамро Полвон, Азимхўжа, Метан Полвон унинг энг нуфузли кўрбошилари саналган. Улар асосан Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Ромитан туманлари ва Нуротада ўз фаолиятларини кучайтирдилар.

Уларнинг катта армияси 1922 йил март ойининг бошида пойтахт Бухоро шаҳрига юриш қилди. Улар қизил аскарлар билан шаҳар атрофида бўлган икки кунлик шиддатли жанглардан сўнг Бухоро шаҳрининг катта бир қисмини эгалладилар ва бир неча соат мобайнида ўз қўлларида тутиб турдилар. Сўнгра шаҳар атрофидаги Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳини босқинчилардан тозаладилар.

Бухородаги муҳолифатчиларга қарши кураш қизил армия ва унинг қўмондонлигидан катта куч-ғайрат талаб қилди. Москва, Тошкент, Бухорода 1923 йил май-июн ойларида ўтказилган олий даражадаги бир

қатор расмий анжуманларда бу масала энг долзарб муаммо сифатида кун тартибида турди.

Мулла Абдулқаҳҳор йигитлари билан қизил аскарлар ўртасида 1924 йил ёзи ва кузида Фиждувон туманининг Гишти ва Катта Ғамхўр қишлоқларида, Нурота тоғларида, Шофиркон туманига туташ Қизилқумнинг Жилвон қумликларида, Боғиғфзал ва Вардонзе қишлоқларида қаттиқ тўқнашувлар бўлди. Кучлар тенг бўлмаган ушбу жангларда Ғарбий Бухоро ватанпарварларининг етакчиси мағлубиятга учради. Ғарбий Бухородаги кўрбошилар гуруҳларига сезиларли зарба берилди. Мулла Абдулқаҳҳор кўрбоши Қизилқум чўлларида қизил аскарлар билан бўлган тўқнашувларнинг бирида 1924 йилнинг охирида ҳалок бўлди.

Бухоро мамлакатига бу ҳаракат қизил армия ва большевикларнинг тажовузкорлиги, зўравонлиги ва талончиликка қарши қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Мужоҳидларнинг асосий мақсади қизил кўшинни ҳайдаб юбориш, миллий қадриятлар, асрий эътиқод ва урф-одатларнинг поймол қилиниши, хўрланишига барҳам бериш эди. Юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, ватанпарварлар Бухорода икки жабҳада туриб кураш олиб боришларига тўғри келди. Бир томондан, амирлик тузуми тарафдорлари бўлган мухолифатчилар жадидлардан иборат ёш Бухоро ҳукумати ва шунингдек, қизил армия кўшинларига қарши кураш олиб бордилар (Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳҳор ва бошқалар), иккинчи томондан, миллий озодлик ғояларига содиқ бўлган ватанпарварлар Файзулла Хўжаев бошлиқ Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати билан яширин алоқалар ўрнатиб, Бухоронинг муқаддас тупроғидан босқинчи қизил аскарларнинг олиб кетилиши, Бухоро республикасининг мустақиллиги амалда қарор топиши учун курашдилар (Анвар Пошо, Давлатмандбек, Жабборбек ва бошқалар). Айнан улар сафига кейинчалик Бухоро республикасининг жуда кўпчилик раҳбарлари (Бухоро МИКнинг биринчи раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев, ҳарбий ишлар нозири Абдулҳамид Орипов, республика милицияси ва чека

бошлиғи Али Ризо Афанди ва бошқалар) кўшилдиларки, бу арбобларнинг аксарияти кечаги жадидлар ва Ёш бухороликлар эди. Афсуски, Бухоро ҳукумати таркибидаги миллий ватанпарвар кучлар билан муҳолифатдаги қуроли гуруҳларнинг йўлбошчилари ўртасидаги очиқ битишув амалга ошмади.

Хоразм республикасида ҳам 1920 йил баҳоридан бошлаб қизил аскарларнинг мисли кўрилмаган талончилик ва зўравонликларига қарши ҳаракат бошланди. Қуроли курашни туркманларнинг ёвмут уруғи бошлиғи Қурбон Мамед Сардор — Жунаидхон (1857-1938) бошчилигидаги гуруҳлар кўп йиллар давомида олиб борди. Унинг кўшини сафларида ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқлар ҳам кўпчилик эди. Қисқа муддатда Жунаидхон ўз кўшинини 20000 кишига етказди.

Ўзбек деҳқонлари ва ҳунармандларидан иборат гуруҳларга Мадраимбой, Саъдулла бола, Шокир бола, Мавлонбек ва бошқалар раҳбарлик қилдилар. Хусусан, Кўҳна Урганч, Иляли, Тошҳовуз, Манғит, Қўшқўпир, Чимбой, Қўнғирот ва Тўрткўлда ҳаракат қилган ўнлаб сардорларнинг гуруҳлари қизил аскарларга жиддий зарбалар берди. Жунаидхон бошчилигидаги армия ҳужумга ўтиб, 1920 йил ёзида Кўҳна Урганч, Хўжайли, Иляли ва Тахтани қайта эгаллади, кўплаб қизил аскарларни асир олди. Жунаидхон совет кўмондонлигига махсус мактуб юбориб, агар қизил армия Хоразмдан чиқиб кетмаса, асирларни отиб ташлашини билдирди. Бироқ совет кўмондонлиги Жунаидхоннинг ҳақли талабларини рад қилгач, у бошқинчиларни отиб ташлашга буюрди.

1921 йил ёзида Қўнғиротда қўзғалон кўтарилди. Бундай оммавий кўтарилишлар тез-тез такрорланиб турди. Қишлоқ ва шаҳарларнинг аҳолиси совет ҳокимиятига қарши қуроли ҳаракатга ҳайрихоҳлик билдирган. 1922-1923 йилларда Хоразмда олиб борилган жанговар ҳаракатлар қизил армия кўмондонлигини танг аҳволга солибгина қолмай, балки республикадаги сиёсий муҳитга ҳам жиддий таъсир қилди.

Совет режими 1923 йил охирида Жунаидхон билан сулҳ музокараларини бошлашга уриниб кўрди. Бироқ Жунаидхон ўзининг олдинги талабини, яъни: 1) Россия кўшинларини Хоразмдан дарҳол олиб чиқиб кетиш; 2) шариатга тўла эркинлик бериш; 3) барча собиқ ҳокимлар ва оқсоқолларни яна ўз лавозимларига тиклаш; 4) солиқлар ва патентларни бекор қилишни қатъий талаб қилди. Бироқ бу талабларни совет ҳукумати рад қилгач, музокаралар ўз-ўзидан тўхтаб қолди.

Жунаидхон қўлида бу пайтда катта миқдорда ҳарбий куч тўпланган эди. Шу билан бирга 1923 йилнинг декабрида Питнак, Ҳазорасп, Богот, Хонқа туманларида янги совет ҳукуматига қарши деҳқонларнинг оммавий қўзғолонлари бошланиб кетди. Қўзғолончилар жойлардаги совет ташкилотларини тутатиб, мамлакат пойтахти Хива шаҳри устига юриш қилдилар. Қорақумда турган Жунаидхон кўшини ҳам ғарб томондан, бир вақтнинг ўзида, шаҳарга қараб ҳаракат бошлади.

1924 йил 10 январдан бошлаб Жунаидхоннинг 15000 кишилиқ пйёда ва отлиқлардан иборат кўшини Хива шаҳрини қамал қилишга киришди. 16 январда Хоразм республикасида ҳарбий ҳолат жорий қилинди.

Хоразм республикасида содир бўлаётган воқеаларнинг бундай жиддий тус олишидан ташвишга тушган РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси 1924 йил 6 январда бу масалани махсус муҳокама қилди. Жунаидхон бошчилигидаги кучларга қарши курашиш учун Э. Берзин (раис), Городецкий, Адинаев ва Хидиралиевдан иборат фавқулодда комиссия ташкил қилинди ва у Хоразм республикасига жўнатилди. Хоразмга зудлик билан Россиядан кўшимча ҳарбий қисмлар келтирилди. Нагижада Жунаидхон кўшини қарийб бир ой давом этган қамални тўтатиб, орқага чекинишга мажбур бўлди. Катта ҳарбий кучни тўплаган қизил армия қисмлари муҳолифатчиларга қарши ҳужумга ўтди. Март-апрел ойларида бўлган жангларда Жунаидхоннинг пири бўлган Оғажон Эшон ва бошқа қатор сардорлар асир олинди.

Хоразм воҳасида бу ҳаракат айрим гуруҳлар томонидан 1935 йилгача давом этди. Ҳаракат Шарқий Бухоро ва Фарғона водийсида ҳам баъзи узилишлар билан шу пайтгача мавжуд бўлди. Туркистон минтақасидаги совет режимига қарши қуролли ҳаракат тарихига яқун ясар эканмиз, бу ҳаракатни кенг халқ оммаси, биринчи навбатда деҳқонлар ва ҳунармандлар қаҳр-ғазаби ҳамда норозилигининг юксак даражага кўтарилганлиги ифодаси деб эътироф этишимизга тўғри келади.

Ўзбекистон ХКС раиси Файзулла Хўжаев 1927 йилда «Катта совет энциклопедияси»да унга баҳо бериб, куйидагиларни ёзган эди: «Босмачилик ҳаракати шиддагли сиёсий, аксилсовет хусусият касб этди ва бутун Ўрта Осиёнинг мавжуд уч республикаси — Бухоро, Туркистон ва Хоразмдаги деҳқонлар аҳолисининг қарийб оммавий ҳаракатига айланди. Ҳаракатнинг дохийлари фақатгина... Кўршермат (Шермуҳаммадбек -К. Р.), Иброҳимбек қабила... бўлиб қолмасдан, балки унга маҳаллий миллий зиёлилар, мулла ва бойлар ҳам раҳбарлик қила бошлади...»

Бу ҳаракатга алоқадор бўлган умумий хусусият — босқинчи қизил армияни, большевикларни Ватанимиз худудидан олиб чиқиб кетиш талаби эди. Бу талаб бутун ҳаракат томонидан илгари сурилди.

Шундай қилиб, қизил армиянинг босқини ва мустабид совет режимига қарши кўтарилган қуролли ҳаракат 1935 йилга келиб бутун Туркистон минтақасида тамомила мағлубиятга учради.

**Хива хонлигининг қизил армия томонидан тугатилиши.
Хоразм Халқ Совет Республикасининг тузилиши ва
ундаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар**

XX аср бошларида ҳам Россиянинг ярим мустама-
каси ҳисобланган Хива хонлигидаги ижтимоий-
иқтисодий муносабатлар, бошқарув тизими руслар
босқинига қадар шаклланган ҳолатда қолган эди.

Мамлакатда хон бошлиқ феода­ л амалдорлар, диндор руҳонийлар мамлакат бошқарувида чеклан-маган ҳуқуққа эга бўлиб, иқтисодий ҳаётда эса ерга эгалик муносабатлари аввалги ҳолатдагидек сақланиб қолган эди. Кўпгина юқори мансаблар (иноқ, оталиқ, бий) олдингидек иқтисодий асосини йўқотган бўлса ҳам, лекин юқори унвон сифатида мамлакат сиёсий ҳаётида катта таъсирга эга эди.

Хива хонлигидаги асосий шаҳарларга Хива, Урганч, Тошҳовуз, Ҳазорасп, Питнак ва бошқалар кирган. Хонлик ҳудуди Россия босқинидан кейин 62.236 кв. км бўлиб, у 20 та беклик ва 2 та ноибликдан иборат эди. Аҳолиси аниқ рўйхатга олинмаган бўлиб, бу даврга оид манбаларда у 600 мингдан 900 мингга қадар кўрсатилади. Уларнинг 60 фоиздан кўпроғини ўзбеклар, 28 фоизини туркманлар, қолганларини қозок, қорақалпоқ, форс (эроний), араб, рус ва бошқа миллат вакиллари ташкил этган.

Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётда анча орқада қолган Хива хонлигида саноат ишлаб чиқариши йўқ даражада бўлиб, бу ерда ўндан ортиқ пахта, ёғ заводларигина бор эди, холқс. Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, косибчилик ва бошқалар билан шуғулланган. Халқ оммасининг турмуш шароити анча оғир бўлиб, улар ҳосилдор ерлар, суғориш манбаларини ўз кўлида тўплаб олган амалдорлар ва руҳонийларга кўплаб солиқлар тўлаб турганлар. Ўша давр манбаларида қайд қилинишича, Хива хонлигида 20 дан ортиқ солиқ тўловлари ва мажбуриятлар бўлган. Айниқса, биринчи жаҳон уруши йилларида солиқ ва тўловларнинг миқдори ҳамда тури янада ошган.

XX аср биринчи чорагида бутун Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги каби Хива хонлигида ҳам халқ ҳаракатининг мафкуравий асосини жадидчилик ҳаракати, жадидчилик ғоялари ташкил этди. Туркистон ва Бухородан фарқли ўлароқ Хива хонлигидаги жадидчилик ҳаракатининг шаклланишида, ҳаракатнинг асосий йўналиши ҳисобланган мактаб, маориф

ишининг тараққиётида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз), қозикалон Салим Охун ва унинг ўғли Бобо Охун, вазир Ислохўжа, мирзабоши ва девонбеги лавозимида ишлаган Паҳлавонниёз Комил Хоразмий, Хонқа ҳокими Муҳаммад ва бошқалар катта рол ўйнадилар. Улар ўз ҳисобларидан бир қанча мактаблар очишди. Бобо Охун Салимов дўсти Бекжон Раҳмонов билан бу мактаблар учун дарслик китобларини ҳам ёзишган. Хонликда жаҳидчилик ҳаракатининг шаклланишида Мунис, Отаҳийлар асос солган ва кейинчалик Баёний бошчилигида давом эттирилган тарихчилик ва таржимонлик мактабининг мавжудлиги, тарих ва ўғмишга эътиборнинг кучлилиги ҳам катта рол ўйнаган. Шунингдек, Туркистон ва Бухородаги каби Хива хонлигида жаҳидчилик ҳаракатининг шаклланишида ташқи омил, яъни Россиядан келган илғор фикрли зиёлилар, инқилобий руҳдаги сургун қилинган ёшлар ва Россиядаги ўзгаришлар ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Жаҳидчиликнинг асосий йўналишларидан бири бўлган матбуот Хива хонлиги ҳудудида мавжуд бўлмаса ҳам хонликдаги илғор зиёлилар Туркия, Эрон, Россия, шунингдек, Тошкент, Самарқан, ва Бухорода чиқадиган жаҳид газеталари ва журналлари билан танишиб борганлар.

Хоразмдаги жаҳидчилик ҳаракатидан 1914 йил август ойида Ёш хиваликлар ташкилоти тузилди, унга раис қилиб Полвонниёз ҳожи Юсупов (1861-1936) сайланган. Ёш хиваликлар ҳаракатида бу даврда қозикалон Бобо Охун Салимов (1874-1929) нинг ҳам ўрни бўлакча эди. Ёш хиваликлар дастурининг асосини мавжуд тузум доирасида ислохотлар ўтказиш, мактаб-маориф ишини яхшилаш, хон ҳокимиятини чеклаш каби масалалар ташкил қилар эди.

Иқтисодий қийин шароитда яшаётган хонлик аҳолисининг аҳволи бошланиб кетган Биринчи жаҳон уруши боис янада оғирлашди. Хонлик истибдодига қарши 1915-1916 йилларда туркманлар Жунаидхон бошчилигида кўзғолон кўтардилар. Туркман, ўзбек,

қозоқ аҳолисининг мавжуд тузумга қарши курашини Ёш хиваликлар партияси раҳбарлари фаол қўллаб-қувватлашди.

1917 йил феврал инқилоби пайтида Хива хони Асфандиёрхон Ялтада дам олаётган эди. Шунинг учун ҳам у Россия императорининг тахтдан воз кечганини эшитган заҳоти хонликка шошилди. Асфандиёрхонни кутиб олишга чиққан давлат арбоблари орасида Ҳусайнбек Матмуродов, Полвонниёз ҳожи Юсуповлар бор эдилар. Хива гарнизонидаги солдатлар ҳам худди Россиядаги каби ўз советларини ташкил қилишган эди. Ана шу советларнинг фаолларидан Латипов, Тиниев ва бошқаларнинг ташвиқотлари билан Полвонниёз ҳожи Юсупов бошлиқ Ёш хиваликлар 4 апрелда солдатларнинг Муваққат ҳукуматга қасамёд қилиши учун тўпланган тантанага кишиларни йиғиб бориб, солдатлардан Хива хонини ағдариб ташлашни сўрашди. Гарнизон бошлиғи хонни тахтдан олиб ташламаслик талаби билан Ёш хиваликларга ёрдам беришга рухсат берди. 5 апрел куни Асфандиёрхон рус солдатлари ҳимоясида саройга келиб, халқ номидан қўйиладиган талаб (манифест)ни имзолашга мажбур бўлди. Манифестга асосан хон ҳокимияти қошида қонун чиқарувчи орган — Мажлис ва Нозирлар кенгаши ташкил этилди. Мажлиснинг биринчи йиғини 1917 йил 26 апрелда бўлиб ўтди. Унда Мажлис раиси этиб Бобо Охун Салимов, Нозирлар кенгашининг раиси этиб Ҳусайнбек Матмуродов сайландилар. Бу ташкил қилинган давлат органлари таркибида Ёш хиваликларнинг аъзолари кўпчиликни ташкил қилар эди. Лекин кейинчалик Асфандиёрхон Хива гарнизони бошлиғи генерал Мирбадалов ва Зайцевларнинг ёрдами билан Мажлистан Ёш хиваликларнинг аъзоларини сиқиб чиқаришга муваффақ бўлди. Турли баҳоналар билан Ҳусайнбек Матмуродов ва бир қанча Ёш хиваликларни зиндонга ташлади. Полвонниёз ҳожи Юсупов, Назир Шоликоров, Бобо Охун Салимов, Жуманиёз Султонмуродов, Бобожон Яқубов ва

бошқалар хоннинг таъқибидан қутулиш учун Тўрткўл, Чоржўй, Тошкент каби шаҳарларга қочиб кетишди. Бу пайтда Тўрткўл ва Тошкентда совет ҳокимияти ўрнатилган эди. Совет ҳукумати орқали Ёш хиваликларнинг Асфандиёрхон, Зайцев, Жунаидхонларга ўз ҳамфикрларини зиндондан озод қилишни талаб қилиб юборган бир қанча телеграммалари ҳеч қандай натижа бергани йўқ. Ақсинча, октябр тўнтаришидан кейин Хива шаҳридан рус аскарлари олиб чиқиб кетилди ва Асфандиёрхон ўзининг ҳарбий таянчидан маҳрум бўлди. Бу 1916 йил кўзғолонидан кейин Эронга қочиб кетган Жунаидхоннинг Хива хонлигига қайтиб келиши ва бу ерда катта мавқега эга бўлишига сабаб бўлди. Чунки мингдан ортиқ қуроланган сарбозларга эга бўлган Жунаидхон билан мурса қилмасдан Асфандиёрхон ва унинг атрофидаги аъёнларнинг бундан кейин ҳокимиятни сақлаб қолиш учун таянчлари йўқ эди. Шунинг учун ҳам Асфандиёрхон Жунаидхонни «сардори карим», яъни хоннинг лашкарбошиси қилиб тайинлади. Шу билан ўзи Жунаидхон қўлидаги қўғирчоқ хонга айланиб қолди. Хонликдаги ҳокимият эса тўла равишда Жунаидхон қўлига ўтди. Тошкентга етиб келган Полвонниёз ҳожи Юсупов бошлиқ Ёш хиваликлар 1918 йил баҳорида совет ҳокимиятининг фаолларидан бири бўлган Юсуф Ибрагимовнинг маслаҳати билан ўзлари тўрт киши бўлишига қарамасдан Ёш хиваликлар партиясининг Марказий Қўмитасини ташкил қилдилар.

1918 йил октябр ойларига келганда Ёш хиваликлар таъсири билан Жунаидхон ва Асфандиёрхон ўртасига низо солинди ва бунинг натижаси ўлароқ Жунаидхоннинг ўғли Эшши томонидан Асфандиёрхон қатл қилинди. Унинг ўрнига акаси Саид Абдуллохон хон деб эълон қилинди. Жунаидхон Хива хонлиги ҳудудида большевиклардан мустақил бўлган давлатни сақлаб қолишга ҳаракат қилди. 1918 йил ноябр ойида Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларда ташкил қилинган совет ҳукуматига қарши Жунаидхон бир неча

маротаба муваффақиятсиз уруш олиб борди. 1919 йил апрел ойида совет ҳукумати билан Жунаидхон ўртасида Гахта шартномаси тузилди. Унга совет ҳукумати томонидан Христофоров, Хива хонлиги томонидан Жунаидхон имзо чекдилар. Бу вақтинчалик келишув бўлиб, унга иккала томон ҳам амал қилмади. Бу пайтда Гўртқўлда Мулла Жуманиёз Султонмуродов бошлиқ Ёш хиваликлар партиясининг кўмитаси тузилган бўлиб, уларнинг сони Хива хонлиги ҳудудидан қочиб кетганлар ҳисобига кундан-кунга кўпаётган эди. Уларни совет ҳукумати хивалик инқилобчилар деб большевиклар партияси сафига қайд қилишган. Мана шу Ёш хива-ликларнинг талаблари ва туркман уруғлари орасида Қўшмамедхон, Фуломалихон каби уруғ бардорларининг Жунаидхон билан келишмай қолганиги ҳақидаги хабарни ҳисобга олган большевиклар Скалов раҳбар-лигида 1919 йил 22 декабрда мустақил давлат —Хива хонлиги ҳудудига бостириб кирдилар. 1920 йил 1 февралда Жунаидхон қўшинларини тор-мор қилган қизил армия Хива шаҳрига кириб борди. 2 феврал куни сўнгги Хива хони Саид Абдуллоҳон ахтдан воз кечди.

Хивада Жуманиёз Султонмуродов раислигида Муваққат инқилобий кўмита ташкил этилди. 1920 йил 16-30 апрел кунлари Хоразм меҳнаткашларининг биринчи қурулғойи бўлиб ўтиб, унда Хива хонлиги ҳудудида Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил қилинганлиги эълон қилинди ва Полвонниёз ҳожи Осупов раислигида Халқ Нозирлар Шўроси тузилди. Бу ҳукумат таркибига асосан Ёш хиваликлар партиясининг аъзолари кирган бўлиб, улар мамлакатда демократик тузумни ўрнатиш, мустақил давлатни барқарорлаштириш борасида катта ишларни амалга оширдилар. Ана шундай ишларнинг бири сифатида Ёш Охун Салимов раислигидаги делегация уч ой давомида Москва ва Петроград шаҳарларида бўлиб, 1920 йил 13 сентябрда РСФСР билан ХХСР ўртасида иқтисодий-сиёсий шартномани имзолади. Бу ҳужжатга асосан ХХСР мустақил давлат ҳисобланиб, совет

Россияси билан ўзаро тенг ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликка келишиб олинди. Лекин ХХСР ҳукумати раҳбарлари олиб борган мустақил сиёсат совет режими ва унинг республика ҳудудидаги вакилларига ёқмади. Чунки Полвонниёз ҳожи Юсупов бошлиқ ҳукумат хусусий мулк, вақф ерларини, диний муассасаларни тарқатиб юбориш ўрнига уларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган эди. ХХСРнинг Конституциясида ҳам хусусий мулк эътироф этилган эди. Бу нарса ўша пайтдаги совет ҳукуматининг Хоразмдаги вакиллари Скалов, Иоффе, Дубянский, Шокиров ва бошқаларга ёқмади. Дубянский ва Шокировлар 1920 йил август ойида Қўшмамедхон ва Фуломалихонларни Хивага чақириб, уларни йигитлари билан қатл қилишга ва бу билан маҳаллий ўтроқ аҳоли ва туркман чорвадорлари ўртасида низо туғдиришга ҳаракат қилишди. Фуломалихон қочиб қутулган бўлса ҳам Қўшмамедхон ва унинг йигитлари қатл этилди. Бироқ бу ҳолатларнинг ҳаммаси Ёш хиваликлар ҳукумати зиммасига юклатилди. Натижада 1921 йил 6 мартда Хива шаҳрида қизил аскарлар томонидан намойиш уюштирилиб, инқилобий қўмита тузилди ва Полвонниёз ҳожи Юсупов бошлиқ ҳукумат аъзолари қамоққа олинди. Полвонниёз ҳожи Юсупов ва Назир Шоликоровлар қочиб яширинишга улгуришди.

ХХСРда коммунистлар олиб борган сиёсат маҳаллий кадрларни, зиёлиларни, мустақил фикрга эга бўлган инсонларни йўқотишга қаратилган эди. Хоразм республикаси мавжуд бўлган атиги 5 йилга яқин муддат ичида республика ҳукумати – Халқ Нозирлар Шўроси ва Хоразм МИК раислари ўн мартадан ўзгартирилганлиги фикримизнинг яққол исботидир.

Хоразм республикаси тузилган дастлабки ойлардан бошлаб ғоявий-сиёсий вазият кескинлашиб борди. Ёш хиваликлар ҳукумати, демократик кучлар маҳаллий шароитни тушунган ҳолда аҳолининг урф-одатлари ва қадриятларини эъзозлаб иш олиб бордилар. Аммо Хивани босиб олиш жараёнида кириб келган қизил

армия, унинг қўмондонлари, европалик большевиклар республикадаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга салбий таъсир кўрсатдилар. Улар маҳаллий шароитни, халқ оммаси кайфияти ва қарашларини назар-писанд қилмай тезкорлик билан инқилобий чора-тадбирларни амалга оширишга киришдилар. Бу ишларни амалга оширишда Хоразм Компартияси (1921 йил декабрда тузилган) уларнинг энг яқин ёрдамчисига айланди.

Хоразм республикасида кейинги йилларда ҳам гоъвий-сиёсий кураш давом этди. Республиканинг кўплаб раҳбарлари мустақиллик учун, адолатсизликка қарши курашни тўхтатмадилар. 1923 йил баҳорида савдо-саноат нозири Нуруллаев Москвада РСФСР билан бўлаётган музокараларда қатъийлик кўрсатгани учун Хоразмга чақирилиб, қамоққа олинди. Совет Россиясининг кўрсатмалари асосида 1923 йил ёз-кузида Хоразм республикасида туб сиёсий тўнтариш амалга оширилди. 1923 йил октябрда ХХСР Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР) га айлантирилди. ХССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. Афсуски, бу Конституция мамлакатнинг социалистик қурилиш йўлига ўтишини қонун йўли билан мустаҳкамлади.

Хулоса қилиб айтганда, 1923 йил кузидан бошлаб Хоразм республикасидаги демократик ўзгаришларга бутунлай чек қўйилди. Хоразмни советлаштириш жараёни ўзининг юқори босқичига кўтарилди. Бу ҳолат 1924 йилнинг охиригача давом этди.

**Бухорога қизил армиянинг босқини ва амир
ҳокимиятининг ағдарилиши. Бухоро Халқ Совет
Республикасидаги ҳокимият тизими ва гоъвий-сиёсий
вазият**

1917 йил Бухоро амирлиги ҳам худди Хива хонлиги сингари муҳим ўзгаришлар арафасида турарди. Бу даврда Бухорода жадидчилик ҳаракати ва ундан ўсиб чиққан Ёш бухороликлар партиясининг фаолияти

кучайди. Ёш бухороликлар 1910 йилдаёқ ўзларини алоҳида ташкилот сифатида эълон қилган эдилар. Улар даставвал мавжуд монархия тузуми доирасида демократик ислоҳотлар ўтказиш, конституцион монархия ўрнатиш орқали амирнинг мутлақ ҳокимлигини чеклаб қўйиш тарафдори бўлишган.

1917 йил 7 апрелда Бухоро амири Саид Олимхон мамлакатда ислоҳотлар ўтказиш тўғрисида фармон чиқарса ҳам, амалда уни жорий қилмади. Жадиждлар Бухоро шаҳрида намойиш уюштирганларидан сўнг мамлакатда уларни ёппасига таъқиб этиш бошланди.

Бухородаги апрел воқеаларининг якуни шу бўлдики, ҳукуматда консерватив кучлар яна устунликка эришдилар. Саид Олимхон қозикалон Шарифжон Махдумни лавозимидан бўшатди, ғазабланган мутаассиблар раис Абдусамадхўжани оломон қилиб ўлдирдилар. Насруллобек қушбегининг буйруғи билан Ёш бухоролик жадиждларнинг машҳур намояндаси Садриддин Айний ва бошқалар 75 таёқ уриб жазоландилар. Ислоҳотчилик ҳаракатининг бу босқичи мана шундай нохушлик билан якунланди.

Октябр тўнтаришидан кейин совет Россияси билан Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатлар кескинлашди. Туркистон республикасининг большевиклардан иборат раҳбарияти Бухоро амирлигининг давлат мустақиллигини расмий равишда тан олишига қарамай, амалда унинг ички ишларига доимий равишда аралашиб турди.

Ёш бухороликлар амирлик истибдодига қарши курашни давом эттирдилар. Партия ичида турли гуруҳларнинг борлиги, қарашларнинг хилма-хиллиги туфайли ягона дастур тузишга эҳтиёж туғилди. Марказий кўмита бу вазифани 1917 йил ноябрда Фитратга топширди. Фитрат томонидан 1918 йил январда ёзилган Ёш бухороликлар партиясининг дастури (программаси) Марказий кўмита томонидан тасдиқланди ва ислоҳот лойиҳаси сифатида эълон қилинди. Унда Бухоро мамлакатада конституциявий монархия

ўрнатиш, Бухоронинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий мустақиллигини таъминлаш, маданий тараққиётга эришиш лозимлиги, деҳқончилик ва солиқ тизимига алоҳида эътибор берилди. Бухорода замонавий армияни ташкил этиш, 2 йиллик мажбурий ҳарбий хизматни жорий қилиш, давлат ҳисобидан мактаблар ва олий ўқув юртлари очиш зарурлиги айtilди. Лойиҳада Бухорода 10 та нозирликдан иборат Нозирлар Шўроси тузиш таклиф этилди. Кейинчалик Файзулла Хўжаев Фитрат лойиҳасининг анча чекланганлигини танқид қилиб, унда бошқарувнинг республика усулини жорий этиш талаб қилинмаганлигини кўрсатган эди.

Туркистон ХКС Бухоро давлатига ғанимлик қилиб, амир ҳукуматини куч билан ағдаришга уринди. Большевиклар шу мақсадда Ёш бухоролик жадидларни кўллаб-қувватлашди. 1918 йил март ойида Туркистон ўлкаси ХКС раиси Ф. Колесов кўмондонлигидаги қизил аскарлар мамлакат пойтахти Бухоро шаҳрига ҳужум уюштирдилар. Уларнинг ҳужуми муваффақиятсиз тугаган бўлса ҳам, Бухородаги сиёсий тузумни ўзгартириш учун уриниш тўхтамади. Афсуски, амир О.имхон мамлакат тақдири ҳал қилинаётган ушбу фурсатда муҳолифатдаги Ёш бухороликлар партиясига арбоблари билан тил топиша олмади. У мамлакатда конституцион монархия ва демократик тартиботларни ўрнатмоқчи бўлган жадидлар — Ёш бухороликларни йўқотиш йўлини тутди. Файзулла Хўжаевнинг таъкидлашича, Колесов воқеасидан кейин амир мамлакатда 3000 кишини қатл қилган. Садриддин Айнийнинг ёзишича, фақат пойтахт Эски Бухородагина эмас, балки Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Қоракўл, Чоржўй, Хатирчи, Кармана, Қарши, Шаҳрисабз бекликларида ҳам минглаб кишилар жадидликда айбланиб, ноҳақ ўлдирилди. Бухоролик жадидларнинг тирик қолган вакиллари Самарқанд, Тошкент ва Москвага жўнаб кетишга мажбур бўлишди. Ёш бухороликларнинг бир қисми 1918 йилнинг ёзида Тошкентда Бухоро Компартиясини тузишди. Файзулла

Хўжаев Москвадаги муҳожирлик даврида — 1918 йил октябрда Туркистон республикасининг РСФСР ҳукумати ҳузуридаги мухтор ваколатхонаси қошида Ёш бухороликлар партиясининг бўлимини ташкил қилди. 1920 йил январда Тошкентда Файзулла Хўжаев бошчилигидаги инқилобчи Ёш бухороликлар партиясининг Туркистон Марказий бюроси тузилди. Большевиклар Ёш бухороликлардан амирлик ҳокимиятини ағдаришда фойдаландилар. Улар ҳам тактик мақсадларни кўзлаган ҳолда большевикларга яқинлашишди.

Инқилобчи Ёш бухороликлар партиясининг Туркистон Марказий бюроси 1920 йил 13-14 июнда бўлган бирлашган конференциясида Файзулла Хўжаев тузган дастур (программа)ни қабул қилди. Дастур «Зулмга қарши бирлашингиз!» деган шиор ва кириш қисми билан бошланади. Бу қисмда Бухоронинг умумий аҳволи ва Ёш бухороликларнинг асосий мақсадлари, иккинчи қисмда эса Ёш бухороликларнинг амалий таклифлари, ислоҳот ва мамлакатни идора қилишни ташкил қилиш режаси баён этилди. Шариат — адлия ишларини олиб боришнинг негизи, деб қуйидагича эътироф қилинди: «Шариат — адолатни талқин қилувчи ва камбағалларни ҳимоя этувчидир». Дастурда амирликни қурол кучи билан ағдариб ташлаш ва Бухорони демократик халқ республикаси, деб эълон қилиш талаби қўйилди. Ёш бухороликлар катта бойлар қўлидаги ерларни мусодара қилиш, бепул бошлангич таълим жорий этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандлар саноати, ички ва ташқи савдонинг аҳволини яхшилаш йўлида амалий чора-тадбирлар кўриш зарурлигини таъкидлашди.

1920 йил 25 августда Туркистон fronti қўмондони М.В. Фрунзе қизил аскарларга Бухорони босиб олиш учун буйруқ берди. Кескин жанглардан сўнг 2 сентябрда Бухоро шаҳри босиб олинди, Саид Олимхон ҳокимиятдан ағдариб ташланди. Қизил аскарлар Шарқнинг энг қадимги шаҳарларидан бири, «Ислом динининг гумбази» ва «шариф шаҳар» ҳисобланган

муқаллас Бухорони вайрон қилдилар. Қадимий Бухоро ўт ва харобалар ичида қолди.

Шафқатсиз ўқ ёмғири ва бомбардимон натижасида шаҳар обидаларининг бешдан бир қисми вайрон этилиб, минглаб бегуноҳ одамлар нобуд бўлган. Уша давр воқеаларининг бевосита шоҳиди бўлган маҳаллий тарихчи Муҳаммад Али Балжувоний ўзининг «Тарихи Нофеий» («Фойдали тарих») асарида қизил аскарлар томонидан қилинган Бухоро босқини оқибатларини қуйидагича тасвирлайди: «Бухорони босиб олиш натижасида 34 гузар, 3000 дан ортиқ дўкон, 20 та сарой, 29 та масжид ёниб хароб бўлди. Минораи Калонга ҳам зарар етиб, Олимхон ва Мир Араб мадрасалари ёниб кетди... Ҳазрати Имом дарвозасидан Гузари Назаргача, Кофиробод, Ўғлон дарвозаси, Масжиди Калон, Зиндондан Тўқимдўзий ҳаммомигача, минора остидан то Сўзангарон даҳаси, Гул бозор, латафурушлар растаси, Регистондан то Пули ошиқоннинг бошигача батамом ёниб кетди. Қарши дарвозаси ҳам ёниб кетди... Шаҳарда 3000га яқин ҳовли ёниб кул бўлди. Бухоро шаҳри қарийб 20 кун ёнганди. Бухоронинг шу даражада хароб бўлганини ҳеч бир тарих кўрмаган эди». Бухороликлар бу кунларни «кичик қиёмат», деб аташган.

Шаҳарга кирган қизил аскарлар Аркдаги амир хазинасини, Бухоро қозикалони, қушбеги ва бошқа амалдорларнинг бойлигини мусодара қилганлар. Аскарлар ва қўшин раҳбарлари катта бойлик орттирганлар. Ҳатто Фрунзе хазинадаги қимматбаҳо бойликларнинг бир қисмини ўзи учун сақлаб қўйган. Туркистон ҳарбий-инқилобий бюро «учлиги»нинг аъзоси А. Машницкийнинг 1920 йил сентябрда В.И. Ленинга ёзган маълумотномасида шаҳар маркази яқсон қилинганлиги, Регистон ва Арк ёндирилгани, Арк ертўлалари ва омборхоналаридаги бойликлар – олтин, кумуш, бриллиантлар талангани, бунда қизил армия бевосита қатнашгани ҳақида хабар берилган.

Сентябр ойининг бошида амирлик хазинаси ва бошқа бойликлар ортилган 2 эшелон юк Самарқанд ва

Тошкент орқали Москвага йўл олди. Қарийб 15 сентябрғача давом этган Бухоро таловининг гувоҳи бўлган Туркбюро раиси ўринбосари Г. Сафаров куйидагича ёзган эди: «Бухорога келган қизил қўшинлар энг аввало талончилик билан шуғулландилар. Улар ҳаммани ва ҳамма нарсани таладилар. Умуман қизиллар Бухорони талаш учун келган эдилар».

Бухоро шаҳридан сўнг қизил армия 27 беклик (баъзи манбаларда 32 беклик)ни ҳам бирин-кетин эгаллаб, Бухоро амирлигига барҳам берди.

1920 йил 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Шўроси, Ревком ва Бухоро Компартияси МКнинг умумий йиғилишида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро инқилобий кўмитаси (раиси-Абдулқодир Муҳитдинов) ва республика ҳукумати – 11 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси (раиси-Файзулла Хўжаев) тузилди. Мамлакатни бошқариш мақсадида тузилган Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси таркиби куйидагича эди: раис ва хорижий-ташқи ишлар (нозир-Файзулла Хўжаев), маориф (Қори Йўлдош Пўлатов), дохилия-ички ишлар (Мухтор Саиджонов), молия (Усмонхўжа Пўлатхўжаев), давлат назорати (Нажиб Хусаинов), фавқулодда комиссия (чека раиси-Юсуф Иброҳимов), адлия (Мукамил Бурҳонов), ҳарбий ишлар (Баҳовуддин Шихобуддинов), ер-сув ишлари-деҳқончилик (Абдулқодир Муҳитдинов), савдо ва саноат (Мирзо Муҳитдин Мансуров) нозирликлари. Бу пайтга келиб инқилобчи Ёш бухороликлар партияси аъзолари Бухоро Компартияси сафига киришга мажбур бўлган эдилар. Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, асосан жадидлардан ташкил топган Бухоро ҳукумати ўша пайтда маълумотли кишилар йиғилган ҳукуматлардан бири ҳисобланган. Бухоро жадидлари ўзларининг ислохотчилик ғояларини янги ҳукуматдаги фаолиятлари давомида амалга оширишга ҳаракат қилдилар.

1920 йил 6-8 октябрда амирнинг ёзги саройи Ситоран Моҳи Хосада чақирилган Бутун Бухоро халқ вакилларининг I қурултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилганлиги тантанали равишда

эълон қилинди. Бу давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик ҳокимияти эди. Унинг зиммасига қисқа муддат ичида ўртаасрчилик анъаналари мерос қолган амирлик Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш тушди. Курултой давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи бўлган Бухоро инқилобий қўмитаси (Марказий Ревком), Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси – дастлабки ҳукумат таркибини узил-кесил тасдиқлади. Уларнинг ваколат муддати II курултойгача узайтирилди. 1920 йил октябр-ноябр ойларида БХСР билан РСФСР ўртасида муваққат ҳарбий-сиёсий аҳдлашув ва шартнома тузилди. 1921 йил 4 мартда ҳар икки давлат ўртасида Иттифоқ шартномаси имзоланди. Ушбу шартномалар мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган ёш Бухоро давлати арбоблари фаолиятини муайян даражада чеклашга олиб келди. Иттифоқ шартномаси мустақил Бухоро давлати ҳудудида совет кўшинлари туришини «қонуний» асослаб бердики, мазкур ҳол БХСР ички ишларига Россиянинг тўғридан-тўғри ҳарбий жиҳатдан қуролли аралашувидан бошқа нарса эмас эди.

Бухородаги янги тузум ва унинг ижобий чоратадбирларини аҳоли маъқуллаб кутиб олди. Бироқ янги ҳокимият томонидан мулкдорлар табақасига нисбатан кўрилган қаттиқ чоралар, уларга тегишли бутун мол-мулкнинг мусодара қилиниши, сарой аъёнлари ва амир амалдорларининг ёппасига ҳибсага олиниши ва отиб ташланиши, амир хазинасининг Москвага олиб кетилиши, мажбурий озиқ-овқат развёрсткаси ва унинг қаттиққўллик билан амалга оширилиши, ислом дини ва уламоларга нисбатан душманлик сиёсати, республика ҳудудида турган қизил армия таъминотининг аҳоли зиммасига юклатилиши, бунинг устига қизил аскарларнинг босқинчилик ва талончилик «фаолияти» ҳаққоний равишда халқнинг кучли норозилигига сабаб бўлди. Республикадаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар ҳам кескинлашди. Бухорода амир ҳокимияти ағдариб ташланган дастлабки ҳафталардаёқ

мамлакатнинг ғарбий, марказий ва шарқий қисмларида қизил армиянинг босқинчилик сиёсати ва большевиклар зулмига қарши бошланган қуролли ҳаракат авж олиб кетди.

Ёш давлат етакчиси Файзулла Хўжаев мураккаб ва оғир шароитда ишлашга мажбур бўлди. Бухоро ҳукумати ичида сиёсий бўлиниш кучайди. Бир тарафдан, Бухоро Компартияси ичидаги сўл ва ўнг коммунистларга қарши ғоявий жиҳатдан кураш олиб боришга тўғри келса, иккинчи тарафдан, РСФСР ва унинг фавқулодда органлари бўлган Турккомиссия, Туркбюро, Ўрта Осиё бюроси ёш «мустақил давлат»нинг босган ҳар бир қадамини сергаклик билан назорат қилиб турар эди. Шундай бўлишига қарамасдан Ф. Хўжаев, У. Пўлатхўжаев, Отаулла Хўжаев, Фитрат, Муинжон Аминов, Мухтор Саиджонов, Саттор Хўжаев, М. Мансуров, А. Муҳитдинов ва бошқалар ҳукуматда демократик йўл тутиб, мўътадил мавқеда турдилар. Улар БХСРнинг амалда мустақил бўлиши, эътиқод эркинлиги, ислохотлар ўтказиш зарурлигини ёқлаб чиқдилар.

1921 йил 18-23 сентябрда бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг II қурултойида демократик руҳдаги БХСР Конституцияси қабул қилинди. Бухоро тарихидаги дастлабки Конституция фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонун билан мустаҳкамлади. Конституцияда давлатни идора этиш учун халқнинг барча табақа вакилларининг иштироки таъминланди. Хусусий мулк ва савдо-сотик эркинликлари унда ўз ифодасини топди. БХСР Конституцияси барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқ берди, миллий тенгсизликни йўқотди.

II қурултойда Бутун Бухоро МИК ташкил қилиниб, унинг раиси қилиб Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1887-1968) сайланди. 1922 йил августда бўлган III қурултойда бу лавозимни Порсо Хўжаев эгаллади.

Бироқ Бухоро республикасидаги демократик жараёнларга мамлакат ташқарисидан тазйиқ тобора кучайиб борди. 1923 йил 3 июнда Бухорога СССР Қуролли Кучларининг Бош қўмондони С.С. Каменев,

Туркфронт Инқилобий ҳарбий кенгаши раиси А.И. Корк, РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси аъзоси Михайлов ва бошқалар келишди. Улар Бухоро ҳукумати фаолиятдан қониқмаётганликларини очиқ айтиб, социалистик ўзгаришларни жадаллаштириш кераклигини таъкидлашди. Орадан кўп ўтмай 12 июнда РКП(б) МК Сиёсий бюроси махсус қарор қабул қилиб, Бухоро ҳукуматини советлаштириш чора-тадбирларини белгилаб берди. Совет ҳукумати ўз буйруқларини тез ва қаршиликсиз амалга ошириш учун РКП(б) МК котиби Я.Э. Рудзутақни Бухорога жўнатди. 23 июнда БКП МК ёпиқ пленумида Рудзутақ иштирок қилиб, Бухоро ҳукумати раҳбарлари ва маҳаллий коммунистлар олдига қатъий талабларни қўйди. Файзулла Хўжаевнинг энг яқин сафдошлари бўлган собиқ Ёш бухоролик жадидлар Отаулла Хўжаев (ташқи ишлар нозири), Фитрат (маориф нозири), Саттор Хўжаев (молия нозири), Муинжон Аминов (Бухоро ЭКОСО раиси) лавозимларидан четлаштирилиб, Бухоро давлати ҳудудидан чиқариб юборилди. Қори Йўлдош Пўлатов, Абдурахим Юсуфзода, Музахар Махсум Бурхонов, Ҳожи Ҳамро Йўлдошев ҳам масъул лавозимлардан олиб ташланди. Бухоро ҳукумати Москва ва Тошкентнинг «коммунистча сабоғи»ни олган «тажрибали совет ходимлари» билан тўлдирилди.

Бухоро ҳукуматида Туркистонга юборилган эмиссарларнинг таъсири тобора кучайиб борди. Коммунистик унсурлар бу билан чекланиб қолмасдан 14 августда бўлган Бухоро МИК фавқулодда сессиясида Конституция матнига ўзгартириш киритишга ҳам муваффақ бўлдилар. 1923 йил 11-17 октябрда бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг IV қурултойи Конституцияни ўзгартириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади. Унга биноан барча савдогар, мулкдор ва собиқ амалдорлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Аммо ишчи ва косибларнинг сайлов ҳуқуқи кенгайтирилди. Шунингдек, қурултой жамиятда ижтимоий беқарорликни кучайтирадиган «Совет қурилиши тўғрисида» номли махсус қарор қабул қилди.

Жамият тобора сиёсийлашиб борди. Бухорода ўтказилаётган демократик ислохотларнинг тақдири хавф остида қолди. Марказнинг талаби билан мамлакатда сунъий равишда социалистик қайта куришларни амалга оширишга киришилди. Республикадаги бу кескин вазият қуролли муҳолифат ҳаракатининг кучайишида ҳам ўз ифодасини топди.

Шундай қилиб, 1923 йил ёзида мустабид совет режими Бухорода ўзига хос давлат тўнтаришини амалга оширди. Миллий қўшин ва миллий валюта большевиклар томонидан тугатилди. Бу ҳолат Бухоро мустақиллигига катта хавф туғдирди. Бироқ Хоразм республикасидан фарқли равишда, фақат 1924 йил кузидан бошлаб Бухорода социалистик тараққиёт томон йўналиш тан олинди.

1924 йил 18-20 сентябрда бўлиб ўтган Бутун Бухоро халқ вакилларининг V қурултойида БХСР Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР) га айлантирилди. БССРнинг тузилиши юқоридан туриб сунъий тарзда амалга оширилган ҳодиса эди. Натижада тараққиётнинг демократик йўли инкор қилиниб, социалистик йўналиши танланди. Марказдаги большевик раҳбарларининг Бухоро ва Хоразм республикаларини социалистик республикаларга айлантиришдан кўзда тутган асосий мақсади маҳаллий халқларни тезроқ советлаштириш ва рушлаштириш, халқимиз онгига коммунизм мафкурасини мажбуран сингдириш эди. 1924 йил ноябр ойи охирида худди Хоразм республикаси сингари Бухоро ССР ҳам тугатилиб, унинг ҳудуди янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР (1929 йилгача таркибида Тожикистон АССР ҳам бўлган) ва Туркменистон ССРга киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро ва Хоразм Халқ республикаларининг демократик ислохотлар томон босиб ўтган йўли ўша давр учун ҳам, бугунги кун нуқтаи назаридан олиб қаралганда ҳам машаққатли ва улуғ йўл бўлди. Бухоро ва Хоразм республикалари атиги 4-5 йил ичида дунёвий ислохотлар жорий қилинаётган демократик давлатга айлана бошлади.

Афсуски, бу жараёнлар мустабид совет режими томонидан сунъий равишда тўхтатиб қўйилди ва нисбатан мустақил бўлган бу давлатларнинг мавжудлигига ҳам барҳам берилди.

Бухоро ва Хоразм республикаларининг тугатилиши билан камида уч минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқининг миллий давлатчилик халқаси деярли узиб ташланди. Ўзбекистон ССР тузилса ҳам (1925 йил феврал) орадан кўп ўтмай у СССР таркибига киритилди. ЎзССР амалда ҳеч қандай мустақил сиёсий ҳуқуқларга эга бўлмай, балки янги шаклдаги мустабид совет режимининг бир қисми бўлганлиги учун ҳам мустақил давлат вазифасини ўтай олмади.

14-МАВЗУ. 20-30-ЙИЛЛАРДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ЮРИТГАН ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ СИЁСАТИ, УНИНГ МУСТАМЛАКАЧИЛИК МОҲИЯТИ. СИЁСИЙ ҚАТАҒОНЛИК

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати моҳияти

20-йиллар тарихимизга ўта мураккаб ва зиддиятли, турли ижтимоий гуруҳ ва кучлар сиёсий қарама-қаршилиги авж олган, Туркистонда Марказнинг империяча муносабатлари мустаҳкамланаётган, ўлкадаги очлик, иқтисодий танглик, вайронага айланган саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигини тиклаш, яъни шўроларнинг «тинч социалистик қурилиш» йўлига ўтиш даври бўлиб киради. Ушбу даврдаги энг долзарб масалалардан бири бу — ҳокимият масаласи эди. Миллий мухолиф кучлар эса ҳокимият масаласини биринчи навбатда халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилашида кўришар эди. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг инқирози, очлик, инқилобча зўравонликнинг кучайиши, маҳаллий халқ миллий манфаатларининг очикдан-очик инкор этилиши Туркистондаги турли ижтимоий қатламлар орасида совет ҳокимиятига нисбатан ишончсизлик ва норозиликни келтириб чиқармоқда эди. Аҳолининг аксарияти совет ҳокимиятини қизил армиячиларнинг қуроли ёрдамида зўрлик билан олиб кирилган ҳокимият сифатида тан олмас, улар ташкил этаётган советлар ва уларнинг ижроия кўмиталари туб аҳоли орасида обрўга эга эмаслиги совет тузилмаларига қарши чиқишларни келтириб чиқармоқда эди.

Коммунистик партия ўзининг сиёсий позициялари ҳамда совет давлат тузумини мустаҳкамлаш билан бирга советларнинг ижроия кўмиталарини қайтадан тиклаш ишларини олиб борди. Ушбу тартиб жойларда ўлканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократик жараёнларни кенгайтириш, халқ ҳокимиятини тиклаш

шиорлари остида ўтди. Аммо тарих кўрсатиб турганидек, аслида бу жараён ташвиқот-мафкуравий характерда бўлиб, жамият ва давлат бошқарувида кенг халқ оммасининг иштирокини кўрсатишдек туюларди. Лекин ҳақиқатда бундай эмас эди. Кўп жойларда маҳаллий аҳоли сайлаш ҳуқуқидан маҳрум эди. Масалан, «БХСРда суд қурилиши ҳақида Низом»нинг халқ маслаҳатчиларини сайлаш тартиби ҳақидаги 3-боб 20-моддасида кўрсатилишича, тақсимот тахминан маслаҳатчиларнинг 25% ишчилардан, 50% қишлоқлар ва кентлардан, яъни деҳқонлар ва 25% ҳарбий қисмлардан бўлиши ҳисобида эди. Большевиклар кенг ҳуқуқлар ва имтиёзлар берган ишчи ва солдатларнинг мутлақо кўпчилик қисми руслар бўлиб, оқибатда раҳбар лавозимларнинг аксарияти улардан ташкил топган, миллий зиёлиларнинг асосий қисми эса сайлов ҳуқуқидан умуман маҳрум қилинган, бу ерда зиёли табақа умуман одил судловга яқинлаштирилмаган. 1923 йилда Сирдарё, самарқанд, Фарғона вилоятларида сайловга халқ судьяси ва 46624 та халқ маслаҳатчиларининг таркиби 73,5% ишчи, 19% деҳқон ва 7,5% қизил аскарлардан иборат. Бундан кўриниб турибдики, халқни ҳимоя қилиш керак бўлган судга бирорта мутахассис яқинлаштирилмай, фақат большевикларнинг сиёсатини тўғри деган кишилар киргизилган. ТАССРда эса 1920 йилда аҳолининг 93-97%ни мусулмон аҳолиси, 3-7%ни руслар ташкил қилгани ҳолда, халқ судьяларининг 48%ни руслар, 52%ни мусулмонлар, суд ҳайъати аъзоларининг 75%ни руслар, 25%ни мусулмонлар ташкил этган.

Совет ҳукумати маҳаллий аҳолидан чўчир ва унга ишонмас эди. Шунинг учун ҳам у ўз сиёсий тузилмаларига миллий ходимларни ниҳоятда кам жалб қилган эди.

Партиянинг ушбу мустабидлик йўналиши Туркистон халқи ҳаётига салбий таъсир қилди, маҳаллий аҳоли мустақил ҳуқуқларга эга эмас, ўз манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган уринишлар эса «миллатчилик» деб баҳоланиб, қатаронгача олиб келинган. XX асрнинг 20-йилларида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий аҳвол мана шундай эди.

1921 йилнинг баҳорига келиб совет ҳокимияти олдида вайрон бўлган қишлоқ хўжалигини тиклаш вазифаси кўндаланг бўлиб турди. Бунинг асосий сабаби эса деҳқонларнинг кўплаб кўтарилишлари бўлди. Бу эса сиёсатни қайтадан кўриб чиқиш, саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида таъсирчан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш заруратини келтириб чиқарди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги республика миллий даромадининг асосий қисмини берганлиги, деҳқонлар эса аҳолининг 80 фоизини ташкил этганлиги туфайли совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида аграр масала марказий ўринни эгалларди.

Марказдан фарқли ўлароқ, Ўрта Осиё республикаларининг 20-йиллардаги аграр сиёсатида нисбатан кескин чоралар кўрилган. 1920-1921 йиллардаги ер-сув ислоҳотининг амалга оширилиши янги иқтисодий сиёсат (НЭП) билан бирга олиб борилди. Янги иқтисодий сиёсатдан кўзланган мақсад маҳсулот ишлаб чиқарувчи якка деҳқонларнинг манфаатини ошириш, унинг ерга эгаллик қилишини таъминлаш, имтиёзли солиқ олиш ва бозор иқтисодиёти, товар-пул муносабатларига ўтиш эди. Унинг асосий бўғинларини озиқ-овқат развёрткасининг озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши, эркин савдо, саноатда хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг жорий қилиниши ташкил этди.

Озиқ-овқат развёрткасининг солиқ билан алмаштирилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг иқтисодий рағбатларини вужудга келтирди ҳамда деҳқон ҳосилнинг қатъий белгиланган қисмини топширгач, унга ўз меҳнати маҳсулини ўзи истаганича тасарруф этиш ҳуқуқи берилди. Янги иқтисодий сиёсат йўлининг ўзига хос хусусияти товар-пул муносабатларининг жонланиши, савдо ва айирбонлашда чеклашлардан озод бўлиш эди. Эркин савдонинг соғломлашувига 1922-1924 йилларда ўтказилган пул ислоҳоти маълум даражада ёрдам берди. Муомалага курси олтинга тенглаштирилган валюта — червонецнинг чиқарилиши бозор ролининг тикланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ер-сув ислоҳотини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад маҳаллий ҳамда Туркистондаги бой рус деҳқонларининг ер ва сувга бўлган ҳуқуқларини тенглаштириш эди. Чунки чор маъмурлари томонидан рус деҳқонларига энг яхши ва ҳосилдор ерлар ажратилган эди.

Ер-сув ислоҳотининг характери 1920 йил сентябрда бўлиб ўтган Туркистон Советлари IX қурултойининг қарорларида акс этди. Ушбу дастур асосида меҳнат билан шуғулланмайдиган бой-қулоқ хўжалиklarини тугатиш ва кўчманчиларни ўтроқ ҳаётга ўтказиш, ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан таъминлаш ва энг асосийси рус келгиндиларининг ортиқча ерларини мусодара қилиш орқали чор Россияси мустамлакачилик сарқитларини енгилш ётар эди. Вақт ўтиши билан кўчириб келтирилган руслардан ерларни мусодара қилиш билан бир қаторда вақф ерлари тортиб олинди, бойлар, манноплар, савдогарлар, диний хизматчилар ва қишлоқ ҳамда овулларнинг «меҳнат билан шуғулланмайдиган юқори табақалари» леган бошқа вакилларининг ерлари камайтирилди.

Ер ва сувни тақсимлаш жараёни бир томондан ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан таъминлаган бўлса, иккинчи томондан қишлоқдаги сиёсий вазиятни ўта кескинлаштириб, синфий зиддиятларни кучайтирди. Шунингдек, ислоҳот давомида Еттисув ва Жалолобод туманларининг кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолисини ўтроқ ҳаётга ўтказиш сиёсати салбий оқибатларга олиб келди. Зеро, кўчманчиликдан ўтроқчиликка ўтиш нафақат хўжалик фаолият шаклларини ўзгартирибгина қолмай, балки ерлар давомида шаклланиб келган ушбу ижтимоий гуруҳнинг турмуш тарзи ҳамда касб-ҳунарини тамомила ўзгартириб юбориши муқаррар эди. Ислоҳотни ўтказишнинг инқилобий-зўравонлик усуллари Туркистон қишлоқларида ижтимоий ва миллатлараро тангликни вужудга келтирди.

Ер-сув ислоҳоти 1922 йил кузида ўз поёнига етди. Уни амалга ошириш давомида ҳамма жойларда қишлоқ овулларнинг ерсиз ва кам ерли маҳаллий деҳқонларини бирлаштирган «Кўшчи» уюшмалари ташкил этила бошлади. Лекин шунинг таъкидлаш кераки, «Кўшчи» Туркистон деҳқонлари уюшган биринчи ташкилот эмас эди. 1918 йилдаёқ Тошкент Деҳқон Иттифоқи вужудга келган эди. Ўшанда Тошкент ва шаҳар атрофидаги туманлар деҳқонлари ҳамда савдо доираларининг турли қатламлари янги ҳокимиятнинг муайян кескин чораларига қаршилик кўрсатишга ҳамда ўз мулкларини сақлаб қолишга ҳаракат қилган эди. Ташкилот деҳқонлар оммасининг қисмини қамраб олган бўлиб, маҳаллий характерга эга эди. 1919 йили Туркистон республика ва Ер ишлари Халқ Комиссарлигининг кўмаги билан камбалиқлар кўмиталари тузилди. «Кўшчи» уюшмаси камбалиқларнинг кўмиталари ва иттифоқлари ўрнига вужудга келган эди. Ушбу уюшма қишлоқ ва овулларда совет ҳокимиятининг таянчи, «меҳнаткаш деҳқонларни» синфий тарбиялашнинг ўзига хос мактаби сифатида ер-сув ислоҳоти давомида «меҳнат билан шуғулланмайдиган хўжаликлар» ва уларнинг мол-мулкларини аниқлашда, советлар сиёсатидан норози бўлган деҳқонлар чиқишини бостиришда ва уларнинг олдини олишда ҳам қатнашди. Уюшма кооперация ишига ўз ҳиссасини қўшган бўлса ҳам, унинг фаолиятидаги асосий эътибор қишлоқнинг бой қатламлари билан кураш олиб бориш ва қишлоқни «социалистик асосда қайта қуриш»га қаратилган эди.

Марказ Туркистон ўлкасига асосий хом ашё базаси сифатида қараб келганлиги боис ўлка қишлоқ хўжалигининг бош соҳаси ҳисобланган пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, РКП (б) МКнинг 1922 йил 11 январдаги «Туркистон Компартиясига», деб номланган хатида Туркистон Компартиясининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолиятида биринчи ўринга сугориладиган ерларда

экин майдонларини тиклаш, пахтачиликни ривожлантириш ҳамда мавжуд суғориш тизимини тузатиш масалалари ҳал этилиши лозимлиги таъкидланган эди. Пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш ишларини раҳбарлик қилиш учун 1920 йилда Бош Пахтачилик кўмитаси ва пахта етиштирувчи республикаларда унги бўйсунувчи пахтачилик кўмиталари тузилди. Туркистон республикасидаги барча ҳайдаладиган майдонлар, селекция станциялари, ирригация иншоотлари пахтачилик кўмитаси ихтиёрига ўтказилди. Бош Пахтачилик кўмитаси қатта ваколатларга, яъни бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳисобига чигит экиладиган майдонларни кенгайтириш, пахта харид нархларини белгилаш, марказий давлат органларининг руҳсатисиз махсус қарор қабул қилиш ҳуқуқларига эга эди. Пахтанинг нархи ҳукумат томонидан белгиланиши унинг бу масалада яққаҳоқимлигидан далолат беради. Туркистонлик кўпгина арбоблар пахтачиликда давлат монополиясини тугатиш зарурлигини бир неча мартаба кўтариб чиққан эдилар. Хусусан, Ер ишлари Халқ комиссари С. Асфандиёров ва ҳукуматнинг бошқа аъзолари давлатнинг пахтага бўлган яққаҳоқимлигига қарши чиқиб, Бош Пахтачилик кўмитасини тугатиш масаласини ўртага ташлаган эди. Бироқ Туркистон республикаси ва РСФСР партия-давлат аппаратининг аксарият ходимлари пахта монополияси тарафдор эдилар. 1922 йилнинг 1 январида РСФСР Олий Халқ Хўжалиги Кенгаши (ОХХК) томонидан қабул қилинган қарорда эса «пахтага давлат монополиясини сақлаш» масаласи қатъиян кўтарилган эди.

Пахтачиликни тиклаш ишлари ҳамда республикага дон олиб келтиришни жадаллаштириш мақсадида ОХХК Етгисув темир йўлини тезроқ тугатишга қарор қилди.

1923 йилнинг январида СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши қабул қилган қарорда «Республика ичида пахтани харид қилиш давлат монополияси бекор қилинсин» дейилган эди. Шу билан бир вақтда пахтанинг қатъий нархи бекор қилинди.

Туркистон республикасида пахтачиликни ривожлантириш ишларини суғориш иншоотларини тикла-

мисдан амалга ошириб бўлмасди. Суғориш ишларини тиклашни тезроқ амалга ошириш, деҳқончилик учун шроқли ерларни сув билан таъминлаш ва қишлоқ кўжалигини, биринчи навбатда эса пахтачиликни ривожлантириш учун сувдан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида 1921 йилнинг февралда ТАССРдаги барча сувларни республика мулки деб ўйлон қилган сув тўғрисида қонун қабул қилинди. Қонунда, сувни тақсимлаш одат (бой ва руҳонийларга бериладиган имтиёзлар) бўйича эмас, балки, биринчи навбатда деҳқонлар манфаатини кўзлаган ҳолда берилиши керак, деб айтилган эди. 1921 йилнинг ноябрида аҳолининг даромадларини суғориш ишларини тиклашга сафарбар қилиш мақсадида сув солиғи жорий қилинди.

Шу йилда ТАССРнинг суғорма ер майдони 1920 йилдаги кўрсаткичга қараганда 300 минг десятинага кўпайган эди. Пахта экин майдонлари эса деярли 100 минг десятинага ортди.

Иттифоқ ҳукумати аввал бошданок ёш Ўзбекистон республикаси раҳбарияти олдига «Совет Ўзбекистони»ни СССРнинг асосий пахта базасига айлантириш стратегик вазифасини қўйди. «Оқ олтин»нинг аксарият қисми, яъни 90%дан кўпроғи «Советлар мамлакати»нинг тўқимачилик марказларига юборилди. Масалан, 1922 йилнинг бошларида Туркистондан Марказга Красноводск йўналиши бўйича 1150 вагон (63470 та той пахта), Оренбург йўналиши бўйича 1547 вагон (85030 та той пахта), ҳаммаси бўлиб 2697 вагон (148500 та той пахта) пахта толаси жўнатилган эди. Совет ҳукуматининг пахта мустақиллигига эришишга қаратилган чора-тадбирлари зое кетмади. Ўзбекистонда пахта етиштиришни кўпайтириш совет ҳукуматига ҳар йили четдан пахта сотиб олинишга сарфланадиган 100 млн. рубль олтинни тежаш имконини берган эди. 1928 йилда эса Ўзбекистон пахтакорларининг давлатга топширган 543,7 минг тонна «оқ олтин»и эвазига СССР пахта етиштириш бўйича 4-уринга чиқди ва бу пахта мустақиллигига эришиш йўлида қўйилган

дастлабки қадамлардан бири бўлди. «Советлар мамлакати»га пахта етказиб беришда республиканинг салмоғи 1940 йилда 63%га етди. Буларнинг ҳаммаси, ўша йиллардаги ҳукумат ҳужжатларида расман эътироф қилинишича, «... Совет Иттифоқининг четдан пахта келтиришдан озод бўлишида ва СССР тўқимачилик саноатининг пахта хом ашёси билан тўла-тўқис таъминланишида ҳал қилувчи рол ўйнайди». Ҳақиқатан ҳам, агар 1925 йилда СССРга четдан 103,1 минг тонна, 1930 йилда – 57,9 минг тонна пахта келтирилган бўлса, 1933 йилда бор-йўғи 24,3 минг тонна пахта келтирилди. Ўзбек пахтакорларининг машаққатли меҳнати эвазига совет давлати пахтани четдан сотиб олмай, пахта етиштириш бўйича жаҳонда иккинчи ўринга чиқди. Мана шу тариқа собиқ СССР пахта мустақиллигига эришди.

Пахта яққаҳокимлигини таъминлаш мақсадини амалга ошириш оқибатида қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, хусусан, чорвачилик инқирозга учради, галла тайёрлаш кескин камайиб кетди. Ҳосилдор ерлар миқдори камайди. Дон, полиз экинларининг ҳосилдорлиги қисқарди.

Янги иқтисодий сиёсат туфайли қишлоқ хўжалигида кооператив ва ширкатчилик ҳаракати авж олди. 1923 йилда Туркистон республикасида қишлоқ хўжалиги ва кредит кооперациялар тизими ташкилий жиҳатдан тугал равишда шаклланди дейиш мумкин. Давлатнинг кооператив қурилиш сиёсати икки йўналишда олиб борилди. Бир томондан, кооперация майда товар хўжалигини социализмга жалб қилиш воситаси, шахсий ва жамоа манфаатларининг келишув шакли сифатида баҳоланса, иккинчи томондан, кооперацияга хусусий секторни сиқиб чиқарувчи ижтимоий қурол деб қаралди.

Марказ қишлоқ хўжалик кредити — қишлоқ хўжалигининг асосий сармоясини (мол-мулк, уруғ фонди, қурилишлар) тиклаш учун фойдаланиш, бу ресурсларни чорвачилик, пахтачилик, ирригация, боғдор-

чилик ва узумчиликни ривожлантиришга ёрдам кўрсатишга йўналтирди. 1923 йилда Туркистонда 1169та кредит-кооператив ширкати бўлиб, кредитдан фойдаланадиган хўжаликлар сони 28 мингга эди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини sanoatга контракция (шартнома) асосида етказиб беришда қишлоқ хўжалик кооперативлари воситачилик қилди. Майда товар деҳқон хўжалиги ривожлана бошлади.

Бироқ ҳар кимни ҳам кооперативга қабул қилишавермасди. Синфий танлов мавжуд эди. Камбагалларга устуворлик бериларди. Аҳолининг ўзига тўқ қатламларига нисбатан қатъий талаблар белгиланган эди. Масалан, «бой», «қулоқ»лар тоифасидаги шахслар биринчи тўлов сифатида ўртаҳоллар тўлайдиган тўлов миқдоридан икки баробар, камбагалларникидан эса ўн икки баробар кўп ҳақ тўлашлари керак бўлган. Кооперативларга қабул қилишдаги бундай синфий ёндашув ўз навбатида, аксарият қишлоқ аҳли фуқаролик ҳуқуқларининг поймол этилишига, ишби-лармон деҳқонларнинг иқтисодий ривожланган жамият қуришишидан сунъий бегоналаштирилишига олиб келди.

1927 йилдан кооператив уюшмаларини «давлатлаштириш» сиёсати бошланиб, унинг хўжалик ҳисоби асосидаги негизлари тобора кўпроқ кўпорилди. Деҳқон хўжалигини юксалтиришга доир масалаларнинг ҳаммаси давлатга келиб тақаладиган бўлиб қолди (солиқ сиёсати, кредит, нархлар ва бошқалар).

20-йиллар бошларидаги Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг алоҳида хусусияти — бу ўлка маҳаллий аҳолиси миллий ўз-ўзини англашининг ўсганлиги дейиш мумкин. Маҳаллий аҳолининг кескин норозилигига биринчи навбатда Марказнинг унинг миллий манфаатларини ҳисобга олмаслик сиёсати сабаб бўлди. Туркистон туб аҳолисининг кучайиб бораётган норозилиги турли шаклларда намоён бўлди. Шундай норозилик шаклларида яна бири ҳокимият поғоналаридаги миллий раҳбар кадрлардан иборат миллий муҳолифат бўлди. Улар мустабид тузумга,

унинг сиёсатига очикдан-очик қарши фикр билдириб маҳаллий аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилдилар. Марказнинг шовинистик ва империяча сиёсатини қарши фаол кураш олиб бордилар. Мана шундай миллий раҳбарлардан бири давлат ва сиёсат арбоби, олим ва дипломат Назир Тўрақулов (1892-1939) бўлган. Назир Тўрақулов совет ҳокимиятининг турли лавозимларида ишлаб келди.

Марказнинг сиёсий раҳбарияти ўзининг сиёсий мавқеини сақлаб қолиш мақсадида ўлкадаги вакилларига Туркистон Компартиясининг VI қурултойида (1921 йил 11-20 август) миллий муаммоларга эътиборни кучайтиришни, Туркистон партия-давлат органлари таркибида миллий кадрларни кўпайтиришни тавсия этган эди. Ушбу кўрсатмалар асосида қурултойда Туркистон Компартияси Марказий Қўмитасининг аъзолари этиб бир қанча маҳаллий раҳбарлар билан бир қаторда Назир Тўрақулов ҳам сайланган эди. Шу билан бирга Назир Тўрақулов ва Абдулла Раҳимбоевлар РКП (б) МКнинг Туркистон бюроси таркибига киритилдилар. Миллий раҳбарлар Марказнинг буюк давлатчилик шовинизмига қарши чиқиб, Турккомиссияни йўқ қилиш талабини бир неча маротаба ўрғага ташлаган эдилар. Бу даврда ТКПга бошчилик қилиб турган Назир Тўрақулов ҳам Турккомиссия ва Туркбюронинг хатти-ҳаракатларига норозилик белгиси сифатида улар сафидан чиқиш тўғрисида ариза беради.

Лекин миллий раҳбарларнинг ватангарварлик чиқишлари Марказнинг кескин норозилигига сабаб бўлди. Марказ уларга қарши сиёсий қувғинни авж олдиради. Қ. Отабоев ва А. Раҳимбоевлар «қўпол хатолари» учун ўз лавозимларидан бўшатилди. Лекин совет ҳукумати бироз вақт ўтгандан сўнг, уларга «ўз хатоларини тузатиш» имкониятини бериб, раҳбарлик лавозимларида ишлашга рухсат берган эди. Бироқ миллий раҳбарлар ўлканинг тараққиётини унинг мустақиллигида кўрдилар ва ўз қарашларида мустаҳкам туришда давом этдилар.

Назир Тўрақулов нафақат сиёсий арбоб, балки тилшунос олим сифатида ҳам таниқлидир. У турк, форс, араб, рус, немис ва француз тилларини яхши билган. Республика ва вилоят газеталарида мақолалари билан қатнашиб турган. Унинг ноширлик ва элчилик фаолияти ҳаётининг кейинги даврига тўғри келган.

Кўпгина миллий раҳбарлар қатори Назир Тўрақулов ҳам қатағонлик тўлқинидан кутулиб қолмади ва 1939 йилда отиб ташланди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, 20-йилларнинг бошларида ўлка партия-давлат органларининг раҳбарлик лавозимларига миллий кадрлар жалб қилинган эди. Улар орасида таниқли давлат ва жамоат арбоби Қайғусиз Отабоев (1887-1937) ҳам бор эди. Ўз сиёсий фаолияти давомида Қ.Отабоев Марказнинг айирмачилик, шовинистик сиёсатига қарши бир неча бор ўзининг дадил фикрлари билан чиқди. У Марказ томонидан юборилган эмиссарларнинг маҳаллий халқларга нисбатан қўллаётган усулларини танқид қилиб, Россиядан келган ходимлар туб аҳолининг ўлкани мустақил бошқара олиш қобилиятига ишонмаётганликлари, ўзлари эса Туркистоннинг турмуш шароитларини яхши билмасдан туриб, ҳокимиятнинг масъул лавозимларига даъвогарлик қилишлари ҳақида ТКП Советларининг Х қурултойи минбаридан туриб гапирган эди.

Қ. Отабоев миллий раҳбарлардан биринчилар қаторида «босмачилик» ҳаракатига тўғри баҳо берган. Унинг 1922 йил 18 июлда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг VI пленумида қилган маърузаси кескин танқидий ва очиқдан-очиқ қаршилик руҳида эди. Отабоев бу ҳаракатга «ҳарбий йўл билан йўқ қилиб бўлмайдиган халқ кўзгалони», деб баҳо беради ва босмачилар билан сиёсий ва иқтисодий усулларни қўллаб, тинч музокаралар олиб бориш таклифини киритади. Шундан сўнг 1922 йилнинг сентябрида Самарқанд вилоятида большевиклар тузумига қарши курашаётган Баҳромбек кўрбоши билан тенг асосларда тинчлик шартномасини имзолагани учун Қ. Отабоев, А. Раҳимбоев, А. Серғозиевлар лавозимларидан бўшатилиди.

Қайғусиз Отабоевнинг қисмати ҳам ўша йиллардаги миллатпарварлар сингари аянчли тугади, у 1937 йилда мустабид тузум томонидан ноҳақ қатағонга учраб, отиб ташланади.

Яна бир миллатпарвар раҳбарлардан бири етук давлат арбоби Иномжон Хидиралиевдир (1891-1928). Иномжон Хидиралиев ҳам маҳаллий аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилган миллий раҳбарлардандир. У 1922 йилнинг охирида Бутунроссия МИКга махсус хат билан мурожаат қилиб, «Маҳаллий аҳолининг барча қатламларини совет ишларига жалб қилишга, бу ишларни аҳолининг миллий турмуш тарзига мослаштирган ҳолда амалга оширишга, Туркистонда иш юритишни маҳаллий аҳоли тилига ўтказишга» эътиборни қаратган эди. И. Хидиралиев фикрича, октябр тўнтаришидан сўнг деярли 5 йил ўтган бўлса ҳам, қуйидан юқоригача бошқарув аппаратларида асосан европалик кишилар ўтирганлиги маҳаллий аҳолида чоризм мустамлакачилик сиёсати советлар даврида ҳам давом этмоқда деган хулосани келтириб чиқармоқда. Бошқарув идораларида ўтирган европаликлар асосан Россия шароитидан келиб чиққан кишилар бўлиб, маҳаллий аҳоли тили, урф-одатини билмайдиган, деҳқончилик ва чорвачиликда машғул бўлган кўплаб аҳоли хусусиятига мос мафкуравий қарашларни тушунмайдиган шахслардир. Бу эса ўз навбатида чоризм давридаги бюрократик давлат аппаратига ўхшаб қолган бошқарув аппаратини тез орада маҳаллий халқлар руҳияти ва турмушига мослаштиришни тақозо қилади. Хидиралиевнинг ушбу таклифлари билан Марказ қисман бўлса ҳам ҳисоблашишга мажбур бўлди. 1923 йилдан бошлаб иш юритиш туб миллатлар тилларида олиб бориладиган бўлди.

И. Хидиралиевнинг ҳаёти 1928 йилда фожиали тугайди.

Тарихимизда ўзининг ўчмас изини қолдирган буюк сиймо бу – Файзулла Хўжаевдир (1896-1938). 1920 йили инқилобчи Ёш бухороликлар Туркистон Мар-

кизий бюроси раиси, 1920-24 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикаси Нозирлар Кенгашининг раиси (шунингдек, хорижий-ташқи ишлар нозири) бўлиб ишлаган.

Файзулла Хўжаевнинг фаолияти ниҳоятда мураккаб сиёсий вазиятда ўтган. Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлардан қониқмаганлигини у ўзининг бир қанча танқидий чиқишларида билдиради. Масалан, 1924 йилдаги большевикларнинг миллий-худудий чегараланишига қарши ўз фикрларини илгари сурган, «Бухоро инқилоби тарихига доир» асарида Файзулла Хўжаев жаҳидчиликка ҳолис баҳо беришга ҳаракат қилган. Ушбу асардаги жаҳидчиликнинг ижтимоий моҳиятига ижобий муносабати ва жаҳидчиликни ижтимоий-инқилобий ҳаракат сифатидаги қарашлари хато деб баҳоланди.

Файзулла Хўжаев ҳам мустабид тузумнинг қатагон қурбонларидандир. У 1937 йил Москвада «халқ душмани» сифатида қамоққа олиниб, 1938 йилда отиб ташланган.

20-30-йилларда кўзга кўринган миллий етакчи — Абдулла Раҳимбоевдир (1896-1938). Абдулла Раҳимбоевнинг сиёсий фаолияти ниҳоятда серқирра бўлиб, мустабид тузум сиёсатига қарши дадил чиқишлари бунинг ёрқин ифодасидир. Масалан, у 1921 йилнинг декабрида бўлиб ўтган РСФСР Советларининг IX курултойи минбаридан туриб, Россия ҳукуматига очикдан-очик «Туркистондаги советларнинг жазолаш сиёсати ҳар қандай чегаралардан ўтиб тушди. Фарғона вилоятидаги жазо отрядлари эса мутлақо мухтор ҳолатда, ҳеч ким билан, партия органлари билан ҳам, совет органлари билан ҳам ҳисоблашмасдан, турли шубҳали шахсларни хизматга олиб ҳаракат қилмоқдалар» деган баёнот билан чиқди. Лекин бундай тарзда советлар сиёсатини танқид қилиш кечирилмас эди ва 1922 йилда ишда йўл қўйилган «кўпол хатолари» учун ТАССР МИҚ раиси А. Раҳимбоев лавозимидан четлаштирилди. Бироқ вақт ўтиши билан Марказ унга

«ўз хатоларини тузатиш» имконини беради ва яна раҳбарлик ишига жалб қилади.

А. Раҳимбоев РКП (б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг аъзоси ҳамда ТКП МҚнинг маъсул котиби сифатида миллий-ҳудудий чегараланишни ўтказишнинг тепасида турди. 1924 йилнинг феввалида у Бухорога юборилади ва бу ерда БХСР раҳбар ходимларининг кенгашида миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисида маъруза қилди. 1924 йилнинг 10 мартида Туркистон Компартияси МҚ ва Туркистон МИҚ раҳбар ходимларининг кенгашида ҳам маъруза қилиб, миллий-ҳудудий чегараланишни «... нисбатан маъқул тарзда, оғриқсиз усуллар» билан ўтказиш кераклигини уқтирди.

Абдулла Раҳимбоевнинг қисмати ҳам миллий етакчиларники каби қатағон тўлқинлари авж олган пайтда ҳал қилинди. У 1938 йилда қурбон бўлди.

Туркистон халқларининг илдизи бир деган ғоя авлоддан-авлодга ўтиб, миллий етакчилар, жамоат арбоблари ва миллий зиёлилар қарашлари ҳамда фаолиятларида ўз аксини топиб келган. Тарихан таркиб топган учта давлатни тугатиб, ўрнига янги тузилмаларни вужудга келтириш Марказ ва ўлкадаги большевистик раҳбарлар ташаббуси бўлди. 1920 йил бошидаёқ Турккомиссия Туркистон АССРни бўлиб ташлаб, миллий тил белгисига қараб мухтор республикалар ташкил қилиш масаласини кўйган эди. Бу ўша йили июн ойида РКП(б) нинг Туркистонга оид қабул қилган ҳужжатларида ўз аксини топди. Ленин Туркистоннинг «Ўзбекия, Қирғизия, Туркмания» га бўлинган харитасини тузиш кераклигини уқтирди. Бу режанинг амалга ошиши қуролли ҳаракат туфайли бир оз кечикди. Туркистонни миллий жиҳатдан қайта чегаралаш Марказ ва РКП(б) Ўрта Осиё бюроси томонидан ишлаб чиқилди ва 1924 йилда қатъийлик билан амалга оширилди.

1924 йилнинг 31 январида РКП(б) МҚнинг Ташкилий бюроси Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг миллий-ҳудудий чегараланиши масаласини кўриб чиқди ва Я. Э. Рудзутакка мазкур

республикаларнинг масъул ходимлари билан биргаликда бу гоёни амалда қандай рўёбга чиқариш мумкинлигини олдиндан муҳокама қилишни ташаббусларди. 1924 йилнинг февралда эса Файзулла Хўжаевнинг миллий чегаралаш масаласи бўйича таслисларида Марказнинг туркий халқларнинг илдизи бирлигини ҳисобга олмайганлиги, чегаралаш гоёлари ўтмиш истилочилари сиёсатидан фарқ қилмайганлиги айтилган эди. Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида ташкилий ва ташвиқот ишлари олиб борилгандан сўнг, 1924 йилнинг 11 октябрида РКП(б) Сиёсий бюроси Ўрта Осиёни қайтадан бўлиб чегаралаш ҳақида ўзининг сўнгги қарорини қабул қилади ва 1924 йил 14 октябрда РСФСР БМИҚ II сессияси миллий чегараланиш ҳақидаги Туркистон МИҚ қарорини тасдиқлади. Миллий чегараланиш натижаларига кўра Ўрта Осиёда Ўзбекистон ва Туркменистон Совет Социалистик Республикалари, ЎзССР таркибида бўлган Тожикистон Автоном республикаси, РСФСР таркибида Қорақирғиз (Қирғизистон) ва Қорақалпоғистон Автоном вилоятлари ташкил топди. Собиқ Туркистон АССРнинг қозоқ вилоятлари эса Қирғизистон (Қозоғистон) АССР таркибига киритилди.

Шу тариқа, 1924 йилнинг кузида миллий-худудий чегараланиш ҳукумат қарорлари билан қонуний тарзда расмийлаштирилди.

1925 йилнинг 13 февралда ЎзССР Советларининг Бухорода очилган I-Умумўзбек курултойида «Ўзбекистон ССР тузилгани тўғрисида Декларация» қабул қилинди. Ўзбекистон ССР Советлари МИҚнинг раиси этиб Йўлдош Охунбобоев сайланди. Ўзбекистон ХКС раиси этиб Файзулла Хўжаевни тасдиқлади. Тузилган Ўзбекистон ССРга тугатилган Туркистон АССРдан Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг катта қисми, Бухоро республикасидан унинг марказий ва ғарбий қисми (Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари), шунингдек, Хоразм ССРдан Хоразм воҳаси кирди.

Миллий чегараланишдан сўнг Ўзбекистон Советларининг I қурултойи (1925 йил 13-17 феврал) «Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ҳақидаги Декларация»ни тасдиқлагач, Иттифоқ советларининг 3-қурултойида (1925 йил 13 май) Ўзбекистон Республикаси СССР таркибига киритилди. Шу тариқа Ўзбекистон ССРнинг қонунан расмийлаштириш жараёни тугалланди.

Ўзбекистон ССР аҳолисининг сони республика ташкил этилишининг дастлабки йилларида 3.963.285 кишини, яъни Ўрта Осиё аҳолисининг деярли ярмини — 48,7 фоизини ташкил этар эди. 1926 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш бўйича республикада истиқомат қилувчи аҳолининг таркиби қуйидагича эди: ўзбеклар — 74,2%, тожиклар — 7,8%, руслар — 5,6%, қozoқлар — 2,4%, қирғизлар — 2,04%.

Туркистон ўлкасини бўлиб ташлаш билан шўролар миллий давлатчилигимизнинг минг йиллик ривожланиш тарихига путур етказдилар. Миллатнинг бир қисми ўз ота-боболари ерида яшаб, меҳнат қилса-да, расмий таърифга кўра, «оз сонли миллат»га айланиб қолган эди. Большевиклар андозасидаги миллий-ҳудудий чегараланиш Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги бўлажак миллатларо муносабатларни кескинлаштириб туриши, фавқулодда вазиятларда портлаб, турли низоларга сабаб бўлиши муқаррар эди. Янги совет республикаларини «миллий давлатчиликнинг ташкил этилганлиги», деб баҳолаш хато бўлса керак. Зеро, СССР таркибидаги ушбу тузилмалар Марказ ихтиёрида бўлиб, илгаригидек унга арзон хом ашё етказиб беришга ихтисослаштирилган мустамлакалар бўлиб қолаверди.

1924 йилда миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида Ўрта Осиё харитасида иттифоқчи республикалар билан бирга мухтор тузилмалар ҳам пайдо бўлди. Шулар орасида Қорақалпоғистон мухтор вилояти ҳам бор эди. Ушбу вилоят Қирғизистон (Қозогистон) АССР таркибида бўлиб, унга волостлар-

дан иборат Тўрткўл, Чимбой, Хўжайли ва Кўнғирот округлари кирди. 1925 йил 12-19 февралда вилоят маркази Тўрткўл шаҳрида бўлиб ўтган Қорақалпоғистон автоном вилояти Советларининг биринчи қурултойи «Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил топганлиги тўғрисида Декларация» қабул қилди ва «Қорақалпоқ миллий давлатчилиги» ташкил этилганлигини қонуний расмийлаштирди. Қорақалпоғистон автоном вилояти ижроия кўмитасининг раиси этиб А.Қудабоев сайланди. Қорақалпоғистонда яшайдиган асосий элатлар қорақалпоқлар – 38,5%, ўзбеклар – 28,7%, қозоқлар – 28,6%дан иборат эди.

Қорақалпоғистон мухтор вилояти ташкил этилгандан сўнг советлар бу ерда ҳам социалистик қурилишни авж олдириб юбордилар. Жумладан, овул ва қишлоқларни советлаштириш кенг миқёсда олиб борилди. Советларга батрак ва камбағаллар сайланиб, уларнинг асосийларини коммунист ва комсомоллар ташкил қилди. Мамлакатда вайрон бўлган саноатнинг турли соҳалари, қишлоқ хўжалиги ва суғориш ишларини тиклаш амалга оширилди. Қорақалпоғистон иқтисодиётининг тараққиёти бир томонлама хусусиятга эга бўлиб, СССРнинг марказий минтақалари саноатини ривожлантириш эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган эди. Масалан, 1933 йилнинг 3 октябрида СССР Ер ишлари Халқ Комиссарлиги Қорақалпоғистонни мамлакатга беда уруғи етказиб берувчи асосий база деб тан олган эди. Бунинг асосий сабаби мамлакат халқ хўжалигида иттифоқдош республикалар ўртасидаги меҳнат тақсимотида Қорақалпоғистонга олий сифатли пахта, беда ҳамда балиқ билан таъминлаб туриш юклатилганлигида эди.

Мухтор вилоят саноатининг етакчи тармоқларини пахта тозалаш ва балиқ-консерва заводлари ташкил этар эди. Саноатни юксалтириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлан-тиришга ҳам қатта эътибор қаратилди ва бу ерга кўп миқдорда қишлоқ хўжалик анжомлари келтирила бошланиб, бой ва руҳонийлардан тортиб олинган ерлар ҳисобига ерсиз ва кам ерли деҳқонлар ер билан таъминланди.

1930 йилда Қорақалпоқ мухтор вилояти РСФСР таркибига киритилди. 1932 йилнинг 20 мартида эса СССР МИК Раёсати «Қорақалпоғистон автоном вилоятини Автоном Совет Социалистик Республикасига айлантириш ва уни РСФСРга кириши тўғрисида» қарор қабул қилди. Уша йилнинг май ойида автоном республика Советларининг I Таъсис қурултойи ҳукуматни тузди. Унда ҚҚАССР МИК раиси этиб Коптлеу Нурмухамедов, Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси этиб эса Қосим Авезовлар сайландилар. 1936 йилда СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди ва унга кўра ҚҚАССРнинг Ўзбекистон ССР таркибига кириши кўзда тутилган эди. Бунинг асосий сабаби ҳудудий яқинлик, ягона тарихга эга бўлганлиги деб эътироф этилди. 1937 йил 12 февралда ЎзССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. Уша йилнинг 6 мартида эса ҚҚАССРнинг янги Конституцияси эълон қилинади. Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибига киргач, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланди.

Ўзбекистонда мустамлакачиликка асосланган иқтисодий сиёсатнинг оқибатлари

Республика иқтисодиёти табиатан аграр тусга эга, саноати асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналаридан иборат бўлиб, унинг учдан икки қисмини пахтачилик саноати ташкил қилар эди. Ўлканинг ишлаб чиқариш ҳаётида кустар-хунармандчилик ишлаб чиқариши ҳамон олдинги ўринни эгаллаб, аҳолининг пойафзал, кийим-кечак ва уй-рўзгор буюмларига бўлган эҳтиёжларини қондирар эди. Хунармандлар бозорга чиқарилган пойафзалнинг 86%ни, ошланган терининг 76%ни, кийим-кечак ва бош кийимларининг 85%ни, идиш-товоқларнинг 60%ни ишлаб чиқарар эдилар. 1925 йилнинг охирига келиб собиқ СССРда халқ хўжалигини тиклаш ишлари асосан ўз ниҳоясига етказилди. 1925 йилнинг декабрида бўлиб ўтган ВКП (б) XIV қурултойи социализм ғалабасининг асосий шарти сифатида

ишўролар мамлакатида «социалистик индустрлаштириш»ни авж олдиришга эътиборни қаратди. Саноатлаштириш Ўзбекистонда дастлаб секинлик билан амалга оширилди. Чунки косиб-хунармандчилик устувор соҳа эди. Мамлакатни жадал индустрлаш учун маблағ масаласи кескин мунозараларга сабаб бўлди. Индустрлаштиришни жадаллаштириш тарафдорлари маблағни қишлоқ хўжалиги ҳисобидан олиш режасини илгари сурдилар, мухалиф тараф эса саноатлаштириш сиёсатини ёқлаган ҳолда уни аҳолининг моддий аҳволини, Турмуш шароитини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигида кооперацияни аста-секин ихтиёрий равишда амалга ошириш билан биргаликда олиб боришни таклиф қилди. Кескин сиёсий баҳс-мунозаралардан кейин маблағни аграр сектордан олишга қарор қилинди. Ўзбекистон иқтисодиёти аграр характерда эди, зеро 1927-28 йилларда иқтисодиётда қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси 61,6%ни, саноатники эса 38,4%ни ташкил қилар эди. Республикада мавжуд саноатнинг 90% қишлоқ хўжалик хом ашёсини ишлашга ихтисослашган эди, маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналаридан иборат бўлиб, унинг иккидан уч қисмини пахтачилик саноати ташкил қиларди.

Биринчи беш йиллик (1928-1932) да 289 та янги саноат корхонаси, жумладан, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи, Кувасой цемент ва оҳак заводлари ишга туширилди, Чирчиққурилиш, Олмаликқурилиш, Тошкент тўқимачилик комбинати қурилиши давом этди. Фарғонада тўқимачилик фабрикаси ва ёғ заводи, Тошкент, Бухоро, Марғилон ва бошқа шаҳарларда тикувчилик фабрикалари ишга туширилди. Саноатлаштириш йиллари республика пахта тозалаш заводларининг техник имкониятлари ошиб, 1927-28 йилларда 3363 тонна пахта толаси етиштирди ва пахта тозалаш саноатининг ялпи маҳсулоти эса 165,7 млн рублани ташкил этган эди.

Республикани саноатлаштиришда электрлаштириш ҳам муҳим ўринлардан бирини эгаллаганлиги туфайли электростанциялар қурилиши авж олдирилди. Масалан,

Тошкент яқинида қуввати 4 минг киловаттни ташкил этган Бўзсув ГЭСи барпо этилди. 1932 йилга келиб эса электростанцияларнинг сони 49 тага етди. Шунингдек, республикада нефт саноати ҳам жадал суръатлар билан ўсди, 1925-26 йилларда нефт ишлаб чиқариш 5,6 тонна бўлган бўлса, 1927-28 йилларда бу кўрсаткич 47,7 тоннани ташкил этди.

Айрим саноат маҳсулотлари бўйича Ўзбекистон собиқ Иттифоқда етакчи ўринга чиқди. 1932 йилда пахта толасининг 89,7%, цементнинг 54,2%, ўсимлик мойининг 56,4%, хом ипакнинг 42% ишлаб чиқарилди.

Фақатгина биринчи беш йилликнинг ўзида йирик саноатдаги ишчилар сони деярли 3,5 баравар кўпайди. Лекин улар орасида маҳаллий миллат вакиллари озчиликни ташкил қилганлиги боис, уларни тайёрлашга ёрдам тариқасида иттифоқдош республикалар, асосан Россиядан кўплаб саноат мутахассислари кела бошлади. 1926 йилдан 1940 йилгача Ўзбекистон аҳолиси янги келганлар ҳисобига 750 минг кишига ёки 10%дан ортиқроқ кўпайди. Марказнинг русийзабон аҳолини кўчириб келтиришида миллий ўлкаларда ўзининг таянч ижтимоий қатламини вужудга келтириш ҳамда руслаштириш сиёсатини амалга ошириш манфаати ётар эди.

Саноатни жадал ривожлантириш натижасида Ўзбекистон Марказни рангли ва нодир металлар, олтингугурт, озокерит, волфрам, молибден, пахта толаси, хом ипак билан таъминлайдиган ва шўролар мамлакатини хом ашё қарамлигидан халос этишга ёрдам берадиган йирик хом ашё минтақасига айланди. Ўзбекистоннинг олтин саноати бутун мамлакатнинг тўлов балансини мустаҳкамлаш учун катта маблағлар бериб турди. Бироқ аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари назар-писанд қилинмади, унинг моддий фаровонлигига эътибор берилмади, бу эса турмуш даражасининг пасайиб кетишига олиб келди.

Шўролар даврида шаҳар ва портларни бирлаштирувчи янги темир йўл линиялари қурилишига ҳам

ўғибор берилди. Фарғона (Искобил)-Кувасой (1922), Қарши-Қитоб (1924), Амударё (Самсоново)-Термиз (1925), 1928-29 йилларда пахтачиликни ривожлантириш мақсадида Асака-Шаҳрихон, Сирдарё-Пахтаорол темир йўллари қурилди, шунингдек, Қорасув-Ош (1935) ва бошқа темир йўл линиялари қурилиб фойдаланишга топширилди. 1929-1931 йилларда узунлиги 1452 км бўлган Туркистон-Сибир (Турксиб) темир йўли қурилди.

20-йиллардан Ўзбекистонда автомобил транспорти вужудга келтирилди. 1921 йилда республика автомобил транспорти ихтиёрида 40 енгил ва 15 юк автомобили ҳамда Тошкент автомобил таъмирлаш устaxonаси бор эди. 1940 йилгача Ленин номидаги катта автомобил йўли (710 км), Фарғона автомобил йўли (343 км) қайта таъмирланди ва бир қанча янги йўллар қуриб битказилди.

1924 йилга келиб республикадаги автомобил корхоналарида 223 автомобил бўлиб, 145 минг тонна юк ташилди. 30-йилларда автомобил транспортининг ривожланиши билан қаттиқ қопламали йўллар қурилиши бошланди, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш корхоналари, кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртлари очилди.

Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) туфайли Ўзбекистон қишлоқларидаги аҳвол анча яхшиланди, деҳқонлар ўз маҳсулотини сотиш, ғўза ва бошқа экин майдонларини кенгайтириш орқали турмуш даражасини яхшилаш имкониятига эга бўлишди. Бироқ 20-йилларнинг иккинчи ярмидан ЯИС (НЭП) ўз моҳиятини йўқотиб, эркин савдо ва хусусий тадбиркорликка чек қўйила бошлади. Шўролар бойларнинг ерларини мусодара қилиш ҳисобига камбағал деҳқонларни ер билан таъминлаш орқали қишлоқда «социалистик ижтимоий тузум»нинг асоси бўлган жамоа бўлиб хўжалик юритишни ривожлантиришни кўзлаб, кенг миқёсли аграр ислохотни авж олдирдилар. 1925 йил 2 декабрда ЎзССР МИҚнинг фавқулodда сессиясида «Ер ва сувни национализация қилиш» тўғрисидаги декрет қабул қилинди.

Йирик ер эгаларидан тортиб олинган ерларда 60603 деҳқон хўжалиги ташкил этилди. Булардан ташқари, янги ва тикланган сугорма ерларида яна 14751 батрак ва ерсиз деҳқонлар хўжаликлари тузилди.

Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидаги ер-сув ислоҳоти давомида сугориладиган 20 га ва 45 га ортиқ лалми ерлар, собиқ амир ва хон хизматчилари, руҳоний ҳамда савдогар, судхўрларнинг хўжаликлари мусодара қилинди. Умуман, 1925-29 йиллардаги ер-сув ислоҳотини ўтказиш натижасида Ўзбекистонда помешчик туридаги 4801 хўжаликлар тугатилди, 23036 хўжаликларнинг ортиқча ерлари мусодара қилинди, ер жамғармаси 474893 десятина ерга эга бўлди, 89729 хўжаликлар ер билан таъминланди. Ер билан бирга кўпгина хўжаликлар мол-мулк, уруғ, асбоб-ускуналарга ҳам эга бўлдилар.

Бироқ ислоҳот ўтказишнинг репрессив-мажбурий усуллари, бой деҳқонларнинг давлат томонидан террор қилиниши ўз навбатида уларнинг кескин норозилик чиқишларига сабаб бўлди. Шу тариқа ер-сув ислоҳоти қишлоқда синфий курашнинг кескинлашувига олиб келган эди. Давлат ўз навбатида «бой-қулоқ унсурлари»нинг қаршиликларини баргараф этиш учун ўзининг бор кучини ишга солди. Тортиб олинган ерларнинг асосий қисми колхозлар ва совхозлар ихтиёрига топширилган эди.

Ислоҳотнинг жиддий салбий оқибатларидан қишлоқ иқтисодий ҳаётининг қашшоқлашиши, фермерлик куртакларининг бўғиб қўйилиши, бозор-савдо муносабатлари ривожланишининг тўсиб қўйилиши ҳамда ижара имкониятларининг чекланиши бўлди.

Шундай қилиб, 1925-29 йиллардаги ер-сув ислоҳоти шўро ҳукуматининг мулкдор синфларни тугатиш, синфсиз жамият куриш учун қилган чоратадбирларидан бири бўлди. Ушбу жараён кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини мажбурий жамоалаштиришга замин яратган эди.

1929 йил тарихга қора белги остидаги «буюк бурилиш йили» деб ном олган йил бўлиб кириб келди.

Бу деҳқонлар синфини ижтимоий қатлам ва меҳнаткаш омма сифатида мақсадли йўқ қилишнинг бошланиш даври эди. Бунда «қулоқлар» ва «бойлар» тоифасига асосан янги иқтисодий сиёсат шароитида ўз хўжалиklarини оёққа тургазиб олган ўртаҳол деҳқонлар киритилди. Чунки бирмунча бадавлатроқ қатламлар олдинги йилларда тугатилган эди. 1929 йилнинг ёзида «қулоқлар»ни жамоа хўжалиklarига (колхоз) киритишни тақиқловчи қарор қабул қилинади. Ўша йилнинг 7 ноябрида «халқлар отаси» Сталиннинг матбуотда босилиб чиққан «Буюк бурилиш йили» номли мақоласи ҳамда 27 декабрда қишлоқ хўжалик ходимларининг илмий конференциясида сўзлаган нутқи «қулоқлар»ни синф сифатида тугатиш ва жадал жамоалаштириш сиёсатини бошлаб берди. Ёппасига жамоалаштириш бу — бой ва ўртаҳол деҳқонларга тегишли ишлаб чиқариш воситалари, моллар, уй-жой, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уруғ захираларини тортиб олиш ҳисобига колхозлар тузиш дегани эди.

Ўзбекистонда жамоалаштириш ЎзКП МҚнинг 1930 йил февралда қабул қилган «Коллективлаштириш ва қулоқ хўжалиklarини тугатиш» тўғрисидаги қарори эълон қилингандан сўнг бошлаб юборилди.

Ёппасига жамоалаштиришни тезлаштириш ҳамда «қулоқлар» билан кураш олиб боришни кучайтиришга ёрдам тариқасида Марказ Ўзбекистонга ташкилий-сиёсий тажрибага эга бўлган рус ишчиларини юборади. «25 мингчилар» асосан Москва, Ленинград, Иваново-Вознесенск ва СССРнинг бошқа саноат марказларидан бўлиб, шулардан 433 ишчи Ўзбекистонга жўнатилди. Улардан тузилган бригадалар ўзбек қишлоқларида колхозлар тузиш ҳамда «қулоқ қилиш» кампаниясида «фаол» иштирок этдилар.

1930 йилнинг ўзидаёқ республикада 2648 та бой ва «қулоқ» хўжалиklари тугатилиб, қишлоқ аҳлининг тадбиркор қисми оёғига болта урилди. «Қулоқ қилиш» сиёсати деҳқонларда ишончсизлик ва хавотирликни кучайтирди. Кўплаб деҳқонлар ўз хўжалиklarини ташлаб қочдилар. Чорва сони кескин камайиб кетди.

Республикадаги сиёсий вазият кескинлашиб борди. Деҳқонларнинг норозилиги 1930 йил 25 февралда Фарғона округида галаёнга айланди. Норозилик чиқишлари Андижон, Тошкент, Хоразм, Самарқанд округларига ҳам ёйилди. Масалан, Чуст ва Олмосда бой деҳқонлар чорва молларини ёппасига сотишни авж элдирдилар. Жамоалаштиришга қарши бу ҳаракат баъзи жойларда совет ҳокимиятига қарши чиқишларга айланди. Мана шундай норозилик чиқишларининг элдани олиш учун 1930 йилда ЎзКП МҚ қошида «қулоқ» ва бойларни йўқ қилиш бўйича махсус республика комиссияси тузилади ва «қулоқ қилиш» сиёсати янада шиддатлироқ тус олади.

Ўзбекистонда жамоалаштириш асосан 1932 йилнинг эхири 1933 йилнинг бошларида тугалланди. Бу даврга селиб республиканинг 79 тадан 61 туманида барча деҳқон хўжалиklarини колхозларга бирлаштириш ниҳоясига етказилган эди. Ўзбекистонда жамоалаштирилган сўжаликлар жами 74,9%ни ташкил этди. Биринчи беш йиллик (1928-1932) охирида республикада 9734 солхоз ва 94 та совхоз ташкил этилган эди.

1930-33 йилларда Ўзбекистонда 5550 деҳқон сўжалиги ҳибсга олиниб, қулоқ қилинади ва Украина, Сибир, Қозоғистон ва бошқа жойларга зўрлик билан сўчирилди. Лекин шунини ҳам айтиш жоизки, бунда нафақат ўзига тўқ, мол-мулкка эга деҳқонлар, балки йртаҳол, айрим ҳолларда эса батрак хўжаликларга мансуб кишилар ҳам «қулоқ» сифатида сургун қилинди.

Совет давлатининг бундай гайриинсоний сиёсатни амалга оширишдан мақсади, биринчидан, қишлоқдаги ўзига тўқ кишиларнинг ер-суви, мол-мулкни тортиб олиш, иккинчидан, тортиб олинган бойлик ва ишлаб чиқариш воситалари ҳисобига жамоа ва давлат сўжалиklarининг дастлабки моддий базасини яратиш, учинчидан, камбағал деҳқонларнинг бу хўжаликларга «ўз хоҳишлари» билан киришларига эришиш ва ларнинг арзон меҳнатидан фойдаланиш, тўртинчидан,

«кулоқ» бўлиб сургун қилинган кишилар ёрдамида, масалан, Украинанинг иқлими Ўзбекистонга яқин зонасида пахтачилик совхозларини ташкил этиш ва пировардида пахта ёрдамида СССРнинг моддий имкониятларини яхшилаш эди. Шўролар бу мақсадларга асосан эришди. Кулоқлар ҳисобига қаддини тиклади, социалистик қурилишнинг моддий базасини яратди. Пахта мустақиллигига эришди. Шўроларнинг фақат битта орзуси амалга ошмади. Украинада пахтачилик хўжалиги қарор топмади.

Мажбурий жамоалаштириш сиёсати қишлоқнинг мустақил ривожланишини барбод қилди, қишлоқ аҳли онгига салбий таъсир кўрсатди, деҳқонларнинг ерга эғалик туйғусини йўқ қилди.

Ўзбекистон учун сув иншоотлари қуриш муҳим эди ва шунинг учун 1939 йилдан бундай қурилишлар умумхалқ ҳашари йўли билан амалга оширила бошлади. 1939 йил 1 августда бошланган 270 км узунликдаги Катта Фарғона канали халқнинг машаққатли меҳнати эвазига 45 кунда барпо этилди. Канал қурилишида 160 минг киши иштирок этди ва асосан қўл меҳнатидан фойдаланилди.

Чорвачилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳалари қаторида шўролар даврида ҳам муҳим ўрин эгаллаб келди. Хусусан, 1932 йилдан 1937 йилгача йирик қорамоллар сони 150 мингга, қўйлар 230 мингга кўпайди. Лекин шунга қарамасдан чорвачилик қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларига қараганда орқада эди. Бунинг асосий сабаби пахтачиликка эътиборнинг кучайтирилганлиги ва чорвадорларнинг моддий раббатлантирилмаганлиги бўлди.

Ўзбекистон КПнинг 1934 йилда бўлиб ўтган VI қурултойидан сўнг республикага кўп миқдорда қорамол келтирила бошлади.

Пиллачилик республика қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири эди. 1922 йилда Тошкентда «ТуркИпак» акционерлик жамиятининг ташкил этилиши пиллачиликни ривожлантиришда муҳим

босқич бўлди. 1927 йилда Тошкент ипакчилик станцияси негизида Ўрта Осиё Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. 1930 йилларда тут кўчати етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Биринчи ва иккинчи беш йилликларда Ўзбекистон ипак ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринда эди. 1932 йилда 5674 тонна пилла етиштирилган бўлса, ушбу кўрсаткич 1937 йилда 11 422 тоннага кўпайди.

Республика қишлоқ хўжалигида мевалар ва узум етиштириш энг қадимги ва озиқ-овқат ҳамда sanoat хом ашёси берадиган асосий тармоқлар қаторига киради. 20-йилларнинг иккинчи ярмидан ихтисослаштирилган боғдорчилик ва тоқчилик давлат хўжаликлари барпо этила бошлади, тоғ ва тоғ этаклари зоналарида жойлашган жамоа хўжаликларида ҳам бу тармоққа катта эътибор берилди. Меваларнинг нав таркибини яхшилаш мақсадида олма, нок, узум ва бошқаларнинг Европа мамлакатларида етиштириладиган навлари келтирилиб экилди. Ўзбекистоннинг 1937 йилда етиштирган мева ҳосили 800 минг центнерни ташкил этди. Шундан учдан бир қисми собиқ Иттифоқнинг турли вилоятларига юборилар эди.

Ўзбекистонда «маданий инқилоб» ва унинг оқибатлари

20-30-йиллардаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият республика маънавий-маданий ҳаётида ҳам ўз аксини топди. Шўроларнинг «маданий инқилоб» тадбири жамиятнинг барча жабҳалари қаторида илм-фан, маданият, санъат, маориф, олий таълим соҳаларини ўз измига солган эди. Таълим-тарбиянинг ўчоқлари бўлган миллий мактабларга ҳам бу сиёсат ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади. Совет ҳокимиятнинг дастлабки йиллариданоқ анъанавий таълим тизимини йўқ қилиш авж олдирилди.

Давлат «пролетариат диктатураси»нинг мавжуд барча кучларидан фойдаланиб, совет сиёсий раҳ-

барияти қисқа муддат ичида Туркистонда чор империяси ўрнатган таълим тизимини таг-томири билан йўқ қилишга эришди. Бир вақтнинг ўзида анъанавий мактабларга нисбатан маъмурий-репрессив ҳамда иқтисодий чоралар кўрилди. Бироқ кенг халқ оммаси анъанавий мактаб тарафдори бўлиб қолаверди. Туркистон мусулмонларига ўзининг мафкуравий таъсирини кенгайтириш мақсадида совет «миллий» мактаблари тармоғини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Мустабид давлат муқобил ўқув масканлари фаолиятининг барча имкониятларини чеклаб қўйди. 1927 йил июндаги Ўз КП МҚ VI пленуми қарорлари бошлаб берган дин асосларини емириш бўйича янгидан авж олган ҳаракат эски мактабга етказилган асосий зарба бўлди. Пленумнинг «Мусулмон руҳонийлари ва мактаб тўғрисида»ги резолюциясида «ислоҳ қилинган мактаблар зарарли эканлигини ҳисобга олиб, бундан буён вақф мактабларини ислоҳ қилишга асло йўл қўйилмасин, шу вақтгача ислоҳ қилинган мактабларга келганда эса шу районда янги совет мактабларини очиш, шунингдек, ислоҳ қилинган мактабларда диний фанларни ўқитишни ҳамда умуман руҳоний шахслар ўқитишни тақиқлаш йўли билан ҳам уларни ёпиш учун бутун чоралар кўрилсин» деб таъкидланган эди.

Айниқса, 1927 йилнинг декабрида ВКП (б) нинг XV съездида қабул қилинган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш тўғрисидаги қарордан кейин бу махсус маърифий хайрия мулклари бўлмиш вақф мулклари тугатилиб, бунинг оқибатида анъанавий мактаблар ҳам иқтисодий асосдан маҳрум бўлдилар. Ушбу чоралар камдек, уларга дин-хурофот ўчоқлари тамғаси ёпиштирилиб, ўн асрдан ортиқ тўпланган анъанавий қадриятлар кераксиз, зарарли, янги тузумнинг тараққий этишига тўсиқ бўлувчи ижтимоий институтлар сифатида изсиз тугатиб юборилди. Охир оқибатда 1920 йилга келиб, ТАССРда «социалистик»

турдаги 2080 мактаб фаолият кўрсатиб, улардаги ўқувчилар сони эса 174820 ни ташкил қилар эди.

Анъанавий мактаб ва мадраса ҳамда жадид мактабларини йўқ қилиш билан бирга совет органлари маҳаллий аҳоли фарзандлари мактабларига ҳам жиддий эътибор беришмаган бўлса-да, совет ўқув масканларини ўқитувчи кадрлар ҳамда керакли маблағ билан таъминлаш имкониятларини топа олишган. Чунончи, шўро таълим тизимига мос ўқитувчи кадрларнинг миқдорий ўсишини таъминлаш кенг йўлга қўйилиб, 1917 йилнинг ўзидаёқ Тошкент, Андижон, Самарқанд, Қўқонда дастлабки ўқитувчилар тайёрлайдиган қисқа муддатли курслар ташкил этилган эди. 1920 йилларнинг бошларига келиб, шундай курслар орқали 3 минг маҳаллий миллат ва 802 та европалик ўқитувчи тайёрланди.

Ана шундай шароитда маҳаллий зиёлиларимиз замонавий миллий таълим тизимини яратиш, дунёвий билимлардан дарс бера оладиган ўқитувчилар тайёрлаш давр талаби эканлигини теран ҳис этиб, замонавий миллий университет яратиш ишига бел боғладилар ва Мунаввар Қори Абдурашидхонов Жошчилигида Мусулмон Халқ Университети (дорилфунуни)ни ташкил этиш гуруҳи сайланди. 1918 йилнинг 9 апрелида Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг ҳовлисида Мусулмон Халқ Дорилфунунининг 9 кишидан иборат ташкилий ҳайъати таъсис этилди. Мусулмон Халқ Дорилфунуни 1918 йилнинг 12 майида Тошкент шаҳрининг Эски шаҳарида тантанали равишда очилди. Унинг 13 та мактаби 14 майдан очила бошлади, энг охиргиси эса 17 июнда таркиб топди. Улардан 4 таси аёллар мактаби эди.

1918 йилнинг 31 майида эса Мусулмон Халқ Дорилфунунининг олий таълим босқичи — Мусулмон Дорилмуаллимини ташкил этилади. Лекин шўролар сиёсий ва ижтимоий муҳитнинг мураккаблиги ва Россиядаги сиёсий воқеаларни рўқач қилиб, 5 йиллик ўқишга мўлжалланган дорилмуаллиминни фақат 4

ойлик мусулмон ўқитувчилари курслари билан чегаралаб қўйдилар. Дорилфунуннинг «Халқ дорилфунуни» номли газетаси биринчи сонининг чиқиши ҳам айни шу кунга тўғри келган эди.

Мазкур ўқув даргоҳида машғулотлар 1918 йилнинг 1 июнида қуйидаги ўқитувчилар таркиби билан бошланди: Абдурауф Фитрат, Иброҳим Исмоил, Бурҳон Ҳабиб, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Раҳимбоев, Абдурахмон Исмоилзода, Ҳайдар Шавқий, Анна Поройкова, Владимир Сергеев. Институт мудирини қилиб Иброҳим Исмоилов ва котиб Абдулла Раҳимбоев тайинланди.

Мусулмон дорилмуаллими Туркистон Халқ Университети маблағ билан таъминлагани сабабли, моддий томондан тамоман унга бўйсунган эди. Олинган маблағ кўп ҳолларда ночор аҳволда яшаган ўқитувчиларнинг ҳаётини бирмунча бўлса ҳам енгилаштиришга сарфланар эди. Мана шу муаммоларнинг барчаси кўрсатиб турганидек, мусулмон ўқитувчилари тайёрлайдиган курслар эмас, олий таълим маскани — институт ниҳоятда зарурлигини тушуниб етган мусулмон зиёлилари қанчалик ҳаракат қилишмасин, уларнинг талаблари турли баҳоналар билан эътибордан четда қолаверди. Тез орада Туркистон Халқ Университети бошқармаси дорилмуаллиминда 1918 йил 15 августдан 1 сентябргача ўқиш тўхтатилиши ҳақида қарор қабул қилади ва шу йилнинг кузида дорилмуаллимнинг иккинчи даражали ташкилот қаторида ёпиб қўйилади.

Мусулмон Халқ Дорилфунуни қисқа фаолият кўрсатган бўлса ҳам, Туркистон мусулмонларининг саводини чиқариш, илм-маърифатли қилиш, олий малакали миллий зиёлилар етиштириш каби ижобий ва ҳимматли, ўша давр учун ниҳоятда муҳим ишларни амалга оширишга, юртимизда маориф соҳасини ривожлантиришга эришди. Ўлкада миллий зиёлиларни етиштиришда муҳим аҳамият касб этган Мусулмон Халқ Дорилфунуни фаолияти шўролар даври адабиётида мутлақо ёритилмаган, у ерда дарс берган

300 га яқин ўқитувчиларнинг номлари ҳозирги кунга келиб аниқланди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, 1918 йилнинг 21 апрелида рус зиёлилари томонидан Туркистон Халқ Университети очилган эди. Унинг биринчи ректори В. Попов эди. Мусулмон Халқ Дорилфунуни фаолияти шўро ҳукумати томонидан тўхталиб қўйилгандан сўнг фақат рус тилини билган маҳаллий миллат вакиллари мана шу даргоҳда олий таҳсилга эга бўлишлари мумкин эди.

Октябр тўнтаришидан сўнг шўролар Шарқ аёлларини «озодлик» ка чиқариш учун кураш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда янги ҳаёт қурилишига жалб қилиш кампаниясини авж олдириб юбордилар. Ушбу жараённинг энг чўққиси 1927 йил бўлиб, у тарихга «ҳужум» ҳаракати номи билан кирди. Яъни шўролар талқинида бу эски турмуш тарзига ҳужум қилиш маъносини англатар эди. Ҳужумнинг олдига қўйилган биринчи навбатдаги вазифалардан бири бу — кўп хотинлик, балоғатга етмаган қизларни турмушга бериш ва қалин пулини йўқ қилиш эди.

Бироқ советлар шиддатли тус берган ушбу ҳаракат асрий анъаналарни ҳисобга олмаган қарорлар, кўрсатмалар асосида олиб борилди, кўп ҳолларда зўрлик ишлатилди. Қайси вилоят, қайси туманда, шаҳар ва қишлоқларда қанча хотин-қизлар паранжисини ташлаганлиги ҳақидаги маълумотлар мунтазам талаб қилина борди.

Ишда бебошлик тус олганди: кўчаларда аёлларнинг паранжисини тортиб олишар, бир жойга йиғиб ёқиб юборишарди. Аёллар иш билан таъминландилар. Улар асосан тўқимачилик саноатида меҳнат қилишди. Шу билан бирга хотин-қизлар ижтимоий ҳамда ижодий ишларга жалб қилинди.

Шарқ аёлларининг асрлар давомида муайян урф-одатлар ва шариат мезонлари билан шаклланган ижтимоий мавқеини уларни озодликка чиқариш ва эркаклар билан тенг ҳуқуқли қилиш шиори остида фавқулодда ва шиддат билан ўзгартирилиши кўп тўқнашувлар ва қурбонлар бўлишига сабаб бўлди.

Масалан, 1928 йил 8 мартда Ўзбек давлат концерт-этнография гуруҳи иштирокчиси Тўпахон сахнанинг ўзида ўлдирилади, бир йилдан сўнг эса Нурхон исмли актриса ҳалок бўлади.

Шубҳасиз, «хужум» Шарқ аёлларига бирмунча эркинликлар, ҳуқуқлар берди. Лекин ушбу ҳаракат босқичма-босқич, зўравонлик усулларини ишлатмасдан, ўта нозиклик билан кенг халқ омма онгини ушбу жараёнга тайёрлаб амалга оширилганда норасмий никоҳлар, ажралишлар, ёлғиз оналар, демографик жиҳатдан аёлларнинг эркакларга нисбатан кўплиги сабабли жамиятда оила қуриш ҳуқуқидан маҳрум бўлган «ортиқча» аёллар кўпайиб кетмас, эркаклар билан аёллар ўртасида «тенглик» ўрнатилиши оқибатида аёллар ўзининг шарқона нозиклик латофатини йўқотиб қўймаган бўлар эди.

Компартиянинг маданий меросни инкор этиш сиёсати араб ёзувини лотин графикасига алмаштириш ҳақидаги қароридан ҳам ўз аксини топди. Бунинг сабабини шўролар «маданий ўсишда техник хусусиятга эга тўсиқлардан бири бу қолоқ транскрипциядир» ҳамда «анъанавий арабча ёзув фақатгина диний мусулмон анъаналари нуқтаи назаридангина қимматлидир», деб уқтириб, араб ёзувининг мавқеини пасайтиришга ҳаракат қиладилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон коммунистларининг III қурултойи (1927 йил ноябр), «Янги лотин алифбосига янада шиддатлироқ йўл билан ўтиш керак», деб таъкидлади ва 1929 йилда араб ёзуви лотин графикасига ўзгартирилди. Чунки Ўрта Осиёни араблар истило қилган VIII асрдан бошлаб нафақат диний китоблар, балки фаннинг барча соҳаларида ўн уч аср мобайнида яратилган ёзма маданият ёдгорликлари, ўлка аҳолиси амал қилиб келган ҳуқуқ манбалари ана шу ёзувда яратилган эди. Шу сабабдан бу маҳаллий халқни нафақат динидан балки маданиятидан, ўзига хос ҳуқуқидан ажратиб, совет қолипига мажбуран солиш эди.

1940 йилда эса лотин графикасининг кирилл билан шошилишч алмаштирилиши Ўзбекистон аҳолиси билим даражасининг ўсишига, ўзбек тилининг ривожига салбий таъсир кўрсатди. Ушбу хатолик саводсизлар сонининг сунъий ўсишини келтириб чиқарди. Лекин энг ачинарлиси, маънавий ҳаёт тўла руслаштирилиб, ҳамма жойларда ўзбек тили имкониятларининг чекланишига олиб келди.

Мустабид тузум советларча саводли шахсларни шакллантириш, «саводсизлик»ни тугатиш борасида шиддатли курашни авж олдириб юборди ва 1920 йилнинг 17 сентябрида ТАССР Маориф халқ комиссарлиги томонидан аҳоли орасида саводсизликни тугатиш тўғрисида декрет қабул қилинади. Унга мувофиқ, 8 ёшдан 40 ёшгача бўлган барча фуқаролар ўқиш ва ёзишни ўрганишлари шарт бўлган. ТАССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида эса саводсизликни тугатиш билан шуғулланувчи фавқулодда комиссия таъсис этилади. «Саводсизликни тугатиш» (ликбез) мактаб ва курслари тармоғини яратиш борасида бир қатор тadbирлар амалга оширилди. Хусусан, 1920 йилнинг охирига келиб, «ликбез»ларнинг сони бир мингдан ошиб кетади. Уларни битирганлар эса 70 мингга эди. Ушбу мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлашга ҳам қатта эътибор қаратилиб, қисқа муддатда маҳаллий миллатга мансуб 2000 та ўқитувчи тайёрланди.

1924 йилнинг бошида эса «Битсин саводсизлик!» жамияти вужудга келади. Унинг ўзагини ўқитувчилар, талабалар ташкил қилган. Саводсизликни тугатиш бўйича ушбу жамият томонидан дастлабки пайтда 35 мактаб очилиб, 10200 киши ўз саводини чиқарди. Расмий статистик маълумотларга кўра, 1937 йилга келиб, республикамызда саводсизлик тугатилиб, камсаводли кишилар сони 2 миллиондан зиёд бўлган. Аҳолининг советлар идрокидаги умумий саводхонлиги 67,8% га етган эди.

Шу ўринда айтиш муҳимки, совет социалистик давлатчилиги ўзбек халқининг туб маънавий, ахлоқий қадриятларига мос келмас эди. Тарбиявий ишлар ҳам миллий манфаатларни акс эттирмас эди.

Шўро ҳокимияти йилларида, айниқса, 20-йилларда адабий-маданий ҳаёт қизгин тус олди.

Жадид адабиёти аср бошидан йигирма йиллик ривожланиш тажрибасига таянган ҳолда тараққиётнинг янги босқичига кўтарилган, ҳам шаклан, ҳам мазмунан баркамоллик касб этган ҳамда мазмун-моҳиятига кўра 20-йилларда янги бир босқичга кўтарилиб, умумтуркий бадиий тафаккурнинг забардаст сиймолари сифатида эътироф этилган Фитрат, Қодирий, Чўлпонни маънавият майдониغا чиқарди.

Абдурауф Фитрат (1886-1938) буюк санъаткор, адиб бўлиши баробарида ижтимоий-сиёсий фаолият билан ҳам чуқур шугулланган улкан давлат арбобидир. Масалан, биргина Бухоро республикаси Конституцияси Фитрат таҳриридан кейингина қурултойда қабул қилиниши унинг сиёсий-ижтимоий соҳада нечоғли катта ҳурматга эга бўлганини кўрсатади. У Бухоро халқ жумҳуриятида масъул вазифаларни адо этди. Фитрат совет ҳукумати белгилаган йўлдан эмас, ўз йўлидан боришга ҳаракат қилди. Бу эса, Москвага маъқул келмади. Уни тўхматлар билан Бухоро жумҳуриятидаги барча лавозимлардан озод этадилар.

Фитрат Бухородаги жадидчилик ҳаракатида фаол иштирок этибгина қолмай, бу ҳаракатга раҳбарлик ҳам қилди. Бу борадаги ўз қарашларини «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи қиссаси» сингари асарларига сингдирди. Фитрат «Сайҳа», «Ҳинд сайёҳи», «Бегижон», «Оила» сингари асарларида: «мавжуд тузумни қаттиқ танқид қилди, унинг барча камчиликларини аёвсиз фош этиб ташлади», деган эди бу ҳақда Файзулла Хўжаев.

Журналистик ва муҳаррирлик Фитрат фаолиятида муҳим ўрин тутади. У ўзи муҳаррирлик қилган «Хуррият» газетасида «Юрт қайғуси» умумий сарлавҳаси остида учта сочма шеър эълон қилди.

«Туркнинг номуси, эътибори, имони, виждони золимларнинг оёқлари остида қолди. Туркнинг юрти улоғи, ўчоғи, Турони ёт қўлларга тушди», деб ёзган эди шоир.

Фитрат матбуот билан бирга, бутун умр маориф соҳасида ҳам жонбозлик кўрсатди. Ҳатто Туркияда ўқиб юрган кезлари у юртдошларининг ўқишига кўмак бериш мақсадида «Бухоро таълими маориф жамияти»ни ташкил этишда ташаббус кўрсатди.

Фитрат 1921 йилнинг баҳоридан Бухорода маориф ишларини ташкил этиш ҳайъатига раҳбарлик қилди. Шу вақтда Бухоро жумҳуриятида туркий тил давлат тили, деб эълон этилиши бевосита Фитратнинг жонбозлиги натижасидир. У ислоҳ қилинган лотин алифбосига ўтиш ишларининг ташкилотчиларидан биридир.

Бироқ совет сиёсати ва коммунистик мафкура буюк миллатпарвар адиб дунёқараши ва асарларини баҳолашга аста-секин ўзининг омонсиз таъйиқини ўтказа бошлади. Абдурауф Фитрат барча асарлари ва буткул фаолияти билан истиқлол учун курашди.

Абдулла Қодирий (1894-1938) ўзининг ноёб истеъдоди, жасорати билан халқимиз мадағияти, адабиёти тарихида ёрқин из қолдирди, кўп асрлик миллий адабиётимиз ривожига туб бурилиш ясаган, янги босқични бошлаб берган романлар яратди. Адиб «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарлари билан ўзбек романчилигига асос солди.

«Ўтган кунлар» романи билан ўзбек адабиётида янги давр бошланди. Роман қаҳрамонлари қисмати ифодаси орқали адиб жамият ҳаёти, ахлоқини, рус босқини арафасидаги халқнинг аҳволи, кайфиятини теран тадқиқ қилади. Буюк тарихга, қудратли давлатчилик, маданий, маънавий анъаналарга эга Туркистон ўлкасининг таназзулга юз тутиш, рус империясининг мустамлакасига айланиш сабабларини очиқ беради.

Қодирийнинг асарлари XX асрнинг кўплаб баллофатларига, қора булутли кунларига дуч келди ва

улардан эсон-омон чиқди. Бу ўлмас асарлар ўзбек адабиёти осмонида қуёшдек порлаб, одамлар вужудини, қалбларини чароғон этмоқда.

Чўлпон (1897-1938) кўп қиррали истеъдод соҳиби эди. Чўлпон эҳтиросли ва ёниқ асарлари билан ўзбек халқининг миллий онгини уйғотишда, унинг янгича маънавиятини шакллантиришда катта хизмат қилди.

20-йилларда Чўлпон большевиклар олиб борган сиёсатга нисбатан муҳолифатга ўтгани ва бу қарашларини яширмай, шеърларида ошкора куйлагани туфайли, уни миллатчига чиқариб қўйдилар. Қўйилган айбномаларни исботлаш учун асосий далил сифатида «Бузилган ўлкага» шеърини келтирдилар. Чиндан ҳам бу шеърда совет воқелигини мадҳ этиш йўқ. Бу том маънода ватанпарварлик туйғуси билан сугорилган шеър. Шеърда улуг ўлка бошига тушган фожиалар, ҳақсизликларга, адолатсизликка қарши, она юртнинг эрки ва озодлиги учун курашга ундовчи мисралар бор.

Адибнинг «Кеча ва кундуз» романида Туркистоннинг зулмга, жаҳолатга, адолатсизлик ва ҳақсизликка тўла ҳаёти очиб берилган.

Туркистоннинг туганмас дардларини, жароҳатларини англаш ва англатиш, уни бирликка, эрка, мустақилликка чорлаш ва бу йўлдаги фидойилик ҳар уч адиб ижодининг муштарак жиҳатини ташкил қилади.

Ҳамза ўз шеърларида фақат маърифатга чақиритиш билан чекланмайди, у қадимий Туркистоннинг сиёсий-ижтимоий аҳволини ўйлайди, мухторият гоъларини улуглайди. Масалан, «Туркистон мухториятига» деган шеърда «ислом давлати»ни бир санжоқ остида бирлашишга чақиради, «араб, турк, қобил, Ҳиндистон» каби халқлардан ташкил топган «ислом миллатини ҳилликка, иттифоқ бўлиб иш юритишга» ундайди.

Мустабид тузум йиллари республикамизда адабиёт билан бир қаторда миллий санъат ҳам ривожланди. 1918 йилда Ҳамза Фарғонада «Ўлка Сайёр» сиёсий труппасини ташкил этди. М.Қори-Ёқубов, Й. Эгамбердиев, Ҳ. Исломов, М. Кузнецовалар шу театр

қалдирғочлари бўлдилар. Ўша йили Маннон Уйғур Тошкентда «Турон» жамияти қошида театр тузди. Бу гуруҳ кейинчалик Ўлка Давлат намуна театрига айланди. Театрнинг биринчи актёрлари — Абдор Ҳидоят, Музаффар Муҳамедов, Обид Жалилов, Фатхулла Умаров, Сайфи Олимов, Маъсума Қориева, Босит Қориев, Зиё Саидлардир. Маннон Уйғур ватанпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган Фитрат, Фулом Зафарий, Чўлпон, Қодирий, озарбайжон драматурги Ҳусайн Жовид асарларини сахналаштирди.

Шу йилларда М. Қори-Ёқубов томонидан биринчи бўлиб ўзбек халқ мусиқа ансамбли ташкил этилди. 1926 йилда эса юзага келган биринчи ўзбек давлат концерт этнографик ансамблига атоқли ўзбек хонанда, актёр, созандалари жалб этилиб, 1929 йилда унинг заминида Самарқандда Ўзбек давлат мусиқали театри ташкил топди. Айнан ўша даврларда атоқли ўзбек ижрочилари чет эл гастролларида бўлишган: Тамара-хоним ва Қори-Ёқубовлар Париж ва Берлин (1925)да катта муваффақият қозонишган. 1936 йилда Ўзбек давлат филармониясининг ташкил этилиши ижрочилик санъатининг маълум даражада тизимланишига асос бўлди. Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, ашула ва рақс ансамбллари, хор капелласи, симфоник оркестр унинг таркибида иш бошлади.

Октябр тўнтаришидан сўнг республикамизда бир қанча илмий ва ўқув муассасалари ташкил этилди. Хусусан, 1918 йилда ташкил этилган Туркистон Халқ Университети қошида бир қанча илмий-тадқиқот институтлари фаолият кўрсата бошладилар. Тупроқшунослик ва геоботаника, биология, зоология, педагогика ва психология, физика-математика, экология илмий-тадқиқот институтлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, республикада 20-йиллар охири 30-йиллар бошида Тропик тиббиёт институти, Тиббий

паразитология ва гельминтология илмий-тадқиқот институти, сув хўжалиги тажриба-тадқиқот институти ва бошқа илмий муассасалар ташкил қилинди.

30-йилларда республикамиз ҳамда минтақада илм-фан равнақиға муносиб ҳисса қўшган маҳаллий миллатга мансуб олимлар етишиб чиқдилар. Улар: Г.Қори-Ниёзий, Т. Саримсоқов, С. Сирожиддинов, О. Содиков, Н. Долимов, Т. Зоҳидов, У. Орипов, С. Умаров ва бошқалардир.

Илмий-тадқиқот муассасалари тармоғи ва илмий кадрлар сонининг жадал ўсиши олимлар олдига янги вазифаларнинг қўйилиши, илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш ва уларни мувофиқлаштириб туриш ишларини такомиллаштиришни тақозо қилди. 1932 йилда Фан қўмитаси таъсис этилиб, 1940 йилда унинг негизда Иттифоқ ФА Ўзбекистон филиали (ЎзФАН) тузилди. Шу даврдан ЎзФАН Ўзбекистоннинг илмий-тадқиқот марказига айланди. Унинг таркибига геология, ботаника, кимё, сув хўжалиги муаммолари, тарих, тил ва адабиёт институтлари; тупроқшунослик, зоология, физика ва математика секторлари; Тошкент астрономия обсерваторияси; иқтисодий тадқиқотлар ва картография бюроси киритилди.

1943 йилда ЎзФАН асосида Ўзбекистон Фанлар академияси (ЎзФА) ташкил этилди, унинг биринчи президенти этиб академик Тошмуҳаммад Ниёзович Қори-Ниёзий сайланди.

Ўзбек математика атамашунослиғи асосчиси, таниқли математик Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий замонавий ўзбек математик тафаккурининг шаклланиши ва ривожига бебаҳо ҳисса қўшган олимдир. Унинг Беруний мукофотиға сазовор бўлган уч жилдлик «Асосий математик анализ курси» номли асарининг илмий қиммати олий математикадан биринчи ўзбек тилидаги оригинал қўлланма эканлиғидадир. Ўзбекистон халқларининг маданий ҳаёти тарихиға оид илмий ишлар, ўзбек математика ва астрономия илмлари тарихи, хусусан, Улугбекнинг астрономия мактабига оид асарлар ҳам Қори-Ниёзий қаламиға мансубдир.

Сийосий қатагонлик

20-30-йилларда мустабид тузумга қарши фикр билдирганларни таъқиб остига олиш авж олди. Айни шу пайтда «18лар гуруҳи», «иноғомовчилик», «қосимовчилик» каби сийосий ишлар тўқиб чиқарилган эди.

«18лар гуруҳи». 1925 йил 19 ноябрда Самарқандда қақирилган Ўзбекистон КП(б) МКнинг пленуми йиғилиши бир кун эмас, тўрт кун давом этади. Бунинг асосий сабаби республикадаги юқори масъулиятли вазифаларни эгаллаб турган 18 шахснинг ўз лавозимларидан кетиши ҳақидаги аризаси бўлди. Улар ўз истеъфолари сабабини хусусий мулкни йўқотиш ҳисобига ўтказилган ер-сув ислоҳоти усулларига норозилик сифатида изоҳлашади. Шунингдек, «18лар гуруҳи»ни эски ходимларга нотўғри муносабатда бўлинаётгани, раҳбарларни танлаш фақат синфий нуқтаи назардан амалга оширилаётгани қониқтирмайди. Баёнотга имзо чекканлар орасида И. Хидиралиев, М. Саиджонов, Р. Рафиқов каби миллий раҳбарлар ҳам бор эди.

«18лар» билан РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси И. Зеленский йиғилиш ўтказгандан сўнг, гуруҳнинг 8 аъзоси ўз «хато»ларини тан олиб, имзоларидан воз кечадилар. Бошқа 10 та шахс Ўрта Осиё бюросида баёнотларини кўриб чиқишларини талаб қиладилар.

«18лар баёноти» Ўз КП(б) МК II қурултойида муҳокама этилиб, ушбу масала бўйича қарор қабул қилинади ва унда «18лар баёноти» Ўз КП(б) МК га қарши йўналтирилган фракция ва гуруҳбозлик характерида бўлиб, партия сафлари бирдамлигини бузишга, партия қурултойига тўсқинлик қилишга қаратилган ҳамда шахсий норозилик, майда буржуа кайфиятини акс эттирувчи ариза, деб таъкидланади.

Шундан сўнг, «18 лар баёноти» ташаббускорлари ва ташкилотчиларини аниқлаш, уларни қатъий партия жавобгарлигига тортиш вазифалари қўйилади. Ҳамма жойларда «18 лар баёноти» нинг кенг муҳокамаси авж

олдирилади ва уни ер-сув ислоҳотини барбод қилиш хавфи бор ва янги ҳаётга қарши бўлган майда буржуазия ва руҳонийларга ён берувчи баёнот, деб сохталаштирилади.

Партиянинг II қурултойидан кейин бўлиб ўтган пленум партия олдида ўз «айби»га иқрор бўлмаганларни эгаллаб турган лавозимларидан четлаштиришга қарор қилди. Хусусан, Р. Рафиқов ички ишлар халқ комиссарлигидан, М. Саиджонов Зарафшон вилоят ижроия қўмитаси котиблигидан, И. Хидиралиев Ўзбекистон ер ишлари халқ комиссари вазифасидан озод этилади.

Ер-сув ислоҳотини ўтказиш даврида «18 лар гуруҳи» ушбу жараён ва МКга қарши фаолият юритишда айбланишган бўлса, орадан икки йил ўтгач эса, Ўрта Осиё бюросининг пленумида (1927 йил октябр) уларга бой-кулоқларнинг манфаатини ҳимоя қилган, ер-сув ислоҳоти ҳамда аёлларнинг озодликка чиқишига қарши бўлган, савдогар ва ҳунармандлардан олинадиган солиқларни камайтириш ва давлат аппаратини миллийлаштириш тарафдори бўлган, деган сохта айбномалар қўйилади.

Кўриниб турганидек, мустабид тузумга, мутлақ ҳукмрон — коммунистик партиянинг сиёсати ва ғояларига қарши бўлган ҳар қандай чиқишларга дарҳол чек қўйилган.

«Иноғомовчилик» 1926-1931 йилларда мустабид тузум томонидан миллий раҳбар ва зиёлиларнинг қатағон қилинишига сабаб бўлган уйдирмадир. «Иноғомовчилик» ўша йилларда ЎзССР Маориф Халқ Комиссари вазифасини бажариб келган Раҳим Иноғомов (1902-1938) номи билан боғлиқ.

Р. Иноғомов ва унинг тарафдорлари халқ таълими ва маданиятини пролетарлаштиришга қарши чиқиб, ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси фаолиятини тугатиш галабини кўтариб чиқадилар. Шунингдек, Р. Иноғомов ўзбек меҳнаткашларининг октябр тўнтаришига тайёр бўлмаганликлари ва унинг европалик пролетар кучлар

томонидан амалга оширилганлиги ҳамда рус истибдодига қарши мустақиллик ҳаракатида тарихий ролни фақат зиёлилар ўйнаган, бизда эса ҳали пролетариат йўқ деган дадия фикрларни билдиради.

Махсус уюштирилган вилоят пленумларида «иноғомовчилик» қораланиб, у билан аёвсиз кураш олиб боришга даъват этилади. Ҳатто «иноғомовчилик» ни партия сафларидаги буржуазия агентураси деб баҳолашади.

«Иноғомовчилик» ка қарши кураш матбуотда ҳам давом этади. Ўрта Осиё бюросининг «За партию» деган журналида И. Зеленский «иноғомовчилик» ни қаттиқ танқид қилиб, унинг коммунистлар томонидан қўллаб-қувватланмаганлиги, унга қатъи зарба берилганлигини алоҳида таъкидлайди.

Раҳим Иноғомовга шу каби асоссиз «айбномалар» қўйилгандан сўнг, уни Қашқадарё вилоятининг энг чекка қишлоқларининг бирига ишга юборишади. Қувғин ва таъқиблар таъсирида Р. Иноғомов матбуот орқали тавба-тазарру мазмунидаги «очиқ хат»и билан чиқади.

Иноғомовнинг қарашлари хусусида Мустафо Чўқасев қуйидаги фикрларни билдирган: «... Биз русларга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлишни истамаймиз.. Мана шу ҳақиқатни коммунист бўлишга шошилган туркистонлик ёшлар англай бошлади.. Р. Иноғомов бошлиқ гуруҳ ўзбекларга ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини бериш, Туркистон устидан Ўрта Осиё бюроси назоратини бекор қилинишини талаб қилган».

«Қосимовчилик» — 1929-1930 йилларда миллий анъанавий суд ва ҳуқуқ соҳасидаги кадриятларни сақлаб қолиш тарафдорлари бўлган ватанпарвар руждаги ҳуқуқшунос мутахассисларни мустабид совет тузумига мажбуран бўйсундириш йўлидаги (репрессия) қатагон.

1929 йилда ЎзССР Олий судининг раиси Саъдулла Қосимовнинг «қосимовчилик», деб номланган ишини кўриб чиқиш бошланади.

С.Қосимов, Б. Шарипов, судьялар М. Мирзокиров, И. Хўжаев, суд идораси ходими Спиридонов устидан 1930 йилнинг мартада бошланган суд жараёни натижалари олдиндан тайёрланган ёлғонга айлантрилган эди. Давлат ва жамоат айбловчилари С.Қосимов ва маслакдошларининг ҳақиқий жиноий ишларини исбот қила олмадилар. Бироқ, уларнинг Мунаввар Қори Абдурашидхонов томонидан ташкил этилган «Турк одами марказияти» партияси билан алоқалари, С.Қосимовнинг Султон Сегизбоев ва адвокат Убайдулла Хўжаев (Асадуллахўжаев), Япониядаги Туркистон миллий кўмитасининг мухтор вакили (аслида бундай кўмита бўлмаган) Ҳасанхон Қори-Каримов билан дўстона муносабатда бўлганлиги ва бошқалар бир неча маротаба эсга олинди. С.Қосимов ва унинг тарафдорлари «босмачилар»ни қўллаб-қувватлашда, «аксилинқилобчи миллатчи ташкилотлар» аъзолари билан алоқа боғлаганликда, ислом динини ҳимоя қилишда айбландилар. Ҳолбуки, С.Қосимов ва Б. Шарипов ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида туб миллат манфаатларини имконият доирасида ҳимоя қилишдан эди. С.Қосимов тергов ва суд жараёнида СССР Олий суди томонидан Ўзбекистоннинг суверенлик ҳуқуқи ва миллий манфаатлари поймол қилинаётганлигини очиб ташлашдан чўчимди.

Давлат айбловчиси Катанян ўзининг нутқида шундай дейди: «Спиридонов рус чоризми тарафдори бўлса, Қосимов-турк чоризми учун курашган, Алимов — босмачиларнинг дўсти, хусусий мулкчилик ҳимоячисидир. Шунинг учун улар энг олий жазо — отувга лойиқдирлар».

1930 йилнинг 22 июнида ҳукм эълон қилинади. Уларнинг ҳаммаси ёт синф манфаатларини ҳимоя қилганликларида, Шарипов эса босмачиларга фаол ёрдам берганликда айбланадилар. Катанян сўнги суд жараёнида: «... адолатли қонун галаба қилсин ва қон тўкилсин!» деб хитоб қилади. Қосимов ва унинг 3 тарафдори отиб ташланадилар.

Бу жараённинг асл моҳияти кўзга кўринган маҳаллий арбобларни тугатишга қаратилган эди.

Минглаб зиёлилар йўқ қилинишининг чўққиси 1937-39 йилларга тўғри келди. 1937 йил декабр — 1938 йил январида ХКС ва Ўз КП(б) МКнинг «ЎзССР Халқ Маориф Комиссарлиги тизимида зиёнчилик оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилингандан сўнг халқ таълимининг барча соҳаларида, айниқса, маҳаллий тилда дарс бериладиган мактаблар, педагогик билим юртлари ва институтларида ўқитувчи кадрлар ва талабаларни «тозалаш» ишлари авж олдириб юборилди.

Халқ таълими тизимидаги маорифпарвар зиёлиларга қарши олиб борилган қувғин ва қатагонларга «халқ душманлари, чет эл жосуслари» — А. Икромов, Ф. Хўжаев ва бошқалар ўзларининг Маориф комиссарлигидаги «одамлари» — Усмонов, Рўзиев, Сорокин, Кожуховлар орқали халқ маорифига катта зиён етказишган, деган буҳтонлар «асос» қилиб олинди: «Улар турли чоралар билан ўзбек халқини социалистик маданиятнинг илғор вакили — буюк рус халқидан ажратмоқчи бўлдилар, ёшларни миллатчилик билан заҳарлашга ҳаракат қилдилар... Улар бир томондан, ўзбек мактабларида Ленин ва Сталин асарларини ўрганишга имкон берувчи рус тили ўқитилишига қаршилик кўрсатиб, иккинчи томондан, марксизм-ленинизм классикларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилинишига тўсқинлик қилдилар».

Айни пайтда истиқлол ва эрк куйчилари, ўзбек халқининг машҳур ёзувчиларидан Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир Сталин истибдодининг бегуноҳ қурбони бўлдилар. 30-йилларда ўзбек адабиётининг Фитрат ва Чўлпон каби «кекса» авлоди вакиллариининг эркин ижод этишига йўл қўйилмади. Фитрат 1938 йил 4 октябрда «... совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий, пантуркистик ишлар олиб борганликда» айбланиб, отиб тақламади.

Чўлпон 1932 йили Ф. Хўжаевнинг маслаҳати билан Москвага бориб, СССР ХКС ва СССР халқлари марказий нашриётида таржимон бўлиб хизмат қилаётганида, Тошкентда **бадриддиновчилар** устидан суд бошланади. «Бадриддиновчилик» — Ўзбекистон ССР Олий судининг прокурори Шамсутдин Бадриддинов номи билан боғлиқ иш. Ш. Бадриддиновга «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзолари ва босмачилар билан алоқа боғлаган, Мунаввар Қори ва С.Қосимовнинг яқин дўсти ва ҳамфикри бўлган деган айблар қўйилган Ш. Бадриддинов ва унинг 5 тарафдори устидан суд жараёни 1932 йил 5 май-15 июнда Тошкентда бўлиб ўтади. Ана шу судда фош этувчи нутқ билан сўзга чиққан Олимов исмли гувоҳ Чўлпоннинг ҳам номини ғайрли ниятда тилга олади. Бу унинг 1937 йилда қамоққа олинишига сабаб бўлади. Чўлпон ўз олдига «совет ҳокимиятини курул билан ағдариб ташлаш ва Ўзбекистон музофотида буржуа давлатини барпо этиш мақсадини қўйган, аксилинқилибий миллатчилик ташкилот аъзоси бўлган... совет ҳокимиятига қарши кураш учун миллий кадрлар тайёрлаган... ташкилотнинг топшириғига мувофиқ аксилшўровий-миллатчилик руҳидаги шеърларни ёзган, хорижий разведка органларининг айғоқчилари Шохид Эсон Мусаев, Фитрат ва Ғози Олим Юнусов билан доимий алоқада бўлган...», деган сохта айбномалар асосида советларнинг жазо органлари томонидан 1938 йил 4 октябрда қатл этилади.

Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий 20-йилларда «Ўткан кунлар»дан кейин «Меҳробдан чаён» асарини яратиб, ўзбек романчилигини жаҳон маданияти даражасига олиб чиқди. Бироқ совет режими унинг «Ўткан кунлар» асари китобхонларни совет воқелигидан узоқлаштиради ва унда миллатчилик қарашлари очиқ акс этган, деб танқид остига олади ва бу унинг 1937 йилда қамоққа олиниши учун асос бўлиб хизмат қилади. Адабиётимизнинг энг сара арбоблари қаторида А.Қодирий ҳам 1938 йил 4 октябрда отилади.

Таниқли ўзбек шоири, драматург ва таржимон Усмон Носир ўзининг «Юрак», «Меҳрим», «Норбўта», «Нахшон» ва бошқа шеърый дostonлари билан шуҳрат қозонган. Шунингдек, у Добролюбов, Лермонтов асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Усмон Носир ҳам 1944 йилда совет режимининг бегуноҳ қурбони бўлган.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, республика НКВДси «учлик»лари томонидан 1937-39 йилларда 41 мингдан зиёд киши қамоққа олиниб, улардан 6 минг 920 таси отиб ташланган эди.

Миллатнинг илгор тараққийпарвар зиёлилари қатагон қилиниши оқибатида халқимиз уларнинг ноёб асарларини ўқишдан узоқ вақт маҳрум бўлди.

Маълумки, совет замонида дин давлатдан ажратилган, деб эътироф этилган, номигагина виждон эркинлиги эълон қилинган бўлса-да, аслида диний эътиқод гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона тарзда таъқибу тазйиққа олинар эди. Ҳолбуки, жамиятсиз дин, динсиз жамият бўлиши мумкин эмас. Совет тузумида бунга мутлақо эътибор берилмас эди. Балки, иложи борича, динга, диний тарбияга тўсқинлик кўп бўлиб, жамиятдан уларни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилинган. Советларнинг эътиқоди даҳрийлик эди.

30-йилларнинг боши диндор ва эътиқодли кишиларга зўравонлик ва сиёсий қатагонликнинг чўққиси бўлди.

Ҳатто Аллоҳ таолонинг уйи ҳисобланмиш масжидлар худосизлар уйига, атеизм музейига айлантирилган. Ушбу сиёсат оқибатида кўплаб кўҳна масжидлар узоқ вақтгача қаровсиз қолиб кетди, янги масжидлар қуриш тўғрисида эса ҳатто сўз бўлиши мумкин эмас эди. Бу даврда Ўзбекистондаги диний уламоларнинг асосий қисми қамоқ лагерларига жўнатилди.

Инсон ҳуқуқлари амалда поймол этилди. Қамоқхоналарда маҳбуслар шафқатсиз жисмоний жазоларга маҳкум этилдилар.

20-30-йиллардаги мустабид тузумнинг қатағонлик сиёсати жиддий ва фожиали оқибатларга олиб келди. Миллий зиёлиларнинг жисмонан йўқ қилиниши оқибатида миллий маданият тўла-тўқис ривожлана олмади. Миллатнинг ақл-идрокли кишилари маҳв этилгач, ҳамма «йўлбошчи»нинг итоаткор қулига айлантирилди. Шундай қилиб, ҳар қандай ўзгача фикрни куч билан бўғадиган, оммавий ўзбошимчалик ва зўрлик билан Ватанга содиқ неча ўн минглаб кишиларни қириб ташлаган мустабид тартибот қарор топди ва кучая борди.

15-МАВЗУ. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНГАН БАЛАБАГА ҚУШГАН ҲИССАСИ

Урушнинг бошланиши. Умумий ҳарбий сафарбарлик

Инсоният жуда қўллаб урушларни бошидан кечирган бўлиб, булар ичида энг даҳшатлиси, 50 миллиондан ортиқ кишининг ёстиғини қуригган, XX аср фожиаси бўлмиш иккинчи жаҳон урушидир. Олти йил (1939 йил сентябр – 1945 йил сентябр) давом этган бу уруш ер шарининг 80% аҳолиси жойлашган ҳудудни, 61та мамлакатни ўз ичига қамраб олди.

Иккинчи жаҳон урушини Англия, Франция ва СССР каби йирик давлатлар ўртасидаги ихтилофлар, хусусан, пайдо бўлган дастлабки дамлариданоқ ташқи сиёсат стратегияси «жаҳон пролетар инқилоби» мафкурасига таяниб, бутунжаҳон коммунистик империясини тузишга қаратилган совет давлати ҳамда Германия ва Япония каби агрессив кучларнинг дунёга ҳукмрон бўлиш учун интилишлари келтириб чиқарди. Урушнинг асосий айбдорлари жаҳонга ҳукмронлик қилиш даъвоси билан майдонга чиққан Адольф Гитлер ва Иосиф Сталин юргизган агрессив сиёсат бўлди. Франция ва Англия сиёсий етакчиларининг жавобгарлиги шундан иборат бўлдики, улар большевизм хавфига қарши турувчи кучни ташкил қилиш ғояси билан Германияда гитлерчилар партиясининг мустақамлашувига ёрдам берибгина қолмасдан, Австриянинг Германия таркибига қўшиб олинishiга (1938 й. март) ва Мюнхен битишувига (1938 й. сентябр) йўл очиб бердилар. Бу эса, Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

30-йиллар охирларида халқаро кескинликнинг ва Иккинчи жаҳон урушининг бошланишида Сталин бошлиқ совет раҳбарлари капиталистларни ўзаро уриштириб, уларнинг кучи камайиши билан қизил

армия кучларининг қақшатқич зарбасини беришга интилишлари ва айнан шу мақсадда 1939 йил 23 августда Германия билан 10 йил муддатга ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномаси уларнинг жавобгарликларини ташкил қилади. Совет-герман битимининг махфий қўшимча баённомасига кўра, Германия билан СССР таъсир кўрсатиш доираларини бўлиб олишган эди. Улар манфаатдор ҳудудлари чегараси Польшадан ўтган бўлиб, Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия ҳудудлари ҳамда Болтиқбўйи мамлакатлари СССР таъсир доирасидаги ҳудуд эканлиги Германия томонидан тан олинган эди. Энг сўнгги тарихий тадқиқотлар «август битими» мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаб, совет-герман урушининг бошланишини орқага сурган эмас, балки иккинчи жаҳон урушини ва унга СССРнинг тортилишини тезлаштирган ҳужжат бўлганлигини кўрсатади. Чунки Германия давлатининг ҳам, совет давлатининг ҳам стратегик мақсадларини ақс эттирган бу шартномага мувофиқ Германия билан СССР Польшага бир вақтда қўшин киритишлари лозим бўлган. Шунга кўра 1939 йил 1 сентябрда фашистлар Германияси Польшага бостириб кирди. 3 сентябрда эса Англия ва Франция Германияга уруш эълон қилдилар ва иккинчи жаҳон уруши бошланди. Натижада Германия икки фронтда уруш ҳолатида бўлиб қолди. Гитлер жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида ҳалокатли уруш ёнғинининг асосий айбдори бўлиб намоён бўлди. Сталин эса айнан шуни кутган эди. У совет қўшинларини 17 сентябрдагина Польша ҳудудларига кирита бошлади ва Шарқий Европанинг халоскори сифатида Ғарбий Белоруссия ерларини босиб олиб, кейинроқ расмий равишда СССР га қўшиб олди.

1939 йил охири, 1940 йил бошларида бўлган совет-фин уруши натижасида Финландия Ленинград ва Мурманск оралиғидаги ўз ерларини СССРга беришга мажбур бўлди. 1940 йил июнда Эстония, Латвия ва Литва давлатларини босиб олиб, август ойида ўз таркибига киритди. Ўз ҳудудларини бундай

кенгайтириш сиёсати Германия ва СССРни 1939-1940 йилларда янада яқинлаштирди. Фарбий Европада фашистлар Германияси Польша, Норвегия, Франция, Бельгия, Голландия, Дания, Люксембург каби давлатлар пойтахтларини босиб олганда, советлар ҳукумати немис кўмондонлигини табриклаб борган.

Ўзаро урушлар натижасида капиталистларнинг заифлашишини кутаётган Сталин бошлиқ советлар ҳукумати бир зарба билан Европани советлаштиришга тайёрланар, буни зимдан ҳис қилган Гитлер ҳукумати Сталиндан хавфсирар, уларнинг ҳар бири «ҳужум қилмаслик ҳақидаги битим»ини ўзи учун қулай бўлган пайтда бекор қилишни оқилона иш, деб ўйлардилар. Айнан шу нарса иккита «дўст» давлат ўртасидаги муқаррар урушни тезлаштирди.

1941 йил 22 июн якшанба куни тонготарида август шартномасини бузиб, фашистлар Германияси СССР га ҳужум бошлади. Германия билан унинг иттифоқчилари – Италия, Финландия, Венгрия, Руминия, Болгария ҳам Совет Иттифоқига қарши урушга кирдилар. Бу урушга мажбуран тортилган Совет Иттифоқи халқлари – мустамлака асоратида бўлган бarcha республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон халқлари учун оғир синовлар вақти ва уларнинг немис фашист босқинчиларига қарши фидокорона кураши бошланди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам партия ташкилотлари томонидан митинглар ва йиғилишлар ташкил қилинди. 1941 йил 22 июндаёқ Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари ана шу дақиқадан бошлаб ўзларини Ватан ҳимоясига сафарбар қилинган, деб ҳисоблашларини билдирдилар. 23-24 июнда Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Нукус ва бошқа шаҳарлардаги йиғилишларда Ватан ҳимояси учун ҳар қандай вазифани бажаришга шай эканликларини билдирган ўзбекистонликлар ҳарбий комиссарликларга фронтга кўнгилли сифатида жўнатишларини сўраб аризалар бера бошладилар.

Архив ҳужжатларининг далолат беришича, урушнинг дастлабки кунларида республиканинг шаҳар ва туман ҳарбий комиссарликларига 14 мингдан ортиқ артиллерия тушган. Бу ўзбекистонликларнинг ўз ватанпарварлик бурчларини, ҳар бир уруш инсоният бошига келган офат эканлигини юксак даражада англаб, уруш оловини ёқувчиларга қаттиқ нафрат билан қарашликларини кўрсатади. Чунки бошланган уруш юқори ҳокимият раҳбарлари орасида саросималикни келтириб чиқарган бўлиб, фақат 29 июндагина Халқ Комиссарлари Кенгаши номидан жойларга кўрсатмалар жўнатиб, унда уруш аҳволни кескин ўзгартириб юборганлиги, Ватан жиддий хавф остида қолганлиги, барча ишларни ҳарбий изга солиш учун тез ва қатъий равишда қайта қуришни амалга ошириш зарурлиги кўрсатилиб, «ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса галаба учун!» қақриғи талаб даражасига кўтарилган эди. 1941 йил 30 июнда И.В. Сталин бошчилигида Давлат Мудофаа Қўмитаси ташкил этилиб, давлат, ҳарбий ва партиявий ҳокимият унинг қўлига ўтди. Сталин ҳукумат номидан 3 июлда радио орқали халққаурожаат қилиб, ҳақиқий аҳволни баён қилди. Куроли кучларга стратегик раҳбарликни амалга ошириш учун Олий Бош Қўмондон Қароргоҳи ташкил этилиб, 8 августда Сталин Олий Бош Қўмондон лавозимини қабул қилди. Барча муҳим ҳарбий-сиёсий қарорларни қабул қилиш ҳақиқатдан унинг қўлида тушланган бўлиб, бу қарорлар ДМҚ ёки ВКП (б) МК Сиёсий бюросининг қарорлари сифатида расмийлаштирилган.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ совет халқи-ўзбекистонликлар ҳам босқинчилар устидан галабага эришишга бугун кучларини баҳшида этдилар. Мустабид тузум зулми остида эзилаётган халқлар қандайдир ғояларни эмас, балки она-юрт, Ватанларини ҳимоя қилдилар. Ўзининг ватанпарварлик бурчини юксак даражада ҳис қилган ўзбек халқи фашизмдан фақат СССРни эмас, энг аввало, Ўзбекистонни ҳимоя

қилишни, уни яна бир босқинчидан сақлаб қолишни мақсад қилиб қўйган эди. Чунки халқимиз социализм ниқоби остида қилинган босқинчилик, сиёсий қатоғонлар заҳмини ҳали унутмаган бир даврда гитлерчи босқинчиларнинг босиб олинган ҳудудларда қилган ашаддий жиноятлари, улар ўрнатаётган тартиб тўғрисидаги хабарларни эшитиб, фашизмнинг мустабид тузумдан ҳам даҳшатлироқ, инсоният бошига келган офат эканлигини англаб етган эди, яъни халқ ўзини душманни тўхташишга ва улоқтириб ташлашга қодир бўлган бирдан бир куч деб ҳис қилди. У коммунистик тизим фойдасини эмас, балки фашизмга қарши курашнинг адолатли эканлиги ғоясини танлади. Шу жиҳатдан ҳам И.А. Каримовнинг, «уруш даври воқеаларини, жангчиларимизнинг жасоратларини таҳлил этишда ва таърифлашда ҳам мафкурабозликни... камроқ айтиш»га доир чақирғи ниҳоятда долзарб бўлиб жаранглайди. Президент ҳақли равишда бундай, деб таъкидлаган эди: «Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз Ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз. Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз!» Чунки ўзбекистонликларнинг жанг майдонларидаги жасорати, фронт орқасидаги фидокорона меҳнати мустабид давлат машинасининг тазйиқи, эрксиз ҳаракат тарзида эмас, балки онгли, асл ватанпарварликнинг манбаи бўлган Ватанга муҳаббат туйғусининг юксак даражадаги кўриниши бўлди.

Урушнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистоннинг барча моддий ва маънавий кучлари, ресурслари фронт учун сафарбар қилина бошланди. Умумий ҳарбий сафарбарлик эълон қилинди.

Ўрта Осиё ҳарбий округи фронт учун 1941 йил июндан 1942 йил охиригача ҳарбий сафарбарлик

асосида 109 та ҳарбий қўшилма тузди, ҳаракатдаги армияга ва Олий Бош қўмондонлик қароргоҳи резервига 86 дивизия ва бригада жўнатди.

Ўзбекистон ҳукумати миллий ҳарбий қўшилмалар тузиш ташаббуси билан чиқди. 1941 йил 13 ноябрдан 1942 йил мартигача 14 та миллий ҳарбий қўшилма, жумладан, 9 та ўқчи бригада, 5 та отлик аскарлар дивизияси тузилиб фронтга жўнатилди. Умуман, уруш бошларида 6,5 миллион кишидан иборат бўлган Ўзбекистон аҳолисининг 1.433.230 таси урушга сафарбар этилган. Уларнинг кўпчилиги мардлик намуналарини кўрсатиб, жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди. Чунки ота ва оналар, Ўзбекистон халқи ўз ўғлонларини фронтга жўнатар эканлар, уларга босқинчиларга қарши шараф билан курашиш, ўтмишда босқинчиларга қарши курашларда ғолиб чиққан қаҳрамонларнинг жанговар жасоратларидан намуна олишни, мард, ботир аскар бўлиб, душманлар устидан галаба қозонишларини тилаб қолгандилар.

Ҳарбий вазият фронт орқасини мустаҳкамлаш юзасидан шошилиш чора-тадбирлар кўришни талаб қилди. Халқ ҳўжалигини қайта куриб, ҳарбий изга тушириш умумий дастурнинг таркибий қисми бўлди. Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам ҳарбий вазиятдан келиб чиқиб, зудлик билан фронт манфаатларига бўйсун-ирилди. Республика саноат корхоналари уруш бошланиши биланоқ қайта курилиб, мудофаага зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказилди. Қайта куриш граждандар уруши йилларида синовдан ўтган ҳарбий-коммунистик усуллар билан амалга оширилди. 26 июндан бошлабоқ мамлакатда ишчилар ва хизматчилар учун ишдан ташқари вақтда мажбурий ишлаб бериш жорий этилди. Катта ёшдагилар учун иш кунин олти кунлик иш ҳафтасида 11 соатгача узайтирилди. Аслида иш кунин 12-14 соатга чўзиларди. Таътилга чиқиш бекор қилинди. Бу ҳол ишчи-изматчилар сонини кўпайтир-масдан туриб ишлаб чиқариш қувватлари ҳажминини тахминан 1/3 га ошириш имконини берди.

Ишчи кучининг етишмаслиги натижасида идора хизматчилари, уй бекалари, ўқувчилар ишлаб чиқаришга жалб этилди. 1941 йил декабрда ҳарбий корхоналарнинг барча ходимлари сафарбар, деб эълон қилинди ва мазкур корхоналарга бириктириб қўйилди. Корхоналардан ўзбошимчалик билан кетиб қолганлар 5 йилдан 8 йилгача муддат билан қамоққа ҳукм қилинарди. Бироқ одамлар мамлакат ичкарисида-Ўзбекистонда ҳам «юқоридан» ортиқча қистовсиз озодлик ва мустақиллик йўлида фидокорона меҳнат қилдилар.

Республика ҳукумати 1941 йил сентябр-декабрда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришни ҳарбий изга мослаб қайта қуришнинг умумий режаларини белгилаб берди. Қабул қилинган қарорларда халқ хўжалигини қайта қуришга доир аниқ вазифалар белгиланган бўлиб, саноат корхоналарининг мудофаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ўтиш муддатлари белгиланиб, ички имкониятлардан фойдаланиш тавсия этилган.

Кадрлар, хом ашё, ишлаб чиқариш воситалари танқислигига қарамасдан 1941 йил декабрдаёқ республикадаги 30га яқин корхона мудофаа учун маҳсулот бера бошлади. Корхоналарда фронт бригадалари номини олган бригадалар тузила бошлади, дастлаб октябрда «Ташсельмаш» заводида ташкил этилган бўлса, 1942 йил бошларида уларнинг сони 1,5 мингга етган. 1942 йил ўрталарига келиб халқ хўжалигини қайта қуриб, ҳарбий изга ўтказиш Ўзбекистонда асосан охирига етказилди.

Ўлка аҳолиси анъанавий ватанпарварлигининг ажойиб намуналаридан бири фронтга умумхалқ ёрдами кўрсатиш эди. Ўзбекистонликлар урушнинг дастлабки кунлариданоқ мудофаа жамғармасини ташкил этиш ҳаракатида фаол иштирок этди. Мудофаа жамғармасига ишчилар, зиёлилар бир кунлик иш ҳақлари, «коммунистик шанбалик»ларда ишлаб топилган пуллар, фуқароларнинг шахсий жамғармалари, қимматбаҳо бойликлари, давлат заёмлари, буюмлар,

озик-овқат маҳсулотлари топширилди. Урушнинг дастлабки кунларида республика аҳолисидан 30 миллион сўмлик миқдорда пул, облигация ва қимматбаҳо буюмлар тўпланди. Ўзбекистон аҳолиси уруш йилларида мудофаа жамғармасига жами 649, 9 млн. сўм пул ва 55 кг.га яқин олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо металллар топширди. Бу жамғарма ҳисобига танк колонналари, авиация эскадрильялари, бронепоездлар қурилиб фронтга жўнатилди.

Аҳоли томонидан иссиқ кийимлар тўплаш ва тайёрлаш кенг авж олди. Республика аҳолиси урушнинг дастлабки олти ойи мобайнида фронтга 421,5 мингта турли иссиқ кийимлар юборди. Жангчилар учун тўпланган буюмлар, озиқ-овқатларни ЎзССР Олий Совети Президиумининг раиси Й. Охунбобоев (1885-1943) раҳбарлигидаги делегация фронтнинг олдинги марраларига етказиб берди.

Мустабид тузум тазйиқи, қатагонларга қарамасдан ўзбекистонликларнинг иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган юксак ватанпарварлик намуналари бу халқнинг кўп минг йиллик тарихга, бой маънавий меросга эга эканлиги, умуминсоний ва миллий қадриятларни бир хилда ҳис қилишини кўрсатади.

Урушнинг оғир йилларида ўзбек халқининг асосий маънавий-ахлоқий хусусиятлари, унинг инсонпарварлиги ёрқин намоён бўлди, яъни юртбошимиз айтганларидек, «тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ тушира олмади».

Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб бугун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат ва саноат моллари камайиб кетди. Аҳолининг аҳоли кескин ёмонлашди. Шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш «чипталар» бўйича амалга оширила бошланди. Ишчилар ва хизматчилар кунига фақат 400-500 гр. паст навли нон оларди, қарамоғидагилар эса юқоридаги миқдордан 1,5 баробар камроқ олишарди.

Аҳолига гўшт, балиқ, ёғ, ёрма, макарон сотишда ҳам меъёрланган тақсимот жорий қилинди. Меъёрланган тақсимот қишлоқ аҳолисига умуман татбиқ этилмаган. Қишлоқ меҳнатқашлари меҳнат кунларига оладиган натура (маҳсулот билан) тўлови ва шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисобига озиқ-овқат билан таъминланишлари лозим эди. Лекин бу маҳсулотлар жуда чекланган миқдорда эди. 4 йил уруш мобайнида колхозлар деҳқонларга амалда пул тўламаганлар ва меҳнат кунларига ниҳоятда кам миқдорда маҳсулот берганлар. Уруш туфайли қийин ва оғир шароитда қолганига қарамасдан кўчириб келтирилганларга, ярадор ва ногиронларга, фронтга кетганларнинг хотинлари ва болаларига кўрсатган ғамхўрлиги ўзбек халқининг бирлик ва қардошларча дўстликка инсонпарварлик билан интилишининг ёрқин тимсоли, улкан ахлоқий куч-қудрати ва ҳақиқий самимий олижаноблигининг чин маънодаги исботи бўлди.

Ўзбекистон уруш йилларида Россиянинг босиб олинган районларидан — Украинадан, Белоруссиядан ҳаммаси бўлиб бир миллиондан ортиқ кишини қабул қилди. Улардан 200 минг нафари болалар эди. Аҳоли уларга турар жой бериб, ўзи сиқилиб яшади, кўчиб келганларни тўйдириш учун охирги бўлак нонини ҳам бўлиб берди, уларга пойабзал, кийим-бош тўплади. Уларга 135 минг кв. метр турар жой майдони ажратиб берилди. Кўчириб келтирилганларни ишга жойлаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзида 1941-1942 йилларда қарийб 240 минг киши жойлаштирилди ва иш билан таъминланди.

Кўчириб келтирилган болаларни қабул қилишни тартибли йўсинда ташкил этиш мақсадида республика ҳукуматининг қарори билан 1941 йил октябрда эвакуация қилинган болаларни қабул қилиш учун марказий пункт ташкил этилиб, жойлаштириш бўйича республика, вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари тузилди. Фақат 1941 йил 25 ноябрдан 1942 йил

октябрга қадар республиканинг эвакуация пунктлари орқали 15649 нафар бола ўтди. Кўпгина оилалар икки ва ундан ортиқ етим болаларни ўз тарбияларига олдилар. Тошкентлик Шомаҳмудовлар турли миллат фарзандларидан 14 болани ўз оилаларига тарбияга олдилар. Каттақўрғонлик Ҳамид Самадов оиласи 12 болани асраб олди. Ф. Қосимова 10, М. Жўраева ва Ашурхўжаевалар 8 болани ўз оилаларига олдилар. 1943 йилнинг охирига келиб шаҳарларда 4672 бола, қишлоқларда эса 870 бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олинган эди. Уруш арафасида республикада 106 та болалар уйида 12 минг бола тарбияланаётган бўлса, 1945 йилга келиб, уларнинг сони Ўзбекистон вилоятларида ва Қорақалпоғистонда 263 та болалар уйида 31300 болага етди. 1943 йилда болалар боғчаларида тарбияланаётган 53072 боладан 15108 нафари эвакуация қилинган болалар эди. Юқоридаги аниқ далиллар ҳаққимизнинг бошқа миллатларга бўлган меҳр-муҳаббатини, бағрикенглик фазилатларини акс эттиради.

Уруш йилларида Ўзбекистонга фронтда ярадор бўлган жангчилар кўплаб келтирилди. Уруш бошлангандаёқ республика ҳукумати госпитал базасини ташкил қилишга киришган эди. 1941 йил 1 октябргача Ўзбекистон соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги тизимида 14950 ўринга эга бўлган 47 госпитал барпо этилди ва зарур ускуналар билан жиҳозланди. Фақат Москва, Калинин, Ростов ва бошқа вилоятлардан 15900 ўрин-каравотга эга бўлган 48 госпитал республикамизга кўчириб келтирилди ва ишга туширилди. Эвакуация қилинган госпиталларга Тошкентдаги ва Ўзбекистоннинг бошқа йирик шаҳарларидаги энг яхши бинолар ажратиб берилди. 1942 йилнинг охирида Ўзбекистон ҳудудида 39140 ўринга эга бўлган 113 та эвакуация госпиталлари жойлаштирилди. Уруш йилларида бу госпиталларга 164382 ярадор келтирилган бўлиб, улардан 87 фоизи даволаниб чиқди. Даволанаётган жангчиларнинг тўлақонли овқатланишни ташкил қилиш учун 750 дан

ортиқ корхона, ташкилот, колхоз ва совхозлар госпиталларни оталиққа олди ва бутун ўзбек халқи ярадорларга ғамхўрлик қилди.

Уруш йилларида Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги

Яшин тезлигида уруш олиб бориш режасига эга бўлган немис-фашист қўшинлари шиддат билан Шарққа қараб ҳаракат қилар эди. Фронт яқинидаги шаҳар ва қишлоқлардан юз минглаб аҳоли, саноат корхоналари, ўқув юртлири, илмий ташкилотлар ва бошқа моддий бойликларни мамлакат ичкарисига — Шарққа кўчириш бошланди. Ўрта Осиё республикаларига эвакуация қилинган 308 корхонанинг 104 таси (Ленинград тўқимачилик машиналари заводи, «Қизил Оқсой», «Россельмаш», Сумск компрессор ва Днепропетровск қарборунд заводлари, Москвадаги «Электрокабель» ва «Подъёмник» заводлари, Темир йўллар халқ комиссарлигининг машинасозлик заводи, Чкалов номидаги авиация заводи, «Красний путь» заводи, Киевдаги «Транссигнал» заводи, Сталинград кимё комбинати ва бошқалар) Ўзбекистонга; улардан 55 та корхона Тошкент ва Тошкент вилоятига, 14 та завод ва фабрика Самарқандга, 22 таси Фарғона водийсига, иккитаси Бухоро вилоятига жойлаштирилди. Бу корхоналарни жойлаштириш, монтаж қилиш ва фоят қисқа муддатларда ишга тушириш вазифасини ташкилий жиҳатдан таъминлаш иши билан махсус комиссия шугулланди.

Эвакуация қилинган завод ва фабрикаларни тиклашда талабалар, ўқувчи, уй бекалари, фан ва маданият ходимлари, хизматчилар ва колхозчилар катта куч-ғайрат билан тиним билмай меҳнат қилдилар ва қисқа кунларда, яъни «Россельмаш» 25 кунда, «Қизил Оқсой» заводи бу ерга етиб келганидан кейин орадан 29 кун ўтганда ишга туширилиб, маҳсулот бера бошлади. 1941 йил декабрга келиб эвакуация қилинган

корхоналарнинг қарийб 50 таси ишга туширилди. 1942 йил биринчи ярмида эса барча келтирилган саноат корхоналари маҳсулот чиқара бошлади.

Электр энергияси ва ёқилғи ишлаб чиқариш, кўмир, қора ва рангли металл базаларини ташкил этиш, кимё саноатини ривожлантириш, қурилиш материал туширилди. Чирчиқ электр кимё комбинатининг иккинчи навбати, Қўқон тукқориш (аралаш минерал ўғитлар) заводининг суперфосфат заарини ишлаб чиқаришни кўпайтириш уруш йилларидаги Ўзбекистон саноатининг асосий йўналишлари эди. Ҳарбий ишлаб чиқариш қувватларини ошириб бориш зарурати саноат қурилишини кўпайтиришни талаб қилар эди. Асосий қурилиш ишлари ҳашар усули билан олиб борилди. Электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида 7 та йирик ва 30 га яқин кичик ГЭСлар қурилди. Айниқса, Ўзбекистоннинг энг йирик гидроэлектростанцияси бўлиб қолган Фарҳод ГЭСи қурилиши умумхалқ қурилишга айлантирилиб, 10 ой ичида Сирдарё тўсилиб, ГЭС ишга туширилди. Салар, Куйи Бўзсув, Тобоқсой, Оққовоқ, Оқтепа, Қибрай ГЭСлари ҳам муддатидан олдин қурилиб ишга туширилди. Бу республикада электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтирди. Электр энергияси 1940 йилга қараганда 1943 йилда 3,5 баробарга ошди, 1945 йилда эса 1187 миллион киловатт соатга кўпайди.

Республикада кўмир, нефт конларидаги иш суръатларини кўпайтириш, янги конларни очиш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилди. Натижада 1945 йилга келганда 1940 йилдагига нисбатан 30 марта кўпроқ, яъни 103 миллион тонна кўмир қазиб олинди. Уруш йилларида республикада «Чуқурлангар», «Толмозор», «Наймон», «Шаҳрихон-Хўжаобод», «Жанубий Оламушук» ва бошқа янги нефт конлари ишга туширилиши билан бирга Фарғона водийсида ишлаб турган «Андижон», «Полвонтош», «Чангартош», «Чимён» нефт конларида маҳсулот ишлаб чиқаришни

бригада усулларида шогирдларни тайёрлаш бу даврда кенг ёйилди. Натижада урушнинг икки йили давомида Ўзбекистонда 105673 нафар оммавий касбдаги саноат ишчилари тайёрланган бўлиб, шундан 73 минг нафари бевосита ишлаб чиқариш жараёнида ҳунар эгаллади. Ишчилар синфининг умумий сони уруш охирларига келиб 196,2 минг кишига етдики, бу уруш бошлангандаги сонидан 54,6 мингга кўпдир. Очлик, чарчоқ, толиқиш, қийин шароитларга қарамасдан илғор ишчилар кунлик нормаларини 300-400, ҳатто 500 фоизга қадар бажарган вақтлари ҳам бўларди. Булар Қирғизбоев, Ҳамроев, Юсупов, Нишонов каби «Янги турмуш» артелининг ишчиларини санаб ўтиш мумкин.

Республика ишчилари фронт орқасидаги оғир меҳнатда ҳақиқий жасорат намуналарини кўрсатдилар. Шароит қийин, озиқ-овқат етишмас, сиёсий вазият оғир, берилган режани қаттиқ талаб қилиш кўпчиликни толиқтирар, баъзилар бардош беролмасдан ҳалок бўлардилар. Шунга қарамасдан 1943 йилга келганда СССР ҳарбий ишлаб чиқаришда Германияга етиб, ҳатто ўтиб кетишида мамлакат ичкарисидagi ишчиларнинг хизмати жуда катта бўлди. Уруш йилларида Ўзбекистонда вужудга келган ҳарбий саноат комплекси томонидан фронт учун 2100 та самолёт, 17342 та авиамотлар, 2318 минг дона авиабомба, 17100 та миномёт, 4500 бирликдан иборат минаярни йўқ қилувчи қурол, 60 мингга яқин ҳарбий-кимёвий аппаратура, 22 млн. дона мина ва 560 минг дона снаряд, 1 млн. дона граната, дала радиостанциялари учун 3 млн. радиолампа, қарийб 300 мингга парашют, 5 та бронепоезд, 18 та ҳарбий санитария ва ҳаммом-кир ювиш поезди, 2200 дона кўчма ошхона ва 7518,8 мингта гимнастёрка, 2636,7 мингта пахтали нимча, 2861,5 мингта армия этиги тайёрлаб бердилар. Бу ўзбекистонликларнинг фашист-босқинчиларини тор-мор этишга, ғалабага қўшган катта ҳиссаси бўлди.

Уруш йилларида республикамызда 280 та янги корхонанинг қурилиб ишга туширилиши натижасида 1945 йилга келиб саноат ишлаб чиқариши уруш

арафасидагига нисбатан деярли икки баравар ортди, нефт қазиб олиш 4, металл ишлаб чиқариш 4,8, машинасозлик маҳсулотлари 13,4 баравар, кўмир қазиб чиқариш 30, энергия ишлаб чиқариш 2,42 баравар кўпайган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида республикада транспорт ва алоқа воситаларининг узлуксиз ва унумли ишлашини ташкил қилишга алоҳида эътибор берилди. Муҳим ва асосий транспорт воситаси ҳисобланган темир йўл ҳам ҳарбий ҳолатга ўтказилди. Жорий қилинган поездлар ҳаракатининг янги графигига асосан ҳарбий юкларни биринчи навбатда тўхтовсиз ўтказиб юбориш кўзда тутилди.

Мамлакат шарқи ва Ўрта Осиё республикаларини Марказ билан боғлаб туришда Тошкент темир йўли катта аҳамият касб этди. Кўчириб келтирилаётган sanoat корхоналарининг асбоб-ускуналарини Фарбдан Шарққа, Шарқдан Фарбга эса курул-аслаҳа, ўқ-дорилар, озиқ-овқат, кўшинларни етказиб беришда у катта рол ўйнади.

Ўзбекистон темир йўллариининг фидокорона меҳнати наъижасида 1941-1942 йиллар давомида кўчирилган sanoat корхоналарининг асбоб-ускуналари ортилган 17,5 минг вагон ташиб берилди. Фронт орқаси билан фронт ўртасидаги асосий алоқа воситаси бўлиб хизмат қилган темир йўл тармоқлари 1941-1945 йилларда 2 баравар узайди. Автотранспорт воситаси ҳам уруш йилларида юк ташиш ва алоқа воситаси сифатида муҳим ўрин тутди. 1945 йилда республика автотранпортида ташилган юкнинг ҳажми 1940 йилдагига нисбатан 2 баравар ўсди.

Уруш йилларида фронт орқасида оғир, қийин шароитда меҳнат қилишларига, ишчи кучининг етишмаслигига қарамасдан Иттифоқнинг мудофаа қурилишлари ва sanoat корхоналарига 155 миңдан ортиқ ўзбекистонлик жалб қилинган. Улар РСФСР нинг Урал, Сибирдаги заводлар қурилишида, асосан тошкўмир, қора ва рангли металлургия корхоналарида

меҳнат қилишган. Бу ёрдам халқларнинг ҳамкорлигини ўзаро янада мустаҳкамлади.

Немис-фашистларни тор-мор келтириш учун олиб борилган умумхалқ курашига ўзбек деҳқонлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Улар олдига фронт ва мамлакат ичкарасидаги аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан, саноатни ҳам ашё билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Бунинг учун қишлоқ хўжалигини ҳам ҳарбий изга ўтказиш, дон, картошка, сабзавотлар ва техника экинларини кўпайтириш лозим эди. Чорвадорлар ҳам армия ва аҳолини гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлашлари зарур эди.

Марказ кўрсатмалари билан асосан пахта экишга мослаштирилган, қишлоқ хўжалигидаги яхши техника воситалари, отлар фронт учун олиб кетилган, тажрибали деҳқонларнинг кўпчилиги фронт ва фронт орқасидаги ишларга жалб қилинган бир пайтда юқоридаги вазифани бажариш янада мушкуллашар эди. Сталинча маъмурият Ўзбекистонга озиқ-овқат билан «ўз-ўзини таъминлаш» вазифасини қўяр экан, мудофаа саноати учун фоят муҳим бўлган ҳам ашё — пахта етиштиришни камайтирмасликни талаб қилди. Бунинг устига деҳқонларни қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминлаш тўхтатилиши билан бир пайтда механизаторларнинг сони ҳам қисқарди, яъни уруш арафасида Ўзбекистонда 27888 механизатор бўлган бўлса, 1942 йилда уларнинг сони 2775 кишига тушиб қолди, кейинчалик янада камайди. Улар ўрнида аёллар, болалар, кексалар меҳнат қила бошладилар. Кетмон ва омовлар асосий иш қуролига айланиб қолди. «Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш» соҳасида ҳаддан ошишлар авж олди. 12 ёшдан бошлаб меҳнат кунини белгиланиб, уни бажармаганларнинг оиласи судга берилган. Лекин қаттиқ қийинчиликларга қарамай ўзбек деҳқонлари ўз олдиларига қўйилган вазифани шараф билан бажардилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш сувдан фойдаланишни яхшилаш ва янги

ерларни ўзлаштириш билан боғлиқдир. Уруш йилларида ҳашар йўли билан Ўзбекистонда Шимолий Тошкент, Юқори Чирчиқ, Шимолий Фарғона, Сўх-Шоҳимардон, Учкўрғон каналлари, Рудасой, Каттакўрғон сув омборлари қурилиб ишга туширилиши янги ерларни ўзлаштиришга имкон берди. 1942-1943 йилларда Ўзбекистонда суғорилиб экин экиладиган ерлар майдони 546 минг гектарга кўпайди.

Уруш йилларида Ўзбекистон деҳқонлари қанд лавлаги, кунгабоқар каби озиқ-овқат экинлари, зиғир ва каноп каби техника экинларини етиштиришни ўзлаштирдилар, маккажўхори, кунжут экишни кўпайтирдилар. Самарқанд, Фарғона, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидаги ҳосилдор ва сув билан яхши таъминланган янги ерлар ҳам қанд лавлаги етиштиришга ажратилди. Қишлоқ меҳнаткашлари 1565 минг центнер қанд лавлаги етиштирган 1945 йилда республикадаги Зирабулоқ, Красногвардейск, Кўкон, Янгийўл қанд заводларинигина эмас, балки бошқа республикаларни ҳам қанд лавлаги билан таъминлаш имконига эга бўлди. Бу билан Ўзбекистон мамлакатда етиштириладиган қанднинг тўртдан бирини ишлаб чиқаришга эришган бўлса, 1942 йилда СССРдаги кунжут экиладиган майдоннинг 50 фоизи Ўзбекистонга тўғри келган эди.

Уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ипакчилик, қорақўлчилик алоҳида аҳамият касб этган бўлса, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш ҳам салмоқли ўринга эга эди. 1942-1943 йилларга келганда сабзавот майдонлари уруш арафасига қараганда 12,5 минг, узумзорлар майдони 5,1 минг гектарга кўпайди.

Пахта етиштиришни кўпайтириш уруш йилларида Ўзбекистон деҳқонларининг олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверди. Обьектив сабабларга кўра 1942-1943 йиллардаги пахта топшириш режалари бажарилмай қолди. Лекин уруш даври шароитидаги техника воситалари, ишчи кучининг

етишмовчилиги, минерал ўғитларнинг камлиги сабабли рўй берган бу ҳолатни Марказ тан олишни истамади ва ўша пайтдаги Ўзбекистон раҳбари Усмон Юсупов қаттиқ огоҳлантириш олди. 1944 йил январида ўтказилган республика пахтакорларининг биринчи қурултойида пахтачиликни юксалтириш вазифалари тўғрисидаги фикр алмашув ва кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон йиллик пахта тайёрлаш режасини 101,4 фоизга бажарди.

Уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари 4 млн. 148 минг т. пахта, 82 млн. пуд ғалла, 54067 т. пилла, 195 минг т. шоли, 57 минг 444 т. мева, 36 минг т. қуруқ мева, 159 минг 300 т. гўшт, 22 минг 300 т. жун ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш билан душман устидан қилинган ғалабага муносиб ҳисса қўшган бўлса, немис-фашист оккупантларидан озод қилинган ҳудудларда қишлоқ хўжалигини тиклаш ишлари учун техника ва ишчи кучлари билан ёрдам бериб, ўзбек халқи ўзининг инсонпарварлик, дўстлик, биродарлик туйғуларини намоён этди. 1943 йилда Ўзбекистондан озод қилинган туманларга 1152 та трактор, 25 та комбайн, 1138 та плуг, 379 та сеялка каби техникалар, Украина ва Ставрополь ўлкасига 1596 нафар комбайнчи, 41 нафар механик, 30 нафар агроном, 11 нафар бухгалтер юборилди. РСФСР, Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи республикаларининг халқ хўжалигини тиклашда минглаб ўзбекистонликлар фаол иштирок этдилар.

Уруш йилларида фан ва маданият

Ўзбекистон ишчи ва меҳнаткашлари билан бир қаторда фан, маориф ва маданият ходимлари ҳам немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» шиорига «лаббай!», деб жавоб берган кўпгина олимлар урушнинг биринчи кунларидаёқ фронтга кетдилар.

Улар орасида Ўзбекистоннинг машҳур олимларидан У.А. Арифов, Ё.Х. Тўрақулов, И. Исмоилов, Х. Усмонов ва бошқалар бор эди. Т. Н. Қори-Ниёзий, В.И. Романовский, Т.З. Зоҳидов, И.А. Райкова, О.С. Содиқов каби олимлар натижаси халқ хўжалиги ва фронт зарурияти учун хизмат қилган муаммоларни ҳал қилишда катта куч билан меҳнат қилдилар.

Ўзбек математик, механик ва астрономлари авиация, ўқ-дори, ҳарбий техника сифатини оширишга алоқадор бўлган бир қанча муҳим илмий муаммоларни ҳал қилдилар. Бунда Т.А. Саримсоқов, В.И. Романовский, М. Камолов, Н.Н. Назаров ва бошқа олимлар ҳиссаси катта бўлди. Уларнинг эҳтимоллик назарияси ва математика статистикаси соҳасидаги ижодий изланишлари артиллерия отишмалари ва бомба ташлаш аниқлигини, жанговар самолётларнинг юк кўтариш имкониятини оширишга, республикада ишлаб чиқарилаётган ҳарбий техниканинг сифат кўрсаткичларини такомиллаштиришга имкон берди.

Геолог олимлар фойдали қазилма бойликларини қидириб топиш, саноатни зарур хом ашё билан таъминлаш вазифаларини бажаришга катта эътибор бердилар. Ўзбекистон тоғлари ва чўлларида 1943 йилнинг ўзидагина 35 та геология экспедициялари иш олиб борди. Ўзбекистонлик кимёгарлар пахта чиқиндисидан халқ хўжалигида фойдаланиш таклифини, этил спиртини, сирка кислотасини, қамишни куруқ қайта ишлаш натижасида кўмир брикетини олишнинг янги усулларини ишлаб чиқдилар. Бунда академик О.С. Содиқов бошлиқ гуруҳ ишлари алоҳида аҳамият касб этди. Ўзбекистон ўсимликларининг алкалоидлик хусусиятини ўрганиш юзасидан академик С.Ю. Юнусов раҳбарлигида катта ишлар олиб борилди. Ўрта Осиё давлат университети (ЎЗМУ) нинг кимё факультетида уруш даврида муҳим аҳамиятга эга бўлган наркоз эфири, хлорли кальций, кофеин, стрептоцид, сульфидин, никотин кислотаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Факультет базасида Тошкент

фармацевтика заводи ташкил этилди. Ўзбекистонлик фармацевтлар маҳаллий хом ашёдан 15 та янги дори препаратларини ишлаб чиқариш усулларини кашф этдилар.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-гуманитар фанлари олимлари — тарихчилар, шарқшунослар, адабиётшунослар, тилшунослар, иқтисодчилар ва файласуфлар ўзларининг ижодий меҳнатлари билан мамлакат илмий салоҳиятини ривожлантиришга, оммага инсонларварлик, ватанпарварлик, эрксеварлик ғояларини сингдиришга қимматли ҳисса қўшдилар.

Илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш, уларни мувофиқлаштиришни дастлаб 1940 йилда ташкил этилган СССР ФАнинг Ўзбекистон филиали (ЎзФАН), кейин 1943 йил ноябрда очилган ЎзФА амалга оширди. ЎзФАНнинг биринчи президенти қилиб Т.Н. Қори-Ниёзий сайланди. Бу ўзбек халқи ҳаётида муҳим воқеа бўлди. 1943-1945 йилларда қўлга киритилган муваффақиятлар билан ЎзФА Иттифоқда танилган илмий марказга айланди. Бу пайтда академия таркибидаги 22 та илмий муассасада 818 илмий ходим фан оламининг турли жабҳаларида тадқиқот ишларини олиб бордилар. ЎзФАНнинг фаолиятида кўчириб келтирилган илмий ходимларнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бўлди.

Уруш йилларининг қийинчиликларига қарамадан Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус ўқув юртли ва маориф муассасаларининг фаолияти ҳам тўхтаб қолмади. Ўзбекистонда 29 та олий ва 52 та ўрта махсус ўқув юрти ишлаб турди, уларнинг сони Марказдан кўчириб келтирилган 31 та олий ўқув юрти ва 7 та ҳарбий академия ҳисобига яна ортиб борди. Бу ўқув юртлирида уруш йиллари мобайнида 11.750 нафар юқори малакали мутахассис ва 6.673 нафар кадрлар тайёрланди.

Халқ таълими соҳасида ҳам ўқитувчиларнинг фронтга кетиши, кўпгина биноларнинг госпиталларга, болалар уйи ва ҳарбий-ўқув пунктларига берилиши,

дарслик ва ўқув қўлланмаларининг, мутахассис кадрларнинг етишмовчилиги анчагина қийинчиликларни келтириб чиқарган эди. Шундай бўлса ҳам уруш йилларида ўқитиш ишлари мунтазам олиб борилди. Ўқувчилар мактабда ўқиш билан бирга ярадорларга, фронтга кетганларнинг оила аъзоларига, уруш ногиронлари оилаларига ёрдам бердилар.

Ўзбек адабиёти ҳам халқимизнинг ёвуз душманга қарши кураш йилларида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Фафур Фулом, Уйғун, Собир Абдулла, Зулфия, Темур Фаттоҳ каби шоир ва ёзувчилар уруш майдонларига сафарбар этувчи шеърлари ва мақолалари билан халқни ғалабага руҳлантирдилар. Ойбекнинг «Ёвга ўлим!» шеъри, «Навой» романи, «Мен яҳудий», Ҳамид Олимжоннинг «Йигитларни фронтга жўнатиш», «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» ва бошқа асарлар уруш йилларидаги ўзбек адабиётининг ёрқин намуналаридир. М. Исмоилий, Илёс Муслим, Назармат, Адҳам Раҳмат, Н. Сафаров, Иброҳим Раҳим, З. Фатхуллин, Адҳам Ҳамдам каби ёзувчи ва журналистлар фронтда иштирок этиб, «Қизил армия», «Фронт ҳақиқати», «Қизил аскар ҳақиқати», «Суворовчи», «Ватан шарафи учун» каби фронт газеталарида хизмат қилиш жараёнида, Ҳамид Олимжон, Ойбек, А. Умарий, Фафур Фулом, Раъно Узоқова ва бошқа шоир ҳам ёзувчилар ҳукумат делегациялари таркибида фронтнинг олдинги марраларига бориб, ўз қаҳрамонлари билан танишдилар, юртдошларининг жасоратларини тараннум этдилар.

А. Ахматова, И. Вирга, С. Городецкий, А. Дейч, К. Зелинский, Я. Колас, Н. Погодин, А. Толстой, В. Ян каби ёзувчи-шоирлар ҳам Ўзбекистонда яшаб, ўзбек адабиётчилари билан ҳамкорликда ажойиб асарлар яратдилар. Бунда республика Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилган Ҳ. Олимжоннинг хизмати катта бўлди. Драматургия соҳасида Н. Погодин, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва Собир Абдуллалар ёзган

«Ўзбекистон қиличи» ва А. Умарийнинг «Қасос», Яшин ва Собир Абдулланинг «Даврон ота» каби асарлари билан бирга Уйғун ва Иззат Султон «Алишер Навоий», Ҳамид Олимжон «Муқанна», Мақсуд Шайхзода «Жалолоддин Мангуберди», Ойбек «Маҳмуд Торобий» каби драматик асарларини яратдиларки, уларда ўзбек халқининг босқинчиларга қарши кураш саҳифалари акс эттирилди.

1941-1945 йиллардаги уруш даврида Ўзбекистонда таъсирчан восита ҳисобланган театр ва санъат анча ривожланди. Театр ва санъат арбоблари фронтнинг олдинги марраларида бўлдилар. Бу даврда Ўзбекистонда 35 та маҳаллий ва 16 та кўчириб келтирилган театр жамоаси фаолият кўрғазиб, бутун уруш давомида 203 та янги постановка тайёрладилар ва 6. 667. 303 томошабинга 13.568 та спектакл ва концертлар кўрсатдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида республикамызда 30 дан ортиқ концерт бригадалари ташкил этилиб, улар ҳаракатдаги армия қисмларида 35 мингдан ортиқ, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва госпиталдаги ногиронларга 26 мингта концерт қўйиб бериб, жангчиларни руҳлантирдилар, уларни фашизм устидан галабага ундадилар. Айниқса, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Сора Эшонтўраева, Абдор Ҳидоятлов, Шукур Бурҳонов каби санъаткорлар иштирокидаги концерт ва томошалар жангчилар, томошабинлар қалбига зўр кўтаринкилик баҳшида этган. А. Абдуллаев, Ч. Аҳмаров, У. Тансиқбоев каби рассомлар уруш лавҳалари, бадиий йилномаларни яратиб, халқимизнинг фронт ва фронт орқасидаги фидокорона меҳнатини маҳорат билан тасвирладилар.

Қисқа метражли фильмлар ва 10 та овозли бадиий фильмларини яратиш билан Й. Аъзамов, К. Ёрмагов, Н. Ғаниев, С. Муҳамедов каби ўзбек режиссёрлари уруш йилларида кинематографияни ривожлантирдилар. Бу даврда ишланган «Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зухра» каби фильмлар «Ўзбекфильм»нинг олтин фондига айланди.

Умуман олганда урушда қўлга киритилган ғалабага ўзбекистонликлар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан катта ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистонликларнинг уруш жанггоҳларида кўрсатган жасоратлари

Иккинчи жаҳон уруши фронтларида ўзбекистонлик жангчилар ўзларининг ботир, мард, кўрқмаслик хислатларини намоён қилиб, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Совет сиёсий раҳбарларининг разведка маълумотлари етарли бўлишига қарамасдан 1941 йилда Германия СССРга ҳужум қилмаслигига ишончи, ғарбий фронтда чарчаб қолган капиталистлар устига ҳужум қилиш мақсадида чегарада қўшин ва қуроолларни тўплаш билан мудофаа иншоотларини барпо этмаганлиги, 1937 йилда армиядаги оммавий қатагонлар натижасида совет қуроолли кучларининг жанговар қобилиятига берилган зарбанинг ўрни тўлдирилмаганлиги, қўмондонлар касбий тайёргарлигининг паст даражадалиги, сабабли урушнинг дастлабки кунларида шиддат билан бостириб кирган душман қўшинлари тўхтатиб қолинмади ва кўплаб кишиларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлди. Бунинг учун Сталин бошлиқ совет ҳукумати раҳбарлари жавобгардирлар.

Чегара қўшинларида хизмат қилаётган совет жангчилари орасида ўзбекистонликлар ҳам кўпчиликини ташкил қилар эди. Улар ўз заставаларини ҳимоя қилишда қаҳрамонлик намунасини кўрсатиб, охиригидеялари қолгунча душманга қарши жанг қилдилар. Улар ҳалок бўлганларидан кейингина душман заставаларга кириш имконига эга бўлди. Гродно яқинида лейтенант Усов, сиёсий раҳбар Шарипов, Брест қалъаси мудофаасида Аҳмад Алиев, Дониёр Абдуллаев, Бобокомил Кашанов, Узоқ Ўтаев, Нурум Сиддиқов, Мадамин Ҳожиев, Е. Я. Лисс, Раҳимбой Арслонбоев, Саидаҳмад Бойтемиров, Ф.И. Лаенков каби ўзбекис-

тонликларнинг кўрсатган жасоратлари Ватан ҳимоячилари қаҳрамонона жасоратининг рамзи бўлиб қолди.

Душманнинг шиддатли ҳужуми, ягона фронтни ташкил қилиш, умумий алоқанинг йўқлиги, тартибсизликлар мудофаа жангларида қаҳрамонликларни қўллаш имконини бермади. Немис-фашистлар суткасига 30 км суръат билан ҳужум қилиб, қисқа вақт ичида мамлакатнинг марказий районларига етиб келди. СССР қуролли кучлардаги 2 млн.дан ортиқ одами, 43,3 мингта тўпи, 8,3 мингта танки, 8,2 мингта самолётдан маҳрум бўлди. Бу жуда катта йўқотиш эди. Сталин маъмурий-қатагон воситалари билан армия таркибини кўрқитиш чораларини амалга оширди. 1941 йил 16 август қарорид асирга тушганларни ҳарбий хизматни ташлаб кетган, уларнинг оиласини «Ватанни сотганларнинг оиласи сифатида қамаш» каби кўрсатмалар берилди. Тўсиқчи отрядлар ва жарима батальонлари ташкил этилиб, улар сафида 1,5 млн.дан ортиқ жангчи бўлди. Лекин бу усуллар ўзини унча оқламади.

Иккинчи жаҳон урушида Смоленск, Одесса, Ленинград, Москва мудофаалари совет жангчиларининг ҳақиқий қаҳрамонлик мўъжизалари бўлди, десак хато қилмаймиз. Бу жанглар душманни тўхтатиб қолиш имконини берди. Гитлернинг яшин тезлигида уруш олиб бориш режаси барбод бўлди.

Москва мудофаасига етиб келган, Туркистон ҳарбий округида тузилган, генерал-майор И.В. Панфилов кўмондонлик қилган, таркибида 180 дан ортиқ ҳарбий ва ҳарбий сиёсий билим юртларини тамомлаган командирлари бўлган 316-ўқчи дивизия Волоколамск, Дубасекова, Ново-Петровск ёнидаги жангларда қаҳрамонона курашди. Ўзбекистонлик Абдулла Тоғаев, Мамадали Мадаминов, лейтенант Пилюгин бошлиқ тўққизта жангчи жасоратларини алоҳида қайд қилиш мумкин. Москва учун олиб борилган жангларда ўзбек халқи қаҳрамон қизларининг жасорати намунасини кўрсатган Зебо Ғаниева Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Москва остонасида фашист кўшинларини тор-мор қилишда кўрсатган жасоратлари учун 1753

Ўзбекистонлик жангчи «Москва мудофааси учун» медали билан тақдирланди. С. Қосимхўжаев Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Москва ёнидаги ғалаба совет раҳбарларида 1942 йилдаёқ урушни якунлаш, мамлакатни озод қилиш фикрини вужудга келтирди ва бутун фронт бўйлаб ҳужум қилиш ҳақида буйруқ берилди. 1942 йилдаги қишки ҳужумларда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб, маҳорат билан жанг қилган Кўчқор Турдиевга 1942 йил май ойида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Жангчиларимизнинг жасорати ҳали ўз ҳарбий кучининг асосий қисмини сақлаб, душман қўшинларини тамомила йўқ қилишга, совет раҳбарларининг хатолари ўрнини қоплашга камлик қилар эди. Бунинг учун душманниқидан кучли ҳарбий-техника, яроғ ва тактика керак эди.

1942 йил май-июн ойларидаги совет қўшинларининг ҳужумкор операцияларини тўхтатган душман 25 июнда Волга ва Шимолий Кавказ йўналишида ҳужумга ўтди. Мамлакатда яна қалтис вазият вужудга келди. Ана шундай бир пайтда ўзбек халқи ўзбек жангчиларига очиқ мактуб билан мурсаат қилиб, ўз фарзандларини ватанга содиқлик ва жангда кўрқинч нимагини билмасликка чақирди. Бу чақириққа ўз қаҳрамонликлари билан жавоб берган жангчиларимиздан 1974 нафари «Кавказ мудофааси учун» медали билан мукофотланди.

Волга бўйидаги Сталинград мудофаасини ёриб, душман устидан катта ғалабанинг қўлга киритилиши урушнинг боришида туб бурилишга асос бўлди. Бу жангларда кўрсатган жасоратлари учун 2733та ўзбекистонлик жангчи «Сталинград мудофааси учун» медалига сазовор бўлди. Кавказ учун олиб борилган жангларда Тошкентда тузилган Собир Раҳимов кўмондонлигидаги дивизия жиддий муваффақиятларни қўлга киритиб, 8 мингдан ортиқ душман жангчиларини қириб ташладилар. Бу дивизия юртдошимиз кўмондонлигида Шарқий Пруссиягача жанговар йўлни босиб

ўтди. Кейинчалик Польша ерларини озод қилишда Собир Умарович Раҳимов раҳбарлигидаги 37-гвардиячи Речицк ўқчи дивизияси алоҳида ажралиб турди. Данциг шаҳрига биринчилардан бўлиб киришди. Оғир ярадор бўлган С.У. Раҳимов 1945 йил 25 мартда ҳалок бўлди. 1965 йил 6 майдагина тарихий ҳақиқат тикланиб, ўзбек халқининг мард ўғли С.У. Раҳимовга ўлимидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

1943 йилда Орёл-Курск йўналиши бўйича олиб борилган шиддатли жангларда кўрсатган жасоратлари учун Аҳмаджон Шукуров, В. Шаландин, М. Абдуллин, А. Солиҳовлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. Днепрни кечиб ўтишдаги қаҳрамонликлари учун 100га яқин ўзбекистонликлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирландилар. Улардан Ж. Усмонов, В. Набиев, Х. Аминов жасоратларини алоҳида қайд этиш мумкин.

1944-1945 йилларда Белоруссия, Украина, Молдавия, Болтиқбўйи республикалари ва Россия Федерациясининг гарбий вилоятларида фаолият кўрсатган ўзбекистонлик жангчилар жасорати иккинчи жаҳон уруши тарихи саҳифаларига битилган бўлиб, уларнинг номлариёқ душман кўнглига кўрқув солган эди. Булар орасида Мамадали Топиболдиев, Ж. Отабоев, И. Мусаев, А. Ҳақимов, И. Қосимов ва бошқаларнинг мардлик намуналарини таъкидлаш мумкин.

1944 йил кузига бориб СССР чегаралари бутунлай тикланди, совет қўшинлари Европа мамлакатларига озод қилувчи сифатида кириб борди. Польша, Руминия, Болгария, Югославия, Венгрия, Чехословакия, Австрияни озод қилиб, Берлинни эгаллашда совет қўшинлари таркибида ўзбекистонлик жангчилар ҳам ўзларининг байналмилаллик туйғуларини намоён қилиб, Европа халқларининг фашистлар асоратидан озод бўлишларига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бу мамлакатларни озод қилишдаги жасоратлари учун Б. Бобоев, П. Нурпеисов,

Т. Назаров, А. Раҳимов, М. Фаёзов ва бошқалар Совет Иттифоқи Қаҳрамони ушвони, 2430 нафар ҳамюртимиз «Будапештни озод қилиш учун» медали, 1706 киши «Берлин олингани учун», 109208 киши «Германия устидан ғалаба қозонганлиги учун» медали билан тақдирланганлар.

Ўзбекистонлик жангчилар Европадаги қаршилик кўрсатиш ҳаракатларида фаол иштирок этиб, немис-фашистлари устидан қозонилажак ғалабага ва Европа халқларининг озод бўлишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Польша, Югославия, Италия, Франция, Норвегия, Австрия, Германия давлатларида ташкил топган озодлик армиялари сафида, партизанлар тузилмаларида иштирок этган, 40 мингдан ортиқ совет фуқароларининг орасида ўзбекистонликлар ҳам кўпчиликти ташкил қилар эди. Масалан, Югославия халқ озодлик армиясида 260 дан кўпроқ ўзбекистонлик бўлган. Л. Колантаров, У. Холмабоев, А. Мамажонов, О. Бердиев, Р. Раҳимов, Ҳ. Жабборов, Ҳ. Исмоиловлар қаршилик кўрсатиш ҳаракатида фаол иштирок этган ҳамюртларимиздир.

Ҳозирги кунда «Туркистон легиони» тўғрисида турли фикрлар мавжуд бўлиб, бу масала муфассал бир тадқиқотни талаб қилади. Маълумки, Сталин бошлиқ совет коммунистлари Коммунистик Интернационал аъзолари, умуман чет эл коммунистларидан Европадаги мавжуд сиёсий ҳукуматга муҳолиф куч сифатида фойдаланганлар. Гитлер ҳам «оқ» муҳожирлардан советларга қарши куч сифатида фойдаланишга ҳаракат қилиб, 1941 йил декабрда асир олинган совет генерали Лукинга ҳарбий асирлардан сталинизмга қарши кураш олиб боришни ташкил этувчи русларнинг муҳолиф ҳукуматини тузишни таклиф этади. Бундай таклиф 1941-1942 йиллар бўсағасида миллий ваколатхона тузиш учун интилаётган қувғиндаги Туркистон миллий зиёлиларига ҳам қилинди. Натижада 1942 йил ноябрда Вали Қаюмхон раҳбарлигидаги «Туркистон миллий

қўмитаси» ташкил топди. Бу қўмита 1941 йил кузида ташкил топган Туркистон батальони базасида ҳарбий асирлардан «Туркистон легиони»ни ташкил қилиш тўғрисида 1942 йил декабрда Вермахтнинг Олий қўмондонлиги расман фармойиш эълон қилди. Шунингдек, бу даврда «Арман», «Грузин» легионерлари ҳам тузилиб, А.А. Власов раҳбарлигидаги рус озодлик армияси таркибига киритилди. Лекин бу миллий «тузилмаларга урушнинг охирига келиб 1 млн. га яқин киши ёзилган бўлса ҳам, улар гитлерчилар кутгандай зарбдор кучга» айланмадилар. Чунки бу тузилмаларга кўпинча мажбуран ёзиб қўйилган ҳарбий асирлар фронтга юборилса, ўзимизникилар томонга ўтиб оламиз, деган умид билан қарар, буни сезган немислар ҳар бир ротага асосан немис зобитларини қўйган эдилар.

Ҳақиқатан ҳам «Туркистон легиони»да ташкил топган яширин гуруҳлар қаршилик ҳаракати жангчилари ва партизанлар билан алоқа боғлаб, немис-фашистларнинг бир қанча режаларини барбод қилганлар. 1943 йилда Десна дарёси ёнидаги Купчиха қишлоғи ҳудудида жанг қилаётган 74-дивизия томонига Абдулла Отахонов бошчилигида тўла қуролланган, 370 кишидан иборат Туркистон батальони ўтган. Кейинчалик совет қўмондонлигининг ишончсизлиги билан улар фронтдан четлатилади. 1944 йилда Черногорияга юборилган «Туркистон легиони» бирлашмалари фашист командирларини ўлдириб, тоғдаги партизанлар олдига чиқиб кетишган. Ўзбекистонликлар партизан отрядлари ва қаршилик кўрсатиш ҳаракатларида фаол қатнашиб, душманни тор-мор қилишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Урушнинг дастлабки кунларидаёқ советлар давлатида авж олиб кетишига умид боғлаган гитлерчилар турли хил миллий тузилмалар тузиш, совет халқлари орасида сохта ташвиқотлар олиб бориб, бунга асос ҳозирлашга интилган бўлса, Сталин бошлиқ совет

сиёсий раҳбарлари ҳам миллий келишмовчиликлар юзага келишига сабаб бўларлик халқларни мажбуран кўчириш, бутун-бутун халқларга «сотқин» тамғасини босишдек чораларни амалга оширганлар. Шундай тамға билан 1944 йил мамлакат бўйлаб 2.230.500 киши мажбуран кўчирилган. Шулардан Ўзбекистон ҳудудига Қримдан — 151604 қрим татарлари, Грузиядан — 110 мингга яқин месхети турклари, Шимолий Кавказдан 20 мингдан ортиқ ингуш, 4,5 минг арман ва греклар кўчириб келтирилган. Улар НКВД назоратида, репрессив режимга қатъий риоя қилган ҳолда яшашга маҳкум этилиб, миллий давлат тузилмалари ва конституцион ҳуқуқларидан маҳрум этилган эди. Кўчириб келтирилган жойлардаги маҳаллий аҳоли билан боғланиш каби ҳуқуқлардан ҳам маҳрум қилинган эдилар. Лекин ўзбекистонликлар кўчириб келтирилганларни ўз уйларига қабул қилиб, охириги бурда нонларини бўлишиб еб, ўзларининг юксак маънавияти, буюк инсонпарварлигини намоён қилдилар.

Халқимизнинг фидокорона меҳнатлари, жангчиларимизнинг қаҳрамонона жасоратлари сабаб немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган, 43 кун кам 4 йил (1941 йил 22 июн-1945 йил 9 май) давом этган уруш ғалаба билан якунланди. Лекин иккинчи жаҳон уруши давом этарди. Иттифоқчи давлатлар билан бўлган келишув ва Шарқда хавф бўлиб турганлиги сабабли 1945 йил 9 августга ўтар кечаси совет ҳукумати Японияга қарши уруш бошлади. 2 сентябрғача давом этган бу жангда 6770 нафар ўзбекистонлик жангчилар иштирок этиб, Квантун армиясини мағлубиятга учратишда, Япониянинг газлими бўлишида ўз ҳиссаларини қўшдилар. Н. Латипов, А. Каримов, У. Дониёров каби кўплаб ҳамюртларимиз юксак ҳарбий маҳорат ва жанговар фаолликларини намоён этдилар.

Иккинчи жаҳон урушининг голибона якунлашишида ўзбекистонликларнинг фронт ва фронт

орқасидаги жасоратлари катта ҳисса бўлиб хизмат қилди. 120 мингдан ортиқ ўзбекистонликлар СССРнинг орден ва медалларига сазовор бўлдилар. Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига эга бўлган 300 дан ортиқ жангчидан 75 таси ўзбек ўғлонлари эди. Ўзбекистонлик 82 та жангчи «Шухрат» орденининг учала даражаси билан тақдирланди. Италия, Англия, Франция, Югославия, Польша, Чехословакия, Венгрия каби мамлакатларининг орденлари билан тақдирланган ҳамюртларимиз бир неча минг кишини ташкил этади.

Ўзбекистон урушдан катта йўқотиш билан чиқди. 1939-1945 йилларда бўлиб ўтган иккинчи жаҳон уруши фронтларига сафарбар қилинган 1433230 кишидан 263005 киши ҳалок бўлди, 132.670 киши ногирон бўлиб қайтди.

Уруш йилларида асирга тушган 6,2 млн. кишидан 4 млн. киши ҳалок бўлган, 1 млн. киши «Власовчилар»га қўшилган, тирик қолган 1 млн. киши эса немис лагерларини совет лагерлари билан алмаштиришга мажбур бўлдилар. Ноҳақ жазоланганлар орасида юртдошларимиз ҳам бор бўлиб, С. Абдуллаев, Л. Пестов, К. Абрамович, П. Рустамов ва бошқалар шулар жумласидандир.

1945 йилга келиб мамлакатда яхшилик сари қатъий ўзгаришларни кутаётган халқ яна мустабил тузум асоратида қолди. Ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлар яшириниб барқарорлик вужудга келтирдик, улар бу тузумнинг муқаррар қулашини кўрсатарди.

Катта қурбонлар эвазига бўлса ҳам ўзбекистонликлар инсониятни фашизм балосидан қутқаришга муносиб ҳисса қўшдилар. Урушда ҳалок бўлганлар хотирасини тиклаш ва қадрлаш мақсадида «Хотира» китоблари тузилди, пойтахтимиз марказида Хотира майдони ва мотамсара она ёдгорлик мажмуаси тикланди. Бу ишларга бошчилик қилган юртбошимиз фармони билан 9 май «Хотира ва Қадрлаш» куни, деб эълон қилинди. Ҳозирги кунда ҳаёт меҳнат ва уруш фахрийларимиздан ёш авлод ҳамиша миннатдордир.

16-МАВЗУ. УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИ. ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚАРАМЛИКНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон халқ хўжалигининг тинч қурилишга ўтиши мураккаб халқаро вазиятда кечди. Уруш даврида умумий душман фашизмга қарши кураш антифашист давлатлар ва халқларни бирлаштирган бўлса, уруш тугагандан кейин бу иттифоқдаги давлатлар орасида ажралиш юз берди ва икки ўртада совуқ урушлар муносабати бошланиб кетди.

Урушдан сўнг фашизм устидан қозонилган ғалабага катта ҳисса қўшган Ўзбекистон халқлари олдида ҳарбийлашган халқ хўжалигини тинч қурулиш йўлига солиш, уни урушдан олдинги даражага етказиш ва ривс клантириш каби мураккаб вазифалар турағ ти.

Уруш давридаги ҳарбий-иқтисодий ҳамкорлик тажрибаси урушдан кейинги вайрон бўлган иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантиришда ҳам ғарб давлатлари билан ҳамкорлик қилиш зарурлигини кўрсатди. Лекин ҳаддан ташқари мафкуралашган совет тизими Республикаларни хорижий мамлакатлардан «темир қўрғон» билан ажратиб мамлакатни ортиқча қийинчиликлар ва қурбонга маҳкум этди. Собиқ Иттифоқ бошқа мамлакатлардаги тикланишнинг илғор тажрибаларидан, чет эл сармояларидан фойдаланишни истамди. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов II жаҳон урушида вайрон бўлган Европа, Япония, Жанубий Корея мамлакатлари биринчи навбатда, албатта, «ўз кучига таяниб, ўз имкониятларига суяниб юксак тараққиёт даражасига кўтарилди», дейди. Лекин, уларнинг бу ютуқларида четдан келган кўмак,

сармоялар ҳам катта ўрин эгаллаган. Америка Қўшма Штатларида қабул қилинган «Маршалл плани» асосида ажратилган тахминан 50 млрд. доллар Европа мамлакатларининг иқтисодини ўнглаб, ҳаёт даражасини кўтаришга, илғор технологияларни жорий этишда ҳал қилувчи куч бўлди. Совет давлатининг ғоят мафкуралашган иқтисодий сиёсати эса яққаланиб қолди ва бу халқимизнинг бошига ортиқча кулфат олиб келди.

Ўзбекистон урушдан кейинги йилларда ўз халқининг арзон кучидан, бой хом ашё манбаларидан чексиз равишда фойдаланишга асосланган, компартия чизиб берган беш йиллик режаларни бажаришга киришди. Бир томонлама, Марказ манфаатига бўйсундирилган республика иқтисодиётини урушдан олдинги даражага етказиш ва янада ривожлантиришга қаратилган вазифани бажаришда ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги, сабр-тоқатлиги ва тинчликсеварлиги каби фазилатлардан фойдаланилди.

Иқтисодиёт олдига қўйилган энг муҳим вазифалар Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1946 йил августида чақирилган 8-сессиясида қабул қилинган 1946-1950 йилларга мўлжалланган режада белгиланди. Бунга кўра, халқ хўжалигининг барча соҳаларига 3 млрд. 900 минг сўм капитал маблағ ажратилди. Саноатни ривожлантириш ишлари республика иқтисодиётининг етакчи соҳаси пахтачиликни ривожлантиришга қаратилди. Электр қуввати ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилди. 5 йилда 8 та йирик ва ўрта ҳажмдаги электростанциялар, шу жумладан 300 минг кв. соат кучга эга бўлган Фарҳод сув электр станцияси ишга туширилди. Бу станция собиқ иттифоқда учинчи ўринда бўлиб, урушгача Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган электр қувватига тенг қувват берадиган бўлди. Бир йиллик режада пахтанинг ялпи ҳажмини 1, 2 млн. т. га етказишга қарор қилинди.

Қисқа давр оралиғида 20-30-йиллардаги «социализм куриш» азоблари, айниқса, иккинчи ҳаҳон уруши даври қийинчиликларини, машаққатларини бошдан кечирган Ўзбекистон халқи иқтисодни тиклаш ва

ривожлантириш йўлида ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилди. Беш йилда саноат маҳсулотининг ялпи ҳажми 71 фоизга кўпайди, бу урушдан олдинги даражадан 1,9 баробар кўп эди. Саноатнинг халқ хўжалигидаги салмоғи 47,7 фоизни ташкил қилган эди. Шу йилларда Фарҳод, Оққовоқ-2, Бўзсув-2 электростанциялари, жами 150 та янги саноат корхоналари ишга туширилди.

Ўзбекистоннинг келажакдаги тараққиёти режалари Иттифоқ марказида ишлаб чиқарилиб, аксарият ҳолларда маҳаллий шароит, ижтимоий аҳвол ҳисобга олинмасдан иқтисодни бир томонлама, яъни ўлкани хом ашё базаси сифатида сақлаб қолишга қаратилди. Саноат, халқ хўжалигининг деярли барча тармоқлари пахтачиликни ривожлантиришга бўйсундирилди. Совет ҳукуматининг 1946 йил 2 февралдаги Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш чоралари тўғрисидаги қарори Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигини кучайтириш учун асос бўлди.

Иқтисодий тиклаш ишлари қишлоқ хўжалигида айниқса, пахтачиликда қийинчилик билан ўтди. Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида совет ҳукуматининг урушдан кейин қабул қилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан асосланмаган ўнлаб қарорлари изчиллик билан амалга оширилмади, шунинг учун ҳам кутилган натижаларни бермади. 1947-1948 йилларда пахта тайёрлашнинг давлат режаси бажарилмади. 1949 йилдан бошлаб аҳвол бирмунча ўзгарди. 1950 йили 2 млн. 222 минг тонна пахта етказиб берилди, ҳосилдорлик гектаридан 20,7 центнерга етди. 1950 йилдан пахтанинг харид нархи оширилиб, 1 тоннасига 2200 сўм, яъни аввалгидан икки баравар кўп ҳақ тўланди. Лекин деҳқончиликнинг бошқа соҳаларида экин майдонининг қисқартирилганлиги оқибатида ғалла ва сабзавот тайёрлашда урушдан олдинги даражага етмади.

Иқтисодни режали равишда ривожлантириш билан бир қаторда баъзи ижтимоий масалаларга ҳам эътибор қилинди. Жумладан, иш ҳақи оширилди, ҳарбий солиқ, қарточка тизими бекор қилинди. Пул ислоҳоти

Ўтказилди, қисқартирилган иш соати жорий этилди, кундалик истеъмол маҳсулотларининг нархи арзонлаштирилди. Бу тадбирлар пулнинг харид қувватини ошириш имконини туғдирди. Лекин шунга қарамасдан нарх-наво ҳали анча юқори эди. 1950 йили Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари 1940 йилга нисбатан деярли икки баробар қиммат эди.

Кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариш тобора камайди. Улар асосан четдан келтириладиган бўлди натижада республика аҳолисининг енгил саноат, озиқ-овқат молларига эҳтиёжи кучайди.

Республика аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил қилган қишлоқ аҳолисининг моддий аҳволи ачинарли эди. Уларнинг ойлик даромади ўртача 20 сўмни ташкил қилган ҳолда, бу кўрсаткич ишчиларда 64 сўм эди. Ваҳоланки, урушдан кейинги хўжаликни тиклаш ва ривожлантиришнинг асосий оғирлиги қишлоқ меҳнатқашлари зиммасига тушди. Ўзининг боғ ва мевалари билан машҳур бўлган Ўзбекистон аҳолиси ҳаддан ташқари кўп олинадиган солиқ туфайли боғларидан воз кечди. Чорвадорлар шу сабабга кўра мол боқиб фойда кўрмади. Аҳвол шу даражага етдики, аҳолининг шахсий моллари солиқ ҳисобига давлат ва жамоа хўжаликлари фойдасига олинди. Сотишдан бош тортганлар жинойий жавобгарликка тортилди. Оқибатда шахсий хўжаликларда чорва молларининг сони кескин камайди. Бундай зўравонликлар уруш оқибатлари, вақтинчалик, ўткинчи ҳолат деб тушунтирилди.

50-60-йилларда кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ва шу асосда пахта ва ғалла етиштиришни кўпайтириш чоралари кўрилди. Ўзбекистонда уч йил ичида (1953-1955 йй.) 130 минг гектар янги ерлар очилди. 1956 йили Мирзачўлнинг ўзида сугориладиган майдон 205.000 гектарга етди.

Шу йилларда Марказий Фарғонани ўзлаштириш муносабати билан Катта Фарғона канали қайта таъмирланди. Тошкент вилоятида Оҳангарон сув омборининг 2-навбати, Юқори Чирчиқ сув тармоғи,

Бухоро вилоятида Куйимозор сув омбори, Сирдарё вилоятидаги Жанубий Мирзачўл магистрал канали курилиб фойдаланишга топширилди. 1960 йили республикада сугориладиган ер майдони 2.571 минг гектарга етди.

Пахтачиликни ривожлантириш учун минерал ўғитлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилди. Республикада 1951 йилда 0,9 млн. тонна минерал ўғит ишлатилган бўлса, 1980 йилда унинг миқдори 5 млн. тоннадан ошиб кетди. Ғўза барглари тўкиш ва зараркунандаларга қарши курашда ишлатилган ўта заҳарли химикатлар (бутифос, меркаптафос ва бошқ.) дан ҳаддан ташқари кенг миқёсда фойдаланиш аҳоли соғлиғига таъсир қилди.

Дунё бўйича пестицидлар ҳар бир кишига 300 гр. дан, АҚШ да 800 гр. дан тўғри келган бўлса, республиканинг пахта экиладиган ҳудудларида ҳар бир кишига 1989 йил 25-45 кг. дан тўғри келади. Республика бўйича бўлса, бу ҳар бир кишига 7-8 кг. ни ташкил этди.

Пахта хом ашёси етиштириш 1946-1985 йилларда 5,5 баравар кўпайди, пахта экиладиган майдонлар 1 млн. га. дан ортди. 1966-1986 йиллар мобайнида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғига 45 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб, шундан 17,1 млрд. сўми сугориш тармоқларига сарфланди. Шу даврда 1,5 млн. га ер ўзлаштирилди. Ўзлаштирилган ерларда янги совхозлар 160 тани ташкил этган бўлса, 20 йил давомида бу ерларда 10,4 млн. тонна пахта хом ашёси етиштирилди.

Қишлоқ хўжалигининг экстенсив йўлдан ривожлантирилиши, тоталитар режимнинг сугориш технологиясига кўпол аралашуви оғир экологик ва бошқа турли нохуш ижтимоий оқибатларни келтириб чиқарди.

1985 йилга келиб республикада 900 та сугориш тармоғи, 92 минг гидротехник қурилмалар, 10 млрд. м³ ҳажмда сув тўплайдиган 23 та сув омборлари мавжуд эди. 70-80-йилларда сувнинг табиий мувозанатининг бузилиши ер, сув, ҳаттоки, ҳавонинг заҳарланишига олиб келди.

Мавжуд сув захираси имкониятларидан ортиқ ерларнинг ўзлаштирилиши, тоғ ёнбағирларига экин экилиши, ўрмонларнинг шафқатсизлик билан

кесилиши, дарё ва кўл сувларининг ифлосланиши ҳайвонот оламида ҳалокатли ўзгаришларни юзага келтирди. Орол денгизи яқин ўтмишда дунёдаги энг катта кўллардан ҳисобланиб, балиқчилик, овчилик, транспорт соҳаси яхши йўлга қўйилган эди. Бироқ бир авлод умри давомида бу денгиз қуриди. Бир мустабид тузум раҳбариятининг республикадаги пахта яккахо-кимлиги сиёсати, маъмурий буйруқбозликка асосланган советча иқтисодиёт Орол атрофида фавқулодда ҳалокатли экологик хатарни келтириб чиқарди.

Орол денгизининг қуриши 1960-70 йилларда йилига 18 см, 1971-1980 йилларда 53 см, 1981-1985 йилларда-78 см, 1985 йилга келиб эса 87 см. га етди. 1961 йилдан 1991 йилгача денгиз ҳажми 3 баравар қисқарди, денгиз ўз қирғоғида 75-80, баъзи жойларда 100 км га чекинди. 1980 йилларнинг бошида Орол денгизига сув келиши деярли бутунлай тўхтаб, нодир сув макони қурий бошлади. Бу ерларда 2 млн. га туз ва кумдан иборат майдон очилиб қолди.

Сафоат ва қишлоқ хўжалигида юзаки ислохотлар халқнинг турмуш аҳволида деярли ўзгариш ясамади. Айниқса, собиқ иттифоқдагина эмас, балки умуман олганда меҳнат шароити энг оғир бўлган ўзбек пахтакорларининг турмуш даражаси ачинарли аҳволда бўлди.

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари «социализм узил-кесил ғалаба қилган» даврда аҳолининг жон бошига ҳисоблаганда қуйидагича эди: гўшт 29 кг, сут 150 литр, тухум 78 дона, қанд-шакар 21,2 кг, картошка 28, сабзавот ва полиз маҳсулотлари 66 килограммдан тўғри келди. Бу миқдор умумиттифоқ даражасидан анча паст эди. Қишлоқ аҳолисининг истеъмол даражаси бу ўрта ҳисобдан кўра яна ҳам ачинарли эди.

Пахта яккахоқимлигининг кучайиши қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини қолоқликка олиб келди, ғалла, чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот-мевага аҳолининг талаби қондирилмади. Бунинг устига томорқага нисбатан нотўғри сиёсат олиб борилди. 50-йилларнинг бошларида республика раҳбарларининг

ташаббуси билан суғориладиган ерларда томорқа ҳажми 25 сотихдан 13 сотихга туширилди. Бу кўрсаткич жойлардаги раҳбарларнинг ўзбошимчалиги билан 10 сотихгача, Фарғона, Тошкент вилоятларида эса, ҳатто 6-8 сотихгача камайиб кетди. Бу ҳолат республика қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини гоят огир қилиб қўйди.

1990 йил бошига келиб республикада 9 млн. ёки республика аҳолисининг 45 фоизи жон бошига ҳисоблаганда ойига 75 сўмдан камроқ даромадга эга эди. Бу эса кун кечириш учун зарур бўлган энг паст даражадагидан ҳам камдир. 80-йилларда кундалик ҳаётда ҳаммага керак бўлган мебел гарнитури, холодильник, сифатли чангюткич топиш муаммога айланиб қолди.

50-йилларда саноат ва қурилиш, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги тарқоқликнинг республика иқтисодининг комплекс ривожланишига тўсқинлиги янада кучайди. Республиканинг саноат ва қурилиш ишлари учун ҳуқуқи ва масъулияти чекланганлиги сабабли 1953 йили унинг ихтиёридаги корхоналар жамия саноат маҳсулотларининг 31 фоизинг ишлаб чиқарган бўлса, иттифоққа бўйсунган корхоналарга 69 фоиз тўғри келди. 1956 йилда эса саноат маҳсулотларининг салмоғи атиги 55 фоизга кўтарилди.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда хатога ҳам йўл қўйилди. Хусусан, Тошкент ва Тошкент вилоятида йирик саноат корхоналари қурилиб, саноат ишлаб чиқаришни жойлаштиришда номутаносибликни келтириб чиқарди. 1955 йил декабрда Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби лавозимига аввал Вазирлар Кенгашининг раиси вазифасида ишлаган Нуриддин Муҳиддинов сайланди. Унинг ташаббуси билан Марказ қарамоғида юзлаб саноат корхоналари республика ихтиёрига ўтказилди. 1960 йилларда Ўзбекистон саноатида бир қанча ўзгаришлар юз берди. 1959-65 йиллар 450 дан зиёд саноат корхоналари (шундан 150 таси йирик) ва цехлар ишга туширилди.

Тошкент (биринчи навбати), Навоий, Тахиатош иссиқлик электростанциялари, Газли газ кони шулар жумласидандир.

1955 йилда Жарқоқ, 1956 йилда Газли нефт конларининг очилиши натижасида газ саноатининг моддий базаси яратилди. 1958-1960 йилларда Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент магист-рал газ қувири қурилиши билан республика саноат корхоналари, шаҳар ва айрим қишлоқларни газлаштириш бошланди.

Республика аҳолисининг аксарият кўпчилиги табиий газга муҳтожлигини қондириш ва бутун иқтисодий ишлаб чиқаришни газлаштириш асосида қайта қуриш мумкин бўлган шароитда четга табиий газни олиб кетиш авж олди. Ўзбекистон табиий газни собиқ иттифоқнинг Европа қисми, Урал, Қозоғистон, Тожикистон, Болтиқбўйи мамлакатлари ва бошқа минтақаларга узлуксиз жўнатиб турилди. Ваҳоланки, табиий газ етиштириш республикада йилдан-йилга ортиб борди. Масалан, 1960 йилда 447 млн м³ ҳажмда табиий газ олинган бўлса, 1970 йилга келиб бу миқдор 32 млрд. м³ ни ташкил қилди.

Рангли металлургия саноати соҳасида Оҳангарон, Олмалик ҳавзаси ва Зарафшон тизмаси тоғ конлари ўзлаштирилди.

Машинасозликнинг қишлоқ хўжалигига ихтисослашган соҳаси 1959-1965 йилларда 1952-58 йилларга нисбатан кескин ошиб кетди.

Собиқ СССРнинг 50-60-йилларида фан-техника соҳасидаги эришган ютуқларида Ўзбекистоннинг қўшган ҳиссаси катта бўлди. Маҳаллий аҳолининг машаққатли меҳнати ҳисобига етиштирилган қимматбаҳо маҳсулотлари совет мамлакатининг иқтисодий ва ҳарбий куч-қудратини оширишга бўйсундирилди. Урушдан аввалги йилларда ҳам Фарғона водийсида ураннинг бир неча манбалари очилган бўлиб, урушдан кейин барча уран конлари иттифоқ ихтиёрига ўтказилган эди. 1948 йил январидан Ўрта Осиёдаги уран қидириш ташкилотлари ягона — Красногорский экспедициясига бирлашди. 1951 йил ана шу «10-кор-

хона», деб ном олган ташкилот базасида Краснохолм экспедицияси тузилиб, иттифоқ геология вазирлигига бўйсундирилди. Қизилқумда 50-60-йил-ларда жами 27 комплекс уран конлари очилди. Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Зафаробод, Нуробод шаҳарларида бир неча юз километрни ташкил этган темир йўл, автомобил йўллари қурилди.

Урушдан кейинги қийин шароитда транспорт қурилишига алоҳида эътибор берилди. Амударёнинг чап қирғоқлари бўйлаб 400 км масофага Чоржўй-Урганч темир йўли қурилди. Бу билан Ашхобод, Самарқанд, Душанба, Тошкент ва бошқа шаҳарлардан товар, йўловчи поездлари Россия орқали Европа мамлакатларига йўл олди.

1966-1970-йилларда саноатда зўраки жадаллаштириш натижасида янги (олтин, уран, нефт ишлаб чиқарувчи) соҳалар ривожланди. Республикада кимё толаси, органик синтез маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, бошқаришнинг буткул марказлаштирилиши кўп ўтмай самара бермай қўйди. 70-йиллардан бошлаб йилдан-йилга саноат ва қишлоқ хўжалик режалари бажарилмай қолди.

70-80-йилларнинг биринчи ярмида халқ хўжалигининг ишчи кадрларга бўлган талаби илмий асосланган тарзда ўрганилмади. Натижада кадрлар тайёрлашни режалаштиришда жиддий хатоликларга йўл қўйилди, баъзи соҳаларда керагидан ортиқ ишчи кадрлар тайёрланди, бошқа соҳаларда, айниқса техника тараққиётини белгилайдиган тармоқларда маҳаллий миллат вакилларида ишчи кадрлар танқислиги сезилиб қолди.

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон аҳолисининг сони ва таркибига, республика иқтисодий тараққиётига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатган. Лекин 1971 йилдан 1985 йилларга қадар Ўзбекистон халқ хўжалигида ишчи ва хизматчилар сони 2641,5 мингдан 4833,5 минг нафарга кўпайди. Бироқ бу ўсиш сунъий равишда,

яъни республикамизга ташқаридан кўплаб кишиларни кўчириб келтириш ҳисобига рўй берди.

Аҳоли таркибида ишчилар сони анчагина ўсганига қарамай, республикамиз бу кўрсаткич бўйича собиқ иттифоқ республикалари ичида 1979 йилги маълумотга кўра 13-ўринда турар эди. Ўзбекистон ишчилар синфининг миллий салмоғи жиҳатидан орқада қолмоқда эди. Масалан, ўзбеклар 1973-1983 йилларда саноатда 51,1 фоизни, қурилишда 46,5, транспортда 38,6, алоқада 40,6, кимё ва нефт кимёсида 24,9 фоизни ташкил қилар эди.

Тошкент шаҳрида 1985-1986 йилларда меҳнат ресурслари ортиқчалиги 200 минг киши бўлишига қарамай, республикага ташқаридан 125 мингга яқин ишчи ва мутахассислар жалб қилинди.

Шу билан биргаликда ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аҳоли сони ортиб борди. Уларнинг сони 1983 йилда 836 минг нафарни ташкил қилди.

Саноатнинг замонавий тармоқларида «ўзбек халқи гўё ишлашга қодир эмаслиги» ва шу муносабат билан кўп ёшлар ишсиз юрганлиги ҳақида асоссиз турли мулоҳазалар кенг тарқалди. Дарҳақиқат, республикамизда 80-йиллар охирида бир неча миллионга яқин ишсизлар бор эди. Бироқ бунинг боиси уларнинг ишлаш иштиёқи йўқлигидан эмас, балки юқорида таъкидланганидек, асосан Марказнинг махсус йўналтирилган сиёсати туфайли ва қолаверса баъзи маҳаллий мутасадди раҳбарлар томонидан ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усуллари яхши йўлга қўйилмаганлиги, уларнинг иш жойлари, турар жой, болалар боғчалари, ҳунар-техника билим юртлари билан таъминлаш имконини етарлича ярата олмаганидандир. Ўн йиллар давомида маҳаллий ёшлар орасидан ишчи кадрлар тайёрлаш билан астойдил шуғулланиш ўрнига миллий ғурур топталган ҳолда Россия ва Украинадан тайёр кадрлар келтириш сиёсатини маъқул кўрдилар.

Республика иқтисодиётининг аҳволи жамиятни бошқариш усулларини қайта кўриб чиқишни, уларни

янги шароитга мослаштиришни талаб қилса ҳам Ўзкомпартия, унинг кўмиталари, уруш даврининг иш тажрибасини давом эттириб, марказда ва жойларда ҳокимиятни ўз қўлида маҳкам ушлаб, маъмурий буйруқбозлик тизимини яна ҳам кучайтирди.

Урушдан кейинги йиллари партия ва ҳукумат раҳбарлигига назарий жиҳатдан кам тайёрланган, иш тажрибаси етарли бўлмаган ходимлар келди. Давлатни бошқарув тизимида маҳаллий халқ вакиллари фақат 47 фоизни ташкил қилди. Партияга қабул қилишга юзаки, тўраларча ёндашув натижасида қабул қилинганларнинг кўпчилигини ишчи ва деҳқонлар ташкил қилиб, илғор зиёлилар, малакали мутахассислар раҳбарлик ишларидан четлаштирилди. Ўзбекистон ССР Олий ва маҳаллий кенгашларига сайловлар юзакилашиб, олдиндан тузилган рўйхат ва режа асосида депутатликка номзодлар кўрсатилди.

Сайловчиларнинг 99,9 фоизи овоз беришда қатнашиб, «яқдиллик» билан коммунистларнинг вакилларига овоз берди. Бу қанчалик ҳақиқатга тўғри келади, тушуниш қийин эмас. Советлар фаолиятида юзакичилик, қоғазбозлик кучайди. Олий Советнинг, айниқса, маҳаллий советларнинг сессиялари вақтида чақирилмасдан ундаги масалалар кўпинча муҳокама қилинмай ёки ҳурфикрликсиз қабул қилинарди. Сайланган советлар вазифасини унинг ижроия кўмиталари бажарадиган бўлди. Советларга депутат бўлиб сайланганларнинг аксарият қисми жамият тараққиётининг қонунларидан хабарсиз, умуман ҳокимиятни бошқариш масалалари билан қизиқмайдиган шахслар эди. Айниқса, Олий Советга сайланган депутатлар рус тилида олиб борилган сессия мажлисларида республика манфаатларини ҳимоя қиладиган даражада фаолият кўрсата олмасди. Партия ва жамоат ташкилотларининг олий органларига аъзо бўлиб сайланганлар, бу ташкилотларнинг анжуманларига делегат бўлиб борганлар орасида ҳам ўз вазифаларини тушунмайдиган, тушунса ҳам уни рўёбга

чиқаришни билмайдиганлар, лоқайдлар қўпчиликини ташкил қилар эди. Бундай депутатлар ва делегатлар ичида республикаимиз номига доғ туширганлар ҳам оз бўлмади.

Республика Олий Кенгашининг I чақириқ депутатларидан 158 нафари, II чақириқ депутатларидан эса 167 нафари қайта сайланган. Булар партия, маъмурий хўжалик ходимлари, жамоа хўжалиги раислари бўлган. Бундан кўринадики, маъмурий буйруқбозлик тизими даврида депутатлик номенклатура ходимларига имтиёз бўлиб хизмат қилган. Йиллар ўтиши билан бундай депутатлар ишга тўғаноқ бўла бошладилар.

Партия, совет ходимларининг саводхонлик даражасини кўтаришга қанчалик уринишмасин депутатлар орасида ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотлилар сони салмоқли эдики, бу республика Олий Кенгаши фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Баъзи депутатлар ўрта маълумот билан Олий Кенгашнинг доимий қўмиталари аъзоси ҳам бўлди.

1930 йилларнинг иккинчи ярмидан 1959 йилгача советларга Марказдан келган раҳбар партия ва совет ходимларини сайлаш йўлга қўйилди. IV чақириқ Олий Кенгашнинг 294 депутатидан 16 таси Марказ вакиллари эди. Бундай иш юритиш 70-йилларда қайтадан йўлга қўйилди.

Урушдан кейинги йилларда дунё халқлари ўртасида тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга Ўзбекистон ўз ҳиссасини қўшди, унинг хорижий мамлакатлар билан савдо ва маданий алоқалари кенгайди. 1958 йили Ўзбекистон дунёнинг 32 мамлакатига саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чиқарган бўлса, 1970 йил 76 мамлакат билан савдо алоқаларини ўрнатди. Чет давлатларга маҳсулот чиқаришда Ўзбекистон собиқ иттифоқда РСФСР ва Украинадан кейинги учинчи ўринда турди. Қоракўл тери ва пахта толасидан бошлаб, машинасозлик маҳсулотларининг 250 тури тўрт қитъанинг деярли ҳамма мамлакатларига

чиқарилди. Минг афсуски, бу маҳсулотлар Ўзбекистон номидан эмас, «СССРда ишланган», деган тамға билан дунёга танилди.

Андижон машинасозлик заводининг маҳсулотлари 44 мамлакатга, Тошкент кабел заводининг маҳсулоти 27, Чирчиқ электрохимкомбинати 20, Самарқанддаги «Кинап» заводи 30 мамлакатга ўз маҳсулотини чиқарди. Кўп йиллар давомида пахта ташқи бозорга чиқарилган асосий маҳсулот бўлиб, 1953 йилдан бошлаб Ўзбекистон пахтаси Америка Қўшма Штатлари, Мексика, Сурия каби пахта етиштирувчи мамлакатларнинг рақобатини енгиб, йирик капиталистик давлатлар бозорига чиқди ва жами 35 давлатнинг бозорини эгаллади.

1960-1970 йилларда Ўзбекистон Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари учун минглаб олий ва ўрта маълумотли мутахассислар ва малакали ишчи кадрлар тайёрлаб берди. 1961 йили Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) қошида чет эллик гражданлар учун тайёрлов бўлими очилди. Ўзбекистоннинг минглаб мутахассислари кўпгина мустақилликка эришган мамлакатларнинг иқтисодиётини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ўзбекистонлик машинасозлар, пахтакорлар, сув ҳўжалиги иншоотлари ва ипакчилик мутахассислари кўп мамлакатларда ўзларининг бой тажрибаларини ташвиқот қилдилар. Мисрдаги Асуан ва Хелуан сув иншоотлари, Афғонистондаги Жалолобод канали ва Кубадаги саноат қурилмаларида ўзбекистонлик мутахассислар иштирок қилдилар.

«Феодализмдан социализмга сақраб ўтиш мумкинлиги тўғрисидаги марксистик таълимотни» Ўзбекистон мисолида исботлаш мақсадида, Осиё ва Африка давлатлари учун социализмнинг тажриба мактаби сифатида унинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалари кенгайтирилди, делегациялар алмашиш борасида ишлар жонлантирилди.

1947-1955 йиллари дунёнинг 46 мамлакатидан, шу жумладан, илгор тараққий этган давлатлардан 180

делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ана шу даврда собиқ иттифоқнинг делегациялари таркибида 200 дан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари хорижий мамлакатларда бўлиб қайтди. Бундан ташқари санъат ва адабиёт ходимлари ўргасида делегациялар алмашилди. Бу тадбирлар натижасида бизнинг ўлкада «казарма социализми» ўрнатилгани ҳам ошкора бўлди.

Америка Қўшма Штатлари Олий судининг аъзоси Уильям Дуглас Ўзбекистонда бўлиб қайтгандан кейин «Лук» журналида Ўрта Осиё республикаларидаги ҳаётда Франциянинг мустамлакачилик тамғаси кўринаяпти, деб ёзади. Маҳаллий матбуот бунга тўхмат, деб қарайди.

Ўзбекистон халқаро биродарлашган шаҳарлар уюшмасига аъзо бўлди. Тошкент Покистоннинг Карачи, Ливиянинг Триполи, Ҳиндистоннинг Патлала, АҚШнинг Сиэтл, Марокашнинг Марокаш, Югославиянинг Скопле шаҳарлари билан биродарлашди. Уша даврнинг муҳим муаммолари бўйича Тошкентда халқаро йиғинлар, учрашувлар ва илмий кенгашлар чақирилди. Жумладан, 1959-72 йилларда ўтгиздан ортиқ илмий сессия ва кенгашлар бўлиб ўтди. 1958 йилнинг кузида Тошкентда 37-Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг анжумани бўлиб ўтди ва бу ерда «Тошкент руҳи» юзага келиб, халқаро миқёсда Ўзбекистоннинг мавқеини оширди.

Ўзбекистон чет давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини кенгайтириш, уни самарали олиб бориш учун барча имкониятларга эга бўлса ҳам бу имкониятдан тўла фойдалана олмасди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76, 77, 112, 122-моддаларига кўра Ўзбекистон чет давлатлар билан алоқалар ўрнатиш, дипломатлар ва элчилар тайинлаш ва чақириб олиш ҳуқуқларига эга ва халқаро ташкилотлар билан мустақил алоқалар ўрнатиши мумкин. Лекин амалда республиканинг халқаро муносабатлари Марказда режалаштирилиб, чизиб берилган доирада олиб борилди. Чет давлатлардан бирорта делегациянинг қабул қилиниши, республикада ўтадиган учрашувлар, кенгашлар,

анжуманлар учун «Марказдан» рухсат шарт эди. Иттифоқчи республикаларнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли ва мустақиллиги тўғрисидаги қонулар аслида қорозда қолди.

Республикада 1946-90-йиллардаги маънавий-маданий қарамлик ва унинг оқибатлари. Қатағонликнинг янги тўлқини

Тоталитар тизим шароитида маданий-маърифий муассасалардан оммага гоъвий таъсир ўтказиш мақсадида кенг фойдаланилди. 1960 йиллар республикада 2.977 клуб бўлса, 1970 йилда уларнинг сони 3.441 тага етди. Шу йиллари кутубхоналар сони тегишли равишда 3.418 тадан 5.822 тага, музейлар сони 14 тадан 26 тага, киноқурилмалар сони 2.178 тадан 3.988 тага ошди. Лекин буларнинг кўпчилиги статистика ҳисоботларда ошириб кўрсатилган бўлиб, аслида ўзларининг бевосита функцияларини самарали бажариш учун ҳаётий имкониятга эга бўлмади. Уларнинг моддий техника базаси паст даражада бўлиб, молия билан етарли таъминланмади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон собиқ совет республикалари ўртасида энг куйи поғонада турди.

1969 йилда Россияда аҳолининг 10 минг нафарига 14 клуб муассасаси тўғри келса, Белоруссияда 11 та, Ўзбекистонда эса атиги 4 та эди. Маданий-маърифий муассасаларга давлат томонидан ажратилган маблағ аҳоли жон бошига Эстонияда 21,3 сўми, Арманистонда – 17,9, РСФСРда – 9,7 сўми ташкил қилса, Ўзбекистонда 4,5 сўми ташкил қиларди. Республика кутубхоналарининг китоб фонди 1950-1970 йилларда ўн баробарга кўпайган бўлса-да, лекин уларнинг кўпчилигини мафкуравий тарғибот учун зарур бўлган марксизм-ленинизмга оид асарлар ташкил қилар эди. Олинган китобларнинг 8-10 фоизигина республикада нашр этилган бўлиб, қолганлари четдан келтирилиб, уларнинг аксарияти рус тилида эди. Маданий-маърифий муассасалар молиявий жиҳатдан давлат

назоратидан четда қолганлиги учун кўпинча жамоатчилик асосида қурилди. Масалан: 1961 йили Ўзбекистон қасаба уюшмалари ташкилотлари томонидан жамоатчилик асосида 45 маданият ва техника университетлари, 5 та халқ театрлари, 1.258 жисмоний тарбия жамоалари иш олиб борди.

Ўзбекистонда таълим тизимини яхшилаш учун ўнлаб қарорлар қабул қилинарди. Бироқ бу қарорлар миллий мактабларда тўлиқ бажарилмасди. Мактаблар урушдан кейин ҳам дарсликлар билан тўлиқ таъминланмади. Моддий ўқув базаси русийзабон мактабларниқидан анча паст эди.

Ўрта мактаб битирувчилари орасида эрта турмушга берилиши туфайли қизлар камчиликни ташкил қилар эди. Маорифни ривожлантиришда маҳаллий миллатларга паст назар билан қараш совет тузуми сиёсатининг пинҳона фаолиятига яширинган эди. Кейинги йилларда очилган архив маълумотларида собиқ иттифоқдаги республикаларда онгли, маданиятли, ҳурфикрли кишиларнинг бўлишига йўл қўймаслик ҳақидаги махфий кўрсатмалар бежиз эмас эди.

1946-47 ўқув йилида республикада 4483 мактаб бўлиб, 212.000 ўқувчи ўқиган бўлса, 1965-66 ўқув йилида мактаблар 9716 га, ўқувчилар 2.476.000 кишига етди. 1985 йилда олий ўқув юртлари сони 42 тани ташкил этди. Ундаги талабалар сони 21.190 дан 168.800 га кўпайди. Бу миқдор «маҳаллий миллат йигит қизлари билим учун эмас, диплом учун қизиқсин», деган ақидага асосланганлигини кўрсатади. Шундай бўлишига қарамай ўзбекистонликларни, хусусан ўзбекларнинг илмга чанқоқлиги ҳар қандай сунъий тўсиқларни енга бошлади.

Ўзбекистонда фан ва техниканинг ҳамма соҳаларида йирик олимлар етиштирилиб, фан номзодларини ва докторларини тайёрлаш бўйича собиқ СССРда олдинги қаторларга чиқди.

1950 йил Ўзбекистонда 1760 фан номзоди 180 фан докторлари илмий иш олиб борар эди. 1965 йилда эса,

фан номзодларининг сони 4000 ва фан доктори 324 тага етди. 50-60-йиллари республика Фанлар академиясининг олимлари, айниқса, математика-механика, тиббиёт, энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ишлар олиб бордилар. Бир қанча илмий-текшириш институтлари травматология ва ортопедия, энергетика, математика, онкология ва радиология, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш, кибернетика ва бошқа бир қанча институтлар шу йилларда ишга туширилди. Фанлар академияси қошида Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этилиб, Шарқшунослик институти фаолияти кенгайтирилди.

50-йиллардан бошлаб республикада илмий-тадқиқот ишларида атом қувватидан фойдалана бошланди. Дастлабки пайтда атом қуввати Тошкент ва Самарқанд Давлат университетлари лабораторияларида, Фанлар академиясининг физика-техника институтида, политехника ва медицина институтларида ишлатилди. Лекин техника базаси етарли бўлмаганликдан атом қувватидан фойдаланиш доираси тор бўлди. 1956 йил бошларида Тошкентдан 30 км йироқда, 750 штат бирлигига мўлжалланган Ядро илмий-тадқиқот институти ва барча қулайликларга эга бўлган шаҳарча қурилиб, 1958 йили ишга туширилди. Унинг биринчи директори этиб йирик физик олим, академик Убай Орифов тайинланди.

1951-1954 йиллари республикада яна бир йирик илмий марказ бунёд этилди. 80 гектар майдонда, иттифоқда ягона табиий шароитда ўсадиган Тошкент ботаника боғи яратилди. 1956 йили 5 ноябрда Ўрта Осиёда биринчи Тошкент телемаркази ишга туширилди. Кейинчалик 1962 йил Урганчда, 1964 йил Нукусда ҳам телевизион марказлар иш бошлади.

Ўзбекистонлик олимларнинг бир қанчаси, айниқса, табиий фанлар соҳасида ўзларининг илмий ютуқлари билан нафақат собиқ иттифоқ доирасида, балки жаҳон миқёсида тан олинди ва юқори даражадаги давлат

мукофотларига сазовор бўлдилар. Ўзбек олимларидан математиклар — Т. Н.Қори-Ниёзий, Т.А. Саримсоқов, С.Х. Сирождидинов, физиклар — У.О. Орипов, С.А. Азимов, химиклар — О.С. Содиқов, С.Ю. Юнусов, М.И. Набиев, геологлар — Ҳ.М. Абдуллаев, И.Ҳ. Ҳамрабоев, Г.А. Мавлонов, биологлар — А.М. Музаффаров, К.З. Зокиров, Т.З. Зоҳидов, техника соҳасида М.Т. Ўразбоев, Х.А. Раҳматуллин, Х. Файзиев, жамиятшунослик фани соҳасида И.М. Мўминов, Ҳ. Сулаймонова, Ё.Ф.Фуломовлар шулар жумласидандир.

Республика зиёлилари қаторида 125 мингдан ортиқ олий ва ўрта махсус маълумотга эга мутахассислар бўлиб, шулардан 25 мингдан кўпроғи муҳандис ва техниклар, 10 минг қишлоқ хўжалик мутахассислари, 24 минг врачлар ва 60 мингдан ортиқ ўқитувчилар, юздан ортиқ ёзувчи, шоир, драматурглар, рассомлар уюшмасида 105 киши, композиторлар уюшмасида 26 нафар аъзолар бор эди. 1956 йилнинг охирида республикада зиёлиларнинг биринчи қурултойи бўлиб ўтди.

Партиявий-ғоявий тизгинга қарамасдан адабиёт ва санъат соҳасида кўзга кўринарли асарлар яратилди. Фафур Гулом, Уйғун, Зулфия, Миртемир, Туроб Тўла, М. Бобоев, Мирмуҳсин ва бошқаларнинг тинчлик мавзусига бағишланган шеърлари ёруққа чиқди. Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар», Парда Турсуннинг «Ўқитувчи», Асқад Мухторнинг «Опасингиллар» романлари, Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», «Оғриқ тишлар», Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» драмалари катта шухрат қозонди. 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб сиёсий қатағонликдан озод бўлган ижодкорларнинг асарлари юз кўра бошлади. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи, Миртемирнинг «Сурат» достони, Шайхзоданинг «Тошкентнома»си нашрдан чиқди.

60-йиллардан адабиётда янги авлод пайдо бўлди. Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Ҳусниддин Шарипов, Озод Шарафутдиновлар билан

изма-из янги ижодий тафаккурга эга бўлган истеъдодли Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Муҳаммад Али, Жамол Камол, Омон Матжон, Рауф Парпи каби ёш адабиётчилар майдонга чиқди. Ўзбек адабиётининг ривожланишида адабиётга мафкуравий таъсир ўтказишнинг қуроли сифатида қараб, ижод эркинлиги бўғилди ва партиявий-синфий ақидалар тиқиштирилди. 50-80-йилларда аҳён-аҳёнда бўлса ҳам озодликка интилувчи фикрлар кўзга чалинарди. Бироқ бунга дарҳол танқидлар, маъмурий жазолар тўсиғи қўйиларди.

80-йилларнинг ўрталаридан адабиёт халқ ҳаётини ҳаққоний акс этириш йўлида янгича қадамлар қўя бошлади. Бадиий асарларнинг мавзун доирасига Орол фожиаси, ўзбек деҳқонининг машаққатли тақдири, табиат, тил, маданият ва тарихимизга оид муаммолар шиддатлироқ кириб келди. Янги мазмун ижодда янгича замонавий шакл, халқона оҳангларга кенг йўл оча бошлади.

50-60-йилларда республика санъатида, хусусан театр ва рақс санъатида илгари силжишлар юз берди. 1947 йили Тошкентда хореография билим юрти очилди. 1957 йили машҳур раққоса М. Турғунбоева томонидан «Баҳор» ўзбек халқ рақс ансамбли, 1958 йили Г. Раҳимова раҳбарлигида Хоразм ашула ва рақс ансамбллари тузилди. Бу жамоалар ўзбек саҳна рақсларини бойитди. Республикада театр санъатининг ривожланишида Самарқанд давлат ашула ва балет театрининг (1964 йил), Тошкентда «Ёш гвардия» (1990 йилдан Аброр Ҳидояттов номидаги) ўзбек драма театрининг очилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Муסיқа ва театр соҳасидаги бу ўзгаришлар бир томонлама бўлиб, жаҳон санъати даражасига тезроқ етиб олиш учун ўзбек миллий маданиятидан узоқ бўлган опера, балет, симфоник муסיқага асосий эътибор берилиб, миллий драма театрларимиз эътибордан четда қолди. «Шаклан миллий мазмунан социалистик» шиори остида ривожланган совет адабиёти ва санъатининг асл мақсади «байнал-

милаллаштириш» бўлиб, бадиий асарларда миллийлик йўқола борди.

Урушдан кейинги чорак аср мобайнида Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги, маданияти ва фани ривожланишида маълум натижаларга эришди. Лекин бу ривожланиш зиддиятлар билан тўла бўлди, демократиялаштириш йўлида олиб борилган тадбирлар етарли натижаларни бермади.

Маъмурий буйруқбозлик тизими кучайиб бораётган Ўзбекистонда халқнинг турмуши, аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат жиҳатидан республика собиқ иттифоқда охириги ўринларда эди. Таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги баландпарвоз кўрсаткичлар социалистик тизимнинг ташвиқот-тарғиботи учун фойдаланилди. Умуман олганда, жамиятнинг инкироз томон йўл тутиши кучая борди.

Урушдан кейинги йилларда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тизимида партиянинг якка ҳукмронлиги кучайиб борди. Сиёсий қатағонликнинг янги босқичи бошланди. Агар 30-йилларда қатағонликни ички ишлар халқ комиссарлари (НКВД) олиб борган бўлса, эндиликда бу мудҳиш ишларни коммунистик партиянинг марказий комитети ва унинг қўйи ташкилотлари бажарди. 1949 йилнинг мартада чақирилган Ўзбекистон коммунистларининг X съезди республика меҳнатқашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, миллий қадриятларга, «диний хурофот»га қарши курашни кучайтириш вазифаларини қўйди. Бу билан жамиятда социалистик мафкуранинг вайронкорлик роли яна ҳам кучайтирилди.

1949-1952 йилларда кўпгина машҳур ўзбек ижодий зиёлилари асоссиз равишда айбланиб, қатағон қилинди. Ўзкомпартиянинг 1949 йил 25 июндаги бюро мажлисида бир гуруҳ ёзувчилар миллатчиликда, эски феодал маданияти олдида бош эгиш, ўтмишни идеаллаштиришда айбланди. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мамарасул Бобоев, Миртемир, Шайхзода каби ўзбек ёзувчилари бадном қилинди. 1951 йили августда бир гуруҳ атоқли ижодкор зиёлилар «миллатчилар», деб матбуотда ноҳақ танқид қилинди, «бузғунчиликда»

айбланди. Кейинчалик ёзувчилардан Шайхзода, Шукрулло, Шўҳрат, Саид Аҳмад ва бошқалар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Хуршид, Чустий, Ғайратий ва бошқалар Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдалди. Буни эшитган Ғ.Фулом куйиниб «Токайгача ўзбекнинг ақли кирганда бошини чопиб ташлайдилар», деган эди.

1951 йил апрелида Ўзкомпартия бюро мажлиси «Муסיқа санъатининг аҳволи ва уни янада яхшилашнинг чоралари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди.

Мажлисда санъат ишлари бўйича бошқарма кўп йиллар давомида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухра» каби афсонавий мазмунда опера, балет ва муסיқали драматик спектакллари яратиб, зарарли ишларни амалга оширяпти, деб қайд этилди. Мажлис қарорида жанр репертуарлари ва радио эшиттириш программаларини қайта кўриб чиқиш тавсия этилди. Мазкур спектакллар сахнадан олиб ташланди. Қатагонликлар тўлқини бу билан тўхтаб қолмади. 1983 йилдан бошлаб собиқ КПСС Марказий кўмитаси раҳбарлигида Ўзбекистонда навбатдаги ошқора қатагонга йўл очилди. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши», «Шарқий фронт», деб аталган машъум сиёсат ниқоби остида минглаб бегуноҳ кишилар жиноий жавобгарликка тортилди. Москва юборган генераллар, прокурорлар, терговчилар истаган одамларни ҳибса олишарди.

Мащъум номлар билан аталган кампаниявозлик даврида йўл кўйилган хатолар, порахўрлик, қўшиб ёзиш, мансабни суиистеъмом қилиш каби иллатлар очиб ташланди. Бироқ бу нуқсонлар собиқ иттифоққа, мавжуд чириган тузумга, қолаверса, Марказга ҳам тегишли эди.

Марказий матбуотнинг баъзи бир муаллифлари Кавказ, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг юзига қора чапашга ҳаракат қила бошладилар. Бу ҳудудларда яшаган миллатлар ўз вақтида мавжуд жиноий гуруҳлар фаолиятига қарши курашганлар. Улар социалистик қонунчилиқни бузилаётгани ҳақида Москвага арз

қилишган, бироқ уларнинг ўзлари, яъни «сувни лойқалатувчилар» қувғинга учраганлар!

1983 йилнинг охирида республикада жуда оғир вазият вужудга келган эди. Биринчидан, жиноятчиликка қарши курашиш ниқоби остида собиқ марказдан кетма-кет турли тергов гуруҳлари ташланди. республикадаги раҳбарлик лавозимларига собиқ иттифоқнинг ҳар хил жойларидан кадрлар кела бошлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиблигига Анищев, Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Огарок, Олий Кенгаш Президиуми раисининг ўринбосари этиб Романовскийлар тайинланди, Тошкент шаҳрининг тақдири Сатинга топширилди.

Республика прокурори этиб Бутурлин, унинг ўринбосарлигига Гайданов, тергов бошлиқлигига Лаптев, Ички ишлар вазирлигига Дидоренко тайинланди. Барча вилоятларда ҳам аҳвол шундай бўлиб, улар республикадаги ҳукмронликни тўла қўлга олган эдилар.

«Пахта иши» ва «Ўзбеклар иши», деб юзсизларча номланган терговлар бошланиб кетди. Гдлян гуруҳи Ўзбекистонликларга нисбатан қонунсиз, бешафқат ишларни бошлаб юборди. Уларнинг зўравонлиги оқибатида судлар адолатсиз ҳукмлар чиқара бошлади.

1989 йилгача бу ишлар бўйича 4,5 мингдан кўпроқ киши судланди. Ўша пайтда республикадаги қамоқхоналарда жой қолмагани сабабли судланганларнинг мингдан ортиги жазони ўташ учун Сибир қамоқхоналарига жўнатилди.

Гдлян гуруҳи Ўзбекистон ҳудудида чекланмаган ваколатларга эга бўлди. Айбсиз одамларни, уларнинг оила аъзоларини қамоққа олиш, жисмоний ва руҳий қийноққа солиш авж олди. Ҳибсга олинганлар тергов усулларига дош беролмай ўз жонларига қасд қилишгача бориб етдилар.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари беҳад топталаётганлиги ҳақида Москвага минглаб хатлар жўнатилди.

Афсуски, бу хатлар текширилмади, ҳатто жавоб ёзиш эп кўрилмади. Аксинча, Гдлян ва унинг гумашталарига кетма-кет унвонлар берилди.

1989 йил 23 июн куни республика раҳбарлигига Исом Каримов сайланди. Янги раҳбарнинг фаолияти Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, топталган ҳуқуқларини тиклаш каби олижаноб ва хайрли ишдан бошланди, десак янглишмаймиз.

«Пахта ишлари»ни кўриб чиқиш учун махсус комиссия тузилди. Комиссия иш фаолиятига 40 минг томдан иборат ишни кўриб чиқиш топширилди. 1990 йилнинг июн ойига келиб, комиссия энг муҳим бир хулосага келди. 1990 йил 13 июн куни Москва шаҳрига СССР Бош прокурори, СССР Олий судининг раиси ва СССР Адлия вазири номига ёзилган хатда комиссия хулосалари батафсил кўрсатилди. Бу хатда «Пахта ишлари» чуқур таҳлил қилиниб, судланганларни оқлаш масаласи кўйилган эди. Бироқ юқоридаги ташкилотлар кўмак ўрнига тазйиқни кучайтирдилар.

Республика раҳбарининг қатъиятли ҳаракати билан ноҳақлик барҳам топди. Комиссия икки йилдан кўпроқ вақт орасида 40 минг томлик ишни кўриб чиқди. 3,5 мингдан кўпроқ киши оқланди. Қолганларнинг жазо муддатлари камайтирилиб, бир қисми Президентимиз томонидан авф этилди.

Пахта комиссияси фаолиятининг энг муҳим томонларидан бири шундан иборатки, пахта ишлари бўйича судланганларнинг кўпчилиги ҳаётлигида оқланди, юзлари ёруғ бўлди, топталган ҳуқуқлари тикланди, ўз иш жойларига қайтишди, мусодара қилинган мулки қайтарилиб, бошқа етказилган моддий зарарлар қопланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, республика раҳбариятининг қатъиятли ҳаракати билан ноҳақлик барҳам топди. Минглаб бегуноҳ фуқароларнинг номлари оқланди.

КПСС МК Апрель (1985 й.) пленуми совет жамиятини «қайта қуриш», бу жамият ҳаётининг барча

соҳаларини «чуқур ислоҳ қилиш» йўлини эълон қилди. Бунда аввало, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, ошкоралик, иқтисодий ўсишни фан-техника ютуқларига таяниб жадаллаштиришга қарор қилинди.

Бироқ узоқ йиллар тоталитар режимга мослашган давлат монополияси, идоралари, бюрократик аппарат кўзда тутилган режаларни амалга оширишга йўл қўймади.

80-йилларнинг ўрталарига келиб мамлакатдаги иқтисодий тараққиётни чуқур таҳлил қилмасдан 90-йилларнинг охирига бориб, собиқ СССРда миллий даромадни 2-2,5 баробар ўстириш, аниқроғи, аввало, 70 йил ичида амалга оширилган ишларни кейинги 15 йил ичида бажариш вазифалари қўйилдики, булар мутлақо ҳақиқатдан узоқ эди. Бу ҳол табиий равишда 70-80-йиллар бошларида жамият олдидаги муҳим халқ хўжалиги вазифаларини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш билан эмас, балки қўшиб ёзиш, пора бериш, ошна-оғайнигарчилик билан осонгина ҳал қилишга олиб келди.

Давлат режалаштириш тизими мураккаб ижтимоий ва хўжалик вазифаларини маъмурий-буйсуқбозлик йўли билан ҳал қилишга қодир бўлмай қолди. Натижада иқтисодий ўсиш ҳар йилига камайиб борди. Республика халқ хўжалигида умумий ижтимоий меҳнат унумдорлигининг пасайиши ҳисобига мўлжалдагидан 4,3 фоиз ёки 850,4 миллион сўмга кам миллий даромад олинди. 1989 йилда Ўзбекистондаги ҳар бир кишига собиқ иттифокдаги ўртача даражадан бир ярим баравардан кам капитал маблағ тўғри келди.

Шу даврга келиб республика қишлоқ хўжалигида кўплаб муаммолар тўпланиб қолди. Совет тизимининг навбатдаги ислоҳоти ҳам йўл қўйилган хатолар туфайли барбод бўлди.

Ушбу муаммолардан халқ эътиборини чалғитиш учун кўп йиллар давомида йиғилиб қолган миллий норозиликлардан фойдаланилди. Коммунистик мафкура ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун ҳатто айрим республикаларда миллатлараро низоларни уюштира

бошлади. 1989 йилда Тошкент, Фарғона, Андижонда рўй берган миллатлараро можаролар, Кавказдаги Куролли тўқнашувлар, қувғин қилинган халқларнинг Норозиликларидан разилонга манфаат йўлида Республикаларда, шу жумладан, Ўзбекистонда пайдо бўлаётган ҳурлик овозини бўғиш учун фойдаландилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида мустабид тузум томонидан депортация қилинган бир қатор халқлар қаторида месхети турклари ҳам бўлиб, улар асосан аҳоли зич яшайдиган Фарғона вилоятига, бир қисми Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятларига жойлаштирилган, бунинг оқибатида эса ижтимоий-иқтисодий ва миллатлараро муносабатларда қўшимча муаммолар юзага келган эди. Бу муаммога совет давлати ўз вақтида эътибор бермади. 1989 йил 24 майда Қувасой шаҳрида ёшлар ўртасида бўлган безорилик миллатлараро (маҳаллий ёшлар билан месхети турklar ўртасида) тўқнашувни келтириб чиқарди ва бу можаро Фарғона водийсида оммавий тус олди. Республиканинг сиёсий раҳбарияти юзага келган бу мураккаб вазиятни тўғри баҳолай олмагани учун ёшларнинг оммавий чиқишлари, миллатлараро тўқнашувлар содир бўлди.

Бундай оммавий чиқишларга, коммунистик мафкура тартибига қарши боришларига «кўникмаган» мустабид тузум сиёсий раҳбарияти намойишчиларга қарши ҳарбий қисм ташлади. 1989 йил 8 июнда Қўқонда тинч намойишчилар ана шу ҳарбий қисм аскарлари томонидан ўққа тутилди. Натижада Намойишда қатнашган 50 дан зиёд аҳоли ҳалок бўлди (уларнинг кўпчилиги ёшлар эди), 200 дан ортиғи эса ярадор қилинди. Умуман 3-12 июн кунлари Фарғона вилоятида бўлган миллатлараро тўқнашувлар ва уларнинг ҳарбийлар томонидан ўққа тутилиши оқибатида 103 киши ҳалок бўлган, 1009 киши ярадор бўлган ва 650 хонадонга ўт қўйилиб вайрон қилинган.

Фарғона фожияларига тааллуқли маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, месхети турклари учун бу можаро мустабид тузум айби билан уруш даврида

мажбуран ташлаб чиқилган она ватанларига қайтиб боришлари учун баҳона сифатида керак бўлган. Маҳаллий аҳоли эса бу можарога табиий равишда қўшилиб кетган. Чунки жойларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларига эътибор берилмаган, маҳаллий ёшлар ўртасида ишсизлик кўпайиб, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб борган, аҳоли уй-жойлар билан таъминланмаган, уй қуриш учун участкалар ажратилмаган, пахта яккаҳокимлиги, экология муаммолари ҳал қилинмаган, порахўрлик, кўзбўямачилик, қонунбузарлик авж олган.

Мудҳиш воқеалардан кейин берилган расмий баёнотларга кўра, республикада вужудга келган ижтимоий-иқтисодий кескинликдан оммавий тартибсизликларни, миллатлар ўртасида нифоқ ва тўқнашувларни келтириб чиқаришга уринган экстремистик кучлар бўлган. Бу атайлаб уюштирилган сиёсий ифвогарлик эди. Фарғонадаги мудҳиш воқеа Сумгаит, Боку, Тоғли Қорабоғ, Ўш-Ўзган ва бошқа минтақаларда худди шундай тарзда уюштирилган ифвогарлик билан бир қаторда турар эди. Фарғона воқеаларидан кейин Ўзбекистоннинг И. Каримов бошлиқ сиёсий раҳбарияти бу масалада қатъийлик мавқени эгаллади. Республика зиёлилари ва сиёсий кучлари ана шу таҳликали кунларда сиёсий ва маънавий жиҳатдан юксак мавқеда турдилар. Фожианинг асл сабабларини очиб ташлаш, ўз халқининг шон-шухрати ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш йўлидаги ўзларининг машаққатли уринишларида улар республиканинг энг кескин муаммоларини биринчи бор ошқора равишда муҳокамага қўя бошладилар.

Республикада кенг мунозарага сабаб бўлган муаммолардан бири ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи бўлди. Маълумки, шахсга сифиниш, турғунлик йилларида ўзбек тилининг мавқеи, қўлланиш доираси жуда ҳам торайиб кетди. Ўзбек тили давлат идораларида ҳам, мажлислар, йиғилишларда ҳам деярли ишлатилмай қўйилди.

80-йилнинг ўрталарига келиб СССРнинг парчала-ниши реал объектив ҳақиқатга айланиб қолди. Миллий онгнинг ўсиши ўзбек тили масаласини кун тартибига қўйди. Р. Нишонов бошчилигидаги республика раҳбарияти бу ҳаракат ўртага ташлаган муаммони ҳал қилишга эмас, аксинча, бу ҳаракатни «жамиятга қарши», деб уни барҳам топтиришга, қонунчилик, ошкоралик ва оммавий талабларга риоя қилиш оқимига буриб юборишга уринди.

Демократик тараққийпарвар кучлар қўйган маса-лани И. Каримов бошчилигидаги янги раҳбарият ўз вақтида англаб етди ва уни ҳал этишга киришди.

17-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҚЎЛГА КИРИТИЛИШИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Мустақилликка эришув йўлида

(Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви узоқ давом этган тарихий жараённинг натижаси бўлди. Ўзбек халқи қарийб 3000 йиллик тарихимизда қисқа вақтгина мустақил яшаган холос. Айниқса, кейинги оқ ва қизил салтанатнинг 130 йил давом этган ҳукмронлиги ўз тарихий давлатчилигига эга бўлган Туркистонни мустамлака ва қарамга айлантирганди. Бу зулматга қарши кураш гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора бўлсин, халқимиз азал-азалдан ўз фикри-зикри билан мустақил, озод, эркин яшаш учун тинимсиз интилди.

XX аср 90-йилларига келиб жаҳон ва собиқ иттифоқдаги ўзгаришлар ҳамда юзага келган вазият ўзбек халқининг мустақиллик учун бўлган курашини тезлаштириб юборди. Мана шундай жараёнда ўзбек халқига муносиб йўлбошчи зарур эди. Тарих тақозоси билан элим деб яшовчи Ислам Каримовдек жасоратли инсон 1989 йил 23 июнда Ўзбекистонга раҳбарликка келди. Ўзбекистоннинг янги ҳукумати Марказ билан бўладиган муносабатларни ўзгартирмай туриб, ижобий силжишларга эришиб бўлмаслигини ва бунинг учун республиканинг тўлиқ мустақиллигини таъминлаш зарурлигини тушуниб етди. Унинг ташаббуси билан Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1989 йил 15 августда «Колхозчилар, совхоз ишчилари, фуқаролар, шахсий томорқа хўжаликлари ва индивидуал уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида» махсус қарор қабул қилинди. Гарчи бу гоё иттифоқ раҳбарлигига ёқмаган бўлса ҳам, И.А. Каримов ўз фикридан қайтмай, уни жасорат билан амалга ошира борди. Натижада ўша йилнинг 4 ойида аҳоли қўшимча 90,7 минг гектар ер олди.

Ўта қисқа фурсат ичида 1,5 миллиондан кўпроқ оиланинг томорқа участкалари кенгайтирилди, томор-

қага етолмай юрган 580 минг оила унга эга бўлди. Томорқа хўжалиги майдонининг ўсиши, унга бўлган эътиборнинг кучайиши, аграр сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланиши қишлоқ хўжалигининг кескин ўсишига олиб келди. 1989-2000 йиллар мобайнида дон етиштириш 2,5 барабар ўсиб, дон бўйича четга қарамликдан қутулган эканмиз, бу муваффақиятга эришишимизда томорқачиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Яна қатор маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам томорқачиларнинг улуши катта. Масалан, шу даврда картошка ишлаб чиқариш, мева, сут маҳсулотлари етиштиришда ҳам яхши ўсишларга эришилди. Мазкур маҳсулотларнинг асосий қисми *томорқадан олиниши ҳеч ким учун сир эмас.*

Шунингдек, ўша вақтда ҳали ҳам «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» каби уйдирмалар билан ўзбек халқи нафсониятига тегиш давом этарди. Ўзбекистоннинг амалда мустақиллик сари ташланган энг муҳим қадамларидан бири ЎзКП Марказий Комитетининг 1989 йил 25 ноябрдаги XVIII пленумида Ўзбекистон ҳукумати аввало, республика ва ўзбеклар бошига ёғилаётган маломат тошларига чек қўйиш, «Пахта иши», «Ўзбеклар иши», деган уйдирмаларни бас қилиш, Москва матбуотида ўзбекларнинг миллий нафсониятига тегадиган чиқишларни тўхтатиш зарурлиги ўқтирилди. 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Олий Кенгашининг XI сессияси Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақидаги Қонунни қабул қилди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқининг, республикада яшовчи бошқа халқларнинг маданий-маънавий ва сиёсий ҳаётида рўй берган ғоят муҳим воқеа бўлди.

Воқеалар жараёни шу даражада тезлашдики, И.А. Каримовнинг сиёсати бевосита ўзбек халқи хоҳиш-иродаси, саъй-ҳаракати билан қўшилиб кетиб, иттифоқ раҳбариятини ҳийла талвасага солиб қўйди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1990 йил 24 мартда бўлиб ўтган сессиясида бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш, президентлик лавозимини жорий

этиш тўғрисида қарор қабул қилинди ва Ўзбекистонда иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб президентлик лавозими жорий этилди. Демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, сиёсий ўзгаришларни такомиллаштириш ва конституцион тизимни мустаҳкамлаш мантиқан том маънодаги мустақилликни талаб этади ва унинг замирида Марказга бўйсунмаслик, ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили ётади. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш — бу бевосита партия яккаҳокимлигини бартараф этиш, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларни яқинлаштириш демакдир. Бу эса охир-оқибатда республиканинг ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқадиган ва уни амалга оширадиган Президент лавозимини жорий қилишни тақозо этди. Бу табиийки, Горбачев бошлиқ иттифоқ раҳбариятини қаттиқ ташвишга сола бошлаган эди. Аслини олганда, Ўзбекистон бошқа иттифоқчи республикаларда кундан-кунга тазйиқ ва зўравонлик оширилаётган, кам сонли халқларга зуғум ўтказилаётган бир пайтда ана шундай дадил сиёсат юрита бошлаган эди.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги йўлидаги яна бир муҳим қадам Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг XII чақириқ иккинчи сессиясида (1990 й. 20 июн) қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Мустақиллик Декларацияси»дир. Ушбу Декларацияни қабул қилишда Республика Олий Совети депутатлари жонбозлик кўрсатдилар. «Мустақиллик Декларацияси»да ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаши, Декларация қондаси билан кафолатланиши таъкидланди. Унда ўзбек халқининг асрлар давомида қўлга киритган давлат қурилиши ва маданий тараққиёт борасидаги бой тарихий тажрибаси ва анъаналари ҳисобга олинди. Декларация 12 моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддасида «Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларини белгилашда ташқи муносабат-

лардаги танҳо ҳокимлигидир», деб ёзиб қўйилган. Сессия қабул қилган бу «Мустақиллик Декларацияси» халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Шу кундан бошлаб республикада Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал қилина борди. Бунга мисол тариқасида 1991 йил 22 июл Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиуми қарорида Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига иттифоққа бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг Ўзбекистон ССР ҳуқуқий тобелигига ўтиши тартибини белгилаш вазифаси топширилди. Ҳақиқатда Марказ раҳбарлари республикалар иттифоқини қанчалик сақлаб қолишга уринмасинлар, бунинг иложи йўқ эди. Чунки энди эскича тартиб билан мамлакатни идора этиб бўлмас, ўз навбатида иттифоқдош республикаларнинг мустақилликка бўлган интилиши тобора кучайиб борарди. Бироқ Марказни кучайтириш тарафдорлари бошқа усуллар — намойишлар ўтказиш, митинглар ташкил қилиш, ҳатто ғайриконституцион йўллар билан давлат тўнтариши ўтказиш асосида бўлсада, олдинги буйруқбозлик тизимини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Бунинг ақси сифатида Ўзбекистон ҳукумати ўзбек халқи манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг фаол сиёсатини давом эттирарди. 1991 йил 11 январидан мамлакат Президенти қишлоқ аҳолисига бевосита амалий ёрдам бериш учун навбатдаги Фармонга имзо чекди. Мазкур Фармон 1989 йилда бошланган ҳақиқий янгиланишларнинг манتيкий давоми эди. Президент имзолаган ҳужжатда 1991 йилда пахта экин майдони қисқартирилишини назарда тутиб, томорқа майдонларига 108,5 минг гектар ер ажратиш кўрсатилган. 1991 йил 14 февралда Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда мамлакат Президенти И. Каримов нутқ сўзлади. Мазкур нутқ матбуотда «Мураккаб вазиятда оқилона сиёсат юритайлик», деган сарлавҳада чоп этилди. Ушбу

нутқида Ўзбекистон раҳбари Иттифоқ шартномасига ўз муносабатини билдириб, Ўзбекистоннинг бу шартномага кирмаслигини қайд этиб ўтди. 1991 йил Наврўз байрами арафасида Президент авф этиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Ушбу Фармон ҳам халқ томонидан зўр қувонч билан кутиб олинди. Қолаверса, амнистияни ўша даврда фақат иттифоқ Президенти эълон қилар эди. 1991 йил 19 августга келиб, бугун жаҳонни ҳаяжонга солган Москвада давлат тўнтарилишига уриниш бўлди.

Тўнтариш тарафдорларининг асл мақсадлари иттифоқда яшовчи барча халқларнинг мустақилликка эришувига йўл қўймаслик ҳамда мамлакатдаги парокандаликдан фойдаланиб қолиш эди. Лекин Ўзбекистон раҳбарияти мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаш, республика ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этилишига, Конституцияга қарши давлат тўнтарилишини қўллаб-қувватлаш йўлидаги ифвокорона ҳаракатларга учмаслик учун ўзларининг бутун имкониятларидан фойдаландилар. Ўша вақтда Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон сафарида эди. Сафардач қайтиб 19 август куни кечқурун Тошкент шаҳри фаоллари билан учрашиб, қатъий тарзда Ўзбекистон нуқтаи назарини маълум қилди. Республика раҳбарияти: «Марказдан, ким бўлишидан қатъи назар, қонунга хилоф кўрсатмаларни бажариш мумкин эмас», деб ҳисоблади. 20 августда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида қўшма мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўли ўзгармаслиги ҳақида Баёнот қабул қилинди. Президент И.А. Каримов республика аҳолисига мурожаат билан чиқди ва Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиш йўли қатъий эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг гайриконституциявий, ҳуқуққа қарши қарорлари ва бошқа кўрсатмалари ноқонуний, деб эълон қилинди. Шундай мураккаб шароитда, яъни

марказ ва республикалар ўртасидаги муносабатлар тобора таранглашиб, Марказ бошқарув қобилиятини йўқотган, ҳар бир республика ўз ҳолига ташлаб қўйилган бир шароитда тарихий вазиятни тўғри баҳолаган Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Олий Кенгаш сессиясини чақирди ва унда Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақида Қонун қабул қилишни талаб қилди. Чунки ҳар бир миллий республиканинг чинакам тенг ҳуқуқлиги ва мустақиллиги таъминлангандагина таназулдан чиқиш мумкин эди. Аини шу мақсадларни кўзлаб, жумҳурият Олий Кенгашининг XII чақирдиқ навбатдан ташқари сессияси 1991 йил 31 августда ўз ишини бошлади. Ўзбекистоннинг Мустақил Давлат, деб эълон қилинишида мазкур сессия катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида»ги масалалар кун тартибига қўйилиб, қизгин муҳокама қилинди. Сессияда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Президент И.А. Каримов маъруза қилди. У ўз нутқида 1991 йил ўрталарида Марказий ҳукумат олиб бораётган ички сиёсатни таҳлил қилди. 19-21 август кунлари Москва Фавқулодда ҳолат давлат комитети аъзоларининг халқлар озодлиги, республикалар мустақиллигига қарши қаратилганлиги халққа рўй-рост билдирилди. Олий Кенгаш депутатлари моддама-модда муҳокамадан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Қонунни қабул қилдилар. Сўнгра республика Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнот қабул қилинди. Ўзбекистон ССРнинг номи Ўзбекистон Республикаси, деб ўзгартирилди. Мустақиллик белгиланган кун — 1 сентябр 1991 йилдан бошлаб миллий байрам ва дам олиш куни, деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ҳақидаги бу ҳужжатлар ўзбек халқининг асрий орзуси рўёбга чиққанлигининг ҳуқуқий ифодаси бўлди.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонун 17 моддадан иборат бўлиб, мустақил республика учун вақтинча конституция ролини ўйнайдиган бўлди.

Ушбу қонунда Ўзбекистон мустақил демократик давлат, деб эълон қилинди, маъмурий-ҳудудий тузилиши, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилаш қонунлаштирилди. Республиканинг давлат бўлиниши ҳамда иқтисодий асослари ҳам қонунда ўз аксини топди. Шунингдек, ушбу ҳужжатда Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон билан муносабатлари хусусида сўз бориб, Ўзбекистон Қорақалпоғистоннинг ҳудудий яхлитлигини тан олиши ҳақида фикр юритилади, у Ўзбекистон таркибида эканлиги эътироф этилади. Бундай қонуннинг қабул қилиниши ўша даврда эришилган ютуқларнинг юқори чўққиси бўлди. Шундай қилиб, Ўзбек халқи асрлар давомида орзу қилган мустақилликка тинч йўл билан, юртбошимиз И.А. Каримов бошчилигида республика раҳбариятининг оқилона йўл тутиши орқали эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги эълон қилиниши билан бирга Давлат мустақиллиги билан боғлиқ қонунлар тизимини яратиш зарур эди. Ўзбекистон эришган истиқлолни мустақамлаш учун мамлакатда референдум ўтказишга қарор қилинди. (1991 йил 18 ноябрда Олий Кенгаш VIII сессияси Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.) Шунга мувофиқ 29 декабрда «Сиз Олий Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинишини маъқуллайсизми?» мавзуида референдум ўтказишга катта тайёргарлик кўрилди. Референдум якунига кўра унда қатнашган аҳолининг 98,2 фоизи Ўзбекистон мустақиллигини ёқлаб овоз берди. Ўзбекистон мустақил республика, деб эълон қилиниши жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам зўр қониқиш билан кутиб олинди. Фикримиз исботи сифатида Америка Қўшма Штатларининг ўша пайтдаги Президенти (катта) Жорж Бушнинг И. Каримов номига юборган телеграммаси ҳамда Швеция бош вазири К. Билдт-

нинг телеграммаларида кўриш мумкин. 24 сентябрда Тошкентда халқаро анжуман ўтказилди. Ўзбеклар (Туркистонликлар)нинг биринчи халқаро учрашувида Ўзбекистон Президенти нутқ сўзлади. 1991 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Компартиясининг Фавкулудда XXIII съездида И.А. Каримов таклифи билан Ўзбекистон Компартияси КПСС таркибидан чиққанлиги эълон қилинди. Партиянинг бундай буён фаолият кўрсатмаслиги эътиборга олиниб, ушбу партия ўрнида Халқ Демократик партияси тузилгани эълон қилинди. Ўзбекистон мустақил давлат, деб эълон қилинган куннинг ўзидаёқ мустақил давлат рамзларини жорий қилиш юзасидан амалий чоралар кўрилди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида, республика гербининг нусхаси ва Давлат мадҳиясининг муסיқий баёни ҳақида махсус қарор қабул қилинди. Унда Конституция комиссиясининг эксперт гуруҳига Давлат байроғининг вариантлари устида ишлашни давом эттириш, Олий Кенгашнинг тегишли кўмиталарига Конституция комиссияси ижодий гуруҳи билан ҳамкорликда Давлат байроғи, мадҳияси ҳақида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб, навбатдаги сессияга тақдим этиш топширилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрда бўлиб ўтган VIII сессияси «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида» Қонун қабул қилди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи улуг аждодларимизнинг ақида ва маслакларига мос келувчи, миллат табиати ва халқимиз руҳиятидан келиб чиқиб, унинг миллий ва маънавий жиҳатларини ҳам ўзида акс эттирмоғи керак эди. Мамлакатимиз давлат байроғи юртимизнинг ўтмиши, бугунги кунини ва келажакни ёрқин рамзи бўлиб қолди.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби» тўғрисида Қонун қабул қилинди. Давлат гербидаги ҳар бир белги чуқур маънога эга. Герб рангли тасвирда бўлиб, хумо куши кумуш рангда, қуёш, бошоқлар, пахта чаноғи ва «Ўзбекистон» деган ёзувлар тилла рангда, гўза шохлари, барглари ва

водийлар яшил рангда, тоғлар ҳаво рангида, чаноқдаги пахта, дарёлар, ярим ой ва юлдуз оқ рангда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвирланган лента тўрт хил рангда берилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 10 декабрида бўлиб ўтган XI сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Сессияда шоир Абдулла Орипов ва бастакор Мугал Бурҳонов томонидан тайёрланган мадҳия нусхаси тасдиқланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин давлат бошқарувининг президентлик шакли ривожланди. 1991 йил 29 декабрда ўзбек халқи ўз хоҳиши-иродаси билан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлади. Сайловга жиддий тайёргарлик кўрилиб, Ўзбекистон Республикаси сайловлари муқобиллик асосида ўтди. Олий лавозимга икки номзод — Ўзбекистон ХДП ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси номзоди И.А. Каримов ва «Эрк» Демократик партияси вакили Салой Мадаминов (Муҳаммад Солих) номзоди қўйилди.

Сайловлар якунига кўра 8 миллион 514 минг 136 овоз ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи Ислоҳ Каримов номзодини, 1 миллион 220 минг 474 сайловчи (12,3%) Салой Мадаминов номзодини ёқлаб овоз берди. Марказий сайлов комиссияси округ комиссиялари мажлис баёнларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 35-моддасига асосан Ислоҳ Абдуганиевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблашга қарор қилди.

И.А. Каримов — Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси ва етакчиси

Жаҳон цивилизациясида алоҳида ўрин тутаётган, кўп асрлик бой тарихга эга Ўзбекистон диёрида бутун дунёга машҳур олимлар, давлат арбоблари етишиб чиққан. Буюк халқ, буюк эл буюк зотларни яратди.

Халқимизнинг кўп йиллар давомида олиб борган матонатли кураши натижасида қарор топган мустақил Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган одил, ҳаққоний демократик жамият қуриш стихияли (кўр-кўрона) равишда эмас, балки жаҳон тараққиётининг, чунончи, буюк заминимизда яратилган тарихий тажрибаларга, ғояларга, маърифий-илмий тараққиётга амал қилган ҳолда рўёбга чиқди.

Ўзбекистон мустақиллик томон йўл тутар экан, 1989 йилнинг ёз ойлари ва 1990 йил баҳорида Ўзбекистон ҳаётида унинг раҳбарлигида бурилиш даври бўлди. Худди шу пайтларда ўзбек халқининг тақдирини ҳал қиладиган тараққиёт йўллари ишлаб чиқилди. Хусусан, тенг ҳуқуқли мустақил Ўзбекистоннинг инсон манфаатини ҳимоя қилиш устувор вазифа деб мақсад қўйган демократик йўлда ривожланиши бош стратегик йўналиш, дея белгиланди. Ана шу йўлнинг бошида, 1989 йил июнидан Ўзбекистоннинг раҳбари, 1990 йил мартидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти сифатида Ислоом Абдуғаниевич Каримов турди.

Советларнинг кучи тутаётган ва аламини кимдан олишини билмай турган бир пайтда коммунистик мафкура ва амалиётнинг ҳаётга зид томонларини икки-чикиригача тушуниб етган ва дадил ошқора қила биладиган жасоратли, довюрак И. Каримов ўша чириб бораётган тизим учун «иттифоқчи республикаларда энг хавфли» шахсга айланди.

Асрларга тенг шу қисқа вақтда эришилган ютуқлар: мамлакатда ўрнатилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик, тарихий, миллий ва диний қадриятларимизнинг тикланиши жамиятда ўрнатилган осойишталикни, мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамжамиятда тутган ўрнининг ортиб боришини бутун халқимиз, жаҳоннинг йирик давлат арбоблари Ислоом Каримов номи билан боғлайдилар.

Дунё мамлакатларида янги жамият қуришининг «Ўзбек моделига» унинг асосчиси ва етакчиси Ислоом Абдуғаниевич Каримовнинг сиёсий чизмасига қизиқиш

ортиб бормоқда. Америка Қўшма Штатларида чиқадиган нуфузли «Новое русское слово» ҳафтаномаси (қаранг: «Московские новости», 4-сон, 1993 йил 10 октябрь) Ўзбекистон Президенти И. Каримовни Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг кўп раҳбарларига намуна қилиб кўрсатади ва БМТ Хавфсизлик кенгашига мурожаат қилиб, Ўзбекистон Президентининг ижтимоий-сиёсий фаолиятига эътибор беришга ва унинг тажрибаси билан нотинч мамлакатларнинг давлат раҳбарларини таништиришга чақиради. 1996 йили Венада (Австрия) «XX аср халқлари доҳийлари» номида чоп этилган китобларнинг бир жилди Ўзбекистон Президентига бағишланган. Китоб муаллифлари «... Ислом Каримов коммунизмдан кейинги Ўрта Осиё минтақасидаги энг буюк давлат арбобидир», деб тан беради.

Ислом Каримовнинг ҳар бир асари, маъруза ва мақолалари бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуришнинг ғоявий-назарий асосларини, амалий ишларининг кундалик дастурини ташкил қилади.

Ғарб ва Шарқнинг ривожланган мамлакалари асрлар давомидаги тараққиёт йўлларини, Ўзбек давлатчилигининг минг йиллар давомидаги тарихий тажрибасини ўрганган ҳолда яратилган И.А. Каримов асарларида мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий тараққиётининг муҳим йўналишлари, янги жамият қуришнинг бутун дунёда тан олинган асосий тамойиллари тўғрисида таълимот яратилди.

Истиқлолнинг дастлабки босқичида ёруқча чиққан «Ўзбекистоннинг ўз мустақил ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» ва бошқа бир қанча асарлари ва нутқларида баён этилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг биринчи навбатдаги вазифалари кейинчалик ғоят муҳим аҳамият касб этган «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Демократик

ислохотларни чуқурлаштириш вазифалари» ва бошқа асарларида ўз ривожини топди.

Ўзбекистоннинг яқин ўтмишида ва XX асрнинг сўнгги ўн йилида босиб ўтган йўллари, уларнинг сабоқлари, XXI асрда республика истиқлолини мустақамлашнинг стратегик вазифаларининг асосий йўналишлари И.А. Каримовнинг бир қанча хорижий мамлакатларда босилиб чиққан «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» асарлари ва иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги (22 январ 2000 йил) нутқида баён этиб берилди.

Ислом Каримов донолигининг яна бир кўриниши бозор муносабатларига ўтиш ва демократик жамият қуриш жараёнида маънавий-маърифий, ғоявий ва мафкуравий ишларнинг юксак аҳамиятини таъкидлаб кўрсатганлигидадир.

Ғарбнинг тараққий этган демократик мамлакатларида, совет империяси парчалангандан кейин вужудга келган ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳеч бирида юксак маънавиятли инсонни тарбиялаш ишларига муҳим вазафалардан деб қаралмаган. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб И.А. Каримовнинг ҳар бир маъруза, нутқ ва асарларида бозор муносабатларига ўтиш даврида инсоннинг бойиш учун бўлган табиий ҳаракатлари унинг моддий ва маънавий қашшоқланишига олиб келмаслиги, юксак маънавиятли, эътиқоди кучли шахсни шакллантириш янги жамият қуришнинг зарурий шarti эканлиги кўп мартаба таққослаб кўрсатилади.

Истиқлол шароитида одил демократик жамият қуриш вазифаларининг ортиб бориши, халқаро экстремистик, диний ақидапарастлик ҳаракатларнинг мустақиллигимизга таҳдидини ҳисобга олиб, Ислом Каримов жамиятшунос олимлар билан учрашувида (апрел 2000 й.), газета ва журналлар муҳбирларининг саволларига жавобларида (феврал 1998 й., август 1998 й., июн 2000 й.) миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини

ишлаб чиқиш ва уларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, айниқса ёшларимиз онгига сингдириш зарурати бу мураккаб, лекин муҳим ишларнинг йўллари ва усулларига эътиборини кучайтирди.

И.А. Каримов истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб таълим-тарбия соҳасида туб ўзгаришлар яратишга, янги жамият қуриш талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласига катта аҳамият берди. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурига илғор тараққий этган мамлакатлар жамоатчилиги томонидан юксак баҳо берилмоқда. М. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг ректори академик В. Садовничий Ўзбекистонда янги авлод тарбияси, таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар россиялик олимлар, таълим соҳаси мутахассислари томонидан юксак баҳоланаётганини таъкидлайди. «Биз сизни келажак авлод учун катта гамхўрликлар қилаётган давлат раҳбари сифатида алоҳида хурмат қиламиз», дейди у Ўзбекистон Президентига мурожаат қилиб. И.А. Каримовга дунёнинг энг илғор илм-фан, маданият ва сиёсат арбоблари қаторида жаҳоннинг энг йирик ўқув юртларидан бўлган Москва Давлат университетининг фахрий профессори унвони берилди.

Ўзбекистон республикасининг қисқа вақт ичида таълим-тарбия, маданият ва спорт соҳасида эришган катта ютуқларини ҳисобга олиб И.А. Каримовга ЮНЕСКО «Олтин медали», Халқаро Олимпия комитети томонидан «Олтин медал» топширилиши, Россия Федерацияси Олий педагогика академиясига фахрий аъзо этиб сайланиши бежиз бўлмасдан, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ва муваффақиятли амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг дунё миқёсида тан олинганлигининг белгисидир.

И.А. Каримов янги жамият қуришда миллий, диний кадрларимизни тиклаш ишларига, шу мақсадда

Ватанимиз тарихини холисона, ҳаққоний яратишга жамиятшунос олимларнинг эътиборини жалб қилди. Президентимиз истиқлолнинг дастлабки кунларида (1992 йил, январ) «Тарихга, меросимизга бўлган муносабат тубдан ўзгартирилиши лозим, янги дарсликлардан тортиб оддий китобларгача — ҳаммасига ҳақиқат ёзилиши шарт», деб аниқ вазифа қўйди.

Ватанимиз тарихини ўрганиш, унинг янги келажак авлодни тарбиялашдаги тугган ўрни, аҳамияти масалалари И.А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (1998 йил, август) номли асарида кенг баён этиб берилди. Юртбошимиз ҳаққоний тарих миллатнинг ўзлигини англашнинг пойдевори, маънавий-мафкуравий, ғоявий-сиёсий ишларимизнинг ҳақиқий манбаи эканлигини қайта-қайта таққослаб кўрсатади. Президентимиз ҳар бир «сиёсатчидан, арбобдан деган одам, агар виждони бўлса, ўз халқининг тарихий ўтмишини билиши шарт», дея вазифани кескин қўйди.

Ўтиш даврининг мураккаб вазифалари, қарама-қаршиликлари давлат раҳбаридан бошқарувнинг ҳар хил усуллари, керак бўлса қат'иққўллиқни талаб қилади. Президент Ислам Каримов шундай вазиятда халқ манфаатига маъқул келадиган ҳар хил усуллардан фойдаланиб мамлакатни бошқармоқда.

1992 йил Россиянинг «Комсомольская правда» газетаси муҳбири: «Мухолифларингиз сизни тоталитаризмда айблаб танқид қилмоқда», деса унга жавобан И.А. Каримов: «Ҳа, мен буни яхши биламан. Мухолифларим мени диктатор қилиб кўрсатишни жуда хоҳлайдилар. Тан оламан, эҳтимол менинг ҳаракатимда авторитаризм нишонлари бордир. Аммо мен буни фақат бир нарса билан изоҳлайман: тарихнинг муайян давларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса, бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида ҳар ҳолда кучли ҳокимият зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршилиқка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқароларнинг тотувлиги,

тинчилиги ва барқарорлигини сақлаш учун шундай бўлиши зарур. Бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман», деб жавоб берган эди.

Ўзбекистон халқининг истиқлол йилларида эришган энг катта ютуғи — мамлакатда ўрнатилган тинчлик, барқарорлик, тартиб-интизомдир. Республика аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (97,5 фоизи) бундай шароитга бевосита И.А. Каримовнинг етакчилигида эришилди, деб ҳисоблайди.

Ўзбек халқи 2000 йил 9 январда бўлиб ўтган Президент сайловида ўзининг Ислом Каримовга нисбатан чуқур ҳурмати ва эҳтиромини изҳор қилди. Сайловчиларнинг 91,9 фоизи Ислом Каримовга овоз бериб, яна бир карра давлат раҳбари этиб сайлади.

И.А. Каримов янги даврнинг жаҳон миқёсидаги давлат арбоби, Ўзбекистон халқининг буюк йўлбошчиси сифатида мамлакатнинггина эмас, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг ҳам қатор нишонлари ва фахрий унвонлари билан тақдирланди.

§ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қурилишининг конституциявий ва ҳуқуқий асосларини яратиш ва юксак тараққиётимизнинг кафолати ролини муваффақиятли бажармоқда.

Мустақиллик томон қўйилган дастлабки қадамлардан бири — бўлажак суверен республиканинг Конституциясини тайёрлаш гоёси И.А. Каримов томонидан 1990 йилнинг март ойида илгари сурилди. Кўп ўтмай шу йилнинг июн ойида Олий Кенгашнинг иккинчи сессиясида республика Президенти раҳбарлигида 64 кишидан иборат Конституциявий Комиссия тузилди.

Комиссия Конституция лойиҳасини тайёрлаш жараёнида халқаро ҳуқуқ қоидаларига, Бирлашган миллатлар ташкилотининг ҳужжатларига, Бутунжаҳон

инсон ҳуқуқлари Декларациясига амал қилди. Дунёнинг кўпгина тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатларининг конституциявий ҳужжатлари ўрганиб чиқилди. Шу билан бирга бой тарихимиздаги давлат бошқарув тизими ва адолатли қонуншунослик анъаналари ҳам чуқур ўрганилди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўз моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан совет давридаги Конституциялардан, хусусан, 1978 йилги Ўзбекистон ССР Конституциясидан тубдан фарқ қилиши керак эди. Социалистик Ўзбекистон Конституцияси ўзининг мазмуни, руҳи билан собиқ иттифоқ Конституциясидан келиб чиқиб, Ўзбекистонни бу иттифоққа қўл-оёғи билан занжирбанд этди. Синфийлик, партиявийлик ғоялари билан суғорилган Конституция ғоят даражада мафкуралаштирилди ва сиёсийлаштирилди. Инсон манфаатларига нисбатан давлат манфаатлари устун қўйилди.

Мустақиллик Конституцияси лойиҳасида Ўзбекистонда юз берган тарихий ўзгаришлар ҳисобга олинди. Хусусан, Ўзбекистон мустақиллигини қонунлаштириш, иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтишнинг шартлари, давлат ва жамият қурилишида демократик тизимнинг тамойиллари, инсон ҳуқуқининг устуворлиги ифодасини топди. Конституцияда баён этиладиган масалаларни бирма-бир ўрганиб чиқиш учун 35 кишидан иборат ишчи гуруҳ ва ҳар бир бўлимни алоҳида тайёрлайдиган кичик гуруҳлардан иборат комиссиялар ташкил этилди.

Ишчи гуруҳ ва комиссиялар 1991 йилнинг октябрида Конституциянинг биринчи, 1992 йил баҳорида иккинчи нусхасини тайёрлади ва шу нусхаси 1992 йилнинг 26 сентябрида умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Жойлардан тушган минглаб таклифлар ўрганиб чиқилиб, ноябр ойида иккинчи марта матбуотда босиб чиқилди.

Тузатишлар ва аниқлашлардан кейин мустақил Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни 1992

йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ XI сессиясида қабул қилинди.

Мустақиллик Конституцияси муқаддима, олти бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат бўлди. Биринчи бўлимда Конституциянинг асосий принциплари баён этилиб, унда Давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги, ташқи сиёсатнинг бош йўналишлари ўз ифодасини топди. Асосий Қонуннинг иккинчи бўлими 35 моддадан иборат бўлиб, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Бунда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги, Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилганлиги, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари, виждон эркинлиги ва унинг кафолатланиши ёритилган. Инсоннинг давлат ва жамият ишларини бошқаришга бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали қатнашишлари, сиёсий партиялар ва ҳаракатларга қўшилиш ҳуқуқлари таъкидлаб кўрсатилган.

Асосий Қонунда фуқароларнинг мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, нафақа олиш, ўз вақтида дам олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш ҳуқуқларига эга эканлиги аниқ қилиб баён этилган ва бу ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат томонидан таъминланади, деб таъкидлаб қўйилган. Барча фуқаролар учун Конституцияда белгилаб қўйилган бурчлар, чунончи, қонунларга риоя қилиш, халқимизнинг тарихий, маънавий меросларини авайлаб сақлаш, атроф табиий муҳитни асраш, солиқлар ва маҳаллий йиғимларни ўз вақтида тўлаш, Ватанни ҳимоя қилиш каби бурчлар мажбурий эканлиги таъкидланган.

Конституциянинг «Жамият ва шахс» бўлимида Ўзбекистон иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланиши, унинг негизини хилма-хил мулк шаклларининг тенг ҳуқуққа эга эканлигига кафолат

берилди. Ишбилармонлик, тadbиркорлик ва ташаббускорлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилди ва мулкдорлар табақасини вужудга келтириш тамойиллари ишлаб чиқилди. Жамият ижтимоий бирлашмалари, оила ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни аниқ баён этиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши, Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатларига махсус тўртинчи бўлим ажратилган.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши бешинчи бўлимда (50-модда) ўз ифодасини топган. Давлат ва ҳокимият органлари, Президент, Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, уларни шакллантириш йўллари аниқ ва равшан баён этилган. Шу билан бирга бу бўлимда маҳаллий ҳокимият органлари, суд ва прокуратура, давлат мудофаа масалалари ўз ифодасини топган.

Мустақиллик Конституциясининг қабул қилиниши фоят катта сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга эга бўлди. Асосий Қонунимиз мамлакатда демократик тамойилларни амалга ошириш, халқимизни ҳуқуқий, маънавий ва мафкуравий тарбиялашда катта ўрин тутмоқда.

Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишига асосан Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтириш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш учун 20 кишидан иборат махсус комиссия тузилди. Президентимизнинг Асосий Қонунни «... болалар боғчасидан бошлаб ўрганишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларга топшириқ тариқасидаги...» кўрсатмаси бутун республикада мустақиллик Конституциясини ташвиқот ва тарғибот қилишнинг дастури бўлди.

18-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТ АСОСЛАРИНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ

Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли.
Сиёсий ислохотлар

Ўзбек халқининг кўп асрлик орзу-умидлари ифодаси бўлган мустақилликнинг асосий хусусияти миллий, умуминсоний қадриятларни таъминлайдиган ҳуқуқий-демократик давлат қуриш эди.

Мустақиллик йиллари миллий давлатчилик асосларини қуриш йиллари бўлди. Ўтган йиллар кўҳна тарихимизни теран ҳис қилиш, ҳозирги жаҳон жараёнида ўз ўрнимизни эгаллаш даври бўлди. Бу даврда биз ўзигимизни англаб, тарихий йўлимизни узил-кесил танлаб олдик.

Мустақил Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов тарихий анъаналарга, дунё тажрибаларига, ўлканинг ўзига хос томонларига таянган ҳолда жамиятни сиёсий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш йўлларини ишлаб чиқди. Бу жараёнда иккита бош вазифа:

1. Эски маъмурий тизимни тугатиш ва ҳокимият бошқарув органларини қайта қуриш;

2. Янги давлатчиликнинг ҳуқуқий ва сиёсий асосларини яратиш, давлатчиликда янги марказий ва маҳаллий бошқарув тизимини шакллантириш масалаларини ҳал қилишдан иборатдир.

Жамиятда қонунийликнинг галаба қилиши, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва бошқа ҳуқуқларини ҳимояси учун ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи ҳақли равишда амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг II-моддасида ҳокимиятнинг бўлиниши тамойили конституция даражасида мустаҳкамланди.

Давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришнинг йўлларини кўрсатиб берар экан, Президент И.А. Каримов энг аввало, бу вазифа ҳокимият барча тармоқларининг бир-бирдан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлашга боғлиқлигини уқтиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий ҳолати Конституциянинг V бўлим XVIII бобида ва 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги Қонунда белгиланган. Бу қонунларга кўра, Олий Мажлис Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Собиқ иттифоқдан қолган қонунларни ўзгартириш, мамлакат ҳаёти учун зарур ўзгартиришларни амалга ошириш, демократик тамойиллар асосида Олий Мажлисни шакллантириш учун 1994 йил 25 декабрда сайловлар белгиланди.

1993 йилнинг 28 декабрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонунга кўра республика парламентида сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси I чақириқ Олий Мажлисига сайлов республикамиз сиёсий ҳаётида улкан ютуқ бўлиб, бунда 250 депутатдан иборат Олий Мажлис — янги Парламент демократик ва кўппартиявийлик асосида тузилди.

Олий Мажлис фаолиятини эркинлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II чақириқ VII сессиясида икки палатали парламент тузиш тўғрисида умумхалқ референдуми ўтказишга қарор қилинди. Шу асосда 2002 йил 27 январда ўтган умумхалқ референдумида қатнашган фуқароларнинг 93,65 фоизи парламентни икки палатадан тузилишини қўллаб-қувватлади.

1995 йил 23-24 февралда чақирилган биринчи сессияда Ўзбекистон парламенти ҳокимият вакиллик органларидан сайланган 120 кишидан иборат депутатлар блокани, 69 депутатдан таркиб топган Халқ Демократик партияси фракциясини, 47 депутатни уюштирган «Адолат» социал-демократик фракциясини, 14 депутат иштирокида «Ватан тараққиёти» партияси фракциясини рўйхатга олди. Олий Мажлис

сессияларида ва унинг қўмиталарида олиб борилаётган ишлар асосан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётини юқори босқичга кўтариш, қонунчиликнинг сифат даражасини юксалтиришга қаратилган. Қонунлар қабул қилинмасдан олдин умумхалқ муҳокамасига тақдим қилиниши ислохотларни амалга оширишга ижобий таъсир қилди.

1997 йил апрелда Олий Мажлис таркибида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ташкил қилинганлиги ҳақида қарор қабул қилинди.

Омбудсман жаҳондаги 85 дан ортиқ мамлакатда бўлиб, унинг ҳуқуқий ҳолатини аниқ, равшан белгилаб берувчи конституциявий қонун Марказий Осиё давлатларида биринчи ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ушбу қонунда «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахслар, ташкилотлар ва давлат органларининг инсон ҳуқуқи, эрки ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида фаолият кўрсатади», деб таъкидланган.

Вакил Олий Мажлиснинг ёрдамчи институти бўлиб, у ижтимоий манфаатларнинг мувозанатига, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича энг мақбул давлат тизими яратилишига кўмаклашади. Қонун омбудсман институтининг умумий концепцияси ва жаҳон амалиётининг уйғунлашган шакли сифатида инсон ҳуқуқлари вакили фаолиятининг асосий қондаси-қонунийлик, ошқоралик, адолатпарварлик, инсонпарварлик, ҳар бир киши учун очиқлик эканлигини тасдиқлайди.

Омбудсман фуқароларнинг ариза ва мурожаатларини кўриб чиқишда, зарур ахборотни талаб қилиб олишда мансабдор шахслар ва давлат органлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Қонун қабул қилингунга қадар ҳам Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил мамлакат Конституцияси доирасида фаолият кўрсатиб келди. Жумладан, биргина 1996 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ҳамда

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия аъзолари 700 дан ортиқ мурожаатни кўриб чиқди. Ана шундай аризаларнинг тегишли қисмидаги далиллар ўз тасдиғини топган ва зарур чоралар кўрилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг Женевада бўлиб ўтган 52-сессиясининг мажлисида қатнашди ва сўзга чиқди. Чет элларга хизмат сафари давомида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил БМТ семинарида, БМТнинг Шарқий Европа ва МДХ мамлакатларидаги вакилларининг минтақавий учрашувида сўзга чиқди. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг бир қатор кенгашлари ҳамда семинарлари ишида қатнашди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ҳуқуқий, инсон-парварлик, демократик ва фуқаролик жамият қурилиши учун мустақкам пойдевор қўйилди.

Олий Мажлис «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тўғрисида», «Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида», «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида» Қонунлар, Меҳнат кодекси (1995), Фуқаролик кодекси» (1996) (биринчи ва иккинчи қисмлари) каби кўплаб қонун ва қарорлар қабул қилди.

1999 йил 5 ва 19 декабр кунлари Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисига сайловлар бўлиб, сайланган депутатлардан Ўзбекистон Парламентининг янги таркиби шаклланди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан

келиб чиқадиган «2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворлик жиҳатлари тўғрисида»ги ҳужжатни тасдиқлади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида (2000 йил 14 декабр) Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатида: «Янги аср мамлакат учун янгилашни ва тараққиёт даврига айланишига ишонамиз. Шу боисдан ҳам мустақил юртимизнинг ёруғ истиқболи учун барчамиз ҳамжиҳат бўлиб курашайлик. Мақсадимиз — Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва келажак авлоднинг бахт-саодатидир», дейилган.

Мустақилликнинг таянч нуқталаридан бири президентлик бошқарувининг жорий қилиниши бўлди. Бу билан давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими шакллана бошладики, президентлик бошқаруви шу тизимнинг ўзигидир.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистонда президентлик лавозимига умумхалқ сайлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақиллик томон йўл тутар экан, биринчи кунларидан бошлаб унинг бошида Ислом Абдуганиевич Каримов турибди.

Мамлакатимизда барча соҳани қамраб олган кенг миқёсли ислохотларни узлуксиз давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 26 мартда Президент И. Каримовнинг ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш юзасидан умумхалқ референдумини ўтказишга қарор қилди. 2000 йил 11 январда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида 2000 йил 9 январ куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари тасдиқланди. Шу куни Фидокорлар миллий демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Ислом Каримов учун 11 миллион 147 минг 621 сайловчи ёки сайловчиларнинг 91,90 фоизи овоз берди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди

кўрсатилган Абдулҳафиз Жалолов учун 505) минг 161 сайловчи ёки 4,17 фоиз сайловчи овоз берди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилди.

Амалдаги Конституцияда Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи қилиб белгиланиши ижро этувчи ҳокимиятни кучайтиришга қаратилган тадбир, деб айтиш мумкин. Мамлакатимизнинг ижро этувчи ҳокимиятининг таркиби Президент томонидан тайинланиб, Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистонда президентлик институти ўрнатилган дастлабки даврда вазирлар кенгаши ҳукумат сифатидаги ҳуқуқий мақомини ва ваколатларини сақлаб қолган эди. Унинг 1990 йил 30 мартда Олий Кенгаш тасдиқлаган янги таркиби 41 киши, яъни Раис, Бош вазир, унинг икки биринчи ўринбосари, тўрт ўринбосар, 19 вазир, 14 давлат қўмитаси раисидан иборат эди. Республикада демократик жамият куриш борасида бошқарув идоралари фаолияти такомиллаштирилиб борилди. 1995 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II сессияси бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тўғрисидаги Президентнинг Фармонини тасдиқлаш масаласи кўрилди ва сессияда Вазирлар Маҳкамасининг 35 кишидан иборат янги таркиби тасдиқланди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси иккинчи йиғилишида (2000 й. 11 феврал) мамлакатимиз Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов янги ҳукуматнинг масъулиятли фаолиятини қуйидагича баён қилди:

«Ватанзимиз ўз тараққиёти йўлида янги уфқлар ва янги мақсадларга интилаётган бир пайтда, жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларини янги босқичга кўтариш, яъни ҳаётимизни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш даврида бу жавобгарлик ниҳоятда ортади.

Бу лавозимларга тавсия этилаётган номзодлар бир ҳақиқатни чуқур англаб, ўз онгидан, юрагидан ўтказишлари керакки,— дейди И.А. Каримов,— одамларимизнинг эртанги ҳаётдан кутаётган орзумидларининг рўёбга чиқиши, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги бу раҳбарларнинг ўз вазифасини ҳалол ва малакали бажаришига, қолаверса, фидойилигига кўп жиҳатдан боғлиқ».

Бошқарув тизимининг бошқа бўғинлари ҳам бозор иқтисодининг Ўзбекистонга хос йўлига мослаштирилди.

1991 йил 6 сентябрида республика мустақиллиги ҳамда ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш мақсадида Мудофаа ишлари вазирлиги тузилди. Шу мақсадларни кўзлаб унинг таркибида 1992 йил январ ойида Ўзбекистон Республикаси миллий гвардия бригадаси барпо этиш лозим, деб топилди. 1992 йил июлида у Мудофаа Вазирлигига бўйсундирилди.

Мустақил Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан шуғулланувчи давлат идоралари тизимида тубдан ўзгаришлар амалга оширилди. Мамлакатда 1990 йил декабрида Давлат режа қўмитаси Иқтисод комиссиясига айлантирилди. 1992 йил 5 августидан эса ушбу қўмита ва статистика давлат қўмитаси негизда Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси ҳамда жойларда унинг тегишли идоралари барпо этилди. 1997 йилдан ушбу қўмита Макроиқтисодиёт Вазирлигига айлантирилди.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг янги усули сифатида концернлар вужудга келтирилди. Бу аввало, иқтисодий мустақиллик ва бозор иқтисодига ўтиш зарурияти билан боғлиқ бўлди. «Ўздонмахсулот»,

«Ўзбекнефтгаз» ва бошқа кўплаб концернлар шулар жумласидандир. 1991 йил 7 сентябрида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил қилинди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шундай хулоса келиб чиқадики, собиқ иттифоқ манфаатларини биринчи галда қондирувчи идоралар тугатилиб, янги шаклдаги кўмиталар, концернлар ва вазирликлар ташкил этилди. Бу билан янгича иқтисодий муносабатлар шароитида ўз миллий тараққиётига мос, ватан мустақиллигини мустаҳкамловчи бошқарув тизими вужудга келтирилди.

Ўзбекистонда давлат бошқарувини тўлиқ монополия қилишдан чекланиш ва фуқаролик жамиятини вужудга келтириш, аҳоли турли табақаларининг ҳокимият тизимида иштирок этишини таъминлашнинг яна бир йўли маҳаллий давлат ҳокимиятларини шакллантириш эканлиги эътироф этилди.

1990-1992 йиллари Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилингунича бўлган даврда маҳаллий ҳокимият органлари тизимини шакллантириш ва иш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида бир неча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Булар орасида 1992 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисида»ги Қонун алоҳида аҳамият касб этди. Бу қонун асосида маҳаллий ҳокимият органлари тизимида бутунлай янги орган — ҳокимлик ва ҳоким лавозими таъсис этилди ва унинг вакиллик органларига бошчилик қилиши тамойиллари белгилаб қўйилди.

Ижро этувчи ҳокимият органларида боғлиқликни кучайтириш мақсадида, вилоятлар ҳокимлари Ўзбекистон Президенти томонидан, туман ва шаҳар ҳокимлари вилоят ҳокими томонидан лавозимига тайинланиши ва лавозимидан озод қилиниши ҳамда бу масалалар тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланиши тартиблари белгиланди. Партия органларининг қарамлигига тушиб қолган ижро органлари — ижроия комитетлари тугатилди.

Ҳокимларнинг ҳуқуқий ваколатининг асоси, аввало, Конституциянинг 99 ва 102-моддалари ва юқорида тилга олинган қонуннинг 1- моддасида белгиланган.

Конституция ва қонун нормаларини умумлаш- тирсак, ҳоким тегишли ҳудудда вакиллик ҳокимиятига ҳам, ижро ҳокимиятига ҳам бошчилик қилади ва айни пайтда шу ердаги мансабдор шахс ҳисобланади.

Ҳокимлар маҳаллий ҳокимиятни бошқарар эканлар, улар Ўзбекистон Республикаси Президенти бошқара- диган яхлит ижро ҳокимият органлари тизими таркибига киради.

Шунингдек, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғри- сида»ги Қонун (1993 йил сентябр), «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги Қонун (1994 йил май) каби ҳужжатлар муҳим ўрин эгаллайдики, улар кучли фуқаролик жамиятини барпо этишини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамият асосларининг яратилиши

Мамлакатимиз янги асрга кирар экан, жамиятда сиёсий, демократик ислохотларни чуқурлаштиришда янги, юқори босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида (1999 йил 14 апрел) Ўзбекистоннинг XXI асрдаги тараққиёт стратегиясининг асосий йўналишларини кўрсатиб берди. Шулардан биринчи устувор йўналиш — мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириши.

Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида:

— авваламбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур;

— демократиянинг энг муҳим тамойили — одам- ларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин

ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим.

Давлат қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги вазифалар ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат.

Фуқаролик жамияти қуришда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига катта умид боғланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов: «Биз фуқаролик жамияти қуришга интиломқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўз-ўзини бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир», дейди.

Ўз-ўзини бошқариш органларини ташкил қилишда, шакллантиришда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу масалани ҳал қилишга миллий анъаналарни, тарихий қадриятларни тиклаш, аҳолининг туб манфаатларига мос келувчи йўлни танлаш нуқтаи назаридан ёндашиш бўлди. Хусусан, ўз-ўзини бошқаришда асосий таянч қилиб маҳаллалар белгиланди. Улар инсон қалбида Ватан туйғусининг шаклланишига, миллий гуруҳнинг вужудга келишида, миллатчилик иллатларидан холи бўлишда катта таъсир кўрсатиб келган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти демократик жараёнларни ривожлантириш имкониятини кучайтирмоқда, бу эса ўз навбатида асосий мақсад — фуқаролик жамиятини қуришга кўмаклашмоқда.

Ўз-ўзини бошқариш муассасалари фаолиятининг кенгайтиши бевосита маҳаллаларнинг мавқеини

кучайтириш билан боғлиқ. Ўз-ўзини бошқариш органлари ёки маҳаллаларнинг вазифаси аҳолининг давлат ва жамият ишларида иштирокини таъминлаш кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок этиш билан чекланиб қолмайди. Уларнинг муҳим вазифаси ҳар бир шахснинг онгини, маънавий камолотини ошириш учун, миллатчилик, маҳаллийчилик каби салбий жиҳатларни йўқотиш учун иш олиб бориш ва миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарга, Ватанга, давлатга ва бошқа фуқароларнинг манфаатига ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялашдир.

Шунингдек, маҳаллаларда «Маҳалла» хайрия жамғармаси ёрдамга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатмоқда. Бу жамғарма 1994 йилда 200 га яқин шахс ва оилага 41 минг 189 сўмлик ёрдам кўрсатган.

Фақат Ўзбекистонга хос бўлган ва айнан маҳалла билан боғлиқ бўлган «Корхона-маҳалла» иқтисодий ҳудудни ташкил қилиш масаласи катта умид уйғотмоқда. 1995 йил давомида республика бўйича шу турдаги 204 та кичик ва хусусий корхона ташкил қилиниб, уларнинг фаолияти орқали 3300 киши иш билан таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январда «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари родини ошириш тўғрисида»ги Фармони ижтимоий ҳимоя соҳасида ўз-ўзини бошқариш органларига янги ваколатлар беришни кўзда тутади: 1) фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ижтимоий родини ошириш; 2) ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш; 3) муҳтож оилаларга аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад кўрсатишни такомиллаштириш.

Давлат томонидан бажариладиган вазифаларни фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказилиши, нодавлат ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш ундаги жамоа руҳи ва табиатини мустақкамлашни, самарадорлигини оширишни талаб

қилади. 1999 йил апрел ойида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири айнан шу мақсадга қаратилган.

Ўзбекистонда маҳалла тимсолида ўз-ўзини бошқарувчи ижтимоий ташкилотларнинг ноёб шакли азалдан мавжуд бўлиб келган. Маҳаллаларда ободончиликка, халқнинг маъмурлигига, эл-юрт фаровонлигига хизмат қиладиган ишлар сони кўпайди. Маҳалла давр ўзгаришларига, талабларига мослаша бошлади. Қадимий ва навқирон маҳалла жонланиб, унга файз кирди.

Ўз-ўзини бошқарувнинг молиявий фаолиятини мустаҳкамловчи чоралардан яна бири — аҳолига комплекс тарздаги савдо, маиший ва маданий хизматлар кўрсатадиган гузарлар фаолиятидир.

Бундай иқтисодий эркинликлар фуқароларда мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислохотларга ишончни мустаҳкамлайди. Шунингдек, ҳар бир шахснинг фикри, овози эътиборга олинishi улар фуқаролик жамияти аъзоси эканлигини ҳис қилишлари учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Олий Мажлис II чақириқ I мажлисида (2000 й. 22 январ) Президент И.А. Каримов «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — лировард мақсадимиз» номли маърузасида ушбу масаланинг долзарблигини шундай уқтиради:

«Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги яқсалиб боргани сари, давлат вазибаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарур.

Бу борада ўзини-ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳаллаларнинг нуфузини ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш йўлидаги ишларимизнинг мазмун-моҳиятини ҳам айнан мана шу масала ташкил этади».

Давлат ҳокимияти тизимига кирувчи ҳокимиятлардан бири суд ҳокимиятидир. Суд ҳокимияти бошқа ҳокимиятлар каби халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қабул қилинган қонунлар асосида ўз ваколатларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида суд тизими қуйдагича: беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар судлари, вилоят ҳўжалик судлари, ҳарбий судлар.

Мазкур судларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонунида баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Шу билан бирга оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган бир гуруҳ шахсларга олдин судланмаганларга, бирон бир жойда ишламасдан, мўмай пул топиш йўлига ўтиб кетганларга нисбатан белгиланган жазоларни қонун кучидан тўла фойдаланилмаган ишларнинг жазо қисмини енгил деб бекор қилиб, оғирроқ жазолашга ўз кўрсатмасини беради.

Республика Олий суди 1994 йилда 149 кишига нисбатан қуйи судлар томонидан тайинланган жазолар оғир деб топилганлиги сабабли ҳукмлар ўзгартирилиб, жазолар қисқартирилган бўлса, 1995 йилда 247 кишига нисбатан жазолар оғир, деб топилди, ҳукмлар ўзгартирилди, 25 шахсга нисбатан жиноий ишлар судланганларнинг ҳаракатида жиноят таркиби йўқлиги сабабли ҳаракатдан тўхтатилди.

Оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун 1994 йилда қуйи судлар томонидан 89 кишига нисбатан белгиланган жазолар енгил, деб топилиб, ҳукмлар бекор қилинган бўлса, 1995 йилда 70 кишига нисбатан қуйи судлар белгилаган жазолар енгил деб, ҳукмлар бекор қилинди ва янгидан суд мажлисида кўриш учун юборилди.

Ўзбекистонда суд тизимини ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятини шакллантиришда ҳам бирмунча ишлар қилинди. Суд тузилиши ва судлов ишларини юргизишга оид барча демократик конституциявий тамойиллар янада ривожлантирилди. 1995 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устида судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Республика ҳўжалик судлари истиқлолнинг сўнгги йилларида фаолиятини аниқ иқтисодий вазифалар билан боғлаб олиб бормоқда. Хусусан, ҳўжалик судлари 1995-2000 йилларда жами 128.000 низоларни кўриб чиққан ва 271,4 млрд. сўм маблағни даъвогарларга ундириб берган. Кейинги 6 йил мобайнида ҳўжалик судларининг қарорлари асосида давлат божи ва жарималар ҳисобидан республика бюджетига 4,3 млрд. сўм маблағ ундирилган.

2000 йилнинг 1-ярмида мазкур тизимда 17.000 дан зиёд иш кўриб чиқилди. Натижада 53,4 млрд. сўмлик ҳажмдаги зарар даъвогарлар фойдасига ундириб берилди. Мамлакат бюджетига 550 млн. сўм тушум туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақирिқ VI сессиясида (2001 йил 29 август) «Адолат қонун устуворлигида» номли маърузасида соғлом жамият учун жиноятчини жазолашдан кўра жиноятнинг олдини олиш муҳим эканлигини уқтириб ўтди. Маърузада

Ўзбекистонни демократия ва тараққиёт йўлидан мустақил ривожлантиришнинг ўтган ўн йил ичида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида содир этилган туб ўзгартиришларнинг муҳимлиги таъкидланиб, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини инсонпарварлик, адолат, ҳуқуқий фуқаролик жамияти принципларига мувофиқ равишда эркинлаштириш масаласига алоҳида эътибор берилди. Давлатимиз раҳбари судлар фаолиятига баҳо бериб, «Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатағон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларни ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда»,—деди. Шунингдек, маърузада суд ҳокимияти тизимидаги камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: «... афсуски, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқарashi ва тафаккури анча қийинчилик билан ўзгараётти. Энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур», дейди. Маърузада Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига киритилаётган ўзгаришлар, масалан, 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятларни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказиш, 12 турдаги жиноятни оғир тоифадан унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, 7 турини эса ўта оғир жиноятлар тоифасидан оғир жиноятлар тоифасига ўтказиш ҳақидаги таклифлар баён қилинди. Шунингдек, иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш

имкониятларини кенгайтириш зарурлиги, бутун жаҳонда муҳокама этилаётган муҳим масалалардан бири – ўлим жазосини жиноий жазо чораси сифатида қолаётганлиги билан боғлиқ муаммолар, қонунчилигимизда жиноий жазо тури сифатида мол-мулкни мусодара қилиш жазосини қўллаш тартибини қайта кўриб чиқиш, вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизимини қайта кўриб чиқиш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини эркинлаштириш ва демократлаштиришда ишларни кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш, жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш муддатларини қисқартириш каби долзарб вазифалар ва таклифлар моҳияти чуқур баён қилиб берилди. Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар жиноий ишларга тааллуқли қонунларни эркинлаштириш ва демократлаштириш сари ташланган муҳим ҳамда масъулиятли қадам эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маърузаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қарорининг 2-бандида шундай дейилади:

«Маърузанинг жиноий жазоларни либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш сари қаратилган йўлни ҳаётга татбиқ этишга доир дастурий ҳулосалари прокуратура, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, судлар фаолияти учун асос қилиб олинсин».

Инсоният тарихида янги давр – Инсон ҳуқуқлари даври бошланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1995-2005 йилларни куррамизда «Инсон ҳуқуқлари ўн йиллиги», деб эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг маърузаларида инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган куйидаги беш стратегик йўналиш белгилаб берилган:

1. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш;

2. Инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;

3. Қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш;

4. Судлов ислоҳотини амалга ошириш йўли билан суд тизимини демократлаштириш;

5. Аҳоли, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтган қисқа давр ичида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида миллий қонунчилик тизимини ташкил этувчи юздан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 40 га яқин халқаро шартномага қўшилди ва уларга бизнинг мамлакатимизда ҳам амал қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча республика аҳолисининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказини тузиш тўғрисида» 1996 йил 31 октябр Фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 29 августда «Жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий дастури»ни тасдиқлади. Дастурда: «Жамият ва давлат тараққиётини ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларини ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар

томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Миллий дастурнинг мақсад аҳамияти аҳолининг барча қатламларини ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишдир», деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида» (1997 йил 25 июн) Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармоннинг 1-бандида шундай дейилади:

«Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилансин».

Республикамизда истиқлол йиллари миллий давлатчиликни барпо этиш борасида собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимига, унинг ҳокимият ва бошқарув органларига барҳам бериш билан бир вақтда давлат ва жамият ҳаётининг янги демократик ҳуқуқий асослари яратилди.

Демократиянинг энг муҳим тамойили одамларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароит, қонуний асос яратишдир. Шу боис мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишни таъминловчи сайлов тизимини шакллантириш ва уни қонун билан мустаҳкамлаш борасида талай ишлар қилинди.

1991 йил ноябрида Парламент «Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Ушбу қонун билан бирга Олий Кенгаш 1991 йилда «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги Қонунни ҳам қабул қилди. 1991 йил 29 декабрида муқобиллик асосида Ўзбекистон тарихида биринчи марта республика президентлигига сайловлар ўтказилди.

Конституциямиз асосида 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва ниҳоят «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунлари ўзбек сайлов қонунчилиги тизими ҳуқуқий асосларини ташкил қилади.

Марказий сайлов комиссияси тўғрисида алоҳида қонун қабул қилинганлиги сайловларни тўғри ташкил қилиш, сайлов қонунларининг тўла ишлашига имконият яратади ва қонунларнинг назорат қилишни кучайтиришда ҳамда сайловларни ташкил этиш ва уни ўтказишда давлат ҳокимияти органларининг ортиқча аралашувини чеклайди.

Сайлов тўғрисидаги қонунларни таҳлил қилсак, унда жаҳон сайлов тажрибасида эришилган энг демократик тартибларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш билан бирга, Ўзбекистон сайлов тизимига хос бўлган хусусиятларнинг ҳам белгиланганлигини кўрамыз. Бу Ўзбекистон сайлов тизимигагина хос хусусиятдир.

Сайлов тизимини ислоҳ қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган сиёсий дастурида асосланиб берилган мақсад томон ҳаракатнинг яна бир муҳим босқичи, деб тушунмоқ керак.

Бизнинг сайлов қонунчилигимиз кўпгина халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар томонидан ўрганилмоқда.

Хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг тегишли экспертлари ҳам Ўзбекистон сайлов қонунчилиги моҳияти демократик эканлигини, унинг сайловларни ташкил этиш соҳаси халқаро ҳуқуқнинг тан олинган тамойилларига мос келишини таъкидлайдилар.

Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси қошидаги илмий-методик кенгаш аъзоларидан бири:

«Мен кейинги йиллар давомида Ўзбекистонда қабул қилинган сайлов тўғрисидаги қонунларни ўрганиб чиқдим. Шунини алоҳида таъкидлашим лозимки, амалдаги сайлов тўғрисидаги қонунларнингиз жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқилган бўлиб, бу қонунлар амалиёти ўз олдига ҳуқуқий давлат барпо этишдек улкан вазифа қўйган давлат учун таянч бўла олади», — дейди.

Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятида фуқаролар ўзларининг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини давлат ва жамият ишларини бажариш, уларни идора этишда фаол қатнашиш орқали амалга оширомоқдалар.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида куппартиявийлик тизимининг вужудга келиши давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органларининг такомиллашишида катта аҳамият касб этмоқда. Истиклол йиллари вужудга келган сиёсий партиялар ўз фаолиятида ўзбек халқининг энг яхши демократик анъаналарига, адолат, эзгулик, тенглик ва инсон эркинлиги каби умуминсоний қадриятлар ҳамда ғояларга, ахлоқийлик ва одамийлик қоидаларига суянади. Улар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабр Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек, ўз дастурларига асосан амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ ва равшан белгилаб берилган.

Кўппартиявийлик демократик тараққиёт йўлида эришган муҳим ютуқлардан биридир.

Биринчидан, демократик фуқаролик жамияти қурилишида сиёсий партиянинг ўрни ва роли мунтазам равишда ортиб боради; иккинчидан, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнида Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этишда кўппартиявийлик тизими муҳим демократик институт ҳисобланади; учинчидан, давлат бош ислохотчи сифатида сиёсий партияларининг фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга; тўртинчидан, сиёсий партияларсиз вакиллик демократиясини тасаввур этиб бўлмайди; бешинчидан, сиёсий партияларнинг ўрни ва мавқеи уларнинг сони ёки вақт билан белгиланмайди; олтинчидан, мамлакатда амалда кўппартиявийлик муҳити қарор топиши янги ғоялар, муқобил таклифлар билан демократик жамият қурилишига хизмат қилиши лозим.

Кўппартиявийлик асосида сайловлар ўтказиш қуйидагиларни билдиради: ҳуқуқий жиҳатдан рўйхатга олинган барча сиёсий партияларнинг сайлов кампаниясида иштирок этиш; Конституция ва қонун талаблари доирасида ўз номзодларини Олий Мажлис депутатлигига кўрсатиш ҳуқуқи ва кафолатли шарт-шароитини яратиш; сиёсий партияларнинг барча даражалардаги сайлов комиссияларининг ишида қатнашиш ҳуқуқи ва кафолатли шарт-шароит яратиш; Олий судга, зарур ҳолларда эса Конституциявий судга Олий Мажлисга сайловлар ҳақидаги Қонуннинг бузилиши фактлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқидир.

Халқ демократик партияси сиёсий партия сифатида мамлакатда биринчилардан бўлиб 1991 йил 1 ноябрда ташкил топди. 440 минг аъзога эга бўлган бу партия I чақириқ Олий Кенгашга 69 депутат сайлади. II чақириқ Олий Мажлисга 48 депутат сайлади. Аъзоларининг сони 2001 йилнинг 1 майига келиб, 557 минг 168 нафарга етди.

Мақсади — Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаронинг миллати, дини, этниқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъи назар моддий ва маънавий баркамол

ҳаёт кечириш учун кенг имконият яратиш, кишиларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати, тинч ҳаёт кечиришини ҳимоя қилиш.

«Ватан тараққиёти» партияси 1992 йил 24 майда ташкил топган бўлиб, 35 минг аъзоси бор эди. I чақириқ Олий Кенгашга 14 депутат сайланди. II чақириқ Олий Мажлисга 20 депутат сайланди.

Мақсади — Ўзбекистон мустақиллигининг иқтисодий-маънавий асосларини барпо этиш, юртимизни жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан бирига айлантириш.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (СДП) 1995 йил 18 февралда ташкил топди ва 30 минг аъзога эга бўлди. Олий Кенгашдаги фракциясига 47 депутат бирлашди. «Адолат» СДПнинг ҳозирда 33 минг аъзоси бўлиб, улардан II чақириқ Олий Мажлисга 11 депутат сайланди.

Мақсади — мустақил Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, жамиятда ижтимоий адолатни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини, юксак маънавият ва маърифатни қарор топтиришга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси 1995 йил 3 июнда ташкил топди. МТДП аъзоларининг сони дастлаб 6 мингга бўлиб, ҳозирда 11 мингдан ошди. II чақириқ Олий Мажлисга бу партиядан 10 киши депутатликка сайланди.

Мақсади — миллий манфаатлар заминидagi янги ўзбек давлатининг асосларини яратиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш, Ўзбекистонни жаҳоннинг етакчи давлатлари сафига олиб кириш учун халқни сафарбар қилиш.

Фидокорлар миллий демократик партияси 1998 йил 28 декабрда ташкил топди. Унинг 20 минг 500 аъзоси бўлиб, II чақириқ Олий Мажлис депутатларининг 34

нафари Фидокорлар миллий демократик партиясига мансуб аъзолардир. ФМДП билан «Ватан тараққиёти» партиясига 2000 йилнинг 14 апрелида бирлашди ва 54 депутат Олий Мажлисида Фидокорлар миллий демократик партиясига фракциясини тузди.

Мақсади — эркин бозор иқтисодига суянган очиқ, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш, эл-юрт ҳаёт даражасини тараққий топган давлатлар ва халқлар даражасига кўтариш, жаҳон ҳамжамиятида давлатимиз ва жамиятимизнинг ўзига муносиб ўрин эгаллашига амалий ҳисса қўиши.

Ўзбекистонда «Халқ бирлиги» ҳаракати ҳам 1995 йил июндан фаолият кўрсатмоқда.

Ҳаракатнинг асосий мақсади — кўп миллатли мамлакатда халқлар бирлигини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва кафолатларини тўла-тўқис амалга ошириш ва фуқаролик, ватанпарварлик туйғуларини ривожлантиришдан иборат.

Мустақиллик йилларида шаклланган ушбу партияларнинг дастурларида соғлом муҳолифатчилик кўринмайдиган. Фақатгина Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясига дастурида жамиятда учраб турган айрим қонунсизликлар, суистеъмолчилик, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, ақидапарастлик иллатларига нисбатан муҳолифатда бўлиши таъкидланган, холос.

Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш вазифалари кўндаланг бўлиб турган бугунги кунда партиялар ўз ўринларини аниқ топмоқдалар.

Шу нуқтаи назардан ёндашганда ҳаракат дастурларида ўзаро яқинлик бўлганлиги сабабли ҳамда демократик жараёнларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда «Ватан тараққиёти» партиясига билан ФМДПнинг ўзаро бирлашиши ҳам шу руҳни ўзида акс эттиради.

Мустақиллик йилларида республикамизда жамоат ташкилотларининг сафлари ошиб, имкониятлари кенгайди.

Мустақилликнинг дастлабки беш йилида жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар сони 1500 тага кўпайиб, уларнинг сони 2300 тага етди. Улар фақат аҳоли фикрларининг турли кўринишларини ифода этиб қолмасдан, одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон қасаба уюшмалари 7,5 миллион аъзони бирлаштириб, жамиятда туб ислохотларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси 1991 йил 1 мартда ташкил топди. Мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик жараёнларда аёлларнинг фаол иштирок этиши, хотин-қизларни маънавий-маърифий тарбиялашда муҳим рол ўйнамоқда.

Шунингдек, «Нуроний», «Устоз», «Улугбек», «Умид», «Хотира» ва шу каби кўплаб жамғармалар нодавлат ташкилотлар сифатида республикаимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда катта ҳиссаларини кўшмоқдалар.

2001 йилнинг 24 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов «Камолот» жамғармаси фаолларини қабул қилди ва ёшларнинг бу ташкилотининг мустақиллик давридаги ролини ошириш вазифасини қўйди ва «Камолот» жамғармаси ёшларнинг ҳақиқий етакчиси, уюштирувчиси ва бошқарувчи оммавий ташкилотга айланишини зарур, деб топди.

2001 йилнинг 25 апрелида Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида Республика ёшлари вакилларининг биринчи қурултойида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тузилди. Қурултойда ижтимоий ҳаракатнинг низоми ва дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан буён Республика Президенти ва ҳукумати томонидан чуқур ўйланган миллий сиёсат амалга оширилмоқда.

Давлат умуммиллий сиёсатига миллий сиёсатдан ташқари иқтисодий ва ижтимоий, илмий-техника, таълим ва соғлиқни сақлаш, халқаро муносабатлар

(ташқи сиёсат), миллий хавфсизлик ва бошқа сиёсатлар киради.

Ўзбекистон умуммиллий сиёсатининг катта тизимида миллий аҳоли сиёсати алоҳида ўрин эгаллайди. Бу сиёсат диққат-марказида миллатидан қатъи назар инсон туради. Бунда миллий аҳоли сиёсати республика аҳолисига хос сифат кўрсаткичларини яхшилашни кўзда тутди.

Ўзбекистон полиэтник, яъни кўп элатли давлат турига мансуб бўлиб, давлатга ўз номини берган миллат — ўзбеклар (1996 йил 1 январ ҳолатига кўра — 76,4%) аҳоли сони бўйича анча кўпчиликни ташкил қилади.

1999 йилга келиб бу мувозанатда қисман ўзгариш бўлди. Мамлакатимизда ўзбеклар аҳолининг деярли 80 фоизини ташкил этса, қолганлар эса кам сонли миллатлар вакиллари.

«Ижтимоий фикр» маркази томонидан республика байналмилал маданий марказ ҳамда миллий маданий марказлари вакиллари иштирокида «Мустақил Ўзбекистонда фуқароларнинг элатлараро ва конфессиялараро муносабатлари» юзасидан 1999 йил 14-18 ноябрда социологик сўров ўтказилди. Унда ўз фаолияти билан 150 мингдан ортиқ кишини ва йирик миллий гуруҳларни қамраб олган 24 та Миллий маданий марказ иштирок этди. Унга кўра қуйидагича асосий хулосалар чиқарилган:

- Ўзбекистондаги барча этник гуруҳлар учун энг асосийси — Ўзбекистонни ўз ватани деб ҳис этишдир;

- турли элатлар ва конфессиялар вакиллари ўзаро ҳурмат, тушуниш ва тўла келишувчанлик муҳитида фаолият кўрсатмоқдалар;

- Ўзбекистон фуқаролари, уларнинг миллатидан қатъи назар, мустақил Ўзбекистондаги элатлараро келишув ва мослашувчанлик феномени — давлатимиздаги барқарорлик ва фуқаролар тинчлигининг энг муҳим факторларидан биридир, деган ягона фикрдалар;

• фуқароларнинг миллатларидан қатъи назар уларнинг ҳуқуқий тенглиги, иқтисодий ва ижтимоий эркинлиги учун давлат томонидан барча шароитлар яратилган;

• туб миллат бошқа этник гуруҳлар билан биргаликда умумижтимоий тафаккурни шакллантириш жараёнларини тезлаштириш ва рағбатлантиришнинг улкан салоҳиятини ташкил этади, юзага келган миллатлараро муносабатлар эса тинчлик ва барқарорликни, ҳар бир оиллага муносиб ҳаётни таъминлаш кафолати бўлиб хизмат қилади;

• келажакда башорат этиш мумкинки, Ўзбекистондаги элатлараро ва конфессиялараро мутаносиблик ўзбек халқининг маънавий янгиланиши ва миллий тафаккурнинг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятнинг янгиланиш ва унинг демократиялашувида кучли тurtки бўлиб хизмат қилади, «республиканинг жаҳон ҳамжамоатчилиги билан интеграцияси учун қулай шароитлар яратади».

Маълумки, дунёдаги барча мамлакатларда оммавий ахборот воситалари етакчи ўрин тутди. Газета ва журналлар, радио ва телевидение воситалари ҳар бир давлатда омма билан ҳокимият ўртасида ўзига хос алоқа воситаси, ошкоралик кўзгуси, ҳақиқат жарчиси бўлиб хизмат қилади. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида етакчи рол ўйнаганлиги учун ҳам уларга тўртинчи ҳокимият тусини бериш оммалашган. Давлат бошқарув органлари демократиянинг муҳим таянчи бўлганлиги учун ҳам оммавий ахборот воситалари билан маслаҳатлашишга, таклифларини эътиборга олишга мажбурдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди», дейилган. Кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситаларининг родини ошириш, эркин-

лигини кўрсатиш, уларнинг халққа садоқат билан хизмат қилиши алоҳида таъкидланади.

Совет тизими барча тоталитар ва авторитар тузумлар каби оммавий ахборот воситаларини муҳим ташвиқот ва тарғибот воситалари ҳисобларди ҳамда матбуотдан, радио ва телевидениедан айнан шу мақсадда — халққа коммунистик мафқурани керакли йўналишда тарғиб ва ташвиқ қилишда фойдаланди.

Оммавий ахборот воситалари мустабид тузумга бўйсунган бўлиб, бир хил фикр, бир хил қараш барча газета ва журналларга хос эди. Бу кишиларимизни фикрий қоқоқ қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимиздаги барча газета ва журналлар, радио ва телевидение воситаларини дунё миқёсига олиб чиқиш учун хизмат қилувчи асосий дастур бўлди.

Ўзбекистонда 2001 йил 1 январгача 390 та газета, 110 та журнал, 2 та ахборот агентлиги, 52 та телестудия, 5 та радиостудия; 3 та телерадиостанциялар каби оммавий ахборот воситалари мавжуд бўлиб, улар эркин фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шахсан ташаббуси ва сарф-ҳаракатлари билан яна икки Қонун: Ўзбекистон Республикасининг «Журналистлик касбини ҳимоя қилиш тўғрисида» ҳамда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар том маънода кўплаб тараққий этган мамлакатларда ҳам мавжуд бўлмаган қонунлардир. Ушбу қонунлар фуқароларнинг ахборот қидириб топиш, олиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқини тўла миқёсда таъминлайдиган ҳуқуқий қурол бўлиб, аҳоли учун ахборот олиш ва етказишнинг бош воситачиси, деб қаралувчи журналистнинг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асосни вужудга келтирди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов оммавий ахборот воситаси тўғрисида I чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг (1996 йил, август) 6-сессиясида шундай деган эди:

«Матбуот, ахборот воситалари демократик ривожланиш учун улкан аҳамиятга эга. Бироқ шуни ҳам эътироф этиш керакки, демократлаштириш жараёнида ҳозирча оммавий ахборот воситасининг фаол роли сезилмаяпти. Улар шу пайтгача ўзларини «тўртинчи ҳокимият» сифатида намоён қилганлари йўқ».

Истиқлол йилларида оммавий ахборот воситалари мансабдорларнинг тўрачилиги, коррупция, мустабидлик ва боқимандалик психологияси йўлида мустаҳкам ғов бўлиб, қонунчиликни рўёбга чиқариш, ислохотларнинг бориши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг хорижий оммавий ахборот воситалари билан алоқа ўрнатиш масаласи ташқи сиёсий фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бирига айланди. Чунки Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қанчалик тез кириб бориши ана шу ахборот воситалари тарқатадиган хабарларининг тўғрилигига боғлиқ.

Айни пайтда шу оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак. Айни вақтда улар жамиятимизнинг демократик кадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим.

1997 йил 27 май куни Миллий матбуот марказида «Журналистларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини ошириш — давр талаби» мавзусида анжуман бўлди.

Матбуот, радио ва телевидение сиёсатга таъсир кўрсатиш, сиёсий жараёнларнинг таркибий қисмига ҳамда миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини кенг

халқ оmmasига етказишнинг, жамиятни демократиялаштиришнинг ўткир куралига айлантириши лозим. Шундагина тўла маънодаги тўртинчи ҳокимият — оммавий ахборот воситалари тизими вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида телевидение ва радио ролини кўтариш тўғрисида»ги 1997 йил 7 майдаги Фармони юқорида кўрсатилган масалаларни меъёрий тартибга солишда кўриладиган чора-тадбирларнинг оммавий ифодаси бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида яратилган бошқарув тизими ва унинг қонунчилик асослари, фуқаролик жамияти мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини ҳамда ҳуқуқий демократик давлат барпо этилганлигини кафолатлайди.

№ 19-МАВЗУ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ, МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланиши, унинг йўналишлари, босқичлари ва хусусиятлари

Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш учун қулай шароит ва кенг имкониятлар яратди. Бизнинг диёримизда бозор муносабатлари янгилик эмас. Минг йиллар давомида аجدодларимиз хунармандлар ишлаб чиқарган ажойиб маҳсулотларини, табиий бойлиқларини дунёнинг тўрт томонига чиқариб савдогарлик қилган, мол алмашган.

Ўзбекистоннинг бой имкониятлари, геополитик шароитидан фойдаланиб ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни белгилаш дастлабки кунларнинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Ўзбекистон танлаган ислоҳот йўли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини шакллантиришга қаратилди.

Бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуришнинг асосий йўналишлари Президент И. Каримов томонидан ишлаб чиқилиб, дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг йирик мутахассислари, давлат арбоблари томонидан тан олинди ва ўзининг ҳаётийлигини намойиш этмоқда. Бу тамойилларнинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат:

- иқтисод сиёсатдан устун туриб, мафкуравий тазйиқларсиз, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланмоғи керак;

- давлат бош ислоҳотчи ўрнида бўлиб, у ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши ва уларни изчиллик билан амалга ошириши лозим;

- бозор муносабатларига ўтиш қонун устуворлигини талаб қилади. Бутун халқ томонидан

қабул қилинган Конституция ва қонунларга амал қилиниши шарт;

– бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ҳимоя қилишнинг кучли ижтимоий сиёсатини ўтказиш;

– ижтимоий ислоҳотларнинг ривожланиб бориши ва йўналишини белгилаб берувчи тамойиллардан бири бозор иқтисодиётига ўтиш эволюцион йўл билан, босқичма-босқич амалга оширилиши зарур.

Янги иқтисодий муносабатларга ўтиш тамойиллари асосида ғоят масъулиятли ва мураккаб вазифа – иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ишлаб чиқилди. Иқтисодий стратегиянинг бошланғич нуқтаси ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг пировард мақсадини белгилаб олишдан иборатдир. Бу вазифа марказлаштирилган, маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор муносабатларига, бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтишдан иборатдир.

Бозор ислоҳотларини амалга ошириш дастурига кўра устувор вазифалар босқичма-босқич ҳал қилинади.

Биринчи босқичда тоталитар тизимдан ҳозирги замон бозор муносабатларига ўтиш давридаги бир-бирига боғлиқ икки вазифани бир вақтда ҳал қилишга тўғри келди: маъмурий буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини тугатиб, иқтисодни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларининг негизини шакллантириш. Бу босқич жараёнида иқтисодий ислоҳотнинг ғоят муҳим йўналишлари Ўзбекистон Президенти томонидан белгилаб берилди:

– ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

– қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шакллари вужудга келтириш;

– ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш.

Иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий асословчи қонун-қоидалар юридик ташкилотлар ва етук олимлар томонидан тайёрланди ва жаҳоннинг йирик мутахассислари томонидан қувватланиб тан олинди.

Дастлабки вақтнинг ўзида иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 100 га яқин асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича Президент ҳузурида махсус идоралараро кенгаш тузилди.

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шартларидан бири мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш амалга оширилди. Бу билан давлат монополияси тугатилиб, маъмурий буйруқбозлик тизими бузилди ва бозор иқтисодиётига асос солинди, хусусий мулкдорларнинг кенг қатлами шакллантирилди ва хорижий сармоядан фойдаланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали аҳолининг турмуш даражаси яхшилана бошлади.

Мулкни хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодни шакллантириш Ўзбекистонда ўзига хос йўл билан амалга оширилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан мақсад: 1. Давлат монополиясини тугатиб, маъмурий буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётига асос солиш; 2. Хусусий мулкдорларнинг кенг қатламини шакллантириш; 3. Хорижий сармоядорларга кенг йўл очиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аҳолининг турмуш тарзини юксалтиришдан иборат.

1992-1993 йиллар хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида «кичик хусусийлаштириш» амалга оширилди. Бунинг оқибатида асосан маиший хизмат ва савдо корхоналари, транспорт ва қурилишнинг кичик корхоналари, давлат саноат ва маҳсулот қайта ишлаш корхоналари мулк шаклини ўзгартирди. Булар мулкнинг ижара, жамоа ва акциядорлик шаклига айлантирилди. Уй-жойлар кенг миқёсда хусусийлаштирилиб, аҳолининг айрим қисмига текин, бошқа қисмига эса арзон нархда хусусий мулк этиб берилди.

Дастлабки даврда аграр соҳада ҳам ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада қишлоқ хўжалигида 770 колхоз ва давлат хўжаликлари хусусийлаштирилди, жамоа ва ижара хўжалиқларига айлантирилди. Лекин қишлоқда бу жараён секин кечди ва қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келди. И.А. Каримов таъкидлаганидек, аграр соҳадаги бюрократик бошқарув тизимининг ҳар хил тўсиқлари қишлоқда ислоҳотнинг боришига халақит берарди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнининг биринчи босқичидаги энг муҳим хулоса мулкдорлар синфининг шакллана бошлагани, хусусийлаштириш механизмининг ишлаб чиқилиши, иқтисодий ислоҳотларга нисбатан кишилар психологияси ва муносабатининг ўзгариши бўлди. Мустақиллик йиллари юз берган туб ўзгаришлардан бири мамлакатда икки йўл билан мулкдорлар синфи шакллана бошлади. Биринчидан, кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш, иккинчидан, пул маблағларини омонат кассалари ёки банкларига қўйиш, қимматбаҳо қоғозларга айлантириш йўли билан. Иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган мулкдор «ўз бойлигини кўпайтиришдан манфаатдор бўлибгина қолмай, балки бутун мамлакатни бойитишга ҳам қодир бўлади», дейди Президент Ислоҳ Каримов.

Давлат мулкни хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида олиб борилди. Бу даврда очиқ шаклдаги акциядорлик жамияти қуриш, корхоналар акциясини чиқариш, аукцион (қим ошди) савдоси орқали давлат мулкни шахсларга сотиш, қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва хусусийлаштиришни ёппасига олиб бориш учун шароит яратиш ишлари амалга оширилди.

Алоқа, транспорт, геология қидирув ёқилғи-энергетика комплекслари хусусийлаштирилмади. Айрим соҳаларда — кимё, олтин қазिश, пахта тозалаш, тоғ-кон саноатида 51 фоиз акция давлат ихтиёрида қоладиган бўлди.

1994 йил охиригача 54.000 корхона мулк шаклини ўзгартирди. Хусусан, 34% хусусий, 48% акциядорлик, 16% жамоа, 1% ижара хўжалигига айланди. Иқтисодий ислохотларнинг бориши, унинг тўрт йил давомидаги муваффақиятлари ва муаммоларига республика Олий Мажлисининг IV сессияси (1995 йил декабрда) ва Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида (1996 йил феврал), Президент И.А. Каримовнинг нутқларида кенг ёритилди.

1995 йил мамлакатнинг барча соҳаларини ислох қилишда туб бурилиш йили бўлди. Энг муҳими ислоҳий жараёнларга кишиларимизнинг ишончи ортди. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши кескин тўхтади, жамиятимизда иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий барқарорлик юз берди. Молиявий вазият ўнгланиб, инфляцияни 1994 йилга нисбатан уч баробар камайтиришга эришилди. Нархнинг ўсиши йил бошида 16,9 фоизни ташкил этган бўлса, йил охирида 2,2 фоизни ташкил қилди. Валюта бозорида жорий йилда ўтган йилга нисбатан 11 марта кўп, яъни 1,3 млрд. доллар сотилди.

Ички ялпи маҳсулот 1995 йилда 1994 йилнинг даражасига нисбатан 96 фоиз ўрнига 98,8 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган миллий даромад 98,5 фоизга етди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми шу йили ўтган йилга нисбатан 100,2 фоизга тенг бўлди.

Республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи зарурий ҳуқуқий асос яратилган. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида, Республика Президентининг фармонларида хусусий тадбиркорликдан солиқ олиш, унга молиявий ёрдам кўрсатиш борасида имтиёзлар бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш, моддий-техника ва хом ашё ресурслари билан таъминлаш борасида кўмаклашиш назарда тутилган.

Ана шу саъй-ҳаракатларнинг натижасида 1995 йил ўртасида республика халқ хўжалигида 30770 кичик корхона ва кооператив, 20115 хусусий корхона ишлаб турди. 15600 фермер хўжалиги ташкил этилди, уларга 200 минг гектарга яқин ер бириктириб берилган бўлиб, 67,5 минг киши меҳнат қилмоқда эди. Фермер хўжаликларининг тасарруфида 190 мингга яқин қорамол ва бошқа ҳайвонлар мавжуд. 1995 йилнинг фақат биринчи чорагидагина фермер хўжаликлари томонидан ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан икки баробар кўп гўшт ва сут маҳсулотлари тайёрланди.

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма томонидан республиканинг 187 туман ва шаҳарида банк бўлимлари очилди. 1994 йили ва 1995 йилнинг олти ойида кичик ва ижара корхоналарига, шунингдек, ширкатларга ва тадбиркорларга жами 1.222.3 миллион сўм миқдорда кредит берилди.

Иккинчи босқичда И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» (1995 й.) асарида қўйилган масалалар, хусусан, хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисодиёт таркибий структурасини тубдан ўзгартириш чора-тадбирлари амалга оширилди. 2000 йилда хусусийлаштириш давлат дастури бўйича кўзда тутилган 167 объект ўрнига 374 объект хусусийлаштирилди. Уларнинг негизида 152 та ҳиссадорлик жамияти, 103 хусусий корхона ташкил этилди. Шу йили давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан 14,3 миллиард сўм маблағ тушди. Бу 1999 йилги кўрсаткичдан 1,6 баробар кўпдир.

Умуман олганда ўтган ўн йил давомида бозор муносабатларини шакллантиришда туб ўзгаришлар юз берди. Ҳозирги пайтда 87,4 фоиз мулк нодавлат, 12,6

фоизи давлат мулки кўринишида иш юритмоқда. Республикада жами 60 мингга яқин корхонадан 50,5 мингга яқини хусусийлаштирилган корхоналардир. Мулкнинг таркиби жиҳатдан 19,5 мингга яқини давлат, 105 мингга хусусий, 3,4 мингдан ортиқ чет эл инвесторлари иштирокида, шундан 442 қўшма корхона, 3,5 мингга яқин акционерлик жамияти, 1,2 мингга яқин жамоа ва 34 мингдан ортиқ бошқа корхоналардир.

Иқтисодий ислохотларнинг боришида ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда 180 мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва 200 мингга яқин якка тартибдаги тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда.

Республикаимиз шароитида қишлоқ хўжалигида кескин бурилиш ясаш гоаят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳозирги кунда мамлакатда 3,3 миллион шахсий томорқа хўжалиги мавжуд бўлиб, шундан 1,8 миллионга яқини деҳқон хўжалигидир. Бундан ташқари 72 мингдан ортиқ фермер ва 1,4 мингдан зиёд ширкат хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодиётда юз берган таркибий ўзгаришлар, бозор инфратузилмасининг шаклланиши

Собиқ СССРнинг тарқатиб юборилиши билан республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар узилди, оқибатда Ўзбекистоннинг бир қанча саноат корхоналари тўхтаб қолди ва маҳсулот ишлаб чиқариш камайди. Эндиликда иқтисоднинг таркибий тузилишини янгидан қуриш керак эди. Жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган ва аҳолининг истеъмол талабларини қондирадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилиш зарур бўлди.

Президент Ислам Каримов иқтисодиётдаги таркибий тузилишни тубдан ўзгартириш тўғрисида: «Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишида туб ўзгариш-

ларга асос солишдан иборат гоят муҳим вазифани ҳал этиш керак бўлади. Бу республика учун стратегик аҳамиятга эгадир. Таркибий тузилишда чуқур ўзгаришларни амалга ошириш макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг, истиқболда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишини ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишнинг энг асосий шартларидан биридир», деб ёзади. Президентнинг кўрсатмаларидан келиб чиқиб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг олдига қўйилган аниқ вазифалар қуйидагилардан иборат бўлди: иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланишига чек қўйиш; импортга қарамликни тугатиш; мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш; халқ истеъмоли молларига аҳолининг талабини қондириш ва бошқалар.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш йўлида республикада гоят йирик қурилишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг ёқилғи мустақиллигига эришиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилди. Истиқболга эришган Ўзбекистон тарихда илк бор 1995 йилда нефт мустақиллигига эришди. Мамлакат эндиликда нефт маҳсулотларига бўлган ўз ички эҳтиёжларини тўла қондирибгина қолмай, катта салоҳиятга эга бўлган истиқболли ва ишончли экспортёр сифатида жаҳон бозорига йўл олди.

Ўзбекистонда нефт ва газ конденсатини ишлаб чиқариш 1990 йили 2,8 млн. тоннани ташкил қилган бўлса, 1997 йили бу кўрсаткич 7,9 млн. тоннага етди ва четга нефт маҳсулотларини сотиш қобилиятига эга бўлди. Жумладан, 1997 йили 250 минг тонна бензин, 600 минг тонна дизел ёқилғиси, 450 минг тонна мазут, 100 минг тонна авиация керосини экспорт қилинди. Табiiй газ ишлаб чиқариш 1990 йилги 40,8 млрд. кубометрдан 1998 йил салкам 54 млрд. кубометрга кўпайди. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш юзасидан катта ютуқларга эришилди. Хусусан, мустақиллик арафасида шаҳар аҳолисининг 43 фоизи,

қишлоқларда эса 17 фоиз аҳоли табиий газ билан таъминланган бўлса, бу кўрсаткич 1997 йили 64 ва 48 фоизни ташкил қилди. Мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун ишончли энергетик базаси яратилган.

Ҳозирги кунда республика энергетика тизими 37 иссиқлик гидравлик электростанциялардан иборат бўлиб, уларнинг умумий қуввати 11 миллион киловаттга ташкил этади. У йилига 55 миллиард киловатт-соатгача энергия ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Йирик иссиқлик электростанциялари, жумладан, қуввати 3 миллион киловатт-соат Сирдарё ГРЭСи, қуввати 2,1 миллион киловатт Янги Ангрен, қуввати 1,86 миллион киловатт Тошкент, қуввати 1,25 миллион киловатт Навоий ГРЭСлари республикамизнинг асосий электроэнергетика манбаи ҳисобланади.

Иссиқлик электростанцияларидан ташқари, нисбатан арзон ва экологик тоза электр энергиясини етказиб берувчи гидроэлектростанциялар, жумладан, Чорвоқ, Хўжакент, Фарғона, Ғазалкент ва бошқа бир қанча электростанциялар ишлаб турибди.

Ўзбекистон энерготизимининг Марказий Осиё Бирлашган энерготизимидаги улуши 40 фоизни ташкил этади. Республикамиз электр тармоқлари орқали электр энергияси Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонга узатилмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги қўлаб мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалари кенгайиб мустаҳкамланиб бормоқда. Эндиликда жаҳоннинг 35 мамлакати билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим тузилганлиги ва бир қанча жаҳон банклари билан шартноманинг имзоланиши Ўзбекистоннинг халқаро савдо ва хорижий инвестициялардан унумли фойдаланиши учун шарт-шароитларни яхшилади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тарих шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда ривожланган давлатларнинг ҳеч қайсиси хориж мамлакатларининг

сармоясисиз, инвестициясисиз тараққий этмаган. Ўзбекистон ҳам ўзининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлиги билан чет давлатларнинг инвестициясини ўзига тортмоқда. 1999 йил 1 январ ҳолатига кўра Ўзбекистонда 3.592 қўшма корхона рўйхатга олинган. Шундан 1917 таси фаолият кўрсатмоқда. Ишлаб турган қўшма корхоналарнинг асосий қисми — 1400 таси Тошкент шаҳрида, 107 таси Тошкент, 85 таси Самарқанд, 51 таси Андижон, 49 таси Фарғона ва Наманган вилоятларида жойлашган. Шулардан бири Ўзбекистон-Германия «Каолин» қўшма корхонаси 17 апрел 1999 йил ишга туширилди. Чет эл сармоялари, айниқса, нефт ва табиий газ тармоқларида катта ўрин тутади. Бу соҳаларга 1994 йил атиги 10 млн. доллар хорижий сармоя жалб қилинган бўлса, бу кўрсаткич 1995 йил — 395, 1996 йил — 546, 1997 йил — 845, 1998 йили деярли 1.145 млн. доллардан ошди.

1998 йил айрим ривожланган мамлакатлардаги молиявий кризис, жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг муҳим экспорт маҳсулотлари — пахта толаси, рангли металллар нархининг тушиб кетиши мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий аҳволига таъси? қилмай қолмади. Жаҳон иқтисодий кризиси шароитида республика раҳбари қайд этганидек, муҳим стратегик вазифани ҳал қилишга муваффақ бўлинди. Жаҳон бозорида олтин, пахта, мис нархининг тушиб кетишига қарамасдан мамлакатимизнинг олтин валютаси захираси ўтган йилги даражасида сақланиб қолди. Бу борада Навоий, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатлари, «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг ҳал қилувчи ролини кўрсатиш ўринлидир.

Эндиликда жаҳондаги энг йирик конлардан ҳисобланган Қизилқумнинг олтин ва уран бойликлари мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши оқибатида Россия корхоналари ҳамда Ўзбекистон уран ва олтин қазиб олиш саноати ўртасидаги кооператив алоқаларнинг узилиши натижасида ҳарбий саноат комплексининг Навоий вилоятидаги 50 минг нафар инженер ва

малакали ишчилари қийин аҳволда қолдилар. Ўзбекистон Президенти йирик иқтисодчи мутахассис И.А. Каримов вазиятни ҳар томонлама ўйлаган ҳолда Навоий тоғ-кон металлургия комбинатини тиклаш ва ривожлантириш ишларини давлат зиммасига ўтказди. Комбинатни қайта қуриш мақсадида хориждан олинган қарздан тушган фойдаларни беш йил давомида корхона ихтиёрида қолдирилди. Хорижий давлатлар корхоналари билан битим тузиш, қарз олиш, инвестициялардан фойдаланишда комбинатга тўла мустақиллик берилди. Ҳисоб-китоблар, катта жамоанинг меҳнати ўз натижаларини берди. Беш йилдан кейин Мурунговдан тонналаб олинган олтинлар давлатнинг валюта захирасини тўлдирди. Арзон ва сифатли уран олиш ҳам йўлга қўйилди.

Американинг Колорадо штатидаги «Ньюмонт» фирмаси билан Мурунговда қўшма корхона қурилиши билан ишлар яна қизиқ кетди. «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасига фирма томонидан ажратилган 200 млн. доллар инвестиция ёрдамида оддий шароитдаги ярим асрлик ишлар икки йилда ўз натижаларини берди. Навоий тоғ-кон металлургия комбинати олтин рудасини қазиб олишдан то заргарлик безакларини тайёрлайдиган циклда ишлайдиган жаҳонда ягона корхонага айланди.

Ўзбекистон истиқлоли машинасозлик саноатини, айниқса унинг муҳим тармоғи автомобилсозликнинг ривожланишига боғлиқ. 1992 йилнинг август ойида Жанубий Корея Республикаси билан Ўзбекистон ўртасида тузилган битим асосида «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонаси ташкил этилди ва Асака шаҳрида енгил автомашиналар ишлаб чиқаришга киришилди. 1996 йилнинг март-июл ойларида «ЎзДЭУ» автокорхонаси «НЕКСИЯ», «ТИКО», «ДАМАС» енгил автомашиналарини чиқара бошлади. 1999 йилнинг 1 июнига қадар, уч йил давомида 87 мингдан кўпроқ «НЕКСИЯ», 51 мингдан кўпроқ «ТИКО», 40 мингдан

ортиқ «ДАМАС» автомашиналар ишлаб чиқарилди. Эндиликда энгил автомашиналари жаҳон бозорига чиқа бошлади. Фақат Россиянинг ўзида 18 мингдан ортиқ машиналар сотилди. Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск, Саратов, Тюмень ва бошқа шаҳарларда «Ўзбекистон автомашиналари»га сервис хизматини кўрсатувчи тармоқлар қурилмоқда. Сўнгги йилларда Россияда хорижий автомашиналар ўртасида «НЕКСИЯ» машинамиз етакчи ўринни эгаллаб турибди. Корхона 2004 йили тўла қувватни ўзлаштириб, ҳар йили турли русумдаги 200 минг автомобилни ишлаб чиқарадиган бўлади. Эндиликда «ДЭУ» корхонаси билан шартномага кўра бу машиналарнинг янги моделларини ишлаб чиқара бошлади.

1993 йилда ГФРдаги «Мерседес Бенц АГ» корпорацияси билан Хоразмда юк автомашинасини чиқариш учун шартнома тузилди. 1994 йили «Дўстлик» автомобил заводида дастлабки 350 «Мерседес Бенц» юк автомобили ишлаб чиқилди. 1995 йили «Ўзавтосаноат» уюшмаси билан Туркиянинг машҳур «Кочходдинг» компанияси ўртасида тузилган шартнома асосида Самарқанднинг Суғдиёна мавзесида қад кўтарган автобус заводи 1999 йил март ойида ўзининг маҳсулотини бера бошлади.

Президентнинг 1992 йил 28 январь Фармонида мувофиқ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тузилди. 1993 йилдан бошлаб авиакомпания замонавий А-310, БОИНГ-767, БОИНГ-757, RL-85 самолётларига эга бўлди. 1991 йили Халқаро авиа йўли Деҳли ва Карачигача учган бўлса, эндиликда МДХ ва АҚШ маршрутлари йўналишида Ўзбекистон самолётлари учмоқда.

Ўзбекистон «Миллий ҳаво йўллари» компанияси жамоасининг мустақиллик йилларида олиб борган самарали фаолияти натижасида бу соҳада ўтказилган ислохотлар кўзга кўринарли натижаларга олиб келди. Фуқаролар авиакомпаниясидаги кўп йиллик

қолоқликка барҳам берилди ва жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллади. Ҳаво йўлларида ғарбда ишлаб чиқарилган самолётлар фойдалана бошланди, мамлакатда туристик марказлар, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива аэропортлари қайта қурилди. Ёқилғи танқислигига боғлиқ айрим рейсларнинг қисқартирилганига қарамасдан 2000 йили 1 млн. 800 минг йўловчилар ташилди, ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткич беш фоизга кўп бўлди. Шу вақт давомида Украина ҳаво компанияси 500 минг, Қозоғистон 230 минг йўловчилар ташиган ҳолос. Энг муҳими йўловчилар хавфсизлиги таъминланди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Халқаро авиация хавфсизлиги жамғармаси томонидан фахрий диплом билан мукофотланганлиги бунинг далилидир.

Истиқлол йилларида иқтисодиётда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар қуйидаги жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган натижаларга олиб келди:

- ёнилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжини Ўзбекистон ўзини-ўзи таъминлайдиган бўлди;

- ғалла мустақиллигига эришилди;

- ишлаб чиқаришда саноат маҳсулотлари ҳиссаси ошди;

- саноатда юксак технологияга асосланган истиқболли тармоқларнинг ҳиссаси ошди.

Натижада Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик давом этди. Ҳатто, 1998 йили ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,4 фоиз, шу жумладан, саноат ишлаб чиқариши 5,8 фоизга ортди. Истеъмол молларини ишлаб чиқариш 7,2 фоиз кўпайди. Аввалги йиллардаги каби қатъи молия-кредит сиёсати амалга оширилди. Натижада инфляция даражасининг пасайишига олиб келди.

Иқтисодиётдаги барқарорлик Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқаларида, экспорт ва импорт тузилмасида катта сифат ўзгаришига олиб келди: агар 1991 йилда экспорт таркибида пахта толасининг улуши

77,6 фоизни ташкил этган бўлса, 1998 йилда унинг улуши 38,6 фоизга тушди, 2000 йилда бу кўрсаткич 28 фоизга тушиши мўлжалланди.

Экспортда ёқилги ва саноат маҳсулотларининг улуши ортиб бормоқда. 1991 йилда хорижга сотилган товарларда машина ва жиҳозларнинг улуши 1 фоизга ҳам етмаган бўлса, 2000 йили бундай маҳсулотлар деярли 23 фоизни ташкил қилди.

Мустақиллик давридаги Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиши Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари иқтисодий аҳволи билан таққосланса, фақат Ўзбекистондагина 90-йиллар бошидаги даражадан ошиб бир текис ривожланмоқда. Бу ҳолатни жаҳоннинг кўп йирик ривожланган мамлакатларининг давлат раҳбарлари, таниқли мутахассислари тан олмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар, унинг газифалари ва йўналишлари. Молия-банк тизими

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳал қилувчи бўғини сифатида қишлоқ хўжалигида ислоҳот ўтказиш, уни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Бунга сабаб Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоиздан кўпроғи қишлоқда яшаши, яъни ички маҳсулотнинг 24 фоиздан кўпроғи аграр секторга тўғри келиши ва қишлоқда истиқомат қилганларнинг 37 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги билан бандлигида эди.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишда энг устувор масала сифатида ерга мулкчилик масаласи ҳал қилинди. Ўзбекистон Республикасида сугориладиган ерларнинг камлигини ҳисобга олиб, ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узоқ муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилди.

Мустақилликнинг дастлабки қадамларидан бошлаб қабул қилинган метёрий ҳужжатларда, хусусан «Ер тўғрисида»ги (20 июн 1990 йил) ва бошқа қонунларда

ва Президент фармонларида қишлоқ хўжалигидаги туб ислохотларнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантириш, деҳқоннинг ерга эгалик ҳиссини қайта тиклаш, ерни сотиш-олишга йўл қўймасдан, балки уни узоқ муддатларга (50 йилгача) мерос қилиш ҳуқуқи билан вақтинча ёки умрбод фойдаланишга бериш масалалари ҳал қилинди. 1992 йилдан бошлаб атиги уч йил ичида мавжуд 1137 давлат хўжалигидан 1066 таси мулкчиликнинг акциядорлик, жамоа ёки ижарадаги хўжаликка айлантирилди, 1516 қорамолчилик фермаси меҳнат жамоаларининг мулки қилиб берилди. Қишлоқ хўжалигида кўп укладли иқтисод вужудга келди. 1997 йили шахсий томорқа хўжалиги 3 млн. гектарни ташкил қилди. Томорқа хўжалигининг экин майдони 1989 йили 257 минг гектар бўлса, 1997 йил 599,7 минг гектарга кўпайди. 1996 йили шахсий ёрдамчи хўжаликларда 640 минг т. гўшт, 2,968 минг т. сўт, 1,711 минг т. сабзавот, 321 минг т. мева, 307,8 минг т. полиз, 338,1 минг т. картошқа, 729 млн. тона тухум етиштирилди. Ғаллакорлар Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига катта ҳисса қўшмоқда. Улар 1996 йили давлатга 2 млн. 100 минг тонна ғалла топширган бўлсалар, 1998 йили 4,6 млн. тонна ғалла ҳосили етиштирилди. Бундан 3,5 млн. тоннаси бугдой эди. Ғаллакорларнинг ютуқлари ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Пахта майдонларини қисқартириш эвазига дон экинларининг майдони кенгайтирилиб, 2,5 млн. гектарга етказилиб пахта майдонлари билан тенглаштирилди. Ғаллачиликнинг техника базаси мустаҳкамланди, 8159 та «Нива», «Дон», «Сибиряк» комбайнлари билан бир қаторда Американинг «Кейс» фирмасидан келтирилган 637 комбайн ғалла ўрим-йўғимида қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I чақириқ X сессияси (декабр, 1997 йил) аграр ва иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш юзасидан қатор қонунлар қабул қилди. «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)

тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида», «Ер кадастри тўғрисида»ги Қонунлар қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. 2000 йилга келиб республикада давлатга қарашли бўлмаган сектор мустаҳкамланди ва етакчи ўрин эгаллаб, 1991 йил 63 фоизни ташкил қилган бўлса, 1999 йил сентябрига келиб қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмининг 98,4 фоизини эгаллади.

Барча ислохотларнинг туб мақсади инсоннинг ижтимоий турмушини яхшилашга қаратилгандир. Ўзбекистон тараққиётидаги ўзига хос йўлнинг асосий тамойилларидан бири кафолатланган ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборатдир. Унинг моҳияти жамиятда кам таъминланган, боқувчиси йўқ, кўп болали оилаларни, ногирон ва қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш, жамият аъзоларининг ўта бойлар ва камбағалларга табақаланиб кетишининг олдини олишга қаратилган. 1994 йил октябрдан бошлаб давлат томонидан бола боқувчи оналарга, 16 ёшгача болалари бор, кам таъминланган оилаларга нафақа жорий этилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳоли турмуш даражасини барқарорлаштиришга қаратилган зарурий чора-тадбирларнинг дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу тадбирларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 1999 йил давлат бюджетини шакллантиришда объектив сабабларга кўра юз берган айрим қийинчиликларга қарамасдан, маъмурий ва бошқарув органлари тизимида ўтказиладиган қисқартиришлар ҳисобига ижтимоий соҳаларга ажратиладиган маблағларнинг камайишига йўл қўйилмади.

1998 йил охиридаги ҳисобга кўра мамлакатда 3 млн. 252 мингдан ортиқ киши пенсия ва нафақалар олди ва бу мақсад учун 75 млрд. 541 млн. сўм миқдоридан маблағ ажратилди. Шундан фақат икки ёшгача боласи бор оналарга 10 млрд. 448 млн. сўм нафақа берилди.

Кам таъминланган аҳоли қатламлари нафақа ва моддий ёрдамдан ташқари турли хил имтиёзлардан кенг фойдаланади.

Бозор муносабатига ўтиш муносабати билан аҳоли даромадининг моҳияти янгиланмоқда. Уларнинг манбалари ўзгармоқда. Маош билан ўлчанган иш ҳақидан ташқари тадбиркорлик даромади, акциядорлик дивиденди, мулкдан келган даромад, томорқа маҳсулотларини сотишдан олинадиган тушум шаклларида бозор даромадлари пайдо бўлди.

Аҳоли даромадларининг бозорга боғлиқ манбалари йилдан-йилга ўсиб бориши муносабати билан иш ҳақининг салмоғи пасайиб бормоқда. Масалан, 1992 йили иш ҳақи аҳоли даромадининг 57 фоизни ташкил қилса, 1995 йилда эса 44,2 фоизни ташкил қилди. 1997 йили аҳоли барча даромадларининг қарийб чорак қисми тадбиркорлик фаолиятидан тушди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб бозор муносабатларига мос пул-кредит тизими шакллантирилди. Ўтиш даврида банк тизимининг эгаллайдиган муҳим ўрнини Президент И.А. Каримов ҳар томонлама асослаб берди. Банк тизими, дейди Президент, иқтисодий қайта қуриш жараёнида локомотив ролини бажариши керак. Бу тизимнинг фаолияти иқтисодни барқарорлаштиришга қаратилган бўлиб, ислохотларни чуқурлаштириш учун қулай макроиқтисодий шароитлар яратиш зарур. Банк тизимини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи 1991 йили қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонундан бошланди. Собиқ СССР давлат банкининг ўлкадаги бўлими Марказий банкка айлантирилди. Ташкилий тузуми қайта кўрилиб, унинг иш услуби қайта тубдан ўзгартирилди. Ҳаракатдаги савдо (коммерция) банклари акциялашган банкларга айлантирилди, уларнинг сони кўпайди. 1999 йил охирида республикада 36 савдо (коммерция) банклари, улардан иккитаси давлат, 18 акциядорлик, 10 хусусий ва 13 йирик хорижий банкларнинг ваколатхоналаридир. Миллий валюта жорий этилиши (1994 йил

июл) пул тизимини мустаҳкамлашда иккинчи босқич бўлди. Бу даврда, биринчи навбатда банк қонунчилиги такомиллашди.

1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш юз берди. Аҳоли даромадининг йиллик ўсиши 14 фоизни ташкил қилди. 1997 йили ялпи маҳсулотнинг ўсиши Ўзбекистонда 4,5 фоиздан кам бўлмади. 1991-1996 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати миллий банк ва молия тизими юзасидан бир қанча қарорлар қабул қилди. 1995 йил декабрда Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясининг Марказий банк ва банклар тўғрисида қонунлари катта аҳамиятга эга бўлди. Марказий банкдан ташқари Тошкент шаҳри ва вилоятларда 30 та акциядор-тижорат, ширкат ва хусусий банклар фаолият кўрсатмоқда.

Мустақил Ўзбекистон хазинасини тўлдирувчи, иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишнинг асосий манбаи солиқдир. Шунинг учун солиқ тизимини такомиллаштиришга дастлабки кунлардан бошлаб катта эътибор берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12 августдаги «Ўзбекистон Республикасида давлат солиқ органлари ҳақида»ги қарори асосида давлат солиқ тизими шакллана бошлади. Солиқ тўловчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Агар 1994 йилда 91 мингдан ортиқ солиқ тўловчи юридик шахс рўйхатдан ўтган бўлса, 1997 йили уларнинг сони 148 мингтага етди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, иқтисодий ислоҳотларнинг ютуқлари мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминламоқда.

Мустақиллик йилларида маънавий ва маърифий ҳаёт. Миллий истижодол ғояси ва мафкуравий масалалар

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан бир вақтда маънавий меросимизни, маданий қадриятларимизни тиклаш ва уларни халқимизга етказиш борасида кенг кўламда фаолият олиб борилмоқда.

Республика Президенти И.А. Каримов таъкидлаб келганидек, маънавиятнинг моҳияти шунчалик кенглик ва амиқлиги ўлчаб ҳам, поёнига етказиб ҳам бўлмайди. У инсоннинг бутун бир оламдир.

Бозор муносабатлари шароитида маънавият ва маърифат ишларига ҳолат катта эътибор берилиши тўғрисида Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Шу борада «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги тарқатилиши ташкил қилиш ва уларнинг иш самарадорлигини оширишга қаратилган 1994 йил 23 апрелдаги ва кейинги Президент фармонлари республикада маънавий ва мафкуравий ишларни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йилнинг 2 июнидаги Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги янги фармони эса мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни изчил амалга ошириш, миллий истиқлол оясининг асосий тушунча ва тамойилларини халқимизнинг ички ва қалбига синдириш борасида улкан ишларни амалга оширишга қаратилган муҳим дастур бўлди. Ортбошимизнинг маънавиятга бош ҳомий бўлаётгани, илоҳий ҳокимларининг маънавий ва маърифий кенгашларига шахсан ўзлари раислик қилаётганлари мамлакатимизда маънавий кадрларни тиклаш, ҳар омонлама камол топган инсонни тарбиялашга асосчилик катта эътибор берилганликни кўрсатади.

Республика маънавият ва маърифат кенгаши Президент фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида «Жамият маънавиятини янада юксалтириш», «Аҳолини сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш» эъзасидан ҳужжатлар қабул қилиб, 39 та кичик ишчи уруҳларни тузди. Қабул қилинган дастурларни амалга ошириш, маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини кучайтириш юзасидан кенгашнинг соҳалардаги бўлимлари муайян ишларни амалга оширишмоқдалар.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда аждодларимизнинг бизгача етиб келган бой маданий меросларини ўрганиш ҳам катта ўрин эгаллайди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қадриятлар, урф-одатлар, буюк ота-бобола-римизнинг бизга қолдирган меросларини ўрганиш ва тарғиб этиш учун кенг йўллар очилди. Бу борадаги тадбирлар мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ амалга оширила бошланди. Хусусан, маънавий-маърифий ишларнинг ривожланиши учун давлат томонидан катта маблағлар ажратилди. Ўзбекистондаги барча давлат театрлари, маданият уйлари, санъат олий ўқув юртлари, фольклор-этнографик гуруҳлар маданият ўчоқларига айланиб қолди. Театр саҳналарида янги замонавий спектакллар қўйила бошлади.

Бадий адабиётда партиявийлик, синфийлик нуқтаи назаридан ёндашишга чек қўйилди. Баҳовуддин Нақшбанд, Феруз, Хўжа Аҳрор, Чўлпон, Фитрат каби алломаларнинг номлари тикланиб, асарлари чоп этилди.

1991 йили буюк аллома, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий юбилейини ўтказиш катта воқеа бўлди. Бу тантанага бағишланиб республикамизда шоирнинг асарлари нашрдан чиқарилди. 1994 йил Мирзо Улугбек таваллуд топган кунининг 600 йиллиги кенг кўламда, жаҳон миқёсида нишонланди. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида юбилейга бағишланган ҳафталик ўтди.

Мустақиллик йилларида буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги бўлиб ўтди. ЮНЕСКО томонидан 1996 йил «Амир Темур йили», деб эълон қилинди. Шу йили ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида «Темурийлар даври, фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзuida анжуман ва унга бағишланган кўргазма очилди. Мамлакатимизда «Темур ва темурийлар» музейи, Амир Темур номи берилган боғлар, кўчалар барпо этилди.

Ислом оламининг алломаси Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-Замаҳшарийнинг 920 йил-

лиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Боҳовуддин Нақшбандийнинг 675 йиллиги кенг қўламда нишонланди. Уларнинг бой асарлари нашрдан чиқарилди.

Барча вилоятлар ва шаҳарларда ҳар йили Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳийларга бағишланиб кечалар ўтказилди, Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик таваллудига, «Алпомиш» достони яратилишининг 1000 йиллигига бағишланган турли кечалар, баҳслар ташкил этилди.

Маънавий ҳаётни такомиллаштириш мақсадида Имом ал-Бухорийнинг юбилейига бағишлаб, Куръони Каримдан кейин иккинчи ўринда турадиган «Ал-жомеъ ас-саҳийҳ» (Ишонарли тўплам), «Ал-адаб ал-муфрад» (Адаб дурдоналари) ўзбек тилига таржима қилиниб, нашрдан чиқарилди.

1998 йили Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Республикада юбилейлар муносабати билан алломалар ҳаётига бағишланган илмий анжуманлар ва бадиий кўرғазмалар очилди.

Юртбошамиз Ислом Каримов ташаббуси ёл бевосита иштироки билан буюк ватандошларимиз фикр илмининг билимдони, номи Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлган Абул Ҳасан ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги, калом илмининг асосчиси Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги бутун мамлакатимизда кенг нишонлаб ўтилди. Юртимиз ҳали иттифоқ таркибида бўлган, Кремлнинг ҳукронлиги ҳали кучини йўқотмаган бир пайтда – 1990 йил июн ойида Республика Президенти Ислом Каримов «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида»ги фармонга имзо чекди. Ўзбекистон ҳукуматининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши билан 1991 йилда ҳаж қилиш бахтига 350 киши сазовар бўлган бўлса, 2001 йили ҳожиларнинг сони 3801 кишига етди. Жами мустақиллик йиллари ҳаж

ибодатини адо этишга муваффақ бўлганларнинг сони 31.057 кишини ташкил қилди.

1992 йил Президент фармони билан Рамазон ва Курбон ҳайит кунлари умумхалқ байрами, деб эълон қилинди. Халқимиз асрлар давомида нишонлаб келган байрамларидан бири — «Наврӯз» умумхалқ байрами сифатида қайта тикланди.

«Мовароуннаҳр» диний бошқармаси фаолияти республикамиз ҳаётида ўз ўрнини эгаллади. Дин инсон руҳини поклаши, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйгуларини мустаҳкамлаши, миллий қадрият ва анъаналарни асрашга хизмат қилиши билан жамият ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган. Ўзбек юрти азалдан қадимий динлар ривож топган макондир. Ҳозирги кунда кўп миллатли Ўзбекистон Республикасида ислом дини билан бир қаторда ўн еттита диний конфессиялар ёнма-ён яшаб келмоқда.

1995 йили рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ташкил этилганлигининг 125 йиллиги юбилейи, Ўзбекистон евангел-лютеран жамоаси ташкил этилганининг 100 йиллигига бағишланган «Бир осмон остида» шиори билан мусулмон ва христиан динлари вакиллари ўртасида ўтказилган мулоқот катта аҳамият касб этди. Тошкентда 2000 йилнинг сентябрида ЮНЕСКО раҳнамолигида «Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида» мавзуида динлараро мулоқот, халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Франция, Россия, Эрон, Исроил, Ҳиндистон, Хитой, Ватикан каби ўттизга яқин мамлакат, шунингдек, халқаро диний муассасалар вакиллари қатнашдилар. Анжуманни ўтказиш учун айнан Ўзбекистон танлангани бежиз эмас. Зеро, бу ўлкадан дунёга донғи кетган буюк алломалар, ислом оламида катта ҳурматга эга бўлган буюк зотлар етишиб чиққан. Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистонда дин ва виждон эркинлиги мустаҳкам қарор топган ва барча диний конфессиялар биргаликда мустаҳкам тинчликни сақлаш, диний экстремизм ва халқаро террорчиликка қарши дадил кураш олиб бормоқда. АҚШ собиқ давлат секретари

Мадлен Олбрайт 2000 йил апрелида Тошкент Синагогида ибодат қилгандан кейин шундай деган эди: «Ўзбекистонда, яна такрор айтаман, Ўзбекистонда барча динларга бир хил эътибор берилаётгани, виждон эркинлиги тўла таъминланганлиги мени жуда қувонтирди. Бу жиҳатдан Ўзбекистонни бутун дунёга ибрат қилиб кўрсатса арзийди».

Истиқлол йўлида қадам ташлаб бораётган Ватанимиздаги мавжуд маънавий, маданий омилларига аҳамият бериш билан бирга маориф, таълим-тарбия ишларига эътибор кучайтирилмоқда.

«Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса, биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди», — дейди И.А. Каримов.

Республикамызда таълимнинг янги тизимини амалга оширишда Ўзбекистон ҳукумати тарихимиздаги таълим жараёнларини ўрганиб чиқиб, таълимни ислоҳ қилиш дастурини тайёрлади. Барча эътибор таълим тизимларини демократик ва инсонпарварлик тамойиллари асосида такомиллаштириб, унинг моддий-техника базасини замон ва давр талаблари даражасига кўтариш ва Ўзбекистоннинг маърифий салоҳиятини кучайтиришга қаратилди. Шу мақсадда 1992 йил 2 июл республикамызда «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Таълимни ислоҳ қилиш қуйидаги тамойиллар асосида олиб борилади:

– таълим тарбиянинг инсонпарварлиги ва демократиявийлиги;

– таълим тизимининг узлуксизлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги;

– таълимда умуминсоний ва миллий-маданий, маънавий қадриятларнинг устуворлиги;

– эътиқоди, динидан қатъи назар, барча фуқаролар учун таълим олиш имкониятлари яратилганлиги;

– таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ҳаракатлар таъсиридан ҳолилиги.

1993 йил Республикамиз Президенти томонидан «Ўзбекистонда ўқувчи-ёшларни рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонига биноан талаба ва аспирантлар учун махсус стипендиялар белгиланди. Улар учун ривожланган давлатлардаги университетларда таълим олиш, улардаги илмий марказларда ишлаш, малакаларини ошириш учун шароитлар яратиб берилди.

Ўзбекистон мустақиллигига эришган дастлабки кунлардан бошлаб энг муҳим масалалардан бири эскича тафаккур, эътиқодидан қутулган, истиқлол учун, ўз она-юрти учун хизмат қиладиган кадрлар тайёрлаш масаласи бўлди. Эски тузумни аста-секин таг-томири билан тугатиб, батамом янги, жаҳоннинг илғор тараққий этган мамлакатлари йўлидан борадиган ҳақиқий демократик жамият қуриш эндиликда янгича фикрлайдиган қуйидан тортиб юқори тоифадаги кадрларга боғлиқ бўлиб қолди.

Собиқ иттифокда катта-кичик раҳбар ходимлар ҳар хил даражадаги партия ва комсомол мактабларида, коммунистик мафкура тарғиботчиси ва ташвиқотчиларини тайёрлайдиган университет ва академияларда тайёрланган бўлса, эндиликда бу ўқув юртлари, табиийки, тарих саҳнасидан тушиб қолди.

Бозор муносабатларига асосланган янги жамиятда раҳбар кадрларни тайёрлаш мақсадида Президент қошидаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, айрим вазирликлар қошида академиялар ташкил этилиши катта аҳамият касб этади.

Президентимиз республика ва вилоятларнинг раҳбар ходимлари, ҳуқуқ органлари раҳбарлари билан учрашувларида ҳокимиятлар, ҳуқуқ органларининг айрим ходимлари томонидан тартиб-интизомнинг, қонунчиликнинг бузилаётгани тўғрисида ҳар гал куйиб-пишиб гапирди ва уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, нопоклик каби ўтмиш қолдиқларидан тоза, эл-юрти ва

халқига ҳалол меҳнат қиладиган ёш кадрларни тайёрлаш, уларга йўл очиб бериш зарурлигини қайта-қайта такрорлаб кўрсатади.

Ўзбекистон мустақиллигининг келажаги юқори малакали, маърифатли, эл-юртига садоқатли мутахассисларни тайёрлашга бевосита боғлиқ. И.А. Каримов мухбирларнинг «Сизнинг сиёсатингизда таълим-тарбия масаласига катта эътибор беришнинг сабаблари нимада?», деб сўраган саволига онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб янги жамият қуриб бўлмайди, онг, ғоя, тафаккур таълим-тарбия билан узвий боғлиқ, бири-бирини тўлдиради, деб жавоб беради.

1997 йил 29 августда республика Олий Мажлисининг IX сессиясида И.А. Каримовнинг «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» маърузаси асосида янги таҳрирда «Таълим тўғрисида» Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинди.

Истиқлол йилларида мактабгача тарбия муассасаларида, бошланғич синфларда ўқув-тарбия ишларига эътибор кучайтирилиб, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари тизимида лицейлар, коллежлар, бизнес мактаблари очилди, 8 та институтлар асосида университетлар ташкил қилинди. 2000 йил бошларига келиб, мамлакатимизда 61 та олий, 258 та ўрта махсус ўқув юртлари, шу жумладан, 75 та коллежларда 360 мингдан ортиқ талаба билим олмоқда. Мустақиллигимиз келажаги ёшлар қўлида экан билимдон, маънавиятли, мустақил фикрлаб, мустақил иш юритадиган ёшларни, юртбошимиз таъбири билан айтганда, жамиятимизнинг энг катта бойлиги, миллатимизнинг интеллектуал, ақл-заковат бойлиги бўлмиш йигит-қизларимизни тарбиялаш мамлакатимиз ҳаётида биринчи даражали вазифа этиб қўйилмоқда.

Бу борада «Улуғбек» (1993 й.), «Умид» (1997 й.) жамғармалари олиб бораётган ишлар алоҳида ўрин тутади. Фақат «Умид» жамғармаси синовларида 1997-1999 йиллар мобайнида 5500 нафар ёшлар қатнашиб,

658 таси Президент грантларига сазовор бўлди. 2000-2001 ўқув йилидаги бу танловда 3000 нафар ёшлар билими синовдан ўтказилиб, улардан 124 нафари хорижий давлатларнинг энг нуфузли ўқув юртларида ўқишга муяссар бўлди.

Яқинда ўз фаолиятини бошлаган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий мақсад ва вазифалари келажак авлодимиз дилига ва онгига миллий истиқдол ғоялари ва мафкурасини сингдириш, аҳолининг аксариятини ташкил қилган йигит-қизларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга қаратилгандир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий тамойиллари аниқ белгилаб кўрсатилди:

- узлуксизлик: таълим — фан — ишлаб чиқариш;
- мутахассисларга талаб истиқболини ўрганиш;
- ўқитувчи ва мураббийларни қайта тайёрлаш;
- ўқувчи-ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқли, маънавиятли ва виждонли этиб тарбиялаш;
- корхоналарда мактаб-институтлар базасини мустаҳкамлашдан фойдаланиш;
- чет эл сармояларидан фойдаланиш.

Таълим тўғрисидаги янги қонунга кўра, узлуксиз таълим бир неча босқичларда амалга оширилиши зарур:

1. Мактабгача оила ва боғча тарбияси.
2. Бошланғич таълим 1-4 синфлар.
3. Умумий таълим мажбурий бўлиб, 5-9 синфларда умумий билим асослари, дунёқараш шаклланади.
4. Мажбурий-ихтиёрий тусдаги ўрта махсус билим ва касб-ҳунар ўқув юртлари: 3 йилга мўлжалланган академик лицейлар, махсус касб-ҳунар коллежлари.
5. Олий таълим: бакалавр — 4 йил, магистратура — 2 йил ўқиш муддати, кейинчалик илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун аспирантура — 3 йилга, докторантура — 2 йил муддатга белгиланган.

Таълим-тарбия, илм-фан соҳасидаги ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилиши зарур:

I. 1997-2001 йй. Ўтиш даври.
II. 2000-2005 йй. Ислохотни кенг миқёсда амалга ошириш даври.

III. 2005 йилдан кейин кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш даври.

Ўтган қисқа давр ичида «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури»ни амалга оширишнинг биринчи босқичидаги натижалар кўзга кўринарли даражада бўлди.

Мамлакатда спорт ва жисмоний тарбия соҳасида эришилган ютуқларни янада ривожлантириш юзасидан Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 1999 йил 27 майдаги 271-сонли қарори ва шу қарор асосида қабул қилинган Давлат Дастури катта аҳамиятга эга бўлди. Дастурга кўра айниқса, қишлоқ ёшлари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт шаҳобчаларини кенгайтириб, уларнинг моддий-техника базаларини кучайтириш тадбирлари белгиланди. Бунга жавобан ўтган бир йилдан кўпроқ вақт ичида қишлоқ туманларида 184 спорт-соғломлаштириш клублари ташкил қилинди.

2000 йил Ўзбекистон Республикаси спорти тарихида, умуман олганда, муваффақиятли йил бўлди. Саралаш мусобақаларида голиб чиққан 77 спортчимиз 13 спорт тури бўйича Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтган XXVII Олимпиада ўйинларида қатнашишга муяссар бўлдилар. Олимпиадачиларимиз 1 олтин, 1 кумуш ва 2 бронза медалларини қўлга киритиб, 200 мамлакат ўртасида 41-ўринни эгалладилар. Республика курашчилари, боксчилари, теннисчилари, дзюдочи ва каратечилари мустақил Ўзбекистонимизни бутун жаҳонга танитмоқда.

Мустақиллик йилларида энг тез ривожланиб бораётган спорт турларидан бири шахматдир. Собиқ советлар даврида шахмат бўйича битта гроссмейстер тайёрланган бўлса, эндиликда уларнинг сони 11 нафар бўлди. Шу йили Туркияда бўлиб ўтган Жаҳон шахмат олимпиадасида ҳамюртларимиз 120 дан ортиқ мамлакатлар ичида фахрли 11-ўринни эгалладилар.

Республика чемпиони Рустам Қосимжонов ўз тахтасида бронза медалига эга бўлди.

Жамият тараққиётида рўй бераётган ўзгаришларни тушуниш, хур фикрликка интилиш, кишиларни истиқлол йўлидан олиб борувчи ғоявий қарашлар ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жамиятимизда сиёсий мустақилликка эришиб, иқтисодий, маданий-маърифий ишлар амалга ошири-лаётган бир вақтда миллий истиқлол ғояси ва мафқураси, юртбошимиз айтганидек, сув билан ҳаводек зарурдир. Бусиз, яъни фикрлаш, эътиқод ўзгармасдан бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликка эришиш мураккаб вазифадир. И.А. Каримов миллий мустақиллик ғоясининг зарурлиги тўғрисида гапирар экан, «ўзининг келажагини қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта, ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши керак», деб таъкидлайди ва миллий истиқлол мафқурасининг вазифасини кўрсатиб, унинг «... асл маъноси эскича ақидалардан ҳоли бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборат», дейди. Мустақиллик ғояси ва мафқурасининг халқимизга тўғри йўл кўрсатувчи, уни бирлаштирувчи, буюк мақсадлар учун бутун кучларимизни уйғунлаштирувчи аҳамиятини назарда тутиб, Президент И.А. Каримов мустақилликнинг дастлабки даврида, 1993 йил 6 май Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг II чақириқ XII сессиясида «Олдимизда турган энг муҳим масала бу миллий истиқлол мафқурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир», деган эди. Кишиларимизни қайси тоифа ва гуруҳда бўлишидан қатъи назар маънавий инқироздан чиқарадиган ягона миллий ғоя атрофида бирлаштирадиган бирдан-бир қудратли куч ана шу миллий мустақиллик мафқурасидир.

Ягона мақсад, ягона ғоя бўлмаса жамият инқирозга учрайди, ҳалок бўлади. Буни биз яқин ва олис

ўтмишдаги тарихимиздан биламиз. Миллий истиқлол ғояси келажак мақсадни ифодалайдиган халқимизнинг минг йиллик тарихини буюк келажак билан боғлайдиган, ана шу юксак мақсад йўлида 120 дан ортиқ миллатлар ва элатларни, барча кишиларимизни бирлаштирувчи байроқ вазифасини бажаради.

Мустақил Ўзбекистон тарихи миллий истиқлол ғоясининг тарихидир. И.А. Каримов: «Ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафқурасиз яшамаган ва яшай олмайди», — дейди.

Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистон Республикасининг кўп миллатли омилини сақлаб қолиши ва уни ривожлантиришдек буюк мақсадни ўзининг адолатли, инсонпарвар ҳуқуқий жамият қуриш йўлидаги устувор йўналиш, деб қарайди. «Ўзбекистон — Ватаним маним» ғояси барча ўзбекистонликларнинг дилидан ўрин олган. Бу фикрларнинг тасдиғини «Ижтимоий фикр» маркази томонидан 1999 йилнинг июн ойида ўтказилган социологик тадқиқотларнинг натижасида кўриш мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 1350 респондентлар иштирокида ўтказилган тадқиқотда ўзбеклардан ташқари тожик, қozoқ, татар, қирғиз, рус, украин, белорус миллатлари вакиллари Ўзбекистонда миллатлараро ва фуқаролик барқарорликнинг сабаблари нимада, деган саволга яқдиллик билан қуйидагича жавоб бердилар: 59,5 фоизи Республика Президенти И. Каримовнинг оқилона сиёсати, 31,3 фоиз — давлатнинг оддий халқ тўғрисидаги ғамхўрлиги, 22 фоиз — ўзбек халқининг бағрикенглиги, 15,3 фоиз иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда барқарорлик.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуриш йўлида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ишларимиздаги

барқарорлик мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишни муҳим вазифа қилиб қўяди. Шу мақсадда халқимизнинг аънаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини кишилар онгига сингдириш лозимдир.

Миллий мустақиллик ғоясининг энг муҳим вазифаларидан бири мустақиллигимиз таянчи ва келажаги бўлган ёш авлодни миллий гурур, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдан иборат. Мустақиллик ғояларига эътиборсизлик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. 1999 йил 16 феврал «қонли сешанба» куни воқеалари миллий мустақиллик ғоясини, мафкурасини ёшларимиз дилига етказиш зарурлигини, бунинг учун ғоявий, мафкуравий ишларимизни кучайтириш лозимлигини кўрсатди.

Бу борада юртбошимиз И.А. Каримовнинг 2000 йил апрелида Оқсарой қароргоҳида зиёлилар билан ўтказилган мулоқотида, шу йилнинг июн ойида «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларидаги миллий истиқлол мафкурасининг моҳияти, зарурати, аҳамияти, унинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий асослари тўғрисидаги таълимоти истиқлолимизнинг буюк ғояларини кишиларимиз тафаккурига сингдириш борасидаги ишларимизнинг дастуридир.

Миллий истиқлол ғоясини, унинг тушунча ва тамойилларини халқимиз, биринчи навбатда ёшларимиз ўртасида тарғиб ва ташвиқ этишнинг усул-усулларини шакллантириш йўлида дастлабки қадамлар қўйилмоқда. «Маънавият ва маърифат» маркази қошида тарғибот-ташвиқот марказининг тузилгани, жамоатчи маърузачилар ишининг йўлга қўйилаётгани, улар учун «Воизга ёрдам» рукнида рисоалар чоп этилаётгани шулар жумласидандир. Президентимиз фармони билан «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» махсус фан сифатида таълим тизимининг барча босқичларига киритилди.

Мустақиллик йилларида фан ва маданиятнинг ривожланиши

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида қадимдан бошлаб илм-фаннинг ҳамма соҳаси, айниқса, астрономия, математика, тиббиёт, кимё, меъморчилик, маъданшунослик, фалсафа, мусиқа, тилшунослик, адабиётшунослик ривожланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон олимлари ота-боболари яратиб кетган илмий меросни чуқурроқ ўрганиб янада бойитдилар. Ўзбекистон олимлари ўз миллий асарлари ва кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшдилар. Республикамизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Давлат ва жамият қурилиши академияси, Банк-молия академияси, Нукус ва Самарқандда Ўзбекистон Республикаси ФАнинг бўлимлари очилган. Илмий-тадқиқот ишлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатадиган илмий-тадқиқот институтлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий марказлари, шунингдек, университетлар ва бошқа олий ўқув юртларида ҳам олиб борилади. Илмий кадрлар Фанлар академиялари тизимида ҳам, олий ўқув юртлари, халқ таълими тизимида ҳам тайёрланади. Фақат Олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув юртларида 600 дан ортиқ фан докторлари ва деярли 6 мингга яқин фан номзодлари ўқитувчилик ва илмий фаолият билан шуғулланадилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатда илм-фанга алоҳида эътибор берилди. Халқ хўжалиги ва маданий ҳаётнинг тобора ортиб бораётган талабларидан орқада қолаётган илмий тадқиқот институтлари тугатилди. Турмуш тақозо этган янги институтлар очилди. Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 апрелидаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси ФАнинг янги Низоми тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 апрелидаги Фармони ҳамда уни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фанлар ривожланишини давлат

томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари ва инновация фаолияти ҳақида»ги қарори мамлакатда фанни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Республика олимларини хорижий мамлакатларга малака оширишга юборишга алоҳида эътибор берилди. Илмий ечимларни ички ва ташқи бозорда тарғиб этиш ва тарқатиш мақсадида республика илмий ишланмалари инновация тижорат маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا биноан Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссияси ташкил этилиши муносабати билан ФАнинг мавқеи ортди.

Ўзбек олимларининг фан-техника соҳасидаги ютуқлари нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам тан олина бошланди ва кўпчилик олимларимиз давлатимиз мукофотларига сазовор бўлдилар ва хорижий давлатлар академияларига ҳақиқий ҳам фахрий аъзоликка сайландилар. Ўзбекистон Республикасининг Фанлар академияси ал-Хоразмий номидаги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги олтин медалларни таъсис этди. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси ФАнинг академиги Ҳ.Ф. Фозилов табиий ва техникавий соҳада катта ютуқларга эришгани учун ал-Хоразмий номидаги Олтин медалнинг биринчи соҳиби бўлди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Олтин медал биринчи бўлиб шу йили ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳасида катта ютуқларга эришгани учун филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси У.И. Каримовга насиб этди.

1992 йил октябр ойида эса геология-минералогия фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси ФАнинг академиги И.Ҳ. Ҳамробоев геология ва геофизика соҳасида эришган муваффақиятлари учун Ҳабиб Абдуллаев номидаги Олтин медалнинг биринчи соҳиби бўлди. У АҚШ да чиқадиган «Глобал тектоника ва металлогения» халқаро илмий журнали таҳририятига аъзо этиб сайланди.

«Фан ва техникада ким ҳақиқатан ким?», деб номланган жаҳон фан ва техникасининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган энг буюк олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисидаги асосий маълумотларни ўз ичига олган қомусга Ўзбекистон Республикаси ФАнинг академиги П.Қ. Ҳабибуллаев киритилган. Ўзбек олими бу шарафга ўзининг қаттиқ ва юмшоқ жисмлар иссиқлик физикасининг катта муаммоларини, энергетиканинг физика-техникавий муаммоларини ишлаб чиққанлиги учун муяссар бўлган.

Мустақиллик йилларида (1996) ФАнинг 40га яқин илмий маркази ва тадқиқот лабораторияларида йирик олимлар фаол меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси ФА институтлари олимлари хорижий давлатлар олимлари билан ҳамкорликда илмий алоқаларни кенгайтириб бормоқдалар. Натижада, 1992 йил декабр ойида техника фанлари доктори Ф.Ф. Умаров К.Э. Циолковский номидаги Космонавтика халқаро академиясининг аъзоси бўлди. У мазкур Халқаро академиянинг аъзоси бўлган биринчи ўзбек олимидир. Шунингдек, ўзбекистонлик М.С. Булатов, С.М. Сутягин, И.И. Нотанлар 1993 йилда Иордания Ислом Фанлар академияси аъзолигига, М.С. Салоҳиддинов ЮНЕСКО Информация халқаро академиясининг ҳақиқий аъзолигига, 1994 йил октябр ойида Худоёр Оллоёров, 1995 йил феврал ойида Азамат Шамсиев Нью-Йорк ФАнинг фахрий аъзолигига, Экология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги халқаро академиясининг ҳақиқий аъзолигига З.С. Салимов, А.А. Аъзамхўжаев, 1997 йил октябрида У. Тожихонов ва З. Зариповлар Табиат ва жамият фанлари халқаро академиясининг аъзолигига, академик Э. Юсупов эса Туркия Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайландилар. Америка биография институти Ўзбекистоннинг етакчи олимларидан бири Смонулла Файзуллаевга унинг жаҳон фани ва маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасига асосланиб «2001 йил инсони» унвонини берди ҳамда мазкур институтнинг

маслаҳатчилар Кенгаши аъзолигига сайлади. Булар Ўзбекистон фанининг халқаро миқёсда тан олиншининг яққол мисолидир. Юртбошимиз айтганларидек, XXI асрда курали, қўшини бўлган давлат эмас, балки турли соҳалар бўйича кучли мутахассислари бўлган давлатгина қудратли давлат ҳисобланади. Зероки, ҳар бир халқ фан соҳасида катта ютуқларни қўлга киритган машҳур фарзандлари билан буюқдир.

Мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қайта қуришлар қаторида маданият соҳасида ҳам тубдан ўзгаришлар рўй берди. Бу аввало, театр санъати, миллий мусиқа, меъморчилик, адабиёт соҳаларида яққол кўзга ташланади. Маданият мутахассисларининг ижодий фаолияти, уларнинг моддий ва техникавий ускуналари, замонавий бинолар билан таъминланиши давлат раҳбари Ислоҳ Каримовнинг бевосита раҳбарлигида бўлди. 2001 йилнинг давлат бюджетидан маданият ва санъат муассасаларини ривожлантириш учун 12 миллиард 703 миллион сўм (бу кўрсаткич 2000 йили 9 млрд. 463 млн. сўмни ташкил қилган эди) ажратилиши фикримизнинг далилидир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикада янги театр жамоалари ташкил этилди. 1991-1994 йилларда бир қатор вилоят марказларида янги театрлар ишга туширилди. 1993 йил август ойида Тошкент шаҳрида иш бошлаган «Туркистон» саройи нафақат меъморчиликнинг ёрқин намунаси, балки сахна гуруҳлари ва атоқли артистларнинг чиқишлари бўладиган даргоҳга айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов «Туркистон» саройи очилиши маросимида нутқ сўзлаб, «Ушбу саройда халқимизнинг, шунингдек, жаҳон халқларининг, Марказий Осиё халқларининг анъанавий анжуманларини, санъат байрамларини ўтказишни ният қилганмиз. Бу қошона, иншооло, миллатлар, эл-элатларнинг дўстлик, бирдамлик қалъасига айланади», деган эди.

1998 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу фармонга мувофиқ Ўзбекистон томоша санъатининг кўп асрлик анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишда театр арбобларининг фаол қатнашишини таъминлаш мақсадида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Театрларнинг 90-йилларнинг иккинчи ярмидаги репертуарларида тарихий пьесалар кенг ўрин олди. 1996 йили Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан 10 та янги спектакл саҳналаштирилди. «Наврўз-97» театр фестивали муносабати билан Соҳибқирон образини ифодаловчи 14 спектакл намойиш этилди. 1998 йили ал-Фарғоний, ал-Бухорийлар юбилейларига бағишланган пьесалар яратилди. Мамлакатимизнинг бой тарихчи намойиш этувчи спектакллар Тошкентнинг етакчи театрларидагина эмас, барча вилоятларнинг театр саҳналарида кўйилди. 1995-1997 йиллари республика театрлари томонидан 313 та янги спектакл кўйилди.

Ўзбекистонда мусиқа ва рақс санъатини ривожлантириш мақсадида «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси ташкил этилди. Унда мусиқа-рақс санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш масалалари кўзда тутилди. Санъатнинг барча соҳалари, маданий-маърифий муассасалар учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш Республика Президентининг доимо диққат-марказида бўлиб келди. Советлар давридаги маданият ўқув юртлиари қайта тузилиб, кўплаб янги ўқув масканлари ташкил этилди. 90-йиллар охирида мамлакатда 27 махсус ўқув юртлиари фаолият кўрсатди. Шундан

биттаси олий ўқув юртлари, 20 та ўрта махсус билим юртлари, 2 таси мактаб-интернатдир.

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиёти, адабиёт-шунослик фани тараққиётида ҳам янги саҳифалар очилди. Асарлари зарарли, ўзлари миллатчи, деб ноҳақ баҳоланган Чўлпон, Отажон Ҳошим, Вадуд Маҳмуд, Мунаввар Қори сингари миллатпарвар ёзувчи, маърифатпарварлар ижоди ҳолисона ўрганилиб, уларнинг асарлари чоп этилди, театр саҳналарида ўз ўрнини эгаллади.

Маърифатпарварлар фаолиятининг асл моҳиятини, адабий, маданий, сиёсий ҳаётдаги ўрнини рўйи-рост кўрсатиш бошланди. Ўтмишда диний ва сарой адабиёти вакили, деб тамға босилган буюк шоир ва мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, асарлари халққа қайтарилди.

Мустақиллик шарофати боис мўътабар Куръони Карим ва Ҳадислар чоп этилди. Истеъдодли олим Ҳамидулла Караматовнинг «Куръон ва ўзбек адабиёти» номли китоби нашр этилди. Айтиш мумкинки, бундай асарларнинг халқимиз қўлига етиб бориши бутунлай янги, соғлом, соф миллий ғояларимизнинг, мақсад ва интилишларимизнинг сифат даражасини белгилайди. Адабиёт соҳасидаги ва кўплаб нашр этилган бошқа асарлар миллий истиқлол ғояси ва мафқурасининг буюк ҳаётбахш кучини кўрсатади.

Мустақиллик даври адабиётининг байроқдорлари Ўзбекистон Қаҳрамонлари Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ шоирлари Муҳаммад Юсуф, Ҳабиб Саъдуллаевлар ижодий фаолияти билан бутун халқимиз фахрланади.

Миллий истиқлол давридаги ўзбек адабиёт-шунослиги олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишда Озод Шарафиддинов, Бегали Қосимов, Наим Каримов, Эркин Каримов, Аҳмад Алиев, Нажмиддин Комиловларнинг асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Т. Маликнинг романлари, О. Магжон, О. Ҳожиева, Ҳ. Султонов, А. Суюн, Й. Эшбек, Ҳ. Дўстмуҳаммад, Ш. Салимова сингари шоир ва адибларнинг бадиий

баркамол, гоёвий етук асарлари ўзбек миллий истиқлол адабиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Мустақиллик йилларида маданий-маърифий муассасалар ишларида ҳам кескин ўзгаришлар юз берди. Бу муассасаларнинг сони 1997 йили 9442 та бўлса, булардан 60 таси музейлар, 2657 та клублар, 6725 та кутубхоналардир. Мустақиллик йиллари бу муассасалар аҳоли ўртасида маданий-маърифий тарбиянинг ўчоғига айланди.

Аҳоли ўртасида маданий-маърифий ишларни ташкил қилувчи муассасалардан бири кутубхоналар бўлиб, уларнинг сони 1996 йили 6723 та эди. Кутубхоналарда жами китобхонлар 6 млн. 211 кишини ташкил қилса, шундан 4 млн. 425 мингга қишлоқ туманларида эди. Кутубхона ходимларидан 65 фоизи олий ва ўрта маълумотли мутахассислардир.

Миллатимизнинг ўзлигини англашда, миллий, тарихий қадриятларимизни тиклашда музейлар алоҳида ўрин тутаяди. Шу жиҳатдан Президент И.А. Каримовнинг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони музейлар ишларини ривожлантиришда дастур ролини бажармоқда.

Мустақиллик йиллари республикада музейларга бўлган эътибор ошиб бормоқда «Темурийлар тарихи давлат музейи»нинг қурилиши, «Ўзбекистон халқлари тарихи музейи», «Халқ амалий санъати музейи»нинг қайта жиҳозланиши бунинг далолатидир. Ҳозирги кунда давлат қарамоғидаги музейлар 81 тани ташкил қилиб, шулардан 15 таси тарих музейлари, 23 та ўлка-шунослик, 10 та бадиий санъат кошонаси, 20 та мемориал муассаса, 8 та адабиёт, 4 та тиббиёт музейларидир.

Шунингдек, мамлакатнинг шаҳарлари ва туманларида 510 музей халқимизнинг бой тарихий-маданий хазиналарини намойиш этмоқда ва кишиларимизни, ёш авлодни маънавий-маърифий тарбиялашга ўзларининг ҳиссаларини қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги жами музейларда 2000 йил

бошларида 1.350 миңг экспонатлар сақланмоқда ва буларни ўтган даврда 1.655.400 киши томоша қилган.

Шарқ ва Ғарб меъморчилиги уйғунлашган бинолар юртимиз пойтахти ва вилоят марказларида қад кўтариб шаҳарларимиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Миллий банк, меҳмонхона бинолари ҳамда маданият ва истироҳат боғларининг бунёд этилиши бунинг ёрқин мисолидир. Ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати, тасвирий санъат, рақс, кино санъатларида ҳам анъанавий ва замонавий усуллар уйғунлашиб етук асарлар яратилди ва яратилмоқда.

Хулоса қилганда, Ўзбекистон ўзининг қисқа вақтдаги мустақиллик йиллари давомида иқтисодий-ижтимоий борадаги ютуқлари билан бир қаторда мафкуравий-маънавий, маданий ишларга ҳам эътиборни кучайтириб, жаҳоннинг ривожланган давлатлари орасида ўз нуфузи ва обрўсини юқори кўтармоқда.

20-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ

Ўзбекистоннинг тинчликсевар мустақил ташқи сиёсати ва унинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинishi

XX асрнинг охири ўн йиллиги инсоният тарихига буюк ўзгаришлар даври бўлиб кирди, чунки ер юзида вазият, кучлар нисбати кескин ўзгариб, бир-бирига қарама-қарши бўлган СССР ва АҚШ етакчилик қилган икки ижтимоий-сиёсий тузум, икки ҳарбий-сиёсий блок барҳам топди. Социалистик тузум емирилиши билвосита бутун мамлакатлар тақдирига таъсир этди. Дунё янгилалиши жараёнида ҳар бир давлат ўз тараққиёт кўлами билан жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун ҳаракат бошлади. Шулар қатори Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш мақсадида ўзининг ижтимоий-сиёсий янгилалиш дастурини ишлаб чиқди. Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт истиқболлари учун қулай жуғрофий-сиёсий имкониятларга эга эканлиги ҳам мустақил ташқи сиёсат юритиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун имкон берди. Хусусан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги ўрни, бу ҳудудда истиқомат қиладиган халқларнинг қадимдан ҳамфикр бўлиб келгани Марказий Осиё минтақасида ташқи сиёсат юритишда ижтимоий зарурат ҳисобланиб келинмоқда. Ўзбекистоннинг бу борада амалга оширган улкан ютуқлари умумжаҳон цивилизацияси билан муштарак эканлигини алоҳида қайд этиш билан бирга бу сермашаққат йўлда Президент И.А. Каримовнинг ўрни беқиёслигини ҳам айтиб ўтмоқ лозим.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон ташқи сиёсатда бошқа давлатлар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконидан маҳрум бўлиб, республиканинг ўрни фақат қозғаларда федерация субъекти сифатида мустақамланган эди, холос. Ўзбекистон ўз имкониятларини дунё миқёсида кўрса-

тишдан ажраб қолган, хориж билан халқаро алоқалар фақат марказнинг рухсати билан амалга оширилар эди.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонда халқаро ташкилотларнинг фаолиятини ўрганиш, хорижий давлатлар билан дипломатик, туристик алоқаларни йўлга қўйиш ва бу ишларда фаолият юритиш учун юқори малакали миллий кадрлар етиштириш эҳтиёжи келиб чиқди. Шунини таъкидлаш керакки, Ўзбекистон бу ишларни режали тарзда амалга оширди.

«Халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашади, унинг мақсадлари мустаҳкам тинчлик, қуролсизланиш, ўз ҳудудини қурол-яроғлардан холи қилиш, ядровий қуролни ва бошқа оммавий қирғин қуролларини йўқотиш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатиш ва тазйиққа йўл қўймасликдан иборат», дейилади 1991 йил 31 августда Олий Кенгашнинг VI сессиясида қабул қилинган «Мустақиллик ҳақидаги Баёнот»да. Ўз ташқи сиёсатининг асосий йўлини белгилаб олган Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизнинг 17-моддасида бу йўлни қонун билан мустаҳкамлади. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий устувор тамойилларини мамлакатимиз раҳбари И.А. Каримов ўзининг асарлари, маърузалари ва нутқларида назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берди. Тамойиллар қуйидагиларни ташкил этади:

- миллий-давлат манфаатларини устун қўйган ҳолда ташқи сиёсатда давлатларнинг суверен тенглигини ҳисобга олиш;
- умумбашарий қадриятларни устун қўйган ҳолда низоли можароларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- ташқи сиёсатдаги тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорликни ўрнатишда бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

- барча тинчликсевар давлатлар билан ташқи алоқаларни ўрнатишга интилиш;
- халқаро ҳуқуқ нормаларини тан олган ҳолда жаҳон ҳамжамиятида халқаро талабларга риоя қилиш;
- ташқи сиёсатда кўп томонлама алоқаларни ўрнатишда халқаро ташкилотлар доирасида алоқаларни кенгайтириш масалалари киритилди.

Ўзбекистон бутун жаҳон жамоатчилиги олдида халқаро ҳуқуқнинг умумжаҳон эътироф этган нормаларига содиқлигини конституция даражасида ҳам мустаҳкамлади. Конституция Халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларининг бутун бир мажмуи — БМТ Уставига, Инсон ҳуқуқлари умумий Декларациясига ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳуқуқ битимларидан — Хельсинки битими, Париж ва Мадрид хартияларига асосланди. Шунингдек, Асосий Қонунга киритилган қонунларни ривожлантириш мақсадида «Дипломатик муносабатларни ўрганиш тартиби», «Ўзбекистонда халқаро шартномаларни тузиш, ижро этиш ва бекор қилиш» ҳақида актлар ҳам қабул қилинди. Уларда ташқи сиёсатнинг ҳар томонлама асосланган тамойиллари ўз аксини топди.

Шу ўринда айтиб ўтмоқ лозимки, бу тамойиллар ёш суверен давлатнинг асосий ташқи сиёсий доктринасини ифода этиш билан бирга давлатлараро муносабатлар йўналишларининг ривожланиши ва кенг доирадаги ташқи муаммоларни ҳал қилиш имконини берди. Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳон миқёсида мустақил давлат сифатида тезда тан олинисини таъминлади. Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи сиёсатдаги йўналишларини демократик принципларга асосланган ҳолда олиб борар экан, 1991 йил декабрдан 1992 йил июл ойигача бўлган давр ичида республикани 111 давлат, ҳозирги кунга қадар эса Ўзбекистон мустақиллигини 180 дан ортиқ давлат тан олди, уларнинг 100 дан ортиғи билан дипломатик, сиёсий,

иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Тошкентда АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг элчихоналари очилди. Шунингдек, Ўзбекистонда 88 та хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг элчилари дунёдаги 20 дан ортиқ йирик давлатларда фаолият кўрсатиб турибди.

Мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосини очиқ-ойдинлик, тенг ҳуқуқлик, демократик принципларга содиқлик, умуминсоний қадриятларини улуғлаш, республика ижтимоий ҳаётидаги демократик жараёнга таъсир қилиш қабила ташкил этади ва Республика ташқи сиёсати тинчлик ва хавфсизлик учун умумжаҳон эътироф этган очиқ яқдиллик талабларига асосланади. 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб, дунё миқёсида тан олинди. Бу воқеа республиканинг мустақил давлат сифатида халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин олишида ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. 1993 йил феврал ойига келиб Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди. Холид Малик БМТнинг Ўзбекистондаги вакили этиб сайланди.)

Ўзбекистон БМТнинг тўлақонли аъзоси сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг йиғилишларида иштирок этиши билан ўзининг халқаро ҳамжамиятга кириш жараёнини давом эттирди. Ўзбекистон раҳбариятининг дунёдаги глобал муаммоларга жаҳон миқёсида эътиборини қаратиши Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатда тутган аниқ ўрнини белгилаб берди. Чунончи, 1993 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузасида Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг илгари сурган биринчи халқаро ташаббуси Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги адолатпарвар сиёсатидан дарак берди. Президент И.А. Каримов бу маърузасида бир

қатор аниқ таклифларни билдирди. Буларга Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишлайдиган семинарини чақириш, БМТ хавфсизлик кенгашида юзага келаётган можароларни таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш бўйича махсус гуруҳ тузиш, Марказий Осиёни ядросиз зона, деб эълон қилиш, бу минтақада кимёвий модда ҳамда бактериологик қуролни тақиқлаш бўйича халқаро назорат ўрнатиш, Марказий Осиёда нарко-бизнесга қарши ҳамкорликда курашиш учун БМТнинг минтақавий комиссиясини тузиш, Орол муаммосини ҳал қилиш масаласи бўйича БМТнинг махсус комиссиясини тузиш кабилар кирди.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов 1995 йил БМТнинг эллик йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқида ҳам асосий эътиборни бу ташкилотнинг фаолиятини янада кенгайтириш билан бир қаторда яна минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик, экстремизм, терроризм, наркобизнесга қарши кураш масалаларига қаратди. Президентимиз муайян «оловли нуқталар», деб аталаётган минтақаларда биргалашиб ҳаракат қилиб, тинчлик ва барқарорликка эришиш лозимлиги ҳақидаги аниқ таклифларни киритди ва Ўзбекистон «оммавий қирғин қуролларини тарқатмасликни таъминлаш бўйича керакли халқаро қафолатларни қабул қилиш, ядро синовларини бутунлай тўхтатиш ҳақидаги шартноманинг тезда тузилиши тарафдори» эканлигини ҳам кўрсатиб ўтди.

Ушбу йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан Орол денгизи қуриши билан боғлиқ бўлган глобал муаммони кўтариб чиққани ҳам муҳим аҳамият касб этди. Президент И.А. Каримов «Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик фожеа, бутун ер юзини қамраб оладиган биосфера, ўнлаб миллион киши-ларнинг ҳаёт шароитлари, саломатлиги, наслига ҳалокатли таъсир кўрсатувчи глобал муаммо» эканлигини кўрсатиб, бугунги кунда БМТнинг ташки-

лотчилик фаолиятисиз бу муаммони ҳал этиш мумкин эмаслигини ҳам асослаб берди. Бундай муаммолар Президентимизнинг фундаментал асари «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида батафсил назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилди. Асарда дунёда барқарорлик ва жуғрофий-сиёсий мувозанат сақланиб қолган шароитдагина ҳар қандай минтақада ривожланиш кучли бўлиши асослаб ўтилди.

Ўзбекистон раҳбарининг юксак минбардан туриб киритган халқаро миқёсда манфаатли бўлган таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди ва шунга асосланиб 1995 йил 16 сентябрда Тошкентда БМТнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-кенгаши иш бошлади. Дунёнинг кўп давлатлари иштирок этган бу семинарда Ўзбекистон раҳбарининг сўзлаган нутқи бош ҳужжат сифатида қабул қилинди. И.А. Каримов бу учрашувнинг «Тинчлик, Барқарорлик, Ҳамкорлик» шиори остида ўтаётганини мамнуният билан изҳор қилиб, бу учрашув минтақавий барқарорликни таъминлашда муҳим йўл бўлиб хизмат қилишини кўрсатиб берди.

Халқаро муносабатлар равнақи мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликнинг, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришнинг ўзига хос кафолати эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг ташқи сиёсатда минтақавий барқарорликни сақлаб қолиш мақсадида илгари сурган ташаббуслари кўпгина давлатлар ва БМТ томонидан доимо тасдиқланиб келинди. БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги йиғилишларда Ўзбекистон Президентининг киритган аниқ ташаббуслари, минтақа хавфсизлигини таъминлашга қаратилган таклифи БМТ бошчилигидаги «6+2» гуруҳининг тузилишига асос бўлган эди (Ўзбекистон, ХХР, Россия,

Эрон, Покистон, Тожикистон кузатувчи сифатида БМТ, Бирлашган фронт ва «Толибон» ҳаракати) Ушбу гуруҳнинг 1999 йил июл ойида Тошкентда ўтказган учрашуви муҳим халқаро воқеа бўлдики, бу учрашун минтақанинг ўзида бўлиб ўтди. Учрашувнинг якуни сифатида 19 июл куни «Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги тарихий ҳужжат имзоланди. Ушбу ҳужжат БМТнинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. Мазкур анжуман Ўзбекистон раҳбариятининг кўп йиллик савб-ҳаракатлари натижаси эди. Ўзбекистон раҳбариятининг тинчлик йўлидаги ҳаракатлари мазкур учрашувдан Афғонистонда муҳолиф кучлар ўртасида бошланган жанговар ҳаракатларнинг олдини олиш учун Республика Ташқи ишлар вазирлигининг Баёнотида ҳам яққол кўзга ташланди. Мазкур баёнот ўзаро қон тўкилишнинг оқибатлари ҳақида жиддий ташвишланган ҳолда муҳолиф томонларнинг ҳаракатларини қоралаб ўтди. Буларнинг барчаси дунё ҳамжамияти олдида Ўзбекистоннинг тинчлик йўлидаги реал ҳаракатларининг асоси сифатида яққол кўзга ташланиб қолди.

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан иқтисодий-сиёсий алоқаларининг йўлга қўйилиши

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатда минтақалараро хавфсизликни таъминлашда халқаро ташкилотлар фаолиятидан, уларнинг дастурларидан ҳам кенг фойдаланиши истиқболли натижаларни кўрсатди. Кўпгина минтақавий ташкилотлар, чунончи, НАТО, ЭКО, Ислом конференцияси, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорликлар йўлга қўйилди. 1994 йил июл ойида Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурига қўшилди. Бу дастурга кўра Ўзбекистон ҳарбий қисмлари Шимолий Каролина (АҚШ) даги Кемп Лежюп денгиз пиёдалари полигонидида ўтказилган ҳарбий машқларда, Ўзбекистон

худудида америкаликлар билан ўтказилган десантчиларнинг «Ультрабаланс-96» ҳарбий машқларида қатнашдилар. Шунингдек, Республика ҳарбий билим юрти талабалари 1997 йил Норвегияда ўтказилган «Кооператив банкерс-97» машқларида ҳам қатнашдилар. Бу каби ҳамкорликлар жангчиларимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби, тажриба бўлиб, уларнинг жанговарлик қобилиятини оширишларига ёрдам берди. 1999 йил апрелда И.А. Каримов Шимолий Атлантика Иттифоқи қошидаги «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг аъзоси сифатида НАТОнинг 50 йиллик юбилей тантаналарида қатнашди. Ўзбекистоннинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида иштироки Марказий Осиё минтақасида коллектив хавфсизлик ва барқарорликнинг кенг тизимини вужудга келтиришни режалаштиришда Ўзбекистоннинг иштирокини қафолатлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, «НАТО билан ҳамкорлик қилиш ҳарбий-сиёсий воқеалардан хабардор бўлиб туриш, бу уюшма доирасида амалга ошириладиган тадқиқотлар ва ишланмалардан баҳраманд бўлиш учун имкон берар эди». НАТО Бош қотиби Х. Солана ва АКШнинг НАТОдаги доимий вакили Р. Хантернинг Ўзбекистонга ташрифлари Ўзбекистон ва мазкур ташкилот ўртасидаги тинчлик йўлидаги сиёсатнинг ҳамоҳанг эканлигини ҳам кўрсатди.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиб кирган йиллари ЕХХТнинг катта мансабдор ходимлари кўмитасининг Прагадаги йиғилишида МДХ таркибидаги давлатларни ушбу ташкилотга аъзо бўлиб кириши масаласи кўтарилди. 1992 йил 26 февралга келиб Ўзбекистон ҳам бу ташкилот кенгашининг якунловчи ҳужжатиغا имзо чекди. Мазкур ҳужжат имзоланган вақтдан бери Ўзбекистоннинг Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бўлинмаларидаги иштироки тобора кенгайиб бормоқда. ЕХХТнинг Марказий Осиё билан алоқалари бўйича Бюроси минтақада барқарорликни таъминлаш мақсадида минтақадаги республикалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб олгани қувонарли

қолдир. Ушбу бюронинг ташаббуси билан Тошкентда ЕХХТнинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар», «Оммавий ахборот воситалари демократлаштириш шароитида» мавзусидаги бир қатор анжуманлари ўтказилди. Семинарлар Марказий ва Шарқий Европада инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ривожлантириш, халқ таълими ва оммавий ахборот воситаларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги роли масаласини кўриб чиқди. Бундай йиғилишларда Ўзбекистоннинг иштироки тинчликпарвар ташқи сиёсат юритишида асосий омил бўлиб қолди. Ўзбекистоннинг 1996 йил Лиссабон саммитида иштироки республика раҳбариятининг хавфсизлик доирасига кирувчи қарашларини баён этишга ҳам имкон берди. Унда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан «хавфсизликнинг, шу жумладан, Европа хавфсизлигининг чегараси йўқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг роли, аҳамияти, қолаверса, маъсулияти Европа билангина чегараланиб қолмаслиги, ундан ташқаридан келаётган хавфни ҳам ҳисобга олиши керак бўлади», деб айтилган сўзлари алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур анжуманда Ўзбекистон хавфсизлик муаммосига доир ўз қарашларини баён этиш ҳуқуқига эга бўлди. Президентимиз йиғилиш иштирокчиларига Марказий Осиё минтақасини ядросиз зона, деб яна бир бор эълон қилди. Ўзбекистон раҳбариятининг можаролар кучайиб бораётган ерларга қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиш ҳақидаги фикри Лиссабон учрашувининг якунловчи ҳужжатиغا киритилди.

1999 йил 18-19 ноябр кунлари мазкур ташкилотга аъзо 54 мамлакат раҳбарларининг Туркиянинг Истамбул шаҳрида олий даражадаги учрашуви бўлиб, мазкур анжуманда анча долзарб муаммолар, жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган эди. Йиғилишда Ўзбекистон раҳбарининг маърузаси дунё мамлакатлари иқтисодий тараққиётини, фуқаролар-

нинг ижтимоий турмуш тарзини фақатгина хавфсизлик таъминлагандагина амалга ошириш мумкинлигига қаратилди. Ўзбекистон Президенти йиғилишда глобал аҳамиятга эга бўлган терроризмга қарши марказ тузиш ҳақидаги таклифини киритди ва турли қабих ниятдагиларга ёрдам бераётган ташкилотларни илдири билан йўқотиш орқалигина мамлакатлар хавфсизлигини таъминлаш мумкинлигини алоҳида таъкидлади. XX аср охири XXI аср бошлари халқаро терроризмга қарши кескин кураш даври бўлди. Бу курашга Ўзбекистон ўзининг катта ҳиссасини қўшмоқда. Буни АҚШ сенаторларидан Либерман тасдиқлаб: «Ўзбекистонсиз бизнинг Афғонистондаги аксилтеррорчиларга қарши курашимиз муваффақиятли бўлмас эди»; дейди.

Бу ўринда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги масаласига ҳам тўхтаб ўтмоқ жоиз. Мазкур иттифоқ билан ҳамкорлик учун тузиладиган битим бўйича ишлар республикада 1995 йилдан бошланган бўлиб, бу музокаралар 1996 йилга қадар давом этди. Бу музокараларнинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги битим 1996 йил 21-22 июн кунлари Италиянинг Флоренция шаҳрида ЕИ давлатлари раҳбарларининг йиғилишида Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов томонидан имзоланди. Флоренциянинг «Фортеза де бассо» қалъасида Европа Иттифоқига кирувчи давлатлар ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашуви — саммитда имзоланган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги бу ҳужжат Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб боришида, ўз ўрни ва овозига эга бўлишида катта аҳамият касб этди. И.А. Каримов қўлга сиритилган бу битимни «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда «янги турмуш нуқтаси», деб атади. Мазкур битим Ўзбекистонни Европанинг ривожланган давлатлари билан ҳар томонлама алоқалари республика салоҳиятини юзага чиқаришда, демократия ва бозор ислохотларини амалга ошириш йўлида муваффақиятли ҳаракат қилиш учун катта имконият яратди. Хусусан, Италия, Германия,

Франция, Буюк Британия каби илғор давлатлар билан бўлаётган ҳамкорликлар давлатларнинг иқтисодий, маданий алоқаларида катта аҳамиятга эга бўлди. Илм-фан, маданият, санъат, таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг кенг кўламда олиб борилиши ҳам республика тараққиёти учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Ислом конференцияси ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати каби минтақавий ташкилотлар билан ҳам самарали алоқалар ўрнатди. Булар орасида, айниқса, юздан ортиқ аъзога эга. 1985 йилда тузилган Қўшилмаслик ҳаракати томонидан олиб борилаётган сиёсат Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойилларига, халқаро келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш, турли ҳарбий-сиёсий блоклар фаолиятида қатнашмаслик, тинчликсеварлик каби йўналишларга тўла мос келади. Ўзбекистон бу ташкилотга 105-аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган пухта ташқи сиёсатида жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, хорижий мамлакатлар билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар ўрнатиш масалалари долзарб вазифалар қаторига кирди. Шу боис Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётида интеграциялашиш йўлидан бориб, Жаҳон банки, Халқаро Валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашув ташкилоти ва бошқа молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб олди. Шу билан бирга Ўзбекистон БМТ доирасидаги ихтисослашган муассасалар — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, БМТнинг болалар фонди, Халқаро почта иттифоқи, Электр алоқаси бўйича халқаро иттифок, Жаҳон метеорология ташкилоти, Халқаро олимпиада кўмитаси, Халқаро автомобилчилар иттифоқи ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро алоқаларни тиклаб олди. Уларнинг ваколатхоналари республикамызда очилди ва

фаолият кўрсатмоқда. БМТнинг таълим, илм-фан ва маданият масалаларига ихтисослашган ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳам республикамиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари шу кунларда муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ўзбекистон 1993 йил ЮНЕСКОга аъзо бўлган эди. (Ўша пайтдаёқ ЮНЕСКО дастурига буюк мунажжим Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудини дунё миқёсида нишонлаш масаласи киритилиши Ўзбекистон билан ушбу ташкилот ўртасидаги ҳамкорликнинг янги асосдаги ривожини бошлаб берди). 1994 йилга келиб эса Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси ташкил этилди ва бу ҳам ўзаро ҳамкорлигимизнинг самарадорлигини оширишда муҳим қадам бўлди. 1996 йилга келиб Тошкентда ЮНЕСКОнинг ваколатхонаси очилди. Шу ўтган вақтдан бери Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ташкилоти ўртасидаги алоқалар йилдан-йилга кенгайиб борди. Айниқса, 1995 йил август ойида ЮНЕСКО Бош директори Ф. Майорнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи, унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов билан музокаралари муҳим воқеа сифатида тарихга битилди.

1996 йил Ўзбекистон Президенти ҳам ЮНЕСКО қароргоҳига расмий ташриф билан борди. Бу ташриф чоғида И.А. Каримов ЮНЕСКО ижроия кенгашининг 149-сессиясида нутқ сўзлади. ЮНЕСКОнинг Бош директори ва Франция Президенти иштирокида ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва маърифатнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмасини очди.

Ўзбекистон билан ЮНЕСКОнинг ўзаро ҳамкорлиги кенгайиши натижасида ЮНЕСКО иштирокида Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти очилди, 2000 йил 28 декабрда эса Шаҳрисабз ЮНЕСКО рўйхатига киритилди. Шаҳрисабз бу рўйхатга киритилган республикамиздаги учинчи шаҳар бўлди. Бундай алоқалар ўз навбатида муносабатларимизни янада юқори поғонага кўтариб,

ҳамкорлигимиз соҳаларини кенгайтирди. Мустақиллик йиллари республикада ўтказилган барча тадбирларда ЮНЕСКО иштирок этди. Амир Темур таваллуд топган кунининг 660 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Жалолiddин Мангуберди каби буюк шахсларнинг юбилей тантаналари, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллиги каби тадбирлар бевосита ЮНЕСКО ҳомийлигида ўтказилди.

Кейинги йилларда ёш мустақил давлатлар ичида Марказий Осиё давлатлари учун дини, урф-одатлари ва анъаналари яқин бўлган Шарқ мамлакатлари билан ўзаро алоқалар олиб бориш имкониятлари бу мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни кенгайтирди. Бу ўринда биринчи навбатда Саудия Арабистони билан алоқаларни айтиб ўтиш ўринлидир. Шунингдек, Ўзбекистон 1992 йил 6 февралда Туркия, Покистон, Эрон томонидан тузилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди ва 1992 йил Эрон, Туркия, Покистон, Туркменистон, Қозоғистон давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан имзоланган «Транс-Осиё» темир йўл алоқасини тиклаш мақсадида Тажан-Серахс-Машҳад йўли қрилиши ҳақидаги битимда фаол иштирок этди. Бу Ўзбекистон учун денгиз йўллари, халқаро транспорт тармоғига, товар ва капитал халқаро бозорига чиқиш имкониятини берди. Араб мамлакатлари билан олиб борилган алоқалар маданий ва диний томондан ҳам узвий боғлиқ бўлди. Бу йўлдаги ҳаракатлар натижасида савдо-сотик, туризмни ривожлантириш ва кадрларни ўқитиш имкониятларига йўл очди.

Кейинги йилларда Хитой халқ республикаси билан ҳам алоқалар кенгайиб, бу икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик бир-бирининг ишига аралашмаслик тамойилига асосланди. 1992 йилда икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгандан кейин иқтисодиёт, савдо, фан ва техника, маданият ва санъат соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадал ривожланиши учун кўпдан-кўп имкониятлар вужудга келди. Президент И. Каримовнинг Хитойга қилган

расмий ташрифи ҳамда Президент Цзян Цземиннинг Ўзбекистонда бўлиб, унинг салоҳияти ва имкониятлари билан яқиндан танишиши натижаси ўлароқ мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий негизи янада мустаҳкамланди. Ўзаро маданий алоқаларда ҳам фан, маданият, санъат аҳлининг ўзаро фойдали ҳамкорлигини кучайтириш борасида ҳам турли-туман тадбирлар амалга оширилди. Тошкент ва Самарқандда ўтказиладиган халқаро кино ҳамда мусиқа анжуманларида икки давлат маданият арбобларининг иштирок этиб бориши ҳам фикримизнинг далилидир. Зеро, Ўзбекистон Президенти айтиб ўтганидек, «Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш — давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир».

Президентимизнинг жаҳондаги турли мамлакатларга ташрифи Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, Япония, ВСР, Руминия, АҚШга ташрифи давомида бу мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳал этилди. Бу ўринда АҚШ билан бўлаётган ўзаро алоқаларга тўхтаб ўтмоқ жоиз. Дунёнинг етакчи давлати, жуда катта сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган АҚШ билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам икки давлат учун муҳим бўлган йўналишлардаги муносабатлар изчиллик билан ривожланди. Ўзбекистон раҳбариятининг 1995 йил АҚШ вице-президенти Альберт Гор билан учрашуви давомида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ривожига ҳамда МДХдаги хавфсизликка дахлдор масалалар ҳал этилди. Айни пайтда АҚШ Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги етакчилик ролини тан олиб, республикамиз билан терроризм, наркобизнесга

қарши кураш, минтақавий хавфсизлик ва И. Каримовнинг АҚШга ташрифи чоғида муҳокама этилган бошқа масалалар соҳасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш ниятида эканлигини маълум қилди.

Ўзбекистон раҳбарининг 1996 йил АҚШга қилган етти кунлик ташрифи Ўзбекистон ташқи сиёсатида ўзига хос ўрин тутади. Мазкур ташриф давомида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик масалаларида фикр юритилди. Сиёсий жиҳатдан ушбу ташрифнинг аҳамияти шундан иборат бўлдики, Ўзбекистон раҳбарияти АҚШда камдан-кам қўлланиладиган удум — Мукаммал аскарини ташрифот билан кутиб олинди.

Умуман, Президент И.А. Каримовнинг АҚШга қилган ташрифлари Ўзбекистон дипломатияси учун улкан сиёсий муваффақият ҳисобланади. Ўзбекистон миллий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ўзи учун бошқа дўстлар қаторида йирик, ишончли, қудратли иттифоқдош топишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистоннинг АҚШ билан муносабатлари йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Ўтган бир неча ой ичида юртимизга Вашингтондан бир қанча давлат ва жамоат раҳбарлари, ҳарбий мутахассислар, чунончи 16 нафар сенатор ва 8 нафар конгрессмен келиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2002 йил 11-14 март кунлари расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлди. Ташриф кунлари юртбошимиз АҚШ Президенти Жорж Буш (кичик) ва бир қанча давлат раҳбарлари билан учрашди.

Жорж Буш Ўзбекистон қатъият билан аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлаганини АҚШ ҳукумати ва халқни унутмаслигини, бу миннатдорлик ва эҳтиром келгусида жуда кўп бор намоён бўлишини таъкидлади. У Ислам Каримовни бундан буён АҚШ стратегик шерик сифатида доим Ўзбекистон билан бирдам бўлишига ишонтирди.

Вашингтонда АҚШ ҳукумати 2002 йилга Ўзбекистонга ёрдам тариқасида 160 млн. доллар, Ўзбекистон қуролли кучлари ислоҳотига қўмаклашиш учун 43 млн. доллар ажратилиши маълум қилинди. Ўтган йили бу рақам 15,5 млн. доллар эди.

Ҳеч бир мамлакат иқтисодий ҳамкорликсиз ривожлана олмаслигини ҳозирги кун воқелиги исботлаб турибди. Ўзбекистон раҳбариятининг бу вазиятга чуқур ёндашиши орқали ташқи иқтисодий алоқаларда республикамиз иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этишга катта аҳамият берилди. Иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этишда Ўзбекистон қуйидаги тамойилларга амал қилади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш;
- Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий сармоядорларни кенг жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, ташкилотлар ва муассасалар тузиш;

- илғор технологиянинг кириб келишига, хўжалик таркибининг замонавийлашишига қўмаклашадиган хорижий сармояларга нисбатан «очиқ эшиклар» сиёсатини ўтказиш;

- республика мустақиллигини таъминлайдиган ўта муҳим соҳаларни ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратиш.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириши ва бу алоқаларни эркинлаштиришида республика раҳбарияти чиқарган ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи қонунларнинг аҳамияти катта бўлди. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги ва «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар шулар жумласига киради. Шу қаторда республика чет эл инвестицияларини ишончли суғурта билан ҳимоялашни ҳам таъминлади. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар ташқи иқтисодий фаолиятни

кенгайтириш, халқаро шартномалар тузиш ва уларни бажариш учун шарт-шароитлар яратди. Амалдаги қонунлар чет эллик инвесторлар учун кафолатлар билан бир қаторда солиқ соҳасида кенг имтиёзлар берди. Биринчи навбатда Ўзбекистон иқтисодига умумий ҳажми 50 миллион доллардан ортиқ миқдорда қилинадиган инвестициялар бож тўлашдан озод қилинди. Бу инвестицияларнинг давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларда иштироки натижасида етти йил мобайнида фойдалан солиқ тўлашдан ва корхоналар даромадларининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технология билан қайта жиҳозлашга сарфланадиган қисми ҳам солиқ тўлашдан озод қилинди. Ишлаб чиқарилган товарларни импорт ва экспорт қилиш учун божхона тўловлари анча камайтирилди.

Бу ўринда шуни айтиб ўтмоқ лозимки, чет эллик инвесторларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистонда ихтисослаштирилган ташкилотлар ва муассасалар тармоғи ташкил этилди. Булар қаторида «Ўзбекинвест» Миллий экспорт-импорт сугурта компанияси, Чет эл инвестициялари бўйича агентлик, Товар ишлаб чиқарувчилар ва талбиркорлар палатаси катта аҳамиятга эга бўлди.

Ана шундай яратилган қулай шарт-шароитлар имкониятлар натижасида Ўзбекистон ҳукумати жаҳондаги нуфузли давлатлар Германия, ХХР, Туркия, Япония, Италия, Буюк Британия билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонга 12 миллиард Америка доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилинди. Ўзбекистонга киритилган чет эл капитали ёрдамида республика ҳудудида қайд қилинган қўшма корхоналарнинг сони эса шу кунларгача 1810 тага етди.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларда ўз мавқеига эга бўлиб бориши қувонарли ҳолдир. Бу ўринда мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб АҚШ билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари бу икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенг

миқёсда олиб борилиши хусусида тўхтаб ўтмоқ лозим. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида имзоланган ўзаро манфаатли шартномалар асосида Ўзбекистонга АҚШнинг сармоялари кириб келди. Бу сармоялар иштирокида республикада қўшма корхоналар ташкил топиб фаолият кўрсатиб турибди. Ўзаро тузилган шартномаларга кўра АҚШ Ўзбекистондаги бепоён ер ости ва ер усти бойликларини ўзлаштириш учун катта сармоя маблағларни ажратишни ўз зиммасига олди, натижада республикага Американинг замонавий техникаси кириб келди. Ўзбекистонда Американинг «Ньюмонт-Майнинг» компанияси билан ҳамкорликда олтин қазиб оладиган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси қуриб ишга туширилди.

Шунингдек, хорижий сармоялар натижасида Ўзбекистонда «СамКучавто», «ЎзДЭУавто», Кўкдүмалок компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва бошқалар қурилди.

Жанубий Корея сармоядорлари билан «ЎзДЭУавто», «ЎзДЭУ электроникс» ҳиссадорлик бирлашмалари кенг фаолият натижаси ўлароқ Ўзбекистон жаҳондаги автомобил ишлаб чиқарувчи 28 мамлакат қаторидан ўрин эгаллади ва юқори баҳоларга сазовор бўлди. Бу мамлакат билан ҳамкорликда телефон тармоқлари янгиланди.

Ўзбекистоннинг МДХдаги ўрни ва мавқеининг ошиб бориши

1991 йил 8 декабрда Минск шаҳрида собиқ иттифоқнинг барҳам топиши муносабати билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига асос солинди. МДХнинг вужудга келиши ҳақидаги ҳужжатга дастлаб Россия Федерацияси, Украина ва Белоруссия давлатлари имзо чекдилар. 21 декабрда Алматида ўтган учрашувда МДХ битимини жами 11 давлат имзолаб, МДХга аъзо бўлиб кирди. Улар бу битимда давлатларнинг ҳудудий бутунлигини тан олиш, амалдаги чегаралар, уларнинг очиклиги, фуқаро-

ларнинг ҳаракати эркинлигига, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий ҳаракат ва қурол-яроғ тарқатишнинг олдини олишда биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олдилар.

МДХ аъзоларининг биргаликдаги ҳаракатларига қуйидаги вазифалар киритилди:

- ташқи сиёсий фаолиятларни мувофиқлаштириш, муҳофаа сиёсати ва ташқи чегарани муҳофаза қилиш;
- умумий иқтисодий муҳитни ривожлантириш ва Умумевропа, Евроосиё бозорини шакллантириш;
- иқтисодий ислоҳот ўтказиш;
- боғхона сиёсатини бирга олиб бориш;
- транспорт, алоқа, энергетика тизимларини ривожлантириш;
- экологик, атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш;
- уюшган жиноятчиликка қарши курашиш.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида ҳамдўстлик мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берди. Ўзбекистон ҳам давлатлараро банк ва бошқа ҳамдўстлик иқтисодий тузилмаларининг шаклланишида фаол иштирок этди. «Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини ташкил қилувчи мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш, — деган эди И.А. Каримов, — ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан биридир».

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов ўз асарларида МДХ доирасидаги ҳамкорликка катта эътибор бериб, Ўзбекистоннинг МДХ доирасидаги иштирокини қуйидаги ҳолатларда белгилаб берган эди:

- янги мустақил давлатларнинг кўп йиллар мобайнида таркиб топган муносабатлари чуқурлашиши халқаро майдонда вазиятни чигаллаштиришга олиб келиши мумкинлиги;
- республика иқтисодиёти ягона транспорт ва энергетика тизимига эга бўлган собиқ умумиттифоқ иқтисодий макони доирасида шаклланганлиги,

мустақиллик йилларида бўлса, МДХ доирасидаги давлатларнинг ўзаро алоқаларини узиб қўйиши ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкинлиги;

— МДХ доирасидаги давлатларда чегараларнинг очиқлигини сақлаб қолиш республикада ижтимоий-иқтисодий барқарорликни ва миллатлараро муносабатларда тотувликни таъминлашда муҳим рол ўйнаши;

— ёш мустақил давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги халқаро мақомда ўз мавқеини сақлаб қолиши учун муҳим омил бўлиб ҳисобланиши.

1991 — 2000 йилларда МДХ давлатлари бошлиқларининг 30 га яқин кенгашлари бўлиб ўтди ва муҳим ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида хавфсизлик масалалари, тинчликни сақлаш, иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиб олиш учун давлатлараро иқтисодий қўмита тузиш, иқтисодий интеграцияни тўлақонли амалга ошириш, божхона ва иттифоқ тўлови масалаларини изга солиб олиш кабилар муҳим ўрин эгаллади. Ўзбекистон МДХ доирасида сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалар бўйича шартнома ҳамда келишувларни Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия ва бошқа мамлакатлар билан имзолаб, ўзаро манфаатли ҳамдўстлик алоқалари учун мустақкам асос яратди.

Ўзбекистон МДХ давлатлари билан ҳамкорликда иқтисодий минтақалараро муносабатларни мустақкамлашга киришар экан, уларнинг сиёсий мустақиллигига дахл қилмаслик нуқтаи назаридан ёндашди. 1992 йил май ойида МДХ давлат раҳбарларининг Тошкент учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан бошланган коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши МДХ доирасидаги давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди. 1993 йил МДХ давлатлари билан имзоланган «Иқтисодий иттифоқ» ҳақидаги шартнома ҳам бу давлатларнинг иқтисодий тараққиёти ва ўзаро ҳамкорликларининг янада мустақкамланишига катта таъсир кўрсатди.

Айни вақтда Ўзбекистон 1996 йили Венада собиқ иттифоқдош давлатлар Грузия, Украина, Озарбайжон, Молдова давлатлари асос солган ўзига хос тузилмага ҳам 1999 йил апрел ойида аъзо бўлди. Натижада, бу тузилма унга уюшган давлатларнинг номидан олинган бош ҳарфлар асосида ГУУАМ, деб юритила бошланди. Мазкур тузилма минтақавий ҳамкорлик доирасидаги Осиё-Кавказ-Европа транспорт йўлагини ривожлантириш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришни мақсад қилиб олди. 2001 йил июн ойида ана шу ташкилотга аъзо давлатларнинг учрашуви бўлиб, унда Ўзбекистон ҳам иштирок этди. Ялтада бўлиб ўтган саммитда ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир айрим масалалар кўриб чиқилди.

Россия Федерацияси билан мустақиллик йилларида бўлаётган ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик яхши самара бераётганини таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Бу икки мамлакат ўртасидаги 1992 йил ўрнатилган дипломатик алоқалардан сўнг сиёсӣ, иқтисодий соҳаларда 150 дан ортиқ шартномалар имзоланди. Россия Федерацияси бош вазири В.Черномирдин, кейинроқ Е. Примаков 1998 йил Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцин, 1999 йил декабр ва 2000 йил май ойида Президент В.В. Путиннинг Ўзбекистонга қилган ташрифлари Россия ва Ўзбекистоннинг ўзаро иқтисодий ҳамкорликларини йўлга қўйишда, диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши биргаликда курашида алоҳида ўрин тутди.

Бундай учрашувлар нафақат Россия Федерацияси билан, балки Украина билан ҳам кенг йўлга қўйилди. 1994 йили Украина Президенти Леонид Кучма давлат ташрифи билан Тошкентга келди. Ўзбекистон ва Украина давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро мулоқотда иқтисодий ҳамкорлик, транспорт, саноат, қишлоқ хўжалиги, минерал хом ашё қазиб олиш, фан-техника тараққиётидаги ютуқларда ўзаро ҳамкорликни олиб бориш бўйича тузилган битимларни амалга ошириш билан алоқадор бўлган масалалар асосий ўрин эгаллади. Нафақат иқтисодий балки маданий алоқалар

ҳам йўлга қўйилди. Леонид Кучма ўзининг Ўзбекистонга ташрифи давомида Ўзбекистон байналмилал маданий марказида ҳам бўлди. Ўз навбатида Ўзбекистон Президенти ҳам Украинага уч маротаба сафар қилди. Бу икки давлат ўртасидаги алоқалар ҳозирги кунга қадар давом этиб, товар айирбошлаш ҳажми 300 миллион АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистон Украинага рангли металл, газлама ва бошқа турдаги маҳсулотларни етказиб берган бўлса, Украинадан Ўзбекистонга техника асбоб-ускуналари келтирилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 20 дан ортиқ ўзбек-украина қўшма корхоналари ишлаб турибди.

2001 йил МДХ ташкил топганлигининг 10 йиллиги муносаби билан Россия давлати пойтахтида МДХ давлатлари раҳбарлари иштирокида саммит ўз ишини бошлади. Саммитда ўтган вақт мобайнида қилинган ишлар сарҳисоб қилинди ва ўзаро савдодаги чеклашларни бартараф этиш, товарлар ва хизматлар оқимини кўпайтириш учун ахборот-маркетинг марказларини тузиш, таълим, маданият, солиқ, божхона соҳаларида фаолият кўрсатувчи муассасалар, хўжалик судлари ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Саммит иштирокчилари МДХ тузилганлигининг ўн йиллиги муносабати билан ҳамда Афғонистондаги вазиятга доир баёнотга имзо чекдилар. Ўзаро ҳамкорлик доирасидаги бундай учрашувлар ўз навбатида ҳамкорлик, давлат чегарасини ҳимоя қилиш, МДХ доирасидаги давлатларнинг фан-техника тараққиётидаги ютуқларидан ўзаро кенг фойдаланиш, иқтисодий алоқаларни кенг қамровли олиб бориш, экологик муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё республикалари билан ўзаро ҳамкорлиги

1993 йил Марказий Осиё раҳбарларининг Алматыда бўлиб ўтган учрашувидан сўнг Марказий Осиё

ҳамдўстлигига асос солинди. Ҳамдўстликка аъзо бўлган давлатларга миллий муҳофаази кафолатлашга, илмий техника тараққиёти ютуқлари ва алоқа воситалари, янги технологияга эришиш, хорижий давлатлардан маҳсулот ташиш, зарур хом ашё ва тайёр маҳсулотларни келтириш ҳамда ўз маҳсулотини жаҳон бозорига олиб чиқиш, табиий офатлар оқибатини тугатиш, экология соҳасида тадбирларни биргаликда ўтказиш учун имкониятлар яратилди.

Дин, эътиқод, тил бирлиги, азалий қардошлик муносабатлари бу давлатлар иқтисодий тараққиётида шубҳасиз катта аҳамият касб этади. Айни пайтда ўзига руҳан, урф-одаглари ва анъаналари билан яқин мамлакатлар билан мустаҳкам муносабатлар ўрнатиш суверен Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги муҳим йўналишлардан биридир. Бу ишлар Туркистон халқларининг асосий манфаатларини ифодалагани учун, улар орасида қадимий дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлаш, ўзаро иқтисодий муаммоларни ечиш, миллий-маданий алоқаларни тиклаш учун жуда қулай шароит яратиб, кишилар қалбида меҳр-оқибат, биродарлик туйғуларини уйғотиб келмоқда.

1994 йил 10 январда Қозоғистон Президенти Н. Назарбоевнинг Ўзбекистонга ташрифи Марказий Осиё ҳамдўстлигига амалий пойдевор қўйди. Унда иккала мамлакат раҳбарлари «Ягона иқтисодий ҳудуд» барпо этиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Бу шартномада Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида товарлар, хизматлар, сармоялар ва ишчи кучларининг эркин ўтиб туришини назарда тутувчи ҳамда ўзаро келишилган кредит, ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, бож ва валюта сиёсатини таъминловчи ягона иқтисодий маконни ташкил этиш кўзда тутилди. Фан, маориф, соғлиқни сақлаш йўлида имзоланган ҳужжатлар бўлса ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилувчи омил бўлиб қолди. Бу шартномага Қирғизистон, кейинчалик Тожикистоннинг ҳам кириши Марказий Осиё минтақасида иқтисодий интеграция жараёнининг чуқурлашувига катта

имконият яратди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Президентларининг бу олий даражадаги учрашувининг янги нуқтаси 1994 йил Алмати шаҳрида бўлиб ўтди. Томонлар Давлатлараро кенгаш ҳамда унинг доимий ижроия ташкилоти, Бош вазирлар кенгаши, Ташқи ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги кенгашини таъсис этдилар. Келишувда қатнашган мамлакат вакилларининг Давлатлараро ижроия қўмитаси Алмати шаҳрида жойлашди.

1995 йил 15 декабр Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикалари Давлатлараро кенгашининг Жамбул шаҳрида навбатдаги кенгаши бўлди. Мазкур кенгашда президентлар 2000 йилгача бўлган иқтисодий интеграция ва биринчи навбатда сармоя сарфланиши лозим бўлган лойиҳалар дастурларини ҳаётга жорий этиш, коммуникация тармоқларини ривожлантириш масалаларини муҳокома этдилар. Интеграция дастурида 53 та лойиҳа ишлаб чиқилди.

Иқтисодий соҳадаги узвий ҳамкорликнинг давоми Марказий Осиё республикалари президентларининг 1999 йил апрел ойида Чўлпон-Ота шаҳридаги учрашуви бўлди. Учрашувда И.А. Каримов барчанинг диққат эътиборида турган Афғонистон ҳи.обланмиш халқаро терроризм ўчоғининг хавфи масаласи кескинлигини қайд этди. Ўзбекистон Президенти йиғилиш қатнашчилари ҳамда БМТни бутун халқаро ҳамжамиятга таҳдид солаётган экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтиришга чақирди. Учрашувда Тожикистон Республикаси раҳбарияти ва жамоатчилиги И.А. Каримовни тожик халқининг оғир кунларда ёрдам берувчи ва қўллаб-қувватловчи ҳақиқий биродари ва дўсти сифатида қабул қилди. Президент И. Раҳмонов И.А. Каримовни тожик халқининг «бошидаги тожи, кўзидаги нури», деди. Кенгашда минтақанинг сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, Сараз кўли тошиш хавфининг олдини олишда Тожикистонга ёрдам беришга эътибор қаратилди. Бу ҳамдўстлик давлатчилигини қарор топтириш, президентимиз таъбири билан айтганда, «бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб даврида минтақадаги

мамлакатларнинг куч-ғайратлари ва саъй-ҳаракатларини жипслаштиришга қаратилгандир».

Айни пайтда Ўзбекистон Марказий Осиё республикалари билан алоқаларни йўлга қўйиб борар экан, бу минтақада иқтисодий, маданий ҳамкорликни йўлга қўйишдаги асосий хавф Афғонистон можароси эканлигини доимо диққат марказида сақлаб турди. Буларга сиёсий жиҳатдан диний руҳдаги экстремизм, халқаро терроризм, коррупция ва жиноятчилик, наркотик моддаларни тарқатиш, қурол-яроғ савдоси каби муаммоларни киритиш мумкин. «Бошқача айтганда, — дейди Президентимиз, — юқорида санаб ўтилган таҳдидлар, гарчи турли минтақаларда турлича куч билан намоён бўлсада, инсониятда бир хил ташвиш туғдирмоғи даркор».

Марказий Осиё республикаларининг диққат марказида турган халқаро терроризмга қарши жипслашиш масаласи минтақадаги республикалар раҳбарларининг 2000 йил 20-21 апрел кунлари Тошкентда Президентнинг Дўрмон қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувда яна юзага чиқди. И.А. Каримовнинг халқаро терроризмга қарши қураш Халқаро маркази тузиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Тўрт давлат раҳбарлари минтақада халқаро терроризм, сиёсий ва диний экстремизм ва бошқа таҳдидларга қарши биргаликда ҳаракат олиб бориш ҳақида ҳужжатни имзоладилар. Шунингдек, учрашувда икки давлат — Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикаси Президентлари чегаралар масаласида иккала давлат орасида эркин ҳаракатланиш тўғрисида, йўловчи ва юк ташиш транспортларини кенгайтириш тўғрисида келишиб олдилар.

Ушбу мамлакатларни бирлаштириб турган муҳим муаммолар қаторида Орол денгизи масаласи катта ўрин тутди. Шу боис бу масалани тўла қонли ҳал этиш минтақадаги давлатларнинг глобал муаммолари қаторига киради. Президентимиз сўзи билан айтганда, «Оролбўйининг барча неъматлари «ягона совет халқи» билан баҳам кўрилган» бўлса, «унинг аччиқ меваси

Оролбўйи фожиасидан қутилиш Марказий Осиё халқларининг иши бўлиб қолди».

Собиқ иттифоқ парчаланиб кетгандан бери бу муаммони ҳал этиш Марказий Осиё республикаларининг ўзаро алоқаларида ўз аксини топиб бормоқда. Орол денгизи муаммоси бўйича Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Қизил Ўрда (1993), Нукус (1994), Тошҳовуз (1995) учрашувлари бўлиб ўтди. Бу учрашувларда асосан Орол денгизи муаммосига бағишланган чора-тадбирларни кўриш белгилаб олинди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги ҳар томонлама ҳамкорликлар қаторида Орол масаласи ҳам ўзига хос ўринга эга. Республика раҳбарияти Оролбўйи масаласини ҳал этишда нафақат Марказий Осиё, балки Осиёдаги бир қанча ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Жумладан, 2001 йил Осиё тараққиёт банки президенти Тадао Чино Ўзбекистонга ташриф буюриб, Орол бўйида юз берган ҳолат билан танишиб чиқди. Ушбу ташриф натижасида Тадао Чино Ўзбекистон ҳукуматининг Оролбўйидаги сув тақчиллигини тугатишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади. У Япониянинг махсус жамғармасидан беғараз грант ажратишни жадаллаштиришни таъкидлаб ўтди.

2002 йил 28 феврал-1 март кунлари Алмати шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини тузиш тўғрисидаги шартномага имзо чекилди ва мазкур ташкилотнинг раиси этиб Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов сайланди.

Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигининг тузилиши уларнинг бошқа давлатлардан узоқлашишини кўрсатмайди, балки мураккаб ўтиш даврида минтақа мамлакатларининг ўзаро ёрдам ва ҳамкорлигини чуқурлаштиришга қаратилгандир. Республиканинг геосиёсий ва геостратегик аҳволи, иқтисодий салоҳияти, ижтимоий, иқтисодий тараққиёти ва

бошқа омиллардан қатъи назар давлатнинг ташқи сиёсатидаги устувор принципи давлатларнинг суверен тенг ҳуқуқлилик принципи бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқий ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти олдида турган минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишга қаратилгандир. Умуман, Ўзбекистон тарихий жиҳатдан қисқа бир даврда халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасида бир неча йилларга арзийдиган ишларни амалга оширди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши қўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, унинг мавқеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти олдида турган минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишга қаратилгандир. Умуман, Ўзбекистон тарихий жиҳатдан қисқа бир даврда халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасида бир неча йилларга арзийдиган ишларни амалга оширди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши қўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, унинг мавқеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

ХРОНОЛОГИК ЖАДВАЛ

3-3,5 млн. йил илгари — Олдувой одами (Шарқий Африка).

1 млн.-700-600 минг йил илгари — Ява ороли одами (питекантроп).

700-600 минг йил илгари — Хитой одами (синантроп).

500-50 минг йил илгари — архантроплар, Неандертал.

1 млн. йилдан зиёдроқ — Селунгур (Фергантроп).

1 млн.-15-13 минг йил — Ўрта Осиёда палеолит даври.

1 млн.-100 минг йил — илк палеолит.

100-40 минг йил — ўрта палеолит (Тешиктош одами).

40-12 минг йил — сўнги палеолит.

12-7 минг йилликлар — мезолит даври (Ўрта тош даври).

6-4 минг йилликлар — неолит даври (Янги тош даври).

4 минг йилликнинг охири-3 минг йилликнинг бошлари — энеолит (мис-тош) даври.

3-2 минг йиллик — бронза асри.

6-4 минг йиллик — Жойтун, Калтаминор ва Ҳисор маданиятлари.

4 минг йиллик охири 3 минг йиллик бошлари — Лавлакон, Саразм.

Мезолит-неолит даври — Ўрта Осиёда ибтидоий тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши.

3-2 минг йиллик — Замонбобо, Сополлитепа маданиятлари.

3 минг йиллик — дунё тарихида илк ёзувнинг пайдо бўлиши.

4-3 минг йиллик — дунё тарихида илк давлатларнинг пайдо бўлиши.

1 минг йилликнинг бошлари — темир асри.

Милoddан аввалги V-IV асрлар — Ўрта Осиёда илк ёзувнинг пайдо бўлиши.

Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярми — «Авесто»нинг пайдо бўлиши.

Мил. авв. VII-VI асрнинг бошлари — Заратуштра фаолияти.

Мил. авв. I минг йиллик ўрталари — Эрон аҳмонийларининг Ўрта Осиё вилоятларини босиб олиши.

Мил. авв. I минг йиллик бошлари — Ўрта Осиёда илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши.

Мил. авв. VI-IV асрлар — аҳмонийлар миҳхат ёзувлари.

Мил. авв. 555-330 йй. — Ўрта Осиё тарихий-маданий вилоятлари аҳмонийлар давлати таркибида.

Мил. авв. 530 й. — массагетларнинг Кир II кўшинларини тор-мор этиши.

Мил. авв. 522-486 йй. — Доро I ҳукмронлиги.

Мил. авв. 522 й. охири — Доро I га қарши Марғиёна кўзғалони.

Мил. авв. 519-518 йй. — «сақлар ўлкаси»даги форсларга қарши Скунҳа бошчилигидаги кураш.

Мил. авв. V аср ўрталари — Болқон ярим оролидаги шаҳар-давлатларнинг кучайиши.

Мил. авв. 334 й. баҳори — македон кўшинлари форсларга қарши юриш бошлади.

Мил. авв. 329 й. баҳори — Македониялик Искандар кўшинлари Окс (Амударё) бўйларига етиб келди.

Мил. авв. 328 й. баҳори — юнон-македонларга қарши кураш авж олди.

Мил. авв. 327 й. охири — Сўғдиёнадаги кўзғалоннинг сўнгги ўчоқлари ҳам бостирилди.

Мил. авв. 334-324 йй. — Македониялик Искандарнинг ҳарбий юришлари натижасида улкан давлат ташкил топди.

Мил. авв. 323 й. — Македониялик Искандарнинг Бобилда тўсатдан вафот этиши.

Мил. авв. 312 й. — Искандарнинг энг ишончли саркардаларидан бири Салавка ҳукмронлиги ўрнатилди.

Мил. авв. 293-261 йй. — Антиох Фарбга қилган юришлари билан шуҳрат қозонди.

Мил. авв. 250 й. — Парфия ва Юнон-Бақтрия давлатлари салавкийлар давлатидан ажралиб чиқиб, ўзларини мустақил деб эълон қилдилар.

Мил. авв. 247 й. — Парфияда Аршак бошчилигидаги парнлар қабиласи Нисо шаҳрига хужум қилиб уни эгаллайди.

Мил. авв. 171-138 йй. — Парфияда Митридат I ҳукмронлиги.

Мил. авв. III асрнинг иккинчи ярми-II асрнинг биринчи ярми — Юнон-Бақтрия давлатининг гуллаб яшнаган даври.

Мил. авв. 250-140/130 йй. — Юнон-Бақтрия давлати мустақил давлат сифатида.

Мил. авв. III аср бошлари — Қанғ давлатининг пайдо бўлиши.

Мил. авв. II аср бошлари — Қанғ давлати ерларининг кенгайиши.

Мил. авв. II-I аср — Қанғ давлатининг кучайган даври.

Мил. авв. III мил. V асрлар — Қовунчи маданиятининг ёйилиши.

Мил. авв. II-I асрлар — Хитой манбаларида Довон (Да-юнь) ҳақидаги маълумотлар.

Мил. авв. 125 й. — машҳур Хитой саёҳатчиси Чжан Цяннинг Довонга келиши.

Мил. авв. II аср охири — Хитой ва Довон ўртасида ҳарбий тўқнашувлар.

Мил. авв. 172-161 йй. — юечжи қабилаларининг хуннлардан мағлубиятга учраши.

Мил. авв. 140-130 йй. — юечжиларнинг Бақтрияга бостириб кириши.

Мил. авв. 125 й. — Катта Юечжи давлатининг инқирози.

Мил. авв. I асрнинг охири-мил. I асрнинг бошлари — Гуйшуан ҳокими Киоцзюкюнинг Қобулистон ва Қандаҳорни забт этиши.

Мил. авв. II-I аср — Ўрта Осиёда юнон-македон ҳукмронлигининг тугатилиши.

Мил. авв. IV аср — Ҳиндистонда буддавийлик динининг пайдо бўлиши.

- IV аср — Турон ўлкасига шимолдан кўчманчи хион қабилаларининг ҳужуми бошланади.
- IV асрнинг 60-70 йй. — Эрон шоҳи Шопур II нинг хионийлар билан кураши.
- V асрнинг 30 йй. — эфталитлар билан Эрон сосонийлари ўртасидаги биринчи тўқнашув.
- 459 йй. — Эрон тахтига Перўз чиқади.
- 470-529 йй. — Маздак Ҳамадон зардуштийликнинг асл ғояларини ҳаётга татбиқ қилмоқчи бўлиб, ўз ҳаракат мафкурасини яратди.
- 496 йй. — Кубод шоҳнинг тахтдан ағдарилиши.
- 531-579 йй. — Кубоднинг ўғли Хусрав I Анушервон фаолияти.
- V-VI аср — деҳқончилик воҳаларида эфталитлар ўтқоқлашувининг кучайиши.
- 551 йй. — Марказий Осиёдаги энг кучли бўлган жужанлар хонининг туркийлар томонидан мағлуб этилиши.
- 551-744 йй. — Буминнинг янги давлат — Туркий хоқонликка асос солиши.
- 554 йй. — Муқан хоқоннинг Шарққа юриши.
- 558 йй. — туркийларнинг Урал ва Волга бўйларини забт этиб, Шимолий Кавказдаги кўчманчи оварлар билан тўқнашуви.
- 563 йй. — эфталларга қарши шимолдан туркийлар, жанубдан сосонийлар ҳужуми.
- 576 йй. — Муқан хоқон ва Истеми ябғуларнинг вафотидан сўнг Туркий хоқонлик таъсирининг анча заифлаша бошлаши.
- 600 йй. — Қора Чуриннинг ўзини хоқон деб эълон қилиши.
- 603 йй. — хоқонликнинг тўла мустақил икки қисмга бўлиниши.
- 618 йй. — Хоқон Шегуй вафоти; Хоқон Тунаяғу даври бошланиши.
- 630 йй. — Хоқон Тунаяғу вафоти.
- 657-659 йй. — Хитойнинг Тан империяси қўшинларининг Еттисувга бостириб кириши.
- 570-632-йй. — Муҳаммад пайғамбар фаолияти.

650-651-йй. — арабларнинг Ўрта Осиёга ҳарбий ҳаракатлари бошланиши.

651 й. — Марв шаҳрининг араблар томонидан эгалланиши.

652 й. — Хуросон ноибни Абдуллоҳ ибн Амирнинг Чағниённи эгаллаши.

654 й. — Сўғдадаги Маймурғ қалъасига арабларнинг биринчи ҳужуми.

657 й. — Чағниёнга арабларнинг қайта юриши.

683 й. — Халифа Язид вафотидан сўнг тожу тахт учун кураш.

705 й. — Қутайбанинг Балх вилоятини босиб олиши.

706 й. — Қутайбанинг катта кўшин билан Мовароуннаҳрга кириб келиши.

708-709 йй. — Қутайбанинг Бухоро ва унинг атрофига бир неча бор ҳужуми.

710-712 йй. — Хоразмшоҳнинг Қутайба билан тинчлик сулҳини тузиши.

710-737 йй. — Тархуннинг укаси Фуракнинг тахтга ўтириши.

712 й. кузи — Самарқандда араб ноибига қарши кўзғалон кўтарилиши.

713 й. баҳори — Қутайбанинг етиб келиши ва кўзғалон бостирилиши.

720 й. — араблар сиёсатига қарши сўғд аҳолисининг бош кўтариши.

727-730 йй. — ислом динини қабул қилганлардан хирож ва жизья солиғи олишнинг бекор қилиниши.

733-734 йй. — Зарафшон воҳасидаги қурғоқчилик; мустамлака зулмининг кучайиши.

736-737 йй. — Асаднинг кўшини Хуросондан Хорисни сиқиб чиқаришга муваффақ бўлиши.

718 й. — маҳфий тарзда Муҳаммад пайғамбарнинг амакилари Аббоснинг тарафдорлари ўз ғояларини тарғиб қила бошлаши.

744-750 йй. — Марвон II ҳукмронлик даврида Уммавийлар сиёсатига қарши норозиликнинг кучайиб кетиши.

749 й. — Абу Муслим кўшини халифаликнинг марказий вилоятларига юриш қилиши.

749-754 йй. — Аббосийлардан бўлган Абулаббос Сафароҳнинг халифалик тахтига ўтириши.

751 й. — Бухоро шаҳрида Шорик ибн Шайхулмаҳр бошчилигида кўзғалон кўтарилиши.

755 й. — Абу Муслимнинг Бағдодда ўлдирилиши.

813 й. — Маъмуннинг халифалик маркази Бағдодни эгаллаши.

821 й. — Тоҳир ибн Хусайннинг Хуросонга ноиб этиб тайинланиши.

822 й. — Тоҳир ибн Хасайн Маъмун одамлари томонидан ўлдирилди.

822-830 йй. — Талха ибн Тоҳир ноиб этиб тайинланади.

839-840 йй. — Нуҳ ибн Асад Исфижоб вилоятини босиб олди ва уни мустаҳкамлади.

IX асрнинг 60-70-йиллари — Тоҳирийларга қарши халқ ҳаракатларининг кучайиши («Ғозийлар»).

873 й. — Саффорийларнинг Тоҳирийларга қаттиқ зарба бериб, Нишопурни эгаллаши.

819-820 йй. — Сомонхудоқ набираларининг турли вилоятларга ноиб этиб тайинланиши.

879-892 йй. — Исмоил Сомонийнинг Бухорога ҳокимлик даври.

892-907 йй. — Исмоил Сомонийнинг Мовароуннаҳр ва Хуросонга ҳумронлиги.

992 й. — Қорахонийлар хони Буғрохоннинг Бухорони эгаллаши.

997 й. — Нуҳ II Сомоний ҳам, Сабуктегин ҳам вафот этади.

1017 й. — Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олади.

1068 й. — Мовароуннаҳрда қорахоний Иброҳим ибн Наср ўғиллари ўртасида тахт учун курашнинг бошланиши.

1080 й. — Шамсулмулк вафотидан кейин Мовароуннаҳрда ҳокимият учун кураш авж олади.

1089 й. — Маликшоҳнинг Мовароуннаҳрга бостириб кириши.

1130 й. — Салжуқий Санжар Самарқандни эгаллайди.

1030 й. — Маҳмуд Фазнавий вафот этади.

1030-1041 йй. — Маъсуд Фазнавий тахтни эгаллади.

1035 й. — Салжуқийларнинг Хуросонга янги хужуми.

1040 й. — Маъсуд Фазнавий вафот этди.

1038-1063 йй. — Салжуқийлар давлатининг бош султони этиб Тоғрулбек сайланди.

1118-1147 йй. — ҳокимият буюк салжуқийлар сулоласининг сўнги йирик вакили Султон Санжар қўлига ўтади.

1127-1156 йй. — Қутбиддин Муҳаммад Отсиз ҳукмдор бўлди.

1158 й. — Эларслон катта қўшин билан Мовароуннаҳрга бостириб кирди.

1157 й. — Ғурийлар султони Ғиёсиддин Муҳаммад Ҳиротни эгаллади.

1194 й. — март ойида Такаш қўшинлари Тоғрул II га қарши уруш очди.

1200 й. — Такаш вафот этди.

1203 й. — Муҳаммад Хоразмшоҳ қорахитойларнинг ёрдамида Хуросонни бутунлай босиб олди.

783-850 йй. — Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий фаолияти.

797-865 йй. — Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Носир ал-Фарғоний яшаб ижод қилган.

873-951 йй. — Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад Форобий (Ўтрор) Фороб яқинида Васиж шаҳарчасида таваллуд кўрган ва Дамашқда вафот этган.

899-959 йй. — Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий фаолияти.

980-1037 йй. — Абу Али ибн Сино фаолияти.

973-1048 йй. — Абу Райҳон Беруний фаолияти.

960-1041 йй. — Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий фаолияти.

809-870 йй. — Имом Бухорий фаолияти.

824-892 йй. — Имом ат-Термизий фаолияти.

1103-1179 йй. — Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний фаолияти.

1145-1221 йй. — Нажмиддин Кубро фаолияти даври.

1127 й. — Қорахоний Арслонхон томонидан машхур иморат — Минораи Калон барпо этилди.

1204 й. — Уйғур алифбоси мўғул ёзуви учун асос сифатида қабул қилинди.

1215 й. — Дашти Қипчоқ юришида Хоразмшоҳ мўғулларнинг Жўчи бошчилигидаги ҳарбий кўшинига дуч келади.

1218 й. — Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзининг янги пойтахти деб эълон қилган Самарқанд шаҳрига кириб келди.

1219 й. — Чингизхон ўз ўғиллари бошлиқ 200 мингга яқин асосий ҳарбий кучлари билан пухта тайёрланган Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар давлати устига ҳарбий юришни бошлади.

1220 й. — Чингизхон Термизга юриш бошлади.

1220 й. — Муҳаммад Хоразмшоҳ плеврит касали билан оғриб Каспий денгизидаги Ашурани оролида вафот этади.

1221 й. — Жалолиддин Мангуберди Ғазнага кириб келади.

1221 й. — Синд дарёси бўйида уч кун давом этган ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтди.

1230 й. — 10 августида Кўния султони, Химс ҳокими, Ҳалаб ҳокими, Майафириқин ҳокими ва Байнас ҳокимларининг бирлашган иттифоқи Жалолиддинни мағлуб этади.

1227 й. — Чингизхон ўлими арафасида ўғилларига турли забт этилган ерларни улус этиб бўлиб берди.

1238 й. — Маҳмуд Торобий кўзғалони.

1256 й. — Мўғуллар Хулағу бошчилигидаги Эрон, Курдистон, Ироқ ва Яқин Шарқнинг бошқа ерларига ҳужум қиладилар.

1241 й. — Олтин Ўрда давлатининг ташкил топиши.

1261-1266 йй. — Чигатойнинг невараси Олғухон Олтин Ўрдага қарши курашиб, Чигатой улусини қайта тиклашга муваффақ бўлди.

1251-1259 йй. — Олтин Ўрдала Мунқа хоқон ҳукмронлиги.

1272 й. — Хулагийлар томонидан Кеш ва Насафнинг талон-тарож этилиши.

1271 й. — Маъсудбекнинг пул ислоҳоти ўтказишга киришиши.

1318-1326 йй. — Дувахон ҳукмронлиги даври ва унинг ислоҳотлар ўтказиши.

1326-1334 йй. — Оловиддин Тармаширин фаолияти.

1343-1346 йй. — Қозонхон ҳукмронлиги.

1333 й. — Араб сайёҳи Ибн Баттута Бухорода бўлди.

1247-1326 йй. — Паҳлавон Маҳмуд фаолияти даври.

1318-1389 йй. — Баҳовуддин Нақшбанд фаолияти даври.

1336-1405 йй. — Амир Темур фаолияти даври.

1360-1370 йй. — Амир Ҳусайн ва Темурнинг Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётида фаоллашуви.

1361-1365 йй. — Амир Ҳусайн ва Темур ўртасидаги илиқ муносабатлар даври.

1365-1370 йй. — Амир Ҳусайн ва Темур муносабатларининг ёмонлашуви.

1362 й. — Сейистондаги жангда Темурнинг жароҳатланиши.

1363 й. — мўгул хони Илёсхўжанинг Мовароуннаҳрга янги ҳужуми.

1365 й. — «Лой жанги».

XIV асрнинг 30-йиллари — Эронда сарбадорлар ҳаракатининг пайдо бўлиши ва 50-60-йилларда Мовароуннаҳрда ёйилиши.

1366 й. — Амир Ҳусайннинг Самарқанд тахтига ўтириши.

1370 й. — Амир Ҳусайннинг вафоти ва Темурнинг тахтга ўтириши.

1372-1388 йй. — Амир Темурнинг Хоразмга беш марта юриш қилиши.

1386-1388 йй. — «Уч йиллик» юриш.

1392-1396 йй. — «Беш йиллик» уруш.

1399-1404 йй. — «Етти йиллик» уруш.

1395 й. — Тўхтамишхоннинг батамом тор-мор этилиши.

1387-1392 йй. — Озарбайжон, Арманистон ва Грузиянинг Темурга бўйсундирилиши.

1398 й. — Ҳиндистон юришининг тугаши.

1400-1402 йй. — Миср ва Туркиянинг бўйсундирилиши.

1366-1408 йй. — Темурнинг ўғли Мироншоҳ фаолияти.

1377-1447 йй. — Шохруҳ Мирзо фаолияти.

1394-1449 йй. — Улуғбек Мирзо фаолияти.

1405-1409 йй. — Самарқандда Халил Султон ҳукмронлиги.

1405-1406 йй. — Халил Султоннинг Шохруҳ ва Пирмуҳаммад қўшинлари билан Мовароуннаҳр тахти учун кураши.

1407 й. — Пирмуҳаммаднинг Пир Али Тоз томонидан ўлдирилиши.

1409 й. — Шохруҳнинг Самарқандни эгаллаши.

1411 й. — Улуғбекнинг Самарқанд тахтини мустақил бошқара бошлаши.

1413 й. — Шохруҳ томонидан Эроннинг эгалланиши.

1414-1415 йй. — Улуғбекнинг Фарғонани эгалланиши.

1416 й. — Қошғарни Улуғбекка топширилиши.

1425 й. — Улуғбекнинг Мўғулистон қўшинларини тор-мор этиши.

1427 й. — Улуғбекнинг Дашти Қипчоқ қўшинларидан мағлубиятга учраши.

1428 й. — Улуғбекнинг Мовароуннаҳрда пул ислоҳоти ўтказиши.

1446 й. — Шохруҳ Мирзонинг сўнгги ҳарбий юриши.

1448 й. — Улуғбек ва Абдулатиф қўшинлари Тарноб яқинида Алоуддавла қўшинларини тор-мор этиши.

1449 й. — Абдулатиф ва Улуғбек ўртасида жанг.

1450 й. — падаркуш Абдулатифнинг ўлдирилиши.

1451-1469 йй. — Самарқандда Султон Абусаид Мирзо ҳукмронлиги.

XV асрнинг иккинчи ярми — Мовароуннаҳр ва Хуросонда Темурий шаҳзодаларнинг тож-тахт учун курашлари.

- 1417 й. — Бухорода мадраса бунёд этилди.
- 1420 й. — Самарқандда мадраса қурилди.
- 1433 й. — Ғиждувонда мадраса қурилди.
- 1424-1429 йй. — Самарқандда Улуғбек мадрасаси қурилиши.
- 1469-1506 йй. — Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги.
- 1480 й. — Дашти қипчоқда Шайбонихон ҳокимият тепасига келди.
- 1494 й. — Фарғонада Бобур Мирзо ҳокимият тепасига келди.
- 1497 й. — Бобур Мирзонинг Самарқанд тахтини эгаллаши.
- 1500 й. — Шайбонийхон Самарқандни эгаллади.
- 1500 й. — Бобур Мирзо Самарқандни иккинчи марта эгаллади.
- 1501 й. — Шайбонийхон Самарқандни яна эгаллади.
- 1505 й. — Шайбонийхон Хоразмни забт этди.
- 1507 й. — Шайбонийхон Хуросонни эгаллади.
- 1510 й. — Шайбонийхоннинг Эрон шоҳи Исмоил билан тўқнашуви ва ҳалок бўлиши.
- 1511 й. — Шоҳ Исмоилнинг Мовароуннаҳрга ҳужуми.
- 1512 й. — Хоразм хонлигининг ташкил топиши.
- 1526-1858 йй. — Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласининг ҳукмронлиги.
- 1538 й. — Убайдуллахоннинг Хоразмни эгаллаши.
- 1557-1598 йй. — Абдуллахон II ҳукмронлиги. Унинг Балхни (1573), Шаҳрисабз, Қарши, Ҳисорни (1574), Самарқандни (1578), Тошкентни (1580), Урганчни (1595) забт этиши.
- 1548-1549 йй. — Абдулазизхон хонақоҳи, Мағоки Аттори масжиди қурилди.
- 1558-1559 йй. — Антоний Женкинсоннинг Бухорода бўлиши.
- 1581 й. — Модарихон мадрасаси, Ойпошша оғим мадрасаси қурилди.
- 1587 й. — шоир Мушфиқий вафоти.
- 1601 й. — Аштархонийлар ҳукмронлигининг бошланиши.

1612-1613 йй. — Тошкентда Имомқулихонга қарши қўзғалон.

1616 й. — Араб Муҳаммад мадрасасининг қурилиши.

1619-1622 йй. — Элчи Иван Хохловнинг Хива хонлигида бўлиши.

1619й. — Шердор мадрасасининг қурилиши.

1657-1662 йй. — Бухорода Абдулазизхон мадрасаси қурилди.

1669-1671 йй. — элчилар ака-ука Пазухинларнинг Бухоро хонлигида бўлиши.

1681 й. — Қорақалпоқларнинг Субҳонқулихонга қарши қўзғалони.

1645-1724 йй. — шоир Сўфи Оллоёр ҳаёти ва фаолияти.

1685 й. — Хива хонининг Самарқандни эгаллаши.

1688 й. — Хива хонлигининг Бухоро хонлигига бўйсундирилиши.

1700 й. — Шохниёз жўнатган элчининг Россияга бориши.

1708 й. — Убайдуллахоннинг пул ислоҳоти ўтказиши.

1710 й. — Қўқон хонлигининг ташкил топиши.

1714-1717 йй. — Бекович-Черкасскийнинг Хива хонлигига қарши юриши.

1716 й. — Хонқули тўпчибоши бошчилигида Бухоро хони элчиларининг Россияга бориши.

1718-1724 йй. — Флорио Беневени элчилиги.

1722-1723 йй. — жунғорларнинг Ўрта Осиёга хужуми.

1740 й. — Нодиршоҳнинг Ўрта Осиёга юриши.

1741 й. — хиваликларнинг эронликларга қарши озодлик кураши.

1742 й. — Қорақалпоқ зодагонларининг Россия вассаллигига ўтиши.

1753-й. — Бухорода ҳокимият тепасига манғитлар келди.

1765 й. — Хивада Муҳаммад Амин Иноқ мадрасаси қурилди.

1770 й. — Хива хонлигида ҳокимиятни қўнғиротлар эгаллади.

1774-1776 йй. — Эрназар Мақсуд ўғли элчилигининг иккинчи бор Россияда бўлиши.

1825-1899 йй. — Комил Хоразмий Ниёзмухаммад ўғли яшаган йиллар.

1827-1828 йй. — қорақалпоқларнинг Ойдўстбий бошчилигидаги кўзғалони.

1827-1900 йй. — Бердимурод Қаргабой ўғли Бердақ ҳаёти ва ижодий фаолияти йиллари.

1839 й. — генерал Перовский бошчилигидаги рус қўшинларининг Хивага юриши.

1841-1842 йй. — инглиз жосуслари Стоддарт ва Коноллининг хонликларда бўлиши.

1842 й. — Амир Насруллонинг Қўқон хонлигини босиб олиши.

1847 й. — генерал Обручев Хиванинг Раим қалъасини эгаллади.

1850-1903 йй. — Муҳаммад Аминхўжа ўғли Муқимий яшаган йиллар.

1851-1914 йй. — жадидлар етакчиси Исмоил Гаспирали яшаган йиллар.

1853 й. — Перовский қўмондонлигидаги рус қўшинлари Оқмачит ҳарбий истеҳком қалъасини эгаллади.

1854 й. — Верний истеҳкоми руслар томонидан эгалланди.

1858-1909 йй. — Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат яшаган йиллар.

1864 й. — полковник Черняев қўшини Авлиёта қалъасни босиб олди.

1864 й. 12 июн — полковник Верёвкин қўшини Туркистон шаҳрини забт этди.

1864 й. 22 сентябр — Чимкентга рус қўшинлари иккинчи марта ҳужум бошлади ва босиб олди.

1865 й. 29 апрел — генерал Черняев Ниёзбек қалъасини босиб олди.

1865 й. 17 июн — Тошкент шаҳри қаттиқ жангдан кейин босиб олинди.

1866 й. — генерал Романовскийнинг қўшини Эржар ёнида амирлик қўшинларини тор-мор келтирди.

1866 й. 24 май — амирликнинг Хўжанд қалъаси эгалланди.

1866 й. 2 октябр — Ўратепа босиб олинди.

1866 й. 18 октябр — руслар Жиззахни босиб олди.

1867 й. 14 июл — подшо Александр II фармони билан Туркистон генерал-губернаторлиги ва Туркистон ҳарбий округи ташкил этилди.

1867 й. — Тошкентда метеорологик станция очилди.

1868 й. 1 май — Фон Кауфман қўмондонлигидаги қўшин Чўпонота тепалигини босиб олди.

1868 й. 2 май — руслар Самарқанд шаҳрини эгаллади.

1869 й. 23 июн — Зирабулоқ шартномаси тузилди. Амир Музаффархон подшога, вассал «ҳукмдорга» айланди.

1870 й. — Тошкентда кутубхона очилди.

1871 й. — Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси қурилди.

1873 й. — Чор Россияси қўшинларининг Хива хонлигига ҳужуми.

1873 й. 23 май — Хазорасп қалъаси босиб олинди.

1873 й. 29 май — Хива жанг билан эгалланди.

1873 й. 12 август — Гандамиён шарномаси тузилди ва Хива Россия вассалига айланди.

1873 й. — Туркистон генерал-губернаторлигига бўйсундирилган Амударё бўлими ташкил қилинди.

1809-1874 йй. — Муҳаммад Ризо Огаҳий яшаган йиллар.

1873-1876 йй. — Пўлатхон бошчилигидаги қўзғалон.

1876 й. 3 март — Қўқон хонлиги тугатилди.

1875 й. — Авлиёотада биринчи рус қишлоғи ташкил этилди.

1878-1919 йй. — Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг йирик вакили Маҳмудхўжа Беҳбудий яшаган йиллар.

1878-1931 йй. — жадидчилик ҳаракатининг ташкилотчиларидан бири Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли яшаган йиллар.

1879 й. — Тошкентда биринчи пахта тозалаш заводи ишга тушди.

1881 й. — Гўктепа қалъаси босиб олинди ва мудофаачилар бутунлай қириб ташланди.

1882-1883 йй. — подшо ҳукумати Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти фаолиятини текшириш учун Ф.К. Гирс бошчилигида комиссия жўнатди.

1882-1885 йй. — Фарғона водийсида деҳқонлар ҳаракати.

1884 й. — Тошкентда биринчи рус тузем мактаби очилди.

1885 й. — Бухорода Россия сиёсий агентлиги ташкилоти очилди.

1886 й. 12 июн — Туркистон ўлкасини бошқариш «Низоми» кучга кирди.

1886 й. — Муллақордан бошланган темир йўл Марвгача етказилди.

1886 й. — Фарғонада биринчи пахта тозалаш заводи ишга тушди.

1886-1939 йй. — жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаси Фитрат яшаган давр.

1889 й. — Туркистонда Россия Марказий банки бўлими очилди.

1892 й. — Тошкент кўзгалони.

1894-1940 йй. — ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий яшаган йиллар.

1896-1938 йй. — таниқли давлат арбоби Файзулла Хўжаев яшаган давр.

1897 й. — Андижонда биринчи янги усул мактаби очилди.

1898 й. май — Андижонда Дукчи Эшон кўзгалони.

1900 й. — «Устоди аввал» алифбо китоби нашр этилди.

1900-1906 йй. — Тошкент-Оренбург темир йўли қуриб ишга туширилди.

1909 й. — Тошкентда Мунаввар Қори бошчилигида Жамияти хайрия тузилди.

1910 й. — ёш бухороликлар партияси вужудга келди.

1912 й. — Тошкентда Сапёрлар кўзгалони.

1913й. — Тошкентда жадидларнинг «Тараққий-парварлар» ташкилоти тузилди.

1914 й. 26 июл — Туркистонда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

1914 й. — Хивада ёш хивалиқлар партияси шаклланди.

1916 й. 4 июл — Хўжанд қўзғалони.

1916 й. июл — Тошкент қўзғалони.

1916 й. июл — Жиззах қўзғалони.

1917 й. 28 феврал — Россияда феврал инқилоби галаба қозонди.

1917 й. 13 март — Тошкентда «Шўрои Исломия» ташкилоти тузилди.

1917 й. 16-23 апрел — Бутунтуркистон мусулмонларининг I қурултойи бўлиб, унда Туркистон мусулмонлари кенгаши ташкил этилди.

1917 й. 26 апрел — Хива хонлигида Мажлис (маҳкамани адлия) тузилди.

1917 й. июн — «Шўрои Уламо» ташкилоти тузилди.

1917 й. 17-20 сентябр — Тошкентда Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларининг қурултойи бўлиб, унда «Иттифоқи муслимин» тузилди.

1917 й. 1 ноябр — Тошкентда большевиклар зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллади.

1917 й. 26-28 ноябр — Кўконда Бутунтуркистон мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи бўлди ва Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилди.

1918 й. 22 феврал — Туркистон Мухторияти ҳукумати қизил аскарлар ва дашноқлар томонидан тор-мор этилди.

1918 й. февралнинг охири — Туркистонда совет тузумига қарши ҳаракатлар бошланди.

1918 й. март — «Колесов юриши» бўлди ва Бухоро амирлиги билан Туркистон республикаси ўртасида Қизилтепа битими имзоланди.

1918 й. 30 апрел — Туркистон автоном совет республикаси тузилди.

1919 й. март — Турор Рисқулов раислигида Туркистон ўлкаси мусулмонлар бюроси тузилди.

1919 й. 9 апрел — Жунаидхон билан совет Россияси ўртасида Тахта битими имзоланди.

1919 й. 22 октябр — Мадаминбек бошчилигида Фарғона муваққат мухторият ҳукумати тузилди.

1920 й. 2 феврал — Совет ҳукумати қўшинлари Хива шаҳрини босиб олди ва Хива хонлиги тугатилди.

1920 й. 26 апрел — Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилганлиги эълон қилинди.

1920 й. 3 май — Шермуҳаммадбек бошчилигида Туркистон-турк мустақил ислом жумҳурияси тузилди.

1920 й. 2 сентябр — Туркфронт кўмондони М. Фрунзе бошчилигидаги қизил аскарлар Бухоро шаҳрини ишғол қилди ва Бухоро амирлиги тугатилди.

1920 й. 6-8 октябр — Бухоро Халқ Совети Республикаси тузилди.

1921 й. август — Бухорода Туркистон Миллий Бирлиги ташкилоти тузилди.

1923 й. март — Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши тузилди.

1925 й. 13 феврал — Ўзбекистон ССР тузилди.

1925 й. феврал — Қорақалпоғистон автоном вилояти (Қозоғистон АССР таркибида) тузилди.

1925-1929 йй. — Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти ўтказилди.

1927 й. — Ўзбекистон ССР Конституцияси қабул қилинди.

1927 й. — «Хужум» компанияси бошланди.

1929 й. охири — Мунаввар Қори бошчилигидаги «Миллий истиқлол» ташкилоти аъзолари қатағон қилинди.

1930-1932 йй. — Ўзбекистонда ўзига тўқ хўжаликлар «қулоқ» сифатида тугатилиб, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш амалга оширилди.

1932 й. март — Ўзбекистон ССР МИК хузурида Фанлар комитети ташкил қилинди.

1934 й. март — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тузилди.

1935 й. — Туркистон минтақасида совет ҳокимиятига қарши ҳаракат мағлубиятга учради.

1937 й. 23 март — Қорақалпоғистон АССР Конституцияси қабул қилиниб, ҚҚАССР Ўзбекистон таркибига кирди.

1937-1938 йй. — мустабид совет режими Ўзбекистонда оммавий равишда қатагонлар ўтказди.

1939 й. 1 август-15 сентябр — Катта Фарғона канали қазилди.

1941 й. 22 июн-1945 й. 9 май — Ўзбекистон халқлари Германия фашизмига қарши урушда иштирок этдилар.

1943 й. 4 ноябр — Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилди.

1943-1944 йй. — Ўзбекистонга қрим татарлари, чеченлар, ингушлар, болқарлар, понтия греклари ва месхети турклар кўчирилди.

1944 й. январ — Республика пахтакорларининг биринчи қурултойи.

1949-1952 йй. — кўпгина машҳур ўзбек ижодий зиёлилари асоссиз қатагон қилинди.

1950-60 йй. — Ўзбекистонда кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш чоралари кўрилди.

1951-1954 йй. — Тошкент ботаника боғи яратилди.

1956 й. 5 ноябр — Ўрта Осиёда биринчи Тошкент телемаркази ишга тушди.

1958-1960 йй. — Жарқоқ — Бухоро — Самарқанд — Тошкент магистрал газ қувири қурилди.

1959-1965 йй. — 450 дан зиёд саноат корхоналари ишга туширилди.

1963 й. — Бухоро-Урал газ қувири ишга туширилди.

1965 й. — Аму-Бухоро канали қурилди.

1966 й. 26 апрел — Тошкент шаҳрида кучли zilзила бўлди.

1967 й. — дунёдаги энг узун Ўрта Осиё-Марказ газ қувири қурилди.

1969 й. — «Ташавтомаш» заводи базасида Тошкент трактор заводи барпо этилди.

1977 й. 6 ноябр — Тошкент метрополитенининг биринчи навбати ишга тушди.

1984-1989 йй. — «Пахта иши» натижасида Ўзбекистонда ўн минлаб кишилар қатагон қилинди.

1985-1990 йй. — қайта қуриш йиллари.

1989 й. 21 октябр — «Ўзбекистон ССРнинг давлати тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинди.

1990 й. 24 март — И.А. Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1990 й. 20 июн — Ўзбекистон ССР Олий Совети «Мустақиллик Декларацияси»ни қабул қилди.

1991 й. 31 август — Ўзбекистон Олий Кенгаши «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» Қонун қабул қилди.

1991 й. 1 сентябр — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни, деб эълон қилинди.

1991 й. 1 ноябр — Ўзбекистон халқ демократик партияси ташкил топди.

1991 й. 18 ноябр — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасдиқланди.

1991 й. 29 декабр — И. Каримов муқобиллик асосида Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди.

1992 й. 14 январ — Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлари ташкил этилди.

1992 й. 2 март — Ўзбекистон БМТ аъзолигига қабул қилинди.

1992 й. май — «Ватан тараққиёти» партияси ташкил топди.

1992 й. 2 июл — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинди.

1992 й. 28 ноябр — Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг аъзоси бўлди.

1992 й. 8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

1992 й. 10 декабр — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинди.

1993 й. — Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлигида олтин қазиб олиш бўйича «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ташкил этилди.

1993 й. 7 май — I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди.

1994 й. 5 май — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин юлдуз» медали таъсис этилди.

1994 й. 5 май — «Мустақиллик ордени», «Дўстлик» ордени ҳамда «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари таъсис этилди.

1994 й. 1 июл — Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — Сўм муомалага киритилди.

1995 й. 18 феврал — «Адолат» социал-демократик партияси ташкил топди.

1995 й. 29 март — Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссия референдум яқунлари тўғрисида қарор қабул қилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ваколат муддати умумхалқ овоз бериши натижасида 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилди.

1995 й. 6 май — «Меҳнат шуҳрати», I ва II даражали «Шон шараф» орденилари таъсис этилди.

1995 й. 3 июн — Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати ташкил топди.

1996 й. — Амир Темури йили.

1996 й. 26 апрел — «Амир Темури» ордени таъсис этилди.

1996 й. 19 июл — Асакада «ЎзДЭУавто» заводи-нинг расмий очилиши бўлди.

1996 й. 28 август — Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари «Амир Темури» орденилари билан мукофотланди.

1996 й. 21 октябр — Тошкентда Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикалари Президентлари олий даражадаги учрашувида Тошкент Декларацияси имзоланди.

1997 й. октябр — Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги нишонланди.

1997 й. — Президент И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,

барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари нашр этилди.

1998 й. 28 декабр — «Фидокорлар» партияси ташкил топди.

1998 й. И.А. Каримовни «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли китоби нашрдан чиқди.

1998 й. 24 октябр — Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейи тантанали равишда нишонланди.

1998 й. 23 октябр — Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги нишонланди.

1999 й. 15 март — Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигида «Sam Koch avto» корхонаси ишга тушди.

1999 й. 24 апрел — Ўзбекистон Грузия, Озарбайжон, Украина, Молдовия аъзо бўлган, ҳозирда «Гууам», деб юритиладиган иқтисодий ташкилотга аъзо бўлди.

1999 й. 5 ноябр — ватандошимиз, мўғулларга қарши курашган Жалолиддин Мангубердиннинг Хива тупроғида 800 йиллик юбилейи нишонланди.

1999 й. — И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» номли китоби нашрдан чиқди.

2000 й. 9 феврал — Шаҳрисабзда Амир Темурнинг таваллуди нишонланди.

2000 й. 14 апрел — «Ватан тараққиёти» ва «Фидокорлар» партиясини қўшма қурултойи бўлиб ўтди. Икки партия бирлашиб, «Фидокорлар» миллий демократик партияси тузилди.

2000 й. 12 май — Тошкентнинг Юнусобод мавзеида истиқлол курашчиларига атаб «Шаҳидлар майдони» очилди.

2001 й. ноябр — «Авесто» китобининг 2700 йиллиги нишонланди.

2002 й. — Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи тантанали нишонланди.

2002 й. 31 август — Тошкентнинг Юнусобод мавзеида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи очилди.

ФҲИДЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- Каримов И.А.** Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992
- Каримов И.А.** Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., «Ўзбекистон», 1993.
- Каримов И. А.** Истиқдол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994.
- Каримов И.А.** Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И.А.** Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И.А.** Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3, Т., «Ўзбекистон», 1996.
- Каримов И.А.** Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., «Ўзбекистон», 1997.
- Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
- Каримов И.А.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ», 1998.
- Каримов И.А.** Маънавий юксалиш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1998.
- Каримов И.А.** Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1999.
- Каримов И.А.** Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. Т., «Ўзбекистон», 1999.
- Каримов И.А.** Олий Мажлис II чақириқ I сессияси 2-йиғилишида сўзлаган нутқи. «Ўзбекистон овози», 12 феврал, 2000.
- Абаев В.И.** Миф и история в Гатах Зороастра. В кн.: Историко-филологические исследования. М., 1974.
- Абдуллаев Р.** Миллий сиёсий ғоялар тарихидан // Инсон ва сиёсат, 1991, № 9, 87-94-бетлар.
- Абдулхамидов А.** Орошение в предгорьях Узбекистана. Т., 1990.
- Абдураимов М.А.** Очерк аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI в. — первой половине XIX века, т. I. Т., 1966.
- Абу Райхон Беруний.** Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. Т., «Фан», 1968.
- Авесто.** Яшт китоби-Т., «Шарқ», 2001.
- Алексеев В.П., Першица А.И.** История первобытного общества. М., 1990.
- Алимова Д.А.** ва б. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Т., «Шарқ», 2000.
- Алимова Д.А.** Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. Т., «Ўзбекистон», 2000.
- Алимова Д.А., Голованов А.А.** Ўзбекистон мустақил совет тузumi даврида: сиёсий ва мафкуравий таъйиқ оқибатлари. Т., «Ўзбекистон», 2000.
- Алимова Д., Голованов А.** Ўзбекистон в 1917-1990 годы противоборство идей и идеологий. Ташкент, 2002.
- Амир Сайид Олимхон Бухоро халқининг ҳасрати тарихи.** Т., «Фан», 1991.

- Амир Темур жаҳон тарихида. Т., «Шарқ», 1996.
- Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т., «Ўзбекистон», 1997.
- Арриан. Поход Александра. Перевод М.Е. Сергеевко. М., Л., 1962.
- Арциховский А. Археология асослари. Т., 1970.
- Археологлар ҳикоя қиладди. Муаллифлар жамоаси. Т., 1976.
- Асқаров А.А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Т., 1973.
- Асқаров А.А. Саппалитела. Т., 1978.
- Асқаров А. Энг қадимий шаҳар. Т., «Маънавият», 2001.
- Ахмедов В.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т., 1991.
- Ахмедов Б.А. Ўзбек улуси. Т., 1991.
- Ахмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. Т., 1994.
- Аъзамова Г. Сўнги ўрта асрлар ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо. Т., «Ўзбекистон», 2000.
- Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. Т., «Маънавият», 2000.
- Ахмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур. Т., «Университет», 1999.
- Ахмедов С., Ражабов Қ. Жадидчилик Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.3, Т., 2002.
- Бартольд В.В. Бактрия, Балх и Тохаристан. Соч., т. 7, М., 1972.
- Бартольд В.В. Согд. Соч., т.3, М., 1965.
- Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч., т. 1, М., 1963.
- Бердяев Н. Смысл истории. М.: Мысл, 1990.
- Бехбудий. Танланган асарлар. Т., «Маънавият», 1999.
- Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. М., 1986.
- Бичурин Н. Я. Собрания сведений о народах Средней Азии в древние времена. т.1-3. М., Л., 1950.
- Бойс М. Зороастрийцў. Верование и обычаи. М., 1987.
- Борисовский И.И. Древнейшее прошлое человечества. М., 1980.
- Бунёдлов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). Т., Гофур Фулом нашриёти, 1998.
- Бухоро тарихи саҳифалари. Бухоро, 1998.
- Бухоро Шарқ дурдонаси. Т., «Шарқ», 1997.
- Валидий. Бўлинганни бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар. Т., «Адолат», 1997.
- Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т., 1991.
- Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. Т., 1960.
- Гафуров Б.Г., Цибукидис Д.О. Александр Македонский и Восток. М., 1980.
- Геродот. История в девяти книгах. Перевод и примечания Г.А. Стратановского. Л., 1972.
- Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. Т., «Фан», 1992.
- Гумилев Л.Н. Древние тюрки., М., 1967.
- Гумилев Л.Н. Эфталиты и их соседи в IV в. — ВДИ, 1959. № 1.

- Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы. М., 1985.
- Дандамаев М.А. Лукония В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. М., 1980.
- Дьяконов И.М. История Мидии от древнейших времен до конца IV в. до н. э. М. — Л., 1956.
- Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира. В кн.: «История иранского государства». М., 1971.
- Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар). Даврий тўплам № 1. Т., «Университет», 1999.
- Жалолiddин Мангуберди. Т., «Шарқ», 1999.
- Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. М., Л., 1962.
- Зеймаль Е.В. Амударьинский клад. Л., 1979.
- Зиёев Х.З. Ўрта Осиё ва Сибир (XV-XIX асрлар) Т., 1962.
- Зиёев Х.З. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари. Т., 1965.
- Зиёев Х.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., «Шарқ», 1998.
- Зиёев Х.З. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. Т., 2001.
- Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). Т., «Шарқ», 2000.
- Зиёева Д. Туркистон миллий озолиқ ҳаракати. Т., Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
- Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I-II китоблар. Т., 1992.
- Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... Т., «Шарқ», 1999.
- Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Т., 1993.
- Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI- середина XIX в.) М., 1958.
- Из истории общественно-философской мысли в Узбекистане. Коллектив авторов. Т., 1977.
- Исламов У. Пещера Мачай. Т., 1975.
- Исламов У., Тимофеев В. Культура каменного века Центральной Фергану. Т., 1986.
- Исомиддинов М. Сополга битилган тарих. Т., 1993.
- Исомиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Еркурган. Т., 1984.
- Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. Т., «Университет», 2002.
- Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Т., «Фан», 1992.
- История Бухары. Т., «Фан» 1976.
- История Хорезма. Т., «Фан» 1977.
- История Узбекистана. Т. III (XVI-первая половина XIX века). Коллектив авторов. Т., «Фан» 1993.
- История Узбекистана в источниках. Составитель Б.В. Лунин. Т., «Фан», 1984.
- История Узбекистана в источниках (VII-XVIII вв.). Составитель Б.В. Лунин. Т., «Фан», 1988.

Итина М.А. История степных племен южного Приаралья. М., 1977.

Йўлдошев М. Хива хонлигида ер эгаллиги ва давлат тузилиши. Т., 1959.

Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.). М., 1977.

Кабиров А. Сармишсойнинг қоятошларидаги расмлар. Т., 1976.

Кабиров Ж., Сағдуллаев А. Урта Осиё археологияси. Т., 1990.

Кадырова Т.К. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане в VIII- начале IX вв. Т., 1965.

Камалиддинов Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-начала XIII вв. Т., «Ўзбекистон», 1996.

Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. Т., 1994.

Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. Под ред. В.С. Соколова. М., Наука, 1963.

Клавихо Р.Г. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). М., 1970.

Кляшгорный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. М., 1964.

Литвинский Б.А., Соловьев В.В. Средневековая культура Тохаристана. М., 1985.

Лукин С.В. Города Южного Согда в VIII-XII вв. Т., 1984.

Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. Пер. Б.А. Ахмедова. Т., «Фан», 1977.

Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М. — Л., 1959.

Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргиану. МИА. 1959, № 73.

Массон В.М. Страна тысячи городов. М., 1966.

Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. М., Наука, 1964.

Массон М.Е. Средневековые торговые пути из Мерва в Хорезм и в Мавераннахр. Труды ЮТАКЭ, т. УП. Ашхабад, 1966.

Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. Т., 1973.

Мещ А. Мусульманский ренессанс. М., 1973.

Миллий истиклол гоysis: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000.

Мозийдан таралган зиё. Имом ал-Бухорий. Т., «Шарқ», 1998.

Муаммар ал-Каззофи. Яшил китоб. Т., 1992.

Муъинов А. Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т., 1993.

Мунаввар Қори Абдурашидхонев. Хотираларимдан. Нашрга тайёрловчи С. Холбоев. — Т., «Шарқ», 2001.

Муртазаева Р.Х. К вопросу идеологии независимости в Республике Узбекистан. Тезисы докладов Международной научной конференции. Ташкент, 15-17 апреля, 1997.

- Муртазаева Р.Х.** ва б. Ўзбекистон тарихи (Маърузалар матни). Т., 2000.
- Мусбюро РКП (б)** в Туркестане, 1,2 и 3 Туркестанские Краевые Конференции РКП 1919-1920 гг. введением тов. Рыскулова. Т., Туркгосиздат, 1922. — 92 с.
- Муस्ताбид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати:** тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Т., «Шарқ», 2000.
- Мустафа Чокай оғли.** Туркестан под властью Советов (К характеристике диктатуры пролетариата). Париж, Яш Туркестан, 1935.
- Мустафо Чўқай ўғли.** Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). — Т., Гафур Фулом нашриёти, 1992.
- Муҳаммаджонов А.Р.** Қадимги Бухоро. Т., «Фан» 1991.
- Муҳаммаджонов А.Р., Нейматов Т.И.** Бухоро ва Хеваннинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. Т., 1957.
- Муҳитдинов Н.** Кремлда ўтган йилларим. 1-китоб. Т., «Ўзбекистон», 1995.
- Муҳаммаджонов А.Р.** Қадимги Тошкент. Т., 1988.
- Набиев Р.** XIV асрда Ўрта Осиёда сарбадорлар кўзғолони. Т., 1942.
- Наршахий.** Бухоро тарихи. Т., «Фан» 1966.
- Негматов Н.Н.** Государство Саманидов. Душанбе, 1977.
- Независимость и история:** новые подходы к изучению истории Узбекистана. — Т., «Университет», 1997.
- Неразик А.Е.** Сельские поселения Афригидского Хорезма. М., 1966.
- Низомиддинов И.** XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон муносабатлари. Т., 1966.
- Нильсен В.А.** Становление феодальной архитектуры Средней Азии (V-VIII вв.). Т., 1966.
- Низомулмулк.** Сиёсатнома. Т., «Адолат», 1997.
- Норкулов Н.** Беруний ва Хоразм. Т., «Фан», 1973.
- Норкулов Н.К.** Темурийлар маданияти тарихидан лавҳалар. Урганч, 1966.
- Окладников А.П.** Палеолит и мезолит Средней Азии. «Средняя Азия в эпоху камня и бронзы». М. Л., 1966.
- Оранский И.М.** Иранские языки в историческом отношении. М., 1979.
- Ота-Мирзаев О.** Миллий аҳоли сиёсати. Мустақиллик бу ҳуқуқ. Т., «Ўзбекистон».
- Очерки хозяйственной жизни Туркеспублики.** Т., изд ЦСНХ, 1920.
- Отанин Л.В., Зезенкова В. Я.** Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данных антропологии. Т., 1953.
- Пигулевская Н.В.** Маздакидское движение. «Известия АН СССР». Отделение истории и философии, т., I, № 3, 1949.

- Пидасев Ш.Р. Поселения кушанского времени Северной Бактрии. Т., 1978.
- Пидасев Ш.Р. Сирли кушонлар салтанати. Т., 1990.
- Пидасев Ш.Р. Қадимги Термез. Т., 2001.
- Пилишко В.Н. Поселения северо-западной Бактрии. Ашхабад. 1985.
- Полвонов Н. «Ёш хиваликлар» партияси тарихини ўрганишда Полвоновиёз Хожи Юсулов «Хотиралар»нинг аҳамияти. / «ЎЗМУ хабарлари», 2000 йил, 4 сон.
- Пугаченкова Г.А. Пути развития Южного Туркменистана поры рабовладения и феодализма. М., 1958.
- Пугаченкова Г.А. Халчаюн. Т., 1966.
- Пугаченкова Г.А. Термез, Шахрисабз, Хива. М., 1976.
- Пугаченкова Г.А. Искусство Бактрии эпохи Кушан. М., 1979.
- Пугаченкова Г.А. Шедевры Средней Азии. Т., 1986.
- Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. М., 1982.
- Пугаченкова Г.А., Ргвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Т., 1990.
- Пьянков И.В. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. Душанбе, 1975.
- Рашиданов П. Қашқадарё тарихи. Т., «Фан», 1995.
- Радкевич В.А. Великий шелковый путь. М., 1990.
- Ражабова Р.Ё. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йиллар). Т., «Ўқитувчи», 1994.
- Раджапова Р. Я. и др. История Узбекистана (1917-1993 гг.). Т., «Ўқитувчи», 1995.
- Ражабов Қ. К. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар. Т., «Ўзбекистон», 2000.
- Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т. «Маънавият», 2002.
- Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 й.). Т., «Университет», 2002.
- Ризасев Ш. Жалил драмаси. Т., «Шарқ», 1997.
- Ргвеладзе Э.В. «Ўрта Осиёнинг қадимги тангалари». Т., 1987.
- Ргвеладзе Э.В., Лившиц В.А. Памятники древней письменности. Т., 1985.
- Ргвеладзе Э.В., сагдуллаев А.С. Памятники минувших веков. Т., 1986.
- Ргвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 1999.
- Ргвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Т., «Адолат», 2001.
- Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Часть I. 1917-1919 гг. — Т., Уз ГИЗ, 1925.
- Рыскулов Т.Р. Собрание сочинений в трёх томах. — Т.1. — Алматы, Казакстан, 1997.

- Саидов А, Султонов С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. Т., «Адолат», 1996.
- Саидов А. Сайлов ҳуқуқи, ўқув қўлланмаси Т., 1999.
- Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). — М., Госиздат, 1921.
- Самарқанд тарихи. I-II томлар. Т., «Фан» 1971.
- Сагдуллаев А.С. Усадбы древней Бактрии. Т., 1987.
- Сагдуллаев А.С. Огненные стрелы. Т., 1993.
- Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т., 1996.
- Сагдуллаев А.С., Эшов Б. Заратуштра — ҳақиқатми ё афсона? Фан ва турмуш, 1995, 4-сон.
- Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Х., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият қуриш тараққиёти. Т., 2000.
- Сарнианиди В.А. Древние земледельцы Афганистана. М., 1977.
- Ставиский Б. Я. Средняя Азия в кушанский период. М., 1963.
- Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. М., 1970.
- Страбон. География в 17 книгах. Пер. Г.А. Страгановского. М., 1964.
- Струве В.В. Поход Дария I на саков-массагетов. В. кн. «Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии». М., 1968.
- Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографический очерк). Т., 1958.
- Сулаймонова Ф. Шарқ ва Фарб. Т., «Фан», 1991.
- Тарн К. Эллинистическая цивилизация. Пер. с англ. С.А. Ляковского. М., 1949.
- Тайлор Э.Б. Первобытная культура. Пер. с англ. Д.А. Коропчевского. М., 1989.
- Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. Т., «Академия», 2001.
- Тарих шохиллиги ва сабоқлари. Т., «Шарқ», 2001.
- Темур ва Улугбек даври тарихи. Т., «Қомуслар бош таҳририяти», 1996.
- Темур даврининг меъморий қаҳқашони. Т., «Шарқ», 1996.
- Тереножкин А.И. Согд и Чач. — КСИИМК, вып. XXXIII. 1950.
- ТошДУ илм ва маърифат маскани. Т., «Университет», 1995.
- Тойнби А. Дж. Постигение истории. сб. — М.: Прогресс, 1991.
- Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М., 1962.
- Толстов С.П. Қадимги Хоразм маланиятини излаб. Т., 1964.
- Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р. Я. Раджапова. Т., «Шарқ», 2000.
- Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Т., «Фан», 1996.
- Уманский Я. Ўзбекистон Республикаси: миллатлараро муносабатларнинг тараққиёти // Ижтимоий фикр, 1998. №1, 31 б.
- Умняков И.И. Тохары и тохарский вопрос. Тр. Уз. ГУ. Новая серия, № 31.
- Усмон Турон. Туркий халқлар мафқураси. Т., «Чулпон», 1995.
- Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. I-т. Т., «Фан», 1976.
- Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. Т., «Фан», 1997.
- Фитрат. Танланган асарлар. I-т. Т., «Маънавият», 2000.

- Фитрат.** Танланган асарлар. 2-т. Т., «Маънавият», 2000.
- Фрай Р.** Наследие Ирана. Пер. с англ. В.А. Лившица и Е.В. Зеймаль. М., 1972.
- Хасанов Б.В.** Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917-начала 50-х годов. Т., 2000.
- Хасанов Х.** Урта Осиёлик географ ва сайёҳлар. Т., 1964.
- Хива минг гумбаз шаҳри.** Т., «Фан», 1997.
- Хлопон И.Н.** Историческая география южных областей Средней Азии (античность и раннее средневековье). Ашхабад, 1983.
- Ходжайов Т.К.** К палеантропологии древнего Узбекистана. Т., 1980.
- Ходжайов Т.К.** Ўзбек халқи этногенези тарихидан. Т., «Университет», 1995.
- Ходжанов С.** К 10-летию Туркестанской советской автономии Туркестана. — Т., изд. «Правда Востока», 1928.
- Хоразм тарихи.** 1-2-т. Урганч, «Хоразм», 1997.
- Хусанов О.** Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият (хукуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар) Т., 1996 й.
- Хусанов О.** Фуқаролик ўз-ўзи бошқариши, хукуқий демократик ислохотлар. Т., «Ўзбекистон», 1997й.
- Чебоксаров Н.Н., Чебоксарова И.А.** Народы, расы, культуры. М., 1985.
- Чориев А.** Миллий истиқлол мафқураси ва унинг асосий хусусиятлари. «Мулоқот», №4, 1996.
- Чулпон.** Гузал Туркистон. — Т., «Маънавият», 1997.
- Шаҳобиддин Яссавий Исмоилшайх ўғли.** Turkistan Acciq Haqiqat-lari. Истанбул, 1984.
- Шамсутдинов Р.** Ўзбекистонда советларнинг кулоқдаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. Т., «Шарқ», 2001.
- Шамсутдинов Р.** Истиқлол йўлида шахид кетганлар. Т., «Шарқ», 2001.
- Шарафуддин Али Яздий.** Зафарнома. Т., «Шарқ», 1997.
- Шокиёзов К.Ш.** Қанг давлати ва қангиллар. Т., 1990.
- Шокиёзов К.Ш.** Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т., «Шарқ», 2001.
- Шипкин В.А.** Архитектурные памятники Бухары. Т., 1936.
- Шипкин В.А.** Варахша. Т., «Фан», 1963.
- Ширшов Т.** Орудия производства и оружие эпохи бронзы среднеазиатского Междуречья. Т., «Фан», 1986.
- Эгамназаров А.** «Бу кимнинг ташвиши?» «Шарқ юлдузи» 1992 й, 10-сон, 140-147-б.
- Юсупов П.** Ёш хиваликлар тарихи (Хотиралар). — Урганч, «Хоразм», 2000.
- Юнусова Х.** Миллатлараро муносабатлар тарихидан // «Мулоқот», 2001 2-сон.
- Эшов Б.** Сўғдиёна тарихидан лавҳалар Т., «Университет» 2002.
- Якубовский А.Ю.** К вопросу об этногенезе узбекского народа. Т., 1941.
- Якубов Б.** Шаҳрисабз ва Китоб тарихидан. Қарши., Насаф, 1996.
- Ясперс К.** Смысл и назначение истории — М.: Изд. полит. литературы, 1991.
- Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар тарихидан.** Даврий тўплам. — Т., «Университет», 1998.

- Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Т., 2001.
- Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Т., «Элдимур», 1998.
- Ўзбекистон тарихи. 1-қисм. II наشري. (масъул муҳаррирлар А. Сағдуллаев, Б. Эшов) Т., «Университет», 1999.
- Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т., «Шарқ», 2000.
- Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т., «Шарқ», 2000.
- Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи Т., «Шарқ», 2000.
- Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар. Т., «Академия», 1998.
- Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-3-т. Т., ЎЗМЭ нашриёти, 2000-2002.
- Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. Т., «Қомуслар бош таҳририяти», 1997.
- Ўзбекистон тарихи (қисқача маълумотнома). Т., «Шарқ», 2000.
- Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам № 2. — Т., «Шарқ», 1999.
- Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси. Лойиҳа. «Ўзбекистон тарихи», 1999, 1-сон.
- Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. А.С. Сағдуллаев таҳрири остида. Т., «Шарқ», 1998.
- Қудратов С.С. Сардобалар ўлкаси. Т. 2001.
- Қудратов С.С. Ўрта Осиёда илк давлатларни пайдо бўлиши ва ривожланиши. Гулистон, 1999.
- Қорақалпоғистон тарихи (1917-1994 йй.). Нукус, 1995.
- Ғоибназаров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари. 20-йиллар таҳлили. Т., «Ўзбекистон», 1994.
- Ғуломов Я.Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т., 1959.
- Ғуломов Я.Я. Археология тарих фани хизматида. Т., «Фан», 1976.
- Ғуломов Я.Ғ., Исломов У., Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зерафшана. Т., 1966.
- Ҳайдаров М. Туркистонда совет ҳокимияти юритган сиёсатнинг маҳаллий аҳолига бўлган таъсири (1917-1924 й.) // ТошДУ хабарлари, 1998, № 1, 53-58-бетлар.
- Ҳайдаров М. ТАССР даврида совет ҳокимияти олиб борган сиёсат: тарих ва ҳақиқат. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар тарихидан. Т., «Университет», 1998, 44-52 бетлар.
- Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. I-II китоблар. Т., «Шарқ», 1999-2000.
- Ҳайит Ваъмирза. «Basmatçilar». Turkistan Milli Mücadele Tarihi (1917-1934). — Ankara, 1997. 367 S.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-мавзу. Ўзбекистон тарихи фани предмети, уни ўрганишнинг методологик тамойиллари, манбалари, объекти ва аҳамияти	7
Ўзбекистон тарихи фанининг фан сифатида тутган ўрни. Унинг ўрганиш предмети ва объекти.....	7
Ўзбекистон тарихи фанининг ғоявий-назарий асослари ва методологик тамойиллари.....	10
Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласи ва тарихни ўрганишда манбаларнинг аҳамияти.....	13
Ватан тарихини ўқитишнинг аҳамияти.....	16
I. ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВР	21
2-мавзу. Ўзбекистон инсоният тараққиётининг қадимги ўчоқларида бири	21
Инсониятнинг дастлабки аждодлари. Палеолит даври.....	21
Милоддан аввалги XII-IV минг йилликларда Ўрта Осиё.....	30
Ўбтидий тасвирий санъат. Бронза даври ютуқлари.....	39
3-мавзу. Ўзбек халқининг этник шаклланиши. Этногенез ва уни ўрганиш масалалари	45
Ўлкамиз ҳудудларидаги қадимги маҳаллий аҳоли ва ўзбек халқининг шаклланиш босқичлари.....	48
Ўрта асрлардаги этник-маданий жараёнлар. «Ўзбек» атамаси.....	55
4-мавзу. Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари	60
Илк давлатчиликнинг асосий омиллари. Дастлабки шаҳарсозлик маданияти.....	60
Илк давлатлар ҳақидаги ёзма манбалар. Қадимги аҳоли.....	64
Дастлабки давлатлар.....	71
Милоддан аввалги VI-IV асрларда Ўрта Осиё.....	77
«Авесто». Маданий ҳаёт.....	87
5-мавзу. Антик давр давлатлари. Буюк Ипак йўли, шаклланиши, ривожланиш босқичлари	91
Салавкийлар, Парфия ва Юнон-Бақтрия давлатлари.....	91
Қанг, Довон ва Кушон давлатлари.....	99
Буюк Ипак йўли. Маданий ҳаёт.....	110
II. ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ	119
6-мавзу. Эфталитлар, Туркий хоқонлик ва араблар истилоси даврида Ўрта Осиё	119
Милодий IV-VI асрлар Турон замини тарихи.....	119
Эфталитлар даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.....	124
Туркий хоқонлик ҳукмронлиги давридаги Ўрта Осиё.....	129
Ислом дини. Ўрта Осиёга араб босқинининг дастлабки даври. Қутайба юришлари.....	142

Араблар босиб олгандан кейин Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-сиёсий аҳвол. Халқ ҳаракатлари.....	153
Араб босқинига қарши халқ озодлик ҳаракатлари.....	156
7-мавзу. IX-XII асрларда ўзбек давлатчилиги. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.....	165
Тоҳирийлар ва Сомонийлар даврида Мовароуннаҳр.....	165
Сомонийлар ва Қорахонийлар ўртасидаги кураш.....	177
Ғазнавийлар ва Салжуқийлар.....	182
Хоразмшоҳлар даврида ўзбек давлатчилиги.....	185
8-мавзу. Урта Осиё халқлари ҳаётида IX-XII асрларда юз берган уйғониш даври. Фан ва маданият равнақи.....	191
IX-XII асрлар маданий юксалишининг шарт-шароитлари.....	191
Илм-фан.....	191
IX-XII асрларда ислом дини ва сўфийлик.....	208
Меъморчилик ва санъат.....	215
9-мавзу. Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши қуран. Жалолиддин Мангуберди.....	221
Мўғул давлатининг ташкил топиши. Чингизхон ва Хоразмшоҳ муносабатлари.....	221
Жалолиддин Мангуберди — юрт ҳимоячиси.....	240
Мўғуллар истилосидан кейинги сиёсий вазият. Чигатой улуси давридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, хўжалик аҳволи.....	252
XIII асрнинг иккинчи ярми XIV асрнинг биринчи ярмидаги маданий ҳаёт.....	263
10-мавзу. Амир Темур ва Темурийлар даврида ўзбек давлатчилиги. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт.....	268
Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиш учун кураши ва ҳарбий юришлари.....	268
Амир Темур вафотидан сўнг Темурийлар давлатидаги ижтимоий-сиёсий вазият.....	275
XV асрнинг 2-ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросон. Темурийлар салтанатининг инқирозга юз тутиши.....	286
Темурийлар ҳукмронлиги (1405-1506 йй.) даврида илм-фан ва маданий ҳаёт.....	289
11-мавзу. Туркистоннинг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари.....	299
XV аср охири-XVI аср бошларида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт. Шайбонийлар ва Аштархонийлар сулоласи.....	299
Бухоро амирлиги.....	314
Хива хонлиги.....	320
Қўқон хонлиги.....	329
III. ЧОРИЗМ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ.....	335
2-мавзу. Чор Россиясининг Туркистонни босиб олиши. Чоризм истибдодига қарши Туркистон халқларининг ийи-озодлик кураши. Жадиличлик.....	335
Жадиличлик ҳаракати.....	359

IV. ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТЛАР ҲУҚМРОНЛИГИ

ДАВРИДА	381
13-мавзу. Туркистонда мустабид совет ҳоқимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши курулли ҳаракат	381
1917 йил феврал инқилобининг Туркистонга таъсири. ✓	
Мухториятчилик ҳаракати.....	381
Октябр тўнтарыши. Туркистонда мустабид совет режимининг ўрнатилиши, большевикларнинг шовинистик сиёсати.....	385
Туркистон Мухторияти ҳуқумати ва унинг фаолияти. ✓.....	388
Туркистон минтақасида совет ҳоқимиятига қарши курулли ҳаракатнинг тарихий аҳамияти.....	395
Хива хонлигининг қизил армия томонидан тугатилиши. Хоразм Халқ Совет Республикасининг тузилиши ва ундаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар.....	409
Бухорога қизил армиянинг босқини ва амир ҳоқимиятининг ағдарилиши. Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ҳоқимият тизими ва ғоявий-сиёсий вазият.....	416
14-Мавзу. 20-30-йилларда совет ҳоқимиятининг Ўзбекистонда юритган иқтисодий ва маданий сиёсати, унинг мустамаккачилик моҳияти. Сиёсий қатағонлик	427
Ўзбекистонда совет ҳоқимиятининг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати моҳияти.....	427
Ўзбекистонда мустамаккачиликка асосланган иқтисодий сиёсатнинг оқибатлари.....	444
Ўзбекистонда «маданий инқилоб» ва унинг оқибатлари.....	452
Сиёсий қатағонлик.....	464
15-мавзу. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг фашизм устидан қозонган ғалабага қўшган ҳиссаси	472
Урушнинг бошланиши. Умумий ҳарбий сафарбарлик.....	472
Уруш йилларида Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги.....	482
Уруш йилларида фан ва маданият.....	489
Ўзбекистонликларнинг уруш жангоҳларида кўрсатган жасоратлари.....	494
16 мавзу. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий ҳаёти. Иқтисодий ва маънавий қарамликнинг оқибатлари	502
Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти.....	502
Республикада 1946-90-йиллардаги маънавий, маданий қарамлик ва унинг оқибатлари. Қатағонликнинг янги тўлқини. ✓	
	516
17-мавзу. Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва унинг тарихий аҳамияти	529
Мустақилликка эришув йўлида. ✓	
	529

И.А. Каримов — Ўзбекистон мустақиллигини асосчиси ва стақчиси.....	537
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.....	543
18-маву. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши.....	547
Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли. Сиссий ислоҳотлар.....	547
Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти асослари- нинг яратилиши.....	555
19-маву. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий, маънавий ва маданий тараққиёти.....	576
Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шақлланиши, унинг йўналишлари, босқичлари ва хусусиятлари.....	576
Иқтисодиётда юз берган тарихий ўзгаришлар, бозор инфратузилмасининг шақлланиши.....	582
Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, унинг вазифалари ва йўналишлари. Молия-банк тизими.....	589
Мустақиллик йилларида маънавий ва маърифий ҳаёт. Миллий истиқлол ғояси ва мафкуравий масалалар.....	593
Мустақиллик йилларида фан ва маданиятнинг ривожланиши.....	606
20-маву. Ўзбекистон ва Жаҳон ҳамжамияти.....	614
Ўзбекистонда тинчликсевар мустақил ташқи сиёсат ва унинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинishi.....	614
Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан иқтисодий-сиёсий алоқаларининг йўлга қўйилиши.....	620
Ўзбекистоннинг МДХдаги ўрни ва мавқеининг ошиб бориши.....	631
Ўзбекистоннинг Марказий Осиё республикалари билан ўзаро ҳамкорлиги.....	635
Хронологик жадвал.....	641
Фойдаланилган адабиётлар.....	662

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ
(Олий ўқув юртларининг номутахассис
факультетлари талабалари учун
дарслик)

Тошкент — 2003

Нашр учун масъул: *Н. Ҳалилов*
Таҳририят мудири: *М. Миркомиллов*
Муҳаррир: *А. Эшов*
Мусахҳиҳа: *О. Меденова*

Босишга рухсат этилди: 17.01.2003й. Бичими
84x108¹/₃₂ Офсет қоғози. Шартли босма табоғи 43,0
Нашр табоғи 42,3. Адади 1000. Буюртма__

«ЎАЖБНТ» Маркази, 700078, Тошкент,
Мустақиллик майдони, 5.

Андоза нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги «ЎАЖБНТ» Марказининг
компьютер бўлимида тайёрланди.

